

Бахтиёр ИСОҚОВ



ТАРИХ – ТАРБИЯ
ТАЯНЧИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ «ИБРАТ» АХБОРОТ, МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ДАМ ОЛИШ ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахтиёр ИСОҚОВ

ТАРИХ – ТАРБИЯ ТАЯНЧИ

*Ташкилот, корхона, ўқув муассасаларида ўтказиладиган
ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, даври
суҳбатлари ва мулоқотлар, таълим-тарбия ҳамда
тарғибот-ташвиқот жараёнида фойдаланиш учун
услубий қўлланма*

«Vodiy Media» нашриёти
Наманган – 2019

УЎК: 177.0

КБК: 60.52 (5 Ў36)

И – 8

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ниҳоятда ҳақли тарздаги таъбири билан ифодаланимизда, «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг, беҳад буюк аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, Худо хоҳласа, бутун дунё аҳли ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади».

Наманган вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши тарғибот гуруҳининг раҳбари, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази вилоят ҳудудий бўлини маси эксперти, Наманган Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ томонидан тайёрланган илмий ва оммабоп мақолаларнинг тўпламидан иборат бу услубий қўлланмада «Серқуёш хур ўлкам»из, бутун «Оламини маҳлиё айлаган диёр» – Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги даврининг айрим бир шонли ҳамда ниҳоятда оғриқли саҳифалари хусусида жонли ва барчамизга ибратли тарихий, ҳаётий мисоллар асосида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Қўлланма маънавият-маърифат тарғиботчилари, ўқитувчиларга, ўқувчилар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари номзоди, доцент А. Саримсоқов.

Такризчилар: тарих фанлари номзоди, доцент А. Исоқбоев,
тарих фанлари номзоди, доцент Н. Дехконов,
тарих фанлари номзоди, доцент З. Мадраҳимов,
тарих фанлари доктори (PhD) Б. Халмуратов.

Наманган Давлат университетининг Ижтимоий-иқтисодий факультети Архившунослик кафедрасининг 2019 йил 27 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган, ижобий баҳоланган ҳамда нашрга тавсия этилган (Баённома № 1).

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан «Тарихимиз беҳад олиб, буюк келажак қурамыз!» номли лойиҳа учун ажратилган 61-08/123-сонли давлат ҳисобига чоп этилди.


ISBN 978-9947-1-17-8-3

17-8-3

inv. № 246283

© Бахтиёр Исоков

© «Vodiy Media» нашриёти



• *Ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ҳамда маданиятига эгадир. Бу тарих, маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси бўлса, ҳақли равишда мана шу мамлакатнинг буюк халқи ҳисобланади.*

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи, давлат мустақиллиги ҳамда суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти эса бу ҳақиқатни таъин бир бора тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, бизнинг кўп миллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар ва беҳад оғир синовлар бўлганлигини барчамиз жуда ҳам яхши биламиз...

Аждодларимизнинг ёрқин хотирасини эса асраб-авайлаб, қалбимиз, юрагимизда абадий сақлаймиз. Биз букилмас ирода, фидойилик, юксак жасорат намуналарини амалда намоён этиб, ўзининг ҳаётини шу азиз Ватанимизнинг равақ топишига бағишлаган устозларимиз, мураббийларимиз ва замондошларимиз билан чексиз равишда фахрланамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

АХСИКЕНТ – «ФАРҒОНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ОНАСИ»

Барчамиз Наманган вилояти деганда, аввало, гўзал ҳамда бетакрор бир ўлкани, мана шу табаррук заминга улкан меҳр ва чексиз садоқат билан яшаётган... фидоий ва бағрикенг инсонларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу диёрдаги беҳад машҳур Ахсикент, Мунчоқтепа, Айритом, Муғтепа сингари меъморий ёдгорликлар ҳам ўтмишида бу ҳудудда ўзига хос цивилизация ҳамда бой маданият жадал ривожланганлигидан далолат беради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

XX аср буюк ўзбек адабиётининг биринчи устуни Абдулла Қодирийнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, «мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейдилар». Шу боис биз ҳам Сиз билан дилдан суҳбатнинг мавзуини жуда ҳам узок, кўхна мозийдан белгиладик.

Донишмандлардан бири фикрига кўра, «уйқуда ётган халқни уйғотмоқ учун аввало унинг уйқудаги тарихини уйғотмоқ зарур». Истиклолга эришилгандан сўнг элнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари ва тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ҳам йилдан-йилга ва кундан-кунга тобора ортиб бораётганлигини ўз кўзингиз билан яхши кўриб-билиб турибсиз. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, аجدодлари ҳамда ота-боболарининг кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлоғи, шаҳри, умуман, ўзининг Ота макони – Она Ватани чинакам, энг асл, бузилмаган ва сохталаштирилмаган тарихини жуда яхши билишни истайди.

Айнан шу боисдан ҳам чор Россиясининг босқинчи генерали М. Черняев, Туркистон ўлкаси қурол кучи билан босиб олингач, подшоҳга ёзган махфий хатларидан бирида мана бундай фикрини билдирганди. «Бу ерда ҳар қандай кўшинни тўзғитиб юборадиган бир беҳад қудратли куч бор: бу – туркистонликларнинг кечмиш

хотираси... Ҳар қандай кучни мағлуб этган миллат ҳозирда ҳам ҳар қандай ташаббусни синдириб ташлай олади. Демакки, уларни энгиш учун кечмиш хотираларини, тарихини ҳам энгмоқ керак».

Маҳмудхўжа Бехбудий «Тарих ва жўғрофия» номли асариди мана шундай деб ёзганди: «Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ даркор. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ёки тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ёхуд нопадид (мустамлака) бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Мусулмонлик қандай кўпайди ҳамда тараққий этди ва алоҳол на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Буни яхши билмоқ учун эса, албатта, тарихни ўқумоқ керак.

Хулоса: дину диёнатдан бохабар бўлмоқликни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумоқ керак. Чунки, ҳар нимарса ва шунинг асли ва наели айнан тарихдан билинур» («Тафаккур» ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнали, 2000, 2- сон, 55- бет).

Республика Геномика маркази раҳбари, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Иброҳимжон Абдурахмонов томонидан келтирилган бир далил барчамизга ғурур ва ифтихорни бағишлайди. Академикнинг бир бойсунлик шогирдининг гени бу дунёдаги энг қадимий ген бўлиб чиқибди! 120 минг ёшдаги ген айна бизнинг вакилимизда мавжуд экан! Европа-ю АҚШлик алломалар бу гапга ишонмай, қайтадан тадқиқот ўтказишган экан. Ростдан ҳам бутун жаҳондаги энг ёши улуг ген айнан ўзбек миллатининг вакилида яшаб келаётган экан! («Китоб дунёси» газетаси, 2018 йилнинг 10 январини).

Ҳозирда Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ота маконимиз – Она Ватанимиз нафақат Шарқ, шу билан бирга умумжаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганини бутун дунё тан олмоқда. Ота юртимиздан беҳад буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламо, сиёсатчилар, етук саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ҳам мана шу заминда яратилган ҳамда сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача ўзининг фаззини ва маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадим замондан Ота юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик,

меъморчилик ва шахарсозлик маданияти ўта юксақ бўлганидан далолатни беради. Бешафкат даврнинг қаттиқ синовларидан омон қолган, қадим тошёзувлар (петроглифлар), битиклардан тортиб, ҳозирги замонда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан зиёдроқ аждодларимиздан биз авлодларга мерос қўлёзма асарлар бекиёс даражадаги махзамимиз (маънавий бойлигимиз) ва ифтихоримиздир. Бунчалик даражада улкан меросга эга бўлган халқ эса бу дунёда жуда камдан-кам топилади. Маънавий меросга эгалик қилиш борасида жумлаи жаҳоннинг бармоқ билан санарли юртларигина Сиз ва бизнинг Ота Маконимиз билан, маълум бир даражада, бирозгина беллаша, баҳслаша олиши мумкин, холос.

Иоганн Готфрид Гердер (1744 – 1803)нинг жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинган «Инсоният фалсафаси тарихига оид ғоялар» китобидан (Москва, «Наука», 1977, 152- бет) бир ғоятда муҳим парчаси Сизнинг ҳам эътиборингизга ҳавола этилмоқда:

«...Ўзбек аёллари сарвқад ва жуда хушрўйдир... Улар совут кийиб ва камар боғлаб олиб эрлари билан ёнма-ён жангга киради; тимқора йирик-йирик кўзлари бўлса чинакамига жон олғувчидир – қадимги йилномалар ҳам шундан далолат беради. Бухорони ҳам айнан шу сабабдан беҳад улуғлаб, таърифу тавсиф қиладилар...

...Не бахтки, бизнинг Европа бу хушқелбат инсонлар макон тугган Заминдан унчалик ҳам узок тушмаган экан...

Дину санъат, илму фан – маданиятимизнинг бор-йўқ бисоти, бизнинг бугун шамғалат руҳимиз – биз улардан кўп ёки оз самара кўрган-кўрмаганимиздан катъи назар – барчаси ажойиб равишда тақомилга етган ана шу халқлардан келган тухфадир. Инсониятни безаши ва камол топтириши керак бўлган кадриятлар худди шу мамлакатларда қашф этилган ва синаб кўрилган. Агарда тақдири азалнинг топ-тоза нафаси бу руҳ гулларидан бизлар сари хуш бўй таратмаса, агарда ушбу халқларнинг ям-яшил новдалари бизнинг тарвақайлаб кетган бутокларимизга пайванд этилмаса ва йиллар, замонлар кечиши билан улар насл дарахтимиз танасини яшнатиб юбормаса эди, Европанинг шимолий юртлари халқлари ханузга қадар ҳам аввалгидек ёввойи бўлиб қолаверган бўлардилар...»

Қардош козоқнинг буюк оқини Абайнинг эътирофиниям ҳеч бир кимса, ҳеч қандай далил ҳамда ваз-қорсон билан ҳам инкор

этолмайди: «Ўзбеклар етиштирмайдиган, мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи ҳам мавжуд эмас... Ўтқир зехн, заковат, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси айнан ўзбекларга хос хусусиятлардир».

Қалмиқ адиби Давид Кугультинов айна юкоридаги хулосага тан бериб ва Абайга қўшилиб, шундай ёзганди: «Худо ўзбекларга сахий ҳамда туганмас ҳазина мисол замин, худди ана шу замин сингари сахий ҳамда мурувватли маънавият, гўзал тил ва бутун жаҳонга татигулик буюк маданият берди. Бунчалик беҳад улкан ва беқиёс муаззам маънавий меросга эгалик қилиш бўлса бутун заминнинг юзидаги бошқа бирон-бир халққа асло насиб этмаган».

Америкалик шоир ва мусаввир Роланд Кулланинг фикрича, «Бугун бу жаннатмонанд юртдан кетар эканман, мени икки нарса безовта қилаётир. Биринчиси, шундай ажойиб ўлкани тарк этиш кайғуси бўлса, иккинчиси, ушбу гўзал юртни яқинларимга қандай таърифлаб берар эканман ва сўзларим етармикин, деган хавотир. Чинданам бу ўлкани таърифлашга тил ожиз. Танги, содда, доимо кулиб турадиган бундай халқ фақат Ўзбекистонда яшайдигандай.

...Куёш мевали дарахтга ҳам, заҳарли алафга ҳам бир хилда нур сочади, ҳаёт бағишлайди. Ўзбеклар ҳам худди шундай – одам танламайди! Энди тушундим, юртимга қайтгач, ўзбеклар қандай экан, деб сўраган ўз яқинларимга ўзбек – куёшга кариндош халқ экан, деб жавоб бераман» («Китоб дунёси», 2019 йил, 23 январь).

Ривоят: Аллоҳ ўзи яратган барча халқларга макон улашиб бераётган экан. Қайси бир миллатга тоғлар ва қайсигадир боғлар, қайсисининг чекига эса чўлу саҳролар, денгизу дарёлар тушибди. Заминнинг парчалари ҳаммага тарқатиб бўлингач, энг охирида эса бағрикенглиги боис барча бесабр ва шошқалокларни бенавбат ўзидан олдинга ўтказиб юборган ўта сабр-қаноатли ўзбек бошини эгиб, салом бериб кириб келибди. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлоди бўлмиш ҳамма элатларга маконлар тарқатиб бўлинганди. Ўзбек Тангри таолога ҳовучи, дўпписи билан бўлсаям сув ташиб обод қилиш ва уни чинакам жаннатга айлангириш илинжида бир парчагина ерни ўтиниб сўраб, илтижо қилибди. Шунда эса ҳамма нарсаларни билгувчи, келажакни ҳам олдиндан бемалол кўргувчи

Аллох: «Майли, эй, суюкли бандам, сираям хафа бўлма, ўкинма, мен сенга бир жаннатмонанд жойни ажратиб бераман. Шу ерни сен ўзингга Ватан қилиб олгин, лекин бу чинакам олтин заминга кўзини олайтирувчи, таҳдид солувчи ва хуруж қилувчи кимсалар беҳудуд даражада кўп бўлади. Ўзингни, ўз уйингни, ўз юртингни ганим, ёв, ёғий, душманлардан эҳтиёт қил, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлагин!» – дебди. Бу ҳақиқатан жаннатнинг бир бўлаги бўлмиш беҳад меҳнаткаш ўзбек халқининг тақдири, пешонасига битилган замин – бизнинг Ота Юртимиз – Ўзбекистонимиз экан.

Юксак маънавий жасорат соҳиби Озод Шарафиддиновнинг таъбири билан айтганда, бугунги «ўзбек адабиётининг виждони», Ўзбекистон Республикасининг санъат арбоби, улуғ адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ўз тақдиридан шод ва миннатдор бўлиб, шундай ёзгандилар: «Баъзан хаяжонларимни яшира олмай қолган кезларим: агарда ҳамма кечирган кунларимни бир ерга йиғсам, сенинг Ўзбекистон, лоақал бир сониянгча бўлмас! – деб бор овоз билан ҳайқиргим келади. Кўксимдан отилиб келаётган сўзлар ва туйғуларни асло тўхтата олмайман: ЎЗБЕКИСТОН!

ТАН БЕРАМАН: СЕН ОТАСАН! ТАН БЕРАМАН: СЕН ОНАСАН! ТАН БЕРАМАН: СЕН МУРАББИЙСАН!

Завқ-шавқларга тўлиб ёш боладай санасам, сен ўнсан. Барча яхшиликларда ёнимда ўнгсан.

Менинг ҳаёт, тириклик ковурағаларим сенинг ўн ҳарфингдан пайдо бўлган: ЯЪНИ:

Ў – ўзлигим, ўктам забоним

З – зеби жаҳоним

Б – бағри кенг баланд осмоним

Е – етмиш минг асрнинг жонли садоси

К – кўзим қароси

И – иймон сафоси

С – сузугим

Т – тузугим

О – оромижоним

Н – Нону тузим – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Сен: ёлқиним, сен тўлқиним ва мени маъзур тутгайсан бу даражадаги беҳад кўтаринки сўзларим учун» (Ғафуров Иброҳим.

Таъланган асарлар: Мансуралар, ҳикоялар, бадиалар ва бошқа асарлар. – Т.: «Sharq», 2017, 494- бет).

Ўзликни англаш жараёни, энг аввало, тарихни билиш ва уни англашдан бошланади. Исботталаб бўлмаган бу ҳақиқат бугунги Ота маконимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз. Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан сираям кам сезмасдан, бошини баландроқ кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор ҳар қандай инсон – иродали инсон ҳисобланади. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ўтмишини ҳам билса, бундай одамларни йўлдан уриш, чалғитиш, турли-туман бегона, бузғунчи акидалар, гоълар ва мафкуралар таъсирига олиш мумкин эмас. Мозий сабоқлари бўлса ҳар қандай инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини эса мустаҳкамлайди. Инсон учун ўз тарихидан жудо бўлиш – амалда ҳаётдан жудо бўлиш ҳам демакдир. Бунисини эса ўзингиз ушбу битикларнинг муаллифидан ҳам яхшироқ ва теранроқ биласиз.

Келинг, мавриди келиб қолганлиги сабабли ҳам Ўзбекистон халқ ёзувчиси Немат Аминов бошига Она тарихимиздан фахр ва ғурур туфайли тушган таъна-маломатлар билан боғлиқ, ибратли бир битик билан асло шошилмасдан, бафуржа танишиб чиксак:

«1984 йили поездда содир бўлган бир воқеа эсимга тушади. Ўша пайтларда СССРнинг ҳар хил республикаларидан жамланган журналистлар гуруҳи сайёҳлик поездида Германия Демократик Республикасига сафарга кетаётгандик. Купеда бўлса бир грузин, бир арман ва яна ўрисчага мендан ҳам баттарроқ нўноқ бир эстон бор эди. Гапдан гап чиқиб келиб миллат ва унинг тарихига бориб тақалди. Ҳар ким ўзининг миллати билан фахрланарди. Мен ҳам ўзбек халқининг жуда қадимий тарихи, унинг ер юзидаги беҳад бой маданияти хусусида тўлқинланиб гапиргандим. Улар менга, бекорларни айтибсан, бу халқ инқилобдан кейин пайдо бўлган, у мутлако миллат эмас, дея таъна қила бошлашди. Амир Темур ва Алишер Навоий, Ибн Сино ва Беруний, Ал-Хоразмий ва Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз ҳақида роса куйиб-пишиб гапира бошладим. Улар чувиллашиб ва бараварига, Амир Темур ўзбек эмас, у – мўғул, қолаверса, татар; Беруний, Хоразмийлар –

араб олимлари, дея қарши ҳужумга ўтишди. Мен фактлар билан фикримни қизишиб исботлашга киришиб кетган чоғимда улардан кексароғи (Балоян дегани) жиддий туриб, «Ў йигитча, мен сизни таний олмаяпман, нималар деяпсиз ўзи, наҳотки сиз масъулиятли сафар олдидан шу хил миллатчилик туйғуларига берилиб кетиб, аллақандай қонхўр ва босқинчи подшолар хусусида фикр юритиб ўтирсангиз, бу киши яна совет журналисти эмиш, қайси тупроқда эканлигингизни асло унутманг, бунинг устига чет эл сафаридан юртимизга қайтиб келишингизни ҳам бир ўйлаб кўринг-а!» деди.

Чамамда бизни доим таъқиб қилиб юрадиган ёвуз бир шарпа чет эл тупроғида ҳам ўзини намोён этди. Ҳушёр тортдим. Бошқа ҳамроҳларим ҳам ер остидан бир-бирига қараб олгач, менга, энди қалайсан, дегандек астагина истехзоли жилмайиб қўйган эдилар.

Саёҳат ҳам татимади. Ўн икки кун бир йилгача чўзилгандек бўлди. Бу эса менинг хорижга килган биринчи ва сўнгги сафарим бўлганди» («Тафаккур» журнали, 1998 йил, 4- сон, 11- бет).

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг тарихини турли-туман бадбин таъсирлар ва тажовузлардан асраши даркор. Агар бизлар бепарво бўлсак, оғзимизни очиб, ўзимиз ва ўзгаларга маҳлиё бўлиб қараб тураверсак ҳар хил сохта ҳомийлар ва кучлар ҳам мавжудки, улар буюк тарихимизни бутунлай бузиб кўрсатадиган китобларни чоп этиб нашрдан чиқараверади. Ҳаттоки, чет элларда ҳам чиқариши мумкин. Дунёда дўст бор экан, турган гапки, ғанимларам бўлади. Бугунги кунда давлатчилик беҳад сиёсий масала бўлиб турибди.

Нимага деганда, қадимда Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик бўлмаган деб орқаваротдан ташвиқотлар юритаётган, бу фикрни онгимизга бир амаллаб сингдирмокчи бўлаётганлар, агарда керак бўлса, халқаро жамоатчиликни ҳам худди шунга ишонтиришга уринаётган ёвуз кучлар ҳали ҳам бор, келажакда ҳам бўлаверади. Чунки, бугун кўп кутбли дунёда Ота Маконимизнинг осмонида жаннатмонанд юртимизни ўз таъсир доирасига олишни кўзлаган қора, ола-була ва ҳатто, мовий рангдаги қузғунлар учиб юрибди. Бундай ёвуз ният ва мақсаддаги кучлар Ватанимизнинг тарихини бузиб кўрсатиш орқали онгимизга ва қалбимизга таҳдид солиб, ҳужум қилиб, ўзининг ашуласини айттириш, бизларни ўзининг

ғарбона ва ғарибона раксига муқом қилдиришга бетўхтов тарзда уринаётганлигини ўзингиз ҳам сезиб, кўриб-билиб турибсиз.

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугунги замонда бўлсин, бошқа миллат, бошқа давлатни ўзига қарам этиш мақсадида ҳаракат қилган ва килаётган кучлар доим бир сиёсатни юритганлар ва юритадилар: яъни, қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, уни ўзлигидан буткул жудо этиш. Чор Россияси генерали Скобелев ўз императорига мурожаатида шундай таклифни ёзган эди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра анча маданиятлироқ экан. Уларни сира бўйсундира олмаяпмиз... Бу халқнинг ўтмишда яратилган осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини ва диний китобларини ер ила буткул яқсон қилиб, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимизнинг остига олволишимиз мумкин».

Бундай ёвуз қарашлар ўтмишда доим бўлган, ҳозирги даврда ҳам бўляпти, турган гапки, яқин-узок келажакда ҳам бўлаверади.

Айнан шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ҳақли таъбири билан айтганда, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувватни оладиган халқни сира ҳам енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни қайтадан тиклашимиз ҳамда халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроқлаштиришимиз зарур».

Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётдан ҳам, илм-фанда ҳам вакуум – бўшлиқ бўлишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Яъни ўз ғоямиз бўлмаса, Ота юртимизга чет, бегона ғоялар ва мафқуралар кириб келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз ва элимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз ҳолисона ёзмасак, бошқалар ўзига маъқулроқ қилиб, турган гапки, бузиб ёзади. Ёзиш билан чекланиб қолмай, ўсиб келаётган ёш авлодни, ҳаттоки олимларимизни ҳам ўзининг қинғир-қийшиқ ва чанг-тўзонли йўл-йўриғига солишга уринади.

Сохталаштирилмаган ва ҳаққоний тарихгина элга маънавий куч-қудратни бахш этиб, унинг ғурурини уйғота олади. Миллий истиқлол ғояси асоси, замирида халқимизнинг ўзлигини англаши туйғуси ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса чинакам ўзликни англаш ҳам мутлақо мумкин эмаслигини яхши биласиз.

Сухбатимиз ибтидосида юкоридаги фикрни тасдиқлайдиган, бугун ва эртамизга дахлдор бир масалани эътиборингизга хавола этмок зарурияти туғилди. Бутун қадимият ҳамда илк ўрта асрлар давомида Марказий Осиё ҳамда Эроннинг этник жиҳатдан ўзаро тили ва дили яқин қабила уюшмалари, хусусан туркий ва эроний тилли этнослари бир яхлит дунёқараш, умумий тафаккур тарзи, минг йиллар давомида шаклланиб келган анъаналар, урф-одатлар маънавий илдишлари атрофида ўзаро боғланиб кетган бир ягона тизимига – турк-эрон суперэтносига айланиш даврини аста босиб ўтди. Бу суперэтноснинг тарихан мавжуд эканлигини турли хил йўллар билан сира ҳам ҳисобга олмаслик ва уни йўққа чиқаришга уринишларни аслида рус тарихшунослиги бошлаб берган эди-ю, уни совет мустабид даври тарихчилариям давом эттираверганди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса Марказий Осиёда туркий ва эроний этносларнинг маънавий жиҳатдан бирлиги, азал-азалдан битта суперэтник муҳитнинг икки тилда гапирувчи тармоқлари эканлигини хаспўшлаш эди. Чунки, туркий тилли ва эрон забон халқларнинг бирлик туйғуси ўша мустамлакачилик бошқарувига қарши улкан куч-қудратга айланиши ҳам мумкин эди-да. Ғоявий жиҳатдан уларни ўзаро ажратиб ташлаш ва бир-бирига қарама-қарши қўйиш мустамлакачиликнинг азалий ва абадий қондаси – «Бўлиб ташлаб – ҳукмрон қил!» – деган ўта қадимий ва навқирон тартибларига ҳамда ёвуз мақсадларига тўла-тўқис мос келар эди.

Шунинг учун ҳам бир бутун зардуштийлик дунёси билан боғлиқ урф-одатлар, ирим-сиримлар ва маросимлар тизимига эга бўлган туркий халқларни ўзининг Ватани, Ота юртида келгинди сифатида тасвирланган. Ҳаттоки шундай фундаментал нашрлар ҳам юзага келдики, туркий – эроний этносфера бўлган Марказий Осиё бошиданок фақатгина эроний этносларнинг макони қилиб кўрсатилган. Бундай ҳолат бўлса, бир томондан, миллатчилик ва шовинистик руҳни кучайтирса, иккинчи тарафдан бўлса туркий элларда ҳакли тарзда эътироз, норозилик, гина-кудурат ҳиссини туғдиради. Бугун эса бу ҳаракатлар орқали сепилган ёвузликнинг беғона уруғлари бўртиб қолиши эндигина миллий истиқлолини кўлга киритган бизнинг минтақа давлатлари учун жудаям хавфли эканлигини, уларнинг ўзаро бегонасираш, гина, нафрат, миллий

махдудлик ва миллий мактанчоклик руҳига хизмат қилиб, бутун борлиғи ва маънавий дунёси бир бўлган биродар халқларнинг ўртасига раҳна солиши мумкин эканлигини асло унутмаслигимиз шарт. Биринчи Президентимиз Ислоом Каримовнинг асосли ҳамда ҳақли таъбири билан айтганимизда эса, аслида «Ўзбек ва тожик – икки тилда сўзлашувчи битта халқ» ҳисобланади.

Бугунги кунда биз сира иккиланмасдан тарихимизда турк – эрон зардуштийлик дунёси сифатида шаклланган ҳамда ҳозирга қадар ўзининг кучини йўқотмасдан урф-одатларимиз ва тафаккур қатламларимизда ривожланиб келаётган турк – эрон суперэтник маданий дунёси ҳақидаги масалани қўйишга ҳақли ва асослимиз. Зеро, бу фикрнинг мақсади аслини унутишга қаратилган хатти-ҳаракатларга буткул барҳам бериб, Марказий Осиёда бир неча минг йиллардан буён тинч-тотувлик билан умргузаронлик қилиб келаётган ўзбеклар, тожик, туркман, қоракалпоқ, козок, қирғиз, яҳудий, татар ва бошқа халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига ҳамда руҳий жиҳадан янада кучлироқ жипслашувига хизмат қилади...

Агарда ёдингиздан унчалик кўтарилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоом Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида, «Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деган номни олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда жудаям чуқур из қолдирган шаҳар ҳамда қўрғонларнинг номларини улуглаш ва уларнинг ҳам қутлуғ саналарини жуда кенг миқёсда нишонлаш, буларнинг бари олдимизда турган вазифадир», деган орзу-ният ва фикр, янада ҳам аниқроғи, эзгу мақсад билдирилган эди.

Ушбу битиклар муаллифига вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши жамоатчилик тарғибот гуруҳининг раҳбари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси эксперти, НамДУ «Ахборот гуруҳи» раҳбари сифатида доимий равишда турли ташкилотлар, муассаса, корхоналар ва ўқув даргоҳларида бўлишига тўғри келади. Давра суҳбатлари, турли хил маънавий-маърифий тадбир ва мулоқотлар чоғида юртдошларимиз томонидан берилаётган ҳар хил саволлар орасида эса ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган

қадимги «Уммул шаҳри Фарғона», яъни, аслида келиб чиқиши косонсойлик, лекин Балхда яшаган ва ижод қилган улуғ муаррих Маҳмуд ибн Вали томонидан XVII асрнинг II ярмида яратилган қомусий китоб «Баҳр ул-асрор фи-маноқибул/ ахёр» (яъниким, «Яхшиларнинг таржимаи ҳоли ҳақида сирлар денгизи») деган ажойиб бир асарида кўрсатилганидек, «Фарғона шаҳарларининг онаси» – АХСИКЕНТ тарихига дахлдор бўлганлари ҳам кейинги даврларда анча кўпроқ учрайдиган бўлиб қолди. Бу элимизнинг ўз тарихига қизиқиши янада ортиб бораётганлигининг тагин бир далилидир. Кўпчилик суҳбатдошлар томонидан агарда Ахсикент тарихига доир саволларга қайтарилган барча жавоблар оқ қоғозга тушгудек бўлса, янада маъқулроқ бўлар эди, деган мулоҳазалар билдирилмоқда, таклиф-тавсиялар берилмоқда. Шу боисдан ҳам ушбу ёзувларни куюнчак ва қизиқувчан юртдошларимиз таклиф ҳамда тавсиялари ижроси сифатида қабул қилишингиз мумкин.

2001 йил 15 – 16 майида Наманганда «Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсикент» мавзuida 13- халқаро анжуман ўтказилган эди. Анжуманда бугунги кундаги «Ахсикент тарихининг чинакам оталаридан бири» (ибора бизники – Б. И.) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Яхё Ғуломов номидаги Археология институти директори ўринбосари, ҳозирда Тошкент бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори Абдулҳамид Анорбоевнинг маърузаси ҳам каттагина шов-шувларга ва Япония машҳур археологи олими Като Кюдзо (У 2016 йил сентябрида Сурхондарёда 94 ёшида вафот этган. Деярли 25 йил мобайнида фаолият кўрсатган буюк Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик ордени» билан тақдирланган эди. Ушбу ёзувлар муаллифи «Като ота» (мен унга шундай мурожаат қилардим) билан бир неча марта тарихимиз хусусида мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлган эди), франциялик олима Бертиль Лионет ва бошқаларнинг жуда юқори даражадаги баҳолари ҳамда эътирофига ҳам сазовор бўлганди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳақли таъбири билан айтилганида, «буюк маънавий жасорат соҳиби» бўлмиш академик Яхё Ғуломов мозийдан садо бергувчи археологик қазишмалар жараёнини ниҳоят даражадаги мураккаб жарроҳлик операцияси (амалиёти)га қиёслаган эди.

Бутун дунёнинг қадимшунос олимлари томонидан «иккинчи Афросиёб» сифатида ҳақли равишда эътироф этилган Ахсикент тарихи энг камида 3 минг йиллик кўҳна мозийнинг каърига бориб қадалиши хусусидаги далиллар эса ҳатто баъзи муаррихлар учун ҳам янгилик эди. Абдулхамид Анорбоев бир неча йиллардан буён шогирдлари (т.ф.н. Фарҳод Мақсудов, Шукрулло Насриддинов ва ўзга олимлар) билан француз, япон... археологлари ҳамкорлигида Ахсикентда жадал равишда жиддий қазилмалар олиб бормоқда.

Натижада эса, «Ахси – уммул шаҳри Фарғона» хусусидаги маълумотлар, далиллар янада аниқлашмоқда ва тиниқлашмоқда, тагин ҳам кўпаймоқда, хорижлик сайёҳларни ўзига чорламоқда.

Фарғона водийси бутун дунёда одамлар истиқомат қилиши, турмуш кечириши учун беҳад қулай (Қрим ва Швейцария билан бирга) учта асл фирдавсмонанд маконнинг бири ҳисобланади.

Водийда истиқомат қилувчи кишилар мардликда – қадимий спарталиклардан, шўхликда – габроволик ҳазилкашлардан ҳамда меҳнат соҳасида бўлса бир-биридан қолишмайди. Инсон ғоятда эъзозланади. Ўзбек, тожик, қирғиз... эканлигидан эса фахрланади. Меҳмонларни жудаям улуғлашади. Ўзи отининг эгаридан тушиб, меҳмонни эса отига миндириб олади. Она тилини росаям севади, бу борада бошқаларга бемалол ўрнак бўла олади. Зийрак, ҳазил-мутойибага ғоятда ўч, уни жуда теран тушунади. Агарда аскияда енгилиб қолса, мусобақадошининг ёқасидан шартта олиб ғидибидини бошламайди, ўз мағлубиятига мардларча тан бериб, тагин у билан асл дўстлигича қолаверади, ғанимлашмайди. Асосийси, фаҳм-фаросатли кишилар томирида улуғ аждодларининг қониям кўпириб оқмоқда. Келинг, яхшиси шу фикрни исботловчи беҳад ибратли ривоятни эътиборингизга ҳавола этсак-да, ундан кейин энг асосий масаланинг ичига кириб келсак, қаршилиқ қилмасиз:

Ривоят қилишларича, қадим замонда ахсикентлик бир кўнчи бой бўлган экан. Унинг нақ учта ёрдамчиси бўлиб, улар ҳар куни айнан бир хил юмуш билан банд бўлсалар-да, бой уларга уч хил миқдордаги маош бераркан. Яъни, биринчисига ойига 100 танга, иккинчисига 75 ва учинчисига 50 танга. Бу ҳолдан воқиф бўлган бойнинг яқин кишиларидан бири нега хизматкорлар бир хилдаги

юмушни қиладилару, лекин, маош масаласида бунақа тенгсизлик юз берганлигининг сабабига ниҳоятда қаттиқ қизиқиб қолибди.

– Бунинг сира ҳам инкор этиб бўлмайдиган сабаби мавжуд, – дебди бой ним табассум билан, аста жилмайиб. / Бас-ки, инсон онги, ақл заковати ила кун кўрар, яшар экан, турган гапки, унинг кечираётган турмуши илм-заковати, фаросати ва эгаллаган касб-хунари даражасига мутаносиб равишда бўлиши даркор эмасми?

– Хўш, бунинг асоси ўзи нималарда кўринадур? – қизиқиши эса янада ҳам баттарроқ ортиб кетиб, сўрабди ўша суҳбатдоши.

– Мен ўз ёрдамчиларимни ҳеч бир киши олдида ҳеч қачон камситмайман, лекин, сиз уларнинг оладиган маоши ўртасидаги тафовут билан жуда қаттиқ кизиқар экансиз, уларга савол бериш, билимларини обдан синашдан эмас, аксинча бошқача йўл билан сўровингизга қониқарли жавоб бўлгулик ҳолатни намоеън этишга ҳаракат қиламан, янада ҳам аниқроғи, бир уриниб кўраман.

Бой шундай деб, ойига 50 танга маош олувчи ёрдамчисини чорлабди. Айни кунларда бўлса дунёга машхур Ахсикент шахри саройида хориж – чет элдан келган савдогарлар қарвони кўним топган эди. Бой мана шу ёрдамчисига шундай топшириқ берибди:

– Бориб билиб келгинчи, саройга ўзи кимлар келибди?

– Ёрдамчи оёғини кўлига олиб бориб келгач, шундай дебди:

– Қирк туяли қарвон бундан бир кун бурун кўним топибди.

Қарвонбоши дамашқлик Исмоил хожа бўлиб, қирк туяда моллари бор экан. Эртага Қашқар орқали Хитойга ўтиб кетар эканлар.

– Тагин бошқа бирор маълумотни билиб келдингми?

– Бор янгиликнинг бари мана шул эрур, хожам...

Иккинчи ёрдамчи ҳам бойнинг буйруғини тезда бажарибди.

Қарвоннинг Чин мамлакатига кетаётганлиги, қиркта туядан иборатлиги, қарвонбошиси ким ва қаерлик экани, бу ерларда неча кун туриши, йўлда бир туянинг оёғи синиб қолганлиги ва ўрнига бошқа туя харид қилганлиги, Шом (Сурия)дан Ахсикентга олиб келган моллари, Эрондан Самарқанд сари юриш пайтида қанақа машаққатларга дуч келгани ҳақидаги хабарни тинглаган бойнинг ўз ёрдамчиси маълумотидан бирозгина бўлса-да, кўнгли тўлибди.

Учинчи, яъни ойига 100 тангалик маош олувчи ёрдамчи ҳам хожаси берган топшириқни адо этиб келгач, унга шундай дебди:


– Хожам, қиркга туялик, ўз таркибида 22 тужжор ва олтита сокчиси бўлган карвоннинг бошида асли бухоролик бўлган, ammo hozirda тақдир тақозоси билан Дамашқда яшаётган Исмоил хожа Абдурахмон ўгли бўлиб, у Ахсикентга аввал ҳам уч марта ва ҳар гал савдо юмуши билан келган, бу унинг шаҳримизга тўртинчи бора келиши экан. Карвонида 40 минг олтин тангалик гиламлар, Ироқ ва Шомнинг анвойи моллари боракан. Эрондан Хуросонга ўтаётганларида учинчи туяси мункиб кетиб, ўнг оёғи тошга тегиб синибди. Шунини сўйиб гўштини бева-бечоралар ва етим-есирларга тарқатибди. Унинг ўрнига бўлса Марв шаҳри яқинида Мелиқули Сапармурод ўгли исми, Ахалтекин зотли оти бор чорвадордан минг тангага бир туяни харид қилибди. Карвонидаги молларнинг 10 фоизини Бухоро, Самарқанд, Шош, Хўжанд бозорларида яхши пуллабдилар. Қолганини эса Қува ва Ўш бозорларида, Қашкарга етиб боргач эса хитойликларга анчагина мўмай пуллар эмишлар...

Агар бой учинчи ёрдамчисининг сўзини бўлиб қўймаганида, унинг бафуржа ҳикояси тагин узоқ давом этавериши мумкин эди.

– Раҳмат сенга, энди ишинг билан машгул бўлавер, – дебди бой суҳбатдошига маъноли қараб. Кўрибдики, унинг нигоҳидаям худди шундайин чуқур қониқиш ва ғурур-ифтихор зоҳир экан...

Ўзингиз ўқиган қиссадан ҳиссаниям бемалол чиқара оласиз.

Биз ўқиғувчилар эътиборига қадимги Буюк Фарғона (Даван, Паркона) давлати хусусида алоҳида бир мақолани ҳавола этишни мўлжаллаганмиз. Даван (Дайюан) топоними илк бора Сима Чян (русчасига Сима Цянь)нинг қаламига мансуб «Шижи» («Тарихий хотиралар»)да учрайди. Ушбу манба милoddан аввалги 104 – 91 йилларда битилган. Ўзингиз энди ўқий бошлаган ушбу ёзувларда бўлса Даван давлатининг бош шаҳри Ахсикентнинг алоқалари ва ўзаро муносабатларининг айрим муҳим жиҳатларига муносабат билдирамиз, холос. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган ушбу мақола 13- халқаро анжуманнинг нашр этилган материаллари, Абдулхамид Анорбоев, Аҳмадали Аскарлов, Турғун Мирсоатов, Йўлчи Қосимов, Бокижон Матбобоев, Шукрулло Насриддинов сингари археолог олимлар ва сўгдшунос-авестошунос Мирсодик Исҳоқов, машҳур этнолог – академик Карим Шонийев (хитойшунос) Аблат(Абдулахад) Хўжаев, Абдухалиқ Абдурашул



Ўглининг қаламига мансуб асарлар ва бошқа тарихий манбаларга асосланган ҳолда элимизга, айниқса, Она тарих билан қизиқувчи ёшларимизга умумий маълумот бериш ниятида тайёрланган...

Инсоният цивилизациясининг энг асосий мезонларидан бири маданият-маърифат, саноат марказлари сифатида барпо этилган шаҳарлар ҳисобланади. Шаҳарлар эса башарият тараққиётининг маълум бир босқичларида шаклланиб, турли-туман мамлакатлар сиёсати, иқтисодиёти ва маънавиятини мувофиқлаштиришда энг асосий ва ҳал қилувчи ўринни ҳанузгача эгаллаб келмоқдалар. Бу борада эса пойтахт шаҳарларнинг мамлакатлар ривожидида тутган ўрни беқиёс. Бунисидан эса ўзингизам яхшигина бохабарсиз. Ҳар қандайн шахс (Одам Ато ва Момо Ҳавони истисно этганимизда) кимнингдир фарзанди ҳисобланади. Ҳар бир чақалоқ ёруғ дунёга келганидан сўнг жинсига қараб, ўз исми, номи, отига эга бўлади.

Айнан шу маънода Курраи Заминга донғи кетган ёхуд бор-йўғи факат ўзининг маҳалласидагиларгина танийдиган одамлар исми айнан уларники. Фамилияси бўлса кўпчиликка, энг аввало, ота-боболарга, аждодларга тегишли. Ўзининг исмига эга инсон ўз фамилиясини аждодларидан ўзига хос маънавий мерос сифатида қабул қилиб олиб, авлодларга янада машҳурроқ қилиб топширади ё уни улуғлайди ёки бўлмаса фамилияга иснод келтиради, уни булғайди. Ўз ота-боболари кимлигини яхшироқ билган боланинг кудрати ва имконияти буларни билмаган болаларникидан беқиёс даражада устунроқ бўлади. Улуғ жойда таваллуд топганлик ёхуд насл жиҳатидан буюк фамилияга эга бўлишнинг ўзи инсонларни кўжларга кўтариб, улуғлай олмайди, лекин, аждодлари мавқеи ва уларнинг буюк номи одамларни яхши бўлишга, албатта, доимий равишда мажбурлаб туради. Бу дунёда буюклар кўп. Бироқ, суюк бўлиш жуда ҳам қийин. Машҳурлар кўп. Лекин манзур ва макбул бўлиш ғоятда мушкул. Ўз вақтида Ахсикент бутун оламга беҳад машҳур бўлган, бугунги энг асосий вазифа бўлса уни ўзимизга ва хорижлик сайёҳларга ҳам манзур ва макбул қилишдан иборат.

Шу маънода биз Ахсикентни исм, ном сифатида (Самарқанд, Бухоро, Хива каби) ўрганамиз. Лекин, фамилия, яъни Ахсикент барпо этилгунга қадар юз берган, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар хусусида айрим мулоҳазалар баён этилмаса (баъзи бир безори ёки

одобли боладан «Сен кимнинг ўглисан?» деб сўралгани сингари), масаланинг асл мазмун-моҳияти ҳам унчалик очилмай қолади...

XX аср 30- йилларигача Марказий Осиё республикаларида миллий археолог олимлар ҳали етишиб чикмаганлиги, ё атайлаб тайёрланмаганлиги туфайли ҳам аждодларимизнинг энг қадимги тарихи амалда мутлақо ўрганилмаган эди. Айнан шу боисдан ҳам аждодларимизнинг тарихи эса ёзма манбаларга асосланган ҳолда бор-йўғи 2 – 3 минг йилдан иборат, деб ҳисобланар эди, холос.

1938 йилга келиб Бойсун тоғининг жанубий ён бағридаги Тургандарёнинг Завталашгансой қисмида денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўрнашган Тешиктош ғоридан 8 ёшли боланинг суяклари қолдиқлари топилиши бутун жаҳон миқёсида ниҳоятда катта сенсация (шов-шувлар)га сабаб бўлган эди. Натижада эса, аждодларимиз тарихи яна 100 минг йилга қадимийлашган. Лекин, Тешиктошдан унданам қадимийроқ ёдгорликлар топилмаганлиги оқибатида Ғарб дунёси илм-фанида Ўрта Осиёга одамлар мустье даври (мил. авв. 100 – 40 минг йилликлар)да Олд Осиёдан келиб ўрнашиб қолганлар, деган нотўғри фикрлар кенг тарқалган эди.

Фарғона водийсида жойлашган Селунгур ғоридан ЎЗР ФА академиги Ўткир Исломов томонидан ашель (мил. ав. 1 млн – 100 минг йиллар) даврига доир аждодларимизнинг суяги қолдиқлари топилиши жаҳоншумул кашфиёт сифатида мозийга тош отаётган кимсаларнинг чакагиниям ўчириб қўйганди. Ғордан 1500дан зиёд меҳнат қуроллари ҳам топилган эди. Бундан 1 миллион 200 минг йил муқаддам олтин водийда яшаган ушбу меҳнат қуролларининг эгаларига бўлса дунёнинг археологлари томонидан ҳақли тарзда «Фергантроп» – «Фарғона одами» деган янги ном берилган эди.

Натижада эса, инсоният тарихидаги илк «*homo habilis*», яъни «ишбилармон, укувли одам» бўлмиш зинжантроп (3 – 2 миллион муқаддам яшаган), питекантроп (юнонларнинг тилида «питекос» – маймун, «антропос» – одам, 700 минг йил бурун кун кечирган), синантроп (600 минг йиллар муқаддам турмуш кечирган хитой одами)нинг каторига ўзимизнинг қадимий аждодларимиз бўлмиш фергантроплар ҳам илмий жиҳатдан асосли тарзда қўшилган.

Демак, Марказий Осиёнинг илк тарихи Фарғона водийсида 1 млн. 200 минг йил аввал яшаган (ундан қадимийроқлари ҳозирча

топилмаган, лекин топилишидан умид қилишимиз ҳам мумкин) бизнинг кўхна аждодларимиз фергантроплардан бошланади.

Одамларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши жараёни тарих фанида антропогенез (юнон тилида «антропос» – одам, «генезис» – келиб чиқиш, ривожланиш) деб аталади. Ўрта палеолит (мил. авв. 100 – 40 минг йилликлардаги тош даври)да яшаган одамлар неандарталлар деб аталган (улар суяклари дастлаб Германиянинг Неандарталь водийсидан топилган эди). Бундан 40 минг йиллар муқаддам одамларнинг ақл-идроки ҳамда нутқи, аста-секинлик билан бўлса-да, ривожланиб бориши оқибатида улар кўриниши (Франциянинг Кроманьон ғоридан топилган кроманьон одами) ҳозирги замондошларимиз қиёфасига ўхшаб қолган. Илм-фанда бўлса бундай кишилар «*homo sapiens*», яъни «ақл-идрокли одам» деб аталади. Ҳозирги даврларда монголоид, европоид, негроид ва австралоид деб аталмиш одамнинг ташқи кўриниши, яъни ирқлар ҳам айнан ўша замонларда шаклланишидан ўзингиз умумтаълим мактаблари тарих дарсликлари орқали яхшигина хабардорсиз.

Қадимги аждодларимиз миллион йил мобайнида термачилик ҳамда овчилик орқали кун кечириб келганлар. Мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Фарғонада илк деҳқончилик маданияти ҳам аста-секин шаклланган. Бободехқонларимизнинг дастлабки қишлоқларидан бири 1951 йилда М. Воронеж томонидан Чуст шаҳри яқинида Бибионамозор деб аталган булоқ ёқасидан топиб ўрганилган. Археологлар ушбу ёдгорликка шартли равишда Чуст маданияти деган, бутун дунё илм аҳли томониданам тан олинган номни берган эдилар. Чуст маданияти Фарғона водийсида илмий жиҳатдан ўрганилган энг қадимги деҳқон жамоалари маданияти ҳисобланади. Ҳозирги даврга қадар машҳур Чуст маданиятига доир ёдгорликлар водийнинг 80дан ортиқроқ жойидан топилган. Уларнинг санаси эса мил. авв. II минг йиллик охири ҳамда I минг йилликнинг биринчи чораги билан белгиланади. Бу маданиятга тегишли тарихий ёдгорликлар эса водийнинг шимолий (Наманган вилояти) ва шарқий (Андижон вилояти) ҳудудларида анчагина кенг даражада тарқалганлиги ҳам аниқланганди.

Чустда М. Воронеждан кейин археологлар В. Спришевский ва Б. Матбобоев ҳам қазилма ишларини олиб борганлар. Худди

шунга ўхшаш тагин бир ёдгорлик Ю. Заднепровский томонидан Қорадарё ирмоқларидан бири яқинидаги – Далварзинтепа топиб ўрганилган эди. Қазилмалар Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Терговчи, Язтепа, Гўрмирон, Чимбой ва Ашқалтепа сингари ёдгорликларда ҳам ўтказилганди. Уларнинг барчасидан топилган моддий ашёлар Чуст маданияти аҳолиси кўчманчи эмас, ўтроқ ҳаёт кечирганидан яққол далолат беради. Далварзинтепа ҳамда Ашқалтепа қадимги Фарғонанинг энг дастлабки нисбатан йирик шаҳарлари бўлганди.

Ўш яқинидаги Сулаймонтоғ этақларида илк темир даврига оид ёдорлик казиб очилган ва у Чуст маданиятининг қадимги ва сўнгги давр қатламларини аниқлашга жуда катта ёрдам берганди. Ёдгорлик Сулаймонтоғ этагидаги ясси, терассасимон текисликда бунёд этилган бўлиб, бу ерда ўтказилган қазилмалар чоғида эса жуда кўпилаб бугун ва синган ҳолдаги ёргучоқлар, қўлда ясалган ҳамда устидан рангда нақш берилган идишлар, бронзадан ясалган жуводизлар, бўйинга тақиладиган мунчоқлар топилган эди...

Мил. авв. VII – VI асрларда Фарғонанинг дастлабки шаҳри сифатида шаклланган Далварзинтепа икки қисмдан иборат эди. Унинг биринчи – Ўрда қисмида бўлса жамоа ҳукмдори қароргоҳи жойлашган. Ўрданинг чор атрофидаги қалин мудофаа деворлари қолдиқлари Буванамозор ва Ашқалтепада ҳам топилган. Қадимги Чуста ҳам ғиштдан тикланган деворнинг қалинлиги 3 метргача, баландлиги бўлса 3,5 метрга тенг бўлган. Ўша Чуст маданиятига оид ёдгорликларнинг қуйи қатламида гуваладан ёки хом ғиштдан қурилган кулбалар учрамайди. Ғиштдан қурилган уй-хонадонлар қолдиқлари Чуст маданияти тарихининг иккинчи босқичидагина пайдо бўлган эди. Дастлабки даврларда энг қадимги Фарғонанинг илк бободехқонлари ярим ертўлалар ҳамда чайлаларда истиқомат қилганлар. Бу ҳолат бўлса уларнинг насл-насаби жиҳатидан энг қадимги чорвадор қабилалар орасидан, бундан буёғига ўтроқ ҳаёт кечириш ниятида, ажралиб чиққанларидан яққол далолат беради.

Маконларни илмий казиш жараёнида эса вайронага учраган уйлар атрофидаги бир неча мазорлар ҳам очилган эди. Қабрларга одамлар ёнбоши билан худди онаси қорнида ғужанак бўлиб ётган ҳолатда дафн қилинган экан. Одатда, исломгача бўлган мазорлар тегишли равишдаги ашёвий далиллар, яъни идишлар ва турлича

меҳнат қуроллари билан таъминланган эди. Чуст маданиятининг айрим ёдгорликларида бўлса баъзан оламдан бевақт ўтиб қолган (ўша замонлар учун одатий) ёш болаларни махсус сопол идишлар (яъни, остадонлар)га солиб дафн этиш одати ҳам учраб туради.

Чуст маданиятида металл билан боғлиқ хунармандчилик ҳам яхшигина тараққий қилган эди. Масалан, қадимги Чуст маконини қазиб вақтида 80дан ортиқ, Далварзинтепада бўлса 60та металл предметлар топилиб. Махсус тош қолипларда ойна, ўроқ, пичоқ, бигиз каби асбоблар қуйилган. Металл эса тигель деб аталадиган махсус сопол идишларда эритилганди. Чуст ва Далварзинтепани қазиб чоғида от узангилари ва сувлиғи, ойна, билакузук, қармоқ, бронза (жез) пайконлар топилиб. Суякдан қурол ясаб кенг йўлга қуйилган. Суяклардан тароқ, моки, бигиз, урчук сингари бошқа буюмлар ясалган. Суяк буюмлар орасида кўй, эчки ошиқлари ҳам ҳолатда кўплаб учрайди. Ошиқларга тегишли чуқурчалар ўйилган ҳамда уларга бронза (жез) қуйилган. Ошиқларнинг устки қисми тўққизил тусда ва уларга пардоз ҳам берилган. Ушбу ҳолат эса, ўз навбатида, аجدодларимиз бағоят оғир жисмоний меҳнатдан салпалгина бўшаган пайтларида ўзаро ошиқ ташлашиб, ўйин-кулги қилиб хордиқ чиқарганликларидан ҳам яққол далолат беради.

Чустликлар буғдой, тарик, арпа экканлар ва ғаллани махсус ўраларда сақлаганлар. Ер ҳайдашда ва ғалла янчишда ҳайвонлар кучидан унумли равишда фойдаланилган. Қадимги Фарғонанинг ҳозирги пайтда Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган Соймойлитощдаги қоя суратларидаям кўшга кўшилган ҳўкизлар тасвири бор. Ушбу суратлар ҳам Чуст маданияти даврига оиддир.

Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типидagi турли хил жамоалари излари Жанубий Сўғдиёна бош шаҳри – Ерқўрғон (ҳозирги Шаҳрисабз тумани) ва Сурхондарё ҳудудида – Қадимги Бақтрияда ҳам қазиб топилиб, улар илмий жиҳатдан ҳам анча жиддий равишда ўрганилган, натижалари бўлса эълон қилинган.

Чуст маданиятига хос моддий ва маънавий ёдгорликларнинг қадимги Шарқ цивилизациясининг марказларидан бири Бақтрия (ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон ҳамда Афғонистон шимоли)да пайдо бўлиши эса ўша замон этник жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди. Бу ибтидоий жамоа тартиб-қоидаларининг, аста-

секинлик билан бўлса-да, бузила боришига ва ўрнига юртимизда янги жамиятнинг бошқаруви тизими ҳамда илк давлатчаларнинг вужудга келишига энг асосий сабаблардан бири бўлган эди.

Фарғона водийсининг қадимги тарихи ҳақида гап кетганида, одатда, унинг мил. авв. VII – VI асрлардан милодий эранинг V асрига қадар бўлган даври тарихини кўз ўнгимизга келтирамиз. Ундан аввалги замон ибтидоий жамоа тузуми даври деб аталган бўлса, милодий V асрдан эса ўрта асрлар даври бошланиб кетган.

Ёзма манбаларда Марказий Осиё, жумладан, Ота юртимиз – Ўзбекистондаги қадимги давлатчилик ҳамда унинг шаклланиши хусусидаги маълумотлар жуда ҳам кам. Деярли 3 минг йиллик мотийнинг қатрига бориб қадаладиган зардуштийлик динининг муқаддас китоби, ўзбек давлатчилигининг илк даврида ўзига хос мифкура вазифасини адо этган «Авесто»да Хоразм, Сўғд, Бактрия ва Паркана ҳақида узук-юлуқ қисқа маълумотларга дуч келамиз. «Авесто»нинг асосий қисми пайғамбар Зардуштга қадар асосан, Марказий Осиё халқларининг орасида (янада ҳам аниғи, қадимги Хоразмда) шаклланган бўлиб, унда ўзбек давлатчилигининг илк босқичлари хусусидаги айрим хабарларда вилоятлар бирлашмаси «дахью», уни бошқарган шахс бўлса «дахьюпати деб аталган эди.

Фарғона водийси «тарих отаси» – машхур Геродот қаламига мансуб «Тарих» асарида «париканийлар юрти», қадимги Хитой муаррихлари Сима (Одатда хитойликларнинг фамилияси биргина иероглифдан иборат бўлади. Лекин, ушбу асар муаллифининг фамилияси эса иккита иероглифдан ташкил топган. Чунки, Сима аслида олий даражали ҳарбий лавозимнинг номи бўлган. У 3 – 4 минг йил олдинги тош ва суякларда ёзилган битикларда учрайди. Аммо, ҳар бир тарихий даврда ушбу лавозим мавқеи ва даражаси ҳар хил бўлиб келган. Сима фамилияли шахслар келиб чиқиши бўлса худди шу лавозим билан боғлиқ бўлганлиги туфайли Сима сўзи ажратилмай ёзилади. Хан (милодий III асрдан бошлаб «хан» атамаси хитойликларнинг этник номияям айланиб кетган. «Хан» иероглифи «эркак», «жаҳлланиш» ва «жаҳл» сингари маъноларни англатади. Қадимда худди шу ном билан Хитойдаги энг узун дарё – Янцзининг шимолий irmoғи Ханшуй (Хан суви) деб аталганди. Шунинг учун ҳам «хан» атамасининг келиб чиқишини ушбу дарё

номи билан боғлиқ бўлган, деб ҳисоблашимиз мумкин. Хан сўзи этнонимга айлангунича хитойлар ўзларини шя (ся), хуашя (хуася) деб атагандилар) миллати, яъни хитойликлар анъанасига биноан, одамнинг исми-фамилияси 2 ёки 3та иероглифдан иборат бўлади. Улардан биринчиси фамилия (шажара) ҳисобланиб, у аждодлар томонидан авлодларга ўтиб бораверади. Қиз бола турмушга чикса ҳам унинг фамилияси асло ўзгармайди, бироқ унинг болалари ота фамилияси – шажарасини давом эттираверади – Б. И.) Чянинг «Шижи» («Тарихий хотиралар»), Бан Гунинг «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи») (Хан – иккинчи марта Хитойни бирлаштирган сулола номи бўлиб, унинг мавжуд бўлган вақти мил. авв. 206 – милодий 8 йилларга тўғри келади. Ушбу сулола ағдарилганидан кейин янгидан ташкил топган сулола (25 – 220) ҳам ўзини Хан деб атайверган эди. Айнан Хан атамасини ёзиш учун ишлатилган иероглиф «эркак», «азамат», «бакувват киши» ҳамда «кувватли» деган маънони англатади. Кейинги даврларда эса хан сўзи хитой халқи (миллати) номи сифатида ишлатила бошланди – Б. И.), Ванг Иннинг «Жиншу» («Жин сулоласи тарихи»), Лянг Чэннинг «Сунгшу» («Сунг сулоласи тарихи») сингари асарларида бўлса «Даван» («Дай-юан-гуо», яъни таржимаси – Буюк Фарғона) деб номланган. Вэй Шоу (506 – 572)нинг «Вэйшу» («Вэй сулоласи тарихи») номли асарида эса «Луона-гуо» шаклида, аммо, қадимги Буюк Фарғона – Дай-юан давлатидир, пойтахти эса – Кивейшан (Гуйшан) деган изоҳ билан берилган. «Кивейшан» атамаси айрим бир хитой шеваларида эса «Квейсан» деб ҳам талаффуз этилади. Шундан келиб чиқиб, уни Фарғона водийси шимолидаги Косон топоними билан ҳам таққослашимиз мумкин. Бироқ, айрим хитой олимлари илмий тадқиқотларига биноан, «Шин Тангшу» («Танг сулоласининг янги тарихи») асаридаги «Кэсай» ҳамда «Юанши» («Юан сулоласи тарихи»)да учрайдиган «Кэсан» топонимлари эса «Кивейшан»нинг турли-туман шаклларда ёзилишидир. Қадимий ёзма манбалар ила жиддий шуғулланган йирик хитой олими Чэн Чжунгмяннинг ёзишига караганда, «Кивейшан» шахри «Шижян» деб ҳам номланган, у Наманган вилоятининг жанубий шарқидаги Аҳсиқентнинг харобаларига тўғри келади. Ушбу фикрнинг тўғри эканлигини бўлса «Шижян»нинг қадимги замонларда ўқилиши

«Сиейкиен» бўлганлиги яққол тасдиқлайди. Чунки, Сиейкиен атамаси Ахсикент топонимининг биринчи бўғини Ах тушириб қолдирилиб, «сикент» шаклида қисқартирилиб, хитой ёзувида мослаштирилган транскрипцияси эканлиги ҳам кўриниб туради. Шунга қаралганида, «Кивейшан» («Кивейсан») Ахсикентга тўғри келади. Шу билан биргаликда «Кэсай» топоними «Шин Тангшу» асарининг уйғурчадаги танлама таржимаси – «Янги Тангнома»да «Косон» деб битилган. Айрим бир хитойлик олимлар бўлса худди мана шу фикр ва хулосани тарихан асослидир деб ҳисоблайдилар.

Бир гуруҳ сарой тарихчилари томонидан ёзилган, 1024 йили илк мартаба чоп этилган «Суйшу» (581 – 618 йиллардаги «Суй сулоласи тарихи»)да бўлса «Фахан-гуо (Фарғона давлати)нинг пойтахти Цунглинг (Помир)нинг ғарбида ва ундан 500 ли (288 км) нурироқда жойлашган бўлиб, у қадимда Гиашиэу (замонавий ўқилиши Чюйсоу) деб аталарди. Хукмдорнинг фамилияси Жабғу (Чжаоьу), унинг исми – Алчи. Хукмдор айнан кўчқор шаклидаги олтин тахтада ўтиради. Хукмдорнинг рафиқаси (хониш) олтин тож тақади», деган биз учун беҳад муҳим тарихий маълумот мавжуд.

Қадимги Хитой манбаларидаги «Даван» атамаси рус ҳамда ўзбек адабиётида «Фарғона» деган шаклда берилган эди. «Да» – катта, «Ван» – чор атрофи ўралган жой дегани бўлиб, уни «Катта жой», яъни водий маъносида ҳам англашимиз мумкин. Бундан ташқари, «Даван» истилоҳи қадим замонда «Дай-юан» сифатида ҳам талаффуз қилинган. Ушбу хитойча атама «Катта бўстонлик» деган чиройли маънони англатиб, айнан ўзимизнинг «Туркистон марвариди» – Фарғона водийсига нисбатан қўлланиб келинган.

Илгари Фарғона атамаси қадим сўғд ёзувларида «Парғана» деган шаклда ёзилган бўлиб, форс тилида «тоғлар оралигидаги водий», «атрофи берк сойлик», «чор атрофи тепаликлар ё тоғлар билан ўралган текислик», деган маъноларни билдиради. Тарих фанлари доктори, профессор Мирсодик Исҳоқовнинг фикрича, қадимги сўғдий тилида «Пар» сўзи девор ёхуд тепаликлар билан ўралганлик маъносини англатган. «Кон» қисми эса бугунда ҳам ўзимиз ишлатаётган табиий, яъни ер ости қазилма бойликларнинг маконини ёки умуман, ниҳоятда улкан бойликни билдиради.

Демак, қадимги сўғдий тилидаги «Паркон» – атрофи ўралган бойликлар макони демакдир. Ҳозирги даврларда ҳам Дунё томи – Помир тоғларида яшовчи ёзғулом, рушон сингари этносларнинг тилларида ҳам «парғана» ҳамда «барғана» атамалари чор атрофи тоғлар билан ўралган, бироқ, бир томони очик жойни англатади.

Марказий Осиё халқларининг тилларида «ф» ва «п» деган товушларини ўзаро алмаштириб ишлатиш оддий ҳол. Масалан, уйғур тилида ва Ўзбекистоннинг баъзи диалектлари (шевалари)да Фарғона топоними «Парғана» сифатида ҳам талаффуз қилинади. Шунингдек, «ғ», «к» ва «қ» товушларини алмаштириб талаффуз этиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туришини ўзингизам жуда яхши биласиз. Юқоридаям қайд этилганидек, Шарқий Эрон тилларида «Парғана» ёки «Барғана» «атрофи тоғлар билан ўралган ва фақат бир томонигина очик бўлган жой», деган маънони англатади. Ота юртимизга араблар бостириб келгандан кейингина уларнинг тили хусусиятларига биноан «п» товуши ҳам «ф»га ўзгариб, «Парғана» топоними (жой номи) «Фарғона» сифатида айтила бошлаганди.

Қадимги Сўғдийёна ва Помир тилларидаги «Паркон» ҳамда «Парғана» билан хитой тилидаги «юан» бир хилдаги маънога эга бўлган. Қадим замонларда хитойлар «юан» иероглифини атрофи баландиклар ёхуд тоғлар билан ўралган косасимон, яъни оддий косанинг тубига ўхшаб кетадиган жойга нисбатан ишлатганлар.

Замонавий хитой тилида ушбу иероглиф кўпроқ овқатланиш учун ишлатиладиган идиш «коса» деган маънода ишлатилади.

«Юань» топоними илк марта милоддан аввалги 128 – 127 йилларда қадимги Фарғонага келиб кетган биринчи хитой элчиси Чжанг Чяннинг ҳисоботида қўлланган. Кейинчалик атама Хитой ҳукмдорлари саройидаги тарихчилар томонидан ҳам қўлланган. Хитойлар кўпинча ўзга мамлакатдаги жойлар номини хитойчага таржима қилиб олганлар. Масалан, Тангритоғни улар «Тян-шань», Иссиқкўлни «Рэхай», Кўккўлни «Чингхай» деб номлаганлар. Тяньшань деган атама «баланд тоғ, осмонўпар тоғ», иккинчи жойнинг номини ёзиш учун қўлланган биринчи иероглиф бўлса «иссиқ», учинчисида «яшил» ёки «кўк» дегани. «Рэхай» ва «Чингхай»даги «хай» эса денгиз маъносини билдиради. Тангритоғ топонимини тўла ҳамда аниқ ҳолда транскрипция қилинадиган бўлса, бунинг

учун камида Ста иероглифни ишлатиш зарур бўларди. Милоддан аввалги даврларда бўлса айнан шундай қилиш хитойликлар учун ғайри оддий ва беҳад даражадаги мураккаб иш ҳисобланар эди.

«Шижи»да «Паркона» сўзининг таржимаси бўлган «Юан» топоними асосида шаклланган «Юанг-чэнг» атамасиям кўп марта тилга олинган. Бу топонимдаги «чэнг» термини «баланд деворлар билан ўралган шаҳар» деган маънони билдиради. Айни шу асосда «Юан-чэнг»ни «Паркона шаҳри» деб тушунишимиз ҳам мумкин. Чунки, ўтмишда деворлар билан ўралмаган шаҳарларнинг номига «чэнг» деган сўзни қўшилмаган. Хан сулоласи элчиси Чжанг Чян Фарғонага келганида бир хил аталган давлат ва шаҳар номларига дуч келган. Бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш мақсадида у Паркона деб аталган давлат номини ифодалаш учун «Юан»нинг олдиги «Дай», яъни «буюк» деган сўзни қўшиб, уни «Дай-юан» («Буюк Паркона») деб атаганди. «Юан» сифатида таржима қилиб олинган Паркона шаҳрини бўлса, унинг орқасига «чэнг» сўзини қўшиб, уни давлатнинг худди шундай номидан фарқлаган ҳолда кўрсатган эди (Ўзингиз ҳам биласизки, бугунги замонда Мексика давлати ва унинг бошкенти номи бир хилда, яъни Мехико тарзида Ўзилади, лекин уни ўқиш ё айтиш чоғида бўлса давлат пойтахти – Мехико, давлат номи эса Мексико сифатида ўқилади, айтилади).

Шу билан бирга, «Юан» деган топонимик атама қадимги Хитой транскрипциясида «Полона» деб аталиши қайд этилганди. Милодий V асрдан бошлаб эса, Буюк Фарғона давлати қадимги Хитой манбаси «Бейши»да «Паканна», «Баханна» ва «Фейхан», VII – VIII асрлардан бўлса «Нингюан» («Олисидаги сокинлик»), «Лона» деган турли-туман номлар билан ҳам тилга олинганди.

941 – 945 йилларда Лю Ху раҳбарлигидаги тарихчиларнинг бир гуруҳи «Шин Тангшу» («Танг сулоласининг янги тарихи»)ни ҳам ёзиб тугатгандилар. Унинг «Ғарбий мамлакатлар тазкираси» («Шиюй лечжуан») деб номланган 221- бобининг 2- қисмида шу жумладан, бундай жуда муҳим маълумотлар мавжуд: «Нингюан аслида Фарғона (Баханна ёхуд Паркон (Пуохан / Похан)дир, Вей (сулоласи) даврида Пуолуона деб номланган. Танг сулоласининг пойтахт шаҳри (Чангъан – ҳозирги Шиан, рус адабиётларида эса Сиань)дан 8 минг ли (4608 км) нарироқда жойлашган. Фарғона

хукмдори Чжэнчжу-хэ (Норин – Налин-хе. Бу дарё Naгуh хам деб аталган) дарёсининг шимолида жойлашган Шижян-шэнг (Хитой давлатида Танг сулоласи хукмронлик қилган даврда (618 – 907 йиллар) Фарғона давлатининг маркази бўлган. У хитой олимлари ёзишича, кадимий Ахсикентнинг (Akhwsī kath) хитой тилидаги номланишидир) шаҳрида туради. (Фарғонада) бта йирик хамда 100та кичик шаҳарчалар мавжуд, одамлари эса узок умр кўради. Фарғона хукмдорлари (ванг) Вэй ва Жин (сулолалари давридан буён) авлоддан авлодга хукмронлик қилиб келади.

Ҳар бир йили биринчи ойнинг энг биринчи кунида хукмдор сардорларни икки гуруҳга ажратади. Сўнгра эса ҳар бир гуруҳдан биттадан одамни танлаб, уларнинг кийимларини ечтириб, кураш туширтиради. Одамлар курашаётганлардан бири ўлгунича уларга сопол (идиш бўлақларини) ва тош отишади. Шу асосда йилнинг яхши ёхуд ёмон келиши аниқланади (Бу ерда асосий гап қадим Наврўз байрамини тантанали тарзда нишонлаш чоғидаги қиш ва баҳорнинг ўзаро беаёв кураши тимсоли ҳақида бормоқда – Б. И.).

Император Шюанзунг (712 – 756 йилларда тахтда ўтирган) Кайюан даврининг 27- йилида (739 йилда) Тухуошяни итоат қилдиришга Танг қўшини билан ўзаро ҳамкорлик қилгани учун Фарғона хукмдори Арслон Тархонга фэнгхуа-ванг унвони инъом этилди (у Танг сулоласи хукмронлиги чоғида хорижий давлатлар бошлиқларига бериладиган ўзига хос бир фахрий унвон бўлиб, у «маданиятга интилувчи хукмдор» деган маънони англатган).

Тянбао (724 – 755) даврининг 3- йилида эса (744 йил) ушбу давлатга Нингюан («олисдаги сокинлик» ёхуд «хотиржамлик») деган ном ҳам берилган. Император Фарғонанинг хукмдорига ўз хонадони учун бегона бўлган сулола фамилиясига тааллуқли Доу (Ушбу сўз ифодаланган иероглифнинг «катта», «дарча», «арик» «катта вилоят» сингари бир қатор маънолари ҳам мавжуд) сўзини фамилия қилиб тақдим этди.

Бундан ташқари, император ўзининг авлодига тегишли бир қизни Хэйи маликаси деб Фарғона хукмдори ҳузурига юборди.

Тянбо даврининг 13- йилида (754 йил) Фарғона хукмдори (ванг) Чжунгже ўз ўғли Шюеюни Хитой маданиятини ўрганиши учун император саройига юборди (хамда) у ерда яшаб, соқчилик

хизматида бўлишга ижозат сўради. Император ушбу илтимосга қулоқ солиб, Фарғона ҳукмдорининг ўғлига зуо-увей жангжон унвонини берди (бу унвон Танг сулоласи ҳукмронлиги даврида император саройи соқчиларининг бош кўмондони ёрдамчиларига бериладиган ўзига хос унвон бўлиб, «чап қанот сарой соқчилари кўмондони» маъносини англатади. Бу замонда сарой соқчилари чап ва ўнг қанотлардан иборат икки бўлинмага ажратилган, Улар император саройи хавфсизлигини таъминлашга жавоб берган). Бу иш бўлса Танг сулоласи учун бекиёс эҳтиёткорлик чораси бўлган эди» (Иқтибоснинг манбаи: Аблат Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимги ва ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва унга шарҳлар. Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013, 84 – 86- бетлар).

Мил. авв. VI – IV асрларда Ўрта Осиёнинг Бактрия, Парфия, Миргиёна, Сўғдиёна, Хоразм каби қадим деҳқончилик ўлкалари ўрон аҳамонийларига тобе бўлиб, дунёдаги энг биринчи империя таркибига кириб қолган чоғларида Фарғона бундайин қарамликка тушмаган. Мил. авв. IV асрда Фарғона, Хоразм давлати сингари, юнонистонлик Искандар Мақдунийга ҳам асло тобе бўлмаганди. «Шижи» китобида шундай тарихий маълумотлар бор: «Фарғона (Юан) ғарбидаги Шуандзием (Хоразм), Даййик (Дайи – Тазик), шарқидаги Кус (Гуши), Жанмисей (Ханми) сингари турли кичик давлатларнинг ҳаммаси Хан императори (Тянзи – Тангри ўғли) ҳузурига элчиларни юборди. Бундан император ниҳоят даражада хурсанд бўлди...

Ансиёк (Парфия – мил. авв. 250 йилда Каспий денгизининг жанубида ва жанубий-шарқида вужудга келган давлат) элчилари эса Хан (Хитой) императорига туякушнинг тухумини ва Лишюан (Рим) мамлакатидан бўлган сеҳргарни совға сифатида юборган».

Қадимги Фарғонанинг Салавкийлар давлати (мил. авв. 323 – 250 йй.) таркибида бўлганлиги ҳақидаям ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Демак, Фарғона аҳамоний ва юнонлар ҳукмронлиги даврида сиёсий эркини ҳамда мустақиллигини ўз қўлида сақлаб қолган эди. Юнон муаллифларидан бири фақат салавкийларнинг лашкарбошиси Демодам мил. авв. 280 йилда Яксарт (Сирдарё)дан ўтиб, юнонлар худоси Аполлоннинг шарафига меҳроб (оловхона)

Ўрнатди, деган хабарни қолдирганди. Антик муаррихлар Юнон – Бақтрия (мил. авв. 250 – 130 йй.) подшоларидан бири Шарқий Туркистон ҳудудига бир марта қўшин тортиб борганлиги ҳақида ҳам тарихий маълумотни бизга мерос сифатида қолдирганлар...

Кейинги 30 йил мобайнида амалга оширилган археологик изланишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мил. авв. II минг йиллик иккинчи ярми ҳамда I минг йиллик бошидаёқ кичик-кичик илк давлатчаларнинг шаклланганлиги хусусида янги маълумотлар, тарихий ва ашъвий далиллар ҳам қўлга киритилди. Бундай кичик давлатчаларнинг дастлабки марказлари сифатида Жарқўтон (Сурхондарё вилояти), Далварзин (Фарғона водийси), Кўзалиқир (Хоразм), Кўктепа, кейинроқ Афросиёб (Самарқанд) сингари бир қатор илк шаҳарлар турмуш тарзи деҳқончиликка асосланган зироатчилар қароргоҳлари орасидан ажралиб чиққан.

Шоҳимардон – Марғилонсой ва Косонсойнинг ҳавзаларида кейинги йилларда амалга оширилган археолого – палеогеографик (палеогеография қадимий табиий шарт-шароит ва уларнинг узоқ тарихий давр мобайнидаги ўзгаришлари қонунларини ўрганати) изланишлар Фарғона водийсидаги суғорма деҳқончилик тарихига доир бўлган тағин бир қатор аниқликларни киритиб берган эди.

Масалан, Косонсойнинг қуйи оқимида Ахсикент воҳасининг асосий қисми бундан энг камида 3 минг йил аввал ўзлаштирилган бўлиб, Эски Акси ёдгорлигининг ҳудудида деҳқонларнинг турли қароргоҳи бўлганлиги аниқланди. Ҳақ ва Афлотун топилмалари фарғоналикларнинг бундан 3 минг йил муқаддам ҳам Жанубий, Жанубий-Шарқий Осиёда умргузаронлик қилган халқлар билан яқин алоқада бўлганликларидан гувоҳлик бермоқда. Шу боисдан ҳам бугун Жанубий Корея, Хитой, Япония олимлари ўзларининг илк тарихларига доир жуда ҳам кўп маълумотларни айнан Сиз ва Бизнинг Ота Маконимиздан қидирмоқдалар. Росаям синчковлик билан узоқ йиллар мобайнида амалга оширилган жиддий илмий изланишлар натижаси бўлса корейсларга «Бундан бир неча минг йиллар муқаддам содир бўлган ўзига хос бир этногентик портлаш (аҳолининг бирон-бир сабаб туфайли бошқа жойга кўчиб кетиши) оқибатида бизнинг қадимги ота-боболаримиз ҳозирги Ўзбекистон

худудидан Кореяга кўчиб келгандилар», деган хулосани чиқариш учун, маълум бир даражадаги, далил ҳамда асосни бермоқда.

Қадим Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар ва савдо муносабатларининг тараққиётида Буюк Ипак йўлининг ўрни бекиёс бўлган. Бу йўл мил. авв. II асрдаёқ вужудга келганди. «Буюк ипак йўли» деган атама қадимда ишлатилмаган. Йўлнинг тарихий, географик ҳамда маданий жиҳатларини илмий жиҳатдан ўрганиш амалда кўпиш мамлакат олимлари томонидан XIX асрнинг 2- ярмидан бошланиб кетганди. Уни тадқиқ этишга Ғарбий Европада, Россия, Япония ва Ўзбекистон олимлари ғоятда катта ҳисси қўшган эдилар. Хусусан, Японияда «Буюк ипак йўли энциклопедияси» ҳам нашр қилинган. 1877 йилда машҳур немис олими Карл Рихтгофеннинг «Хитой» номли йирик илмий асаридан Европада мате­ригининг турли қисмларини ўзаро боғловчи йўллар тизими – Ушбу пайтларга қадар Европада «Ғарбий меридианаль йўли» сифатида номлаб келинган йўналиш биринчи марта «Ипак йўли» сифатида тилга олинган эди. Кейинчалик эса «Буюк ипак йўли» деган атамани қабул қилинганди. Чунки, ушбу йўл орқали ривожланган халқаро тижоратда турли буюмлар ва маҳсулотлар орасида ипак жудаям катта аҳамиятга эга бўлганлигини ўзингиз ҳам эшитгансиз ё тарих китобларидан ўқиб, яхши билволгансиз.

1987 йили ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон декадасининг доирасида «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилганди. Ушбу дастур Марказий Осиё халқлари бой маданий тарихларини кенг қамровда тадқиқ этишни назарда тутди. Бирок, унинг энг асосий мақсади – Шарқ ва Ғарб ўртасида янада мустақамроқ маданий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, бу буюк қитъаларда умргузаронлик қилувчи жуда ҳам кўп сонли халқларнинг ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва бошқа муносабатларни янада яхшилашдан иборат.

Буюк ипак йўли шакллангунига қадар Марказий Осиё ҳамда Қадимги Шарқ худудида тижорий-маданий ҳамкорлик мақсадида бошқа турли-туман йўллардан самарали фойдаланиб келинганди.

Энг қадимги савдо йўлларидан бири «Лаъл йўли» мил. авв. 3 – 2 минг йилликларда, яъни бундан 5 минг йил муқаддам вужудга келган. У «Дунё томи» деб аталган Помир тоғларидан бошланиб,

Эрон, Олд Осиё ва Миср орқали ўтган эди. Тоғли Бадахшондан казиб олинган лаъл тоши (ложувард) Қадимги Шарқ (Оссурия ва Бобил, Хетт...) заргарлари томонидан бағоят юксак баҳоланган. Бадахшон лаъли ишлатилган турли хил буюмлар, ҳатто қадимги Миср фиръавнларининг эҳром (пирамида)ларидан ҳам топилган.

Иккинчи «Шоҳ йўли» бўлса Эрон аҳамонийлари сулоласига тегишли бўлган. У милoddан аввалги VI – IV асрларда Кичик Осиё (ҳозирги Туркия) шаҳарларини, Ўрта денгиз бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг пойтахтларидан бири – Суза билан боғлаган. Яна бир йўл Эрон, Бактрия орқали Сўғдиёна (ҳозирги Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари), Тошкент воҳасидан ва Қозоғистон ҳудудидан ўтган ҳамда Олтойгача борган. Тоғли Олтой ўлкасидаги мил. авв. VI – IV асрларга оид бўлган Пазирик кўрғонини ўрганиш жараёнида кигиз гиламлар, жун газламалар, олтин, жез ва кумуш буюмлар, Марказий Осиё ҳамда Эрон матоларидан тикилган кийимларнинг қолдиқлари ҳам топилган эди. Ушбу асбоб-анжомлар ва буюмлар қабрлар жуда қалин муз қатлами билан қопланганлиги сабабидан ҳам ҳозирги даврга қадар нисбатан яхши сақланиб қолган экан.

Марказий Осиёнинг кумушига эҳтиёж сезган мамлакатларга борадиган «Кумуш йўл» ҳам мавжуд бўлган эди. Бу йўл Хазар хоқонлиги (Каспий денгизи бўйи) ҳамда қадимги Булғор давлати (ҳозирги Татаристон ва Бошқирдистон республикалари...) орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларигача борган эди. «Кумуш йўл» Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи ҳисобланиб, VI асрдан бошлаб ниҳоятда қизгин равишда фаолият кўрсата бошлаган.

Буюк Ипак йўли 12 минг чақиримча узунликда бўлганди. У Сарикденгиз соҳилидан бошланиб, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё ва Месопотамия (Икки буюк дарё – Фрот ва Дажла оралиғи) орқали Ўрта денгиз соҳилларига қадар борган. Иккинчи йўналиш Марказий Осиё орқали Ҳиндистонга борган. Бу йўлда эса Сиан, Дунхуан, Ёркент, Ахсикент, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва Марв каби қадимий шаҳарлар жойлашган. Тижоратчилар ўз юртларига молдан ташқари турли фан ва маданият соҳалари янгиликларини ҳам келтирган эдилар. Сўғдиёнадан Хитойга жун газлама, гилам, безак буюмлари ҳамда қимматбаҳо тошлар, Бактриядан туялар ва

Паркона (Фаргона)дан наслдор – «самовий» отлар, Бадахшондан лаъл (ложувард) ва Ҳиндистондан фил суюгидан ишланган турли-туман буюмлар, зираворлар, бошқа маҳсулотлар олиб борилган.

Фаргона водийсига келганда ўша Ипак йўли икки тармоққа бўлиниб кетган. Биринчиси Ўзгандан Аҳси ҳамда Қамчик довони орқали (айни ёз фаслида) Илоқ воҳаси (Оҳангарон) ва Тошкентга келган (Қадим сўғдий тилида «Қам» – чўққи, «Чик» – жарликни англатган ҳамда бугунги кунларда бўлса поездлар учкур самовий тулпордек Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққа ўтаётган довоннинг ҳозирги географик ҳолатигаям тўла-тўқис мос келади. «Бобурнома»да эса бу довон «Кандирлик», деган ном билан тилга олинган эди. Тошкентдаги тоғаларининг ҳузурда бўлган Бобур ёшиди: «Бир-икки кундан сўнг Кандирлик добони билан Аҳси ва Андихон сари азимат қилдим. Аҳсига етиб отамнинг мазорини тикиф қилдим»). Ўша йўлнинг иккинчиси бўлса жанубий тармоқ ҳисобланиб, Ўзгандан бошланиб Ўш, Қува, Марғилон ва Қўқон орқали, Хўжанд, Самарқанд ва Бухоро тарафларга ўтиб кетган.

Энг асосий карвон йўлларида ташқари бир неча ички савдо йўллари ҳам бўлган. Улардан бири Аҳсидан Косон орқали Чуст воҳасига ўтган. Тагин бири бўлса Поп, Заркент (Наманганнинг Янгиқўрғони эмас, Тошкент вилоятидаги) орқали кончиларнинг қароргоҳлари ва яйловларига қадар борганди. Қурама ҳамда Олой тоғлари ва Зарафшон дарёсининг қазилма бойликлари туфайли ҳам йўналишнинг ушбу тармоғи «Олтин йўл» деб аталганди.

Марказий Осиё халқлари айнан Буюк Ипак йўли сабабли Шарқ ҳамда Ғарб дунёсининг иқтисодиёти ва маданиятидан ҳам баҳраманд бўлган эдилар. Ғарб мамлакатлари халқлари эса худди мана шу буюк тижорат йўли туфайли ўзлари учун Марказий Осиё элининг юксак маънавияти ва маданиятини кашф қилган эдилар.

Буюк Ипак йўлининг ниҳоятда гуллаб-яшнашида пойтахт шаҳарларининг роли жудаям катта бўлган. Бу борада эса қадимги Фаргонанинг кўҳна пойтахти Аҳсикент алоҳида диққат-эътиборга сазовордир. Фаргона ўрта асрларда «Туркистон дарвозаси» деб ҳам аталган эди. Аҳсикат, Аҳшикат, Хшақат, Хасақат атамалари туркийчадаги «оқ» ва сўғдийча «кат» шаҳар сўзлари қўшилмаси бўлиб, яъни «Оқ шаҳар» деган маънони билдиради. Бу топоним

ўша замонлар тангаларида «Ахши» сифатида ифодаланган эди. Норин дарёсининг ўрта асрлардаги номи ҳам Аксу бўлган (Ушбу дарё қадимги Хитойнинг турли манбаларида Чжэнчжу-хэ, Налин-хэ, Нарух сингари номлар билан ҳам тилга олинган. Чжэнчжу-хэ сифатида битилган иероглифларнинг чинакам, асл маъноси бўлса «ҳақиқий, чинакам, асл марварид» деганидир – Б. И.).

«Ахси – уммул шаҳри Фарғона» харобалари Тўрақўрғон ва Мингбулоқ тумани маркази Жомашўй орқали ўтган Наманган – Фарғона автомобиль йўлининг ҳар икки томонидан Сирдарёнинг ўнг соҳили узра чўзилиб кетган баланд тепаликлар кўринишида ястаниб ётганига ўзингизнинг ҳам кўзингиз тушган бўлса керак. У халқимиз орасида Эски Ахси деб ҳам аталади. Ушбу ёдгорлик маданий қатламларида Фарғона халқларининг камида 2,5 минг йиллик ҳаёти ва маданиятига оид ғоятда бебаҳо маълумотларни берувчи обидалар фақат археологлар билан сирлашиш ниятида қадимшунос олимларни жуда интизорлик билан кутиб яшириниб ётибди. Тарихий обидалар узоқ мозийнинг сира ўчмас, чинакам олтин саҳифалари, буюк аждодларимиздан бизга мерос моддий ёдгорликларнинг Она заминимиздаги мангу излари, ўзбек халқи маданий қадриятлари ва ўз давридаги бағоят гўзаллик оламининг ўзига хос стандарти, ўлчови ҳамда мезони ҳам ҳисобланади.

1877 йили антрополог ва этнограф Уйфальви Мезо – Ковешд (асли келиб чиқиши можар, яъни венгер) бошчилигидаги француз археологик экспедицияси Фарғона водийсига келиб энг қадимги шаҳарлар ва қишлоқ харобалари, мозор, кўрғонларни ҳам кўздан кечиргандилар. Улар Сирдарёнинг ўнг соҳилида неча асрлар оша сукут сақлаб турган кўҳна қалъанинг деворлари ва чор атрофи миноралар билан ўралган Ахсикентга росаям кизиқиб қолганлар. Шундан кейин эса бу ерга бир неча бор хориж ва рус олимлари ҳам етиб келиб, уни қазимай, бор-йўғи кўриб кетганлар, холос.

Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам қадим Ахсикентни атрофлича, батафсил ўрганиб, унинг асрорларини илм-фан олами доирасига киритиш эмас, балки айрим шахслар топшириғини бажариш ёки бирорта ноёб нарсани кўлга киритиш мақсадини кўзлагандилар. Улардан сўнг маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ёдгорлик ҳудудини тартибсиз равишда қовлаб, қимматбаҳо ашё, буюмларни кидира

бошлаган. 1884 йил 5 майда Ахси – Шаҳанд волостида истиқомат қилувчи Абдурахмон Абдуллаев, Хурсанбой Муллабоев ва Бобо Саркоров иш кетмонлари билан бориб, Ахсикент харобаларини ўзбошимчалик билан қазиган чоғларида бир неча қадимги олтин, кумуш, мис тақинчоқлар, тангаларни топиб олганлари ҳақидаги хабар Чуст уезди бошлиғига етказилган эди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари бўлса топилган буюмлар орасидан кўй ва арслон боши тасвирланган қадимий ва ноёб олтин билакузукларни ўша пайтда Ахсикентга тижорат мақсадида келган Ҳиндистон савдогарларига кўрсатганлар. Тужжорлар бўлса топилган буюмларнинг тарихий аҳамиятига иқлири етмай, унга сира ҳам эътибор қаратмасдан, «Ситиларнинг топилганларингиз бизларнинг Ҳиндистон бозорларида сотиладиган оддийгина билакузуклардан», деб баҳолаган эдилар.

Топиб олган эгаларига қайтарилган билакузуклар Наманган ширтирларини сотиб юборилган эди. Бу топилмалар ҳақидаги шов-шувли маълумотлар ўша пайтлардаги Россия салтанати пойтахти Санкт-Петербургда немис тилида чиқадиган «Санкт-Петербург I ершльд» газетасида эълон қилинган эди. Ўшанда ўзбошимчалик билан бу тарихий ёдгорликда қазилган ишларини амалга оширган «маҳаллий халқ»нинг вакиллари (яъни, «туземец»)ларга нисбатан маъмурий чораларни ҳам кўрилганди. Бироқ, Россия империяси мустамлакачи маъмурларнинг ўзлари одамларни ёллаб, Ахсикент харобаларидан олтин ва кумуш қидиришда давом этаверганлар. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан Ахси шаҳрига бориб, барча асл воқеаларни ўзининг кўзи кўриб, маълумот ёзиб келиш учун юборилган капитан Брюнов ахборотида «Эски Ахси археологик жиҳатдан ёдгорлик эканлигига кўзим етмайди», деб ёзганди. Масалага бундай беписанд муносабат топилган буюмлар тарихий қимматини мутлақо идрок қила олмаслик ва археология ҳомийлари илмий савияси ғоятда пастлигини кўрсатиб турар эди.

«Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида қадимий Афросиёб, Ахсикент, Шоҳруҳия каби тарихий ёдгорликлардаги археологик топилмалар ҳақида турли-туман хабарларнинг тез-тез босилиб турилиши, Россия археологик комиссиясига юборилган бу масалалар хусусидаги ахборот Петербургда Ўрта Осиё тарихи билан кизикувчи шарқшуносларни шу муаммо ҳақида жиддийроқ

ўйлашга мажбур қилган эди. Россия археологик комиссияси 1884 йилда Петербург университети профессори, таниқли археолог ва шарқшунос олим Н. Веселовскийни Туркистонга илмий сафарга жўнатган эди. Унинг зиммасига эса Зарафшон ва Фарғонада, агар иложи бўлса, Бухоро амирлигининг худудида археологик қазил ишларини ўтказиш вазифаси юкланганди. Айнан шу топшириққа биноан Н. Веселовский 1885 йилда биринчи марта Ахсикентда археологик қазил ишларини бажарган эди. Шаҳар харобасининг бешта жойида қазув ишларининг амалга оширилиши натижасида ҳар хил сопол буюмлар, тангалар, уй-рўзғор ашёлари топилганди. Аҳоли қўлидаги турли-туман топилмаларни ҳам тўплаб олиниб, барча археологик материаллар Тошкент музейига топширилган.

1914 йилда И. А. Кастанье томонидан ҳам Ахсикентда қазил ишлари амалга оширилган эди. У тузган ҳисобот, эълон қилинган ёзма манбалардаги маълумотлар, Н. Веселовский ўтказган қазил ишларининг натижалари кўҳна Ахсикентнинг тарихини ўрганиш борасида тагин бир олға ташланган дадил қадам бўлганди.

Ахсикентни археологик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш асосан Шўролар даврида бошланиб кетганди. 1939 йилда Катта Фарғона канали жадал қурилиши даврида «Ўрта Осиё археологиясининг отаси» ҳисобланган профессор М. Е. Массон Ахсикентга келиб текширув ишларини ўтказганди. Олим тахминан 2000 йил аввал бу ерда йирик шаҳар бўлган, деган фикрини ҳам билдирган эди.

1946 – 1948 йилларда эса тарих фанлари доктори, профессор А. Н. Бернштамнинг раҳбарлигидаги Помир – Олой археологик экспедицияси ходимлари томонидан ўтказилган қазув ишлари натижасида Ахсикент ҳақиқатан ҳам тарихий археологик объект эканлиги хусусида ўта қизиқарли маълумотлар қўлга киритилган. Профессор А. Н. Бернштам тадқиқот натижаларига асосланиб, шаҳарда дастлабки ҳаёт Кушон салтанати даври (милодий I – III асрлар)дан бошланган, бироқ Ахсикентнинг гуллаб-яшнаши Турк хоқонлиги (VI – VIII асрлар) даврига тўғри келган ва кейинги даврлар (IX – X асрлар)да эса Фарғонанинг йирик савдо ҳамда хунармандчилик марказига айланган, деган хулосага келганди.

1957 – 1959 йилларда Ахсикентда Наманган ўлкашунослик музейининг ходими Ю. Т. Чуланов кузатиш ва қазил ишларини

олиб борган. Илмий тадқиқот натижалари бўлса унинг «Дастлаб Аҳсиқент худудида антик шаҳар бўлган, ўрта асрларда эса унинг асосида арк, шаҳристон ҳамда рабоддан иборат катта бир шаҳар барпо этилган», деган фикрга келишига илмий асос бўлган эди.

Аҳсиқентда стационар (яъни бирон-бир манзилгоҳда турган ҳолда) равишда илмий, археологик тадқиқотлар ўтказиш асосан XX аср 60- йилларидан бошланиб кетган. Аҳсиқент ёдгорлигида ЎзР ФА академиги Яҳё Ғуломов раҳбарлигида С. Раҳмонов ва И. Аҳроров 1960 йилдан мунгазам равишда дала материалларини тўплаш ва қазини ишларини бошлаб юборган эдилар. Бу ишлар натижасида бўлса Аҳсиқентнинг тарихи ва археологияси ҳақида ниҳоятда қимматли тарихий маълумотлар қўлга киритилган.

Археологик қазинмалар орқали IX – XI асрларга доир ҳаммом, шаҳарга сув берадиган марказий иншоот қолдиқлари ва IX – XV асрларга доир уйлар очилган эди. Қадимшунос Инқилоб Аҳроров қўлга киритилган барча маълумотларни умумлаштириб Аҳсиқентни ҳудуд ва давр жиҳатидан 3 бўлимга бўлган эди.

1976 – 1977 йилларда Аҳсиқентда академик Яҳё Ғуломов бошчилигида археологик қазинма ишлари амалга оширилганди. **Дастлабки** қидирув ишлари мўғуллар истилосига қадар бўлган қадимги Аҳсиқентнинг жанубий-шарқий қисмида ўтказилган эди. **Аввалроқ** очилган жойларни тозалаш билан бирга, Шаҳристонда **8х6** кв метр кенгликдаги майдон ҳам очилган. Бундан қўзланган асосий мақсад шу жойнинг энг сўнгги қатламларига қадар етиб бориш ва қатламларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ёхуд фарқини ўрганишдан иборат бўлган. Илмий қазинмалар вақтида милoddан аввалги ҳамда эрамининг бошларига мансуб бўлмиш турли-туман сопол буюмлар, уларнинг парчалари, тақинчоқлар ва мунчоқлар, қадимий сув йўллари ҳам топилган эди.

ЎзР ФА Археология институти илмий ходими, қадимшунос Х. Охунбобоев бошчилигидаги гуруҳ антик ва кулдорлик даври Аҳсиқенти шимолий-ғарбий қисмида 12x10 кв метр майдонда қазини ишларини амалга оширганди. Қазини майдонида эса илмий адабиётларда «Даван даври», деб қабул қилинган мил. авв. III – I асрлар ва милодий IX – XII асрларга мансуб турли шакллар ва ҳажмдаги сопол буюмлари, тангалар, уй-рўзғор ашёлари, паҳса

деворлар, авразлар, сопол қувурлар қолдиқлари топилган. Булар орасида иккита каттагина хум ва ягона остадоннинг топилиши алоҳида диққат-эътиборга сазовордир. Хумлардан бири Ахсикент музейида қолдирилган, остадон бўлса Тошкентга мутахассислар томонидан илмий жиҳатдан ўрганиш учун олиб кетилган эди.

Ахсикентнинг гоят даражада гуллаб-яшнаган даври IX – XII асрларга тўғри келади. Мутахассислар фикрига биноан, бу даврда Ахсикент шаҳрида ва шаҳарга қарашли рабод билан биргаликда қўшиб ҳисобланганида энг камида 35 – 40 минг аҳоли яшаган.

Зардуштийлик замони ақидадаларига биноан олов, сув, ҳаво ва замин муқаддас ҳисобланган. Шу боисдан ҳам уларни булғаб қўймаслик учун вафот этган кишилар мурдаси оловда ёқилмаган, сувга ташланмаган ва заминга ҳам дафн этилмаган. Мурда махсус жойларга олиб борилган пайтда одамлардан олдинроқда бирорта ит борган. Қадимги аждодларимиз тасаввурига кўра турли-туман инс-жинслар ва бало-қазолар айнаи ўша итнинг кўзига тик қарай олмасдан, тирақайлаб қочиб қолар эканлар ва ҳеч кимга зиён ҳам етказа олмас эмиш. Дафн маросими эса айнаи шу асосда «сакдид» («сак» деган истилоҳ форсийдан таржима қилинганда «ит» деб аталишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Бекорчиликдан нима қилишни, бошини қаерга уришини билмасдан юрган кимсаларни элимиз «у кўча-қўйда сақиллаб юрибди», дейди. Аслида бекорчи безоридан ҳам хавфлироқдир) деб аталган эди. Йиртқичлар ҳамда қузғунларнинг жудаям қизғин фаолиятидан кейин ўша мурданинг тозаланиб қолган суяқлари махсус «остадон» деб аталган сопол идишга солиниб, ўша замонлардаги ўзига хос қабристон – наус девори токчасида хотирлаб, асраб-авайлаб, эъзозлаб сақланган...

1979 йилда ЎЗР ФА Археология институти илмий кенгаши қарорига биноан, Ахсикентни комплекс (мажмуавий) жиҳатдан ўрганиш мақсадида махсус гуруҳ ҳам ташкил қилинган эди. Ўша пайтлардан буён ўша гуруҳ ҳамда янги ташкилотнинг аъзолари ёдгорликнинг турли муҳим жойларида доимий равишда қазиш ва илмий жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

1993 – 1996 йиллар мобайнида эса Ахсикент қалъасининг мудофаа деворлари ўрганилиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Ташқи шахристоннинг шимолий ва шимолий-ғарбий деворлари

қолдигида 20га яқин миноралар ҳам бўлганлиги аниқланди. 1997 йилининг куз фаслида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида Ахсикент шаҳрининг илк босқичларига доир муҳим маълумотлар қўлга киритилганди. 1997 – 2005 йиллардаги илмий тадқиқотлар чоғида эса Ахсикентда ҳунармандчилик тараққиёти масаласини ўрганишга алоҳида диққат-эътибор қаратилган эди.

Узоқ давр мобайнида амалга оширилган жиддий археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришига биноан, Марказий Осиёда жойлашган энг йирик шаҳарлардаги сингари Ахсикентнинг ҳам ўз қалъаси, шаҳристони (ички шаҳар) ва работи (ташқи шаҳар) бўлган. Милодий X – XI асрларда, яъни бундан 1000 йиллар муқаддам Ахсикент шаҳрининг майдони 400 гектаргача етганди. Археологлар даставвал шаҳар қалъаси ҳақида старли даражадаги маълумотга эришмасдилар. Бу қалъанинг энг асосий қисмини вақт ўтиши билан Сирдарё ювиб кетганлиги, қолган қисми эса қор ва ёмғир таъсирида текисланиб қолганлиги бўлса у хусусда аниқ-тиниқ илмий фикрларни билдиришга имкон бермаган эди. Фақат қалъанинг шимолий ва шимолий-шарқий қисми унча ҳам катта бўлмаган дўнглик шаклида сақланиб қолган. Бу ердаги мудофаа девори ва хандақлар қолдиқлари ҳозиргача кўзимизга, манаман, дея яққол ташланиб турибди. Агарда ишонмасангиз, ўзингиз ҳам агар бўлса, вақтингиздан бироз ажратиб, ушбу қадимий шаҳарга келиб, ўз кўзингиз билан бемалол кўриб кетишингиз мумкин.

Илмий қазилма ишларидан кейин қалъа мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан ўраб олинганлиги, унинг энг пастки маданий қатламлари мил. авв. III – I асрларга доир эканлиги аниқланди. Археологик қазилма пайтида айнан ушбу даврга хос бўлган бронза пайкон (ўк учи) ҳам топилган эди. Қалъа деворлари паҳса ва хом гиштдан тикланган бўлиб, минглаб йиллар мобайнида мудофаа, мухофаза аҳамиятини асло йўқотмаган. Девор вақти-вақти билан тузатиб турилган, баъзи ҳолларда бўлса, ўша пайтлардаги мавжуд сиёсий-иқтисодий вазиятга қараб бутунлай қайтадан қурилганди.

Кейинги йилларда қалъа ҳудудида XII – XIII асрларга оид 13 хонали казарма (ҳарбийлар қароргоҳи) қолдиқлари ҳам очилган. Хоналар айна мудофаа деворлари бўйлаб бир қаторда жойлашган бўлиб, ҳар бирининг алоҳида эшигиям бўлган. Эшиқдан зинапоя

орқали девор устидаги майдонга чиқилган. Мазкур хоналарда ҳам аҳоли уйларидаги сингари ўчоқ, чиқинди тўкиладиган хандақлар бўлган. Бундан ташқари эса, бу хоналардан 1 – 2 килограммдан тортиб токи 10 килограммгача оғирликдаги ҳар хил тошлар ҳам топилганди. Абдулҳамид Анорбоевнинг фикрича, улардан ёвдан мудофаа вақтида ғаним устига улоқтирилувчи, душманга шикаст етказувчи қурол сифатида фойдаланилган бўлиши ҳам мумкин.

Қалъада ер ости йўли ҳам топилган эди. Ярим гумбазсимон ҳолда хом ғиштдан қурилган ушбу махфий йўл жанглار пайтида қалъани шахристон билан боғлаб турган. Қалъанинг ичига олиб кирадиган энг асосий йўл эса шимолий-ғарб тарафда бўлиб, унга хандақ устидан махсус қурилган осма кўприк орқали ўтилган.

Қадим Ахсикентнинг 35 гектардан кўпроқ майдонни эгаллаб турган шахристони айниқса кишининг диққатини ўзига тортади. Шахристон уч томондан баланд минорали деворлар билан ўраб олинган эди. Ундан эса ҳозирги кунларгача 25 гектардан зиёдрок қисмигина сақланиб қолган, холос. Унинг ҳам жанубий қисмини аллақачонлар Сирдарё (Сайхун)нинг суви ўпириб, ювиб кетган.

Шахристон махсус хандақ орқали қалъадан ажралиб турган.

Шахристон икки (ички ҳамда ташқи) қисмдан иборат бўлиб, ёзма тарихий манбаларда тилга олинган ўша бешта дарвоза айнан ана шу иккала шахристонга тааллуқлидир. Иккала шахристон ҳам баландлиги 20 метрга яқин деворлар ва чуқур хандақлар билан ўраб олинган. Ички шахристон девори харобалари икки жойида минора қолдиқлари дўнглик шаклида кўзга ҳам кўриниб турибди. Ташқи шахристоннинг шимолий ва шимолий-шарқий деворлари кирғоғида эса 20га яқин миноранинг харобалари ҳам мавжуд...

1997 – 2000 йиллар мобайнида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида кўплаб сирланган сопол чирок, пиёла, коса ва товоқлар топилганди. Турли ўлчамдаги сирланган хумлар (донни сақлаш учун тешикчалари бор хумлар) ва хумчалар, кўза, тувак, турли ўлчамдаги хўжалик қувурлари, сопол қозон, қадах ва симобни сақлашга мўлжалланган хумлар ҳам қазиб топилган эди. Ушбу буюмларнинг айримлари (коса, товоқлар) куфий ёзувлари билан безалган. Буюмларда кўпроқ «ал-барака» сўзи ёки усталар исм-шарифлари қайд этилган. Х асрга оид бўлган лаганлар ҳамда

косаларда жуда нозиктаъб хаттотлар томонидан «Шу лаганнинг эъасига ок йўл, шодлик, сиҳат-саломатлик тилайман», «Бойликка ҳаддан ташқари ингилишдан воз кечмоқлик ҳам саодатдир» ёки «Хасислик қашшоқликнинг белгиси», «Уялиш чин эътиқоднинг нишонаси» сингари буюк аждодларимизнинг ҳозирги замонларга ҳам дахлдор бўлган ҳар хил ибратли ҳикматлари битиб қўйилган.

Бундан ташқари, археологик казишмалар чоғида турли хил қушлар ва жониворлар тасвирланган ликопчалар ҳам топилганди. Ликопчаларда эса, асосан, тўтиқуш, хўроз, йўлбарс, куён, балиқ, каптар, тустовук, туя сингари жонзотлар тасвири кўплаб учрайди.

Сонолларга Уйма, босма ва қирма усулларда безак берилган, улар бўялган ва сирланган. Шунингдек, темирдан ясалган капгир, мих, бигич, тақа, пичок, ўк учи (пайкон) кабилар ҳам топилганди.

Қурилиш материаллари, турли ўлчамдаги хом ҳамда пишган гиштлар, ёғоч синч, устун ва тўсинларнинг қолдиқлари, гувала ва шихсадан қурилган девор, сувоқ қолдиқлари ҳам кўплаб учраган эди. Ишлаб чиқариш (хунармандчилик) воситалари, темир ва мис эригиш хумдонлари, шиша буюмлар, мунчоқлар, турли хил сопол ўйинчоқлар (от, қуш... шаклидаги ўйинчоқлар) жиддий равишда илмий жиҳатдан ҳам ўрганилган эди.

«Ахсикент тарихининг отаси», агарда лофи билан айтадиган бўлсак, нақ кичикроқ ёстикчадай келадиган «Ахсикент – столица древней Ферганы» номли 536 саҳифали китобнинг (Тошкентдаги «Тафаккур» нашриёти томонидан 2013 йилда рус тилида 650 нусхада чоп этилган) муаллифи, қадимшунос олим Абдулҳамид Анорбоев аниқлашига биноан, шаҳристоннинг ҳам энг қуйидаги маданий қатламлари мил. авв. III – II асрларга тааллуқли экан.

Китобда Фарғона археологиясида муаммо бўлиб келаётган даврлаштириш ва пойтахт шаҳарлар локализациясини ҳал этишга ҳаракат қилинган. Хусусан, илк маротаба мил. авв. III – милодий XIII асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврга мансуб моддий маданият буюмларининг типологияси ва хронологияси тузилган ва уларнинг илк даврлардан то ривожланган ўрта асрларга қадар бўлган давр мобайнидаги эволюцияси кузатилган...

Ахсикент шаҳристон ўша замонларда, яъни бундан 2300 йил муқаддам қалинлиги нақ 5 метрча келадиган мудофаа деворлари

билан ўраб олинган бўлиб, ва турган гапки, вақти-вақти билан таъмирлаб турилган. Кейинчалик эса 100 – 150 йиллар давомида қадимги Ахсикент шаҳри мудофаа деворларининг қалинлиги 10 метрга, баландлиги бўлса нақ 20 метрга яқинлашиб қолганди.

Айни мана шу даврдан бошлаб Хитой манбаларида қадимги Фарғона хусусидаги маълумотлар ҳам пайдо бўлганди. Милодий VI асргача ёзилган Хитой манбаларидаги маълумотларни жуда чуқур ўрганиш натижасида тарих фанлари доктори, хитойшунос олим Аблат Хўжаев қадимий Фарғона давлати билан унинг илк пойтахт шаҳри номи айнан бир хил бўлганлиги ва улар хитойча атрофи тоғлар билан ўралган текислик маъносини билдирувчи битта Юан (Ван) иероглифи билан ифодаланишини аниқлаганди. Келиб чиқиши мумкин бўлган чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида қадимги хитой тарихчилари бу мамлакатнинг номига «Да» (яъни, буюк, катта) деган сўзни қўшиш орқали уни Дай-юан (Даван – Буюк Паркона ёки катта Паркона) деб номлаган эдилар.

Манбаларда мил. авв. II асрда фарғоналиклар беҳад мохир савдогарлар, молнинг нархи устида бир-бирларига гап бермасдан, тортишадиган кишилар сифатида таърифланган. Ушбу маълумот бўлса аجدодларимиз жуда қадим замонларданоқ Хитойгача етиб бориб, тижорат ишлари ила жиддий тарзда шуғулланганларидан далолат беради. Аслида бўлса, улар алоқалари тарихи бундан энг камида 6 – 5 минг йил муқаддам бошланган, лекин у даврга оид ёзма манбаларга ҳозирча эга эмасмиз. Шу боисдан ҳам фақатгина қадим Хитой манбаларига таянган ҳолда бундан 2200 йил аввалги даврнигина кўз олдимизга келтира оламиз. Мил авв. 129 йилда водийга келган Хитой элчиси Чжанг Чянинг Хан хоқони У-ди (асл маъноси – «жанговар хоқон»)га берган ахборотига биноан, «Бактриянинг ерлари серҳосил, ўғирлик кам учрайди, халқининг ҳаёти эса тинч... Буюк Фарғона (Дай-юан) хунларнинг жанубий-ғарбида ва ундан 10 минг ли (5760 км) йироқликда жойлашган.

Фарғоналиклар деҳқончилик билан шуғулланишади, шоли ва бугдой экишади, узумдан бўлса шароб тайёрлашади. Уларда баданидан консимон тер чиқадиган зотли отлар жудаям кўп экан. Аслида бу отлар Тангрининг отларидан тарқалган экан. Фарғона мамлақатида деворлар билан ўралган шахарлар ва хужралардан

ташкил топган иморатлар мавжуд. Унинг худудида 70дан ортик катга-кичик шахар ва қишлоқлар жойлашган. Шахар аҳолиси бир неча юз мингдан ошади, лашкарлари ўқ-ёй, найза ва қалконлар билан куролланган асл чавандозлардан иборат. Унинг шимолида Кангкия, ғарбида бўлса Улуғ Ғузур (Дай-рузие, яъни ўгузларнинг давлати), жанубий-ғарбида Бактрия (Дайғия / Дашя), шимоли-шаркида Асуэн (Усун, улар туркийлар эди – Б. И.) жойлашган...»

Юэчжи атамаси пайдо бўлишидан олдинги минг йилдан зиёд вақт давомида уни ёзиш учун талаффузи бир-бирига жудаям яқин (юйчжи, юэчжи, оучжи, нючжи), ёзилиши эса ҳар хилда бўлган иероглифлар ишлатилган. Хитой манбаларида учрайдиган юэчжи атамаси кўндан буён жаҳон олимлари орасида ниҳоятда жиддий мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Хитой манбаларидаги замонавий талаффузда эса «юэчжи» сифатида ўқиладиган икки иероглиф қадимги хитой тилида «рузие», «руцие», «нгузие» деб ўқилган эди. Хитойшунос олим, тарих фанлари доктори Аблат Хўжаси «рузие» атамаси давлат номи бўлган «Ғузур» сўзининг транскрипцияси эканлигини аниқлаганди ҳамда илмий муомалага киритганди. Бу атамалар «ўғуз» ёки «ғуз» сўзидан келиб чиққан. **Ўғуз** атамаси ҳозирги ўзбек тилида ҳўкиз маъносини англатган бўлиб, у ўтмишда кувват ва қудрат рамзи сифатида ишлатилган ва Ружие давлатидаги аҳолининг тотеми (ҳиндуларнинг алгонкин қабиласи тилида «унинг насли ёки уруғи» маъносидаги сўз, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик ёхуд бирор жонзот) бўлган.

Археологик маълумотлар ва тоғларнинг қояларида сақланиб қолган суратларга биноан, рузие (ғузур)ликлар сочларини узун қилиб ўстиришган ва бошларига учли қалпоқ кийиб юрганлар. Бош кийимига чиройли қуш патларини тақиб юришган. Теридан тикилган ва от минишга қулай бўлган кийимларини кийишган. Оламдан ўтганларнинг бошини тери билан ўраб, уларни шимолга қаратиб дафн этишган. Ўғузларда оилавий қабр ёки бир авлодга тегишли қабристон қилиш одати ҳам бўлган. Аксарият олимлар замонавий ўзбек деган этноним (эл номи)нинг келиб чиқишини айнан ўша ўғузбек атамаси билан боғлаб тадқиқ этадилар.

Энди қадимги хунлар хусусида ҳам кичикроқ бир маълумот берилмаса, юқорида баён этилган тарихий воқеаларни англашам

мушкуллашиб қолади. Хитойликлар минг йилдан ортик даврлар мобайнида хунлар билан қўшни (хамсоя) сифатида ёнма-ён яшаб келганлар. Қадимий маълумотларга кўра, хун қабиласи турклар таркибидаги бир авлоддир. Уларнинг илк бор хитой битикларида тилга олиниши мил. авв. 2 минг йилларга бориб тақалади. Хунлар мил. авв. III асрда росаям кучайиб, атрофдаги қардош қавмларни бирлаштириб, йирик давлат тузганидан кейин, улар фуқаролигига ўтган барча қабилалар хун деб атала бошлаганди. Хун этноними маълум бир тарихий даврда туркий халқларнинг номига айланган эди. Ўша Хунлар мил. авв. 2 мингинчи йилларда хитойларнинг шимолида яшаган ҳамда хитойлар томонидан бэй-тиек (шимолий турк) деб аталганди. Ўша замонда хун этноними ёзилиши бирор-бир қонун-қоидага асосланмаган эди. Айнан шу сабабга биноан, хитойлар ўқилиши жиҳатидан бир-бирига яқин, бироқ, маъноси бўйича ҳар хил бўлган иероглифлардан фойдаланганлар. Кивен (замонавий ўқилиши чоан, маъноси – катта ит), куэн (кун ва кўп маъноларига эга), чоан (адир жойлардаги зах ариқлар маъносини англатади) каби иероглифлар айна шулар жумласидандир. Айрим ҳолларда эса хун атамасини ифода этадиган иероглифларга ривем (рунг) сўзини қўшиб, куэн-ривем деб атаганлар. Қадимги кивэн-ривем сўзи бугунги замон хитой тилида куй-рунг, деб талаффуз қилинади. Рунг иероглифи эса от минувчилар, отлик лашкар каби маънолардан ташқари, жанг қуроли, жанг араваси маъносини ҳам билдиради. Хунларнинг шюнюн, шюнной деб аталиши бўлса мил. авв. VIII – III асрларда ёзилган бир қатор манбалардаям учрайди. Хитойнинг айрим бир луғатларида қайд этилишига кўра, кунна / шюнгү қадимги Хитойнинг шимолида яшаган ҳамда чорвачилик билан шуғулланган жанговар бир халқнинг номидир. Ўша қадим замонларда эса ушбу халқнинг номи ху деб ҳам аталган эди.

Қадим замонда тош ва суякка ёзилган битикларни ўрганиш борасида катта эътиборга сазовор бўлган қадимшунос олим Ван Гуовэй (1877 – 1927) фикрича, хитой ёзувида кунна (шюнгү) деб ўқилган атама хунларнинг тилида ху шаклида талаффуз қилинган бўлиб, у «Тангрининг ўғли» деган маънони билдирган. «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи») китобида «Жанубда буюк Хан мавжуд бўлса, шимолду кучли Ху мавжуддир», деган маълумот берилган.

Милоддан аввалги III асрда Ху давлатининг иктисодиёти ва маданияти анча юксак бўлган ва нафакат хитойлар маданиятига, шу билан бирга бутун дунёнинг маданиятига ҳам ниҳоятда катта таъсирни кўрсатган. Хунлар жамиятида деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг махсус тармоқлари бўлиб, улар бир-биридан ажратилган эди. Улар темирдан пичоқ, килич, қалқонлар, отлар учун эгар-жабдуғлар, кундалик ҳаёт учун ишлатиладиган буюмлар ясашни жудаям яхши билганлар. Бунинг учун зарур бўладиган темирни ҳам ўзлари эритгандилар. Хунлар қурол-яроғлари хитойлар билан бўлган урушларда ўзининг яққол устунлигини кўрсатган эди. Темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кўнчилик (териға ишлов бериш), кулолчилик, дурадгорлик ҳамда тўқимачилик, айниқса гилам тўқиш умумий ишлаб чиқаришнинг жуда муҳим йўналишлари бўлган. Уларнинг маҳсулотлари хориж мамлакатлари, шу жумладан, Хитойга ҳам олиб кетилган. Хунлар ишлов берилган териға хат ёзиб, китоб битганлар. Уларнинг оила ва никоҳ билан боғлиқ ўзига хос одатлари мавжуд эди. Келажак авлоднинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлишини орзу қилган ҳолда бир уруғнинг доирасида қиз олиш ва қиз бериш қатъиян тақиқланган эди. Узатилган қиз уни келин қилиб олган янги уруғ аъзоси ҳисобланиши билан бирга, меросхўрлик ҳуқуқига ҳам эга бўлган эди. Шунинг учун мабодо ўша келин бева қолгудек бўлса, у қайнотаси ва қайнонаси уруғидан чиқиб, бошқа, бегона қавмга келин бўла олмаган. Мерос бўлиб қолган мулкни айнан шу уруғ доирасида сақлаб қолиш, ўзгаларга ўтказиб юбормаслик ниятида ўз хожасидан бева қолиб кетган аёлларнинг марҳум эрининг ака-укаларига хотин бўлиши (левират) ҳам одат тусига кирган эди...

Мил. авв. 176 – 174 йилларда Рузие давлати хунларнинг кучайиши ва бу давлатга қарши уруши натижасида тугатилган. Аҳолининг аксарият қисми аввал Или водийсига, сўнгра Фарғона орқали Амударёнинг бўйига кўчиб борганди. Мил. авв. 130 – 128 йилларда бўлса улар Бактрияни эгаллаб Амударё бўйида Ламзие (Балх ёнидаги Боло-Ҳисор) шаҳрини марказ қилган ҳолда Улуғ Ғузур (Дай-рузие) деган давлатни ташкил қилган эдилар. Мазкур минтақадаги сақларнинг бир қисми эса Афғонистон ва Кашмирга

чекинган. Афғонистондаги каттакон худуд Амир Темур замонида Сейистон (Сакистон) деб аталганидан эса ўзингизам бохабарсиз. «Ханшу»да бу масала хусусида мана шундай тарихий маълумот мавжуддир: «Хунлар улуғ гуз-ерликлар (дай-рузие, да-юэчжи)ни мағлубиятга учратди. Улуғ гуз-ерликлар ғарбда Бақтрия (Дася)ни эгаллади, саклар ҳукмдори (сай ванг) бўлса жанубдаги Кашмир (Жибин)га қадар чекиниб, у ерларга эгалик қила бошлади. Саклар (сэжжунг) ҳар томонга ёйилиб, бир неча ҳокимият ташкил этди».

Ўша Саклар аслида туркий тилда сўзлашгандилар, Марказий Осиёнинг шарқ томонидан ғарб томонга кўчгандан сўнг уларнинг тилида ўзгариш юз берган, эронликларга яқин жойда яшаганлари форсий тилда гаплашадиган бўлиб қолган. Яйловларда, қадимий худудида яшаган саклар бўлса ўз туркий тилини сақлаб қолган.

Хитой олимларининг ёзишича: «Хан даври бошланишигача эса (мил. авв. 206) саклар Марказий Осиё худудидаги Сирдарё шимолида (шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз жоизки, қадимги туркийлар ҳам, ханлар ҳам дунёнинг турли томонларини ранглар воситасида ифодалаган эдилар: Шимолни – қора, жануб – қизил, ғарб – оқ, шарқни – кўк, марказни – сариқ деб белгиланган) Или дарёсини марказ қилган ҳолда яшаганлар. Саклар жуда қадимий халқдир..., улар асосан чорвачилик билан шуғулланган, айникса, от, кўй, қорамол, туя боқиш асосий ўринда турган. Ҳаракатланиш учун эса аравадан кенг фойдаланишган...

Эркак ва аёллар бир хилда отга минганлар ҳамда отда чопиб кетаётиб, камондан отишни яхши билганлар. Саклар жуда кўп қабиладан иборат бўлиб, уларнинг катта қисми жанубга кўчган, бир қисми бўлса Сирдарёнинг шимолида қолиб кетган».

Сима Чян асари «Шижи»га изоҳлар битган, Танг империяси (618 – 907) даврида яшаган тарихчи Чжанг Шоужие шундай ёзган эди: «Осмон тагида учта мамлакат мавжуд бўлса, улардан бири – Хитой (Чжунгтуо) одам кўплиги билан, иккинчиси – Буюк Дзиен (Дайдзиен / Дачин) – қимматбаҳо буюмлари билан, учинчиси – Ғузур (Рузие / Юэчжи) – отлари билан машҳурдир».

(Ўша Улуғ Ғузур давлати милодий 28 – 30 йиллардан Кушон хонлиги деб атала бошлаган эди. Ғузурликлар асли туркий тилда сўзлашганлар. Бироқ, улар Амударё бўйига кўчиб борганларидан

кейин Эрон маданияти таъсирига тушиб қолган эдилар. Уларнинг тилида ва динида ҳам ўзгариш юз берган. Улар Будда динининг Хитой, Корея ва Японияга тарқалишида нихоятда муҳим ўринни тутганлар. Мил. авв. 2- йилда Хитойга Будда дини тарғиботчиси сифатида Фули исмли гузерликлар вакили келган эди – Б. И.).

Парфия (Ансиек / Анши) Улуғ Рузие (Дай-рузие / Да-юэчжи давлати) жанубий-ғарбида тахминан бир неча минг ли (1 ли – 576 метр) масофада жойлашган. Ундаги халқ эса ўтроқлашган бўлиб, шоли, бугдой экади, узумдан шароб тайёрлайди, унинг шаҳар ва шаҳарчалари Буюк Фарғона (Дай-юан)даги шаҳарларга ўхшайди. Парфиянинг ер майдони эса бир неча минг квадрат ли (576 кв. км) бўлиб, ғарбий мамлакатлар орасида энг каттаси ҳисобланади ва у Амударё (Кивашивэй / Гуйшуй / Оксус)га тақалиб туради, бозорларида бўлса одамлар савдолашади, савдогарлар атрофдаги давлатларга ёки бир неча минг ли йироқдаги жойларга аравалар ёхуд кемаларда боришади.

Бу давлатда ҳукмдорларнинг бош сурати туширилган кумуш тингилар ишлатилади. Агар ҳукмдор оламдан ўтса, янги ҳукмдор боши сурати туширилган янги танга зарб этирилади. Териларга қатор қилиб ёзилган ёзувлар билан турли китоблар битилади...» **Марказий** Осиё тарихининг билимдони, академик В. В. Бартольд ҳам қадимги Хитой манбаларига таянган ҳолда, «Фарғоналиклар узумчиликда тенгсиз соҳибкор киши бўлганлар, улар тайёрлаган май ва шароблар кўп мамлакатларда машҳур эди. Хитойликлар узумчилик ва ундан тайёрланган виноларини 1500 ҳамда салкам 2000 литрли улкан хумларда ўн, ва хаттоки юз йиллаб сақлашни ўша фарғоналиклар воситасида ўрганиб олишган», деб ёзганди.

Энди Чжанг Чян маълумотларига назар ташласак: «Фарғона (Юан зуою, яъни Фарғона шарқий ва ғарбий томонида) атрофида узум (путао)дан май ишлаб чиқаради, бойлари 10 минг дан (1 дан – 103,6 литр)дан ортиқ май сақлашади. Ушбу май бир неча ўн йиллар турсаям мутлақо бузилмайди. (Милоддан аввалги II асрда Хитойда дондан спиртли ичимликлар ҳам ишлаб чиқарилган. У хитой тилида «жю» (ароқ маъносини англатади) деб номланган. Бирок, жюни узоқроқ вақт мобайнида сақлаш мумкин бўлмаган. Ана шу сабабданам Чжанг Чян Фарғонадаги узумдан тайёрланган

майнинг узок йиллар мобайнида сақланса ҳам, асло бузилмаслиги масаласига алоҳида диққат-эътиборини қаратган эди – Б. И.). Бу давлатнинг одамлари май ичади, отлари бўлса беда ейди. Хан элчилари узум ва беданинг уруғини олиб келган эдилар. Самовий отлар (тянма)ни кўпайтириш мақсадида Тангрининг ўғли (Хитой императори) беда ва узум уруғини ҳосилдор ерларга эктирди.

Чет эл элчилари келган чоғда, уларнинг кўпчилиги саройдан чиқиб узум ва бедазорларни айланиб кузатадиган бўлди».

Хан сулоласи (мил. авв. 206 – милодий 220 йй.) замонида Фарғонага 2 (икки) марта (яъни мил. авв. 104 ва 102 йилларда) ҳарбий юришларни амалга оширилган эди. Фарғонада асл отлар борлиги, унинг ниҳоятда ноёблиги ҳақидаги хабар Хитой хоқони У-ди (мил. авв. 140 – 85)нинг эътиборини ўзига тортган эди. У-ди Фарғонага юриш қилишидан аввал ўз юртидаги унумдор ерларга узум ва беда эктирганлиги ҳам сира бежиз эмасди-да. Хоқоннинг орзу-ниятларидан яхши бохабар бўлган элчиларнинг баъзилари Фарғона тулпорларидан сотиб олишгаям муваффақ бўлгандилар. Тагин Чжанг Чян маълумотларини ўқиймиз: «Тангрининг ўғли (Хитойда ҳукмдорлар Тянзи («Тангри ўғли») деган ниҳоятда улуғ унвон билан аталиб, уларнинг фаолияти «қонуният» (дао), «ахлоқ ва одамийлик» (дэ), «ғамхўрлик ва ҳиммат кўрсатиш» (тянминг), «Тангри амри» каби тушунчаларга асосланганди ва Хитой билан ўзга мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилашда муҳим омил бўлган. Чунончи, уларга кўра, Хитой ҳукмдорлари Тангрининг ердаги ўғилларидир; улар Осмон остидаги барча юрт ва халқларга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадир; ўзга давлатларнинг Хитойга юборган совғалари эса Тангри ўғлонларига билдирилган итоаткорлик белгисидир; бу совғалар эвазига Хитой ҳукмдорлари томонидан берилган нарсалар уларнинг ўзга давлат ва халқларга нисбатан кўрсатган ҳимматидан ва ғамхўрлигидан далолатдир. Милоддан аввалги III асрдан бошлаб Хитойнинг олий ҳукмдори «хуангди» (император) деб номлана бошлаган эди. Шундан кейин эса Хитой императорлари ўзларининг мартабасини устун кўйиш мақсадида ўзга мамлакатлар олий ҳукдорларига нисбатан «ванг» унвонини ишлатганлар. Хитой тарихчилари ўзлари шимолидаги хунларнинг хоқонларини «Танйи» («Шанюй») деб атаганлар (Бу

унвон «Тангрикут»нинг хитойча қисқарган транскрипцияси эди – Б. И.) қадимий китоблар асосида фол очтирган. Шунда фолбин «афсонавий отлар»ни (шэнма) шимолий-ғарбдан олиб келиниши мумкинлигини айтган. Тангрининг ўғли (У-ди) Асуэн (Усун)дан яхши отларни олганида, бу отларни Тангри отлари (Тян-ма) деб атади. Аммо, Тангри ўғли Буюк Фарғона (Дай-юан) давлатининг гўё қонсимон тер чиқарадиган отлари бундан ҳам бақувватроқ ва зотдорлигини кўрган пайтида, Асуэн (Усун) отларини узоқ ғарб отлари, Буюк Фарғона (Дай-юан) отларини бўлса Тангри отлари (тянма) деса тўғрироқ бўлади, деб айтган...» Ўзингиз ҳам ҳозир ўқиган ушбу тарихий маълумотлар «Шижи»да келтирилган.

Энди эса «Ханшу»да берилган айнан ушбу масалага дахлдор далилларни эътиборингизга хавола этсак-да, ундан кейин тагин аввалги манба маълумотларига қайтсак: «Буюк Фарғона (Юан)да 70дан ортиқ шаҳарлар ва кишлоклар мавжуд, зотли отлар кўп, бу отлардан эса қонсимон тер чиқиб туради. Айтишларига биноан, бу отлар Тангрининг отларидан тарқалган экан».

Аслиятдаги ушбу манбанинг матни оралиғидаги изоҳда Мэн Канг ёзади: «Айтишларича, Фарғона мамлакатаида баланд бир тоғ бор экан. Ушбу тоғнинг устида от мавжуд экан, лекин ушбу отни ҳеч ушлаб бўлмас экан. Шу боис ундан насл олиш мақсадида бир дона рангдор ургочи отни шу тоғнинг этагига боғлаб қўйишибди. Ўша тоғдаги отдан туғилган тойчоқнинг танаси қонсимон терга ботган экан. Шу сабабли у самовий от деб номланган экан».

Хан сулоласи хоқони У-ди моддий жиҳатдан зарар кўрса-да, Ғарбдаги турли мамлакатларга элчилар билан қарвонларни тиним билмасдан жўнатиб тураверган эди. Хоқон бундай қилиш орқали Ғарб мамлакатларидан келган элчиларга Хитойнинг улуғ, жудаям катта давлат эканлигини кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. Хитой императори чет элликлар олиб келган совғасаломдан кўра, уларга кўпроқ мол қайтариш анъанасини бошлаб берганди. Бундай ўзига хос дипломатия натижасида эса, ғарбий эллардан ҳам элчиларнинг келиши аста-секин кўпая борган эди.

Энди яна «Шижи» матнига мурожаат қиламиз: «Тангри ўғли Фарғона отларини яхши кўриб, уларни олиб келиш учун кетма-кет элчиларни юборди. Ҳар галги юборилган элчилар кўпи билан

бир неча юз киши ҳамроҳлигида сафарга отланган. Улар ўзлари билан олиб борган совға-саломлар бўлса буованг-хуо (Чжанг Чян. Буованг хуо – Хан салтанатига содик хизмат кўрсатган шахсларга бериладиган махсус бир унвон бўлиб, у икки қисмдан иборат эди. Унинг биринчи қисми «буованг» жуда узокни кўра оладиган ёки билимдон маъносини англатади. Иккинчиси – «хуо» атамаси эса иккинчи даражали унвон бўлиб, у Европадаги «маркиз» ёки баъзи Шарқ давлатларидаги «тўра» унвонига тўғри келади. Ушбу унвон «Шижи» китбининг уйғурча таржимасида «билги тўра» сифатида аталган) давридагидан ҳам анчагина кўп эди. Кейинчалик бундай хатти-ҳаракатлар оддий сафарга айланиб қолди. Хан (сулоласи) йилда бир марта кўпи билан 10 киши, энг камида 5 – 6 кишидан иборат элчилар гуруҳини ғарбий мамлакатларга юборди. Йирок элларга кетган элчилар 8 – 9 йилда, яқинроқ элларга кетганлари эса бир неча йилда ўз юртига қайтиб келадиган бўлди».

Хан давлатига тямалар келаётганлиги ҳақидаги хушхабар Хитой ҳукмдорини беҳад хурсанд қилиб юборган эди. Фарғона отларининг Буюк Хитой деворига анча яқинлашиб қолганлигидан бохабар қилинган Чин юртининг ҳозиржавоб шоирлари эса мил. авв. 120 йилда Фарғона «тулпор»ларига бағишлаб махсус қўшиқ (мадҳия) ҳам тўқиган эдилар. Бан Гу қаламига мансуб «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи») китобининг 169 – 170 саҳифаларида сақланган ўша бағишлов – шеър эса шундай тарзда жаранглайди:

*Тангрига раҳматига минг ташаккур,
Кўндан хосиятли «тулпор» тушибди.
Қип-қизил сўлақлари чиқиб оғзидан,
Бадани бутунлай терга чўмибди.*

*Фавқулудда унинг иродаси,
Руҳи унинг ниҳоятда юксакдир.
Кезиб осмондаги булутларни,
Хира қуёш нурида шошиладир.*

*Унинг тани салгина жимжимадор,
Зум ўтмай туман йўлларида ошар.*

*Аждаҳолар унга ҳамроҳ бўлишар,
Ким энди унгаям тенглаша олар.*

Орага Хитой шоири Ду Фу томонидан битилган «Фарғона тулпори» номли шеърни ҳам қистириб кетсак, асло ортикчалик килмайди (Ўктам Мирзаёр таржимаси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2019 йилнинг, 1 март, 9 (4511)- сон).

*Фаргонанинг учқур тулпорин кўринг!
Суюги мустаҳкам – танаси чандон!
Бамбук поясидай қулоқлари динг,
Икки жуфт туёғи кўтарар бўрон!*

*Ҳар не ўлкаларни этажасан забт,
Офат-балолардан асрагайдир у.
Аргумоқ остингда учар экан – бахт,
Энди айрилиқ йўқ сен учун мангу.*

Хитой хоқони У-ди Фаргонанинг отларига эга бўлганидан кейин, улар махсус истироҳот боғларида меҳр билан ўстирилган бедазорларда асраб-авайлаб, бокила бошлаганди. Хоқон чиройли, забардаст Фарғона отларини ниҳоятда яхши кўрган эди. Муаррих Ю. Н. Алескеров Жанг Чян қолдирган тарихий маълумотларига асосланиб, шундай ёзганди: «...Даваннинг ҳавоси бағоят мусаффо ва зилол сувлари эса доимо шарқираб оқиб туради. Даваннинг тоғ ёнбағирларидаги яйловларда тоғ отлари ирғишлаб юради. Улар чиндан ҳам само отлари бўлиб, териси ҳам ўзгача, қизил, худди қон рангидадир. Бу отлар чунонам абжир, хипча, оёқлари узун, қўлтиқлари тагида эса кўз илғамас қанотлари бор. Уларга минган чавандоз ҳар қандай йилдирим ғанимни осонликча қувиб етади. Ҳар қандай учқур ёвдан ҳам худди шундай қочиб кутила олади». Хитойликлар ўз юртларида хурмат ва эҳтиром рамзи сифатида, ҳаттоки ушбу отларга ҳайкаллар ҳам ўрнатгандилар. Манбаларга кўра хоқон бир жуфтгина Фарғона тулпори учун бутун Шинжон (шарқий Туркистон – ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Шинжян-Уйғур мухтор ўлкаси) вилоятини бериб юборишга ҳам рози бўлган. Қадимги дунё муаллифлари Фаргонанинг чиройли,

учкур отларига ниҳоят даражадаги улуг ва юксак баҳони бериб, уларни «жаннат дулдуллари» сифатида илохийлаштирган эдилар.

Хан хоконлиги элчилари орқали Фарб мамлакатлари ҳақида жуда ҳам муҳим маълумотларни қўлга киритиб олганидан кейин, «яқиндаги тўрғонни буйсундириб, узокдагиларни эса аста-секинлик билан ўз таъсир доирасига киритиш» режасини амалга оширишга киришган эди. У-ди даврида, яъни мил. авв. 140 – 85 йилларда Фарбий Хан ҳар томонлама юксалган, моддий имкониятлари ва харбий кудрати ошган давлат бўлган. Унинг энг асосий мақсади ўз атрофидаги халқларни ўзига итоат қилдириб, уларнинг ерлари ҳисобига Хитойнинг ҳудудини яна ҳам кенгайтириш эди. Аммо, ўша даврдаги Хун хоконлиги бу мақсадни рўёбга чиқаришга кўп вақтдан буён тўсик бўлиб келаётган ягона куч эди. Қолаверса, У-дининг ўзи ҳам хунларни тор-мор келтириб, уларнинг назорати остидаги ерлар ва бойликларни тортиб олишни росаям истарди. Лекин, хунларга қарши амалга оширилган ҳаракатлар ҳеч натижа бермаганидан кейин, Тангри ўғли – У-ди масалага бошқачароқ ёндашган. У, узокда жойлашган ва илгари хунлардан беҳад азият чеккан давлатлар ҳамда халқлар билан ўзаро бирлашиб, улардан унумли фойдаланган ҳолда Хун хоконлигини йўқотиш режасини тузганди. У-дининг фикрича, бундай халқларнинг бири ҳозирги Афғонистон ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган, хитой тарихий манбаларида «Дай-рузие» («Да-чюэчжи») сифатида тилга олинган, давлат бўлган. Шунинг учун ҳам У-ди мазкур давлат ҳукмдори ҳузурига ўзининг элчиларини юборишни зарур деб топган эди.

Бу ниҳоят даражада муҳим дипломатик вазифани бажариш учун эса айнан ўзингиз ҳам биладиган Чжанг Чян танланган эди.

Бу стратегик дипломатик режани амалга ошириш жараёнида эса Туркистоннинг қон маркази, яъни юрагида ўрнашган Фарғона давлати (Даван) пойтахти Эрши – Ахсикент шахрини ўрганиш ва у билан алоқа ўрнатишга алоҳида диққат-эътибор қаратилган эди.

Жанг Чяннинг қаламига мансуб йилномада Фарғона давлати подшоеси Муғуа ҳақида ҳам тарихий маълумотлар мавжуд. Унинг маслаҳатига таяниб, дастлаб Хитой императори дипломатик йўл билан Фарғона самовий отларига эга бўлиш ниятида, қимматбаҳо совғалар билан Даван давлатига махсус элчи юборган эди. Лекин,

Хитой элчиси Фарғона подшоси Мугуа буйруғига биноан қўлга олинган ва қатл этилган. Шундан сўнг, император куч ишлатиб бўлса ҳам мақсадига эришиш ниятида Ли Гуан-ли бошчилигида Фарғонага, мил. авв. 104 ва 102 йилларда, икки маротаба қўшин юборган эди. Биринчи юриш мағлубиятга учрагач, Ли Гуан-ли катта қўшин билан Фарғонага келиб, пойтахт шаҳар – Эршини қамал қилган эди. Сув йўли ҳам тўсиб қўйилган. Лекин, қамалда қолганлар сувдан ҳам, озиқ-овқатдан ҳам сира қийналмаганлар. Бундан жуда қаттиқ саросимага тушган Хан хоқонининг қайниси «Эрши жянгжюн» («Эрши қўмондони»). Қадим замонларда Хан ҳукморлари бирор-бир жойга қўшинни юбориб, уруш қилмоқчи бўлган чоғида, лашкарга бошчилик қиладиган кишиларга ҳарбий қўмондон «жянгжюн» унвонини айтиб забот этилажак жой номини қўшган ҳолда берганлар – Б. И.) Ли Гуан-ли эршиликлари билан келишиш ва сулҳ тузиш йўлини қидира бошлаган. У Эршининг ҳукмдори Мугуанинг бошини, бир неча «Тулпор» отларни ва ўша паллада жудаям зарур бўлган озиқ-овқат захирасини сўраган эди.

Ушбу масала эса Юан Шу (1131 – 1205) томонидан ёзилган «Тунгжян жиши бэнмуо» («Муҳим тарихий воқеалар баёни»)да шундай тарзда изоҳланган эди. «Ли Гуанли агарда фарғоналиклар таклифини қабул қилмасак, улар ўз шаҳрини жуда қаттиқ ҳимоя қилаётган пайтда Кангкиянинг қўшини Фарғонага ёрдамга келиб қолса, бизлар мағлубиятга учрашимиз муқаррардир, деган фикрга келиб, Фарғона билан битимни тузди. Фарғонанинг зодагонлари зотли отларини келтириб, ханликларга танлашнинг имкониятини бердилар ҳамда Хан қўшинлари бир нечта ўн зотли ва 3 мингдан ортиқ ўрта ҳол отларни танлаб олдилар.

Шундан сўнг аввал ханликларга нисбатан яхши муносабатда бўлган (маҳаллий) зодагон Муоцайни Фарғона (Юан)га ҳукмдор қилиб белгилади ҳамда у билан битим тузиб, ўз қўшинларини қайтариб олиб кетди...»

Хан хоқонининг Фарғонага элчиларни юбориб, асл отларни талаб қилиши масаласи юзасидан Хитой тарихчилари томонидан ёзилган «Шингжяннинг қисқача тарихи»да бир ҳақиқий гап ҳам ўрин олган эди: «Хан сулоласининг асл нияти қўринишидан ўша наслик отларни сотиб олиш бўлса-да, лекин унинг мақсади роса

катта эди. У даврларда Фарғона хукмрон табақаси икки гуруҳга бўлиниб кетган эди. Бир гуруҳи подшоҳ Мугуанинг бошчилигида бўлиб, бу гуруҳ хунларга таяниб, Хан сулоласига қарши эди. Яна бир гуруҳ оксуяк Муэтциен (Мейцай) бошчилигида бўлиб, Хан сулоласига нисбатан яхши муносабатда эди. Бироқ, улар мавкеи унчалик ҳам зўр бўлмаган. Мугуа бошчилигидаги гуруҳнинг Хан сулоласига қарши хатти-ҳаракатларига қаттиқ зарба бермаслик эса, ахир хун оксуяқларининг олдида бошни эгиш билан тенг эдида, унинг оқибатида Хан сулоласининг Ғарбий эллардаги обрўи ер билан яксон бўлар эди» (Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. Тошкент, «Фан», 2002, 43- бет). Демак, бу ўринда тарихчилар ўша замонлардаги Хитой хоконининг ғаразли равишда Буюк Фарғона давлатининг ички ишларига аралашиб, уни ўзига қарам қилиб олиш мақсадини кўзлаганларини, ўзлари ҳам унча англамаган ҳолда, ошкора тарзда ёзиб қўйган эканлар...

Икки ойга яқинроқ қамалдан кейин, ички шаҳарда жонини сақлаб турган Оқсоқоллар кенгашининг аъзолари ўзаро келишган ҳолда, хукмдор Мугуани Хитой элчисининг ўлими ва мамлакат бошига тушган беҳад оғир фалокатда айблаб, тахтдан четлатган, уни ўлимга ҳукм қилган. Оқсоқоллар кенгаши бу билан ҳамма айбни Мугуанинг ўзига юклаб, ханликлар таклиф этган тинчлик сулҳини қабул қилган эди. Ушбу сулҳга биноан хитойликлар бир неча ўн самовий тулпорлардан олиб, ўз юртларига қайтиб кетган эдилар. Бу ҳолат мил. авв. II – I асрлар бошларида Фарғонадаги подшо ҳокими мутлақ, якка-ю ягона хукмдор бўлмагани ва унинг барча хатти-ҳаракатлари, фаолиятини Оқсоқоллар кенгаши доимо назорат қилиб турганиданам далолат беради. Фарғонадаги сиёсий ҳаётнинг ана шундай демократик тамойили эса айрим бир жузъий ўзгаришлар билан араблар истилосига қадар давом этиб келган.

Энди юқорида ўзингиз ўқиган маълумотлар «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»)да қандай тарзда баён этилганидан ҳам бохабар бўлиб қўяверсак: «Чжанг Чян Хан императори У-дига биринчи марта тулпор отлар тўғрисида сўзлаб берганида, бу император ўз элчилари орқали 1000 жин (ҳозирги ҳисобда 500 кг) олтин, «зар отлар» (ўрда ва ҳарам дарвозалари икки томонига ўрнатиладиган мисдан ясалган от ҳайкаллар – Б. И.) ва олтиндан ясалган отнинг

хайкалини юбориб, Фарғона (Юан) хукмдори (ванг)дан уларнинг эвазига эса зотли отлардан беришни сўради. Бирок, Фарғонанинг ванги (хукмдори) жуда ҳам кўп сонли Хан кўшинлари узок ердан етиб кела олмайди, деб ўйлаб, бунга рози бўлмади ҳамда бебаҳо отларни бермади. Шунда Хан элчилари сўқинди. (Ўша матннинг орасига киритилган изоҳда эса Ян Шигу шундай ёзганди: элчилар сўқиниб, Фарғона хукмдори (Юан-ванг)ни ҳақоратлади).

Шундан кейин Фарғона хукмдори Хан элчиларига хужум уюштириб, уларни ўлдирди ҳамда мол-мулкларини тортиб олди. Мазкур воқеадан сўнг Тангри ўғли Риейшией (Эрши) кўмондони Ли Гуанлини 100 мингдан ортиқ бўлган кўшин билан Фарғона (Юан)га уруш қилишга юборди. Бу уруш тўрт йил (мил. авв. 104 – 101 йиллар) давом этди. Фарғоналиклар (Юан-рен) ўз хукмдори Мугуанинг бошини олиб, бир неча ўнта зотли ва 3 мингдан ортиқ ўрта ҳол отларни тақдим қилди. Шундан кейин эса Хан кўшини ўзининг юртига қайтиб кетди. Бу ишлар тафсилоти «Ҷжанг Чян таъкираси»да баён қилинган. Фарғонанинг хукмдори (Юан-ванг) ўлдирилганидан сўнг, Риейшией (Эрши) кўмондони (Ли Гуанли) унинг ўрнига Хан сулоласига мойилликни билдирган Муэтциен (Мейцай) исмли бир зодагон кишини Фарғонага хукмдор қилиб тайинлади. Бир йилдан ошиқ вақт ўтгач, Фарғона зодагонларидан бўлган Муэтциенни Хан элчиларига нисбатан хушомадгўйликда айблаб, ўлдирдилар, тахтга Мугуанинг укаси Чанфэнгни ўтказиб, уни хукмдор сифатида тан олдилар. Янги хукмдорнинг ўғлини эса Хан саройига гаров сифатида юбордилар. Хан сулоласи бунга жавобан элчисини юборди ҳамда улар орқали совғаларни йўллаб, ўзининг бундан беҳад мамнун эканлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, Фарғонанинг ғарбидаги мамлакатларга ўн мартадан зиёд элчилар юбориб, у ерлардаги ғаройиб нарсаларни билди. Шундан кейин Фарғонага ҳарбий юриш қилишга фармон чиқариб (фарғоналикларга) таҳдид солди. Фарғонанинг хукмдори Чанфэнг Хан сулоласига ҳар йилига икки тулпор бериш ҳақидаги битимни тузди. Хан элчилари бўлса узум ва беда уруғини олиб қайтдилар. Тангри ўғли тулпорларнинг кўпайтирилишини ва чет элларга уларни кўрсатишни ўйлаб, сарой ва меҳмонхоналарнинг атрофидаги бепоён далаларга узум ва беда эктирди».

Энди Юан Шу (1131 – 1205) томонидан ёзилган «Тунгжян жиши бэнмуо» («Муҳим тарихий воқеалар баёни»)га мурожаат қилсак, юкорида баён этилган воқеалар тағин ҳам аниқлашган ва ёрқинлашган бўлар эди. «Тангри ўғли (У-ди) Фарғонадан олиб келинган баданидан қонсимон тер чиқадиган отларни кўриб, унга ниҳоятда ишқибоз бўлиб қолди ва унга Тангри оти (Тянмо) деган ном қўйди. Сўнгра яна шундай отлар келтириш учун Фарғонага элчилар юборди... Элчига ҳамроҳлик қилган майда амалдорлар ва жангчилар ўзбошимчалик қилиб, хориж юртларидаги нарсаларга ўзини уришди. Улуғ зотлар шон-шарафга, очкўзлар бойликка, безорилар эса уруш-жанжалга интилади, деган нақл бор. Элчи сифатида юборилган кишилар эса камбағалларнинг фарзандлари бўлганлиги туфайли ҳам улар совға-саломларга ўчлик қилганлар, бозорларда ўз шахсий манфаатини кўзлаб иш тутганлар. Хориж давлатлари эса Хан элчиларини ҳурмат қилмай қўйган, маҳаллий одамларда турли тушунчалар пайдо бўлган. Улар Хан қўшинлари ниҳоятда узоқ ердан етиб кела олмайди, деб ўйлаб элчиларга ва уларнинг ҳамроҳларига егулик бермаганлар. Бунинг устига улар хужумга ҳам дуч келишган. Бу ҳол уларнинг келишини тўхтатиб қўйишга олиб келган...

Тайчу даврининг (мил. авв. 104 – 101 йиллар) биринчи йили (104 йили) ғарбий ўлкаларга бориб келган Хан элчилари Фарғона (Юан)да ҳақиқатдан ҳам тулпор отлар бор эканлигини, аммо улар Риейшией (Эрши) шаҳрида эканлиги ва Хан элчиларидан яшириб қўйилганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Шундан кейин эса Тангри ўғли (У-ди) мингта тилло қуймаси ва битта олтиндан ясалган от ҳайкалчаси билан Чэ Линг исмли бир паҳлавоннинг бошчилигида Фарғонага ўз элчиларини юбориб, уларга ушбу совғалар эвазига у юртдан тулпор отларни олиб келишни буюрди.

Фарғона (Юан) ҳукмдори эса ўз сарой амалдорлари билан маслаҳатлашиб олгандан сўнг, Хан давлатидан келган кишиларга шуни айтди: «Хан биздан ниҳоятда узоқда, ханликлар Шўркўл (Лобнор)дан нарига ҳам ўта олмайдилар, шимол орқали юрсалар, ҳун қарокчиларига дуч келадилар, агар жанубдан юрсалар, сувсиз ва озиқ-эвқатсиз қоладилар, унинг устига йўлда шаҳарлар кам, овқат етишмайди. Агарда Хан элчилари бир неча юз киши бўлиб

келгудек бўлсалар, очарчиликка дуч келиб, уларнинг кўпчилиги нобуд бўлади. Бундай вазиятда (Ханнинг) кўп сонли кўшинлари қандай қилиб бизгача етиб келиши ва нима аломат кўрсата олиши ҳам мумкин? Қолаверса, Риейшией (Эрши) отлари Фарғонанинг бебахо отларидир».

Шундай қилиб, Фарғона ҳукмдори Хан элчилари таклифига рад жавоб берди. Хан элчиси бундан қаттиқ хафа бўлиб, сўкинди ва олтиндан ясалган от ҳайкалчасини иргитиб юбориб, саройдан чиқиб кетди.

Фарғона (Юан) зодагонлари Хан элчилари бизни менсимайди, деб уларнинг қилмишидан ниҳоят даражада қаттиқ ранжидилар, лекин, Хан элчиларини ўз юртларига қайтариб юбордилар...

Тайчу (Юксалиш даври)нинг иккинчи йилида (мил. авв. 103 йил)да Риейшией (Эрши) кўмондони (Ли Гуанли) ғарбга юришни бошлади. Шўркўл (Яншуй – Лобнор кўли)дан ўтганидан кейин, йулдаги кичик давлатлар жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, унинг кўшинларига озик-овқат беришмади... Ва ниҳоят, Хан кўшинлари Ўзган (Йивечэнг) шаҳрига етиб борди. Бироқ, манзилга очлик ва чарчоқ ҳолатда етиб келганларнинг сони атиги бир неча минг киши эди. Шунақа ҳолатда Хан лашкарлари Ўзган (Йивечэнг)га ҳужум қилиб, бу шаҳарни вайрон қилди, ниҳоятда кўп одамлар ўлдирилди ва ярадор қилинди. Шундан сўнг Риейшией (Эрши) кўмондони Ли Гуанли, Ли Дуо ва Чжао Шичэнг Ўзганни олиш шунчалик қийин бўлса, қандай қилиб Буюк Фарғона пойтахти – Эрши (Вангду)ни ишғол қила оламиз, деб ўйлаб, лашкарларини орқага қайтарди. Дунхуангга атиги 11 – 12 киши қайтиб келди...

Тайчу (Юксалиш даври)нинг учинчи йилида (мил. авв. 102 йил) сарой амалдорлари ўзаро маслаҳатлашиб, Фарғона (Юан)га кўшин юборишдан воз кечиш ва асосий кучни хунларга (хун сўзи бир вақтнинг ўзида одамни ҳамда ўзимиз доим ишлатадиган кун (куёш) сўзини билдиради) қарши сафарбар қилишни айтдилар. Тангри ўғли Фарғона (Юан)га юриш қилиб, бундай кичик бир давлатни ҳам забт эта олмасак, Бактрия (Дайғия / Дашя) ва унинг атрофидаги мамлакатлар Ханни менсимай қўйишади-ку, Фарғона тулпорларига бутунлай эга бўла олмаймиз, Усун, Бутур (шарқий Туркистондаги Қорашаҳар билан Кучар ўртасидаги жой) сингари

давлатлар бизнинг элчиларимизга асло хурматини билдирмайди, бунинг устига эса бари чет элликлар бизнинг устимиздан кулади, деб хисоблаб Фарғона (Юан)га юриш зарурлигини айтди. Бунга қарши чиққан Дэнг Гуанг сингарилар қамалди.

Шундан кейин эса бир йил давомида қамоклардаги безори ёшлар ва чегара вилоятлардаги чавандозлардан 60 минг кишилик қўшин тузилди. Ўз ихтиёри билан буларга эргашиб кетаётган кишилар ҳам бўлди, аммо, улар бу таркибга киритилмади. Қўшин учун 100 минг қорамол, 30 минг от, 10 мингдан зиёд туя ва эшак, етарли даражада дон ҳамда ўқ-ёйлар ажратилди. Бутун мамлакат оёққа турғазилди. 50 нафардан ортиқ ҳарбий амалдорларга бўлса Фарғонага юриш қилиш ҳақида буйруқ берилди. Фарғона шаҳри (Юан-чэнг, Эрши)да қудуқлар йўқлиги ва ичимлик суви шаҳар ташқарисидан ариқлар орқали олиб келинишини ҳисобга олган ҳолда, ўша сувнинг йўлини тўсиб, бу шаҳарни сувсиз қолдириш учун мутахассислар ва ғалабадан кейин Фарғона отларини танлаб олиш учун иккита от устаси (яъни, синчи) юборилди...»

Хитой қўшинининг мил. авв. 104 – 101 йиллар давомида Буюк Фарғона давлатига қилган тажовузкорлик юриши эса буюк аждодларимизнинг қаттиқ қаршилиги туфайли барбод бўлганди. Бунда Усун давлатининг Хан тарафдорига айланмаганлиги ҳамда Хун, Қангкия сингари салтанатларнинг Хитойга қарши бетиним тарзда ҳамла қилиб турганлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган эди.

Бу уруш қадимги фарғоналикларнинг жасурлиги, қаҳрамон халқ эканлигини бундан 2100 йил муқаддам бутун дунёга яққол намойиш қилиб берганди. Ўша уруш минглаб мард ўғлонларнинг муборак қони тўкилган бўлса-да, қадимий аждодларимизнинг ўта мағрур ҳамда енгилмас бўлганларидан ҳам яққол далолат беради.

Ҳозирги замон Тарих илмида ўта машҳур «самовий отлар» боқиладиган Фарғона (Даван) давлатининг бошкенти – пойтахти ҳозир қайси жойга тўғри келиши тўғрисидаги баҳс-мунозараларга ҳанузгача сўнгги нуқта қўйилмаган. Бундай бетиним равишдаги турли баҳслар ва мунозараларга Фарғона водийсидаги бир неча қадимий шаҳарларнинг ташқи қиёфаси жиҳатидан Хитой тарихий манбаларида ёзиб қолдирилган Эршига ўхшаб кетиши ҳам ўзига

хос асос бўлмоқда. Шундай қилиб, қадимий Даван давлатининг бош шаҳри, яъни пойтахти Эрши ўзи қаерда жойлашган эди?

Хитой олимларининг бир қисми, рус ва Фарбдаги айрим бир тадқиқотчилар (Э. Шаван) таҳлилига асосан «Ханнома. Фарбий эл тазкирасидаги жой номларини текшириш» асарига биноан, Эрши шаҳри ҳозирги замонда Тожикистондаги Ўратепа ёхуд Жиззахга тўғри келади, деб кўрсатганлар.

Баъзи Хитой олимлари эса А. Бернштам бошлиқ бир гуруҳ олимларнинг, айнаи чоғдаги шахар қолдиқларига асосланиб, Эрши Андижондаги Марҳамат шаҳри ёнида жойлашган Мингтепа эди, деган хулосаларига тўла қўшиладилар. Ушбу фикрни кейинчалик кўпчилик тарихчи – археологлар ҳам қўллаб-қувватлаган эдилар.

Академик А. Асқаров «Турон тарихи»да (Тошкент, 2010, № 4, 7- бет) босилган «Марҳаматга сафар таассуротим» сарлавҳали бир мақоласида 40дан зиёд китоблар муаллифи Макдум Восилий асарларидаги далилга ишора қилиб, Эрши «Қайирши» сўзидан келиб чиққанлиги, у айнан ҳозирги Марҳаматга тўғри келишини таъкидлаган. Аҳмадали Асқаровга биноан, «Тарихий манбаларда Ўзилишича, ҳозирги Марҳамат эрамиздан аввал Эрши деб аталган ҳамда Довон давлати пойтахти вазифасини бажарган эди... Турли тарихий воқеалар остида Эрши шаҳри кулаб, харобага айланган. Унинг ўрнида эса Мингтепа пайдо бўлган».

Шунингдек, «Эрши» деган атама Сутришина (Устришина) шаҳрининг (у ҳозирги замондаги Ўратепа ҳамда Жиззахга тўғри келади) хитой тилидаги талаффуз қилиниши, деб тасдиқловчилар ҳам анча-мунчагина мутахассисларни ташкил этади.

Синолог (хитойшунос) А. Малявкин эса асосан А. Бернштам хулосасини ҳақиқатга яқин деб ҳисобласа-да, мазкур масалани ҳали ўз ечимини топмаган илмий муаммо сифатида таъкидлайди. Фарғона водийсида махсус қидирув-қазншма ишларини ниҳоятда жадал равишда амалга ошираётган (жаҳонга машҳур Мунчоктепа ёдгорлиги кашфиётчиси) жасур археолог олим, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев бўлса А. Бернштамнинг хулосасига тўла-тўқис қўшилади. У мил. авв. II – I асрларда ғоятда гуллаб-яшнаган Мингтепанинг Фарғонанинг шарқида жойлашганлиги ва унинг яқинидаги тоғлар қояларига эса «дулдул от»нинг тасвири

ўйилганлиги, мазкур бебаҳо ва улуғвор тарихий ёдгорлик айнан Эрши бўлганлигини ҳақиқатан тасдиқлайди, деб ҳисобламоқда.

Машҳур синолог (хитойшунос) олим Аблат Хўжаевнинг қарашлари бўлса сал бошқачарок. Унинг фикрига кўра, қадимги хитой иероглифлари оркали ифодаланган Эрши топоними (жой номи) оғзаки нутқда Рией-шией сифатида талаффуз қилинганди. Хитойликлар о, р, н, л, ш жарангли ва жарангсиз говушларини айта олмасликларини ҳам назарда тутилса, Рией-шией маҳаллий Эйш деган сўзига ҳам ўхшаб кетади, у эса, ўз навбатида, ҳозирги замондаги Ўш шаҳрига тўғри келади. Географик жиҳатдан бўлса Ўш тоғлик жойда ўрнашган, йилқичилик учун ҳам жуда қулай.

Қадимги хитой тарихий манбаларини рус тилига таржима қилган олим Н. Бичурин Даваннинг бошкенти – қадимги Эршини ҳозирги Кўқон шаҳрининг ўрнида бўлганди, деб ҳисоблаган эди.

А. Малявкин билан бир пайтнинг ўзида Л. Боровкова ҳам турли таҳлил ва тахминларга қарши чиқиб, «Запад Центральной Азии во II в. до н. э. – VII в. н. э.» (Москва, 1989) китобида Хитой манбаларида берилган шаҳар ва қишлоқлар орасидаги масофани ҳисоблаб чиқиб, Буюк Фарғона (Даван) пойтахти Эрши ҳозирги даврдаги Кўқон шаҳри атрофига тўғри келади, деган хулосасини чиқарганди. Бундан ташқари бўлса, В. Малявкин Эрши шаҳри анча харобалашиб қолганидан кейин Гуйшан (Кивейшан) шаҳри Қадимги Фарғона давлатининг янги марказига айланиб қолган бўлса керак, деган ўзига хос тахминни ҳам илгари сурганди.

Ҳайдарбек Бобобеков ҳам хитой манбаларида тилга олинган Гуйшанни қадимий Кўқон шаҳрининг (Хўқанд) хитой тилидаги ўзига хос равишда талаффуз қилиниши бўлса керак, деган фикр-мулоҳазани билдирган эди. Аслида, Хуваканд атамаси топонимия илмига биноан, «тепаликдаги шаҳар» деган маънони билдиради.

Гуйшан Хитой (хитойликлар ўз мамлакатини «Чжунггуо», «Чжунгхуа», «Чжанхуа» (ўрталикдаги империя – салтанат), она тилларини эса «хан» деб атайдилар) тилининг нуқтаи назаридан караганда Косон номига ҳам тўғри келади. Шу сабабли ҳам, 1984 йили рус тилида чоп этилган «Қирғизистон тарихи» китобининг муаллифлари Наманган вилоятидаги Косонсой шаҳрини Гуйшан, деб ҳисоблагандилар. Эҳтимолки, Косонсойдаги жажонга машҳур

Муғ қалъаси ўша Гуйшандир. Косон сўзининг хитой (хан) тилида «Гуйшан» деб талаффуз қилинишида эса яхшигина жон ҳам бор. Академик В. В. Бартольд 1909 йилда Гуйшан, кейинроқ Гесай деб номланган шаҳарни ҳозирги Косонсойдаги Муғқалъа билан боғлиқ эканлиги хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирганди. У ўз фикрини Хитой манбаларидаги «Лона – қадимги Давандир, қароргоҳи эса Гуйшань шаҳрида», деган тарихий маълумот билан боғлаган эди. Бу гоёни А. Н. Бернштам археологик топилмалар билан тўлдириб, янадаям ривожлантирганди. Бу фикрга хайрихоҳ бўлган, дунёга таниқли археолог олим Ю. А. Заднепровский ҳам «Гуйшань – Муғқалъанинг қадимий қолдиқларидир», деб ёзган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз даркорки, Сима Чянининг «Тарихий хотиралар»ида Фарғона (Даван)нинг маркази Эршидир, деб кўрсатилган. Мазкур манбадан 180 йил кейинроқ ёзилган Бан Гунинг «Ханнома»сида бўлса Фарғона пойтахти Гуйшан шаҳри, деб битилган эди. Демакки, Хитой манбаларида Эрши ва Гуйшан шаҳарлари бирин-кетин пойтахт бўлганлиги ҳам таъкидланмоқда. **Хитойликлар** «самовий отлар»га эғалик қилиш орзу-мақсадида **Фарғонага** юриш бошлаган пайтларида эса унинг пойтахти Эрши **бўлганлиги** ҳақиқатга, маълум бир даражада, уйғун келади.

Гуйшан атамасининг қадимий ўқилиши Квайсан эканлигига асосланиб уни бевосита Қувасой билан боғловчи қатор олимлар ҳам мавжуд. Эрши – Ўш, Йивечэнг – Ўзган ва Гуйшан – Қувасой эканлиги эса, албатта, янги-янги археологик топилмалар ва аниқ-тиниқ тарихий далиллар билан исботланмоғи даркор...

Лекин, кейинги йилларда ўта жадал суръатда олиб борилган археологик изланишлар юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, тахмин ва талқинларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, Эски Аҳси ёдгорлигида амалга оширилган илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган турли хил материаллар ёзма манбалар билан жиддий равишда таққослаб чиқилди.

Натижада бўлса, ЎзР ФА Археология институти директори ўринбосари, ҳозирги пайтда институт Тошкент бўлими бошлиғи, «Меҳнат шухрати» орденининг соҳиби Абдулҳамид Анорбоевни Фарғона давлатининг қадимий пойтахти Эрши шаҳри Эски Аҳси ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган янги қарашга олиб келган эди.

А. Анорбоев бу илмий мулоҳаза, хулосани тасдиқловчи бир қатор археологик материалларини қўлга киритган. Биринчидан, мил. авв. III – I асрларда Эски Ахси ҳудудида бўлган бу шаҳар камида 40 гектар майдонни эгаллаганди, ўзининг арки-аълоси ва икки қисмдан иборат «шахристони»га ҳам эга бўлган. Дастлабки пайтларда, қалинлиги ҳамда баландлиги 3 метрдан зиёдрок қалин девор билан ўраб олинган бу ҳудуд, 100 – 150 йиллар мобайнида қалинлиги 10 метр, баландлиги эса 20 метрдан ҳеч кам бўлмаган ўзига хос маҳаллий услубда қурилган ғоятда қудратли мудофаа иншоотига эга бўлган «қалъа», яъни катта шаҳарга айланган.

Абдулҳамид Анорбоев бу каби мудофаа деворининг бунёд этилишига эса Хитой армияси томонидан 2 марта уюштирилган босқинчилик юришлари асосий сабаб бўлган, деб ҳисобламоқда. Андижон вилоятидаги Мингтепада бўлса ана шундай даражадаги мураккаб мудофаа деворлари ҳам мавжуд эмас. Унинг деворлари эса кўпроқ антик даврнинг услубида (Марказий Осиё ҳудудидаги антик давр деганимиз мил. авв. IV асрда Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) қўмондонлиги остидаги ҳарбий юриш замонидан бошланган ҳамда милодий V асрга қадар давом этган) барпо этилган шаҳарнинг деворларига ниҳоятда ўхшаб кетади.

Иккинчидан, Эски Ахсида, Мингтепадагидан фарқли тарзда, маданий қатлам (инсон ҳаёти ва фаолияти излари) ёдгорликнинг ҳамма жойларида мавжуд эканлиги қазилмаларда аниқланганди.

Учинчидан, Мингтепа Аравонсойнинг сўл ирмоғи бўлмиш Чекободсойнинг қуйроқ оқимида жойлашганлиги сабабли унинг атрофидан оқиб ўтаётган сувни махсус бир режа асосида бошқа томонга буриб юбориш зарурияти ҳам бўлмаган. Аксинча, Эски Ахси ўрнидаги қадимий шаҳарга бўлса махсус канал орқали 14 – 15 километр узоқроқ масофадан, Косонсойдан сув келтирилган. Эрши шаҳрига келаётган сувни бошқа томонга буриб юбориш тўғрисида ўша замонда Хитой муҳандислари томонидан тузилган махсус режаям Эски Ахси ўрнидаги қадимги шаҳарга тааллуқли.

«Ханнома» асарида мил. авв. 130 йилдан – милодий 23-йилга қадар бўлган воқеа, ҳодиса ҳамда жараёнлар баён этилган. Асар муаллифи Бан Гу «Тарихий хотиралар» маълумотларидан тўлиқ фойдаланиб, уни янги воқеа, далиллар билан бойитган. Бан

Гуниг ёзишича, Даван, яъни Фарғона давлати подшоси Гуйшан шаҳрида ўтирган. Мамлакат аҳолиси 300 минг кишидан иборат бўлган. Оилалар ва аскарларнинг сони эса 60 мингга тенг бўлган. Бундан ҳам яққол кўринадики, қадимги Фарғона давлатида ҳар бир оиладан биттадан эркак армия, кўшин, яъни қуроли кучлар сафига чақирилган эди. Одатда, қадимги кўчманчи давлатларнинг ижтимоий структурасида оилалар ва армиядаги хизматчилар сони бир-бирига тенглаштирилганди. «Тарихий хотиралар»дан фарқли равишда «Ханнома»да пойтахт шаҳарни Эрши эмас, Гуйшан деб кўрсатилганига ҳам алоҳида диққат-эътиборни қаратмоқ даркор.

Шу ўринда В. Тарн ва Э. Пуллейблэнк қарашларига ҳам бир назар ташласак. Улар 1930 – 1960 йилларда Хитой манбаларини жиддий тарзда ўрганиб ва таҳлил этиб, Фарғона (Даван) давлати аҳолиси кўчманчи қабилалардан иборат, деган фикрни билдирган эдилар. Фарғона ҳаётидаги бундай сиёсий ўзгариш А. Анорбоев мулоҳазасига биноан, мил. авв. I асрнинг 90- йилидан милодий 23- йилга қадар бўлган даврнинг ичида юз берган бўлса керак.

Худди ана шу даврда Фарғонанинг бош шаҳри, бошкенти – пойтахти Эрши Гуйшан деб номланган бўлиши ҳам мумкин.

Демак, ушбу ўринда Э. Пуллейблэнк тўла ҳақ бўлиб чиқади, яъни унинг фикрига кўра, маълум бир вақтда юечжи (гуйшан – Кушан) қабилаларига оид катта гуруҳ Фарғона давлатига келган. Айнан ана шу ҳолатга асосан бош пойтахт шаҳар (Эрши) Гуйшан сифатида қайтадан номланган бўлиши ҳам мумкин.

Милодий I асрга келиб Фарғона водийсининг дарё ва сойлар ҳавзаларидаги унумдор ерлар тўла ўзлаштирилган эди. Оқибатда, эса зироатчилик янада гуллаб-яшнаган. Шу билан бирга, халқаро савдо алоқалари кенгайиши, жуда кўп тармоқли хунармандчилик жадал тараққиёти ва кончиликнинг тезкорлик билан ўсиши шаҳар маданиятининг ҳар томонлама ривожига ҳам олиб келган эди. Натижада, шаҳар маданияти ва турмуш тарзи жамиятнинг асосий мезонига айлана бошлаган. Бу замонда шаҳар атрофигина эмас, балки узоқ қишлоқлар ҳам шаҳарлар аҳолиси ҳаётига тақлид этиб ҳаёт кечиришга ҳаракат қилган эдилар. Айнан шу сабабга биноан Хитой манбаларида катта қишлоқлар ҳам шаҳар сифатида тилга олинган: Даванда 70га яқин катта ҳамда кичик шаҳарлар мавжуд.

Уларнинг ҳар бири эса ўзининг мустақил ҳукмдорига эга. Амалда мустақил ягона ҳукмдор мавжуд эмас. Мамлакат тақдири билан боғлиқ энг олий даражадаги масалалар бадавлат зодагонларнинг кенгашида ҳал этилади. Ҳукмдори бўлса Олий кенгаш маслаҳати билан иш тутади. Акс ҳолатда, Кенгаш унинг айби учун эгаллаб олган вазифасидан бўшатиши, ҳукмдорга қаттиқ жазо белгилаши мумкин. Ҳукмдори эса Гуйшан шаҳрида ўтиради. Элчи Жанг Чян Даванга келган чоғида маҳаллий аҳоли жудаям яхши кутиб олиб, уни Кангуй (мил. авв. III асрдан милодий V аср ўрталаригача мавжуд бўлган давлат – Кангжюй, Кангкия давлатининг худудига ҳозирги Қозоғистон жанубий ҳамда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари кирганди. Хитой манбаларида мазкур давлатнинг бир томони Или водийсига, иккинчи тарафи бўлса Суғд (Суйи) билан чегарадош эканлиги ҳақида ёзилган эди)гача кузатиб қўйганлиги ҳақида ҳам айтиб берган, ёзиб қолдирган эди.

Худди ўша матндан кичик бир лавҳани ўқиймиз: «Кангкия Буюк Фарғона (Дай-юан)нинг шимолий-ғарбида 2000 ли (яъни, 1152 км) нарироқда жойлашган кўчманчиларнинг давлатидир. Бу давлат аҳолисининг урф-одатлари эса ғуз-ерликларга (рузиеларга / юэчжиларга) жуда ҳам ўхшайди. 80 – 90 мингга яқинроқ ўқ-ёй отувчилари (лашқари) ҳам бўлиб, у Буюк Фарғона (Дай-юан)га қўшни давлат ҳисобланади. Лекин, ушбу давлат анчагина кучсиз бўлганлиги туфайли ҳам жанубда Ғузур (Рузие/Юэчжи), шарқда эса Хуннинг таъсири остида туради».

VI – VIII асрларда Хитойга турли хил сабаблар билан келиб, яшаб қолган самарқандликларга (худди ўша ерликлар маъносиди) Канг, Бухородан борган тижоратчиларга Ан, Фарғонадан борган кишиларга Цяо, Зарафшон дарёсининг бўйидан борганларга Ми, Тошкентдан борган кишиларга эса Ши фамилиялари берилган.

Шу ўринда, айни мавриди келиб қолганиям туфайли, Хитой манбаларида Самарқанд ҳақида келтирилган айрим маълумотлар билан қисқача танишиб олиб, сўнгра ўзимизни Ахсикентимизга қайтсак, сизларга унчалигам малол келмаса керак деб ўйлаймиз. «Канг (Мараканд ёхуд Самарқанд деган истилохларнинг қадимги хитойча қисқартирилган транскрипцияси) давлати одамларининг кўзи чуқур, бурунлари қирра, соқол-мўйловлари эса қуюқ, савдо

ишларига ниҳоят даражада мохир, унинг атрофидаги ёввойилар мазкур давлатга оқиб келишади.

Уларда катта ва кичик ноғоралар, 5 торлик чолғу асбоби, най мавжуд. Тўй ва ўлим маросимлари турклар (тузжюэ)никидан унча фарқ қилмайди...»

Юкорида номлари кайд этилган мусиқа асбоблари араблар, эронликлар орасида ҳам ғоятда кенг тарқалган эди. Хан даврида хитой машшоклари ҳам Самарқанд созларидан унумли равишда фойдаланган ҳолда басталанган ўз куйларини ижро этган эдилар.

«Буюк Танг сулоласи давридаги ғарбий мамлакатлар ҳақида баён»да «Канг-гуо Ми (Маймурғ) давлатининг ғарби-жанубида 300 ли (172,8 км) нарида жойлашган, у Самаоцзян деб аталади», деб ёзиб қолдирилган. Худди шундай маълумот «Тунгдянь»да ҳам келтирилган. Унда «Самуожян давлатини Танг сулоласи Канг-гуо деб атаган»лиги ҳақидаги муҳим тарихий маълумот берилган.

766 – 801 йилларда битилган Ду Ю (735 – 812)нинг қаламига мансуб «Қонун-қоидалар ва урф-одатларнинг баёни» («Тунгдянь») номли китобида бизгача етиб келмаган муаллифи Вэй Же бўлган «Шифанг жи» («Ғарбдаги мамлакатлар хотираси») номли муҳим бир асардан олинган, ўзимиз учун ҳам бағоят қизиқарли шундай **лавҳа** келтирилган. «Канг давлатининг одамлари савдо ишларига **росаям** пишиқ, болаларини 5 ёшдан ўқитишади, ёшлигидан савдо **ишларига** ва фойда олишга ўргатишади. Улар ашула айтишнинг **роса** яхши кўради. (Уларда) Янги йил олтинчи ойнинг биринчи кунидан бошланади. Янги йил кунини ҳукмдорлар ва фуқаролар энг янги кийимларини кийиб олишади, соч-соқолларини ясатишади. Пойтахтнинг шарқий томонидаги дарахтзорда 7 кун давомида от чопиш ўйини бўлади, охириги кунини эса битта тилло тангани осиб қўйиб, унга ўк-ёй отиб теккизиш мусобақаси ўтказилади. Тангага ўқини теккиза олган камонкаш бир кун давомида ҳукмдорнинг тахтига ўтказилади. Тангрига ўта қаттиқ эътиқод қилади ва барча ишларида ундан мадад сўрайди...

Фарғона ва унинг ғарбидаги Парфия (Анши)нинг тиллари бошқача, (аммо, шунга қарамай) бир-бирлариниям тушунадилар. Бу мамлакатлардаги одамларнинг кўзлари чуқур, бурунлари эса қирра, аёллар азизланади, аёллари айтганини эрлари қилади.

Бу юртларда ипак бўялмайди, темирдан эса идиш-товоқлар ясалмайди» (Ўша замонда ипак ҳозирги даврдагидек камалакнинг турфа ранглирига бўялган, бироқ, хитойликлар жудаям азизлаган сарик (олтин) рангга бўялмаган ва темирдан ясалган турли идиш-товоқлар эса занглаб қолиб, одамлар соғлиғига зарар етказишини буюк аждодларимиз жуда ҳам яхши билган эдилар – Б. И.).

Муаррих Ванг Ин томонидан 330 – 340 йилларда ёзилган «Жиншу» («Жин сулоласи тарихи»)да бизларнинг аждодларимиз ҳаёти, машғулотлари ва фаолияти хусусида мана шундай муҳим тарихий маълумотлар берилган эди: «Буюк Фарғона (Дай-юан)да 70дан зиёд катта ҳамда кичик шаҳарлар мавжуд. Бу мамлакатда гуруч ва буғдой экилади, узумдан мусаллас қилинади, танасидан консимон тер чиқадиган жуда зотдор отлар боқилади.

Маҳаллий халқ чуқур кўзли ва серсоч, урф-одатлари бўйича (йигитлари) уйланишидан олдинроқ бўлажак келинга тақиш учун икки кўзли тилла узук ва билакузукни юборади. Шу билан бирга бўлажак келинга 3 нафар хизматкор қизлар юбориб, уни аввалдан синаб кўрилади. Заиф эркакнинг уйланиш таклифи рад этилади. (Матннинг уйғурча таржимаси бўйича, «ишончли эркак бўлмаса, тўй қилишига рухсат этилмайди»). Никоҳсиз туғилган боланинг онаси эса нафратга маҳкум этилади. Бировларнинг отига миниб (рухсат олган бўлса), йиқилиб ўлган одамнинг жавобгарлиги ўша от эгасига юкланади. Маҳаллий халқ савдо ишларига жуда пухта, ўз ҳақини қўлдан бой бермайди. Хитой (Чжунгуо) олтинларидан буюмлар ясайди, (аммо) уларни пул сифатида ишлатишмайди».

Шюан Занг томонидан 646 йилда ёзилган «Датанг шиюй жи» («Буюк Танг давридаги ғарбий мамлакатлар хотиралари»)дан қадимги Фарғонага оид қисмини эътиборингизга ҳавола этамиз: «Чоч (Тошкент)дан жануби-шарқ сари минг ли (576 км)дан зиёд юрилса, Пайхан (Паркана топонимининг қадимги хитой тилидаги транскрипцияси) давлатига борилади. Унинг тўрт томони тоғлар билан ўралган. Ерлари ниҳоятда серҳосил, деҳқончилик ишлари ривожланган, гуллар ва мевалар кўп, табиий шароити қўй ва от боқишга қулай, шамол ва совук бўлиб туради, одамлари қаттиқ иродали, халқининг тили атрофдаги давлатлардан фарқ қилади, одамларининг ташқи кўриниши чарчаган кишидек, бир неча ўн

йилдан бери (уларда) бош ҳукмдори йўқ, кавмлар бошлиқлари ўз ҳолича маълум бир жойларни назорат қилади, ўзаро урушмайди, хавф-хатарга дуч келган пайғида, (ўзаро) **келишиб иш тутади**».

Ду Хуаннинг 763 – 765 йилларда ёзилган «Жангшинг жи» («Борган ва юрган жойлар хотираси») асарини кейинги даврнинг муаррихлари эса «Ду Хуан Жингшинг жи» («Ду Хуаннинг борган жойлари хотираси») деб атаган эдилар. Ду Хуан 751 йилда Талас (Тараз) дарёси бўйида араблар ва хитойлар қўшинлари ўртасида юз берган жангда асир тушиб, кўп йиллик тутқунликда бўлган. Хитойга қайтганидан кейин у ўз хотираларини ёзишда маҳаллий топонимлар ва этнонимлардан унумли тарзда фойдаланган эди.

Ушбу асардан ҳатто ҳозирги замон ўзбек тарихчилари учун ҳам гоёгиди кичикқирли муҳим бир маълумотни ўқиймиз: «Фарғона давлати (Буоханна-гуо) Тараз (Данлуоси)нинг жанубида минг ли (576 км) нарироқда жойлашган. Унинг Шарқ томонини тоғ тўсиб туради... Фарғона давлатида бир неча ўн шаҳар мавжуд, бир неча ўн минг кишидан иборат қўшини бор. Буюк Танг сулоласининг **Ганбао** (Ганбао 742 – 755 йилларнинг умумий бир номи бўлиб, у «**Тангри неъмат**» деган маънони англатади) даврининг 10- йили (751 йилда) малика Хэйи (бу исмнинг маъноси – тинчлик) шу давлатга келин қилиб юборилганди. Бу давлатда бейлуо (синолог олимлар ушбу дарахтнинг номини терак ё чинор бўлса керак, деб тахмин қилдилар) дарахтзори бор, дарахтзорнинг ёнида эса тўп майдони жойлашган (ушбу маълумотда хайвонларнинг терисидан тикилган ва ёғоч калтак билан уриб ўйналадиган тўп (чю) кўзда тутилган. Ҳозирги замон тилида бўлса у бейсбол деб аталади. Бу ўйин ўйналадиган махсус майдоннинг бўлганлиги бир томондан Ду Хуаннинг эътиборини ўзига тортган бўлса, иккинчи тарафдан эса бу ўйин бўйича мусобақалар ўтказилганлигидан ҳам далолат беради. Шу биргина сўз билан тилга олинган кичкина хабардан бизга ҳам маълум бўладики, Буюк Фарғонада бундан 1255 йиллар муқаддам бейсбол ўйини жуда кенг тарқалган – синолог олим А. Хўжаевнинг изоҳи). Ерларида узум, чилонжийда, шафтоли, нок ниҳоятда яхши ўсади. Бу мамлакатдан Фарбий денгиз (Шихай – Орол денгизи)га борилгунича (аҳоли) тупроқдан ясалган уйларда яшайди, қўйларнинг териси ҳамда пахта матоларидан қилинган

кийимларни кияди, эркаклари ва аёллари этик кийишади, аёллар сурмани ишлатишмайди, фақатгина ўсма кўйишади».

Ли Шининг «Тайпин хуаной жи» («Тинчлик ўрнатилган замин баёни») асарида шундай маълумот берилган: «Фарғонада Нами-шуй (Зарафшон), Гуйшюн (Исфайрамсой) сингари дарёлар, Риейшией (Эрши), Суйчэнг, Сифа номли шаҳарлар мавжуддир... Мамлакатнинг жанубида эса (марказдан 500 ли (288 км) нарида, Сифа шаҳрининг жанубий-ғарбий йўналишида 100 ли (57,6 км) нарироқда бир тепалик бор экан. Тепаликка яқинлашганда унинг устига кулаб тушган катта бир шаҳар деворлари борлиги кўринар экан. Ўша тепаликнинг уети қишин-ёзин эримайдиган қор билан қопланган. Унинг устига эса чиқиб бўлмас экан. Фарғона давлати ҳукмдори ҳар йили оқ от сўйиб, қурбонлик қилар экан».

«Тунгдянь» китобида ёзилишига кўра, Сунг давридаги «Йиву чжи» («Ғаройиб нарсаларнинг баёни») номли бир тарихий асарда «Фарғона отлари бошида узунлиги бир неча сантиметр келадиган юмшоқ шохлари бор экан, отлар одамнинг тилини тушунар, ўйин ҳамда ноғора товушларини бир-биридан фарқлай олар экан», деб зикр этилган.

Суй давридаги (589 – 619 йиллар) «Шиюй тужи» («Ғарбий мамлакатлар хариталари ва хотиралари») номли асарда «Фарғона (Даван)нинг отлари люма (миниладиган от) ва ума (қуш от, яъни учадиган от) отларга ажратилар экан. Сарик ва қизил отларнинг кулоқлари қора бўлар экан. Умуман, улар отларни кулоқларининг рангидан фарқлашар экан», деб ёзилган.

Энди бўлса диққат ва эътиборимизни корейлик будда роҳибиди Хуэйчаонинг қаламига мансуб VIII асрнинг ўрталарида ёзилган «Ҳиндистондаги 5та давлатга қилинган сафар ҳақида баён»га ҳам қаратсак: «Кангкия давлатидан шарққа юриб, Фарғона давлати (Бахэна-гуо)га етиб келдик. Бу мамлакатда иккита ҳукмдор (ванг) бор экан, уларни ўртадан оқиб ўтадиган Фуча (Чу) деб аталадиган каттагина дарё ажратиб туради. Дарёнинг жанубидаги ҳукмдор араблар (дайши, даши)га, унинг шимолидаги ҳукмдорлар бўлса турклар (тужюэ)га итоат қилади. Мана шу мамлакатда туя, қўй, от боқилар, пахтадан ҳар хил матолар (дебо) ишлаб чиқарилар, теридан ва пахта матоларидан тикилган кийим-кечаклар, тандир

нони жуда кўп истеъмол қилинар экан. Тили ва сўзлашиш оҳанги бошқа давлат халқлариникидан анчагина фарқ қилар, аҳоли будда динини билмас, уларда будда ибодатхоналари, будда роҳиблари эса йўқ экан... Ушбу давлатда истиқомат қиладиган кишилар хийлани асло билмайди».

Бу даврда Ахсикент каби пойтахт шаҳарлар ҳар томонлама тараққий қилган эди. Айниқса, милодий V – VIII асрларда уй-жой қурилишига ғоятда катта аҳамият берилган. Уйлар 5 – 6 хонали қилиб қурилган. Хоналар деворлари мохир усталар томонидан жуда силлик қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устидан рангли бўёқлар ҳам берилган. Ҳар битта хонадонда алоҳида ётоқхона ва омборхона, ошхона, айримларида эса тоза сув кудуги ҳам мавжуд бўлган. Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг супа, ерда эса ҳозирги даврдagi сандалга ўхшаб кетадиган иситгич ўчоқлар қурилган.

Айни шу даврда Буюк Ипак йўли Турон, жумладан, Фарғона хилқлари ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутган. Бу замонда сўғд-турк савдогарлари Шарқда Хитой орқали Корея ва Япониягача, Жанубда Ҳиндистон ва Цейлон (Шри Ланка)гача бориб, тижорат ишлари билан муваффақиятли равишда шуғулланганлар.

Буюк Ипак йўли орқали турли-туман товарлар, жумладан, ипак матолар, қимматбаҳо тошлар, олтин ҳамда кумуш буюмлар, дори-дармонлар, бўёқлар, самовий тулпорлар, ажойиб сайроқи ва беҳад чиройли декоратив қушлар, жаннатий мевалар, турли хил ичимликлар ташилган. Савдо карвонларини сув ҳамда кўноқлар билан етарли даражада таъминлаб, узоқ ва машаққатли йўлнинг азоб-уқубатини маълум бир даражада енгиллаштириш мақсадида дала ва даштларда қудуқлар қазилиб, бекатларда рабодлар барпо этилган. Карвонлар ўтадиган шаҳарлар ва катта қишлоқларда эса карвонсаройлар қурилган. Уларда савдогару сарбонлар, сайёҳлар учун турли хужралар, омборхоналар, туя, от, хачир, эшаклар учун оғилхоналар бўлган. Карвонлар ҳузурида эса кўпинча тилмочлар (оғзаки таржимонлар) хизмат қилган. Узоқ йўлда қароқчилардан ҳимояланиш учун баъзи хатарли ҳудудларда савдо карвонларини ҳарбий аскарлар кўриқлаб борган. Ўша вақтда абжир тужжорлар ўзлари билан кўп миқдорда пул олиб юрмасди. Улар пулларини шаҳарнинг энг ишончли саррофларидан бирига топшириб, ундан

тегишли хужжат – чек олар эдилар. Мўлжалланган шаҳарга етиб борилгач, ўша чекни сарроф (пул алмаштирувчилар)га берилган, ундан кўрсатилган миқдордаги пулни тўлалигича олинган. «Чек» деган истилох аслида форсча ибора бўлиб, ўша вақтларда ҳам бу иқтисодий атама айнан ҳозирги даврдаги маъносида ишлатилган.

Афсоналарга ниҳоятда бой бўлган Буюк Ипак йўли бўйлаб истеъдодли мусикачи, актёрлар, мусаввирлар, қўли гул усталар, турли-туман динлар тарғиботчилари – миссионер (мубашшир)лар саёҳат қилгандилар. Хитой манбаларидан маълум бўлишича, VII – VIII асрларда Туронда мусика, рақс, қўшиқчилик, қизиқчилик ва дорбозлик санъати камол топганди. Бу даврда санъат соҳасида Самарқанд – найчилари, Чоч (Тошкент)нинг – ўйинчи йигитлари ҳамда раққоса қизлари, Хўтан – сурнайчилари, Куча (Кашкардаги шаҳар) – бастакорлари билан роса шуҳрат қозонганди. Самарқанд ва чочликлар доимий тарзда Ахсикент орқали Хитой императори саройига бориб, ўз касбий маҳоратларини маҳорат ила намойиш қилиб, уларни бекиёс даражадаги ҳайратга солардилар. 605 – 616 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ва Афғонистон шаҳарларин зиёрат қилган Вэй Же исмли хитой сайёҳи қаламига мансуб «Шифан жи» («Ғарбий қўшнилари баёнида») номли бир асарда ёзилишига кўра, 648 йилда «Канг-гуо» («Самарқанд давлати»)нинг ҳукмдори Танг сулоласи императорининг хонадонига ранги аслида тиллога ўхшаб кетадиган сариқ шафтолилардан иборат тухфа юборганди. Хитойликлар эса бу мевани «олтин шафтоли» деб атаган эдилар.

«Жю Тангшу» («Танг сулоласи кўхна тарихи») асарининг «Мусика» деган бобида эса Хитой пойтахти Чанъанда Самарқанд давлатидан келган мусикачилар ўз маҳоратларини кўрсатганлиги, уларнинг ўта дилтортар санъати бўлса Танг хонадониди «Канглэ» («Самарқанд мусикаси») деб аталгани ҳақида ёзилган...

Олам-жаҳонга ўта машҳур адиб Чингиз Айтматов мусикага бундай таъриф берган: «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусика айтади, зотан, биз мусика воситасида энг олий хурликка эришамиз, бу хурликка онгимиз ёришган замонлардан токи ҳозирга қадар – бутун тарихимиз давомида қаттиқ курашиб келганмиз, лекин унга фақат мусика воситасидагина эришганмиз. Фақат мусикагина замонларга хос ақидаларни енгиб ўтиб, мудом

қеҗажак сари интилади...» Бу таъриф «Буюкликнинг кўз илгамас чўққиси» – Жалолиддини Румий асос солган мавлавия тариқати ғояларини ҳам тўлдиргандек бўлади: «Дунёда ҳеч нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг энг яширин қувватларини ошкор этолмас, мусиқийчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос қилиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас... Мусиқа хотин кишига ўхшайди. Уни чўри деб истифода этар экансиз, ўзингизда мавжуд асл инсонни ухлатиб, ҳайвонни эса уйғотасиз. Бироқ, уни севишингиз, унга бирикиб, бир тўлқинда оқишингиз, шу йўсинда руҳиятишғиздаги инсоний маъно-моҳиятни уйқусидан уйғотиш учун эса дастлабки, илк қадамларни қўйишингиз ҳам мумкин...»

Мусиқа – чинакамига илоҳий неъматдир, унинг яралиши – инсон руҳидаги ҳаракатнинг намоён бўлиши ҳодисасидир. Ҳали ҳеч нарсаги ақли етмайдиган гўдақда алла эшитишга мойиллик бўлиши ёки бирор мусиқа эшитиши билан оёқ-қўлларини силкий бошлиши ҳам айнан ўша ҳодисадан яққол далолат беради.

Қадим-қадимдан момоларимиз ҳамда оналаримиз томонидан айтилган алла, айтим – олқишлар, эркаламалар ва овутмачоқлар болаларни яхшиликка ва меҳр-оқибатли бўлишга ундаб келган. Ўзбек оналарига хос алла қўшиғи бошқа халқларда ҳам ўзига хос кўринишга эга. Мунис ОНАларнинг бу хил оромбахш қўшиқлари русларда «колибельная песня» ёхуд «байки», қozoқларда «бесик жири», қирғизларда «албей-албей», туркманларда бўлса «ҳувди», озарбайжонларда «лайла», бошқирдларда эса «сангилдак йири», туркларда «нинни» дейилади. Аллада кичкинтойнинг дастлабки табассуми, илк бора оёқ-қўлларини қимирлатиши, имо-ишорани тушуниши қуйланади. Она ўз алласида атрофни қуршаб турган оламни қўшиққа солиб айтади. Онанинг қўшиғидаги нолалари ва орзу-умидлари болакайда сокин кайфиятни пайдо қилади, унинг руҳиятига ғоятда ижобий таъсир қилади. Бу ҳақда улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино шундай мулоҳазани билдирган эди: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири – болани секин-аста тебратиш, иккинчиси – ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалардир. Шу иккаласини қабул қилиш микдорига қараб, боланинг бадантарбияга ва руҳи билан мусикага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади».

Аллани тинглаб ором олаётган бола гарчи кўшиқ сўзларини тушунмаса-да, онасининг қалб туйғуларини, меҳр туғёнларини ва эркаламаларини онанинг кўшиқда акс этаётган кайфиятини ҳис қилади. Аллада ижро этилаётган сўзлар матнига жиддий аҳамият берилса, уларда бу кўшиқ яратилган замондаги ижтимоий ҳаёт, тарихий шароит, инсонларнинг интилишлари ва қизиқишлари, севинч ва қайғулари акс этади. Алла тинглаш жараёнида гўдаклар турли сўз ва ибораларни эслаб қолишга интиладилар ҳамда бунга осонлик билан эришадилар. Бу ҳолат улардаги сўз бойлигининг кўпайишига хизмат қилади. Бола сўз ва иборалар маъноларини ҳамма вақт ҳам тўла ёхуд тўғри илғай олмас, бироқ, унинг луғат бойлиги ҳам, маънавий олами ҳам бетиним бойиб бораверади.

Шу ўринда таниқли олим Исҳоқ Ражабийга шоир Зокиржон Ҳабибий айтиб берган бир ибратли ривоят ҳам эсга тушади.

Қадим-кадим даврларда, эҳтимол Хитой билан илк алоқалар ўрнатилган замонлардадир, Туронлик бир подшонинг меросхўри бўлмаган экан. Лекин, доно вазири бор экан. У янги подшонинг тахтга ўтириши саройда катта жанжалга сабаб бўлишини яхши билар экан. Шунинг учун шаҳарга жарчи қўйдириб, подшо ўлган кунни туғилган барча ўғил болаларни саройга йиғдирибди. Сўнгра хузурига созандаларни ҳам чорлашни буюрибди. Болалар йиғлай бошлаган замондаёқ ажойиб мусиқа чалдириб, ўз мулозимларга йиғидан энг биринчи тўхтаган болани танлаб беришни сўрабди. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, одатда бирор чакалок йиғи бошласа, бошқалари ҳам дарҳол унга қўшилади. Хуллас, вазир айтганидек қилиб биринчи бўлиб тўхтаган болани танладилар. Вазир аъёнларга мурожаат қилиб: «Мана шу бола подшо бўлади. Чунки, унда туғма, илоҳий ҳис-туйғу мавжуд. Мана шу болакай улгайгач, ақлли, халқ аҳволини, унинг арзу додини ўта зийраклик билан ҳис қиладиган оқил ва одил подшо бўлади», деган экан...

Кўрилаётган масалага дахлдор яна бир ривоятни биргалашиб ўқисак ва уқиб олсак сира ҳам зарар кўрмасак керак:

Одил қозилардан бири ҳамроҳлари билан кетаётган паллада бир жойдан руд товуши эшитилади. Шунда қози ҳамроҳларидан сўрайди: «Бу руд овози ҳақида не дерсиз?» Ҳамма «Яхши, жуда хуш овоздир», Дейди. Фақат бир киши: «Яхши эмасдир», дейди.

Орадан бирмунча вақт ўтиб худди шу киши гувоҳлик бериш учун қозининг олдига келади. Лекин, қози унинг гувоҳлигини бекор қилади. Шунда ўша одам «мен нима гуноҳ қилдим», дея сўрайди. Қози эса унга қарата шундай дейди: «Агар ўша пайт янграган руд овозидан аслида лаззат топиб, лаззатланмадим деган бўлсанг, сен козиб(ёлғончи)дирсан, ложарам козиблар гувоҳ бўла олмайдилар. Ва агар ҳақиқатан ҳам лаззат топа олмаган бўлсанг, унда сенинг ҳиссиётинг ноқисроқдир, яъни, ростни Ёлғондан ажратолмайсан. Шу боисдан ҳам сен ҳақиқатга гувоҳ бўла олмайсан», дейди...

Ҳар кимки хуш овоздан лаззат топа олмаса, дили мурда ва ботиний эшитиш ҳисси ботилдир, дейди машойихлар. Қадимги юнонлар ҳам таълим тизимига мусиқани мажбурий фан сифатида киритишни бекорга эмас-да! Агар ана шу масалага бироз чуқурроқ ўқишнинг бўлсак, аслида тозариш, ибодат дегани бу...

Турон куйлари мақом ва вазнлари дилраболиги ва рақслари босиқлиги, ўйноқчилиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай издиҳом аҳлини ўзига мафтун этиб, сеҳрлаб қўяр эди. Айниқса, уд ва най сандиси остида Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур «Чоч ракси» ё чилдирманинг чертмасига икки чочлик раққосаларнинг томошабинларга салгина қиё боқиб, имо билан елкасини учириб тушадиган ўйноқи «Доира ракси» эса хитойлик аъёнларни ўзига мафтун этиб, уларни роса ҳайратга солган. Император саройида ўтказиладиган бундай тантанали маросимларда Турондан борган кўзбойлоғич, акробатлар, дорбозлар, оловютар афсунгарлар ва қизиқчилар ҳам ўз маҳоратларини ўта завқ-шавқ билан намойиш этгандилар. Ҳатто, Хитойнинг Чангъан шаҳри аҳолиси кўғирчок ўйинини илк маротаба VIII асрда Турон замини санъаткорлари юксак маҳоратли ижросида томоша қилишга муяссар бўлганлар. Тарихий манбаларда қайд этилишича, биргина Бухоро шаҳрининг ўзида моҳир уста, хунармандлар томонидан 14 турдаги ниҳоятда ажойиб чолғу асбоблари ясалган экан. V – IX асрларда Зарафшон воҳасига хос бўлган мусиқа ва рақслар савдогарлар орқали Хитой салтанатида ҳам кенг тарқалган эди. Шу даврда ушбу мамлакатда «хутэнгъу» (хуларнинг ўта шўх ўйини), «хушюангъу» (хуларнинг айланиб ўйнайдиган ракси) каби иборалар ҳам пайдо бўлган эди.

VI – VIII асрлар тасвирий санъатида хайкалтарошлик жуда муҳим ўрин тутган. Унинг ривожига, айниқса, будда дини беҳад кучли таъсир кўрсатган. Одатда Будда ибодатхоналарида Будда ва унинг қоҳинларининг лой, ганч ва тошдан ясалган катта-кичик хайкаллари ўрнатилган. Фарғона водийсида Кува ва Кўрғонтепа яқинидаги Ажинатепадан баҳайбат Будданинг хайкаллари топиб ўрганилган. Ажинатепадан топилган Будда хайкали баландлиги 12 метрга яқин. Мил. аввалги VI асрда Ҳиндистон (қадим хитой манбаларида бўлса Ҳиндистон номи Чилияндун, Тяньчжу, Шэнгду, Ёивандун, ҳозирги замонавий талаффузда эса Жюндун шаклларида транскрипция қилинган) ҳудудларида шаклланган буддизм дини айнан бизнинг Марказий Осиё орқали Хитой, Корея ва Японияга тарқалган. Бу дин билан биргаликда аждодларимизнинг ниҳоятда кўплаб анъаналари ва урф-одатлари ҳам ўша ҳудудларга бориб қолган. Халқимиз вакилларининг ушбу юртларнинг ижодкорлари томонидан ишланган бадиий фильмларни ниҳоятда мароқ билан томоша қилиши, унда ўз турмуш тарзининг ўта кўп қирраларини кўриб беҳад ҳайратланишининг асл сабаби ҳам айнан шундадир.

Хитой императорлари Фарғонанинг самовий тулпорларида сайр қилиш ва саф тортиб турган қўшин олдида пайдо бўлишни жуда ҳам яхши кўрганлар. Марказий Осиёдаги ўнлаб давлатлар (Тоҳаристон, Бақтрия, Илок (Оҳангарон), Сўғдиёна, Уструшона, Чоч, Буюк Фарғона...) ҳукмдорлари эса Хитой ипак матоларидан тикилган либосларни ғурур-ифтихор билан кийиб юргандилар.

VII асрга тааллуқли, яъни 634 йилда ёзиб бўлинган Хитой ёзма манбаси, Ли Яншоу қаламига мансуб бўлган тарихий асар «Бэйши» («Шимолий сулолаларнинг тарихи»)да Буюк Фарғона давлати «Паркан», «Дай-юань», «Паканна», «Лона-гуо», «Бохан», «Лона», сингари номлар билан тилга олинганди. Унинг пойтахти Кивейшан (Гуйшан) шаҳри. Бу ердан Вэй сулоласи марказигача 14 минг 450 ли (8323,2 км) масофа мавжуд. Тайхэнинг учинчи йилида (милодий 229 йил) эса ушбу мамлакатнинг ҳукмдори Вэй императорига элчи юбориб, ўз танасидан қонсимон тер оқадиган учқур от совға қилганлиги ҳақида маълумот берилган.

Лю Шюан қаламига мансуб бошқа бир Хитой манбаси «Жю Тангшу» («Танг сулоласининг кўҳна тарихи»)да («24та тарих» –

мил. авв. II асрдан бошлаб ёзиб келинган Хитой сулолаларининг тарихи ҳисобланади. Унда мил. авв. III минг йилликдан бошлаб то милодий 1644 йилга қадар бўлган воқеалар баён этилган. «24та тарих» орасида Танг ва Юан сулолаларининг тарихи 2 мартадан ёзилган. Айнан шунинг учун ҳам улар кўҳна ва янги тарихларга бўлинади – Б. И.) «Буюк Фарғона давлатини III асрдан бошлаб VI асргача бир сулола бошқарган»и ҳам қайд этилган. Демакки, олтин кўчкор шаклидаги тахтда савлат тўкиб ўтирган ҳукмдор – маҳаллий деҳқон (у пайтда «деҳқон» атамаси «Қишлоқ ҳокими» маъносини билдирган, X асрдан бўлса оддийгина «меҳнаткаш» кишиларни англата бошлаган)лардан бири бўлиб, деярли тўрт аср мобайнида Фарғонанинг мулки улар томонидан бошқарилган.

«Шижи»даги «Фарғона тазкирасида» энг қадимий Паркона шахри хитойчасига номланиши «Юанг-чэнг» («Паркона шахри»), «Юан» («Паркона») ҳамда «Ванг-ду» («Хукмдорнинг пойтахти») кўринишларида ҳам учрайди. Масалан, бу тазкирада «қумондон (Ли Гуаши) Дуо ва Шичэнг билан кенгашиб, Йивечэнг (Ўзган)ни ололмадик, Ванг-ду («Хукмдорнинг пойтахти»)ни қандай оламиз, деган фикрга келишди», деб ёзилган. Ушбу тазкиранинг иккинчи бир жойида «Сувсиз қолган Юан (Паркона)нинг аҳолиси қийин аҳволга тушиб қолди», деган тарихий маълумот ҳам берилганди.

Қадимий Фарғона давлатининг пойтахти Паркона шахри бўлганлиги «Ду Хуан жингшинг жи» номи бир сафарномада «Буоханна-гуо» (Фарғона давлати) топонимига ёзилган шарҳда ҳам айtilган. Унда Фарғонанинг номи «Вэй тарихи» (Вэйшу)да Полона, Суй тарихи (Суйшу)да эса Пуохан, «Буюк Танг даврида Ғарбий юртларга қилинган сафар хотираси»да бўлса Пэйхан, деб аталган, ундаги ҳукмдор шахри Файэрханадир», деб ёзилганди. Мазкур маълумотлар келтирилган сафарноманинг муаллифи Ду Хуан бўлиб, у юқоридаям қайд этилганидек, араблар ва хитойлар ўртасида Талас (Тараз)да 751 йилда содир бўлган ва Хитойнинг мағлубияти билан яқунланган тўқнашувда асир тушиб қолиб, 12 йил тутқинликдан сўнггина ўзининг юртига қайтиб борган эди.

Паркона топонимининг Фарғона деб талаффуз этилишини араблардан эшитган Ду Хуан маълумотига биноан, VIII асрнинг ўрталарида Паркона, яъни Фарғона шахри пойтахт бўлганди.

У замонда Турон, шу жумладан, Фарғона халқларининг тили ва диний эътиқодлари турлича эди. Шунга қарамай, минг йиллар мобайнида устувор бўлиб келган диний бағрикенглик тамойили уларнинг ўзаро тинч ва тотув ҳаёт кечиришларига кўмаклашган. Бундай барқарорлик ҳолати, ўз навбатида, иқтисодий жиҳатдан ҳам юксалишга олиб келган эди. Ҳозирги Тожикистоннинг Сўғд вилоятидаги Панжикент шаҳри яқинида Муғ тоғидан топилган молиявий ва хўжалик ҳужжатлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу борада сўғд тилида ёзилган № 3 ва № 4 рақамли ҳужжатлар алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу ҳужжатлар қадим ҳамда илк ўрта асрлардаги Ўзбекистон халқларининг оила-никоҳ ва бошқа ижтимоий муносабатлари хусусида асосли ҳикоя қилувчи муҳим ёзма ёдгорликдир. Ҳар иккала ҳужжат ҳам ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирида турк зодағони Уттакиннинг сўғд қизи Дуғдғунчага уйланишини расмийлаштирилса, иккинчисида куёв Уттакиннинг ўша Дуғдғунчани турмушга бераётган ўзига хос ҳомий отахони бўлмиш Навекат (Еттисув вилоятидаги бир шаҳар) ҳоқими Чер олдидида ўз зиммасига олган ҳуқуқий мажбуриятлари баён этилган.

Ҳар иккала ҳужжат бир хилдаги хуснихат билан – оромий ёзувининг асосида ривожланган сўғд миллий ёзувининг ниҳоят даражадаги гўзал намунасида битилган.

Ҳужжатларнинг санаси бўлса қуйидагича белгиланган эди: Тархун ихшед сард ах. Масвуғичи мет асман рўч – яъни, «Тархун подшолигининг 10- йили. Масвуғич ойининг осмонрўч кунидир». Тархуннинг Сўғд подшоси бўлган йил тарих фанида 700 – 710 йилларга тўғри келган эди, деб юритилади. Сўғдлар тақвимининг масвуғич ойи 10- ой бўлиб, осмонрўч кун ушбу ойнинг 27- кун бўлган. Мутахассислар ҳисобиغا биноан, 709 йилнинг боши сўғд тақвимининг 2- июнидан бошланган. Демакки, йилнинг 10- ойи ҳамда унинг 27- кун – 3 кун кам 10 ойни ташкил этиб, йилнинг 297- кунига (қадимги сўғдларда ҳар бир ой 30 кундан юритилган ҳамда йилнинг охирига бўлса етишмаган 5 кун қўшимча киритиб борилган), яъни 710 йилнинг 10 мартага тўғри келади.

Ҳар икки ҳужжат таркибига диққат қилинса, уларнинг илк ўрта асрлар юридик ҳужжати сифатидаги, хаттоки бугунги даврга дахлдор хусусиятлари яққол намоён бўлади. Масалан, № 3 никоҳ

битими матнида: хужжатнинг санаси ва унинг кириш формуласи ҳамда ахдлашувчи томонларнинг номма-ном таъкидланиши; шу формула ичида актнинг мазмуни «парепа» – «олди, олиб кетди» сўзи орқали ифодаланган: эндигина эр-хотин бўлган Уттакин ва Дуғдгунчанинг бирга яшашларини таъминловчи шартлар баёни, эрнинг зиммасига юкланган турли хил мажбуриятлар, хотиннинг зиммасидаги асосий вазифалар, иккала томоннинг ўзаро ҳуқуқий жавобгарлиги, тузилган никоҳ эр томонидан бузилган ҳолатларда хотиннинг мулкӣ таъминоти ҳамда эрнинг бошқа аёлга уйланиш ҳуқуқи, никоҳ хотин томонидан бузилган тақдирда бўлса эрнинг мулкӣ таъминоти ва хотиннинг бошқа эр қилиш ҳуқуқи; никоҳ бузилиб кетганидан кейин ҳар иккала томон ўзаро бир-бирининг тақдири учун бундан буёғига асло жавобгар эмаслиги тўғрисида тагин бир махсус таъкид формуласи ҳам мавжуд.

№ 4 хужжати ҳам худди шу каби қатор бандларга ажралади. Унда куёвнинг ўз ҳомий отахони олдидаги мажбуриятларини ифодаловчи бандлар: ўзининг хотинини сотмаслик, бошқа йўллар билан уни қулликка солмаслик, никоҳ бузилган тақдирда хотинни ҳомий отахонига қайтариш... каби ҳолатлар қайд этилган. Агарда хотин ўзининг ҳомий отахонига қайтарилмаган ҳолатда ҳам куёв тўлаши керак бўлган товонни бутун хонадон, жамоа, ва ҳаттоки ўша хонадондаги меҳмонларнинг ҳам куёвнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан ижтимоий назорат қилиш вазифаларининг белгилаб қўйилиши ҳар иккала хужжат узок ва чуқур анъанага эга бўлган юридик иш хужжатининг ўзига хос намунаси эканидан далолат беради... Ҳар иккала хужжат, қайта таъкидлашгаям тўғри келади, шуниси билан муҳимки, унда турк йигити Уттакин ҳамда сўғд кизи Дуғдгунча никоҳи расмийлаштирилган. Бу туркларнинг қадимги Сўғдиёнадаги ўзларига хос равишдаги мавқеини, туркий ва сўғдий халқларнинг ўзаро бирдамлик алоқаларини намоён этади. Қадим-қадим замонлардаги, камида 3,5 минг йил муқаддам бошланган «иккита тилда гаплашадиган битта, ягона халқ», яъни ўзбек ва тожик халқлари этногенетик (яъни, этник келиб чиқиши) ҳамда маданий умумийлиги хусусида бебаҳо материални беради. Муғ тоғидан топилган А – 14 рақамли хужжатда тожик этноними (халқ номи)нинг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ҳақида ниҳоятда

қизиқ маълумотлар ҳам мавжуд. Хужжат матнининг 21- сатрида эса арабларнинг «тазикти перав пар бароз пиғанштак» (тожиклар билан сулх (битим) асосида чекинганлиги) ҳақида фикр мавжуд.

Төжик деган этнонимга асос, замин сифатида хизмат қилган «тазик» атамаси сўғд ёдгорликларида илгари сира учрамаган эди. Лекин, ушбу сўз форс манбаларида «кул» маъносини англатгани маълум. Бу масалага ўз вақтида рус олими В. Бартольд, инглиз олими Г. Бейли, йирик эроншунос В. Хеннинг диққат-эътиборни қаратгандилар. Арабларга нисбатан этноним сифатида қўлланган този(к) сўзи ислом тарқала бошлаши муносабати билан шу динни қабул қилган бошқа халқлар, ва хусусан, эроний тиллар оиласига кирувчи барча аҳолига нисбатан ҳам қўллана бошлаганди.

Араб истилосининг дастлабки босқичиданоқ Эрон ва унга қўшни ҳудудлар босиб олиниб, ислом дини мажбурий равишда жорий қилина бошлаган эди. Кейинчалик ушбу жараёнлар Турк хоқонлигига ҳам ёйилганди. Мана шу воқеалар асосида исломни қабул қилган аҳоли қатламига нисбатан араблашган, яъни тожик атамасини қўллаш ҳам кенг тарқалган. Бунинг натижасида бўлса, мана шу ном ислом дини оммавий шаклга кирган босқичда эрон тилларида сўзлашувчи Марказий Осиё халқларидан бири бўлмиш ҳозирги тожик халқининг номи – этнонимига айланиб кетган...

Энди эса бирозгина тарихий чекиниш қилиб, қадимги хитой манбаларидаги кўрилаётган масалага оид маълумотлар билан ҳам танишиб олсак-да, ундан сўнг тагин сўғдларнинг А – 14 рақамли хужжати шарҳига қайтсак, қарши бўлмасангиз керак. Мил. авв. 104 – 91 йилларда ёзиб тугатилган, кейинчалик эса қўшимчалар киритиб борилган «Шижи» (яъни, «Тарихий хотиралар») асарида шундай ёзилганди: «Тазик (Тяочжи) Ансiek (Анши)нинг ғарбида бир неча минг ли нарида жойлашган бўлиб, худуди бўлса Ғарбий денгиз (Шихай – Ўрта денгиз)га бориб тақалади, иклими иссиқ, ҳавоси нам, одамлари деҳқончилик қилади».

«Вэйшу»да эса «Персия давлати (Боси гуо) қадим Диеужие давлати (Тяочжи)... унинг тили, ёзуви туркларникидан катта фарқ қилади», деб ёзилган. Баъзи бир хитой манбаларида «Тяочжи» топоними (жой номи) Тяовэн (қадимги ўқилишида Диеу-мивен) деб ҳам ёзилган эди. «Тяочжи» денгиз бўйида ва унинг марказий

шаҳри баландликда жойлашган. Унга фақатгина бир томондан борфиладиган йўл мавжуд, қолган уч томонидан йўл йўқ. Тяочжи пулида (тангасида) бир одамнинг боши акс эттирилган».

«Цихай»да ёзилишича, Тяочжи давлат ҳамда ер номи бўлиб, у ҳозирги Ироқ ҳудудида бўлган. Мил. 97 йилда ушбу мамлакатга Хитойнинг элчиси Ган Ёин келиб кетган эди. «Шинжанг тарихи луғати»да бу атама Тигр ва Ефрат дарёларининг қуйи оқимидаги жойнинг номидир, деб кўрсатилган. «Шижи»даги Фарғонага оид маълумотларнинг уйғур тилидаги таржимасида «Тяочжи» сўзига берилган шарҳда у «тожик», «тазик» атамасининг хитой тилидаги транскрипцияси экани ва у арабларнинг «той» қабиласи номидан келиб чиққанлиги ёзилган. Шу билан биргаликда, мазкур шарҳда туркий тилда сўзлашувчи барча қабилалар ғарб томондан келган араб мусулмонларни «тазик» деб атагани, хитойлар эса буларни «дийлчиск» (замонавий ўқилиши – даши), тяочжи деб номлагани на кейинчалик ғарб томондан кириб келган ҳамда форсий тилда сўзлашадиган кишиларнинг ҳаммаси маҳаллий тилларда «тажик» сифитида аталганлиги ҳақида ёзиб қолдирилган (Аблат Хўжаев. **Фарғона тарихига оид маълумотлар**: Қадимги ва ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва унга шарҳлар. Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013, 38- бет).

Сўғдларнинг А-14 рақамли ҳужжатида Фарғона ҳукмдори – «Ихшид» истилоҳи билан бирга иккинчи лавозим ҳам, Фарғона ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи «Тутук» тилга олинган. Ушбу ҳужжат араблар истилоси замонида Сўғд давлатининг подшоси Диваштичнинг Чоч, Турк хокони ва Фарғона ихшиди ҳузурига махсус равишда юборган элчиси Фатуфарнинг мактубидир.

Шу ўринда эса бирозгина тарихий чекиниш қилиб олсак. То милодий VIII асрга қадар Фарғонанинг мулки, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи бирорта маҳаллий манба бизларга қадар етиб келмаган. Бундай ҳолатнинг заминиди Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли оламга машҳур асарида таъкидланганидек, Араб халифалигининг Шарқий вилоятлари ноиби Қутайба ибн Муслим юритган қатагон сиёсати ётарди. Ўша даврларда Қутайба (Қутайба ибн Муслим Самарқанд подшоси Ғурак билан учрашган

чоғида унинг тан соқчиларидаги ниҳоятда қимматбаҳо Ахсикент қиличларини кўриб, роса ғайирлиги келган. Чунки, Кутайбанинг белида осилиб турган қиличи ўта кўримсиз эди. Кутайба аламига чидолмасдан, ғайирлик ва ҳасад билан Самарқанд ҳукмдорининг тан соқчиларини чоғиб ташлаган эди. Кутайбанинг ўзи бўлса 715 йили Фарғона водийсида бўлган исён оқибатида араб аскарлари томонидан ўлдирилган) буйруғи билан маҳаллий аҳолининг жуда бой ёзма мероси ва юксак санъат асарлари бозор майдонларида йиғдирилиб, ёқиб юборилган, уларнинг қули кўкка соғурилганди.

Тағин Муғ қалъаси архивига оид А – 14 ҳужжатга қайтсак. Фатуфарн мактубида Фарғона мулки сўғдчада «Фраганик» номи билан тилга олинган. Мактуб мазмунига кўра (у сўғдчадан дунёга машҳур авестошунос, профессор Мирсодик Исҳоқов томонидан таржима қилинган) Сўғд ихшиди Диваштич томонидан 717 – 719 йиллар оралигида Чочнинг ҳукмдори ҳамда Фраганик ихшидлиги ҳузурига элчи юборилган. Элчи Фатуфарннинг асосий вазифаси араб истилочиларига қарши иттифоқни тузишдан иборат бўлган эди. У Чочда хоқонликнинг олий мансабдаги амалдори – тудун, Фраганик ихшидлигининг тутуғи (яъни, ҳарбий вакили), форс лашкарбошиси ҳамда Марвон исмли бир шахс билан учрашган. Қайтишда бўлса Усрушона (Жиззах) орқали ўтишнинг иложини топа олмасдан (бу ҳудуд араблар томонидан босиб олинган эди), Чочга қайтиб, Диваштичга Марвон исмли ишончли шахс орқали мактуб юборган эди. Ана шу мактубда эса Фарғона подшосининг номига ёзилган Диваштичнинг хатини Фраганик тутуғи орқали Фрагана ҳукмдорига бериб юборилганлиги ҳам баён этилган эди.

Фрагана ихшидлигида сиёсий-иқтисодий давлат бошқаруви тизими Сўғдиёна ва Тоҳаристон (Сурхондарё вилояти, Шимолий Афғонистон ва Тожикистон)дагидан унчалик ҳам фарқ қилмаган.

Илк ўрта асрлар замонида Фарғона водийсида ҳам бир неча маҳаллий кичик-кичик давлатчалар мавжуд бўлганди. Маҳаллий ҳокимликлар конфедерациясининг бошлиғи сифатида марказий олий ҳокимият тепасида Фраганик (Фарғона) ихшидлиги турган.

723 йилдан бошлаб араблар ҳукмронлигига қарши курашда Фарғона шоҳи ал-Тар (Олатар) энг асосий ролни ўйнаган эди. У арабларга қарши кўзғолон кўтарган самарқандликларга ям кўмак

берган. Бундан каттиқ ғазабланган ҳолда Фарғонага қарши юриш бошлаган Муслим ибн-Саид водийдан улоқтириб ташланган эди. Яна шуни ҳам қайд этиш зарурки, бугунги замонда ҳамма яхши биладиган **Исмоил Сомоний 849 йилда айнан, Фарғонада, яъни Ахсикентда таваллуд топган** (Самарқанд тарихи. Биринчи том. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971 йил, 92- ва 119- бетлар).

Арабларнинг истилоси оқибатида бутун Турк хоконлиги, шу жумладан, Фарғона водийсидаги тинч ва барқарор ҳаёт ўзининг ўрнини беқарорликка, урушга бўшатиб беришга мажбур бўлган. Лекин, бу жараён унчалик ҳам узоққа чўзилмаган. VIII асрнинг интиҳосидан эътиборан ҳаёт яна аввалги барқарор ривожланиш ўзанига қайта бошлаганлигини бўлса ўзингиз ҳам роса кўп бора ўқиб чиққан мактаб тарих дарсликларидан жуда яхши биласиз.

Ахсикент сингари қатор пойтахт шаҳарлар тарихда машҳур Сомонийларнинг давлати тараққиётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Айнан шу даврда Ота маконимизда биринчи Уйғониш замони бошланиб кетган эди. Вилоятлараро ички савдо-сотиқ ва давлатлараро қарвон савдосининг авж олгани, шак-шубҳасиз, ўз навбатида, жуда кўп миқдордаги чақа ва тангаларнинг муомалада бўлишига олиб келган. Ички бозорларда «фалс» деб аталган мис чақалар, халқаро савдода эса, валюта сифатида, кумуш тангалар – дирҳамларни ишлатилган эди. Мис чақалар («фалс»)ни марказий ҳукумат ҳам, шунингдек, сулоланинг аъзоларидан бўлган баъзи бир маҳаллий вилоятлар ҳокимлариям чиқараверардилар. Кумуш тангалар фақат ҳукумат бошлиғи номидан давлат зарбхоналарида сўқилар эди. Сомонийлар салтанатида «исмоилий», «мусайябий», «муҳаммадий», «ғитрифий» деган ном билан юритилган кумуш дирҳамлар чиқарилганди. Уларнинг орасида «исмоилий» тангаси ўта юқори сифатли соф кумушдан зарб этилиб, у асосан халқаро савдо алоқаларида ишлатилган эди. Айнан мана шу сабабдан ҳам бутун дунёга жуда машҳур Сомонийлар давлати томонидан зарб этилган «исмоилий» тангалари, бугунги тил билан ифодалаганда, қаттиқ ҳамда кучли валюта сифатида, Скандинавия, Францияда, Италия, Германия, Англия ва бошқа Ғарб давлатларида халқаро муомаланинг воситаси вазифасини ҳам бемалол ўтайверганди.

VIII – IX асрларнинг бошларида эса Ахсикент шахри араб йилномаларида (Сўғд хужжатларида «Фраганик» деб номлангани сингари) «Фарғона» деб аталган. Яъни пойтахт шаҳар, водий ва давлат бир хилдаги номга эга бўлган. Илк араб йилномаларидан бири ҳисобланган қомусий олим Абу Жаъфар ат-Табарий (839 – 923)нинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук», яъни «Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи» асарида Фарғона водийсидаги 5та шаҳарнинг номи тилга олинган эди: Хўжанд, Косон, Боб, Кубо ва «Фарғона». Ушбу асарда, гарчи Фарғона шахри хусусида тўлиқроқ маълумот берилмаса-да, беҳад зийрак ўқувчи «Фарғона» шахри водийнинг бошкенти – пойтахти эканлигини ўзи ҳам бемалол англай олади.

Мана шу қутлуғ заминда улуғ олим Аҳмад ал-Фарғоний ҳам дунёга келганлигидан бўлса кўпчилик беҳабар. Унинг Бағдоддаги «Билимлар уйи»да қизгин фаолият кўрсатгани, мана шу ердаги расадхонада самовий жисмлар бўйича кузатув ишларини амалга ошириб, жуда кўп кашфиятлар қилгани эса ҳаммамизга маълум. Фарғонийнинг, айни пайтда, Византия, Дамашк ва Шом диёрида ўтказилган қатор илмий экспедицияларда иштирок этиб, Ернинг шар шаклида эканлигини илмий далиллар билан исботлаганлиги, Мисрда яшаётганида бўлса Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб (Нилометр – Миқёс ан-Нил) ихтиро қилганлиги ва ниҳоят Фустат шаҳрида ёруғ оламдан ўтгани-ю, Имом аш-Шофе қабристонига эхтиром ила дафн этилганидан ҳам анча-мунчагина хабардормиз.

Ғарб дунёсида Алфраганус номи билан беҳад машҳур бўлган Фарғонамиз фарзанди илми ҳайъат, физика ва география фанлари ривожланиши баробарида араб тили грамматикаси шаклланиши жараёнига ҳам ғоятда улкан ҳисса қўшган. Юлдузларнинг арабча номлари унинг рисоалари орқали фанга кириб келган. Арабнинг тилида ёзилган ал-Фарғонийнинг илми ҳайъатга доир асари XII асрдаёқ лотин, иврит ва бошқа тилларга таржима қилинганди.

Қомусий алломамининг асрлар оша араб дунёсида мўътабар ҳамда беназир буюк донишмандларидан бири бўлиб қолганлиги, минг афсуски, айрим тушунмовчиликлар туғилишига – баъзи бир жойларда эса уни араб деб ўйлашларига асос бўлиб қолганди.

2007 йилнинг апрель ойида Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирада Аҳмад ал-Фарғонийнинг улуғвор ҳайкали қад

ростлаган. Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида бир гуруҳ Ўзбекистонликлар ҳам қатнашгандилар. Тадбир очилишидан сал олдин маҳаллий иштирокчилардан бири Ўзбекистон вакилини:

– Ўзбеклар учун ҳам кадрлими бизнинг ал-Фарғоний? – деб анчагина қизиқиб, суҳбатга тортганди.

– Бобомиз-ку, – деди вакилимиз. – Бизнинг Ватандошимиз!

– Ватандошимиз? Қанақасига Сизнинг ватандошингиз бўлар экан? Фарғонийнинг Ўзбекистонга қанақа дахли бор, ўзи?

Вакилимиз бирозгина бўлса-да, ҳаяжонланиб:

– Кечирасиз, Фарғонанинг ўзи қаерда? – деб ундан сўради.

– Мисрда, албатта. Нима эди?

– Фарғона Мисрда? Ишончингиз комилми? Ўзбекистонда деб юрибман мен бўлсам, – юртдошимиз кулимсиради. Маҳаллий иштирокчи ҳам жилмайиб қўйди:

– Қандингизни уринг бўлмаса. Фарғона Мисрда. Бунисини эса дунёдаги ҳамма кишилар жуда яхши билади-ку.

– Наҳотки? Тўхтанг, биродар, Фарғона деган шаҳар борми ўзи Мисрнинг харитасида?

Шундай деб юртдошимиз суҳбатдошининг тирсагидан аста тутиб, деворда осиглиқ дунё сиёсий харитаси томон бошлади.

– Марҳамат қилиб, кўрсатинг, қани топиб беринг-чи!

Мисрлик харитадаги Миср шаҳарларига кўз югуртирди-да:

– Бу ерда Мисрнинг йирик шаҳарлари бор, холос. Қадимий Фарғона кўринмаяпти, – маҳаллий иштирокчи хиёл каловланди.

– Бўлмаса мана бизнинг Ўзбекистонга ҳам юзланинг, – деди юртдошимиз. – Ана қадимий Фарғона!

– Вожаб, бу ўша... ал-Фарғонийнинг ватаними? – маҳаллий иштирокчи тараддулланиб қолди. – Ростдан ҳам Ўзбекистондами ўша бутун жаҳонга машҳур Фарғона?

Юртдошимиз маънавият юлдузлармизга нисбатан «у араб, бу араб» деган даъволардан яхши хабардор эди, лекин «Фарғона Мисрда» деган гап эса... у учун мутлақо янги бир «янгилик» эди.

Ҳайкал тантанали равишда очилди. Комусий алломамининг тимсолида бизнинг илмимиз Мисрда бўй кўрсатар, энди ёдгорлик пойидаги ёзувда ҳам Фарғонанинг қаерда эканлиги мужассамдек кўринар эди («Шарқ зиёси» газетаси, 2018 йилнинг 19 апрели)...

Ибн Хурдабхнинг 846 йилда ёзиб тамомланган «Китоб масолик ул-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») асарида Араб халифалиги қўл остидаги мамлакатлар (шаҳарлар, уларга бориладиган йўллар, шаҳарлар ва мамлакатлар орасидаги масофа, аҳолидан ундириладиган солиқ ва жарималар миқдори) ҳақида кискарок, лекин жуда ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Айниқса, Нух ибн Асад (842 йилда вафот этган) ва Аҳмад ибн Асад (819 – 864) даврларида Сўғд ва Фарғонанинг умумий аҳволи, Мовароуннаҳр ва Фарғонада IX асрда истикомат қилган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги тарихий маълумотлар эса бениҳоя қимматлидир. Ибн Хурдабх VIII асрнинг интихоси – IX аср ибтидосида Боб ва Кубо шаҳарлари орасида «Фарғона» шаҳри жойлашганлиги хусусида ёзиб, унинг аниқ ўрнини ҳам кўрсатган эди. Унинг ёзишига қаралганида, Боб ва Фарғона шаҳарларининг орасидаги масофа 4 фарсах (1 фарсах – 8 километр), ундан Кубо шаҳригача эса 10 фарсахга тенг бўлган. Демак, Бобдан Фарғона шаҳригача 32 км., Фарғонадан Кубогача бўлган масофа 80 км.ни ташкил этади. Ҳозирги даврдаги Поп ва Эски Аҳси ёдгорликлари орасидаги масофа 32 – 35 километрга, Эски Аҳсидан токи Қува харобаларигача эса 80 – 85 километрга тенгдир. Бундан ҳам аниқ-тиниқ кўришиб турибдики, сира иккиланмасдан, ибн Хурдабх тарихий асарида кўрсатилган «Фарғона» шаҳри ҳозирги Эски Аҳси ёдгорлигининг ўрнида бўлган, деган хулоса чиқаришимиз мумкин. Ибн Хурдабх ўз асарида «Самарқанддан Фарғонагача 53 фарсах» масофа мавжудлигини ҳам алоҳида қайд этган эди.

Ҳозирга қадар муаллифи аниқланмаган «Худуд ул-олам» («Олам чегаралари») номли ниҳоятда нодир китобда ёзилишига қаралганида, «Фарғона – улуғ, обод ва кўркем вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари, шаҳарлари жудаям кўп... Аҳсикент – Фарғона пойтахти, амирнинг қароргоҳидир. Бу катта шаҳардир, Касарт (Сир) дарёсининг лабида».

Шундай қилиб, араблар истилоси арафасидан токи IX асрга қадар Аҳсикент шаҳри, айнан «Туркистон марвариди» бўлмиш, ўзимизнинг олтин водий номи билан, «Фарғона» деб аталган эди.

Ўшбу хулосани А. Анорбоев томонидан қўлга киритилган археологик-моддий материаллар ҳам тўла-тўқис тасдиқламоқда.

Ахсикент марказлашган Сомонийлар давлати (IX – X асрлар) замонда Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази сифатида гуллаб-яшнаганди. Бундай тадрижий тарздаги тараққиёт Қорахонийлар (X асрнинг 2- ярми – 1212) сулоласи даврида ҳам узлуксиз равишда давом этаверганди.

Бу даврда эса, ўзингиз ҳам жуда кўп бора эшитган, бугунги замонда қайтадан тикланаётган, ўша Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқларидан бири Фарғона водийси орқали ўтган. Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта денгиз бўйи давлатларидан чиққан савдо қарвони Самарқанд орқали ўтиб, Хўжандга келган. Хўжанд шаҳрида йўл иккига бўлиниб, бири Поп ва Ахсикент орқали Қувага борган, иккинчиси бўлса Сўх, Риштон ҳамда Марғилон орқали Қувада биринчи йўлга туташиб, Ўш томонга йўналган. Ўшдан кейин эса Буюк савдо йўли, аввалги замонлардагидек, Ўзган, Отбоши ҳамда Теракдовон орқали Шарқий Туркистон – Хитойнинг Шингжян-Уйғур ўлкаси тарафга ўтиб кетганди.

Кичик осийлик машҳур сайёҳ, олим Ёқут Хамавий «Муъжам ул-булдон» («Шаҳарларни тасвирловчи китоб») асарида шундай ёзганди: «...Агар сиз шаҳарнинг ўртасидаги катта қўрғонга чиқиб, ундан Фарғона атрофига назар солсангиз, худди қозоғга чизилган харитага ёки рангли суратга ўхшаш манзарага кўзингиз тушади. Бу ўлканинг бош шаҳри (яъни, пойтахти) Ахсикатдир. Ахсикат – Фарғона томонларда бир улуғ шаҳар бўлиб, Сайхун (Сирдарё) дарёси ёқасида текис гўзал бир водийга жойлашган. Ички шаҳар эса жуда улкан муҳофаа истеҳкомига эга. Ахсикент шаҳри девори қадимдан тўртта дарвозали бўлиб, бу дарвозаларнинг ҳар бири ўз номи билан аталган. Иморатлари лойдан ясалган. Шаҳар ичида ва қўрғоннинг атрофида оқар сувлар, катта ҳовузлар ва боғлар бор. Мовароуннаҳрда қишлоқлари кўплиги жиҳатидан Фарғонадай ободроқ жой йўқдир. Ундан ободроқ ва аҳолиси кўпроқ шаҳарни кўрмадик. Экинзорлари кўплиги ва чорвасининг кенг тарқалиб кетганлиги учун ҳам ҳар бир қишлоқнинг ораси бир манзилга тенг келади.

Шаҳарларга олим, уламолар, фозиллар, илм-фаннинг порлоқ юлдузлари, қўли гул, беҳад ажойиб бинокорлар, хуллас етмиш хил ҳунарнинг эгалари тўпланган...»

Агарда Сиз қарши бўлмасангиз, Ёқут Хамавий тилга олган ўша замонлардаги «илм-фаннинг порлоқ юлузлари»дан бири – Асируддин Ахсикатийнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан қисқача бўлса-да, танишиб олсак-да, ундан сўнг эса суҳбатимизни айнан келган жойидан давом эттираверсак.

Ўша даврларда ўнлаб буюк алломалар Ахсикатий номи ва насаби билан жаҳонга машҳур бўлган. Улардан олим ва тарихчи Зулфазоил (фазилатлар эгаси) лақабини олган Абу Рашид Аҳмад ибн Муҳаммад Ахсикатий (1073 – 1134), Ҳисомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Ахсикатий (вафоти 1247 йил) каби аждодларимиз пок номини гурур-ифтихор билан кўрсатишимиз мумкин. Беҳад йирик сўз санъаткори, тарихчи ва файласуф, илк Уйғониш даври адабиётининг энг порлоқ юлдузларидан бири бўлмиш Абулфазл Муҳаммад Тохир Асируддин Ахсикатий уларнинг орасида ўзига хос ва мос, машҳур ва манзур, алоҳида юксак ўрин тутади.

Замонасининг «Малик уш-шуароси» Асируддин Ахсикатий турли тарихий ва адабий манбаларга кўра 1108 – 1110 (ҳижрий 502 – 504) йиллар орасида таваллуд топган. Унинг болалиги ва дастлабки ота-онаси, мактаби таълим-тарбиясини олган даври ўз киндик қони томган ота макони – Ахсикентда ўтган. Асируддин улғайиб балоғатга етгач, ўзидаги мавжуд билимни янада ошириш мақсадида ўша даврларда бугун дунёга машҳур бўлган илм-фан марказлари – Балх, сўнгра эса Ҳирот ва Марв шаҳарлари томонга йўл олганди. Асируддин Ахсикатий Салжуқийлар салтанатининг пойтахти бўлмиш Марвда риёзиёт (математика), табобат, кимё, илми нужум (астрономия), фалсафа, грамматика ва бошқа қатор фанларни жуда ҳам кунт билан ўрганган, таълим-тарбия олганди. «Таълим» арабча «аллама» феълидан олинган истилоҳ бўлиб, бир нарса ҳақиқатини батафсил ҳамда яхшилаб билдириш маъносини англатади. Илм бўлса бирор нарсани воқеликда қандай бўлса, ишонч билан ўшандай идрок қилишдир. «Тарбия» сўзи эса арабча «робба» феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди, ислоҳ этди каби маъноларни билдиради.

Асируддин Ахсикатий ўзи ниҳоятда даражада ҳавас қилган ва меҳр-муҳаббат қўйган одоб-ахлоқ илми – адабиётдан мавжуд билим ва малакасини жиддий равишда ошириб, назм соҳасида

ҳам аста-секин қалам тебрата бошлаган. Энг асосийси эса, барча маконлар ва замонларда беҳад юксак даражада қадрлаб келинган лекторлик, нотиклик, воизлик санъати бўлмиш – сўзамолликда энг олий мартабага кўтарилган эди. Бизнинг она ўзбек тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишга ям ўрганиб қолинган арабча «адаб» атамаси, аслида, «маъдаба» ўзагидан олинган. «Маъдаба» атамаси одамлар даъват қилинган зиёфатни англатади. Одоб ҳам турли хил одамлар доимо, бетиним даъват қилинадиган маънавий «маъдаба» – зиёфат бўлганлиги учун ҳам мана шу номни олган.

1156 йили Султон Санжар ҳокимияти томонидан юритилган сиёсатга қарши кўчманчи туркий ўғуз қабилалари исён, қўзғолон кўтарган эдилар. Қадим-қадим замонлардан Ота Маконимизнинг миллий ва давлат хавфсизлигига доимий тарздаги таҳдид манбаи сифатида хизмат қилиб келган уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик иллатлари ўша замонда ҳам тож-тахтни эгаллаб олиш учун ўзаро куриш, муҳорабалар билан қўшилиб кетиб, эл-юртнинг тинчлиги, барқирорлигини бетиним бузиб, беқарорлаштириб тураверганди.

Ижод ва беқарорлик, илҳом ва нотинчлик ҳеч қачон бири бири билан мутлақо чиқиша олмаслигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз. Бемаврид кўтарилган қўзғолон оқибатида Хуросон худудидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўзининг изидан бутунлай бошқа тарафга чиқиб кетганди. Қўзғолончи ўғузлар ўнлаб шаҳару қишлоқларда қатлу ом уюштириб, ҳаттоки Салжуқийлар давлати Султони Санжарнинг ўзини ҳам асир, банди қилиб олган эдилар.

Турли қабила ва уруғларга бўлиниб кетган аждоқларимиз ўртасидаги доимий адоват ва ўзаро низолар, ўз навбатида, фаол ижод, тинч-осойиштароқ ҳаёт учун қулай имкониятни қидирган Асируддин Ахсикатийни Хуросон юртини тарк этишга мажбур қилган эди. Шундан кейин Ажам Ироқи (Ғарбий Эрон) томонга йўл олган улуғ ватандошимиз турли-туман нотинчлик ва ғавғолар касофати туфайли ўша замонларда сафлари ҳам тобора кўпайиб бораётган йўлтўсарлар ва қароқчилар тўдасининг талон-тарожига дучор бўлиб, бутун бор-будидан ҳам ажралиб қолганди...

Лекин, мавжуд билим, фикр, тафаккурни, ҳозирги замондаги атамани қўллайдиган бўлсак, инсон капиталини ва интеллектуал хусусий мулкни эса ҳеч қандай ўғри, талончи-ю, қароқчилар ҳеч

қачон, ҳар қандай шароитда ҳам тортиб ололмас эди. Маънавий жиҳатдан эса жудаям бадавлат бўлган буюк шоирни Ажам Ироқи ҳамда Озарбайжоннинг ҳукмдорлари жон-жон деб, жуда қаттиқ илтимос ва лутф-илтифотлар билан саройларига эл-юртларининг ривожи учун маънавий-маърифий хизматга таклиф қилгандилар.

Асируддин Ахсикатийнинг бундан кейинги ҳаёти бўлса Рай, Ҳамадон, Исфохон, Табриз, Шервон, Зангон, Кўхистон, Халхол, Нишопур, Ганжа сингари катта-катта шаҳарларда ўтганди. Улуғ ватандошимиз бу ерларда олимлар, фозиллар, шоирлар суҳбати, илму маърифатидан баҳра олганди. Фақат ўзгаларнинг ижодидан бахраманд бўлиш билангина чекланиб қолмай, ўзининг ниҳоятда сохир, гўзал, дилрабо шеърлари, рубоийлари ва ғазаллари билан назм мухлислари қалбини забт этиб, уларнинг диққат-эътиборини қозонган. Она шаҳри бўлмиш Ахсикентнинг номини бўлса беҳад юксакларга кўтариб, ниҳоят даражада улуғлаган эди. Асируддин Ахсикатий анчагина йиллар мобайнида Арслон ибн Тўғрул (1160 – 1179) ҳамда Қизил Арслон (1185 – 1191) саройида ўша замон мафкураси тарғибот-ташвиқоти ва маънавий-маърифий ишлари самарадорлигини ошириш соҳасида сидқидилдан хизмат қилган.

Салжуқийлар ҳукмдори Ал (Қизил) Арслон замонига келиб унинг ижоди янада гуллаб-яшнаган, буюк истеъдоди бўлса юксак даражада қадрланган эди. Натижада эса, ўзбекнинг форсийнавис шоири Асируддин Ахсикатийга Шарқ дунёсида биринчи бўлиб, «Малик уш-шуаро» («Шоирларнинг шоҳи») ва «Амири шуаро» («Шоирларнинг амири») деган беҳад улуғ унвонлар берилганди.

«Гадонинг душмани гадо бўлади», деганларидек, ҳар доим ҳамма макон – давлатларда ва барча даврларда ҳасадгўй, иғвогар аталмиш кимсалар улуғ зотлар қалбини гўёки қуртдек кемириб, уларнинг нозик дилига, қалбига озор етказиб, ҳузур, маза қилиб келганлар. Ахсикатийнинг шон-шухрати ҳам унинг атрофидаги кимсаларга сираям уйқу бермай қўйганди. Иблис, палид одамлар ёвуз ният ҳамда бузғунчилик йўлида тезда бирлаша олишларини ўзингиз ҳам гоҳатда яхши биласиз. Буюклар бўлса одатда Шер – Арслон янглиғ ёлғизликда ижод қилиб, яшаб, оддий қўйлар каби кунини кечираётган турли подаларга, бўрилар сингари тўдалар ва қашқирларнинг ғалаларга сираям қўшила олмайдилар. Ҳасадгўй,

палид кимсалар бўлса, гарчи ўзлари бир-бирларини ҳам унчалик хушламасалар-да, турли-туман фитналар, игво, тухматлар ҳамда бўҳтонларни усталик билан уюштириб, буюк шоир Асируддин Ахсикатийни кофирликда айблаб, уни Қизил Арслон салтанати саройидан бир амаллаб четлаштиришга муваффақ бўлгандилар.

Шундан сўнг эса шоир иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолган, узлатга чекиниб, сўфиёна турмуш кечири бошлаган эди. Ҳар доим сарсон-саргардон бўлиб юриш, доимий тарзда қийинчилик ва қўрқув-тахлика остида жуда ҳам қашшоқ ҳаёт кечириш натижасида шоир шоҳлар, ҳукмдорларни бетиним равишда мадҳ қилавериш, уларни осмону фалакка қадар кўтариб, асоссиз мақтовлар қабрига кўмиб ташлайверишам тараққиёт учун мутлақо фойдасиз юмуш экан, деган ҳақли хулосага келган эди.

Ўч Ватанидан айро тушган Асируддин Ахсикатий, ўзидан кейин улкан муаммоларнинг гирдобига тушиб олиб, турли-туман мушкулотларнинг зил-замбил залворидан сочлари қордек оқариб кетган тарихнинг улуғ ва улкан ижодий саҳнасига чиқиб келажак **Бобур, Машраб, Фурқат** каби аждодларимиз сингари қаерларда **бўлмасин**, қай маконда истиқомат қилмасин, доимо Ота Макони **ёди**, дарди ва соғинчи билан яшаган. Она Ватанини кўмсаб жуда кўп шеърларни битганди. Унинг Ота юртига қайтиш тараддудига эса анчагина ёмонлашиб қолган соғлиғи тўсқинлик қилган эди...

Шоирнинг вафоти йили аниқ эмас, турли манбаларга биноан 1196 – 1198 (ҳижрий 593 – 595) йилларнинг орасида Жанубий Озарбайжоннинг Халхол шаҳрида бу ёруғ оламдан кўзини юмган. Лекин, унинг «мардона руҳи» бўлса, бугунги миллий юксалиш даврида ҳам роса улкан орзу-мақсадларни кўзлаган ҳолда кизгин фаолият кўрсатаётган ватандошлари онги ва қалбини сира тарк этмай, барчамизни янада улуғ марралар сари даъват этмоқда.

Ундан жуда улкан маънавий ёдгорлик сифатида қолган бой, ранг-баранг, сермазмун мерос бўлса бизларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, комил инсон тарбияси, миллатлараро тотувлик ҳамда ижтимоий ҳамкорликнинг порлоқ йўли томон етакламоқда.

Асируддин Ахсикатийнинг бизларга ва келажак авлодларга қолдирган ижодий мероси 120 қасида, 220 ғазал, 80 қитъа, 4 таркиббанд ва таржеъбанд, 80 рубоий ҳамда 24 фарддан иборат.

Ахсикатийнинг 1313 йили ўз замонасининг машҳур хаттоти Абдулмўмин Улвий Коший томонидан кўчирилган девони 13300 мисрадан ташкил топган. Бу буюк дурдона нусха ҳозирги пайтда Лондонда «Индия Оффис» кутубхонасида кўз қорачиғи сингари сақлаб келинмоқда. Шоир шеърларида ўз Ота маконини қўмсаш, давлат ҳукмдорлари, раҳбарларни, амалдорларни инсоф-адолатга чорлаш, тинимсиз равишда эзгулик сари даъват этиш ғояси энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу девон 1958 йили Техронда нашр этилган. Девоннинг нусхалари Лондон, Берлин, Техрон, Душанбе шаҳарлари марказий кутубхоналарида ҳам ҳозирги кунларимизга қадар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ва жиддий тарзда ўрганиб, аҳолига, ва айниқса, ёшларга тарғиб-ташвиқ қилиб келинмоқда.

Асируддин Ахсикатий бутун умри ва фаолияти мобайнида бирон-бир ҳукмдорнинг саройида ҳеч қачон муқим туролмаган. У Ҳамадон шаҳрининг ҳоқими Муҳаммад салжук, Озарбайжондаги айрим ҳукмдорларнинг фаолиятини мадҳ этиб, улуғлаб касидалар ёзган бўлса-да, сарой билан доимий равишда, бевосита боғлиқ бўлмагани сабабли, уларда ўзининг эркин, ҳур ва дадил, эзгу ғоя, фикр-мулоҳазаларини бемалол қаламга олиб, изҳор этаверганди.

Ижтимоий мавзулардаги ғазалларида эса замон ва макондаги адолатсизликлар, нотенгликлар, «фалакнинг кажрафторлиги»дан шикоят, тамагир, порахўр, палид, хасис ва фақатгина ўз шахсий манфаатлари ғамида кунини кечираётган давлатманд кимсаларни ҳажв тиғига олиш улуғ шоир ижодининг асосий мавзуларидан бири бўлган. Кишиларни эзгулик йўлида ёвузликка қарши азалий ҳамда абадий курашга даъват этувчи панд-насихат, одоб-ахлоқ, камтарлик, илму фан ва ижодни ҳамда инсонпарварликни юксак даражада қадрлаш, кибрлилик, беҳад мағрурлик, бахиллик, ҳасад сингари бир қатор иллатларни тинимсиз тарзда қоралаш ҳам улуғ шоир ижодининг энг асосий ғояларидан биридир.

Ахсикатийнинг ижодий маҳорати олимлар, мутафаккирлар диққати ва эътиборини доимо ўзига жалб этиб келган. Давлатшоҳ Самарқандий «Шоирлар бўстони» асарида Асируддин Ахсикатий хусусида шундай ёзган эди: «Донишманд ва фозил киши эрмиш. Сўзамолликда ниҳоятда олий мартабага эга эрди ... Фазл эгалари Асируддиннинг шоирлигига тан берар эдилар... Асируддин сўзни

дошишмандона айтарди». Давлатшоҳ Самарқандий ўша асарида Ахсикатийни «маънилар дарёсининг ғаввоси» деб таърифлаган ва «маънилар дарёсидан беҳад қимматбаҳо дурларни олиб чиққан», уни элга армугон этган ажойиб шоир сифатида тавсифлаган эди.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улусий молар ҳам унинг ижоди маҳсулига ўта юкори баҳо берганлар. Садриддин Айний, Шариф Хусанзода, Расул Ҳодизода, Шафақ, Забиҳулло Сафо сингари бир қатор жиддий тадқиқотчи-олимлар буюк ватандошимиз шеърятининг таҳлилига бағишланган қатор илмий асарларини яратгандилар. Машҳур шоир Жавҳарий Заргар ва тилшунос-тарихчи олим Абу Рашод (Аҳмад ибн Қосим) каби буюк ижодкорлар эса Асируддин Ахсикатийни ўзларига ҳақиқий, чин маънодаги маънавий устозимиз деб билгандилар.

Ҳар қандай қалам аҳли, ижодкор ўз даврининг фарзанди ва ўзининг замонаси руҳияти муҳандиси сифатида ёзади, уларнинг даҳолари бўлса ўз ижоди қатига келгуси минг йилларнинг дард-алимлари ҳамда орзу-умидларини сездирмай сингдириб юборади. Асируддин Ахсикатийнинг ҳаёт ҳамда инсон хусусидаги гоёлари бугун ҳам миллий юксалиш гоёмизининг тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш ва соҳани янада ривожлантиришни янги, юксак босқичга қўтариш, келажаги буюк Ўзбекистон тараққиёти учун холис хизматини қилиб келмоқда...

IX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ахсикентнинг шаҳристони деворлари ўзининг мудофаа вазифасини адо этиш хусусиятини йўқота бошлаган. Чунки, бу даврда ҳукмрон сулола Сомонийлар мамлакатни ташқи ва ички душман хуружидан муҳофаза қилиш масаласига алоҳида диққат-эътиборларини қаратган эдилар.

Айнан мана шу даврда Исмоил Сомонийнинг укалари Шош вилояти ноибни Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асад ҳам ўзларининг номлари билан пул зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган эдилар.

888 йилдан бошлаб Исмоил бутун Мовароуннаҳр заминини бирлаштиришга ҳам муваффақ бўлиб, унинг ягона ҳукмдорига айланган эди. Исмоил Сомоний, энг аввало, ўз юртида барқарор тинчлик-омонликни тўла таъминлаб, давлат бошқаруви тизимини янада мустаҳкамлашга ҳукмронлик қобилиятининг барча нозик хусусиятларини ишга солган. 893 йилда Тароз (Жамбул) шаҳрини

фатҳ этиб, юртга доимий равишда таҳдид солиб келган даштлик кўчманчиларга қақшаткич зарба берган. Бу Сомонийлар даврида кўчманчиларга қарши қилинган охириги катта юриш эди. Бунинг натижасида, кўчманчи қабилаларнинг Мовароуннаҳр вилоятлари, шу жумладан, Фарғона водийсига бўлган узлуксиз босқинлариям барҳам топиб, ўтроқ аҳоли бўлса эндиликда воҳаларнинг атрофи бўйлаб юзлаб километр масофага чўзилган мудофаа деворлари-ю, сон-саноксиз мустаҳкам қалъаларни барпо этиш ҳамда уларни муттасил равишда таъмирлаб туришдек жуда ҳам оғир, ниҳоятда машаққатли қора меҳнатдан деярли фориғ бўлган эди.

Худди мана шу даврдан бошлаб 300 километрдан ошиқроқ масофада Бухоро воҳасининг чор-атрофини ўраб турган жуда ҳам қадимий мудофаа иншооти бўлган Кампирак деворининг ҳар йилги одатий ҳашари тўхтатилиб, у энди қаровсиз қолдирилган. Абу Бакр Наршахий «Бухоро тарихи» номли асарида ёзишича, Амир Исмоил ўзининг кучли қўшинини назарда тутган ҳолатда, «Токи мен бу дунёда тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори ўзим бўламан!», дея ўз элига ва ғанимларига эълон қилган эди.

Ахсикент деворининг мудофаа ҳолатини йўқотиши ҳам айни юқорида қайд этилган жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Марказлашган машҳур Сомонийлар давлати (IX – X асрлар) ўз ҳудуди ва аҳолисини бундан буёғига мудофаа деворларисиз ҳам бемалол ташқи душманларидан ҳимоя, муҳофаза қила олган эди...

Археолог олимлар кўҳна Ахсикентнинг XI – XII асрларга доир маданий қатламларидан бир неча кўчани аниқлаш имконига эга бўлдилар. Бу кўчалар катта шаҳарнинг шимолий ва шарқий дарвозаларига, марказий бозор ҳамда темирчи, мисгар, заргарлар, баққоллар, савдогарларнинг маҳаллаларига олиб борадиган қилиб қурилган экан. Машҳур шарқшунос олим, академик В. Бартольд «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» асарида ўрта асрлар муаллифлари берган маълумотларга асосланган ҳолда, Ахсикент шаҳрини 3 қисмдан: арки аъло (ўрда), шаҳристон (ички шаҳар) ва рабод (ташқи шаҳар)дан иборат бўлган, деб кўрсатган эди.

Арkning ўзида эса амир саройи, зиндон (қамокҳона), хазина ва умуман, маъмурий девон, шаҳристонда жомеъ масжиди, ички бозор, аҳоли яшайдиган турли маҳаллалар, рабодда ташқи бозор,

хунармандчилик корхоналари, маиший бинолар жойлашган. Арк ва шаҳристон атрофи баланд мудофаа даворлари билан ўралган бўлиб, шаҳарнинг Мардикуш (Бухородаги каби), Косон, Жомеъ масжид ҳамда Регхона деб номланган тўртта дарвозаси бўлган. Аини вақтнинг ўзида шаҳристон ҳам ички, ҳам ташқи қисмдан иборат бўлганди. Ҳар иккала шаҳристон баланд деворлар ҳамда жуда чуқур хандақлар билан ўраб олинган эди. В. Бартольд худди ўша асаридеда Ибн Ҳавқал ва Мақдисий асарларида Ахсикентнинг дарвозаларини бешта, деб кўрсатган эди. Шаҳар дарвозаларнинг бешта деб талқин этилиши ҳам, юқорида номи қайд этилганидек, тўртта дейилишиям тўғри эканлигини тадқиқотларнинг натижаси тасдиқлайди. Чунки, бешинчи дарвоза катта йўлга эмас, қазилган хандақ, яъни сув йўлига қурилган кўприк бўлиб, у агар зарурат туғилгудек бўлса кўтариб қўйиладиган, керак бўлган пайтда эса тушириладиган, яъни ҳарбий мақсадларни ҳисобга олган иншоот – дарвоза бўлган. Шунинг учун ҳам айрим бир муаллифлар, унга ортиқча аҳамият қаратмаганлар ва унинг номини ҳам манбаларда, яъни ўз тарихий асарларида алоҳида кўрсатиб ўтирмаганлар.

Ёзма манбаларга биноан, Ахсикент шаҳрининг бош бозори шаҳристонда бўлган. Буни Абдулҳамид Анорбоев раҳбарлигида амалга оширилган илмий изланишлар ҳам тўла-тўқис тасдиқлаб берган эди. Аниқланишига кўра, марказий бозор савдо расталари билан ташқи шаҳристоннинг шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, 2 гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган экан.

Қадим хитой манбаси бўлмиш «Шижи» (Тарихий хотиралар) китобида «Буюк Фарғонанинг пойтахти (Юан ванчэн)»да қудук бўлмаганлиги туфайли шаҳар аҳолиси ичимлик суви билан шаҳар ташқарисидан оқиб келадиган ариқлар орқали таъминланар экан. Ана шунинг учун ҳам у ерга сув иншоотларини яхши биладиган кишиларни юбориб, уларга сув йўлини тўсиб, бу шаҳарни сувсиз қолдириш вазифаси юкланди», деган маълумот берилган эди.

Археологларимиз томонидан Ахсикентнинг биринчи (ички) шаҳристоннинг икки жойида ер ости водопроводи ҳам очилди. Бу водопроводлар Х асрнинг охирларида узоқ вақтларга қадар элга хизмат қилишга мўлжаллаб қурилган ғоятда буюк муҳандислик иншоотларидир. Археологик тадқиқотлар эса шуни ҳам кўрсатиб

бердики, водопровод қурилган даврда шахристоннинг ичи росаям зич қилиб қурилган уйлар билан банд бўлган. Бундай мураккаб шароитда ўта мураккаб ерости иншооти қандай қилиб қурилган? Аниқланишига қараганда, ўз замонасининг назарий ҳамда амалий илмларига таянган мохир қурувчи усталари бу ажойиб иншоотни ҳозирги замондаги метро қурилиши шаклида бунёд этганлар. Энг аввало, ерости туннели қазилган, сўнгра эса унинг ичида пишиқ ғиштдан гумбазсимон иншоотни қуриб, кейин бўлса унинг тубига катта диаметрли сопол қувурлар ётқизилган. Ичимлик суви бўлса айнан ана шу қувурлар орқали Ахсикентга келтирилган. Ҳозирги пайтда бунақа сопол қувурларнинг парчаларини шахристонда ва рабоднинг ҳамма жойларида учратиш мумкин. Ушбу водопровод тизими Ахсикент шаҳрининг аҳолисига икки юз йилдан зиёдрок вақтлар мобайнида беминнат равишда хизматини қилиб келган.

Биринчи шахристоннинг ҳудудида, арки-аълонинг шарқий томонида X – XII асрларга оид жомеъ масжиди қолдиқлари топиб ўрганилган эди. Бу Жомеъ масжиди тўртбурчак шаклда бунёд этилган, унинг ички қисмида айланасига айвони бўлган. Айвон ўз даврининг ғоятда тажрибали ҳамда чапдаст усталари томонидан ясалган ниҳоятда ажойиб ўймакор устунлар билан безатилганди.

Масжид ҳовлисининг ўртасида бўлса тўртбурчак шаклдаги ҳовуз қазилганди. Ҳовуз қирғоқлари ва масжид ҳовлиси пишиқ ғиштлар билан безатилган. Ҳовузнинг атрофида намозхонларни ниҳоятда жазирама иссиқдан асраб-авайловчи ва қуюқ соя-салқин берувчи турли-туман манзарали дарахтлар кад ростлаб турган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ даркорки, иккинчи (ташқи) шахристоннинг энг қуйи қатламларидан илк темир даври (мил. авв. IX – VIII асрлар)га доир топилмалар қўлга киритилган. Ушбу ноёб топилмалар Ахсикент шаҳрининг, қолаверса, бу ҳудуддаги суғорма деҳқончилик тарихининг деярли 3 минг йиллик мозий қаърига бориб қадалишидан бизларга холис гувоҳлик беради.

Қадим Ахсикентдаги иккинчи шахристон ҳудудининг тўққиз жойидан бир замонлар зилол сувга тўла бўлган ҳовузлар ўрниям топилди. Араб сайёҳ, географлари ҳамда муаррихлари Истаҳрий ва Ибн Ҳавқал ёзишларича, ушбу ҳовузларнинг қирғоқлари жуда

чиройли қилиб безатилган ҳамда сув олиш учун махсус равишда ясалган шинам зинапоярлар орқали пастга тушиб борилган.

Шаҳристоннинг харобалари устида бугунги кунда ХХІ аср ибтидосида сайр қилишни хоҳлаган киши унинг ўзининг ҳар бир қадамида 1000 йил аввалроқ фаолият кўрсатган ишлаб чиқариш корхоналарининг қолдиқларига дуч келади. Тарих ва археология илмидан бировгина бўлса-да бохабар кишилар бўлса қолдиқларга асосланиб, бу ерларда фақат савдо дўконлари ва хунармандчилик устахоналари бўлган, деган хулосага ҳам келишлари мумкин.

Лекин, археологик тадқиқотлар давомида бу ердан ХІ – ХІІ асрларга доир ўртаҳол оилалар истиқомат қилган 4 – 5 хонали уйларнинг қолдиқларини ҳам қазиб топишга муваффақ бўлинди.

Уйларнинг омборхона, ошхона, ётоқхонасининг қолдиқлари эса кўнги яққол кўриниб турибди. Ахсикентдаги хонадонлар қиш фаслида мўрили ўчоқ ва оддий сандал ёрдамида иситилган. Энг асосийси бўлса, бугунги ХХІ асрга ҳам чинакам ибрат бўлгудек бир хусусият алоҳида аҳамиятга молик. Хонадонларда ювинди сун, мағзава ва мева-чева, озик-овқатлар қолдиқлари тўкиладиган алоҳида-алоҳида ўралар қазилган. Ўраларнинг диаметри 80 – 90 сантиметр ва чуқурлиги бўлса баъзи ҳолларда 15 метргача етган. Ахсикентдаги бирорта ховлига кирган кишилар бунақа ўралар борлигини ҳаттоки, сезмасдилар ҳам. Араб сайёҳ, географлари ва муаррихлари ўз асарларида Ахсикентнинг ғоятда озода, ораста, гўзаллигини жуда ҳам ҳайрат билан, алоҳида қайд этганлар. IX – XII асрларда бу шаҳарда қабул қилинган, барча қатъий равишда амал қилган қонун-қоидаларга мувофиқ ҳар бир хонадон ўзининг ховлисида ювинди ва чиқиндилар учун алоҳида махсус ўраларни қазитиши шарт бўлган. Шаҳар майдонлари, бозорлар ва кўчаларни озода саклаш, ифлос қилмаслик ниҳоятда қаттиқ талаб қилинган. Мавжуд чиқиндилар очик ҳолда атроф-муҳитни булғашига сира ҳам йўл қўйилмаган. Чиқиндилар Ахсикент шаҳрининг четидagi махсус жойларда сараланган ҳолатда (сопол, шиша, ўзга чиқинди алоҳида-алоҳида қилиб) қаватма-қават кўмиб борилаверган экан.

Ахсикентликларнинг ўз шахсий манфаатлари йўлида ховли, савдо растаси ва устахоналарини кўчалар, майдонлар ҳисобидан кенгайтириб олишларига бўлса ҳокимият томонидан асло рухсат

берилмасди. Ҳатто, барча мўмин-мусулмонлар ибодат қиладиган муқаддас даргоҳ бўлмиш – масжидларни ҳам қўчалар ҳисобидан кенгайтириш тақиқланган эди. Бу ишларнинг бажарилиши давлат вакиллари томонидан доимий равишда назорат қилиб турилган.

Қадимшунос олим Абдулҳамид Анорбоев раҳбарлигидаги илмий изланишлар давомида шахристон худудида темир ва мис эритадиган махсус печлар, хунармандларнинг устахоналарида эса металлларни тоблайдиган махсус ўчоқлар ҳам казиб топилган эди. «Фаргона шаҳарларининг онаси» – Ахсикентнинг устахоналарида курилиш ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган оддий металл буюмлардан тортиб, то ғилдирак қилиб эгилса ҳам синмайдиган, ҳаттоки тошга солинса уни бемалол сариёғдек кесиб ташлайдиган бағоят ажойиб қилич, пичоқлар ва ханжарлар тайёрланганди.

Шундай ўта қимматбаҳо қурооллардан бирининг олтин суви юритилган дастасининг кичик парчаси 2001 йилда хунармандлар маҳалласини қазиш чоғида топилган эди. Бундай ниҳоятда кескир қиличлар махсус эгилувчан, ўта мустаҳкам пўлатдан тайёрлаган. Буюк Ипак йўлида жойлашган Ахсикентдан ўзга юртларига олиб кетилган қурооллар кейинча гўёки «Дамашқ пўлати»дан ишланган мол сифатида Ғарб мамлакатларидаги қуроол ишқибозлари – граф, герцог, маркиз ва баронларга жуда қиммат нарҳда сотилган эди.

Ахсикентнинг қўли гул, устаси фаранг хунармандлари ўша вақтларда пўлатнинг эгилувчанлигини янада ошириш усулларини яхши билганлар, бироқ, ўз хунарларининг сир-асрорини ниҳоятда махфий равишда сақлаб келганлар. Бировларга, айниқса, бегона кимсаларга мутлақо ошқор этмаганлар. Чунки, барча маконлар ва замонларда бутун дунё бўйлаб иқтисодий соҳалар бўйича, бирон-бир кашфиётнинг сирини ўғирлаб олиш мақсадидаги айгоқчилар бетиним тарзда изғиб юрганлар, улар ҳозирги даврда ҳам мавжуд ва узоқ келажакда ҳам, албатта, бу хунар билан шуғулланаверади. Бунисини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз, бохабарсиз...

Эски Ахси ёдгорлиги ёнидаги Шаҳанд қишлоғининг аҳолиси орасида ханузга қадар сақланиб қолган бир ривоятга қараганда, Ахсикентга ёғий мўр-малаҳдек бостириб келиб, уни узоқ вақтгача забт этолмаган экан. Чунки, ғанимга қарши мардонавор курашган бу шаҳар ҳимоячиларининг кўрқмас ва моҳир саркардаси бўлган

экан. Ғанимлар эса саркардани йўқ қилиш мақсадида маккорлик ишлатибдилар. Гўё сулҳ тузиш баҳонасида, саркардани музокара ўтказиш учун қароргоҳларига таклиф қилган эканлар. Ахсикент саркардаси бўлса босқинчилар бошлиғи олдига кираётган чоғида, унга қароргоҳга қурол билан кириш мутлақо мумкин эмаслигини айтиб, ёв кўриқчилари унинг қиличини эшик олдида олиб қолган эканлар. У қуролсиз ҳолда ғанимнинг қароргоҳига кириб келгач, душман саркардаси атрофида сараланган бир неча қиличбозни кўрган захотиёк, уларнинг асл мақсад-муддаосини англаб етибди. Зудлик билан ўзининг белига белбоғи билан бирга маҳкам боғлаб олган кўзга кўринмас қиличини қўлига олиб, душманга шиддат билан ҳамла қилиб, уларнинг барини Ахсикентнинг қиличидан ўтказиб, соғ-саломат ўз кўшинининг олдига қайтиб келган экан...

Археологик тадқиқотларга қараганда, Ахсикент металлург-темирчи усталари ниҳоятда тоза пўлат (фулад) ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб олган эдилар. Бунинг учун, биринчи навбатда, бойитилган (тозаланган) темир хомашёси зарур бўлган. Бундай хомашёни эса ахсикентлик усталар Ғовасой – Поп ҳамда Уструшона металлурглари билан олиб келган эдилар. Худди шундай тоза пўлат ҳозирги замонда фақатгина қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган махсус печлардагина тайёрланади, ва космонавтика ҳамда ракетасозлик соҳасида ниҳоят даражада кенг қўлланади.

Қадимги **Фарғона** – Ахсикент усталарининг пўлат тайёрлаш соҳасидаги технологияси ниҳоятда мураккаб бўлиб, юқорида ҳам бир неча бор қайд этилганидек, уни беҳад сир тутганлар. Вақтлар ўтиши билан, мўғуллар истилоси ҳамда ундан кейинги даврларда пўлат тайёрлаш технологияси унутиб юборилганди. Шу сабабдан ҳам уни тўлиқ қайтадан тиклаш жуда мушкул. Лекин, археологик қазилмаларда тўпланган материалларга таяниб, бу технологияни умумий кўринишда, маълум бир даражада, тикласа бўлади.

Ахсикентлик усталар тозаланган темирдан энг олий сифатли пўлатни махсус идиш – тигель (оловга ғоятда бардошли, чидамли цилиндр шаклидаги махсус гил (каолин)дан ясалган қозонча) ва махсус печда тайёрлагандилар. Унга ёғочдан тайёрланган кўмир ҳамда бизларга номаълум, ноаниқ бошқа нарсалар ҳам қўшилган. Ундан кейин идишнинг қопқоғи зичлаб ёпилиб, печга қўйилган.

Печнинг деворлари ҳам ниҳоятда юқори ҳароратга чидамли тигелга ишлатилган махсус лой билан сувалган. Бундай печлар ва тигель 1650 – 1700 даражали иссиққа бемалол бардош бера олган. Печдаги ҳарорат 1300 даражадан ҳам юқорирокқа кўтарилган. Бу давр мобайнида бўлса идишдаги темир билан кўмир парчалари ва бошқа нарсалар ўзаро аралашиб, реакцияга киришган. Маълум вақт ўтгач, олов ёқиш тўхтатилган ва печдаги идишнинг совуши кутиб турилган. Натижада бўлса, идишнинг таг қисмида соф тоза пўлат қолиб, унинг тепасида тошқол (шлак) жойлашади. Ҳар хил газлар ва у билан бирга айрим бир чиқиндилар, идишнинг тела қисмидаги тешиқдан, ҳарорат 1000 даражадан ошгач, аста-секин чиқиб кетган. Совиган идиш ичидаги пўлат билан бирга темирчи усталарга берилган. Тайёр бўлган пўлат тигелни синдириш йўли билангина олинган. Шундай қимматбаҳо идишни синдириш шарт эдими? Ундан қайта фойдаланишнинг бирор иложи бўлмаганми? Ҳа ва йўқ! Чунки, ўша пайтдаги технологик қоидаларга биноан, металл тайёр бўлганида у тигелнинг таги, тубида қолиб, усти эса тошқол билан қопланиб қолади. Айни шу сабабга кўра Эски Аҳси шахристонни, рабоднинг шахристонга тутатиб кетган жойларида қозиш пайтида кўплаб тигель парчаларига дуч келиш мумкин.

Шахристон атрофида 350 гектардан ортиқроқ ҳудудни рабод эгаллаган. Араб сайёҳ, географ ва муаррихлари маълумотларига қараганда, рабод ҳудудида чиройли боғ-бўстонлар, бой-бадавлат, зодагонларнинг ўта ҳашаматли хонадонлари бўлган. Археологик изланишлар натижасида эса рабоднинг шахристонга шарқ ва ғарб томондан тутақ жойларидаям турли соҳалар хунармандларининг айрим бир қароргоҳлари бўлганлиги аниқланган эди.

Шарқ томонда, дегрезлар, темирчи усталар маҳалласининг ёнгинасида, шахристоннинг шарқий дарвозаси рўпарасида X – XII асрларга оид ҳаммом ҳам бўлган. Ҳаммомнинг деворларида эса ханузгача турли-туман расмлар қолдиқлари сақланиб қолган. Археолог олим А. Анорбоев ўз шогирдлари билан олиб борган изланиши давомида ҳаммом хоналари деворларининг тахминан 200 йиллар давомида камида 50 мартагача нам ва сувга чидамли махсус қоришма билан сувалганини аниқлашга муваффақ бўлди. Ҳар сафар сувокнинг устидан чиройли геометрик усулда гуллар

шакли туширилган, ҳаммомнинг айрим бир хоналари эса оддий кулранг бўёк билан бўялган экан. Ҳаммомнинг ичи бўлса доимо ораста, саранжом-саришга ва ниҳоятда озода ҳолда сақланган.

Ҳаммомни барпо этиш чоғида Ахсикент меъморлари бинони киздириш ва ювинди сувларни ташқарига чиқариб юбориш каби масалаларни ҳам оқилона ҳал қилганлар. Ҳаммом хоналарининг остига ишланган махсус ариқчалар ҳамда унинг деворларга тик ўрнатилган сопол кувурлар воситасида киздирилган. Пастроқ ва баладрок қилиб қурилган 7 – 8 хона (иссиқ ва совуқ хоналар, ювиниладиган иссиқ ҳамда совуқ хоналар, сув иситиладиган, ўт ёкиладиган хоналар)дан оқиб чиққан ювинди сувлар бўлса пишиқ гиштдан равоқсимон шаклда қурилган махсус тазар (канализация кувури) орқали тишнов (қир ўраси)га қуйилган. Бу ҳаммомдаги хоналарнинг биридан бўйи 150 сантиметр ва эни 70 сантиметрли бўлиб (наш) ҳам топилган. Ванна пишиқ гиштдан бино қилиниб, унинг ичи ва ташқариси махсус коришма билан сувалган экан. К)қоридаям алоҳида қайд этилганимиздек, ҳаммомлар фақатгина ювиниш жойи бўлиб қолмасдан, ўзига хос шифохона вазифасини ҳам ўтаб келган. Яъни, ўша обзанга турли-туман доривор гиёҳлар солиниб, унинг ичига беморлар туширилган. Ҳаммомларда ўша замоннинг табиблари турли хасталикка йўлиққан кишилар билан муолажа ишларини олиб борганлар ва касалларни даволаганлар.

Ёзма манбаларнинг далолат беришича, X – XII асрларда катта шаҳарларда ўнлаб ҳар хил катталиқдаги ҳаммомлар бўлиб, уларнинг фаолият кўрсатиши ва тозалиги эса давлатнинг махсус вакиллари томонидан қатъий равишда назорат қилиб турилган. Шундай қилиб, бизнинг улуғ аجدодларимиз тозалик, покизалик ва ободончиликка алоҳида аҳамият берганлар, «Соғлом танда – соғ ақл» ақидасига қатъий равишда амал қилганлар. Ҳаммомлар ўзига хос маданий-маърифий даргоҳ ҳам ҳисобланиб, меҳнатдан сўнг хордиқ чиқарадиган жой вазифасиниям ўтаган. Баъзан бўлса узоқ юртлардан бу ерга келган халқаро тужжорлар учрашадиган, бинобарин, катта ва жиддий иқтисодий, савдо-сотик муаммолари ҳал этиладиган дипломатик маскан вазифасини ҳам бажарган.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз даркорки, XII аср интиҳоси – XIII асрнинг ибтидосида яшаган ва ижод қилган араб муаррихи

Муҳаммад бинни Нажиб ал-Бақрон «Жаҳоннома» номли асарида «Ниҳоятда хушҳаво жой» сифатида росаям мактаган Ахсиқентга, юқорида алоҳида қайд этилганидек, 14 – 15 километр масофадан ер ости водопроводи орқали сув олиб келинган. Бу водопроднинг қолдиқлари 1960 йилда қазиб топилган эди. Ушбу иншоот ҳам шахристондаги сингари пишиқ ғиштдан туннель усулида барпо этилган. Сув бўлса бу қурилма ичидаги пишиқ ғиштдан қурилган махсус ариқдан шилдираб оқиб, шаҳарга об-ҳаёт олиб келган.

Шаҳарни сув, амалда ҳаёт билан таъминловчи ушбу иншоот хусусида қадимда ҳозирги Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида жойлашган буюк Кушонлар салтанатининг дастлабки пойтахти – Далварзинтепадаги сингари бир ривоят эл-юрт орасида ханузгача кезиб юради. Ушбу сатрлар муаллифи 1976 йилнинг кузида ЎзР ФАнинг академиги Г. А. Пугаченкова, ўша пайтларда профессор, кейинчалик бўлса ЎзР ФА академиги Э. В. Ртвеладзе ҳамда бизга археология илмидан сабоқ берган, доцент, ҳозирда тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФАнинг академиги А. Сағдуллаевнинг раҳбарлигида бир неча курсдошлари билан худди ўша машҳур Далварзинтепа археологик қазिशмаларида фаол иштирок этган пайтида бу ривоятни эшитган эди. Энди бўлса ўша ривоятни Сиз азизларнинг диққат-эътиборингизга ҳам ҳавола этмоқчимиз.

Жудаям қадим замонда Далварзин шаҳри ғоятда мустаҳкам қурилган мудофаа деворига эга бўлган, қай томондан мўр-малах янглиғ бостириб келмасин, ғанимнинг қалъа ичкарасига амаллаб кириб олиши деярли мумкин эмас экан. Ўша шаҳарнинг қудратли ҳукмдори, афсунгар Варзиншоҳнинг гўзалликда танҳо, тенги йўқ Даллийойим исмли кизи ҳам бўлган экан. Унинг беҳад гўзаллиги таъриф-тавсифи эса бутун олам-жаҳон аҳлига ёйилиб кетган экан.

Салтанатнинг бошкентига бир неча километр узоқликдаги шаркираб оқаётган Сурхондарёдан ерости қувурлари воситасида ичимлик суви келтирилган экан. Сув йўли эса ниҳоятда, ҳаддан ташқари махфий равишда сақланган. Шаҳарга бостириб келган ғаним уни бир неча ой мобайнида қаттиқ муҳосара (қамал) қилса-да, сира ҳам ололмаган. Шунда ҳам салтанатга эғалик қилиш, ҳам гўзал Даллийойимнинг васлига етиш мақсадида бостириб келган душман шахзодаси эса бир макр-ҳийлани ишлатганакан. У шаҳар

деворининг яқинида баланд дор тиктириб, олтиндек товланувчи энг ҳашаматли либосини кийволиб, ўзининг дорбозлик санъатини намоёиш этган экан. Унга бекиёс даражада маҳлиё бўлиб қолган, ҳали ҳаётнинг паст-баланди, савоб-гуноҳи ва садоқат-хиёнатидан яхши хабардор бўлмаган, ёшгина Даллийоим эс-ҳушини йўқотиб қўйиб, ўз канизаги орқали ушбу шаҳарга келадиган сув йўлининг сир-асрорини ғаним шахзодасига етказган экан. Сурхондарёнинг росаям гирдоб бўлиб оқайтган жойига ташланган хас-хашак, шох-шаббалар, қоплардаги тош-тупроқ, турган гап-ки, ўзининг ишини қилган, энди шаҳарга сув келмай қўйган. Одамлар ташналикдан роса кийнади бошлаган, айримлари бўлса мудофаа деворини ҳам ташлаб кетган. Шундан сўнг эрсираб қолган Даллийоим бошкент дарвозасини ғаним шахзодасига очиб берган экан. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, мўр-малаҳдек ёв бостириб келган пайтида бечора, китгик қўрқув ва ваҳимага тушган халқнинг оҳ-воҳ, дод-фироқ ва қий-чувлари бутун оламни ўз бошига қўтариб олади.

Ҳозирги замонимиздаги бир қўшиқда куйлангани сингари, «**Мина сенга олам-олам гул, этагинга сиққанича ол!**» дея шаҳар дарвозаси сари ғолибона гердайиб қадам босган ғаним шахзодани бўлса кабристондагидек сукунат, жимжитликнинг оғушида ёлғиз маликанинг ўзи илжайганча, жилпанглаб кутиб олган экан. Энди зафар нашидасини суриш арафасидаги шахзода ҳайратга тушиб, бунинг сабабини Даллийоимдан сўрайди. Сотқин малика бўлса унга, «Менинг отам жуда зўр афсунгар, у барча одамларни қушга айлантириб, кўкка учуриб юборди. Ўзи эса мана бундай қиёфага кириб олди», дея чеккароқда мунғайиб турган кичкина кучукка ишора қилибди. Бу ҳолатдан беҳад ҳайратланган, ва бир вақтнинг ўзиде эса ниҳоят даражада ғазабланган шахзода, «Сен ўзингни бу ёруғ дунёга келтирган, нон-тузини бериб тарбиялаган ўз Отанга, ўзингнинг Ота юртинга сотқинлик қилдинг. Турган гапки, сенга бирорта наф келтиргудек бўлса, менга ҳам вафо қилмайсан, тагин хиёнатнинг катта-кичик йўлларига бемалол кириб кетаверасан!» дея ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, қўлидаги беҳад кескир ахсикандий қиличи билан бир сирмашидаёқ ўша хиёнаткор Даллийоимнинг бошини, аслида бўлса калласини сапчадек узиб ташлаган экан.

Саркарданинг кескин равишдаги буйруғига биноан, салтанат бошкенти Далварзинга бирорта ҳам аскар «Худо қарғаган жой» сифатида кадамини босмаган. Ўша ривоятга кўра, Варзиншоҳ ва унинг кизи Далли номидан Далварзин атамаси пайдо бўлган экан.

Ушбу шаҳар аҳолиси ҳақиқатан ҳам қандайдир сабабларга биноан пойтахтни зудлик билан тарк этиб, кейинчалик ҳеч қачон ўз юртига қайтиб келмагандек туюлади. Бизнинг ўзимиз ҳам ўша пайтлардаги археологик қазилар жараёнида ёв, ғаним, душман томонидан бузгунчилик, бу шаҳарни атайлаб вайрон қилганлик, талон-тарожга учраганлик ёки ёнғин изларига дуч келмаганмиз...

«Ахси уммул – шаҳри Фарғона» хусусидаги халқ орасида ҳанузгача кезиб юрган ривоят ҳам юқорида ўзингиз ҳозиргина ўқиганингизга роса ҳамоҳанг. Албатта, ҳар қандай эртақ, афсона ва ривоят замирида ҳақиқатнинг олтин янглиғ зарралари мавжуд бўлади. Қадимда Ахсикентнинг биладиган аҳолиси ҳам сув йўли сирини ғоятда қаттиқ сақлаган. Айтишларича, шимол тарафдан келган ёғий шаҳарни истило қилиш ва ўзига бўйсундириб олиш мақсадида уни жуда қаттиқ муҳосара (қамал) қилган. Табиийки, ғанимнинг қамали қанчалик даражада давом этмасин, Ахсикент аҳолиси сира ҳам таслим бўлмаган. Ёв бундай сабот-матонатнинг сирларини сира била олмасдан, тарвузи кўлтигидан тушиб кетай, деб турганида ўша шаҳарлик бир очкўз ва хиёнаткор хотин (уни барчамиз учун муқаддас бўлган «АЁЛ») деган сўз билан аташга кўнгили йўл қўймади. Аслида эса «хотин» атамаси қадимги сўғдий тилида «малика» маъносини англатади. Аввал эфталлийларнинг ва кейинчалик арабларнинг «халаж» қабиласи аёллари жудаям гўзал бўлгани боис ўрта асрларга келиб ушбу истилоҳ гўзаллик рамзига ҳам айланиб кетган. Бизнинг «хотин-халаж» деганимиз сўғдий-арабчадан замонавий ўзбек тилига ўтирилганида «гўзал малика» деган маънони билдиради) қовун тушириб қўйганакан, яъни, ёғий томонидан ваъда қилинган жуда катта пулнинг эвазига ўзига туз берган эл-юрт, давлатнинг сирини душманга ошкор этиб қўйган.

Ўша сотқин хотиннинг кўрғазмаси асосида ёғий аскарлари Косонсойнинг юқори оқимидан сувга сомон ташлаганлар ҳамда уни аста кузатиб бораверганлар. Сомон ва похол сувнинг устида қалқиб оқиб, маълум бир жойга борганида эса, кучли гирдобга

дуч келиб, чирпирак бўлиб айлана бошлабди. Натижада, шаҳри азиям Ахсикентга борадиган ер ости водопроводи айнан шу ердан бошланиши ошкор бўлибди. Душман аскарлари бўлса худди ўша сув шаҳарга борадиган ерни хас-хашаклар, тош ва қопга солинган балчиқ билан бирорта ҳам томчи ўтмайдиган қилиб, жуда ҳам маҳкам бекитиб ташлаганлар. Ва шундан кейингина шаҳарга сув келишим тақа-тақ тўхтаб қолган. Орадан бир неча кун ўтгачгина ҳовузларга тўлдириб қўйилган сувни ҳам ичиб бўлган аҳолининг ўзидан ҳам кўра бола-чақисининг ҳаёти, келажагини ўйлаб, тирик қолиш ниятида Ёғийга таслим бўлишдан бошқа иложи қолмаган...

Энди мана шу масала бўйича эшитган-билганларини бизга сўйлаб бериш учун навбатни жуда ҳалол журналист, шоир, ёзувчи ва таржимон Рустамжон Умматовга берсак. Янада ҳам аниқроғи, 2009 йилда Тошкентда «Мумтоз сўз» нашриётида 2200 нусхада чоп этилган «Ахсикент» номли китобдан муносиб равишда ўрин олган Рустам аканинг қаламига мансуб битикка қулоқ тутсак:

«Ахсикентни ёв босди. Шаҳанд қўрғони шундай даражада мустаҳкам эдики, манжанақлар ҳеч ҳам иш бермади, девордан раҳна очилмади. Қўрғон теварагидаги сув тўла жарлар қирғоғида олти ой қамал қилиб турган душман сардори олдига бир кампир келди. Дедики:

– Мен Ахсикентни ишғол қилиш йўлини биламан.

– Эвазига не тилайсан? – деди сардор.

– Ўғлимни шаҳар доруғаси қиласан, ўзимга олтиндан ковуш берасан.

Шарти қабул бўлган хиёнаткор кампир душманни Косонсой томонга бошлади. Бир қисм лашкарлар Ахсикент муҳосарасида қолди, бир бўлаги унга эргашиб Архиён томон йўл олди.

Косонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб Архиён (Архиён деганлари асли ҳозирги Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғи ҳисобланади – Б. И.) қишлоғидан шимол томонга бир ёғоч йўл босдилар. Алиш деган жойга етиб келганларида кампир аравадан тушди.

– Ахсикент тарафга борадиган сув мана шу жойдан кетган, қувурнинг оғзи беркитилса кифоя, шаҳарнинг аҳли ташналиқдан таслим бўлади, – деди у.

Сойда бир дарё суви айқириб оқарди, сувсаган сарбозлар эса ётиб олиб, ташна отлардай симира кетдилар.

– Бунча сув остидан сен айтган қувурни топиб бўладими? Сен жодугар Широқнинг ҳийласини қилиб, бизни адаштирмоқчи, аскарларимни сувга чўқтирмоқчи бўлдингми?

– Сабр қил, – деди имонсиз кампир. – Йигитларингга айт, бир чақирим юқоридан сомонни оқизиб, уни кузатиб келсин. Сой қаердаки гирдоб ҳосил қилиб, сомонни айлантириб-айдантириб қаърига тортиб кетса, қувурнинг боши ўша жойда бўлади.

– Кейин-чи, кейин? – ўшқирди ёв.

– Ундан сўнг бўлса ғаввосларнинг белига арқон боғлаб сувга туширасан, албатта, топишади.

Хиёнат сабабли Ахсикент сувсиз қолди. Лекин, орадан қирк кун ўтса ҳамки шаҳар аҳли таслим бўлишни сира ҳам хаёлига келтирмайди. Аксинча, ҳаёт сурони роса авжида, устахоналарда гумбур-гумбур меҳнат, хўрозларам ҳар тонгда қичкириб турибди, ҳофизларнинг хониши баландки, тўйлар ҳам тўхтамаган.

– Эй, ёсуман, эй сочи юлуқ бадбахт, – қаҳрини сочди ёвнинг раҳнамоси кампирни ҳузурига чорлаб. – Сен бизни алдабсан.

– Йўқ-йўқ, унақамас, шаҳарнинг бу ҳолида бир ҳийла бор...

Аммо, ҳафсаласи пир бўлган сардорнинг ортик тоқати ҳам қолмаганди. Шунинг устига хуфиялар хабар келтирдик:

Бу тунда Ахсикентга сон-саноксиз аскарлар мададга келган. Шаҳарнинг кунчиқардаги дарвозасидан қўрғонга кириб кетган от туёқларининг ҳад-ҳисоби ҳам йўқ.

Тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган душман шум кампирни ҳам, унинг доруғаликка даъвогарлик қилган ўғлини ҳам қатл этди ҳамда Ахсикентни олиш ниятидан буткул воз кечиб, келган изига қайтиб кетди.

Вахоланки, ўша тунда бу шаҳарда ҳеч ким қолмаган эди. Душманни адойи тамом қилган халиғи овозлар эса муҳандислар ясаган биргина қутидан чиқарди. Ўша қути гоҳида хўроз бўлиб қичқирса, гоҳо итга айланиб акиллари, кўшиқлар ҳам шунинг ичида эди. Ахсикентга мадад ҳам келмаган, аксинча, ҳимоячилар сувсиз шаҳарни ноилож ташлаб чиқиб кетишган эди. Фақатгина ажойиб ҳарбий ҳийла ишлатишган, яъни барча барча отларнинг

тўртгала туёғидаги тақалар тескари тарзда қоқилган эди...» (124 – 126- бетлар).

Ўрта асрлар Шарқ дунёси иқтисодиётининг «қон томири» – Буюк ипак йўлининг Шимолий Фарғона орқали ўтган энг асосий тармоғи (Хўжанд – Боб – Ахсикент – Қубо) XI – XII асрларда Ахсикентдан сўнг иккига бўлинган. Бири «Миён Рудан» («Икки сув ораси» – Норин, Қорадарё) орқали Ўзган томонга бўлинган, иккинчиси бўлса Марғилонга борган. Жанубий Фарғонанинг Сўх – Ҳайдаркон мингтақасида тоғ-кон саноатининг жадал равишда ривожланиши оқибатида Буюк Ипак йўлининг Жанубий Фарғона (Хўжанд – Риштон – Қубо – Ўш) томонга йўналган тармоғи XI асрдан бошлаб Сўх – Ҳайдаркон, Қадамжой ҳамда Водил орқали Марғилонгача етиб келган. Шу сабабга кўра бўлса керак, IX – X асрларда ривожланган катта шаҳар ҳисобланган Риштон XI – XII асрларга келиб тагин оддийгина бир қишлоққа айланиб қолганди.

XI асрга келиб Қорахонийлар давлати даврида Фарғонанинг **сиёсий** пойтахти Ахсикентдан Ўзганга кўчириб кетилган. Лекин, Абдулхамид Анорбоев томонидан қўлга киритилган археологик **маълумотлар** Ахсикент XI – XII асрларда ҳам худди аввалгидек, **Фарғона** водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверганидан **яққол** далолат бермоқда. Бу замонда ҳам Ахсикентга Ҳиндистон, **Хитой** ҳамда Ўрта денгиз бўйидаги турли давлатлардан мунтазам **тарзда** моллари билан савдо қарвонлари келиб-кечиб турган эди.

Айнан ушбу даврга доир Эски Аҳси харобаларидан топилган моддий маданият ашёлари кўплиги ҳамда ранг-баранглиги билан кишининг диққатини ўзига тортади. Сирланган турли хил сопол идишларнинг баъзиларидаги куфий ёзувидаги битикларни ўқиш мумкин. Айрим идишларга эса афсонавий ва йиртқич ҳайвонлар, ҳар хил қушлар тасвирлари туширилган. Ахсикентнинг қўли гул ҳунармандлари ушбу даврда сопол идишларни безаш ва сирлаш борасида ўзига хос юксак маҳорат мактабини ҳам яратган эдилар. Ахсикентликлар ишлаб чиқарган ҳар хил рангли шишалар, гўзал ва бадиий жиҳатдан ниҳоятда юксак эстетик дид билан ишланган қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари, олтин, кумушдан тайёрланган узуклар, билакузуклар, мунчоқлар, тиллақошлар ва турлича гўзал нақшлар берилиб, санъаткорона ясалган сопол буюмлар хатто чет

давлатлар марказий бозорларида ҳам катта шуҳрат қозонганди. Ушбу даврнинг сопол идиш шиша буюмлари ўзининг ихчамлиги, гулларининг кўркамлиги билан Афросиёб ва Бухоро буюмлари билан бемалол рақобатлаша олган. Хуллас, ўрта аср Ахсикенти кулолчилиги техника ва технологияси, хумдонлари конструктив шакли, созлиги билан ўз даврида кулолчилик архитектурасининг ниҳоятда юқори камолот чўққисига кўтарилиб олганди.

Ахсикентнинг ажойиб нақшинкор ва чиннидек жилога эга идишларининг намуналари инсоният моддий маданиятининг энг бебаҳо обидалари сифатида Тошкент, Санкт-Петербург, Киев ва Париждаги жудаям нуфузли Лувр давлат музейи, Лондон, Вена, Нью-Йоркдаги Ғарб давлатлари тарихи ва санъати музейларидан муносиб равишда ўрин олган ноёб топилмалар орасида ҳам кўз корачигидек асраб-авайлаб сақланмоқда ҳамда бутун дунё аҳли, асл санъат шинавандаларига ғурур ила кўз-кўз қилинмоқда...

1219 – 1220 йилларда Ахсикент Ота маконимизга мўр-малахдек бостириб келган мўғуллар томонидан бутунлай талон-тарож қилинган, қолмишига уни бутунлай вайронага айлантириб ташланган. Шаҳар водопровод тизими, саройлар, жомеъ масжиди ҳам ваҳшийларча бузиб ташланган. Ахсикентнинг бутун дунёга машҳур қўли гул, моҳир усталари бўлса кулга айлантириб ғаним юрти бўлмиш – Мўғулистонга пода сингари ҳайдаб кетилганди.

Орадан маълум вақт ўтгач, Ахсикент шаҳри Қакнус куши янглиғ ёниб бўлгач, қайтадан кулдан пайдо бўлгани сингари, янги бир жойда – Эски Ахси ёдгорлигидан 5 – 6 километр шимолий-ғарбда ҳозирги замондаги Яккайигит қишлоғи ўрнида қаддини қайтадан ростлаганди. Бу шаҳарнинг харобалари эл орасида Янги Ахси деб аталади. Айнан худди шу ерда шоҳ ва шоир буюк Бобур Мирзонинг падари бузруквори, темурий амир Умаршайх Мирзо бутун Фарғона водийсини оқилона ва одилона бошқарган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ота макони – Ахси ва отаси Умаршайх Мирзонинг фожиали ҳалокати ҳақида «Бобурнома»да шундай деб ёзганди: «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндир... Етти пора қасабаси бор: бешин Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибида... Сайхун суйининг шимоли тарафидаги

қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар. Нечукким, Асиридин шоирни Асиридин Ахсикатий дерлар.

Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улугрок қасаба йўқтур.

Андижондин ғарб сори тўққуз йигоч йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди, Сайхун дарёси кўргонининг остидин оқар. Кўргони баланд жар устида воқе бўлубтур.

Хандақнинг ўрнига амийк жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарроқдин яна жарлар солди.

Фарғонда мунча берк кўргон йўқтур. Маҳаллоти кўргондин бир шаръий йироқроқ тушубтур. «Дех кужову дарахтон кужо» («Қишлоқ қийдию дарахтлар қайда») масалини ғолибо Ахси учун йитибтурлар.

Қовуни яхши бўлур. Бир нав қовундирким, «Мир Темурий» дерлар, шидоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни (ҳам) машҳурдир, Самарқандни олгон маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдим, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди...

... Яна бири Косондур. Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволик ердур. Сафолик боғчалари бор... Сафо ва ҳавода Ўш билан Косон элининг таассуби бор...

...Ахси кўргони баланд жар устида воқе бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда (хижрий 899 йил) душанба куни рамазон ойининг тўртида (1494 йил 8 июнда) Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттиз тўққуз ёшар эрди..

... Умаршайх мирзога ушбу воқеа даст берганда мен Андижонда чаҳорбоғда эдим. Сешанба куни рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонга келди. Изтироб била отланиб, қошимдағи навқар ва савдар била кўргон азимати қилдим...»

Темурийлар асос солган Ахсикент шаҳри 1620 йилда рўй берган катта фалокат, ниҳоятда кучли ер кимирлаши – зилзила оқибатида ҳалокатга учраган. Косонсойлик машҳур географ ва

табиатшунос олим Саид Муҳаммад ибн Абдул Қосим томонидан битилган «Ажойиб ат-табақот» («Минтақалар ажойиботлари») асарида ёзилишига кўра, муаллифнинг ўзи ҳам ўша зилзиланинг гувоҳи бўлган. Мазкур тарихий манбада Ахсикентда юз берган зилзила қуйидагича тасвирланган эди: «Ҳижрий 1030 йилда Ахси вилоятида шундай зилзила бўлдики, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далани босиб кетди, сув билан бирга чиқариб ташланган балиқлар типирчилади ва ўлди. Катта дарахтлар бўлса илдизи билан юлиниб, ерга тушди. Иморатлар қаттиқ ва тез-тез зилзиладан вайрон бўлиб, кўп одам йиқилган иморатлар орасида қолиб ўлди. Жуда кўп одамларнинг оёқ-қўли синди, ҳайвонлар қўрқинчдан далаларга қочди. Олти ойгача зилзила шундай бўлиб турди. Масалан, зилзила 70 мартагача бориб етди. Шуниси ҳам кизиқки, ниҳоятда қаттиқ зилзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб атроф қишлоқларда унчалик қаттиқ бўлмади. Шаҳардан 1 фарсах (6 – 8 км.) ерда ҳеч қандай товуш эшитилмади...».

Ана шундай даҳшатли вайронагарчиликдан кейин эса Ахси қалъа – шаҳри қайтадан тикланмай қолиб кетди. Ўта ваҳимали ва ҳалокатли ер қимирлашидан омон қолган аҳоли эса, тириклигига шукр қилиб турли тарафларга кўчиб кетган. Ахсикентнинг тирик шаҳар сифатидаги фаолиятига нуқта қўйилди. Агарда таъбиримиз жоиз бўлса, Ахсикент гўёки дафн этиб қўйилган марҳум шаҳарга айланиб қолди. Шундан кейин, аввалига Ахсикент даражасига кўтарила олмаган, лекин асл ўқ илдизлари минг йиллик мозий қаърига бориб қадалувчи Наманган Фарғона водийсининг кўзга ярқ этиб кўрина, ўзини чинакамига намоён эта бошлаган пойтахт шаҳарларидан бирига аста айланиб, кўҳна тарихнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий саҳнасига дадил қадам босиб чиқиб келган.

2017 йил 16 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш» бўйича 831-сонли қарори эълон қилинганидан кейин эса бу борадаги ишлар янада жадаллашиб кетганлигидан ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши бохабарсиз, кўриб-билиб, ғурурланиб, фахрланиб юрибсиз...

«АВЕСТО»ДА ТИББИЁТ ВА ЗАМОН МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Энг мўътабар, қадимги кўлэзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарёнинг оралиғида, мана шу улуг заминда умргузаронлик қилган буюк аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий ва тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият ва ўзига хос буюк маданият бўлганлигидан ҳам гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким асло инкор эта олмайди».

Инсоният тарихи – бу инсон тафаккури ва тасаввурининг кенгайиши ҳамда чуқурлашиши тарихидир. «Кенга – кенг дунё, торга – тор дунё» ибораси ҳам айнан шу заминда туғилган. Ҳар қандай шахсни, биринчи навбатда, унинг эҳтиёж ва манфаатлари ҳаракатга чорлайди. Курраи заминда Одамзод пайдо бўлганидан буён икки хил эҳтиёж: моддий талаблар ва маънавий чанқоқлик билан бирга яшаб келмоқда. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам одамлар турмуш, ҳаёти тарзини олдиндан белгилаб беради. Башариятнинг ибтидосида, яъни даставвал моддий талаблар устуворроқ аҳамият касб этганди ҳамда биринчи даражали зарурият ҳисобланар эди. Кейинчалик эса жамият тараққиётининг маълум бир даврларида одамзод ер, сувни, ҳаво ва қуёшни бевосита ҳис қилишдан аста-секинлик билан «Табиат нима?», «Ҳаётнинг ўзи нима?», «Ўлим асли нимани билдиради?», «Одамнинг асл моҳияти нималарда?», «Қоинот нима ўзи?» сингари мураккаб саволларнинг занжирига бот-бот дуч кела бошлаганди. Бунинг натижасида бўлса ўзига хос маънавий эҳтиёжлар моддий оламни белгиловчи асосий ва етакчи кучга айлана бошлаган. Шу тариқа емоқ, ичмоқ, киймоқдан кўра лаззатланмоқ, қувонмоқ, завқ олмоқ, севмоқ тушунча, туйғулари нисбатан устунроқ мавқега кўтарила бошлаган эди. Агар моддий талаблар ўз сарҳади ва маълум бир доирасига эга бўлса, маънавий эҳтиёжлар эса бепоён ва узлуксиз руҳий оламга айланди. Чанқаш, чарчаш, очликни қондиришнинг маълум чегараси мавжуд, аммо,

севги, ирода, илм, тинимсиз гўзалликка талпиниш каби маънавий эҳтиёжларнинг чек-чегараси, сарҳади эса мутлако мавжуд эмас.

Яратганнинг суюкли бандаси бўлган одам, факат қўлларида моҳир бармоқлари борлиги учунгина, инсонга айланиб қолмаган. У барча ҳайвонлардан кўра жисмонан кучлироқ, ҳаддан ташқари чидамлироқ бўлгани туфайли ҳам кейинчалик ўзининг маънавий кудратини ўз жисмоний қувватига беминнат ва қулоқ коқмасдан, ўзини орқага ташламаздан хизмат килдиришга мажбур эта олган.

Инсониятнинг маънавий юксалишидаги буюк нуқталардан бири табиат ва одамзод ҳаётидаги ўзаро уйғунлик борлиги ҳамда мутаносиблик мавжудлигини идрок этиш, бу ёруғ дунёнинг ўзига хос тартиботи хусусидаги тушунча бўлди. Тун ортидан куннинг келиши, дарёларнинг юқоридан қуйи томон шовқин-сурон солиб ёхуд оҳиста оқиши, иссиқ билан совуқ, аччиқ билан чучук, яхши билан ёмоннинг, муҳим билан номуҳимнинг фарқига бора олиш одамнинг инсон бўлиб шаклланишида беҳад муҳим аҳамият касб этган. Буни қадим замонларда яшаб ўтган аждодларимиз дини, санъати, табобати тўла-тўқис исботлаб турибди. Бобокалон китоб – «Авесто» матнининг парчалари билан бафуржа танишиб чиқиш чоғида бундан минглаб йиллар бурун оғир ҳаёт кечирган одамлар дунёқарашининг шаклланиши, табиатга ва жамиятга муносабати нечоғлик мураккаб равишда шаклланишига ҳам гувоҳ бўламиз.

Бобокалон «Авесто» эса узок аждодларимизнинг ижтимоий турмуши, маънавий ҳаёти тўғрисида ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган тарихий ёзма манбадир. «Авесто» сўзининг ўзаги «сто» – бўлиб, «ўрнатилган, муқаррар қилинган қонун-қоидалар, ҳаётнинг асосий йўриқномаси» демақдир. Ушбу китоб милоддан аввалги II минг йиллик ва I минг йиллик биринчи чорагида, бир неча юз йиллар мобайнида шаклланган. Ва ниҳоят, 3000 йиллар бурун китоб сифатида илк бора бир тизимга киритиб тўпланган.

«Авесто» Ота юртимизга ислом динининг кириб келгунига қадар амал қилган зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. Зардуштийлик эътиқоди худодан ваҳий келиши орқали одамларга пайғамбар Зардушт билдирган дин сифатида талкин қилинади. Абу Райҳон Берунийнинг маълумотларига биноан, «Авесто» «ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган»ди. Муаррих

Маъсудийнинг «Олтин водий» китобида у «ўн икки минг олтин тахтага ёзилган», деган тарихий маълумот мавжуд. Балхий бўлса «Форснома» асарида «Авесто»ни 12 минг ошланган мол терисига битилган чинакам ҳикматларнинг китоби сифатида қайд этганди.

Бу китоб 21 қисм (наск)дан иборат бўлган. Шундан замонлар оша тўрт қисмигина ҳозиргача етиб келган: «Видевдот», «Ясна», «Виспирад» ҳамда «Яшт» насклари. «Ясна» – «Авесто»да «тоат ва саловатга муносиб» маъносини ифода этади, бугунги «Авесто» муҳим жузъи бўлиб, у 72 хотдан иборат. Зардуштнинг бешлик гоҳлари (госолари) ҳам шу 72 хотнинг таркибидадир. Кўп қисми йўқолиб кетганига қарамай, сақланиб қолган наскларнинг ўзиёқ «Авесто»нинг қомусий жиҳатдан беҳад даражада улугворлигини, унинг тарихий манба сифатида ўта юксак кадр-кимматини ҳамда миънавий умумбашарий хусусиятларини тўла-тўқис намоиш эта олади. «Яшт» китобининг эзгулик тангриси Ахура Маздага алқов қисмида шундай бир ғоя илгари сурилган эди: «Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га ҳамда яхшилик ишларнинг амалига бахшида этаман, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзлару ёвуз ишлардан юзимни ўгираман».

Ханузга қадар халқимизнинг онгида ва хатти-ҳаракатларида яшаб ва росаям яшнаб келаётган «Амалинг – ниятинга яраша», «Ниятинг – йўлдошинг» сингари ғоялар ўша давр маҳсулидир.

Зардуштийлик таълимотига биноан, бу дунёнинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам муқаррар, яъни борлиқ макон ва замон ўлчамида чексиз эмас. Ҳаёт эса эзгулик ва ёвузлик, рост ва ёлғон, зиё ва зулмат ўртасидаги азалий ва абадий тўқнашувлар, муҳорабалардан иборат. Ёруғлик, ростлик ва эзгулик кучларини Ахура Мазда, ёвузлик, ёлғончилик, зулмат ва жаҳолат кучларини эса бузғунчи рух – Аҳриман бошқаради. Аҳриман қўшинларига девлар, ҳасад, ялқовлик, ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар кирган бўлиб, улар одамга, олов, замин, сувга, ҳавога ҳамда чорвага бетиним зиён етказишга уринаверадилар. Аҳриман турли хасталиклар, ўлим, совук, жазирама иссиқ, зарарли ҳайвон ва ҳашаротларни яратган. Ахура Мазда бўлса яхшилик, соғлик-саломатлик ва бахт-саодат, фароғат ато этувчи илоҳ ҳисобланган.

Ахура Мазда бузгунчи Ахриманга қарши кураш максацида қуйидаги муқаддас ва эзгу руҳлар – Амеша Спенталарни яратган:

1. Воху Мана (Баҳман) – Яхши ният (Эзгу Онг);
2. Аша Вахишта (Ардибиҳишт) – Адолатлилик (Олий Ҳақиқат);
3. Хшатра Варя (Шаҳривор) – Орзу этилган кудрат;
4. Спента Армаити (Исфандармуз) – Диёнатли авлиёлик;
5. Хаурватат (Хурдод) – Яхлитлик (Соғлик-саломатлик);
6. Амарэтат (Мурдод) – Мангулик (Абадий барҳаётлик).

Бу олгита муқаддас руҳларнинг ҳар бири ўз даврида моддий дунёнинг олти хилдаги ўзига хос ҳомийлари ҳисобланган эди.

Аждодларимиз Баҳманни – ҳайвонларнинг, Ардабиҳиштни – олов, Шаҳриворни – металллар, Исфандармузни – ер, Хурдодни – сув, Мурдодни – ўсимликлар раҳнамоси сифатида англаганлар.

Ибтидоий диний тасаввурлардан бўлмиш анимизмга биноан ўлганлар у дунёда яшашда давом этади, уларнинг руҳлари эса ўз авлодлари ва кавмларига ёрдам бериб туради, борлик муҳит ўтган имонлиларнинг руҳи билан тўла, деб тушунилганди. Ўша руҳлар «Авесто»да «фравашилар» сифатида тилга олинган. Масаланинг яна бир қизиқ жиҳатиям шундаки, фравашилар инсонни ўраб турган барча табиат ҳодисаларига, жумладан, тоғлар, дарёлар, кўллар, ва бошқаларга ҳам тегишли бўладилар, деб ишониш мумкин. Фравашилар инсон, жамият, табиат, уй, қишлоқ, эл-юртни, мамлакатни балоқазодан асровчи нажоткор куч сифатида англаш мумкин. Халқимизда ҳанузга қадар сақланиб келаётган ўтган аждодлар руҳи (арвоҳи)га нисбатан алоҳида ҳурмат ва эҳтиётли ҳамда умидвор равишда қараш анъанаси ҳам айнан мана шу ҳолат билан боғлиқ. Шу боис ҳозиргача мадҳ этиш, алқов маъносидаги «Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлсин!», деган дуо кишиларга руҳий кўтаринкиликни бағишлайди. Фравашилар оламдан ўтганларга, яшаётганларга ва туғилажакларга бир хилда тегишли. Чунки, «Авесто»га биноан улар Ахура Мазда томонидан дунё яралмасдан олдин яратилган:

*Сўраганга астойдил
Ғолиблик келтирувчи,
Яхши ният қилганга
Истагини берувчи,
Дардлига шифо ато*

Зардуштийлик таълимотига кўра, эзгу руҳларнинг ҳар бири ўзининг ҳимоячисига, яъни муҳофаза қилувчисига эгадир.

«Авесто»да илоҳ Ахура Мазда яратган вакил маъбудлардан бири Варахран бўлиб, анъанавий антропонимлар – шахс исмлари қаторида ўзбеклар ва тожик этнослари орасида Баҳром, Баҳрон шаклларида ишлатилиб келмоқда. «Авесто»даги «Баҳром Яшт» алқови айнан Варахранга нисбатан эътиқод анъаналарини сақлаб қолган. Аввало, Варахран – момақалдиروق илоҳи, адолат ва имон кўриқчиси. Қолаверса, у ҳарбий куч – жамият посбони. Унинг зиммасига куёи нурини тўсувчи булут – Вратрага қарши кураш вазифаси юкланган. Ўша Варахран ўзининг чакмоқ ўқлари билан иблис Вратрани ўлдириб, оламга ёруғлик, зиёни қайтариб беради. Варахран булардан ташқари олий илоҳ Ахура Мазда томонидан яритилган эзгу борликнинг азалий тартиб ва қоидаларини ҳимоя қилади. Унга топинган инсонларга сеҳрли жасорати ва қудратини **бахш** этади. Шу билан бирга, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалнинг **ғалабасини** таъминлайди. Айтилган сўзларни эса, худди отилган ўқлар сингари янада ҳам таъсирлироқ этади. «Авесто»нинг бошқа қисмларида эзгулик кучлари ёмонлик кучларининг устидан қачон ғолиб келган бўлсалар, уларнинг ҳаммасига чинакам ғолибликни бағишлаган қудратли куч ўша Варахраннинг ўзидир, дейилади. Бир вақтнинг ўзида Варахраннинг ўзи гоҳ кучли шамол бўлиб, гоҳ оху, кучли, енгилмас қобон бўлиб, гоҳида Варағн номли қуш бўлиб, гоҳида эса беҳад гўзал йигит киёфасида пайдо бўлиб, эзгу ниятли инсонларга ҳар доим ёрдам беради, кўмаклашади.

«Авесто» бўйича Хварно – илоҳий бахт, омаднинг рамзидир. Фонетик ўзгарган кўриниши фарн, фарр. Кимнинг боши, елкаси ёхуд танасининг бирор қисмига фарн (хварно) кўнса – «тахт эгаси бўлади», деб чиндан ҳам ишонилган. Хварно доим ёмон ниятли кишилардан қочиб юради. Аждодларимиз тасаввурига биноан у сира ҳам туткич бермайдиган нур кўринишида бўлади. Баъзан эса қуш (Хумо), оқ рангли кўй ва бошқа киёфаларга ҳам кира олади. Ҳозирги давргача фарн – фар ўзаги «тахт эгаси», «бахт-саодат»,

«кут-барака», «шараф», «шавкат» каби ўзбек, тожик тилларидаги айрим бир, ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биладиган сермаъно яхши сўзлар (фармон, фармойиш, фаровонлик, фарахбахш, фарзанд...) ва жуда ҳам чиройли исмлар (Фаррух, Фарход, Фарида, Фароғат, Фарангиз...)ни яшаш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда.

Дунёда Варахран ва Хварнодан бошқа ҳайвонлар ва қушлар қиёфасидаги беҳад сирли эзгу ва фойдали махлуқлар ҳам мавжуд. Масалан, афсонавий Ворукаша кўлида уч оёкли, олтин шохли ва тилла кўзли Хара деб номланувчи бир эшак яшайди. Агарда Хара калласини сувга ботирса, даҳшатли бўрон бошланади. У ўзининг олтин шохлари билан бу дунёдаги барча ёвуз, зарарли нарсаларни зудлик билан маҳв этади. Ранка деб номланувчи оролда оламдаги барча доривор гиёҳларнинг подшоси Хум ўсади, гуллаб-яшнайти. Ўн минглаб қурбақа қиёфасидаги иблислар эса Хумни ўғирлаб кетиш ниятида айнан шу оролга интилаверадилар. Лекин, дарёда яшовчи Кара (бу сўзнинг бутунги рус тилидаги маъноси ўч, қасд-қасос) исмли илоҳий балиқ эса шайтонларнинг оролга ўтишига йўл қўймай, иблисларни бетиним равишда ўлдириб туради. Ўша Ворукаша кўлида эса Харадан ташқари Ҳабайёш деб аталувчи ҳўкиз ҳам яшайди, уни Гопатшоҳ (Хўкиз одам – Б. И.) кўриқлаб туради. Гопатшоҳ – аслида Хванирата деб номланган қитъадаги афсонавий шаҳарнинг мангу, абадий подшоҳидир. Унинг асосий вазифаси – табиатни бетиним тарзда янгилаб (тирилтириб) туриш ҳамда Хабайёшни инсоният дунёсининг охиригача, интиҳосига қадар бор кучи билан муҳофаза қилишдан иборат. Чунки, айнан муқаддас ҳўкиз – Ҳабайёшнинг ёғидан қиёмат кунида одамлар истеъмолига самовий таом тайёрланади, деб тасаввур қилинган.

Каришптар номли қуш муқаддас мадҳия, алқовларни куйлаб одамларга руҳий кўтаринкилик, куч-қувват бағишлайди. Бадбин (пессимист) одамларни яшашга ва иблисларга (ёмон одамларга) қарши муҳорабага бетиним илҳомлантириб, руҳлантириб туради.

Пародарш (келажакни кўрувчи) номли қуш бир эса ўзининг хаддан зиёд баланд овоздаги қичқириқлари билан иблис руҳлар (уйку, бефарқлик, ишёқмаслик, дангасалик, лоқайдлик)ни қувиб, кўрқитиб, муқаддас олов уйини улардан ҳимоя қилиб туради. Бу қуш аслида, хўроз бўлиб, жуда кўп этнослар фольклорида жинлар

ва шайтонларнинг унинг кичкиригидан роса ҳайиқиши ва ҳаддан ташиқари кўркиши ҳақидаги афсона, ривоятлар, эртақлар ҳалигача сақланиб келаётганлигидан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Аҳриман бўлса ўзи яратган ёвуз кучлар билан ҳамкорликда, энг аввало, фазовий кенгликни – маконни торайтириб юборади. У кўзга асло кўринмас ёвуз рух, куч сифатида тасаввур қилинган. Аҳриман тинимсиз тарзда одамларга таҳдид солиб, хужум қилиб инсониятни Аҳура Мазданинг измиданам чиқариб, бутун дунёни вайронага ва харобазорга айлантиришга интилаверади. У инсонга хужум қилганида, кишиларнинг юраги сиқилиб, кўзига кенг дунё торайиб кўринади, дили беҳад хуфтон бўлади, «ичига чироқ ёқса, ёришмайди», деб тасаввур қилинган. Аҳриман ҳасад, нафс йўли билан одамлар ўртасига нифок, раҳна солишга уриниб, уларнинг орасига ёлгон-яшиқ, бўхтон, тухмат, миш-мишлар уруғини сеппиб, тўғри, эзгу йўлдан доимо оздиришга, чалғитишга ҳаракат қилади. У ўзининг шайтанат, разолат ва қабоҳатли, вайронкор, бузғунчи, палид, жаҳолат ишларини ёрдамчилари – иблислар, шайтонлар ва ёвуз рухлар орқали бажаради. Аҳриман ҳам Аҳура Мазда сингари ўзининг энг яқин кўмакчилари – Дайва (ёвуз қиз)ларни яратган.

Ака Мана (ёвуз ўй, ният), Таурви (сўлиш, қовжираш), Зарик (ўлим), Айшма (қутуриш ҳамда адоват), Бужи (кўрқитув, ваҳима) каби бир қатор дайвалар бўлса Аҳриманнинг ҳамроҳлигида яхши инсонларга ҳар доим хуруж қиладилар, таҳдид солиб турадилар.

«Авесто»нинг «Яшт» китобида шундай ёзилган:

Мастлик кетидан келар

Қонхўр Дайва – Айшма.

Ичилса агар хаома

Издан келар Аши.

Аши зардуштийлик динида одамларнинг диний амалларини муносиб равишда мукофотлаш ва тақдирлаш мақсадида уларнинг ортидан изма-из юриб кузатиб борувчи фаришта сифатида ҳам тушунилган. У кимга ёндашиб яқинлашса, худди ўша одамга бахт ва омад ёр бўлади, деган инонч мавжуд эди. Ҳозирги даврда биз қўллайдиган «Омад» сўзи «келди» маъносида айнан шу Ашининг инсонларга яқинлашуви туфайли ҳам содир бўладиган яхшилик ҳамда эзгулик маъносига эга. Лекин, минг афсуслар бўлсинким,

«Омад» сўзининг зардуштийлик билан бевосита боғлиқ талқини ҳозирги замонда деярли унутиб юборилган. Шу боисданам айрим кишилар, ва ҳаттоки билагон журналистлар ҳам ўзлари мутлако англаб етмаган ҳолда «Омад кулиб боқди», деган иборани тез-тез қўллайдилар. Сиз ўзингиз омаднинг хўмайиб турган ҳолатида тасаввур қила оласизми? Омад куладими ё йиғлайдими? Бу ҳам худди руслар тилидан сўзма-сўз таржима қилиб олинган «Ёқимли иштаҳа»га ўхшаган бир гапга ўхшайди. Сиз «Ёқимсиз иштаҳа»ни кўз олдингизга келтира оласизми? ОМАД деганимиз ҳам келади ёки кетади, хоҳласа келади, хоҳламаса, ярамас ва палид одамлар ҳузурига келмасдан, уларга кўмаклашмасдан қўяқолади. Бундан ташқари, ОМАД бирликда қўлланади, унга «лар» қўшилмайди!

Худди шунингдек, Аҳриман томонидан дайвалардан бир оз камроқ кучга эга бўлган Дэва (иблис қиз)лар ҳам яратилган.

Араска (ҳасад), Уда (вайсақи), Акаташа (роса синчковлик), Бушйаста (эринчоклик, дангасалик, танбаллик), Пуш (ҳасислик), Змака (совуқ билан боғлиқ бўлган турли азоб-уқубатлар) айнан шулар жумласига киради. Мана шу Дэваларга Друз (ёлғончилик, каззоблик, фирибгарлик, товламачилик)лар, бир аёл тимсолидаги баджаҳл махлуқлар ҳамда Наса (ҳар хил юқумли касалликларни таркатувчи микроб)лар бетиним равишда кўмак бераверадилар.

Аҳриманнинг жуда яқин кўмакчилари «Дайва» (ёвуз қизлар) эзгу ниятли кишиларга доимий равишда хуруж, таҳдид ва ҳужум қилиб туради. Масалан, Айшма адоват, хусумат, зўрлик ва қаҳр-ғазаб ҳомийси сифатида уруш-жанжал, нифокни, мастлик ва тўс-тўполонларни доим илҳомлантириб, гиж-гижлаб туради. Бугунги кунларда ҳам айш-ишрат, кайф-сафодан сираям боши эмас, айнан калласи чиқмаётганлар, Она табиатга зуғум қилиб, уни ниҳоятда булғайтган кишилар айнаи ўша Айшманинг берган йўл-йўриқлари бўйича «иш кўрсатиб қўяётган» ниҳоятда ярамас кимсалардир.

«Авесто»нинг «Яшт» китобида, юқорида қайд этганимиздек, шундай фикр – хулоса ҳам мавжуддир: «Мастлик кетидан келар, Қонхўр Дайва – Айшма» (Аши алқови, 2- бўлим).

Аҳриман томонидан яратилган иблислар орасида унутилиш ёдсизлик, хотирасизлик, бугунги замонда жудаям кенг тарқалган атамани қўллагудек бўлсак, манқуртлик, зомбилик тушунчалари

билан бевосита боғлиғи «Маршаван» деб аталган эди. Унутилиш буюк аждодларимиз томонидан турли авлодларнинг ўртасидаги маънавий узилиш деб билинган ҳамда улар ўзларини доимо ушбу ярамас хотирасизлик иллатидан асраш ва авайлашга интиланлар. Шўролар даврида ҳам «Маршаван» иблиси каби бутун жамиятга ва дунёқарашимизга хуруж қилиб ва таҳдид солиб тарихимизни, буюк аждодларимизни деярли унуттириб, ҳар бир киши қаттиқ мафкура асосида ягона тутум манфаатларига итоат эттирилганди.

Инсонни бахтдан бенаиб қилиш мумкин, ҳаётданам маҳрум қилиш мумкинлигини биласиз... Лекин, ақл-идрок ва ворисийлик устун, таянчи бўлмиш хотирага – инсоннинг энг азалий азиз ва муқаддас бойлигига тажовуз қилишдан ҳам оғирроқ жиноятнинг ўзи бормикан ёруғ оламда? Шубҳасиз, чиндан иқроор бўлмоғимиз даркорки, худди ўша манқурлаштириш ғояси янада глобаллашган замонга мослаштириб янгиланган нусха ҳолатида бугунги дунё ва даврдаям банибашар учун беқиёс даражадаги, одамзодни ҳаддан ташқари гангиратар оғир бир муаммо сифатида яшаб келмоқда...

«Сувни йўқотгувчи» деган маъно-мазмун берувчи «Апаша» **қурғоқчилик** ва ёмғирсизликнинг деви ҳисобланган эди. Ҳерман **Вамбери** «Туркий халқ» номли асарида ёзишига кўра, «қадимда Рудапо исмлиқ сув париси, яъни оқсувлик Лорелея (европаликлар наздида Рейн дарёсида яшаган пари. У ўзининг қўшиқлари билан балиқчиларнинг бошини айланттириб, улар қайиқларининг қояга бориб урилишига сабабчи бўлар экан. – Б. И.) ичакдай бир-бири билан чалкашиб кетган жуда ҳам кўп қўллари ва оёқлари мавжуд бўлган беқиёс тарздаги чиройли аёл, Эрон қайиқчиларини минг йиллар олдин қанчалик даражада қийнаган бўлса, бугунги кунда (яъни, XIX асрда) худди шундай Амударё ва Сирдарё, Оқсув кема ва қайиқ эгаларига жодугарлик қилади ва уларга даҳшат солади».

«Бушйаста» қўллари ғоятда узун дев сифатида тасвирланган. У эзгу орзу-ниятли инсонларнинг куч-ғайрати, шижоати, маррани доим баланд олиб тинимсиз равишда фақатгина олға интилишини ўзининг қўллари, яъни «илки узун танбаллик» ила тўхтатиб олиб, дангасалик, ишёқмаслик ва ялқовликка тортади деб ҳисобланган. Ана шу сабабдан ҳам ўша замонларда Бушйастани мағлуб қилиш ниҳоят даражада катта савоб ишларнинг қаторига киритилганди.

«Авесто» матнларида ўша ёвуз кучларга нисбатан ўзига хос «девлар лугати» қўлланган. Масалан, девлар сираям «юрмайди», «тентирайди», ўша девларда ҳеч қачон «юз» эмас, айнан «башара, турк», «бош» эмас, аксинча, беҳад улкан хумдек «калла» бўлади.

Аҳриман томонидан яратилган барча заҳарли, зараркунанда жониворлар, ҳашаротлар «Храфстра» деб аталарди. Бутун ҳаётий фаолияти эса ғирт ёмонликдан иборат бўлган ушбу храфстралар Ахуравий кучларга қарши яратилган эди. Улардан бири скайатя ҳашароти ғалла ва ўсимликларнинг ичига яшириниб олади ҳамда ўзининг ниҳоятда заҳарли нишларини соғин сигирларга санчади. «Авесто» «Вандидод» қисми 17- фаргард, 1- бўлим, 3- бандида бундай ҳолат сабаби қуйидагича изоҳланган эди: «Аждодларнинг қадимий урф-одат ва маросимларига эътиборсизлик оқибатида... экинзорлардаги бугдойларни еб қўйгувчи ҳашаротлар ва уйларда либосларни кемирувчи махлуқлар бутун ер юзини босиб кетади».

Зардуштийларнинг эътиқодига биноан, аҳриманий кучларга қарши курашиш, храфстраларни ўлдириш ва уларни йўқ қилиш жуда хайрли, савобли ишлардан бири ҳисобланган. Ушбу масала хусусида бобокалон китобда мана шундай ғоя илгари сурилган: «Эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амаллар саодатини олқишлаймиз. Қабих андиша, қабих сўз ҳамда қабих амаллар билан курашмоқни эса шарафлаймиз» (Виспирад, 24- бўлим, 1- банд).

Зардуштийлар дунёқараши билан боғлиқ «дев», «алвасти», «ажиналар», «аждаҳо» («Авесто»даги «Ажи даҳока») ва парилар ханузгача ўзининг энг дастлабки маъноларини ифодалайди. Девга қарши қалқон сифатида пичоқ ва нонни бешикдаги чақалоқнинг бошига қўйиш айрим жойларда ҳозирга қадар сақланиб қолган. Баъзи қишлоқларда эса тўзғиган шамол куюни (гирдоб) ҳозирги пайтларда «ажина шамол» сифатида идрок этилади, баҳоланади. Зардуштийлар замонидан ханузга қадар ҳам давом этиб келаётган тасаввурларга кўра жинлар, асосан, мозорларда, ёнғоқ ва жийда дарахтлари остида кўпроқ бўлади. Шунга биноан ёнғоқ ва жийда дарахтлари тагида ётиш қадим-қадимдан бехосият ҳисобланган. Аждодларимиз дунёқарашида яхшилик доимо тозалик, ободлик, ёруғлик ва ҳаёт билан боғлиқ, ёмонлик, ёвузлик бўлса ифлослик, қоронғулик ва харобазорнинг асл рамзи ва тимсоли бўлиб келган.

Зардуштийлик фалсафасига биноан, яхшилик ва ёмонлик одамларнинг ботиний олами, яъни ички дунёсида яшайди. Инсон эса Ахура Мазда руҳидан яратилганлиги туфайли фақат яхшилик учун курашмоғи даркор. Бирок, ушбу дунё асослари яратилишига Ахриман ҳам аралашганлиги сабабли инсон қалби ҳам яхшилик ва ёмонлик, сабр билан нафс, ҳавас ва ҳасад, савоб ва гуноҳ каби эзгу ҳамда қабих хусусиятларнинг ўзаро кураши майдонидир.

Зардуштий эътиқодини қабул қилганлар ўзларини беҳдинон – эзгу динга эътиқод қилувчи инсонлар деб атаганлар. Улар умр бўйи зардуштийлик ахлоқининг асосий учлиги «гуманту» – эзгу ўй, «гутка» – эзгу сўз ва «гваршита» – эзгу амалга ҳар доим риоя қилишга уриниб, тиришиб келаверганлар. Демак, зардуштийлик эътиқоди бўйича **имон** деган тушунча фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ҳамда амалларнинг чинакам инсонийлигидан иборат.

Зардуштийлик динининг тарихига бағишланган ўрта форсий (пахлвий) тилида битилган «Денкард» («Дин амаллари») номли китобда Зардушт исми Магупта шаклида зикр этилган. Китоб араб тилига таржима қилинган пайтда у «Мажус» ёки «Мажуса» тарзида ёзилган. Бунинг натижасида, унинг номи араб тилидаги турли илмий адабиётларда «Мажус», эътиқод эса «мажусийлик» сифатида қайд этила бошлаган. Юнон олимлари Геродот, Платон, Плутарх, Страбон ва бошқаларнинг асарларида ушбу сўз «магус» шаклида ҳам ёзилган эди. Кейинчалик ана шу лексема асосида бугунги кунда бутун Курраи Замин аҳли, шу жумладан ўзимиз, фаол равишда қўллаётган «магистр» атамаси ҳам пайдо бўлган...

Кўхна Шарқ дунёси жаҳон маданияти, шу жумладан тиббий қарашларининг қадимий ўчоғи, бешиги ҳисобланади. Туркий ва форсийзабон халқлар оғзаки ижоди (фольклори) ва «Авесто»даги минглаб далиллар бунинг яққол тасдиғидир. Ёдгорликнинг барча қисмлари, хусусан, «Вендидод» («Видевдот»)да элга шифо бахш этувчи табибларни тайёрлаш, уларнинг бурч ҳамда вазифалари, табобат амалиёти, касаллар таснифи, хасталик сабаб ва омиллари, беморларни даволаш усуллари хусусида қимматли маълумотлар мавжуд. Асарда бундан ташқари, уй-жой, атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, шахсий гигиенанинг турли жиҳатлари ҳақида ҳамон ўз кадр-қимматини йўқотмаган маслаҳат, тавсиялар кўп.

«Вендидод»да куйидаги касалликлар номи санаб ўтилган ва уларнинг пайдо бўлиш манбалари хусусидаям фикр-мулоҳазалар юритилган: ўлим, кўкқисдан пайдо бўладиган дардлар, иситма, безгак, бош мия оғриғи, хафакон, кўз тегиши, руҳият хасталиғи, пўсидаги, гандидаги... Буларнинг аксарият қисми тозалikka рия қилмаслик ва бепарволик натижасида пайдо бўлса, «Пўсидаги» (гангрена) ҳамда «Гандидаги» (ўсма) касалликларини Аҳриман ер юзидаги инсон уруғини қуритиб юбориш ниятида атайлаб пайдо қилган», – дейилади. Шундан сўнг бундай хасталикларга йўлиқиб қолган беморларни даволаш усуллари ва бунда табиб зиммасига юкланган юксак масъулият алоҳида уқтирилган. Бундан 3 минг йиллар муқаддам табиблик соҳасига кириб келган аждодларимиз турли хил даволаш усулларини муваффақиятли тарзда қўллаган эдилар: Оташқада (ибодатхона)лар ҳузурида дорихона ва махсус дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона) ташкил этилган бўлиб, бу соҳа давлат тасарруфига олинган, сарф-харажатлар эса вақф мулклари ҳисобидан қопланганди. Даволаш йўллари асосан давлат назорати остида бўлганлиги боис доимо такомиллаштириб борилган. «Авесто» матнларидан ўқиймиз: «Айрим бир табиблар беморларни Аша – эзгу руҳлар ва илоҳий кучларни даъват этиш кўмагида даволашса, баъзилари ўзининг илм кучи билан муолажа қилади, бошқа бир гуруҳ табиблар тиф билан касални тузатишга уста, тагин бир тоифалар хасталикларни турли-туман гиёҳлардан тайёрланган турли хил малҳамларнинг воситасида даволайдилар. Энг яхши табиблар эса баржуванди маншара – дуо ўқиш усулида даволайдилар». Улар муолажа жараёнида куйидаги эзгу дуоларни ўқишлари керак, деб 20 мисрада ўша дуонинг мукамал баёни берилган. Характерли жиҳати ҳам шундаки, табиб ўқийдиган ҳар битта дуо «Эй, ёмон Кўз, қаерлардан келган бўлсанг, бу бадандан чиқиб, худди ўша ерга даф бўл!» – деган хитоб билан хасталикни ҳайдаш оҳангида тугайди. Демакки, ҳанузга қадар элимиз онгида сақланиб келаётган «кўзикиш», «кўз теккан» сингари иримларам бизга қадим зардуштий аждодларимиздан маънавий мерос экан.

«Авесто»да шифокорнинг маданияти, ахлоқи, унинг касбига фидойилиғи, тиббиёт соҳаси ходимларининг меҳнатини қадрлаш, ижтимоий химоялаш масалалари баёнига ҳам алоҳида саҳифалар

ажратилган. Жумладан, шифокор, энг аввало, маънавий ва рухий жихатдан пок бўлмоғи, эътиқоди мустаҳкам, турмуш тарзи ҳам, либоси-ю асбоблари махсус суюқликда тозаланган, ўзи бир неча амалий тажрибалар ва синовлардан, ҳозирги замон талабига кўра аттестациядан ўтган бўлиши даркор эди. «Вендидод»дан шундай битиклар мавжуд: «Зардушт сўради: «Табибликни бошламоқчи бўлган маздопараст ўзининг малакасини ҳамда хунарини дастлаб маздопарастларда синаб кўрсинми ёки девпарастлардами? Ахура Мазда (Аслида «Авесто» китобида ушбу дин маздаясна дини деб аталган. У «Маздага сиғинмоқ» маъносини англатади. Мазда сўзи «донишманд, оқил» маъносини билдиради. Ахура Мазда «Жаноб Худо Мазда» деган тушунчани англатади – Б. И.) жавоб берди: «Табиблик касбини эгаллаган маздопараст яхшиси ўз хунари ва чапдастлигини аввал девпарастларда синаб кўргани маъқул. Агар уч мартагача девпараст жарроҳнинг тиғидан омон қолмаса, ундай одам табиблик касбидан воз кечмоғи керак. Уни эса одамларнинг муолажасига асло яқинлаштирмаслик даркор. У уч дафъада ҳам девпарастни пичоқ билан муваффақиятли равишда даволай олса, фақат шунда табиблигини давом эттириши ва маздопарастларни ҳам тиғ билан даволаши мумкин». Тағин бир жойда бўлса жарроҳ ўзининг тиғини уч марта ҳайвонда, кейин уч бора девпарастларда обдан синаб кўриб, ҳар бир 6 ҳолатда хасталик бартараф этилган тақдирдагина бошқа бемор одамларни ҳам айнан жарроҳлик йўли билан даволай бошлашига рухсат этилади, деб таъкидланган.

Ўз навбатида, ўша замонда энг юксак шифокорлик хунари, санъати жамоа ва халқ томонидан беқийёс даражадаги ноёб касб сифатида эъзозланган, уларнинг меҳнати кадрланган, натурал ҳақ тўлаш йўли билан тақдирланган. Мураккаб, яъни кўп хасталикка чалинган беморларни бир йўла бир нечта шифокор бамаслаҳат даволашга киришганида, яъни консилиум чоғида жарроҳ билан дуохон муолажасига алоҳида диққат ва эътибор қаратилган. Улар ютуғи жуда кадрланган. Масалан, ҳар бир муваффақиятли чиққан жарроҳлик амалиёти учун табиб меҳнати беморларнинг моддий имкониятлари, уларнинг жамоада тутган мавқеи, эгаллаб турган вазифасига мувофиқ туя, бия, сигир, эшак, қўй, эчки ёхуд бошқа жонзотларни инъом этиш, иш ҳақи сифатида бериш йўли билан

тақдирланган. Умуман олганда, жарроҳлик касби аждодларимиз томонидан девлар, инсу жинслар ва жодугарлар «нафаси тегиши» туфайли вужудга келган хасталикларни даволайдиган энг қулай ҳамда мақбул усул сифатида беҳад даражада эъзозланган.

Қадимги аждодларимиз, хаттоки ҳомилани ҳам жарроҳлик йўли воситасида бу дунёга келтириб олиш усулини қўллаганлар. Дори-дармонларнинг орасида «захри мор» – «илон захри» ҳам қайд қилинган эди. Аммо, «илон бошқа судралиб юрувчи газанда, ҳашаротлар қатори нест-нобуд килиниши зарур» ҳисобланган.

Шарқшунос олим Баҳромийнинг таъкидлашича, «Авесто»да мингдан зиёд доривор ўсимликлар, гиёҳлар рўйхати келтирилган, улардан дори олиш ва тайёрлаш усуллари кўрсатилган. Дорилар эса кўпинча шира, барг, гул, дон, бута ва гиёҳ илдизи, ширасидан, кўкнори, зира, пиёз, турп, хурмо, сабзи, беҳи, асал, зайтун мойи, зирк, дўлана сингари гиёҳлар ҳамда ўсимликлардан тайёрланган. Жарроҳликни амалга ошириш жараёнида шаробга Хум ва наша шираси қўшилиб, операция, яъни амалиётнинг олдидан беморни беҳуш қилишда самарали фойдаланилган. «Авесто» бўйича, «Оқ Хум бари доривор гиёҳлар подшоси» ҳисобланган. «Сен Амударё ўртасида униб чиққан, Семурғ уя қурган жойда яшасанг-у, сендан инсон саломатлиги учун фойда тегмаса, у ҳолда икки пуллик қимматга эга эмассан. Агар дарахт беморлар дардига аскотадиган бўлса, уни барча кишиларнинг табиби, деб аташ даркор. Бундай ўсимлик «ҳамманинг кўмақдоши» деган номни олишга арзийди».

«Авесто»даги факт ва далиллар Туронзаминдаги табобатга доир қарашлар рим, юнон ва араблар тиббиётидан ҳам кўхналиги, узоқроқ тарихга эга эканлигини яққол кўрсатади. Ёдгорликнинг матнида замин, хона, бадан, кийим-кечак ва озик-овқатларни тоза тутиш ва сақлаш тартиб-қоида-низомига алоҳида диққат-эътибор қаратилган. Унда гўристонларни шаҳарлар ва кишлоклардан анча йироқда – баландликда жойлаштириш, мурдашўй (ғассол ҳамда ювғувчи)ларнинг махсус тозалikka риоя қилишлари зарурлиги ҳам алоҳида уқтирилган. «Одам ёки итнинг мурдаси теккан ерга бир йилгача зироат экиш мумкин эмас», – дейилади «Вендидод» матнида. Мурда тегиб кетган кийим-бош, ерларни қатрон қилиш, ўликни дафнга қадар асраб туриш, унинг либосларини эса махсус

жойларда сақлаш ва бошқа турли омиллар хусусидаги бир қатор фойдали маслаҳатлар мавжуд. Бир ҳайвон ёки парранда ўлигини ўз вақтида халқ назаридан олиб, ерни чуқур қовлаб, қазиб кўмиб қўйиш йўли билан юртда микроб ёхуд касаллик тарқалишининг олдини олган инсонлар «жаннатий киши» ҳисобланган. Зардушт бўлса шундай дейди: «Ростини айтсам, қуёш, ой ҳамда юлдузлар ҳам нопоклардан ниҳоятда азият чекади», «Мурда чиққан хонани пок этмоқ учун, танани уч маротаба ювиб, қатрон қилмоқ зарур. Албатта, айнан ўша лаҳзаларда гоҳ («Авесто»да мадх, алқов – Б. И.)ларни ўқиб турмоқ шарт. Фақат шундан кейингина бу хонага бошқа кишилар ҳам киришлари мумкин».

«Авесто»да ҳаётнинг манбаларни булғаган ҳамда уни нобуд этган «одамлар дўзахийдирлар», – деб қайта-қайта таъкидлаган.

«Авесто»да ёзиллишига кўра, одамлар орасида ўлим қуйидаги ҳолатларда ҳам содир бўлиши мумкин: 1) Касалликдан; 2) Куч ишлаганидан; 3) Қашшоқликдан; 4) Қўрқувдан; 5) Ғам-дарддан; 6) Афсунгарликдан; 7) Бўри, ит ва бошқа ҳайвонлар таъсиридан.

Илоҳий тарзда белгиланган умрни кечириб бўлгач, оламдан **ўтган**, яъни қазо қилган одамнинг танаси рамзий маънода ҳаром **ҳисобланган**. Зардуштийлик анъаналарига мувофиқ ўлимдан сўнг **мурда** уч кечаю кундуз ўша марҳумнинг руҳи нариги дунёга етиб **борғунига** қадар, махсус бир хонага қўйилиб, покиза нарсалардан белгиланган даражадаги масофада алоҳида сақлаб турилган.

Зардуштийликда жон бераётган киши вайронкор кучларнинг тимсоли, ўлимнинг яратувчиси Аҳриманнинг доимий таҳдиди ва хуружи остида қолганлиги сабабли унинг олдида ёвуз кучларни **чўчитиш** ёхуд ҳайдаб юбориш учун иккита коҳин туриши керак бўлган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиган, иккинчиси бўлса оғир ҳолдаги, ўлим арафасидаги одам оғзига оби ҳаёт (муқаддас хаома) шарбатидан ёки анор сувидан аста-секин томизиб турган.

Зардуштийлик дини қабул қилинган илк пайтларда муқаддас ҳисобланган замин, сув, олов, ҳавони ҳам булғамаслик мақсадида мурдани ўлимтиқхўрларга едириш расм бўлган эди. Шу боисдан оламдан ўтганлар танаси тоғ ё баланд тепаликда ясалган махсус супага қўйилар эди. Дарранда ёки паррандалар мурданинг этини буткул еб кетгач, унинг суяклари йиғиштириб олиниб, кўмилган

ё бўлмаса остодон деб номланган сопол кўза, кутиларга солиниб, наус деб аталган махсус жойда сақланган. Илм-фан ривожланиб, маънавият ҳам маълум даражада юксалгач бу одат (мурдани еган ҳайвон ёхуд қушлар сув ҳавзасига тегиши туфайли) турли-туман касалликлар тарқалишига сабаб бўлаётганлиги англаниб, ўликни ювиб, махсус кафанга олиниб, муайян чуқурликка кўмиш, захкаш минтақаларда эса сағаналарда сақлашга қарор қилинган. Ўликни оловда куйдириш одати ҳам атроф-муҳит покизалигини асраш ва озик-овқат тайёрлаш учун ўтин, ёқилғи танқислигининг олдини олиш, агар бугунги замоннинг атамаларини қўллайдиган бўлсак, энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш ниятида тақиқланган эди. «Авесто»да таъкидланишича, мурдани куйдириш учун тўпланган ўтин бошқа мақсад учун ишлатилмасдан, бекор ёкиб юборилиб, унинг кули бўлса кўмиб ташланган. Бу ҳам аслида, ўша замонда ҳам, айнан ҳозирги пайтдагидек ғоятда танқис бўлган ўтиннинг, яъни энергоресурсларнинг анча исроф бўлишига олиб келган.

Ёниб турган гулхан абадий ҳисобланиб, у маълум бир илоҳ ёки аждодлар арвоҳига бағишланган. Ўчирилмай сақланган олов эса бегона кишилар ва ғайридинларнинг назар-нафасидан асраб-авайланган. Ҳар бир турар жойда шу хонадон чироғи, унинг кўри ҳамда алангасини доим сақлайдиган оилавий оташгоҳлар бўлган. Улар кўпинча махсус ажратилган ва покиза тутилган хоналарда ташкил этилиб, ўша олов алоҳида диққат-эътибор билан қурилган ўчоқ ёки тагкурси (супача)нинг устида эҳтиётлаб ёкиб сақланган.

Оловни эъзозлаш удуми зардуштийлардан бошқа халқларга ҳам кўчиб ўтган. Шу жумладан, муқаддас оилавий ўчоқ оловини бегоналардан яшириш қадимги юнонларга ҳам хос анъана бўлган. Бундан ташқари, қадимги туркий халқлар оловни аёл сифатида тасаввур қилганлар ва бу муқаддас илоҳани «она ўт» ёхуд «олов аёл» деб атаган эдилар. Қадимги даврларда қабила оловини ёкиб турадиган киши, яъни «ўтнинг эгаси, оғаси» вазифасини аёллар бажарган эдилар. Аждодларимиз наздида оловсиз ўчоқ – мисоли эгасиз, бирон-бир кимсасиз уйга ўхшатишган. Ўчоғида ўчмас олов ёниб турган хонадонлардагина ҳар доим кут-барака, бахт-саодат, фароғат ва фаровонлик бўлади, деб ҳисобланган эди. Ўчоқда аста ёнаётган оловни булғамаслик учун турли хил ифлос нарсаларни,

хатто пок бўлмаган ўтинни ёқиш ҳам тақиқланган. Ифлос ўтинни ёқишдан олдин куёшда яхшилаб куритилган ёки сув билан ювиб тозаланган, фақат шундан кейингина ўтин ўчоққа аста ташланган.

Аждодларимиз олов ёнган ўчоққа калампир, нон, озиқ-овқат қолдиқлари ташлаш, турли-туман чиқиндиларни ёқиш ё ўчоқдан чиққан кулни ахлатхоналарга тўқиш ва ҳаром чиқиндиларни ўчоқ оловида куйдиришни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Агар оловнинг кули билан ахлат битта жойга ташланса, ушбу хонадоннинг тўй ва аза маросимлари бир-бирига қўшилиб кетади, деб ўйланганди. Мотам маросимларида эса муқаддас оловни булғамаслик учун уч кун мобайнида бу хонадон ўчоғида ўт ёқиб, таом тайёрланмаган. Бундан ташқари бўлса, айрим жойларда ҳозирга қадар ҳам никоҳ тўйида келин-куёвни инс-жинс, бало-қазодан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш одати ҳам бизга аждодлардан мерос.

«Авесто»да одамлар ҳамиша ювиниб-тараниб юриши, инсу жинслар нафаси тегмаслиги ва ҳаводаги қўланса нарсалар ўтириб қолмаслиги учун бошга қалпоқ кийиб, рўмол ўраб юриши тавсия этилган. Ҳар куни юз-қўлни бир неча марта ювиш, тиш, бурун ва кулоқларни доимо тозалаб юриш шартлиги алоҳида уқтирилган. Масалан, сочиқ, тиш ювиш воситаларини махсус жойда сақлаш, олинган соч ва тирноқларни одамлар яшайдиган жойдан нарига, ит, мушук, кучук сингари жонзотлар қовлаб чиқара олмайдиган даражадаги чуқурликка қўмиб қўйиш тавсия қилинганди. Чунки, зардуштийликда танадан жудо бўлган ҳар қандай нарса мурдор ҳисобланган. Ҳовли эшиги олдига ё кўчага ахлат ташлаб қўйган фаррош ёхуд уй бекаси 25 дарра қалтақланиш билан жазоланган. Ҳовуз, чашма ва ариқ бўйига мевали дарахтлар экилмаган. Чунки бир дона мева сувга тушиб чириса, «юз минг микроб» тарқатиши, турли-туман хасталиклар сабаби бўлиши аждодларимизга маълум бўлган. Ҳайз кўрган аёллар сув ҳавзаларидан 15 қадам наридан ўтишлари керак, деб ҳисобланган. Ҳайз муддати ўтгунига қадар аёллар оила аъзолари ва бошқалардан алоҳида яшаб турганлар.

«Кимда ким мурдор ерни пок этувчиларни хушнуд қилса, у оташга хушнудлик бахш этади, сув, ерни, дарахтларни, эътиқоди бут бари аёлу эркакларни хушнуд этади», «Одам жисми тупроққа топширилган лаҳзалардан эллик йил ўтганидан кейингина замин

Ўзининг дастлабки поклик ҳолатига қайтади». «Авесто»да ана шу олдиндан белгиланган вақт ўтганидан кейингина бундай заминга мевасиз, мевали дарахтлар ўтказиш ёки у ерда зироатчилик билан доимий равишда шуғулланиш мумкин эканлиги уктирилган эди.

Шунингдек, «Авесто»да хонаки ҳайвонлар: қўй, эчки, сигир, хачир, эшак, отлар, туялар ва бошқа жониворларни саклаш ҳамда парвариш қилиш хусусидаям ниҳоятда кўп фойдали маслаҳатлар мавжуд. Бир «саги оби» – сув итини ўлдириб, унинг мурдасининг чириб, микроб тарқалишига сабаб бўлган киши битта аскарга от, дубулға, совут, калқон, этик, камон, найза, гурзи, палахмон олиб беришдек жарима тўлашга мажбур этилган. Ҳомиласини қасддан нобуд қилган аёл қаттиқ жазоланган. Агарда ушбу фожеага эркак киши алоқадор бўлса, уни қатл этиш хусусида ҳукм чиқарилган.

Атроф-муҳит, кўча-кўй, бутазорлар, ўтлоқларни, ерни ифлос қилган ҳамда уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинган. Одам ўзи яшаётган хонадаги обреза ювиниши ва чўмилиши қатъий ман қилинган эди. Чунки, ювиниш жараёнида кир ва кўланса хид яна буғланиб, нафас йўли орқали инсон танасига кириб, оғир касалликларга сабаб бўлиши мумкинлигини аждодларимиз жуда яхши англаб эдилар. Деярли барча хасталикларни даволаш жараёнида парҳез қилиш асосий омиллардан бири ҳисобланган эди. Фарзанд кутаётган ҳомиладор аёлларнинг парҳезига бўлса алоҳида диққат-эътибор қаратилган.

Қадим аждодларимиз озодалик, тозалик кишиларни турлитуман ифлослик ва ёмонликлардан доим асраб-авайлайди, деб тушунганлар. Бундай беҳад даражадаги ибратли одатлар ўзгача тасавурларнинг қаноғида бизгача етиб келганлигига ўзингиз ҳам тирик гувоҳсиз. Мунис оналаримиз кечкурун ишлатилган қозон ва идиш-товокларни ювиб-тозалаб, саранжом-сарипта қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам уларни эрталабга ювуқсиз қолдирмайдилар. Улар бу бетартибликни ниҳоятда беҳосият нарса, деб биладилар.

Ахура Маздага эргашган одамлар Аҳриманга боғлиқ барча ифлослик ва касаллик, чанг ва занг, хиёнат ва искиртлик, сўлиган ва қуриган нарсаларга қарши бетиним курашганлар. Оловга тоза, кўруқ ўтинни ташлаш билан бирга чиқиндини ёқиш ман этилган. Иложи борича оиладан чиқинди чиқармасликка ҳаракат қилинган

ва нарсаларни бузилиб, ёмонроқ хид чиқаришидан аввал алоҳида ажратилган жойда ёқиб юборилган. Тагин «Авесто»дан ўқиймиз: «Покиза сувнинг ва ёниб турган оловнинг қаршисида густохлик қилган зотларнинг дўзахда топгуси жазоси бу дунёнинг жамики дард-аламларидан, озорларидан ҳам мудҳишроқдир...»

«Авесто» тавсияларига биноан, «Борлиқнинг борлиги емиш биландир. Емиш бўлмас экан, ҳаёт ҳам йўқдир... Кимки... мўл-кўл экин экса, ерни парвариш қилса, дон етиштирса ва мева-чевалар етказса, сувсиз ерни сугорса ва захоб ерни қуритса, узоқ муддат ҳайдалмаган ерни кўнчи шудгор қилса, ушбу ер дехқондан рози бўлади... Кимгаки ерни парвариш қилгани учун ер эгаси муносиб ҳақини бермаса, бундай ер эгасини (Ер ҳомийси) зулмат бағрига туширади. Унинг вужуди ириб-чирийди, (руҳи эса) даужвахга – дўзахга, тўппа-тўғри тикан ва хас-хашакларнинг устига тушади».

Ўзбек давлатчилиги илк даври мафқураси вазифасини шараф билан уддалаган «Авесто»да атроф-муҳитнинг тозалигини асраш, хасталикларнинг олдини олишнинг турли воситалари хусусидаги бир қатор йўл-йўриқлар мавжуд. Энг аввало, ахлат, ифлосланган жойлар тупроқ, тош, шағал, кум билан кўмиб ташланган. Кийим-кечак ва атроф-муҳит «Авесто»да покловчи ва офатни бартараф этувчи восита ҳисобланган – оловнинг ёрдамида тозаланган эди.

Микробларга кимёвий йўл билан: сирка, шароб, турли-туман гиёҳлар (исфанд-исирик, садаф, алоэ)ни тутатиш орқали бетиним кураш олиб борилган. Аждодларимиз касалликларнинг олдини олиш мақсадида исириқдан кенг фойдаланганлар. Хусусан, уйда бирон-бир бемор бўлса ва чақалокни биринчи маротаба бешикка беланаётганда, келин туширганида, хонадонга бегона одам келиб кетган пайтларда эҳтиёт чора сифатида исирик тутатиб турилган. Илмий тиббиёт маълумотларига биноан, исириқ тутуни касаллик тарқатувчи микроблар ва бактерияларни йўқотади. У ревматизм, радикулит, грипп, безгак сингари хасталикларни даволашда ҳам яхши самара беришини шифокорларимиз роса яхши биладилар.

«Авесто»да уй хайвонлари – мушук, итларни боқиш қоида-тарибларига риоя қилиш, жониворларга беҳуда озор бермаслик ва уларнинг бемахал ўлимига сабабчи бўлмасликка даъват этилган. «Вендидод»га асосланадиган бўлсак, ҳеч кимга ҳеч қачон озор

етказмаган итни ўлдирган кимса «руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик баргидан 10 мингтачасини жарима сифатида тўлаши, ... 1000 эчкиэмар, 1000 сув кўнғизи, касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб ўзининг қилиб қўйган гуноҳини ювиши даркор», эди.

«Авесто»да доимо бадан тарбияси билан шуғулланиш, кунда юз-кўлни бир неча марта ювиш, кўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа жойларини ушламаслик, сочни озода тутиб, тирноқларни тозалаб туриш маслаҳат берилган. Чунончи, «Вендидод»нинг 17-бобида шайтон најосати тўпланадиган ва кесиб ташланадиган соч, тирноқни нима қилиш кераклиги хусусида тавсия берилган. Соч ва тирноқларнинг ўзига хос афсунгарлик хоссалари ҳақидаги зардуштийлик қарашларининг баъзи излари бўлса эл-юрт ҳаётида бугунга қадар сақланиб келаётганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Кекса онахонларимиз фикрича, тирноқлар олингандан кейин уни четроқ ерга ташлаш зарур. Агар олинган тирноқ чекка жойга ташланмаса, у қиёматда ўша одамнинг оёғи остидан тешиб чиқади, деб ҳисобланади. Шу боисданам баъзилар тирноқларини олгандан сўнг уни қоғозга кафанга ўхшатиб ўраб: «Қора ер сенга топширдим. Шамол сен гувоҳ бўл!» деб четроқ жойларга кўмиб қўядилар. Зардуштийлик анъанасига биноан олинган ёки ювганда тўкилган сочларни ҳам ўтга ё сувга ташланмаган. Бундай қилиш ғоятда оғир гуноҳ деб ҳисоблангани сабабли олинган ё тўкилган сочларни деворлар қавагига яшириб қўйилган ёки мевали дарахт тагига кўмилган. Агарда олинган ё тўкилган соч оловга ташланса, айнан шуни қилган одам бош оғриғига учрайди, деган ирим ҳам мавжудлигидан эса ўзингиз жуда яхши бохабар бўлсаниз керак.

Соч ва тирноқларга бўлган покиза муносабат Ахура Маздага беҳад даражада ёқадиган хусусият ҳисобланган. Бу одат ҳаттоки ҳозирги замон кишиларида ҳам учраб туради: саргарошхоналарда соч толалари тезда оёқ остидан супуриб олинади; тирноқлар дуч келган ерга ташлаб юборилмайди, улар ҳам йиғилиб тоза жойга қўйилади; болаларнинг тиши тушгудек бўлса уни ё тозароқ жойга олиб қўйиш, ёхуд «Суяк тишингни ол, темир тишимни бер!» дея томга отиб юбориш одатимиз ҳам мавжудлигини яхши биласиз.

«Авесто»да жазирама иссиқ, совуқ ҳаво, очлик, мечкайлик, руҳий изтироб, бузилган таомни истеъмол қилиш, тозаликка риоя

қилмаслик қандай даражадаги мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлиги масаласигаям алоҳида эътибор қаратилган. Аҳриман томонидан яхши одамларга қарши кураш учун юборилган қурт, пашшалар ва бошқа ҳашаротлар, турли сабабларга кўра бузилган ҳаво касалликлар туғилишининг асосий манбаи, деб ҳисобланган.

«Вендидод»да дунёдаги биринчи шифокор Тирити фаолияти анчагина батафсил баён этилган. Уни осмонда ёмғир томчиларига самовий гиёҳлардан тайёрланган илоҳий қудратга молик Хумни ёғдирган Тирити Ишия – барча сувларнинг ўтлига ҳам нисбатан берадилар. У табобат тангриси даражасида улуғланганди. Тирити хасталикларни доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳам, тиг воситасиди ҳамда дуо билан даволаш усулларини жорий этган, кўпгина касалликларнинг сабабчиси бўлмиш Тўфон аждаҳосини ўлдирган. Шу боисдан Ахура Мазда 10 минг доривор гиёҳларни айнан унинг ихтиёрига берган. Доривор ўсимликлар султони Хум деб аталган. «Хўрдак Авесто» – «Кичик Авесто» китобининг бир боби эса Хумнинг ҳосияти, тавсифи ва таърифига бағишланган. Барча инсонларнинг дармонбахши ҳисобланган бу мўъжизавий шарбат кишиларга ғайрат-шижоат, кўркамлиқ, сокинлик, пок рух, соғлом ақл, мангу умр ҳада этади; баҳодирларга зафар келтиради, ўғри, қароқчи, нопоқлар ва газандаларнинг ҳидини узоқдан сезиш қобилиятини беради. Хумдан ичган одам, турган гапки, эзгу фикр қилади эзгу ишларни амалга оширади, ер юзини обод, ўз халқини шод, юртини эса фаровон этади. Кишиларга хушёрлик, зийраклик бахш этувчи, бари инсонларни эзгуликка ундовчи хум ичимлиги эфедра, яъни игнабаргли бутасимон ўсимликнинг хушбўй сикма сувига сутни қўшиб узоқ муддат шопириш ҳисобига тайёрланган. Уни доимо асраш, жамоатга етарли миқдорда йиғиб, кўпайтириш учун катта-катта сопол идишлар ишлатилган. «Авесто» китобида Хумнинг уруғи аслида жаннатдан келтирилган, деб ҳисобланган.

«Авесто»да инсон наслининг асл бўлиши ва зот омилларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганди. Биринчидан, оила курадиган йигитлар ва қизларнинг ҳар жиҳатдан, яъни жисмонан ва маънан бенуксон ва соғлом бўлиши ҳисобга олинган. Иккинчи тарафдан, ҳомиладор аёл изтироб чекмаслиги ва асабийлашмаслиги, кўпроқ

мева, гўшт истеъмол қилиши ва факатгина ҳалол меҳнат эвазига топилган ризқни истеъмол қилиши даркор эканлиги уқтирилган.

Болани тарбиялашда узвийликка, ворисийликка қатъий амал қилинган, яъни чақалоқ – гўдак икки ёшига қадар она сути билан тўла-тўқис таъминланиши, учинчи ёшга ўтганидагина сигир сути ва сутдан тайёрланган ҳар хил таомлар билан парвариш этилиши кераклиги уқтирилганди. Она сутидан ажратилган бола 5 ёшга етгунича сигир сутини ичишни қанда қилмаслиги талаб этилган.

Буюк аждодлардан мерос, бутун дунё илм ахли томонидан ҳанузга қадар синчиклаб ўрганилаётган ёдгорликда фавқулудда ҳолатларнинг олдини олиш, яйловлар, бутазорларни сира пайхон қилмаслик, экинзор, боғ-роғлар ва мевали дарахтларга асло зарар етказмаслик, атроф-муҳит покизалигини асраш, булоқ, қудуклар, ҳовуз ва ариқлар тозалигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ҳам бир қатор беҳад ибратли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Масалан, ҳовуз ёки ариқнинг бўйида ўз молини боқиб юрган ёки ўша ерларга миниб юриладиган отни боғлаб қўйган ҳар қандайин кимса, ўша жамият, давлатда тутган мавқеи ҳамда эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, 25 қамчи саваланиш билан жазоланган.

Ахура Мазда шундай дейди: «Ўзга инсонларни яхшиликка олиб борган кишиларгагина яхшилик насиб этади». «Авесто»да бундан ташқари, бевосита бугунги ниҳоятда таҳликали ва тобора глобаллашиб бораётган XXI аср ибтидосига ҳам дахлдор амалий, ҳаётий тавсиялар мавжуд: «Ғазабдан ўзингни асра! Чунки, ғазаб туфайли ҳам инсон ўзининг ишларини, эзгу мақсадларини унутиб қўяди, Илоҳ олдидаги вазифалари, ибодати ва ҳалол меҳнатидан қолиб кетади. Одам қаҳр-ғазаб туфайли ҳар хил қабиҳ ниятларга берилиб кетади ва ёмон, ёвуз ишларга қўлиниям уриб қўяди.

Ўзингни ғам-андуҳга топширма! Ақл билан иш тутиб ғамдан ўзингни фориг тут. Ҳирсга асло берилма, ҳиссиётингни тизгинла. Агар меъёр кетиб қолса, руҳингга зарар этади ва афсус туғилади.

Инсон ўзини ҳасаддан эҳтиёт қилиши керак. Ҳасад туфайли ҳаётда ҳаловат йўқолади ва сафо ўлади... Сихат-саломатлик учун энг муҳим шарт озиқ-овқат, таомларни меъёрида тановул қилиш, танани ҳар доим меҳнатда тутишдан иборат. Ғамгин бўлмаслик учун эса, энг аввало, сабр-қаноат-тоқатли бўлиш даркор...»

Хуллас, «Авесто»да бундан 3 минг йил муқаддам Ота юртда умғузаронлик қилган улуғ аждодларимизнинг ҳанузгача охори тўқилмаган тиббиётга дахлдор бунёдкор ғоялари ҳам ўз аксини топган. Александр Македонский Эрон ва Туронни истило этгач, «Авесто»нинг беҳад муқаммал, подир нусхасини Грецияга элтиб, унинг тарих, математика, астрономия, география, тиббиётга доир қисмларинигина юнончага таржима қилдириб ва аслини ёқтириб юборган. Авестошунослар ушбу буюк асарнинг кўҳна нусхасида табибнинг қасамёди митри, жомга захарини тўқаётган илоннинг нақши бўлганлиги хусусида маълумот берадилар. Демак, Фарбда ҳозирги калар Гиппократ қасамёди, деб келинган врач қасамёди, табибат рамзи ҳам асли ўзимизнинг улуғ элимиздан чиққан экан.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳақли таъбири билан ифодалайдиган бўлсак, «Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибасини, диний, ахлоқий, илмий ва адабий қарашларини ифода этадиган... тарихий ёдгорликларнинг орасида бундан қарийб уч минг йиллар аввал Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади.

Олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри махсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида ҳам ниҳоятда катта маъно мужассам...

Ана шу тарихий ёдгорлик намуналари билан жуда яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикрлар ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз...»

Ушбу қадимий маънавият сарчашмасидан ўрин олган бекиёс эзгу ғояларни ҳар томонлама ўрганиш бугунги экологик фалокат гирдобига тортилган Курраи замин аҳли учунам қони фойдадир. Айниқса, инсон, уй-рўзгор озодалиги ва атроф-муҳит покизалиги, Она Замин, табиатни асраб-авайлаш, сихат-саломатлик ҳақидаги эзгу ва бунёдкор ғоялар ҳанузга қадар ўзининг беҳад даражадаги долзарблигини ва амалий-назарий аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ШОНЛИ САҲИФАСИ

Тарихига беписанд халқнинг келажаги ҳам йўқ. Жуда кўп минглаб йиллик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинчиларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади ва кимлар бизларни тобе ҳамда қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқариб олмасак, эртага кечаги куннинг кўргуликлари яна қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бошқачасига айтилганида, кечаги кунларидан тўғри хулосани чиқариб иш тутган жамият эса келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Ватан – ўз хатти-ҳаракатини муайян майдон ҳамда жараёнда камолга етказган ва етказётган бутун халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳисобланади. Бу – миллатнинг маданияти, фани, тили, дини, фалсафаси, расм-русумлари ва анъаналари, генофонди, бу – унинг узоқ тараққиётидаги муҳим босқичлар, мағлубиятлар ҳамда ғалабалар, ботир ўғлонлари ва донишманд фарзандларидир. Мана шу сабабдан ҳам Ватан ғояси ўша олис мозийдаги ҳамда бутунги замонлардаги унинг фарзандларига бирдек хос бўлмоғи даркор.

Аждодлар хотирасини асраш, сақлаш ва келажак авлодларга етказиш фақат маърифатли халқлар қўлидан келади. Шу сабабдан ҳам буюк немис файласуфи Г. Гегель «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ўзининг Ватани йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларида акс этади», деган эзгу ғояни илгари сурган чоғида минг бора ҳақ бўлганлигини Она тарихнинг ўзи исботлаб турибди.

Тарих ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги бағоят буюк ҳамда қудратли қуролларидан бири эканлигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз. Ўтмишда ўз Ота макони – Она Ватани озодлиги, эрки, истиқлоли учун қонини тўкишга ва жон беришга доимо тайёр инсонлар бўлганлиги фактининг ўзигина келажакка ишонч туйғуси ва руҳини худди тош-метиндек мустаҳкамлайди.

Хотира – эҳтиёж фарзанди ҳисобланади, фақат хотирагина вақт, замоннинг ҳар қандайин қаттиқ, қақшатқич зарбаларига ҳам бемалол бардош бера олади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ниҳоятда ҳақли таъбири билан ифодалайдиган бўлсак: «Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап тарафга ҳам оғмай, фақатгина ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тугилиши керак. Сохта тарих эса бамисоли оғу каби инсонларни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади».

Ушбу ёзувларимиз бугундан бир асрдан мўлроқ аввал содир бўлиб ўтган, буюк ўзбек халқи тарихининг ниҳоят даражада қопқора саҳифаларидан бири, «бизларни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашган» – Россия империяси замонида, унинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий ҳукмронлик қилишидан унумли равишда фойдаланиб, маҳаллий халқларнинг вакилларини Биринчи жаҳон уруши fronti орқасида эзиб ишлатиш мақсадида мардикорликка юбориши ва унинг беҳад ҳалокатли оқибати масалалари хусусида.

Сизнинг ўзингиз ҳам радио орқали кўп бора тинглаган марсия шаклидаги қўшиқнинг беҳад мунгли сатрларини яна бир бора ўта синчиклаб ва диққатингизни бир жойга жамлаб ўқиб кўрсангиз:

Поездингни жилдирган

Ўтхонаси билан дўнғалаги.

Двинскага кетишди,

Мард йигитларнинг бир бўлаги...

Двинскага кетмас эди

Мард йигитларнинг бир бўлаги.

Двинскага кеткизворган

Николайнинг замбараги.

Тахта кўприк битдиму?

Поезд юриб ўтдиму?

Мардикор олган Николай поишо

Ўз тахтидан кетдиму?..

Бундан 100 йилдан мўлроқ аввал Ота юртимизда эл бошига тушган фожеалар ҳақида куйланаётган «Қарғалар учса қарайлик, Марғилоннинг йўлига...» дея бошланадиган мунгли кўшиқнинг, агар таъбир жоиз бўлса, эгизагини тинглар эканмиз, хотирамизга якин мозийнинг беқиёс даражадаги, жудаям аламли кулфатлари, ўша машъум замоннинг роса қаттиқ зулми, зўравонлиги туфайли бегона юртларда хор-зорликда вафот этган ё соғлигини йўқотиб Ота маконига ярим жон бўлиб қайтган ватандошларимиз тушади. Кўнгли яримта халқимиз эса бу кўшиқни аламзада кунларининг хотираси сифатида дилда зўр қайғу-алам ва армон билан куйлаб, йиғлаб келган, нола-фиғони баробарида ўзининг эртаси, индини ё келажаги бўлмиш фарзандларига ҳам роса ўргатган ва ёдлатган...

Гапимиз ибтидосида маънавиятимиз жонкуяри Султонмурод Олимнинг «Тафаккур журналида» (2003 йил, 2- сон, 70 – 77-бетлар) босилган «Мафкуравий ҳангомалар» сарлавҳали ибратли мақоласидан ҳаммага дахлдор бир парчани ҳавола этмоқчимиз.

«Шўро даврининг сўнгги йилларида бир ашула тоза машҳур бўлди-да:

*Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса, маст бўлайлик
Ҳандалакнинг бўйига.*

Бу ашула айтилмаган бирортаям тўй қолмади. Ҳамма ўйнади ўзиям. «Қарғалар» тугаши биланок даврдан биттаси туриб, бор овози билан бақиради: «Қарғалар»дан бўлсин, «Қарғалар»!..»

Ўйнайверади. Маъно-мазмун билан бир сариқ чақалик иши йўқ. Мана шу ашула айтилиб турса бўлгани. Жилпанглайверса...

Хўш, бу ашулани ким ёзган? Не сабабга кўра қарғалар учса, Марғилоннинг йўлига қаралиши керак экан? Нима, Марғилондан бошқа ерларда қарға деганлари анконинг уругими? Агарда қарға кишни эслатса, бу ерда хандалак деганлари нима қилиб юрибди? Аҳир, хандалагимиз жавзонини ҳосили-ку? Шеърда, ушбу иккала тушунчани ўзи нима боғлаб турибди?..

Жазавали рақсга тушаётган одам эса ўзига ўзи бундай жўяли саволлар бериб, жавоб излашга ўрганмаган. Бунинг учун каллани ишлатиши керак-да! Нима қилади, оғримаган бошини оғритиб, ҳамма одамлар ўйнаяпти, демак, у ҳам ўйнайвериси керак-да.

Йўқ. Асло йўқ!

Ҳеч бир ўзбекнинг бу ашулага ўйинга тушишга ҳаққи йўқ!

1916 йил. Биринчи жаҳон уруши беҳад қон қақшаётган маҳал. Чор Россиясининг аҳволи ниҳоятда оғирлашяпти. Унга аскарлар керак... Шунда эса кимдир: «Туркистон ўлкасидан аскар тўплаш керак», деган. «Туркистонликлар уруш қилишни, милтиқ отишни билмайди» деган яна бошқаси. «Милтиқ ота олмаса, мардикорлик қилар. От боқар, чўчка боқар, темир йўлларимизни таъмирлаб берир, кўприклар қурар», деган тагин бири.

Хуллас, мардикорчилик жараёни бошланган. Ўз кишлоғи ёки шахрини бутун дунё деб билган қанчадан-қанча ўзбекни поездга босиб, тақа-тақ, тақа-тақ Россияга олиб кетишган.

Узоқ юртнинг бир совук кунда илгари замонда Марғилонни бутун дунё ҳисоблаб юрган амакимиз чўчкахонада қор кураётса, унинг атрофида қарғалар пайдо бўлибди. «Ие, қарғалар-ку! – дея ҳаяжонланибди у. – Ўзимизнинг қарға-ку! Ия, ҳа, қарғалар қурғур баҳорда қаерларга йўқ бўлиб кетади, десам, мана шу ёқларга учиб келар эканда-а?! Дарвоқе, ўзи у бизга қиш маҳали учиб келарди-я. «Бир қарға билан қиш келмас» деган мақолимиз ҳам бор-а».

Ўша қарға амакига ўз юртининг асл тимсоли бўлиб кўринган. Ватан соғинчи ҳиссини ҳам кучайтириб юборган. Тили, беихтиёр, мунгли кўшиқни тўқий бошлаган: «Қарғалар учса қарайлик...»

Кейин мулоҳазасида давом этган: «Шошма-чи, қарға бу ёққа келган бўлса, биз томонларда ҳам ҳозир қиш экан-да. Эрта-индин эса баҳор ҳам бошланади. Кўклам бизда анчагина эрта келади-я. Ҳамма дехқонлар кетмон кўтариб далага чиқиб кетади. Экинлар экилади. Дарвоқе, энг биринчи нима пишар эди? Ие, айтмоқчи, ҳандалак пишади-ку. Бай-бай... Ҳиди зўр-да, аммо-лекин...»

Юрт деганлари эса шундайин нарсаки, узоқ ўлкаларга борган қаргадан ҳам одам ҳандалак ҳидини туяди. Шунга маст бўлади.

Мардикорликдан юрган марғилонлик амаки бўлса буни ғам билан, дард билан, алам билан айтган!

Агар бунга ҳам ишонмасангиз, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мардикорлар тилидан тўқиган қўшиқларини ҳам бир эсланг:

*Ога, соғ борсангиз, аввал дадамларга салом айтинг,
Югуриб чиққан ул мушфиқ, онамларга салом айтинг.*

Адабиёт мафкура бўлса, ҳар қандай шеърни тиринг-тиринг қилиб шўх куйга солиб айтса, ҳеч ўйламасдан ўйнайвераимизми, биродар?» (75 – 76- бетлар).

XIX асрнинг 50 – 70- йилларида чор Россияси армияси Қўқон, Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлигига қарши босқинчилик ҳарбий юришларини амалга оширган эди. 1916 йил 15 декабрда Россия Давлат думасида сўзга чиққан депутат Капнисть эса ушбу истилолар ҳақида шундай деганди: «Биз қон тўқдик, эҳ-хе, у ерда қанча қон оқди, негаки бу урушгача бўлган эди – биз бу ерларни қон тўқиш йўли билан эгалладик ҳамда маҳаллий аҳолига ғоятда ёмон бир тарзда муносабатда бўлган эдик». Ўша пайтларда беҳад кескин муҳорабалардан кейин Қўқон хонлиги тўла забт этилиб, унинг худудида бўлса Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган эди. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги бўлса ўз эркидан маҳрум этилиб, Россия империясининг вассалига айлантирилган. 1876 йилда Қўқон хонлиги буткул тугатилганидан кейин Фарғона вилояти тузилган. Унинг маъмурий таркиби Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон ҳамда Ўш уездларидан иборат бўлган эди.

Шу ўринда мавриди келиб қолгани туфайли улуг мутафаккир Абдурауф Фитратнинг «Шарқ сиёсати» (1919 йил) мақоласида келтирилган айрим бир бағоят оғриқли фикр-мулоҳазалар билан танишиб олсак-да, сўнгра суҳбатимизни келган жойидан давом эттираверсак, унчалик ҳам қаттиқ қаршилиқ қилмасангиз керак:

«Африқога кирган мусулмонлар Амрико ва Африқони босқон (босиб олган) маданий овруполилардек, ерли халқни битирмак учун тиришмадилар. Уларга маданият бердилар. Амрикога қўноқ бўлиб кирган Оврупонинг маданийлари Амриқо ерли халқларини битираёздилар, буни билмаганлар йўқдир. Африқони босиб олган Оврупо жаҳонгирлари бу ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий

этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамларни етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг миямизга ҳеч сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмасди. Шарқ бошқалар ҳақларини олмасди. Шарқ башарият юксалиши учун тиришарди. Шарқ (чинакам) маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби ва билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар, башариятга қилган барча хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврупога қарши яхшигина махтана олурмиш... Негаким, Шарқ билим, ҳунар йўлинда Оврупо жаҳонгирлари (мустамлакачилари) қонин ичмак, орқадеш уйини таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини янада юксалтирмоқ учун тиришар эди. Ёзуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йўлида давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк, энг тугал қоидаларидан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий этиб тинчланса, бирон-бир ёқда кучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузилиб кетур, тотлиғи эса йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар эса, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдик, йўлдан оздик ва эзгу тилакларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунарлардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдук, оқчага сотулдук... Шарқнинг бутун ишлари эса онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонлар кўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомларини бузуб юбордилар. Хонлар бўлса ўз қоринларини тўйдурмоқ учун халқни бир-бири билан урушгирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўринларини сотдилар, муллалар эса ўз иставларига «дин» отини токиб, бозорга чиқардилар, дин, тангри, пайгамбар, учмох (жаннат), тамуғ (дўзах) орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, (бир пайт) саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқурига тушиб кетди...

Оврупо жаҳонгирларининг Шарқ сари юришлари бошқалар қонини тўқуб, ўз курсокларини тўлдурмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндириб ташлаб, ўз қозонларини қайнатмоқ учун эди. Лекин улар тилакларини улусга билдирмас эдилар. «Шарқ халқи ваҳшийдир.

биз уларни маданийлаштирмоқ учун борадурмиз», «Шарқ халқи билимсиздир, уларга билим тарқатмоқ учун борармиз», «Шарқ халқини хоч буйруқларига бўйсундирмак учун борамиз», деб ўз ишчи ва деҳқонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар...

Инглизлар Ҳиндистонни ютиб юбордилар, Мисрни босдилар, Аданга келиб, Арабистонга кўл узатдилар. Рус империалистлари Қафқасиёни таладилар, Туркистонга кириб келиб, Хитой, Афғон, Эронга кўз тикдилар. Французлар Тунис билан Жазоирни босиб, Фаластинга юкундилар. Ўзининг ибтидоийлиги билан тинчгина яшаб турган Африқо китъаси эса Оврупо жаҳонгирлари орасида бўлинди. Бу олиш-беришларнинг ҳеч бири урушсиз бўлмади...

Бутун дунёнинг жуда ёғли бир бўлаги бўлган Шарқ йиртқич ҳайвонлар орасинда қолгон семиз, лекин кучсиз бир қўй ҳолатин олди. Оврупо йиртқичлари Шарқни ҳар ёнидан совурдилар. Тиш-тирноқларига илинган ерларни йириб, узуб олабердилар. Боёқиш Шарқ ўз жонини қутқаргани кўп тиришди, тебранди, қичқирди, додлади, югурди, ҳамла қилди, қочди, қўркутди, ялинди ва эсига келган ҳар бир йўлга кириб кўрди. Бирор осиг (наф), бирор унум, бирор фойда кўрмади...» («Тафаккур», 1997 йил, 1- сон, 81- бет).

Замонимизнинг ўта таниқли уламси, бир муддат Эрон Ислом Республикаси Президенти бўлган Саййид Муҳаммад Ҳотамий «Ислом тафаккури тарихидан» деб номланган монографиясида давлат бошқарувининг такомиллаш жараёнларига жамиятнинг, ва айниқса, етук тафаккур соҳибларининг таъсири борасида Ғарб ва Шарқ дунёси кескин фарқ қилишини таъкидлаганди. Олимнинг таҳлилларини умумлаштириб, хулоса қиладиган бўлсак, Мағриб оламида ақл-тафаккурнинг эгалари неча-неча асрлар мобайнида давлат бошқаруви масалаларига фаол равишда аралашиб келган. Машриқда эса, аксинча, ақл-тафаккур эгалари, хусусан, тасаввуф вакиллари имкон қадар ўзларини давлат бошқарувидан четроққа олиб келганлар. Бу бўлса, ўз навбатида, Шарқнинг давлатчилик тараққиёти соҳасида анча орқада қолиб кетишига олиб келган.

Оқибат нима билан тугади? XX аср бошларига келиб Европа амалда Америка, Африка ва Австралия китъаларини тўлик босиб олди, Осиёнинг ҳам каттагина қисми қўлга киритган. Очигини айтиладиган бўлсак, Биринчи ҳамда Иккинчи жаҳон урушларининг

айнан Европа китъасида юз бергани ҳам ғарбликларнинг дунёни қайтадан бўлиб олиш учун қакшатқич курашининг натижаси эди.

XIX ҳамда XX асрларда ахлоқий мезонларга амал қилмаслик натижасида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида ўзаро ихтилофлар ниҳоятда авж олиб кетганди. Бу бўлса алалоқибат Туркистоннинг истибдод гирдобига тушиб кетишини тезлаштириб юборган эди. Мулло Олим Махдум ҳожи «Тарихи Туркистон» номли асарида юртимизнинг мустамлакачилик асоратида қолиб кетиши асосий сабабларини қуйидагича таърифлаган эди: «Туркистон хонлари вақтидаги мусулмонлар беҳад даражада аҳволи оламдин беҳабар бўлди. Золим ҳокимларга рост ҳамда тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш – ўн тиллонинг эвазига эртадан кечга қадир хушомад сўзлар айтиб, алар қандай сўзларни айтса, маъқул дейдурғон бўлиб қолғон эдилар. Илм-маорифда эса, Туркистонда ўтган Ибн Сино, Фаробий, Улуғбек, Алиқушчи ўрнига ўлтурғон олимлар, файлсуфи замон деганларимиз бўлсалар иззату нафс ва рижкорликка табдил бўлиб, жаҳл балосига мубтало бўлғондилар. Ҳакам ва улуғларимиз фуқаролардин олинадурғон ушр, хирож, закот ва бошқа даромадларни жойига ва масрафига сарф қилмай, ўз хоҳишлари ва юнъяларига харжи сарф қилар эдилар. Ҳукумат ишида эса мутлақо қоида ва қонун йўқ эди. Фуқаролар оларнинг қули, пул ва мол оларнинг ўз мол-мулкидек ҳисоб қилинур эди».

XX аср ибтидосида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Туркистонда яшовчи барча миллат ва элатларда ягона бир бунёдкор миллий гоя йўқлиги сабабидан ҳам «серқуёш» ўлкамиз кейинчалик шўролар зулми исканжасида қолиб кетаверган эди.

Бу ҳақда эса Мустафо Чўқай «Истиклол жаллодлари» асарида шундай ёзган эди: «Табиий, муваффақиятсизлигимизнинг асосий сабаби кўндир... Биз курашга ўзимиз танлаб олган фурсатда эмас, Русиядаги инқилоб келтириб чиқарган вазиятнинг ижобати билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омил – миллий манфаатларнинг йўлида курашиш зарурлигини билган ҳолда, туркистонликлар ўзаро бирликни кура олмадилар ва бунга улгурмадилар». Мустафо Чўқай ўзининг фикрини давом эттириб, «ахлоқий ва фалсафий нуқтаи назардан, яхши ва ёмон халқлар деган нарса йўқ ва бўлмайди. Бироқ, сиёсий нуқтаи назардан эса

масалага сал бошқачароқ, яъни давлат куриб, уни юрита билиш тайёргарлиги, турли-туман мутахассис кучлар ва халқ оммасини уюштирувчи ташкилот яратиш тажрибаси бўлмаганлиги, мавжуд сиёсий кучларнинг ҳам ўзаро ихтилофда бўлиши каби сабаблар билан биргаликда халқнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардан ҳам ташқарида бўлганлигини – Туркистонда туркистонликларнинг муқаддароти (яъни, тақдири) устида ҳукмронлик учун Тошкент кўчаларида уруш бораётган бир пайтда туркистонликлар бетараф сайрчи бўлиб қолдилар», деб минг афсус билан таъкидлаган эди.

Россия ташқи ишлар вазири Горчаков 1864 йил 21 ноябрида император Александр Иккинчига мана шундай баёнот берган эди: «Россиянинг Ўрта Осиёда юритаётган ҳаракати – ярим ёввойи ва кўчманчи аҳолини буткул маъх этишга чоғланган кўпол ҳарбий юришдир. Ушбу ҳаракатда худди Шимолий Америкада – АҚШ, Миср ва Жазоирда – Франция, Ҳиндистонда Англия юритаётган сиёсатни ҳам қўллашимиз ниҳоят даражада зарур. Фақатгина ана шунда ўртаосиёликлар нафақат худудий ва иқтисодий жиҳатдан, шу билан биргаликда, маънавий қарамликдан ҳам мутлақо кутила олмайди» («Тафаккур» журнали, 1999 йил, 1- сон, 99- бет).

XIX аср интиҳоси – XX аср ибтидосида Туркистон генерал-губернаторлигининг таркибига Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Ёттисув ва Каспийорти вилоятлари кирган эди. Уларни ҳарбий губернаторлар ва уезд бошлиқлари идора қилган. Вилоят ва унга бўйсундирилган уезд бошқармасида фаолият кўрсатувчиларнинг орасида эса маҳаллий миллатлар вакилларидан, ҳатто оддийгина бир «уруғлик учун» ҳам бирорта мусулмон киши бўлмаган эди.

Уездлар, ўз навбатида, турли участкаларга ажратилиб, улар тепасида эса полиция-приставлар турар эди. Уездларнинг ҳоқими ва полиция ҳар хил уйдирма «сабаблар» билан истаган кишисини штраф (жарима)га дучор қилиши, агарда «айби» оғирроқ бўлса ҳарбий суд жавобгарлигига торттириш учун расмий ҳуқуқларга ҳам эга бўлганди. Арзимаган баҳоналар билан туб жой аҳолисини қамчи билан савалаб қолиш ҳамда «онасидан келиб» ҳақоратлаш эса полиция маъмурлари учун одатий бир тусга кириб қолган эди.

Бир неча кишлоқ ва яйловлардан ташкил топган волостларга маҳаллий миллатлар вакиллари бошчилик қилгандилар. Волость

бошлиғи қўл остида хизмат қилган оқсоқоллар ва элликбошилар барча солиқларни ўз вақтида тўплаб давлатга топшириш, турлитуман мажбуриятларни амалга ошириш ҳамда тартибсизликларга мутлақо йўл қўймаслик каби масалалар билан шуғуллангандилар. Волость бошлиғи лавозимига номзодларни сайловлар воситасида ташлаб олинган эди. Подшоҳнинг фармониغا биноан 1908 – 1909 йилларда Туркистон ўлкасида ревизия (тафтиш) ўтказган граф К. К. Пален ушбу масала хусусида қуйидаги хулосаларга келган эди: «Волость бошлиғи амалда аҳолининг манфаатлари учун хизмат қилишни сираям ўйламайди... Мансабини катта харажатлар билан эгаллаб, ўзини рус ҳукуматининг бегиман деб ҳисоблайди. Ҳамда ўзини гайриқонуний йўллар билан бойлик орттиришга ҳақлиман, деб билади. Номзодлар сайлов ташвиқоти ва овозни сотиб олиш учун ниҳоятда катта маблағ ишлатадилар. Айрим бир вакилларда бундай харажатлар 40 – 50 минг сўмни ташкил этади (XIX аср 70-йилларида Қўқон хонлигида 2 сўмга семиз қўй, 5 сўмга сигирни сотиб олиш мумкин бўлган – Б. И.). Бу беҳад катта ҳажмдаги пул салмоқли фоизлар орқали қайтарилиши шарти билан судхўрдан олинади. Шу тариқа жудаям катта маблағ муттаҳам кишиларнинг қўлига ўтиб, волость ҳаётининг яна ёмонлашишига олиб келади. Сайлов жараёнидаги олди-соттилар, туҳмат ва қоралашлар, тўс-тўполонлар аҳоли ўртасида қаттиқ низо ва келишмовчиликларни туғдиради... Уезд бошлиғига ҳам ўта қўплаб шикоятлар ёғилади. Волость бошлиғи лавозимига бўлса жуда ҳам олғир, эпчил ҳамда ниҳоятда муғамбир кимсалар сайланиб қолади».

1916 йил 15 декабрида Туркистонда 3 йилдан ошиқроқ хизмат қилган Россия давлат думасининг аъзоси, князь Мансиров ушбу масалани ҳам ёдга олиб, мана шундай мулоҳазаларини билдирган эди: волость бошлиқлари «мавжуд қонунлар бўйича ярим сайлов асосида чегараланган вазифани бажарувчи шахс ҳисобланар эди. Маҳаллий волость ёхуд қишлоқ жамияти сайланадиган шахслар рўйхатини тузади, бу рўйхатни маҳаллий маъмурият тасдиқлаши керак. Маъмурият эса ўз истакларига биноан, сайловларни бекор қилиши ёки кўрсатилган номзодлар ўрнига бўлса янгиларини ёки умуман ҳеч қандай сайловларни тайинламаслиги тўғридан-тўғри ўз шахсий қараши асосида бу вазифаларга зарур одамларни тайин

қилиши мумкин. Вазифага ушбу йўл билан тайинлаш усули анча кам ҳолларда ишлатилади, лекин сайлов ўтказиш ва сайловларда энг катта роль, ўринларни сотиб олиш, пора бериш, бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар эгаллайди. Бундай ёмон аҳволга мен Туркистон ўлкасига биринчи келган кунимдан бошлаб, токи хизмат сафарим тугагунига қадар яққол гувоҳ бўлганман. Шундай ҳолатларнинг ҳам тирик шохиди бўлганманки, волость бошқарувчилари сайлов учун 30 минг рублга қадар сарф қилишга мажбур бўлар эди...»

Аслида, мустамлакачи маъмурият маҳаллий аҳолининг ўзаро низолари, жанжаллари, келишмовчилиги ва норозилигидан жуда ҳам манфаатдор бўлган. Маҳаллий халқ орасида ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг ҳукм суриши эса метрополия учун роса хатарли эди. Бунинг устига бўлса, чор маъмурияти у ёки бу номзод сайланиши учун сарфланаётган маблағдан доимий равишда ўзининг керакли «доляси»ни, яъни, «гўёки қонуний» улушини ҳам олиб турган.

Туркистонда рус суди ва қозилик (халқ) суди иш юритганди. Қозилар сайловлари ҳам порахўрлик ҳамда тўс-тўполонлар билан ўтказилар эди. Улар фаолияти чор ҳукумати томонидан чегаралаб кўйилганди. Қози шариат асосида оилавий-маиший масалаларни, ўзаро жанжаллашган ҳамда келиша олмаган кишиларнинг айбини кўриши мумкин эди. Қозилик судлари вилоят суди ва прокурор назоратида сақланган. Йирик жиноий ишлар, сиёсий жиноятлар, турли хил солиқлар, мол-мулк ва даромадлар бўйича чиқарилган қарорларга қарши қилинган ҳаракатлар рус судларида кўрилган. Миллий истиқлол учун курашга уринган ватанпарварлар ҳам рус судларига берилган. Судьялар маҳаллий тилни яхши билмагани учун тилмочлар (таржимонлар)нинг хизматидан фойдаланганлар. Хонликлар замонида халқ учун беҳад муҳим аҳамиятга молик – қозилик лавозимига номзодлар ҳар жиҳатдан қаттиқ текширув, синовлардан ўтказилиб, унга муносиб кишиларгина тайинланган. Бироқ, чор Россияси маъмурияти ниҳоятда мушкул масаланинг бу томонига унчалик даражада аҳамият бермаган, ва энг аввало, у ёхуд бу номзоднинг мустамлакачи ҳукуматга «итдек» содиқлиги ва итоаткорлиги инobatга олинган. Ёунинг натижасида бўлса, ўта кўп ҳолларда қозилик мансабига айрим бир чаласавод кимсалар ва анча нодон кимсалар ҳам сайланиб (тайинланиб) қолар эди...

Россиянинг Пётр I тамал тошини ўрнатган мустамлакачилик мафкурасидаги бош талаблардан бири – забт этилган ўлкалардаги аҳолини руслаштиришдан иборат эди. Ана шу сиёсатни огишмай амалга ошириш асносида Пётр I замонидан 70 – 80 миллиондан ошмаган рус миллатига мансуб кишиларнинг сони Лев Толстой даврига келганида (200 йил орасида) 150 миллионга етган эди.

Илоҳиёт магистри, Қозон диний академияси миссионерлик бўлими доценти Н. Остроумов анчагина билимдон шаркшунос бўлган. Аммо, бу билим, академик И. Крачковскийнинг таъбири билан айтилганда, илмга эмас, сиёсатга малай бўлган Остроумов умрининг охиригача рус мустамлакачиларининг ўлка халқларини руслаштириш ва христианлаштириш сиёсатига хизмат қилганди. Унинг қуйидаги мулоҳазаси эса чор маъмурларининг Туркистон маорифи соҳасида амалга оширган сиёсати мазмун ва моҳиятини тўлиқ ифодалаганди: «Русларнинг мусулмонларга муносабатини белгилашда давлат бу масалаларни эътибордан соқит қилмаслиги керак: мусулмонлар таълимида ўзимизнинг манфаатларимиз энг биринчи ўринда туриши даркор. Биз мусулмонларга нисбатан ҳар жиҳатдан – ҳам жисмоний, айниқса, маънавий-ахлоқий жиҳатдан устунроқ мавкега эга бўлишимиз зарур».

Қадим замонлардан консерватив геосиёсат – бу геостратегик жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўлган минтака халқларини қарам қилиш ҳамда асоратга солишга қаратилган фаолиятни англатади. Ғаразли геостратегик мақсадлар сингари бу йўлда қўлланадиган тамойиллар ҳам беҳад қадимийдир. «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!», деган кўҳна принципга мустамлакачи Россия маъмурияти қатъий тарзда амал қилган эди. Принципни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли у ё бу мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришга уринишдан иборатдир. У жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий соҳаларида ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Бу қадимий тамойил эса ўзининг беҳад даражадаги чуқур тарихий илдизларига ҳам эгадир.

Милоддан аввалги IV асрда яшаган хитойлик файласуф ва ҳарбий қўмондон Сун Цзининг қурашда ғолиб бўлиш учун:

«1. Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг ва (ўзига асло кела олмайдиган қилиб) айнитиб ташланг.

2. Рақиб давлатдаги атоқли арбобларни эса ўзингизга шерик қилиб олиб, уларни жиноятнинг узун ва кенг йўлига бошланг.

3. Рақиб давлат раҳбариятининг обрўсини тўқинг ва қулай пайт келганида уларни жамоат олдидан шармандасини чиқаринг.

4. Мана шу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз ва палид одамлар билан доимий тарзда – мунтазам шериклик қилинг.

5. Рақиб мамлакатнинг одамлари орасида доимий равишдаги келишмовчиликларни ва жанжалларни чиқаринг.

6. Ёшларни кексаларга қарши гиж-гижлаб турунг.

7. Мавжуд ҳукуматни ўз халқи манфаати йўлида яхши иш юритишига ҳар қандай йўллар билан қаршилиқ кўрсатинг.

8. Рақиб кўшинларининг таъминотига ва тартибига ҳар хил тўсиқларни қўйинг ва уларнинг интизомини бузиб ташланг.

9. Душманнинг аскарларини енгил-елпи қўшиқ ва қуйларга ошуфта қилиб, уларни иродасиз кимсаларга айлантириб қўйинг.

10. Ўз душманларингизнинг минглаб йиллик анъаналарини қадрсизлантинг ва ўз худоларига бўлган ишончини синдирунг.

11. Душман тарафига бузук аёлларни жўнатиб, улар бошини айлантириб ғанимларни янада кучли даражада айнитиб юборинг.

12. Рақиб томон ҳақида керакли маълумот олишга, бу ишда улар орасидан сотқинлик қиладиган шерикларни топишга, уларга пул тўлашда асло қурумсоқлик қилманг, жуда ҳам сахий бўлинг.

13. Умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам асло аяманг, чунки улар келажакда, албатта, ўзининг ажойиб натижаларини беради», – деган фикр ва кўрсатмалари ҳам буни тўла-тўқис тасдиқлайди.

Маҳаллий халқнинг тилини, табиийки, дини, урф-одатларини йўқотиш сиёсати ўтмишдаги мустабидлардан биронтасининг ҳам хаёлига келмаганди. Тўғри, Туркистондаги бу сиёсатнинг амалга оширилишида нозикрок йўлдан борилганди. Масалан, рус-тузем мактаблари очилди, бу даргоҳни битирганларга катта имтиёзлар берилди. Рус-тузем мактаблари аслида маҳаллий аҳоли орасидан малакали мутахассисларни ёки чуқур маълумотга эга шахсларни тарбиялаб етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганди-да. Академик В. Бартольд маълумот беришича, бундай мактабларда ўқитиш ниҳоятда саёз эканини ҳатто рус зиёлилари ҳам эътироф этган: «Вилоятлардаги рус-тузем ва соф русча мактаблардан ҳеч

бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳаттоки тўғрироқ ўқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ вакилини етиштиргани йўқ». Рус ва ўзбек синфи ўқитувчилари баравар ишлашига қарамасдан, ўзбек синфи муаллимига жуда кам маош берилган. Рус ўқитувчисининг йиллик маоши ўзбек ўқитувчисиникидан 2,5 – 3 бора кўп бўлган.

Шовинист Ильминский фикри билан ифодаладиган бўлсак, «Маҳаллий халқ орасидаги биз учун фойдали ва ҳеч бўлмаганида, зарарсиз кишилар, русчада уялиб, тутилиб гапирадиган, русчада ёзганида талай хато билан ёзадиган, бизнинг губернатордангина эмас, ҳатто стол бошлиғимиздан (мирзодан)ам жуда ҳайкадиган бўлиши даркор». Россия маориф вазири Д. Толстой 1870 йили мана шундай ёзганди: «Бизнинг ватанимизда яшовчи бари бегона (ғайрирус) халқларни маълумотли қилишдан пировард мақсад, шак-шубҳасиз, уларни тўла руслаштиришдан ва рус халқи билан бутунлай бирлаштириб юборишдан иборат бўлмоғи зарур».

Губернаторлик маъмурлари рус-тузем мактабларида ислохот ўтказиб, унинг ўзбек синфларидаги таълим ва тарбия ишларини, бирозгина бўлса-да, миллийлаштиришдан, В. Бартольд фикрлари билан айтилганда, «Маҳаллий халққа ўзининг она тилида кўпроқ маълумот беришдан ва бу билан маҳаллий халқни руслаштириш ишларига катта зарар етказиб, маҳаллий адабиёт ва маданиятнинг қаттиқроқ ўрнашиб қолишдан ниҳоятда ҳадиксирар, кўрқарди» («Тафаккур» журнали, 2010, 3- сон, 84 – 85, 86 – 87- бетлар).

Аслида, рус-тузем мактабларида рус халқи улуғланиб, асосан рус маданияти (санъати) тарғиб қилинарди. Мақсад «сарт»ларни ўз маданияти (санъати)дан узоклаштириш ва уларнинг орасидан бўлса мустамлакачилик сиёсатининг маҳаллий тарғиботчиларини тайёрлаш эди. Бироқ, тезда маълум бўлиб қолган эдики, «ёввойи сартлар»нинг илмга жуда қобилиятли, мустақил фикр юритишга интилувчан болалари дарҳол оқу қорани таниб, ҳаттоки ўзининг, яъни Туркистоннинг узок тарихига қизиқиб, мамлакат ахволини мушоҳада этишга интила бошлаганлар... Бу ҳолат мустамлакачи маъмуриятни ташвишга солиб қўйганди. Улар «туземец»ларнинг кўзи очилмасидан, яъни рус тилини ўрганиб, Европадаги давлат тузилишига қизиқмасидан буруноқ уларнинг асл ҳолича – мискин ва итоаткор бўлиб қолишига эришиш зарурлигини англаганлар.

Бу борада қуйидаги факт фикримиз исботи бўлади. Туркистон генерал-губернатори ўз саройига сарт бойваччаларидан талайини меҳмонга чақиради. Бир хушомадгўй руспараст бой бу зиёфатга ўзининг болаларини ҳам олиб келади. Зиёфат жуда қизгин маҳали губернатор болани илиқ сўз билан алқайди, у бола бўлса ўрнидан ирғиб гуриб, губернатор жанобларининг қўлини ўпмоқчи бўлади. Губернатор (одатига зид тарзда) қўлини кескин тортиб: «Болакай, сен мусулмонсан. Мен сен учун кофирман. Менга сира интилма. Қандай бўлсанг, шундай бўлиб қолавергин!» дейди. Бу гапга эса даврадагилар аввалига хайрон қолишади-ю, сўнгра чапак чалиб юборишади. Жуда кам одамгина шу ҳаракатнинг ўзида ўта катта бир сиёсат ётганини тушунади («Тафаккур», 1999, 1-сон, 73- бет).

Ҳа, чор Россияси ўзбеклардан чиқадиган зиёлилларнинг беҳад руспараст бўлишини жуда-жуда хоҳлар эди. Аммо, уларнинг кўзи очилаётганини ва ўз миллатининг тақдири ҳақида қайғураётгани баробарида Европаданам бир нимани ўрганишга интилаётганини кўргач, тактикани ўзгартиришга мажбур бўлган. Яъни, маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсизлик ва қўполлик қилиш, ҳар қадамда уларни камситиш ҳамда русларга мажбуран сиғинтириш сиёсати таомилга киритилган. Айнан шунинг натижаси ўларок, Тошкент кўчаларида рус кишисига эгилиб салом бермаган ўзбеклар дарҳол калтакланиб, ҳибсга олинган, истироҳат боғлари дарвозасига эса «Сартам и собакам вход воспрещен!» (яъни, «Сартлар ва итларга кириш тақиқланади!») деган махсус ёзувлар қоқиб қўйилган эди. Машҳур адиб Ойбекнинг бир ҳикоясидаги роса оғриқли мавзунини эсланг-а: рус полисмени ҳориб-толиб келиб скамейкага ўтирган олачопонли фарғоналикни қандай қилиб уриб, ҳайдаб юборади...

Бу орада эса Россиядан бутун-бутун қишлоқлардаги минглаб (кейинчалик юз минглаб) оилалар Туркистонга кўчириб келинди. Ўз-ўзидан, уларга энг яхши ва ҳосилдор ерлар берилиб, маҳаллий аҳоли бўлса сувсиз, қатқалоқ ерларга ҳайдаб юборила бошланди. Худди шу лаҳзадан христианликни тарғиб-ташвиқ (агитация ва пропаганда) қилиш ҳаракати авж олиб кетганди. Масалан, оддий ўзбек ё қирғиз молини суғориш учун эмас, чанқоғини қондириш учунгина сувга келган чоғида, у бечорага: «Христианликни қабул қилсанг, сув ичасан. Бўлмасам – йўқ!» деган шарт қўйилган эди.

Улар билан баб-баравар ўз ҳуқуқини талашиб-тортишадиган маҳаллий кишилар ўша замонда бармоқ билан санарли даражада бўлганди. Улардан бири Абдувоҳидқори Абдурауфқориев (1855 – 1938) Тошкендаги Мирзаабдуллабой мадараса-масжидида имом-мударрис, сўнгра даҳа қозиси сифатида фаолият кўрсатган эди. У адолатпарварлиги ҳамда ҳақиқатгўйлиги туфайли ҳам, 1906 йили Тошкент шаҳар думасига сайланганди. 1907 йилда Россия Давлат Думаси Туркистон учун I вакилга ўрин ажратган эди. Маҳаллий бой ва боёнлар эса Думага сайланишдан бош тортиб, бир овоздан уни депутатликка сайлаганлар. Бу маҳаллий аҳолига қутилмаган воқеа бўлса яшин тезлигида бутун Туркистонга тарқалиб кетган.

Россия Давлат Думаси аъзоси Абдувоҳидқорига вилоят ҳамда шаҳирлардан уларга кўрсатилаётган зулм ва зуғумлар ҳақидаги ари-дод ва шикоятлар гўёки сув, сел сингари оқиб кела бошлаган. Ўша замонларда юз берган беҳад аччиқ воқеаларни аниқ-тиник кўз олдингизга келтиришингиз учун ҳам Қори домланинг номига юборилган мактублардан фақат биттасини биргалашиб ўқиймиз:

«Бисмиллоҳир-роҳманир-роҳим.

Жаноб Қори домла, Аллоҳ сизга (беҳад) узоқ умр, саодат ва марҳамати томм ато этсин. Омин, омин, омин.

Жаноб Қори домла, сизни Аллоҳнинг ўзи паноҳида асрасин.

Мискин ва мунис бандасини Яратганнинг ўзи авф этсин.

1. Подшоҳ ўз раияти ғамини еб, шаҳар ҳисобидан ҳовузларни тозалашга маблағ ажратган. Шаҳар хўжалигининг мудирлари эса белгиланган пулни ўзларига харажат қилмоқдалар ва ҳовузларни тозалаш пайти келганида бўлса пристав (русчасига приставить – «қараб, назорат қилиб туриш учун қўймоқ, тайинламоқ») феъли асосидаги термин. Чор Россиясида кичикроқ ҳудуддаги маҳаллий полициянинг бошлиғи – Б. И.) ишларни бажариш ҳақида қатъий буйруқ беради. Аҳоли приставдан кўркиб ҳовузларни ўз ёнидан пул сарфлаб тозалайди, бунинг учун камбағаллар бир сўм, бойлар икки сўмдан йиғиб берадилар, айнан мана шундай ишлар учун белгиланган маблағ бўлса мутлақо изсиз йўқолиб кетмоқда.

2. Касал тегиб ўлган туя, от ва қўйларни қўмиш учун шаҳар ҳисобидан маълум маблағ ажратилган. Агарда бирон-бир кимса касалланган туяси ёки отини сўймоқчи бўлса, пристав 3 – 4 сўм

жарима солади ва шу ондаёқ сўйилган молни кўмишга буюради. Ушбу ҳолатда эса аҳоли белгиланган жойга олиб бориб кўмиш ва аравага тўлаш учун яна 3 – 4 сўм тўлайди. Шундай қилиб, аҳоли бирваракайига ҳам отидан, ҳам пулидан айрилиб қолади...

3. Подшоҳ бозорга келтирилаётган от, қўй, моллардан, беда, бугдой, ўтиндан ҳаддан ташқари катта солиқ олаётганидан аҳоли жуда ҳам қаттиқ хафа ва норози.

4. Энг яхши ҳамда муътабар мусулмонлар руслар томонидан жуда таҳқир қилинмоқда. Бир пес энг муътабар мусулмон кишига нисбатан айб қилган ва мусулмон унга жазо берса, ўша гуноҳкор руснинг шикоятига мувофиқ пристав мусулмонни қамайди. Биз император ҳазратлари томонидан қўйилган бошлиқларнинг беҳад даражада оғир ҳақорат ва камситишларига дучор бўляпмиз.

Император ҳазрати олийларидан бизларнинг ниҳоят даражада оғир аҳволимизга марҳамат назари билан қарашларини сўраймиз.

Ё Аллоҳ, Қори домладан ўз марҳаматингни дариг тутмагин. Ё Аллоҳим, бизга шафқат қил» («Тафаккур» ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнали, 2002, 2- сон, 51 – 52- бетлар).

Шундай қилиб, мустабид ҳукумат бошқарув тизими тамомила европаликлар қўлида эди, у шовинизм руҳи билан ҳам суғорилган бўлиб, туб аҳолининг миллий-сиёсий ҳуқуқлари билан сира ҳам ҳисоблашмасди, уларга фақатгина ишчи кучи сифатида қарашга асосланганди. Бу Туркистон генерал-губернаторининг 1911 йил 31 октябрда вилоят ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқларига берган кўрсатмасида ҳам ўзининг яққол аксини топган эди: «Туб аҳолига нисбатан ҳамиша жуда ҳам қаттиқ муносабатда бўлиб, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида рус номи ва рус манфаати энг асосий ўринни эгаллаб олиши зарур. Бизнинг энг биринчи вазифамиз рус казаклари ва крестьянлари ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоғи даркор».

1916 йил 13 декабрида Россия давлат Думасининг депутати Ю. Жаъфаров кўзғолонлар сабаб ва оқибатларига бағишланган ўз чиқишида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратганди: «Ўлкада мажбурий саломлашиш хусусида қабул қилинган махсус буйруқ Туркистон шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий халқнинг устидан зўравонликлар ва таҳқирлашнинг ғазаблантирадиган сахналарига

Ўзига хос бир баҳона бўлиб хизмат қилган эди. Бу буйруқ ҳамма тўраларнинг қўлидаги ниҳоятда даҳшатли қуроқ бўлиб, ҳукумат ҳукмронига айланганлар томонидан уларга маҳаллий аҳолининг ҳокимият фармойишига хурматсизлик ва қулоқ солмаганлик учун ҳеч қаерларда кўрсатилмаган жазога тортмоқ ҳамда калтакламоқ учун имконият ва ҳуқуқ берди. Бу жазолар айбдорнинг ижтимоий аҳволига қараб, маълум миқдордаги пул эвазига олиб ташланади. Айрим тўраларнинг ўзлари ҳам маҳаллий аҳолига уларнинг янги мажбуриятлари тўғрисида эслатиш ҳолатларини излай бошлаган эдилар. Манзарани **фаҳрий** маҳаллий аҳоли, қари чолдек кузатиш мумкин, жуда **тезлик** билан отдан учиб тушиб ҳамда қўлларини кўкрагига қовуштириб, қандайдир кокардаси, маҳкама тугмалари бор либосдаги **тўра** билан саломлашади. Кўпгина зиёли маҳаллий аҳоли хўрлашишни истамай, кўчага чиқмай қўйдилар ва кун бўйи ўзларининг уйларида ўтиришга мажбур бўлдилар. Сартни унинг орқасидан **кслаётган** полицмейстерни сезмай, йўлдан бурилгани, отдан **тушмагани** ҳамда таъзим қилмагани учун ҳам урдилар. У **солувчиларга** мол бериш билан банд бўлиб қолиб, пештахтадан **чиқиб**, шу ондаёқ кўчанинг нариги томонидан ўтиб келган тўрага **таъзим** қилмаганлиги учун росаям саваланди. Полиция тўралари **бозорда** юрган анча бойроқ аҳоли билан учрашувни атайлабдан **қидириб**, бамисоли полиция қуршовлариниям ташкил қилдилар... Маҳаллий аҳоли темирйўллар бўйлаб юришга оддий рухсат олиш учун жуда кўп меҳнати ва моддий қувватини сарфлаши керак...»

XIX аср 80- йилларидан бошлаб пахта экиладиган майдонлар муттасил тарзда кенгая борган эди. 1900 йилга келиб, у 246 минг гектардан зиёдга етганди. Деярли тўловларсиз тўнаб кетилаётган Туркистон пахтаси бўлса 83 минг тоннани ташкил қилган эди. Бу Россиядаги фабрикаларнинг пахта толасига бўлган эҳтиёжининг учдан бир қисмини қопларди. Россия ўзининг пахта колониясига ўта осон эга бўлиб олган. Туркистоннинг иқтисодий тараққиёти бўлса бирданига бир неча ўн йиллар орқасига қараб кетганди.

Туркистон ўлкаси XX аср бошларида батамом чор Россияси енгил саноатининг хомашё омборига айланиб қолди; олдинда эса, империяни жаҳон пахта бозорининг таъсиридан бутунлай озод қилиш режаси ҳам маҳлиё этаётган эди. Туркистоннинг оппоқ,

аммо, кўланкаси қора пахтасига бўлган яккахокимлик эса, аввал бошдан, бениҳоя қатъийлик, қаттиққўллик билан ўрнатилганди.

1903 йилда Германиянинг «Бишофф» фирмаси Туркистон пахта бозорига харидорлардан бири бўлган пайтда, чор ҳукумати Туркистоннинг пахтасини немисларга мутлақо сотмаслик ҳақида махсус қарор чиқарган эди. Туркистон пахтасини сотиш бўйича қарор тайёрлаган чиновникларга қуйидаги мазмунда кескин рад жавоби берилган: «Империянинг туб аҳолиси томонидан ғоятда катта талофатларни бериш эвазига кўлга киритилган пахтачилик айнан бизларникидир. Ва, бу пахта биринчи навбатда, қандайдир чет элларни эмас, айнан русларнинг саноатини бойитиши зарур» (П. Г. Гауза. «Туркистон – колония». Москва, 1929 йил, 73- бет).

Россия ҳарбий вазирлиги топшириғига биноан З. Кривошеин томонидан битилган кўрсатмаларда, Туркистонда пахтачиликни ҳар қандай йўл билан, ҳаттоки Россиядан ғалла келтириш эвазига бўлса ҳам, янада кенгайтириш жудаям зарурлиги ўқтирилган эди: «Туркистоннинг ҳар пуд ортиқча ғалласи рус ва Сибирь ғалласи учун энг асосий рақобатчидир; Туркистоннинг ҳар пуд ортиқча пахтаси бўлса Америка пахтаси учун рақобатчидир. Шу сабабли, ушбу ўлкага, гарчи анча-мунча қимматроққа тушса ҳам, ғаллани ташиб келтириб, ўлканинг суғориладиган ғалла майдонларини эса тагин пахта экиш учун бўшатиб бермоқ афзалроқдир» (Фитна санъати. 2- китоб. – Т.: «Фан» нашриёти, 1993 йил, 24- бет).

Туркистон ўлкасида рус тилида чиқдаган «Окраина» номли газетанинг 1896 йилги сонларидан бирида қуйидаги маълумотлар келтирилганди: «Рус саноати эҳтиёжларини қондириш мақсадида пахтачиликнинг ривожлантирилиши саноат хўжайинларидан ўзга ҳеч кимга соф фойда келтирмади. Пахта арзон баҳоларда олиниб Россияга юборилди. Шу пахтадан ишланган тайёр маҳсулотлар у ёқдан ўлкага келтирилиб сотилди ва беҳад катта фойда кўрилди. Мавжуд пахта майдонларини салгина қисқартириб, ўз меъёрида экиш ҳақида росаям жўшиб гапирилди-ю, лекин пахтани бетиним экавердилар». Худди ўша Генерал-губернатор Кауфманнинг ўзи ҳам, «Бу халқни тинимсиз ишлатиш керак, бу халққа бетиним пахта эктириш даркор. Шундагина у жамият ҳақида, ўзи хусусида

Ўйлашга вақти ҳам, хоҳиши ҳам асло қолмайди. Агарда нажотни истаса, уни фақат диндан қидирсин», деган фикрни билдирганди.

Князь В. Масальский 1913 йили олий ҳарбий-сиёсий доиралар фикрини баён этиб, шундай деганди: «Туркистонда қарийб ярим асрлик ҳукмронлигимизга яқун ясаганимизда беихтиёр бир савол туғилади: бу мамлакатдаги келгуси фаолиятимиз дастури қандай бўлиши керак, яқин орада яна қандай муҳим вазифаларни амалга оширамиз, асосий мақсадимиз нималардан иборат ва нималарга интилишимиз даркор? Туркистонда ҳал этилиши даркор бўлган навбатдаги жуда муҳим масалалардан бири – Ўлкани рус аҳолиси билан мустамлака қилишдан иборат. Россияга қўшиб олингандан буён ярим аср вақт ўтганига қарамай, ўлкада бу аҳоли маҳаллий мусулмон нуфусига нисбатан жуда озчиликни ташкил этади. Биз пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантириш ва яхшилашга ҳар доим ингилишимиз, бу борада сарф-харажатларни аямаслигимиз керак. Чунки, яқин келажакда биз ўз саноатимизни ўзимизнинг хомашёмиз билан таъминлаш ҳаёт-мамоғ масаласига айланади» (Масальский В. И., Туркестанский край. Россия. Под редакцией В. П. Семёнова-Тянь-Шанского. Т. XIX. – СПб, 1913, 558- бет).

1923 йили АҚШда нашр этилган «Centure» журналида Франк Таненбаум деган жанобнинг «Пахта монокультураси» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда эса, жумладан шундай дейилганди: «Американинг шимолий худудлари чинакам оқ вабо – пахтадан қаттиқ жафо чекаётир. У аҳоли турмуш тарзиниям буткул издан чиқариб юборди: ёшгу кексалар пахтанинг қулига айланиб қолди. Пахта маҳаллий халқни оммавий қашшоқликка гирифтор қилди. Пахта Американинг ҳосилдор ерларини путурдан кетказди. Пахта туфайли чорва камайди, аҳолининг саломатлиги ҳам ёмонлашди ва одамлар ҳеч нарсага қизиқмайдиган лоқайд бўлиб қолдилар... Кулфатларнинг саноғи фақат шу билан ниҳоя топса кошқийди!»

Ажабки, фақат XX аср интиҳосида – «Қайта қуриш» деган даврга келиб, орадан салкам олтмиш йил ўтиб кетгач, америкалик ўша муаллифнинг фикр-мулоҳазаларида билдирилган ҳолат, яъни кулфат ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам айнан такрорланган эди.

1958 йилда БМТнинг Европа иқтисодиётини ўрганиш бўйича комиссияси аъзолари Ўрта Осиё республикалари бўйлаб сафар

қилиб, айнан мана шу сохага доир материалларни тўплаган эди. Улар тўплаган далиллари асосида, «Пахтачиликка ихтисослашган республикалар иқтисодий ҳамда маънавий юксалишданам тўхтаб қолган, бу республикаларнинг саноатлашуви СССРнинг Европа қисмидан жудаям орқада», деб ҳаққоний хулоса чиқарган эдилар. («Гафаккур», 1998 йил, 1- сон, 52- бет). Яна ўша мозийга кайтсак.

«Ватандош бўлмаса, Ватан бўлмайди», деганди Ибн Арабий. Демак, ҳар қандай ватаннинг аччиқ ва чучук тарихи, оғир-енгил бугуни ва келажаги ватандошлик туйғусининг қандай даражада шакллангани, нечоғлик куч-қудратга эга эканлигига ҳам боғлиқ. Ҳақиқий, чинакам ватандошликдан доимо маслақдошлик туйғуси туғилади. Бундай маслақдошлик эса ўзини, ўзининг асл аҳволини англаш ҳамда ўзига ишонишга, ҳеч нарсадан чўчимай ва қўрқмай кун кўришмас, яшашга кишиларни доимо илҳомлантириб туради.

Ҳар қандай ўткинчи ҳис-туйғулар, ғаразли муддао, даъволар ватандошлик туйғуси таъсирида ниҳоят даражада хунук ва паст, бағоят сўник кўринади-да. Чинакамига ватандошлик туйғусигина кўнгилдан кўнгилга йўл очиб беради, эл-юрт дардини эса виждон дардига, хуррият ишқини бўлса ҳаёт мазмунига айлантира олади. Мана шунга эришилмаса ватандошлик ҳисси ҳам куруқ гап бўлиб қолаверади. Натижада, авомлик, нодонлик ва сохтакорликлар авж олиб кетаверади. Бетиним жабр-зулмлар, тинимсиз тарзда пахта эктиравериш натижасида Қадимий Турон, Туркистоннинг ғоятда жасур ва мард, бутун дунёни бир пайтлар зир титратган ёвқур эли амалда оломонга, оддий бир авомга айлантириб ташланган эди.

Авом ўзи ким? Инсондай эркин фикр юритиш ва эркин яшаш завқ-шавқидан маҳрум кимса. Унинг қорни тўқ ва усти бут бўлса, оромини ҳеч ким бузмаса – авомнинг «чинакам озодлиги» ана шу бўлади. Авомлик бу – лақмалик, кўр-кўрона ўзгаларнинг ортидан эргашиб кетавериш, ихтиёрий тарзда қуллик, малайликка чидаш деганидир. Шунинг учунам авомни алдаш, «олдига похол солиш, қулоғига лағмон илиш», лақиллатиш жуда осон. Унинг ҳақиқати эса қорнидан бошланиб, нақ бўғзида тугайди. Айниқса, истибод, мустамлакачилик шароитида босқинчилик мафқураси ўта кескир қиличга айланган даврларда авомни уйқудан уйғотиш, оломонни хурриятга чорлаш ва бошлаш амалда, ўз бошини кундага қўйиш

билан тенг бўлади. Чунки, XX аср ўзбек адабиётининг виждони донишманд Абдулла Қаҳҳор ҳаққоний тарзда таъкидлагани каби, «Мустамлакачилик фақатгина мамлакатни ғорат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи – одамларни, халқни руҳий жихатдан ҳам қаттиқ ғорат қиладики, асл кул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамларда мана шунда ярамас ҳаётга нисбатан салгина бўлса-да норозилик ва исён руҳи буткул сўниб қолади».

Ўзини қайси дин, қайси мазҳабга мансуб билмасин ва ўзини аслида ким деб ҳисобламасин, барибир авомнинг дини мустаҳкам бўлмайди. У аслида Худодан эмас, бошида қилич қайраб турган бандасидан кўркади. Холиқни шарафлаб, махлуқнинг пойига бош эгади. Унинг қоши қабоғига ва ҳукмига қараб югуради ва елади. Юрт бошига босқин офати ва мазлумлик кулфатлари ёғилганида, номусу ор учун майдонга чиқиш зарурати юзага келган пайтида нодон диндор ҳам, ғофил даҳрий ҳам асл адолатни эмас – зулмни, одилликни эмас – золимликни, чин ҳақиқатни эмас – ёлғонни ва қаллобликни ёқлайди. Сиз билан афсус ва надомат ила эслаётган чор Россияси босқини замонида ҳам худди шундай бўлган эди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ига жамиятнинг оғир инкирозга ботиб кетган даври – «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари» асос сифатида ибрат қилиб олинганидан яхши бохабарсиз. Маълумки, бундай таназзул пайтида жамият учун аввал-бошда пойдевор бўлган, одамларнинг руҳига сингиб кетган урф-одат ва қадриятлар замон талаблари асосида бойитилмаслиги, ташқаридан тоза ҳаво – «ижобий заряд» олинмаслиги ёки у келиб турмаслиги туфайли ўлик ақидаларнинг йиғиндисига айланиб қолади. Улар номигагина мавжуд бўлиб, жамиятни олға ҳаракатга эмас, турғунлик сари тортади. Мана шу тариха ҳаёт ҳам чексиз фожиаларнинг гирдобига айланиб қолади. Қадимий Шарқ шоирларининг дунё адолатсизликларидан нолиб, уни кажрафтори фалак, чархи зулмкор деб атаганлари бежизмас. Чунки, мавжуд муаммолар ҳал этилмайдиган, аксинча, янада ҳам мураккаблашиб бораверадиган тузумларда жуда эзгу тушунчалар ҳам тескари сифат касб этиб қолади, яъни бахт – фожиага, висол – асл ҳижронга, дўсту ёр – ғирт душман, ғанимга айланиб кетади.

Абдулла Қодирий хонликлар замонидаги жамият инқирозига алоҳида эътиборини қаратиб, куйидагиларни ёзганди: «Халқимиз таъбирига кўра, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурғон ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, бунинг устига юриш-туриши ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариатча эди. Ўғирлик қилгани учун кўл кесиладир ва ёки дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадирлар, ичкулик ичкан учун бўлса қирк дарра уриладир. Раис афандимиз эса мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирар эди. Иши шунчалик (даражада) нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тирикчиликлари орқасидан ҳеч қолмайдирлар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопка бўғилиб ташламоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадурлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айнининг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким сираям қийналмасдан сайрай оларди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас ва бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда бўлса расмий суратда ичкуликлар сотиш билан тирикчилик қилғучилар ҳам йўқ эмасдилар»...

Жамиятни маънан емириб ташлайдиган шундайин муаммолар ва мушкулотлар кишиларнинг тафаккуридаги турғунликни баттар кучайтиради. Турғунлик исканжасидаги оломон бўлса шароитга қараб хоҳлаганича ўзгараверади: бугун қипчоққа қирон келтирса, эртасига қорачопонни сиқувга олади, бугун Азизбекни хон қилиб кўтариб катта тантана қилса, эртаси куни эса уни отга судратиб, бу «томоша»дан ниҳоят даражада роҳатланади, шодликдан қанот қоқади, дуч келган кимсага эса ўз жасоратидан мақтаниб юради.

Турғун урф-одат ва анъаналарнинг қобиғига беркиниб олган, улардан бошқа қоидаларни асло тан олмайдиган, ривожланишдан тўхтаб қолган, янгиликка мутлақо холи қолмаган жамият ўзининг мавжуд кучи, салоҳиятини ана шундай беҳад номаъқул ишларга сарфлаб кунини кечира бошлайди, яъни том маънода яшамайди.

Россия Туркистон ўлкасини босиб олгач, миллий давлатчилик туйғуларини буткул сўндириб ташлашни ўз олдига қўйилган, энг биринчи навбатдаги, асосий вазифа ҳисоблаган эди. Уни амалга

оширмасдан туриб, бу ўлкада узоқ даврлар ҳукмронликни сира ҳам сақлаб бўлмаслигини истилочилар жудаям яхши билардилар. Айнан шунинг учун ҳам Россиянинг ҳарбийлари ва амалдорлари Туркистонда буюк рус давлатчилиги гоёларини амалга оширишга ва маҳаллий аҳоли онги ва қалбига сингдиришга киришиб кетган эдилар. Бундайин ёвуз ишга рус олимлари ва зиёлилари ҳам кенг сафарбар этилганди. Бунақа сиёсатнинг ўта хунук оқибатларини мустамлакачилар сафида бўлган профессор Н. И. Веселовский ўз вақтида пайқаган ва бундай эътироф этган эди: «Биз Туркистонга ўзимизча маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осийликларга тинчлик ва осойишталикни бердик, деб ўзимизни ўзимиз овутамиз. Аммо, булардаям юксак олий бир туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Биз мусулмонларнинг аҳволини ҳам яхши тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчиликнинг йўқотилиши) оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда эса улар шунақа аҳволга тушиб қолдилар. Баски, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ҳам асло ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар ҳам борки, улар халқнинг оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини, албатта, намоён этажак».

1882 йили Тошкентга келган швейцариялик сайёҳ, журналист Генрих Мозер Туркистоннинг генерал-губернатори М. Черняевга мурожаат қилиб, «Туркистон қачон европалаштириб бўлинади?» деб сўраган чоғида, босқинчи генерал эса очиқчасига: «Маҳаллий аҳоли бизнинг тамакимизни чекишга ҳамда ароғимизни ичишга бутунлай ўрганиб бўлганида», деган жавобни қайтарганди. Мана шу қабих ниятни амалга ошириш учун ўлкага буткул ёт бўлган корхоналар – ароқ-вино заводлари қурилиб, турли қовоқхоналар ва пивохоналар, ҳаттоки исловоҳоналар ҳам очилган эди...

Академик В. Бартольд ҳам бу масалага эътибор қаратиб, мана шундай фикрини ёзган эди: «Маҳаллий аҳолининг руслар билан яқинлашиши ва рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг ташқи, салбий томонларини ўзлаштирди. Фахш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўрганди. Ҳаттоки, уламолар, дин аҳллари ҳам шундай ярамас ҳаёт кечиришга бошлади» («Тафаккур», 2002, 2-сон).

Абдулхамид Чўлпон XX аср бошидаёқ Европага муносабат қандай бўлиши кераклигини ва улардан нималарни ўрганишимиз шарту нималардан ниҳоятда сақланишимиз даркорлигини бундай таъкидлаган: «Эй, қариндошлар... катта илтимосимиз шулдурки, Оврупонинг мўдосидан, шишасидан, бузук ахлоқидан ҳеч намуна олмасдан ва буларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар ва саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна олиб, бул жиҳатдан тақлид қилмоғимиз лозимдур. Оврупонинг мўдоси, шишаси ва бузук ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир, кул қиладур. Бундан сақланингиз!

Оврупонинг мактаб мадраса, илм-фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутултуродур. Биродарлар, кўзингизни очиб, жуда яхши ўйланглар!» (Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар. Садойи Фарғона, 1914 йил 6 июнь, 26- сон).

Шу ўринда фурсати келиб қолгани боис, улуг аллома Маҳмуд Замахшарийнинг тақлид хусусидаги бебаҳо фикрларидан баҳра олиб, сўнгра юқорида бошланган мулоҳазаларни давом эттирсак:

«Эй инсон ўғли! Эътиқод соҳасида илм ва ишончни қўлга кирит. Илму-л-яқин ҳосил қилишга ҳаракат қил. «Фалончи ундай, бундай деган», деб нақл ва ривоят айтувчиларга асло эргашма.

Тақлидий имонда қолмай, ҳақиқий имонни қўлга кирит. Ётган арслондан тулки эпчилроқдир деб ўйлама. Ҳақиқат аҳли назарида тақлидий имон эгаси ёмғирда қолган эчкидан ҳам заволлироқдир.

Эътиқод масалаларида тақлидчи – калитини йўқотиб қўйиб, ўз уйи эшигини оча олмайётган одамга ўхшайди, у бировларнинг айтганини билади, холос, ҳақиқий илмдан бўлса асло хабари йўқ. Тақлидчи – ўзининг ҳовлисида ўтин тўплаб, чакмоқтош (гугурт) топа олмай (бошини қашиб) ўтирган (бечора) одамга ўхшайди.

Инсон юзаки эътиқодни ўз онасининг айтганларидан ўрганган бўлса, бу ҳам тақлиддир. Тақлидий гапларни ўзига раҳбар қилган, илмсиз одамларга жаноби Ҳақ ўз назарини сира ҳам солмайди...»

Фитрат эса Ғарбнинг ниятини қуйидаги жумлада ифодалаган эди: «Шарқнинг ахлоқини бузмоқ, кўнглини эса диний ва миллий муқаддас ватанидан совутмоқ, шарқлиларнинг орасинда айрилиқ ва ёвлик солиб бир-бирларига қарши қилич чектирмак, шарқини

ишсиз, ялқов, оч ҳамда яланғоч қилиб, ўзларига қул, малай этиб олмоқ, юввош-юввош шарқдиларнинг қўлидан ери ва қимматли нарсаларини эса ҳийлалар билан тортиб олмоқ. Шарқ халқларини турли-туман йўллар билан секин-секин йўқ қилиб ташламоқ...» («Маънавий ҳаёт» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий ҳамда илмий-оммабоп журнали, 2018, 1 (17)- сон, 109- бет).

1874 йилда Санкт-Петербургда русча «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» номли бир китобини нашр эттирган генерал-лейтенант М. И. Иванин ўз мустамлакачи шерикларига қуйидагича қабих маслаҳатини берган эди: «Душманда нимаики яхши нарса бўлса, уни изидан чиқаринг, амалдорлари ва таниқли кишиларини уларнинг мавқеига номуносиб, паст ишларга жалб этинг, керак бўлиб қолганида уларнинг сирларини фош қилинг... Дупманнинг энг ярамас одамлари билан махфий алоқада бўлинг. Уларнинг сирларини билиб олиш учун маблағни сира ҳам аяманг, чунки, уни қанчалик кўп сарфласангиз, шунча кўп фойдаси билан ўзингизга қайтиб келади» («Тафаккур», 2009, 3- сон, 10- бет).

Мустабид ҳукумат Туркистон халқларига нисбатан нафақат сиёсий ва миллий, шу билан бирга, турган ғал-ки, жуда ҳам оғир иқтисодий ва маънавий зулм ўтказган. Фарғона водийсида пахта яккаҳоқимлигининг жорий этиб борилиши эса қишлоқ хўжалиги бошқа соҳалари, айниқса, ғалла етиштиришнинг кескин равишда қисқаришига олиб келганди. Натижада, озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб кетганди. Россиядан келтирилган ғалла эса юқори нархларда сотилар эди. Бу аҳолининг шундоғам ниҳоятда ночор иқтисодий аҳволига бетиним улкан, қақшатқич зарар етказар эди.

Ўша пайтлардаги вақтли матбуотда ҳам европалик олимнинг жафокаш ўзбек дехқонининг турмуши ҳақидаги шундай шундай таассуроти ҳам нашр этилган эди: «Дехқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада харобки, бундай турмушни бирон-бир бошқа жойда кўрмаганман. Рўзғорида икки – уч темир асбоб, икки – учта сопол идиш бор, холос. Уйнинг бир бурчагида эса йиртиқ, яғир босган бир неча кўрпа-ёстиклар пала-партиш уюлиб ётар эди. Дехқонлар офтобда қорайган кўкрагини очик қолдириб, яғир яқтак, устидан эски чопон киядилар. Аёллар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юрадилар. Машаққатли меҳнатдан кейин улар куч-мадор тўплаш

учун атала ёхуд жўхори, ё буғдой, ё арпани туйиб ва гўжа ошни тайёрлаб, уни қатиққа аралаштириб ичадилар. Улар кўпинча ўша овқатни тановул қиладилар ва мудом машаққатли меҳнат билан бандлар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1991 йил 6 сентябри). Пахта яккаҳоқимлиги эса бечора аждодларимизни ана шундай ғоятда ачинарли кун кечиришга мажбур қилиб қўйганди.

Ишчиларнинг беҳад оғир аҳволда кун кечириши гоҳо расмий матбуот хабарларидаям эътироф этилиб турарди. «Туркестанский курьер» газетасининг 1909 йил 12 декабрь сонидаги мақолада бу хусусда шундай далиллар келтирилган эди: «Агарда сиз ишчилар аҳволи билан танишишга қизиқсангиз, деярли ҳамма заводларда бир хилдаги аҳволни учратасиз: 1) ишчиларга ётоқ учун завод ёхуд омборларнинг биридан жой ажратилган; 2) бу жойлар ҳеч қачон ёритилмайди ва иситилмайди; 3) ҳамма жойда суткасига 12 соатдан ишлайдилар; 4) завод биноси ва машина бўлими чидаб бўлмайдиган даражада чанг; 5) завод биносида фақат 3 – 4тагина шамчироқ фонарь бўлиб, эгалари бўлса, айнан буни ёритиш деб аташади. Бунинг натижасида, қора ишчилар бутун завод ичида қоронғида пайпаслаб ҳамда чанг ҳавони филтрация қилиб нафас олиш учун бир парча пахтани оғизга солиб тишлаб юрадилар; 6) маҳаллий миллат ишчилари завод тўхтаб қолган чоғда двигатель – моторларни тўхтатиб, заводни юргизган пайтларида бўлса ушбу двигателларни ишга солиб ва доимо мойлаб турадилар, чунки бу ишларни бажарувчи махсус хизматчиларнинг ўзи ҳам йўқ».

1911 йилда бутун Фарғона вилоятидан олинган солиқларнинг умумий ҳажми 2792653 сўмни ташкил этган. Бирок, ҳукуматнинг олган даромади бу билангина чегараланиб қолмасдан, маҳаллий ўлпонлардан ҳам ўз хазинасини тўлдирган. Умум ҳисобда давлат ер солиғи ва маҳаллий ўлпонлар 3884031 сўмни ташкил этган. Ўша пайтда 1 пуд (16,38 кг) буғдой – 1 сўм 40 тийингача, 1 пуд ун – 2 сўм 10 тийин, 1 қадоқ (409,512 гр.) мол гўшти – 9 тийин, 1 пуд шакар – 6 сўм 50 тийинга сотилган. Агарда эътиборингизга ҳавола этилган товарлар нарҳини давлат ер солиғи ва маҳаллий ўлпон орқали олинган пулларга таққосланса, чор ҳукуматининг ўлкамизда ўрнатган солиқ тизими беҳад даражада адолатсиз ва оғир эканлигиданам бохабар бўламиз. Маҳаллий аҳоли зиммасига

ишлаб бериш («натуральная повинность») ва «йўл мажбурияти», турли-туман зарарли ҳашаротларга қарши курашиш мажбурияти ва харажатлари ҳам нақ олаҳуржун сингари юклаб қўйилган эди.

1914 йилнинг августидан бошланиб кетган Биринчи жаҳон уруши Туркистон ўлкасидаги 10 миллиондан ортиқроқ аҳолининг ҳаётини мисли қўрилмаган даражада ёмонлашувига олиб келган эди. У биринчи навбатда, озик-овқат маҳсулотлари етишмаслиги, улар нархининг кескин кўтарилиши, турли хил касалликларнинг авж олиб кетиши ва зулмининг тобора кучайишига олиб келганди. Ўша замонлардаги айрим бир статистик маълумотларга биноан, уруш вақтларида гўштнинг бир қадоғи 20 тийиндан 50 тийинга, шакарнинг бир қадоғи 14 – 15 тийинда 30 – 35 тийинга, уннинг бир пуди бўлса 2 сўм 10 тийиндан 4 сўм 20 тийинга кўтарилган. Сигир ва қўйларнинг нархи ҳам ошиб кетган. 50 сўмлик от 100 – 200 сўмга сотилган. Отларнинг нархи ўта кескин тарзда ошишига асосий сабаб уларнинг фронтга жўнатилиши билан боғлиқ эди.

Нарх-навонинг хаддан ташқари тез ошиб кетишига Россиядан ғалла келтиришнинг 50 фоизга қисқартирилиши ҳам сабаб бўлган эди. Шу билан бирга, пахта майдонининг кенгайтирилиши ғалла экишнинг янада ҳам қисқаришига олиб келганди. Тошкент шаҳри бошлиғи Н. Маллицкий 1916 йил 17 августида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори номига йўллаган махсус хатида 1915 йили Ўрта Осиёда ғалла маҳсулоти 8,5 миллион пудга камайиб кетгани сабабидан ҳам Туркистоннинг бешта вилоятида жами бўлиб 22 миллион пуд дон етишмасдан қолганлиги ва натижада очарчилик бошланиб кетганини эътироф этганди. Бу ҳолат маърифатпарвар шоир Завқий томонидан асл завқ-шавқ билан эмас, ниҳоятда ғам-андух ила 1916 йил баҳорида юрак қонида ёзилган «Қаҳатчилик» сарлавҳали шеърда ҳам ўзининг яққол аксини топган эди:

*Қаҳатчилик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда,
Ўлим хавфи ўрлаб қишлоқларни,
Не қишлоқу жибол авлодларни,
Қирилди қанча одам вабодан,
Нишона қолмади меҳру вафодан...*

Уруш даврида мустабид ҳукумат вакиллари маҳаллий аҳоли орасида жуда кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот юритиб, сунъий равишда туб аҳолининг онги ва қалбига «ватанпарварлик» ҳамда «императорга содиқлик» руҳини сингдиришга ўта каттиқ ҳаракат қилган, мажбурий хайр-эҳсонлар уюштирганди. Бундан ташқари эса, туб аҳоли вакиллари мажбурий хизмат ўтамаётганини рўқач қилиб, улар ҳаддан ташқари машаққатли меҳнатлар эвазига олган даромадининг 21 фоизини солиқ ўрнида тўлашга мажбурланган...

Энди Биринчи жаҳон урушининг (1914 – 1918 йй.) тарихий илдизларига бир назар ташласак, кўрилаётган масала моҳиятини англашимиз ҳам анча-мунчагина осон кечган бўларди. Марказий давлатлар – Германия, Австро-Венгрия, Туркия, Болгария ҳамда Антанта – Россия, Франция, Буюк Британия, Сербия, кейинчалик бўлса Япония, Италия, Руминия, АҚШ ва бошқа жами 38 давлат ўртасидаги Биринчи жаҳон уруши башариятнинг бошига мислсиз даражадаги кулфат, қайғу-алам ва ғам-ташвишларни солган эди.

1914 йилнинг 15 июнида (янги ҳисобда 28 июнда) Германия империясининг гиж-гижлаши билан Австро-Венгрия кўшинлари ўша пайтларда Сербия эгаллаб турган Босния ва Герцоговинада ифвогарлик қилиб ва ҳаддан ташқари тантанали мусиқа садолари остида ҳарбий машқлар ўтказишни бошлаб юборган эдилар...

1389 йилнинг ёзи... Ўша пайтларда ҳам айна ҳозирги чоғдаги каби бутун жаҳонни ташвишга солиб турган «Европанинг порох тўлдирилган бочкаси» Болқон ярим ороли. Сербиянинг Косово майдони. Сарбаланд соҳибкирон Амир Темур билан тўкнашиб, роса адабини еган Йилдириш Боязиднинг отаси Усманийларнинг султони Мурод жасур серб жангчиси Милош Обилич томонидан ўз чодирда қилич санчиб ўлдирилган эди. Ўша куниёқ, яъни 15 июнда серблар князь Лазарь ва ўн минглаб йигитлари жасадини ҳарб майдонидан олиб чиқиб, уввос солиб, дафн қилганлар. Айна шу сана 1389 йилдан бошлаб Сербияда мотам куни ҳисобланади.

Ушбу ҳолат, яъни мотам кунидаги тантанавор мусиқа садоси сербларнинг миллий ғурурини атайлаб топташ, хўрлашдан ҳамда уларнинг жиғига, ғашига тегишдан асло ўзга бирор нарса эмасди. Оқибатда бўлса, Сараево (Сарой) шаҳрида Австро-Венгрия тахти вориси бўлмиш Франц Фердинанд ўз турмуш ўртоғи – бўлажак

малика билан роса хушчақчак, намойишкорона сайр этиб юрган палласида «Млада Босна» миллий ташкилоти аъзолари Гаврила Принцип ва Неделько Чебринович томонидан отиб ташланган...

Австро-Венгрия давлати ҳукмдори Франц-Иосиф Чехиянинг Прага шаҳридаги жуда махфий учрашувда Германия императори Вильгельм II таклифига кўра, Сербия давлатининг гашига тегиб, уни аввалроқдан мушт кўтаришга мажбурлашни кўзлаганида бу қилмиш ўзининг жияни, тахт ворисидан ажралиб қолишига олиб келишини мутлақо ўйламаганди. Тагин ўша Германия таклифига кўра, Сербияга ультиматум – қатъий талаб тақдим этилган. Унда Босния-Герцоговина ерларини босиб олишни дарҳол тўхтатиш ва эрц-герцог (яъни, тахт вориси)нинг ўлдирилиши билан бевосита боғлиқ роса оғир жиноят иши бўйича Австро-Венгрия империяси махсус терговчиларини Сербия ҳудудига тўскинликсиз киритиш сингари ниҳоятда қатъий равишдаги талаблар қўйилган эди.

Сербиянинг ўша пайтдаги «иттифоқчиси» Россия империяси бўлса ўзининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи ниҳоятда мушкул бўлгани сабабли, «укасига» ультиматумни қабул қилиш таклифини берган эди. Сербия давлати эса, ўша ультиматумдаги энг охирги бандни қатъиян рад этиб, бошқаларини қабул қилган. Бунга жавобан Австро-Венгрия 15 июлда Сербияга қарши уруш эълон қилган эди. Россияда бўлса ўзининг иттифоқчисини ёлғиз қолдирмаслик ва икки давлат орасидаги мавжуд шартномага амал қилиш мақсадида ҳарбий сафарбарлик бошланган. Бу жараёни дарҳол, зудлик билан тўхтатиш хусусидаги Германиянинг талаби бўлса кескин рад этилган. 19 июлдаёқ Германия Россияга, 21 – 22 июлга келиб Англия ва Франция Германияга, 26 июлда Франция Австро-Венгрияга расман уруш эълон қилган эди. Шундай қилиб, бутун дунёнинг 38 мамлакати халқларини чинакам ажал комига тортган, уларнинг сокин ҳаётини эса ҳақиқий жаҳаннам, дўзахга айлантириб юборган Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетган эди.

1914 йил 26 июлидаёқ Россия империяси ўз мустамлакаси бўлмиш Туркистонда фавқулодда муҳофаза хусусидаги Низомни тасдиқлаганди. Эл-юртнинг бўйнидаги миллий зулм ёртмоғи эса бошланиб кетган жаҳон уруши туфайли янада қаттиқ, тарангроқ сиқилганди. 1915 йилнинг январидан маҳаллий аҳолидан ҳарбий

хизмат ўрнига, юқорида ҳам алоҳида қайд этганимиздек, ҳамма даромадининг 21 фоизи миқдориди харбий солиқ олина бошлади. Подшо маъмурлари эса вазиятдан унумли равишда фойдаланиб, очикдан-очик талончилик йўлини танладилар. Бунинг устига кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳаддан ташқари ошиб кетиб, оддий аҳоли аҳволини янада мушкул қилиб қўйган эди. Бунинг натижасида, катта ер эгалари ва савдогарлар, эл бошига тушган беҳад оғир тегирмон тошидан унумли тарзда фойдаланиб қолган ва янада бойиб борган. Ўрта Осиё темир йўли жандарма бошқармасининг Қўқон бўлими бошлиғи 1915 йил 18 ноябрдаги махфий ахборотида «савдогарлар мана шу қадар катта фойдани олиб, бойиб қоладиган ҳозирги урушдай яхши аҳволни юз йилда ҳам асло топиб бўлмайди», деяётганларини ёзган эди.

1915 йилдан бошлаб деҳқонлар бошига яна бир катта кулфат гурсиллаб, қарсиллаб тушган эди. Бу пахтанинг харидига қатъий, ўзгармас нарх белгилаб қўйилиши билан бевосита боғлиқ эди. Чор ҳукумати пахта олди-соттиси билан боғлиқ фирмалар ҳамда тўқимачилик фабрикалари хўжайинларининг манфаатини кўзлаб, пахтага ниҳоятда арзон нархни тайинлаганди. 1915 йил августида миллионер Н. И. Гучков раислигида фабрикаларни хомашё билан таъминлашни уюштирувчи комитетнинг махсус мажлиси бўлиб, пахтанинг 1 пудига бор-йўғи 24 сўм миқдориди нарх нормаси тасдиқлаб қўйилган эди. Шундай қилиб, ўша пайтдаги пахтанинг ўрта ҳисобдаги бозор нархи 30 сўмдан сунъий равишда 24 сўмга туширилиб, маҳаллий деҳқон етиштирилган ҳар пуддан 6 сўмдан зарар кўрар эди. Пахта хомашёсига қатъий нарх белгиланганлиги ҳолда тўқимачилик бошқа турдаги саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулоти нархлари бўлса нормалаштирилмаган эди, оқибатда, эса уларнинг баҳоси кундан-кунга кўкка кўтарила борган эди.

Урушнинг 2,5 йили мобайнида Туркистоннинг аҳолисидан мусодара қилинган 70 минг от, 13 минг туя, 14,5 минг ўтов, 38 минг кв. метр кигиз ва бошқа мол-мулклар Россия империясига олиб кетилди. «Уруш эҳтиёжлари» учун аҳолидан зўрлик билан 2,5 миллион сўм пул ҳам йиғиб олинганди. 1914 – 1916 йиллар давомида эса деҳқонлардан ундириб олиш мақсадида 16 миллион сўмлик суд – ижро варакалари таркатилди. Турли талон-тароажлар

окибатида Туркистон ишлаб чиқарувчи кучлари хароб бўлганди. Аҳоли орасида норозилик аломатлари кучая борди, жандармлар бўлса «ёлгон миш-миш»ларни тарқатган, ҳукуматга бўйсунмаган маҳаллий аҳолининг вакилларини қамоққа ола бошлагандилар.

Ўша пайтлардаёқ марказга юборилган махфий ахборотларда «Бу ерда қашшоқлик, шу билан бирга аҳоли норозилиги бетиним ўсмоқда ва бу аҳвол очикдан-очик кўзғолонга айланиб кетиши» мумкин деб, очикдан-очик хавотир ва ташвиш билдирилган эди.

... Жаҳон уруши бўлса Россия империясида етилиб келаётган барча зиддиятларни янада чуқурлаштириб, кучайтириб, одамлар бошига ташвиш, ғам-алам ва кулфатлар уруғини сочишдан асло тўхтаб демасди. Фронтдаги чор Россияси кўшинига бўлса пешмапеш янгидан-янги харбий кучлар сафарбар қилинаверган эди.

1874 йилда Туркистон мусулмонлари империя манфаатлари нуқтаи назаридан, уларда бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлиб келган жанговар харбий руҳни тамомила ўлдириб ташлаш мақсадида, «харбий хизматдан тўла-тўқис озод» этилган эдилар. Ушбу масала хусусида Аҳмад Заки Валидий шундай ёзган эди: «Илгариги Туркистонда эски одатга кўра аскарликка каттагина рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир туркистонликлар аскарликдан озод этилганликлари туфайли ҳам аста-аста шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар... Русия Осиёда ғоятда узокни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу ниҳоятда кенг қамровли ҳаракатлари ҳеч қандай чек-чегара билмаган, ҳирси ва иштаҳаси бўлса кун сайин ошиб боровчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам буюк давлатчиликка ниҳоятда қаттиқ боғланган, хусусий мулкка қараб қолмасдан, ўз ҳукумати кўрсатган ҳар қандай жойга, ҳар қандай ўлкага бориб жойлашишга чамадани доимо тайёр, ҳаракатчан ва ғайратли келади. Рус миллати бундай ҳаракатчанлик ва ғайратни бўлса ўзича алоҳида бир уддабуронлик деб ҳисоблайди...»

Россия урушга ўзида мавжуд бўлган энг сўнгги резервларини сафарбар қилса ҳам одамлар етишмасди. Ғарбий фронтда Россия империясининг дўшиси тор кела бошлагач, Николай II Романов ва унинг беҳад даражада муғомбир маъмурлари 1915 йили Давлат думасининг мажлисида «бегона халқларниям» мажбурий харбий хизматга қақриш керакми ё йўқми, деган муҳим масалани ўртага

ташлаганлар. Айни шу сабабдан ҳарбий министрлик Туркистон ўлкаси туб аҳолисини ҳаракатдаги армияга чақириш тўғрисидаги махсус лойиҳани ҳам ишлаб чиққан эди. 1915 йил 27 ноябрида бўлса лойиҳа Россия империяси Министрлар Советининг махсус бир мажлисида ҳам бафуржа, атрофлича муҳокама қилинган эди.

Мустамлакачилик сиёсатида устаси роса фаранг бўлиб кетган подшо ҳукумати, сал-пал бўлса-да, хавфсирагани туфайли ҳам бу борада Туркистон генерал-губернаторлигидан «бегона аҳолини» ҳарбий хизматга олишимиз мақсадга мувофиқми ё йўқми, деган маслаҳатни сўраган эди. Туркистоннинг ўша пайтдаги муваққат генерал-губернатори Мартсон 1915 йилнинг 20 августида Бош қароргоҳга юборган жавоб мактубида «махаллий аҳолини ҳарбий хизматга чақириш мутлақо мумкин эмас», деб ёзган эди. У агарда ушбу тадбир амалга оширилгудек бўлса, маҳаллий халқ ўртасида ғалаёнлар кўтарилиб кетиши мумкинлигини таъкидлаганди. Чор ҳукуматининг ўзи ҳам, юқорида қайд этилганидек, Туркистон ва ўлкаларнинг маҳаллий аҳолисини ҳаракатдаги армияга чақириб, улар қўлига қурол беришдан ташвишланар эди. Мустамлакачилар хавфсираши ҳам ўта асосли бўлиб, миллий ва сиёсий-иқтисодий зулм жон-жонидан ўтиб, суягига қадар етган мазлумлар истаган пайтида уларга қарши бошини кўтариши аниқ-тиниқ эди. Бунинг оқибатида эса чор ҳукумати Туркистон ва бошқа истило этилган ўлкалар маҳаллий аҳолисини амалдаги ҳарбий хизматга чақириш режасидан тўла-тўқис равишда воз кечишга мажбур бўлган эди.

1916 йилнинг 25 июнида Россия сўнгги императори Николай II Романов томонидан имзоланган «Империядаги бегона аҳоли эркакларини ҳаракатдаги қўшинлар ҳудудида ҳарбий иншоотлар шунингдек, давлат мудрофааси учун бошқа ҳар қандайин ишларга жалб этиш тўғрисида»ги фармон эълон қилинганди. Унга биноан, уруш мобайнида «бегона халқлар» аҳолисининг 19дан 43 ёшгача бўлган барча эркакларини Россия империяси ҳарбий манфаатлари йўлида турли ишларга мажбурий сафарбар қилиш буюрилганди. Бу фармон чоризм мустамлака – «рустамлака» (ибора бизники – Б. И.) сиёсатининг ниҳоятда мудҳиш натижаларидан бири бўлган эди. «Бегона халқлар»ни ҳаракатдаги армияга олиб, улар қўлига қурол беришдан ваҳимага тушган чор ҳукумати, бунинг ўрнига

уларни жуда қонли ва адолатсиз жаҳон урушининг эҳтиёжларини коплаш мақсадида фронт орқасидаги оғир ишларни бажаришга мажбуран сафарбар қилган эди. Бу фармоннинг мазмун-моҳияти тузук-қурук тушунтирилмаганлиги боис маҳаллий аҳоли орасида «Энди Оқ пошшо урушга одам олармиш» ёки «Урушга мардикор олармиш» дея овоза бўлган, ҳар хил миш-мишлар тарқалган эди.

1916 йил 15 декабрида Россия давлат думаси аъзоси Ажемов бу хусусда шундай деган эди: «Олий фармон чиққанидан кейин бир неча кунлар ўтгач, Министрлар Советининг раиси Штюрмер барча жойларга «19 ёшдан 43 ёшгача бўлган ҳамма ғайритабаалар мардикорликка олинсин!», деган мазмундаги махсус телеграмма жўнатган. Ҳа, жаноблар, бу одам ё жиноятчи, ё хиёнаткор, ё худ ақлдан озган. Бўлмаса қандай қилиб ҳеч бир ҳарбий комиссиясиз ва ҳарбийлар иштирокисиз, аҳолининг тайёргарлигисиз, қай бир табақани қай тартибда мардикорликка олишни аниқламай туриб, буни кимлар амалга оширишини айтмай, аҳолига қаёққа ва нима учун чақирилаётганини ҳам маълум қилмай, жойларда йиғилиш ўтказиб, буни эса қонунлаштирмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган аҳолини мардикорликка олиш ҳақидаги телеграммани жўнатиш мумкин? Нима, Штюрмер ақлдан озиб қолган бир жиноятчими?..

Ҳаммангиз ҳам биласиз – йўқ. У – хиёнатқорми – билмадим, лекин у Россиядаги миллионлаб одамларни норозиликнинг ўтида аёвсиз қовурган кимсадир, бу эса рад қилиб бўлмайдиган факт. Чунки, соғлом фикрли, хусусан, давлат тепасида турган ҳеч бир киши 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган аҳоли мардикорликка олинсин деган телеграмма жўнатиши мумкин эмас... Шундай қилиб, аҳоли кўйи бошлиқларидан уларни ҳарбий мажбуриятларни ўташ учун чақиришяпти деган мазмундаги тушунтиришни олади... Аҳолига ҳам худди шундай туюладики, гўёки уларни кўшиннинг олдинги қисмларига жўнатишмоқчи ва уларга айтишганидек, айнан жанг қилаётганларнинг олдида окоп қазилари даркор. Бу – олдинда, ҳеч бир қурол-яроғсиз, энг биринчилардан бўлиб душман ўқиға учишади, деганидир. Сизлар бундай эмас, дейишингиз мумкин, балки буларни ўзимиз ўйлаб чиқаргандирмиз? Ҳеч бўлмаган гап.

Орадан анчагина вақт ўтгач, генерал Куропаткин Туркистон ўлкаси бўйича алоҳида буйруқни чиқариб, буларнинг барини тан

олади ҳам бундан ҳам кейинроқ, 23 августда у аҳолига уларни мардикорликка олишдан мақсад ҳам армияга чакирилмаган қуйи амалдорлар ва ишчиларни ҳарбий хизматга жалб қилиш учун ҳам ишдан озод этиш эканлигини тушунтиради... Мана таққосланг: 2 ойдан кейин генерал-губернатор келади-да, аҳолига бор гапларни тушунтириб беради. Олий фармон чиққанидан кейин 5 кун ўтгач бўлса, юқорида айтганимдек, Штюрмер телеграмма жўнатади: 19 ёшдан 43 ёшгача аҳолини мардикорликка ол!.. Ахир бу жаноб ўз хатти-ҳаракатлари билан Россияга шунчалик даҳшатли оқибатлар келтирдик, уларни бартараф этиш учун ҳали бизларга камида ўн йиллар керак бўлади...» (Исмоилова Жаннат. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил қўзғолони мисолида). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2003, 282 – 284- бетлар).

Ушбу фармон нафақат маҳаллий аҳоли, шу билан биргаликда мустамлакачи амалдорлар учун ҳам ҳеч қутилмаган иш бўлганди. Фармонни айнан шундай тарзда Туркистон ўлкасига татбиқ этиб бўлмаслигини собиқ ҳарбий вазир А. Н. Куропаткин ҳам жуда яхши тушунар эди. У ўз ёрдамчиси генерал Фроловга ниҳоясига етказилмаган бу тадбир, яъни туб аҳолини чекка ўлкаларга қора ишга жўнатиш ноўринлиги ҳақида бир неча марта гапирган эди. Аммо, шунга қарамай, Марказдан берилган буйруқни бажариши ҳам шарт эди-да. Шу сабабга кўра, 8 августда Туркистон генерал-губернатори лавозимига янгидан тайинланган «ярим пошшо» А. Н. Куропаткин «40 – 50 йиллар мобайнида Россия қарамоғидаги маҳаллий халқлар, туб аҳоли рус найзаларининг остида тинч ҳаёт кечирдилар, ривожландилар ҳамда бойидилар. Ватан учун росаям оғир дамларда, талаб этилаётган пайтда улар Россияга, албатта, зарур бўлган мардикорларни етказиб берадилар», дея катга ваъда қилиб юбораверганди. 1916 йилнинг 13 декабрида Россия давлат Думасининг депутати Ю. Жаъфаров қўзғолонларнинг сабаблари ва унинг оқибатларига бағишланган ўз чиқишида бу масалага ҳам алоҳида ургу берган, эътибор қаратганди: «Маъмуриятта генерал-губернатор Куропаткиннинг келиши (ва ундан кейин бошланган жараён)ни Туркистондаги ўтакетган тартибсизлик, йиртқичлик, зулм-ситамлар, зўрликлар, ноҳақ ҳамда оғир солиқларнинг ёрқин намунаси сифатида келтириш мумкин... Генерал Куропаткин ҳам

ўзидан олдин келганлар каби ўлкадаги рус ҳокимияти байроғини ниҳоят даражада баландга кўтариб, роса хилпиратиб турди».

Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткиннинг 1916 йил 20 августда Туркистон аҳолисига қарата қилган мурожаатида подшо ҳазратларининг буйруғи билан у мардикорликка олишни белгилаш тартибини аниқлаш, мардикорликка кимларни олиш ва кимни олмаслик ҳуқуқига эгаллиги ва Туркистон армияларига бош кўмондонлик қилиш ваколатига ҳам эгаллиги қайд этилган эди.

Мардикорликка олишнинг тартиби «Туркестанский голось» газетасида эълон қилинганди. Буйруққа кўра Сирдарё вилоятидан 60000, Еттисувдан – 43000, Фарғонадан – 51 минг 233 ҳамда Самарқанд вилоятидан – 32407 кишини жўнатилиши даркор эди. Каспийорти вилоятидан 13830, Қозоғистон ҳудудидан 235 минг мардикорни фронт ортига ишга чақириш режалаштирилган эди.

Марказга пешма-пеш «Пахта етказиб берадиган жойларнинг манфаатини ҳимоя қилиш» мақсадида «Туркистон марвариди», «Салтанат тожидаги бекиёс ва бебаҳо гавҳар» – Фарғона водийси Россия империясининг энг асосий пахта базаси бўлгани туфайли ҳам бошқа вилоятларга нисбатан салгина озроқ, яъни ҳар бир 5 хонадондан 1та мардикорни жўнатиши шарт қилиб кўйилган эди.

Куропаткин буйруққа махсус йўриқномани илова қилган эди. Унга биноан, фронт ортидаги ишлар тури, характери ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг шартлари, Каспийорти вилояти туркманларининг «текин жасоратли» полки уруш олиб бораётган армия сафларида иштирок этаётгани, фронт ортида қурол билан ҳимоя хизматини ўтаётгани, Помир тумани ва Хўжанд уездининг Матчоҳ волости, Самарқанд уездининг Фалгар ва Искандар волостида яшовчи рус фуқаролари мардикорликка олинмаслиги, қолган ўзга маҳаллий аҳолидан мардикор олиш хусусидаги подшоҳ ҳазрати олийлари фармонини асло кечиктирмай ижро этишнинг талаб қилинишига алоҳида урғу берилган. Ҳар бир мардикор киши ва ёзги кийим-бошга, идиш-товоқ, асбоб-анжомга эга бўлишиям кўрсатилганди. Мусулмончиликнинг тартиб-қоидаларидан келиб чиққан ҳолатда мардикорликка олинаётган кишиларни оммавий эмас, балки якка тартибда тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам белгилаб кўйилган эди. Мардикорлар таркиби ўнлик, юзлик ҳамда мингликлардан иборат

бўлиб, уларни «ўнбоши», «юзбоши», «мингбоши» бошқарганди. Ҳар бир мардикорнинг қайси маҳалла, гузар ва даҳадан эканлиги ҳам кўрсатилган. Мардикорларга хизмат кўрсатадиган имомлар, мирзалар, таржимон, новвойлар, қассоб ва сартарошларнинг ҳам исми, фамилияси ва яшаш манзиллариям кўрсатилган. Бутун узок ва машааққатли йўл давомида мардикорларни озик-овқат билан таъминлаш, уларнинг ҳар бирига 1 рублдан, ўнбошига 2 рублдан, юзбоши, мирза ҳамда таржимонларга 3 рублдан, муллаларга 2 рублдан берилиши ҳам аниқ-тиниқ қилиб кўрсатиб қўйилган эди.

Йўриқномада кимлар, қайси тоифа вакиллари мардикорликка олинмаслиги ҳам кўрсатилган: 1. Волост, қишлоқ, овул, жамоат бошқармаларидаги мансабдорлар. 2. Маҳаллий аҳолидан чиққан полиция амалдорлари. 3. Имомлар, муллалар ва мударрислар. 4. Бирор даражада амали бўлган маҳаллий кишилар. 5. Оқсуяклик мақомига ҳамда наслий фахрий фуқароликка эга бўлганлар. 6. Туркман текин (уруғ номи) полки ёхуд бошқа ҳарбий қисмларда хизматда бўлганларнинг акалари, ўғиллари ва жиянлари. 7. Рус, маҳаллий яҳудийлар, эронийлар ҳамда афғонлардан одам ёллаш ва уларни ўз ўрнига жўнатиш эса қатъий тақиқлаб қўйилган эди...

Генерал-губернатор томонидан Марказга жўнатиш махсус маълумотномадан жуда қисқа бўлса-да, бир парчасини Сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз: «Россиянинг ўзида 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишиларни ҳарбий қисмларга сафарбар этиш жараёни бошланганига икки йил бўлишига ҳам қарамасдан, ханузга қадар охирига етказилган эмас. Ана шундай бўлганидан кейин, ғоятда қисқа вақт мобайнида Туркистонда мардикорликка одамларни жалб этиш ниҳоятда қийин... Фармонни ўта қисқа вақт мобайнида ҳаддан ташқари тезлик билан амалга оширилиши эса ўтроқ халқнинг пахтадан оладиган даромади ҳамда келаси йилги пахта етиштиришга тайёргарликдан, кўчманчиларни бўлса чорва ҳамда деярли барча молларидан маҳрум этилишига олиб келади.

Давлатга юз миллионлаб сўм фойда келтирадиган пахтадан ва кўшинни гўшт таъминотидан маҳрум этиш асло тузатиб бўлмас талофатга учратади. Бунинг натижасида эса ўлкада тартибсизлик ва ғалаёнлар ҳам бошланиб кетади...» Айни шу сабабларни далил қилиб келтирган А. Н. Куропаткин Россия ҳарбий вазирлигидан

мардикорликка олиш муддатини 15 сентябрга қадар қолдиришни сўраган эди. Унинг ушбу таклифи инобатга олинган ва Туркистон генерал-губернатори қўшимча ваколат соҳибига ҳам айланганди. У 1867 йилдан мавжуд бўлиб келган Туркистон ҳарбий округига бош қўмондонлик қилиш, чақирилган одамларга ўзининг ўрнига бошқа бир кишиларни ёллашига руҳсат бериш ва маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолатда шахсан у ёхуд бу кишиларни мардикорликдан озод қилиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга бўлганди.

А. Н. Куропаткин император фармонини бажариш жараёнида маҳаллий маъмурият вакилларининг ўз лавозимини сунистеъмол қилганликлари ва мавжуд тартиб-қоидалар бузилганлигини ҳам тан олишга мажбур бўлганди. Генерал-губернаторнинг юқорига, император саройига йўллаган маълумотида аниқ-тиниқ далиллар билан кўрсатилишига қараганда, Фарғона ва бошқа вилоятларда волость бошлиқлари, оқсоқоллар ҳамда элликбошилар, фармонга императорнинг шахсан ўзи имзо чекканлигини сира назар-писанд қилмасдан, уни амалга ошириш ўрнига порахўрлик ва зўравонлик билан шуғулланиб, бош тортганларни эса қамашгача борганлар.

Наманганда аҳоли «пора бермаганлиги учун кўп одамларни камокқа ташлаганликлари ҳақида» арз қилган эдилар. Бу ерда 60 кишига мўлжалланган камокхонага 400 киши жойлаштирилган. Император фармонидан ниҳоятда унумли равишда фойдаланиб қолиб, тагин бойлик орттиришга ҳаракат қилган маъмуриятнинг бир неча мансабдорлари ўз лавозимларидан бўшатиб юборилгани ҳақидаги аниқ-тиниқ маълумотлар бўлса А. Н. Куропаткиннинг доимий равишда юритган кундалигида ҳам қайд этилган эди.

Икки томонлама жабр-зулмнинг исканжасида қолган халқ бу сафарбарликни ниҳоятда зўр қайғу ва нафрат билан қарши олди. Бунинг устига бўлса кулфат ниҳоятда бемаврид келганди. Дехкон етиштирган ҳосилини йигиштириши ва қиш-қировли кунларгача оиласи, бола-чақаларининг ризқини ғамлаб улгуриши даркор эди. Дастлаб императорнинг фармонига қарши намойишлар ва кураш авж олиб кетгач, унга «ҳар қандай маҳаллий бошқа одамни ёллаш ва ўзининг ўрнига юбориши мумкин», деган тузатиш киритилган эди. Подшонинг амр-фармони бўлса, табиий равишда, ўша замон ғанимлари, «зўрлари» ва «орқаси тегирмоннинг тошини бемалол

юргиза оладиган» бўйни йўғон кимсаларни астагина четлаб ўтиб, кўпроқ камбағалларга, қашшоқларга ўзининг бор куч-қудратини «манаман», «кўлингдан нима келарди?» деб кўрсатиб кўйганди.

Янгиқўрғон тумани шимолидаги Паромон-Нов қишлоқларида мардикорликка жўнатиладиган кишилар ўзига хос равишда чек, яъни қуръа ташлаш орқали аниқланганди. Бу қишлоқлар аҳолиси орасида бўлса ушбу жараён – танлов «оқ қоғоз» ва «қора қоғоз» номини олганди. «Қора қоғоз»ни тортган киши, табиий равишда, «чекингга тушса, чекчайма» деган қадимий тамойилга асосланиб, ўз-ўзидан мардикорликка жўнаб кетиши керак эди. Ўша замонда мардикорлар бошқачасига, «доброй» (русча «добровольный» – «кўнгилли» атамасининг бузиб айтилган шакли) деган ном билан ҳам аталганди. Паромон ва Новдаги ҳар бир уруғ (хитой, қалмоқ, сарув, чўтқора, тўғалоқ, туяқ, бағиш ҳамда бошқалар...) Россияга жўнатилган вакилининг қишлоқда қолиб кетган оиласини моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаб туришни ўз зиммасига олганди. Ўша «добройлар» орасида эса ҳали 19 ёшга ям етмаган Боймат Тошпўлатов, Халил Тошматов (ушбу битиклар муаллифи ўтган XX аср 70- йилларида уларнинг мардикорликда ўз бошларидан кечирган саргузаштлари ва машаққатлари билан бевосита боғлиқ хотираларини ёзиб олган), Эргашвой Қирғизов, Эшмат, Жўравой, Йўлдош (у 1921 йилда қайтиб келган) сингари паромонлик (ҳар иккала қишлоқ аҳолиси ўзга жойларга борганида, умумлаштириб «паромонлик» деб аталади – Б. И.) мард йигитлар бўлган эди.

Мардикорлар сафида пешқўрғонлик Маматбой Абдураззоқов, Махмуд Зоидов, Абдукарим Солиев, Қўчқорбой Исмадуллаев, Турғун Махмудов, Ҳамроқул Тошбоев, Дадабой Қосимов, Жума Ортиқов, Абдували Аҳмадалиев, салгина куйирокда жойлашган Алихон қишлоғилик – Тошпўлат Қосимов, Хўжахон Максудов, Тўрахўжа Эгамбердиев, Мехмонхожи Бахриддинов, Тўхтамаст Султонов, Изатулла Норхўжаев, Ёқуббой Худойназаров, Мехмон Мамадалиев, Мамадали Ҳамдамов, айни шунингдек, Айқирондан 38, Чортоқдан 41, Короскондан 33 киши ҳамда бошқа қишлоқлар тузини ичиб улғайган мард йигитларининг вакиллари бор эди.

Наанай қишлоғилик Зиёвуддин Шамсиддинов (мархум) ҳикоя қилишича, унинг акаси Обилқосим қишлоқнинг катта ва нуфузли

бойларидан Абдушоҳид Муллазоҳидов ўгли Сайфиддин бойвачча ўрғига мардикорликка жўнатилган. Шунингдек, Тўла Нурматов, Қўшмирза Каримов, Турсунали Иброҳимов, Абдулла Мусабоев, Турсунали Султонов, Турсун Тошматов, Жўрабой Абдурахмонов, Жўравой Расулов, Бекназар Тўхтаназаров, Ҳайдарбек Ҳамралиев сингари беҳад ночор ва камбағал деҳқонларнинг фарзандлари ҳам мажбуран, аслида зўрлик билан мардикорликка жўнатилган эди.

Подшо фармонига биноан Хўжа Шўркент ва Қорача Шўркент қишлоқларидан Мирзакарим Қурбонов, Жонузок Миррахимов, Мадали Саидов, Муллабой Умрзоков, ака-ука Берди ҳамда Турди Ҳуббиевлар, Болтихўжа Аҳролов каби 40 киши мардикорликка кетган эдилар. Умуман олганда, ҳозирги Янгикўрғон туманининг деярли ҳамма қишлоқларидан 400га яқин йигитлар фронт ортида хизмат қилиш учун Россияга жўнатилган эди. Бундай мисолларни бугун Туркистон ўлкаси бўйича керагича, ва ҳаттоки, керагидан ортигини ҳам келтириш мумкин. Туркистоннинг энг сара ва мард йигитлардан ажралиш жараёни эса бетиним давом этаверганди.

Ўша пайтлар Андижон шаҳрида қозилик қилган Мирза Олим Мирза Толиб ўгли Жавҳарийдан бизларга мерос қолган қуйидаги шеър («Жаҳон адабиёти», 2018 йил, 9- сон, 167- бет) ҳам ҳикоя қилинаётган худди ўша беҳад машъум воқеалар хусусида:

*Биз мусулмонлардан ўн олтинчи йилда ҳукм ила
Борди асқар хизматиға неча юз минг мардикор.
Бермаган жой турктозу жавр ила ўлди хароб,
Қолди истибдод – зулм остида чўқ шаҳру диёр.
Қудди масжидлар, иморатлар, бузилди хоналар,
Қади асру юрат ўлди анда беҳадду шумор.
Ҳукмлар жорий ўлурди, дам-бадам бизларга ҳам,
Бош сунуб, лок қабул айлар эдук чор-ночор.
Олинуриди оқча чўнтақдан, пичоқ эл ёнидан,
От-анжомини ҳам гар ўтса йўлдан бир сувор.*

Хуллас, жафокаш халқининг сабр косаси тўлиб-тошиб кетгач, пичоқ бориб суякка такал'ач, йиллар мобайнида тортилган жабр-ситамларнинг барча оғриклари бир бўлиб унинг дилидан вулқон янглиғ отилган, чинакамига портлаган. Ўз кўлами ҳамда мазмун-

моҳияти жиҳатидан олганимизда бу оламшумул миллий-озодлик кўзғолони даставвал 4 июлда Хўжанд шаҳрида бошланган эди, 5 июлда Самарқандда, 9 июлда Андижонда, 10 июлда Марғилонда, 11 июлда Наманган ва Тошкентда, 13 июлда Жиззахда ниҳоятда катта алангани олган эди. 1916 йилнинг 22 июлига қадар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг 75 жойида мардикорликка қарши катта ғалаёнлар кўтарилган эди. Расмий маълумотларга қараганда, ўша йил июль ойининг ўзидагина Самарқанд вилоятида 25, Сирдарё вилояти ҳудудида 20, Фарғона вилоятида 86 жойда тўполонлар кўтарилган, яъни ўзига хос норозилик ғалаёнлари юз берган эди.

Ўша пайтда Петербургда чиқадиغان «Время» ғазетасининг 1916 йилги август сониде эса махсус мухбир Ш. Муҳаммадёров ёзишига кўра: «Мардикорлик гўё арининг уясига чўп сукқандек бўлди. Туркистонда еру кўк ларзага келди, халқ бошини кўтариб ён-атрофига қаради. Бу воқеа Туркистон учун чинакам 1905 йил бўлганди (1905 йилги 1- рус инқилоби назарда тутилган – Б. И.)».

«Жаҳон адабиёти» журналида (2018 йил, 9- сон, 129 – 186-бетлар) чоп этилган «Булутли кунлар» номли эсседа (муаллиф – Ёқубжон Хўжамбердиев) буюк аллома, довжорак кўмондон ва асл миллатпарвар даҳо Алихонтўра Соғунийнинг шундай фикрлари берилган: «Биринчи жаҳон урушида эндигина озодликка эришган ёш Туркия ҳам ўзи мутлақо истамаган ҳолатда иштирок этар эди. Мен ўйлар эдимки, Усмонли турклар ва Туркистон туркларининг келиб чиқиши, миллат-элатининг бирлиги Оқпошшога ва унинг маъмурларига жуда яхши аён. Бир сўз билан айтганда, Туркистон туркларининг фронт сарҳадларида рус армиясининг мардикори бўлиб туриши ўзининг миллатдошларига қарши томонда туриб русларга кўмак бераётганини кўрсатишдан ташқари, умумтуркий халқларнинг устидан чинакамига масхаралаш ҳам бўлган эди.

Гўё, усмонлилар, кўриб қўйинглар, Сизга қарши ўзингизнинг уруғингиз ҳам курашяпти, дейиш эди... Фармон замиридаги киши билмас бешармликни ўша пайтларда ким қандай тушунганлигини билмадим, аммо мен ушбу фармон – Туркистон халқлари орасида қаҳатчилик, уруш-жанжал, отилиш-сўқилиш сингари ҳолатларни келтириб чиқарганликдан ташқари, ана шундай Усмонли турклар билан Туркистон турклари орасида кин ва адоватни кучайтириш

тадбири ҳам борлигини аниқ-тиник сезганимдан, масжидларда ва турли йиғинларда айтган ваъзларимда ҳам Оқпошшонинг мазкур фармони бажармасликка даъват этдим...» (161 – 162- бетлар).

Россия империяси томонидан Туркистон халқларига нисбатан юритилган мустамлакачилик, улуг давлатчилик сиёсати, албатта, қонуний равишда, аждодларимизнинг ўз миллий озодлиги, эрки ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муқаддас жангга отлангирган эди. Шу мақсаддаги жанглар амалда, тилда ва дилда миллий мустақиллигимизга қадар гоҳида ошқора, гоҳида пинҳона тарзда давом этаверганидан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1999 йил 9 декабрида Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «1916 йилги Жиззах қўзғолони миллий озодлик йўлида халқимиз олиб борган кураш тарихининг шонли саҳифасини ташкил этади. Зулм ҳамда ҳақсизликка қарши, мустақиллик йўлидаги бу тарихий ҳаракатда фаол қатнашган ва шу йўлда ўз жонини қурбон қилган Назирхўжа Абдусалом ўғли, Қосим Хўжа, қирғиз эли фарзанди Дониёлбек, Абдурахмон Абдуҷаббор ўғли, Туротбек Турдибеков ўғли каби юзлаб, минглаб фидойи, жасур ва ориятли инсонларни миллатимиз ҳеч қачон унутмайди» (Асарлар 8- том, 115- бет). 2000 йилнинг 6 январида эса Тошкентда ўтказилган ана шундай учрашувда, «Қисмати нечоғли даражада оғир бўлмасин, бу шаҳар ҳар доим зулм ва истибдодга қарши курашнинг, миллий озодлик ҳаракатининг асл бешиги бўлиб келди. Бу ҳақда гапирилганида, эса фақат биргина 1916 йилги Тошкент қўзғолонининг Ватанимиз тарихидаги ниҳоятда улкан аҳамиятини эслаб ўтишнинг ўзигина кифоя қилса керак, деб ўйлайман», деган эди (8- том, 294- бет).

2001 йил 22 майида эса шундай ғоя илгари сурилган эди: «Биз «қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир тор(роқ) маънода тушунамиз. Бу ибора жуда кўп ҳолларда 30- йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлилар, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ҳамда Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат намояндаларига нисбатан қўлланади... Лекин, мен «қатағон қурбонлари» деган тушунчани аслида кенг, янада теранроқ мазмун-моҳиятга эга, деб ўйлайман.

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида ғоятда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга қарши, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка бутунлай ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ, кўрқитиш сиёсати негизини ташкил этади. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Масалан, чор (Россияси) кўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар кириб ташланган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари бўлса дарё бўлиб оққан. Ё бўлмаса, 1916 йил Жиззах кўзғолони шафқатсиз тарзда бостирилгач, беаёв равишда қатағон этилган улуғ аждодларимизни ҳам бир эсингизга олинг. Бундай жафокаш ватанпарвар инсонлар чоризм қамоқхоналарида ҳамда Сибирь сургунларида ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилганди.

Худди шунингдек, истибдод даврида содир бўлган неча юзлаб норозилик ғалаён ва кўзғолонларининг қонга ботирилганлигини ҳам эсга олишимиз мумкин» (Асарлар 9- том, 365 – 366- бетлар).

Ўша замонда мардикорликка олинувчи кишилар рўйхатлари йиртиб ташлансин, деган талаб жуда кенг тус олган эди. Бу талаб бўлса ўз-ўзидан, чор ҳукумати қонунларига итоатсизлик билан баб-баравар эди. Кўзғолонлар эса аслида бевосита русларга эмас, Россиянинг мустамлакачи ҳокимиятига қарши қаратилган бўлиб, ўлканинг айрим жойларидаги ғалаёнчилар Туркистонда яшаётган рус миллатига, русийзабон кишиларга мурожаат қилиб, улардан бу пайтда ўзларини четга тортиб туришларини ҳам сўраганлар.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳабиб Турсунов 1959 йил апрелида Жиззах кўзғолони иштирокчилари Абдулла Очилов, Машариф Хусаинов, Мавлон Кенжаев ва бошқа қариялар билан ушбу фожиалар ҳақида суҳбатлашган эди. Машариф ота (1882 – 1964) ўз кўзлари билан кўрган воқеани мана бундай таърифлаб берганди: 1916 йилнинг июль ойи. Бозор кунларининг бирида (13 июль) қовун бозорига айланиб борсам, кўп одамлар йиғилганини кўрдим. Мирзаёр оқсоқол чойхонада оёғини осилтириб, ўйнатиб ўтирибди. Унга бир кампир арз қилиб гапиряпти. Аёл унга «Нима учун менинг биттаю-битта ўғлимниям мардикорликка ёздингиз? Тўртгаликлар, бешгаликлар бор-ку, ахир». Мирзаёр оқсоқол эса унга бақриб: «Бунақа ишларни текшириб юриш сенинг ишинг

эмас! Юкоридан келган буйрук кандай бўлса, биз ҳам ўшандай қиламиз, сен боравер, жимгина уйингга кетавер!» – деб дўк урди.

Тўпланган одамлар сони кўпая борди. Дамин кулолчи можаро устига келиб колди. У кампирнинг ёнини олиб, ўша Мирзаёрга:

– Кампирнинг гапи ҳақиқатан ҳам тўғри, бунинг якка-ягона биргина ўғлини ёзган бўлсанг, бизнинг ҳовлидан бўлса 3 кишини ёзгансан! Бир уйдан уч эракнинг ҳаммаси кетиб қолса, уй-рўзгор ишлари, хотин-болаларимиз ўзи кимга қолиб кетади? – деди.

Мирзаёр шунда: «Хотининг, бола-чақаларинг бизга қолади» – деб ўдағайлади. Шу пайт Дамин кулол бу ерда тўпланган аҳолига қарата баланд товуш ила мурожаат қилди, бор овозида ҳайқирди:

– Эй, халойик! Буларни биз ҳокимиятнинг бошлиқлари десак, булар хотин, бола-чақамизнинг ҳам бошлиғи бўлиб чиқяптилар! Биз ундан мардикорларнинг рўйхатини беришни талаб қиламиз!

Мирзаёр ўрнидан туриб халойикни ҳақоратлади ва бўралатиб сўқди. Халқ эса, турган гап-ки, чидай олмади. Шунда Оккўрғон маҳаллалик Абдуназар деган киши Мирзаёрни бир уриб йикитди. Оломон эса унинг устига ёпирилди. «Муттаҳам! Ўғри, порахўр! Ур, аблахни!» деган товуш ва қичқириқлар осмонни қоплаб олди. Бир зумнинг ўзида Мирзаёр дабдала қилиб... ташланди. Шундан сўнг кўзғолончилар Мирзаёр оқсоқол маҳкамасига хужум қилиб, ундаги мардикорлар рўйхат дафтарларини олиб чиқиб, куйдириб ташлашди. Жиззахнинг эски шаҳарида содир бўлган воқеа худди ана шу тарзда халқ ҳаракати шаклида бошланиб кетган эди. Икки соатлар чамасида кўзғолончиларнинг сафи ҳам бир неча юзлаб кишига етиб қолган эди (Турсунов Х. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил халқ кўзғолони. – Т.: Фан, 1987, 30 – 32- бетлар).

Аҳволдан бохабар бўлган уезд ҳокими, полковник Рукин халқ кўзғолонини бостириш учун ҳарбий командани чақиртирганди. У жазо отрядининг етиб келишини ҳам кутиб ўтирмасдан пристав Зотоглов, таржимон Зокиржонов ва икки соқчи йигитлари билан фойтонга ўтириб, эски шаҳарга жўнаган ва йўлда ғалаёнчиларга дуч келган. Рукин кўзғолончилар билан музокара олиб бормоқчи бўлганида ҳеч ким унга қулоқ солмаган. Атрофда: «У алдайди, унга сираям ишонманглар! Ур, уларни!» деган садо, ҳайқириқлар янгради. Кўзғолончилар ёпирилиб келиб, полковник ва пристав,

соқчиларни ва таржимонни ўласи қилиб роса калтаклаган. Фақат оқсоколгина бошига чопонини ёпиб, зўрға қочиб қутилган эди.

Оломон олға кадам ташлади. Шу чоғ уезд ҳоқими ёрдамчиси, подполковник Афанасьев командаси ҳам етиб келганди. Оломон «Ур-ур!» дея ҳарбий отрядни қуршаб олмоқчи бўлган эди. Аммо, калтак, кетмон, паншаха ва тошлар билан «қуролланган» аҳоли ҳарбийларнинг ялпи ўқ узишига бардош бера олмасдан, талофат кўриб, орқасига чекинишга мажбур бўлган эди. Улардан 11 киши ҳалок бўлган ва 100га яқин киши эса турли даражада яраланган...

Жиззах халқ кўзғолони мустамлака амалдорларини ўта қаттиқ саросимага солиб қўйди. Улар кўзғолонни бостириш мақсадида Тошкентдан замбараклар ва пулемётлар билан тиш-тирноғигача қуролланган махсус жазо отрядини чақиртирган эдилар. 14 июлда Тошкентдан полковник Владиславлев бошчилигидаги бир рота, сапёрлар взводи, 4 тўпдан иборат жазо отряди юборилди. 13 – 14 июлда бўлса Самарқанддан махсус бир рота, 90 кишилиқ ҳарбий бошлиқлардан иборат рота, Оренбург казаклар сотняси (юзлиги) юборилди. Маъмурлар бу кучларни ҳам кам ҳисоблаб, 16 июлда Тошкентдан полковник Иванов бошчилигида 12 рота, 6 тўп, 3та казак сотняси, сапёрлар ротасидан иборат бош жазо отрядини ҳам Жиззах шаҳрига юборган. Кўзғолончилар билан жазо отрядлари ўртасида бир неча марта қонли тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган эди.

Жазо отрядлари кўзғолонни ўтакетган шафқатсизлик билан бостирдилар. Ҳарбий қисмлар эса эски Жиззахга ўт қўйиб, уни ер билан яксон қилиб ташлади. Юзлаб жиззахликлар ёш-қари демай отиб, осиб ва чопиб ўлдирилган. Эски шаҳар аҳолиси бошпанасиз қолиб, қишлоқма-қишлоқ роса саргардон бўлди. Ҳарбий қисмлар қатор қишлоқларнинг аҳолисини ҳам аёвсиз қирғин қилган эди...

Мардикорликка олиш, унинг беҳад оғир оқибатлари масаласи муҳокама қилинган Россия IV Давлат думасининг 1916 йил 12 – 13- декабрдаги махсус мажлисида депутат, кейинчалик Муваққат ҳукумат раиси бўлган А. Ф. Керенский бир неча соатлик маъруза қилган эди ҳамда Жиззах кўзғолони масаласигаям урғу берганди: «Тамбов ё Москва губернияларида айни деҳқончилик мавсумида, далада иш росаям кизгин кетаётган пайтда меҳнатга яроқли эркак аҳолининг беҳад тезлик билан номаълум бир жойга олиб кетиш

ҳақида тутуриқсиз ҳамда аҳмоқона буйрук чиқарилса, бу буйрук бажарилармиди? Агар у ҳаётга татбиқ этила бошланса айни ўша Тамбов губерниясининг ўзда қандай хунук оқибатларни келтириб чиқарган бўларди? Мен жуда аминманки, жаноблар, бу оқибатлар худди ўша Туркистондаги... сингари ва балки ундан ҳам каттарок миқёсда ҳамда хунукроқ бўларди... Мен Туркистонда бўлганимда ҳамма маҳаллий маъмуриятлар, «ҳамма» деганимда кўпчиликни назарда тутяпман, маъмуриятлар барча табақалари вакиллари билан сўраб чиқдим... ҳамда ўша воқеалардан жабр-жафолар кўрганлар билан гаплашиб чиқдим... 29 июнь куни фармон берилган эди, 7 июлдаёқ дастлабки тартибсизликлар рўй берди. Уларни келтириб чиққан чинакам асос қаерда? Ва мен шу ерда сизга қатъий ҳамда мутлақо аниқ-тиниқ жавобни бераман: Туркистонда содир бўлган ҳодисаларнинг ҳаммасига сабаб истисносиз конунлар ва ҳуқуқни талаб қилувчи элементар хатолик, ноқонуний тартибсизликларга йўл қўйиб берувчи ва ноқонуний буйруқни чиқарувчи ҳамда уни ҳаётга жуда тезда татбиқ қилувчи марказий ҳукуматнинг ўзидир. Буларнинг барчасига айбдор улардир, негаки, улар бу гуллаётган ўлкани хонавайрон қилдилар ҳамда маҳаллий аҳолининг очлик ва қашшоқлик сари юз тутишига барча шароитни яратиб бердилар.

Бунга чинакамига айбдор улар, жаноблар, негаки барча уруш фронтларига янги бир Туркистон фронтини ҳам қўшишди...

...Маҳаллий маъмурият – бу мингбошилар, оқсоқоллар ҳамда бошқалар илгаридан тил бириктириб олиб, аҳолини эзиб, талаб ва мана шу амалдорлар воситасида бойиб келган рус маъмурлари қўлидаги бир ўйинчоқ, холос... Бу ерда кимнинг ёши 19да, ким 18га кирган, ким 43 яшар, ким 53, ким 30га кирган, ким 48га – аниқлашнинг сираям имкони йўқ. Буни кўз билан аниқлаш керак эди. Бутун маҳаллий маъмурият кўз қараш билан одамларнинг ёшини аниқлашга киришганида нима бўлганини кўз олдингизга келтира оласизми? Бу ёш белгилашдан уларнинг чўнтагига қанча муллажиринг тушди экан? Рўйхатда 30 ёш деб кўрсатилган бир қари чолнинг ёшини 60га кирган деб исботлашга беҳуда уриниб, талашиб-тортишаётган одамларниям ўз кўзим билан кўрганман. Чунки, у камбағал, 300 рублни тўлашга сираям қурби етмайди. 25 – 30 яшар йигитни эса 50га кирган деб ёзишибди, чунки у бой...

...Туркистонда тартибсизлик келтириб чиқарган фармондан ташқари, унинг ижро қилиниши жараёнига асосий роль ўйнаган. Бу ижро... хиралик билан пора ундириб олиш, худди шунингдек, маҳкамавий шантаж билан бевосита боғлиқ эди. Аҳолидан нима олиш мумкин бўлса олиб бўлиб ва аҳоли нимани беришга қодир бўлса, ўшаларни беришга мажбур қилиб бўлингач, товламачилик жараёнининг иккинчи босқичи бошланганди; унда бўлса аҳолини маҳкама (суд)га тортиш билан ўта қўрқитиб, тагин нималарнидир ундиришга ҳаракат қилишган. Қаршилиқ қилган кишиларга бўлса сизларга салкам ўлим жазоси берилди, дея таҳдид солишган...

Ёдингиздами, бу минбардан туриб Кавказда Дашноқлар иши билан боғлиқ қандай роса ёмон воқеалар бошимиздан кечганлиги ҳақида гапириб берган эдик. Ўша пайтда ҳам ўнлаб миллионер ва бойлардан бадал ундириш мақсадида улар камокқа тикилган эди. Худди ўша тизим ва ўша усул Туркистонда, кичик шаҳарчаларда, Наманганда ёки Қўқонда ҳам такрорланди. Юзлаб, баъзан бўлса минглаб, жинси ва ёшидан қатъи назар ҳар томонлардан мажбур қилиб олиб келинган кишиларни қамалганди. Ва фақат яхшигина бадал бериши мумкин бўлган кишиларгина озодликка чиқарилди Сўнг, агар шундай дейиш мумкин бўлса, Туркистон бошқарувида янги давр бошлангач, янги тартиблар қабул қилиниб, уларнинг кўпчилиги озодликка чиқарилди. Бирок, омма бошидан кечирган бу кўргуликлар унинг руҳиятида ниҳоятда чуқур из қолдирди...

Жиззахда тартибсизликлар рўй берганда... дуч келган уйларга ўт қўйиш ва маҳаллий аҳолини жинси ҳамда ёшидан қатъи назар ўлдириш ҳақидаги буйруқ берилган эди. Кўкрак эмувчи болалар ўлдирилдилар, қари чоллар ҳамда кампирлар ўлдирилдилар. Шу вақтда, 13 июлда Жиззахда тўс-тўполонлар юз берган бўлса, бу буйруқ бўлса деярли бир ойдан кейин 3 августда чиқарилганди... ..Мен, жаноблар, нақ иккита – Ғарбий ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин ҳали ҳеч қаерда Жиззах сингари ер билан битта қилинган бирорта душман шахрини кўрмадим. Ҳолбуки, Жиззах Россия империяси худудидagi руслар шахридир...» (Исмоилова Жаннат. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2003, 218 – 233- бетлар).

9 июлда Қўқон шимолидаги Ганжиравон кишлоғида 200 – 300 киши атрофидаги оломон волость бошқарувчиси уйига бориб, подшо фармонининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришни сўраган. Ўша волость бошқарувчисининг махфий равишда берган хабарига биноан уезд бошлиғи бу ерга 40 кишидан иборат ҳарбий қисмни жўнатганди. Солдатлар оломон вакилларини ушлаб, улар қўл-оёқларини боғлаганлар ва 3та аравада шаҳарга олиб бориб, аҳолини яна кўрkitиб, чўчитиб, ваҳимага солиб қўйиш ниятида кун бўйи кўчаларда айлантириб олиб юрганлар. Ганжиравондаги кўзғолонни Россия Давлат думасининг аъзоси Жаъфаров шундай тасвирлайди: «Ганжиравон кишлоғида волость оқсоқолини баъзи бир кишиларни рўйхатга киргизмаганлиги хусусида гумон қилган аҳоли ундан мардикорлар рўйхатини беришни талаб қилганлар. Волость бошқарувчиси бу ҳақда уезд бошлиғига хабар етказди. Уезд бошлиғи бўлса зудлик билан ушбу кишлокқа қуролланган солдатларни Қўқон даҳаси приставининг бошчилигида жўнатган. Волость бошқармаси ҳовлисида турган кўзғолон иштирокчилари ҳибсга олиниб ва қўл-оёқлари боғланиб, араваларга ўтказиб олиб шаҳар кўчалари бўйлаб олиб юрилган. Йўлда учраган маҳаллий аҳоли эса аёвсиз дўппосланган. Аҳоли ҳар томонга қараб қочиб, дўконлар ҳам ёпилган. Тағин казаклар чақирилган. Шундан сўнг бозор майдонига Қўқон уездининг бошлиғи Мединский келиб, аҳолига қараб: «Котлет учун майдаланган гўшт ҳақида тушунчага эгамисизлар ўзи? Агар ўзингизни яна бунақа аҳволда тутсангиз, барчангни ўша котлетга айлантириб ташлайман», деб дўк урган. Қўзғолон бостирилганидан кейин, унинг иштирокчиларидан 139 киши ҳибсга олинган эди. 11 июлда Қўқон шаҳрида кўтарилган ғалаён қонли тўқнашувга олиб келган эди. 500 киши атрофидаги оломон подшоҳнинг фармониغا қарши ғалаён кўтариб, пичоқлар ҳамда револьверлар билан полицияга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, «руслар хизматиغا ҳеч кимни бермаймиз», дея ўзларининг кескин норозиликлари ва қаршиликларини билдиришга ўзларида журъат топган эдилар (Исмоилова Жаннат. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил кўзғолони мисолида). – Т.: Ғафур Гулом номидаги НМИУ, 2003, 79 – 80- бетлар).

1916 йил 11 июлида Наманган шаҳри Лаббайтоға даҳасидаги ўта машҳур Курашхона майдониغا Чуқурқўча, Дегрезли, Сардоба каби даҳаларидан келган 4 мингдан ортиқ киши тўпланган. Улар орасида аёллар ҳам бўлиб, олдинги сафда турганлар. Маҳмудхон деган ўқимишли киши: «Мардикорликка боргандан кўра ўлган яхши!» дея йиғилган аҳолини кўзғолонга чорлаган. Бу кўзғолон раҳбарларидан бири эса Мулла Қирғиз мадрасасининг мударриси Носирхонтўра ва Додохон деган киши бўлган. Лаббайтоға даҳаси қозиси кўрқиб кетиб аста-секин кўтарила бошлаган ғалаён ҳақида зудлик билан шаҳар приставини бу ишдан хабардор қилган эди.

Пристав В. Домбровский зум ўтмасданок тиш-тирноғигача қуролланган ҳарбий қисм билан етиб келган. Наманган уездининг бошлиғи ўринбосари, капитан Румянцев эса аҳолини тинчлик ва осойишталикни, подшо ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган тартиб-интизомни сақлашга даъват этувчи таҳдид, дўк-пўписага тўлиб-тошган маърузасини охирига етказиб бўлмасиданок, «Биз йигитларимизни мардикорликка асло бермаймиз!» деган бақир-чақирлар, ҳайқириқлар ва ғала-ғовурлар бошланиб кетган эди.

Зудлик билан тарқалиш ҳақидаги буйруққа бу кўзғолончилар: «Солдатлар кетса, биз ҳам тарқаламиз», дея жавоб қайтарганлар. Улар мардикор сафига олинганлар ҳамда кейин боражак рўйхатга олинганларнинг рўйхатини беришни ҳамда янги рўйхат тузишни тўхтатишни талаб қилгандилар. Айнан шу вақтда Наманган уезди бошлиғи, полковник Крошков Чустда сал олдинроқ кўтарилган ғалаённи бостириш билан овора эди. Жабр-зулм сабабли жонидан буткул тўйиб кетган кишилар эса «Бегона урушда ўлгандан кўра ўз уйимизда ўлганимиз яхши!» деган ўй-фикрда, «Отсанг, отавер! Кўркмаймиз! Жонимиздан тўйганмиз, амрларингга кўнмаймиз!» деган ҳайқириқлар билан ҳарбий кўшинга қарши ташланганлар. Россия империясининг ўша пайтдаги мавжуд қонунларига биноан қуролсиз аҳолига ўқ узиш сира ҳам мумкин эмасди. Ўша одамлар пулемётга совутиш учун сув қуяётган аскарларни кўриб қолиб, «Уларнинг ўқлари йўқ экан, бор-йўғи бизларни кўрқитишмоқчи, холос, аслида ҳечам отишолмайди», деб ўйлагани туфайли турган жойлариданам кўзғолмаганлар. Софдил ўзбек миллати вакиллари

бўлса аскарлар ҳаттоки аёлларга ҳам ўк узишлари мумкинлигини ўйламаган ва ҳаёлларининг бир четига ҳам келтирмаган эдилар.

Шундан кейин капитан Румянцевнинг пулемёт ва милтиқлар билан куролланган солдатларга қарата «Огонь!» («Ўт оч!») деган буйруғи янграганди. Кўзғолончиларнинг олдинги сафи эса тутдек тўкиб ташланган. Айнан ўша капитан Румянцевнинг Тошкентга юборган телеграммасида: «11 июль куни Наманганда жуда улкан оломоннинг тўдаси ҳар қандай дўк-пўписаларга қарамай, курол, пулемётларга ёпишдилар. Шунда курол ишлатишга тўғри келди. 12 киши ўлди ва 38 киши эса яраланди», деган маълумот бор эди.

Жуда қадим замонлардан ҳозирга қадар ходимларнинг айрим тоифаси орасида ўз бошлиқлари кўзига қум сепиш, яъни уларни алдаш одати мавжудлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз, узоқ келажакда ҳам бўлаверишига эса ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Капитан Румянцев ҳам ўша тоифадагиларга мансуб бир кимса эди. Ҳақиқатда бўлса шу куни 69 киши ўлдирилганди ҳамда ярадор қилинганди. Намангандаги кўзғолонни бостиришда ниҳоятда фаол иштирок этган прапорщик Орбелов томонидан берилган маълумотда эса мана шундай рақамлар келтирилганди: «Аҳоли пулемётлар ва милтиқлардан икки мартача ўкка тутилди. Ҳар бир отишмада 15 мартадан 94 мартагача ўк отилганди».

Наманган уезди бошлиғи П. Р. Крошков маълумотномасида жон талвасасида, ўз қонига беланиб типирчилаб ётган ярадорлар томонидан хайкириб ва пичирлаб айтилган «Майли, биз барибир ўз мақсадимизга эришамиз», деган сўзлари ҳам келтирилган эди. Яъни, озодлик, истиклол учун курашга отланган боболаримиз ўз кўксиларини истибдодчилар ўқиға қалқон қилганларидан заррача ҳам афсусланмаган, мутлақо надомат чекмаган эдилар.

Иккинчи даха козиси Муҳаммадкарим Муҳаммадали Хўжаев кўзғолончиларни жазога тортиш учун тузилган махсус ҳарбий суд терговиди ҳам гувоҳлик бериб, ўша кўзғолончилар солдатлар томонидан отилишларига қарамай Курашхонадан тарқалмасдан: «Золимлардан дод! Майли, бари бир ҳақ ўз жойини топади!», деб қичқирганларини эътироф этган эди. Шундан сўнг, – деган эди у, – рус солдатлари ҳаддан ташқари зўравонлик билан тўпланган ҳалойикни майдондан уриб-суриб ва калтаклаб чиқариб юборди.

Қўзғолон вақтида ярадор, ҳалок бўлганларнинг кўпчилигини аҳоли иложи борича ўзлари билан олиб кетишга ҳаракат қилган эди. Шунинг учун ҳам манбаларда талофат кўрганлар сони ҳар хил қилиб кўрсатилган. Қўзғолон ташкилотчиларидан Ғофурхўжа сартарош, дурадгорлардан Абдурахмон Розикбоев ва Йўлдошбой Усмонхўжаев, сувоқчи Йўлдош Мирзаев, оддий қора ишчи Юнус Ёқуббоев, тўқувчи Дадабой Орифбоев ва бошқалар ҳалок бўлган эдилар. Наманган кўзғолонда кўплаб аёлларам иштирок этганлар. Улар орасида қаттиқ ярадор бўлганлардан Қозигузар маҳалласида истикомат қилган Умринисобиби Алихонбоева ва ҳалок бўлган инсонлар орасида бўлса Ҳурматбиби Ниёзбоева ҳам бор эдилар.

Тергов жараёнилари ҳам тугагач, кўзғолон иштирокчиларидан 84 киши мустамлакачи маъмуриятнинг суди томонидан турлитуман муддатларга қамоқ ва сургун жазосига ҳукм қилинганди.

Избоскан пристави бўлмиш Орловский 12 июлда аҳоли билан гаплашиш мақсадида Ҳаққулободга келган эди. Лекин, аҳолининг асосий қисми йиғилмагани учун у Норин волостига жўнаган эди. Айнан шу куни кечқурун Хўжаобод ва Полвонкўл қишлоқлари аҳолисидан 1000га яқин киши тош, таёқ билан қуролланган ҳолда Хўжаобод жамоа оқсоқоли уйини ўраб олиб, ундан мардикорлар рўйхатини талаб қилганлар. Худди шу пайтда бу ерга етиб келган Норин волости бошқарувчиси тўппончасидан бир неча ўқ узиш билан оломонни тарқатиб юборган ва 8 кишини ҳибсга олган эди.

Уйчи волостининг Ёрқўрғон, Қизилравот, Машад, Уйчи, Чуст волостининг Олмос, Уйғур, Тошқўрғон ва Тепақўрғон, Тергачи волостининг Чиндовул, Поп волостининг Хонобод, Поп, Чодак ва Варзик қишлоқларида кўзғончилар билан жандармлар тўқнашуви юз бериб, ўнлаб кишилар зудлик билан қамоққа олинган эди.

Наманган шаҳридаги 2- даҳа пристави Грабарчук Наманган уездининг бошлиғига ёзган рапортида Шўрқўрғонда кўтарилган ғалаённи шундай тасвирлаганди: «... болохонани тўла-тўқис ўраб олиб тўполон кўтарган 1000 кишига атрофидаги оломон волость бошқарувчиси Тожихўжабойдан рўйхатни дарҳол беришни жуда қаттиқ оёқ тираб олиб талаб қилдилар. Болохонадаги мулозимлар бўлса тезлик билан пастга қараб бўш бланкаларни улоқтирдилар. Волость бошқарувчиси эса оломон олдида тушмаганлиги сабабли

аҳолининг анча қисми болохонага бостириб чикди. Юқоридан пастга ташланган ҳужжатлар ва рўйхатлар аҳоли томонидан ёқиб юборилди. Аҳоли бўлса ана ўша ерда бўлган Петровга гуриллаб ёнаётган рўйхатларни кўрсатиб, «Қандай яхши-а?» деб мурожаат қилди. Халқнинг қаҳридан ниҳоят даражада қаттиқ кўриб кетган амалдор Петровнинг аҳоли томонидан амалга оширилган хатти-харакатни олқишлашдан бошқа ҳеч қандай иложи ҳам йўқ эди».

Кўзғолонда фаол иштирок этган Муҳиддинбой Миркаримов, Маматюнус Уста Нурматов, Эргахўжа Шерматхўжаев ҳамда Нишонбой Худойбердиев 12 июлга ўтар кечаси тунда, Хўжаназар Ғойиббоев, Маллабой Эрназарбоев ва Пирназар Назарбоев эса 14 июлда, Раимбой Саидбоев, Мулла Тўйчибой Раимбоев ва бошқа кишилар 15 июлда ҳибсга олиниб, ҳарбий судга топширилганди. Умуман, 120 киши Шўркўрғон кўзғолонида иштирок этганлиқда айбланиб, суд ҳукми ила турли-туман муддатларга қамалган эди.

12 июлда Қуйи Олмос қишлоғида эркак ва аёл кўзғолончилар оқсоқол Ниғматулла Мирзаалибоевни мардикорликка олинувчи кишилар рўйхатини тузишга йўл қўймаганлар. Оқсоқолни ҳимоя қилишга уриниб кўрган қоровул бўлса аҳолидан кўрқиб, аввал Юқори Ашт қишлоғидаги ўз уйига тарафга қочиб қолган, у ердан кейин отланиб, Поп қишлоғига йўл солган. Шундан кейингина кўзғолончилар уй-уйларига тарқалган эди. Аммо, бу билан кураш тўхтаб қолмаганди. Қишлоқ аҳли 17 июлда тағин кўзғалган. 500 кишилиқ оломон мардикорлар рўйхатини туздирган Ашт волости бошқарувчиси ҳамда оқсоқолининг уйини батамом остин-устун қилиб, барча китоб, ҳужжат ва қоғозларни йўқ қилиб ташлаган.

13 июлда Тергачи волостидаги Чиндовул қишлоғи аҳолиси бош кўтарган. 1000га яқин кишилар шовқин-сурон билан пристав Блатга мардикорликка бормасликларини билдириб, тезлик билан рўйхатларни беришни қатъий талаб қилгандилар. Кўзғолончилар орасидан: «Мардикорликка бормаимиз, бизлардан солиқларни ва миниб юрган отларимизни тортиб олдилар, энди эса одамлар ҳам олинадими?» деган ҳайқириқлар эшитилганди. Блат бўлса кўрқиб кетиб, рўйхатни дарҳол оломоннинг қўлига бериб, тўппончадан осмонга қарата ўк узиб, бир амаллаб қочишга улгурган. Кўзғолон кўтарганлар волость идораси эшигини бузиб, бошқа рўйхатларни

ҳам қўлга киритганлар. Ушбу жараёнга Эшон Понсод Бурхонов, Исмоил Бурхонхўжаев, Қорабой Бойбобоев, Мўмин Содиқбоев, Дадабой Юнусов, Ҳакимхўжа Тиллахўжаев, Жалил Абдукодиров Музаффархўжа Иноятиллахўжаев ва бошқа кишилар раҳнамолик қилган эдилар. Бу қўзғолон иштирокчиларидан 48 киши ҳибсга олинган ва турли-туман оғир жазоларга гирифторм қилинган эди.

15 июлда эса Уйчи волости Қизил Равот қишлоғидаги масжид ёнида зудлик билан тўпланган 400 кишилиқ оломон қишлоқнинг оқсоқоли Тўхтаназар Қулбоев хонадонига бостириб киргандилар. Улар бу ерда мардикорлар рўйхатини олмақчи бўлганлар. Аммо, улар оқсоқолни тополмасдан, хотини Турсунбиби Норқуловадан эри ва мардикорлар рўйхатини топиб беришни талаб қилганлар. Оломон оқсоқол хонадонида тинтув ўтказиб, меҳмонхонасидаги сандиғида сақланаётган ҳужжатлар, пул ва турли хил қимматбаҳо буюмларини ҳам талон-тарож қилганди... Наманган шаҳридан 50 чақиримча наридаги Хўжаободда ҳам оломон қишлоқ котибидан рўйхатларни тортиб олиб, ёндирворган. Бундай муҳим воқеалар Машад, Пешқўрғон, Тошқўрғон, Ёрқўрғон, Уйғур, Варзик, Чодак, Қуйи Ашт сингари бир қатор қишлоқларда ҳам рўй берган эди.

Шундай қилиб, мустабид тузум сиёсатиға қарши қўзғолонлар бутун Наманган уезди бўйлаб аланға олиб кетганди. Шу боисдан Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчи П. П. Ивановнинг кўрсатмасига кўра, махсус мажлис чақирилиб, йиғинда врач Лосев, солиқ инспектори Поплавский, прапорщик Орбелов, православ руҳонийси Лаврентьев, судьялар Лебедев, Марков, Кириллов, Ежов ҳамда бошқа катта амалдорлар қатнашган эдилар. Улар Наманган, ва умуман, ўлкада кўтарилган қўзғолонлар ҳақида батафсил фикрлашиб, шундай ҳақли хулосаға келгандилар: «Императорнинг маҳаллий аҳолини мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг эълон қилиниши ўз-ўзидан қўзғолонлар кўтарилиб кетишиға асосий, бош сабаб бўлолмайдди. Мардикорликка ихтиёрий равишда сафарбар этиш жараёни бўлса асосан аҳолини кўрkitиш ҳамда сикув остида, самарасиз тарзда амалға оширилмоқда. Зеро, туб аҳоли онғида Россияға нисбатан ватанпарварлик руҳиям мавжуд эмас» (Ўзбекистон Республикаси

Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторлиги идорасининг фонди. (Ф. 1), 1- рўйхат, 1110- иш, 181-бет).

Мустабид ҳукумат вакиллари ҳақиқатни холис аниқлашнинг ўрнига, маҳаллий аҳолини фанатизмда (мутаассибликда) айблаб, содир бўлган қўзғолоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий сабабларини буткул инкор этганлар. Улар томонидан бу масалага бундай шаклда ёндашув табиий эди. Зероки, улар чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсати тарафдорлари ва ижрочилари бўлиб, ўз айбларини сал-палгина тан олишни ҳам асло истамас эдилар...

Туркистон ўлкасининг Фарғона вилоятида 10 йилдан буёғига ҳукмронлик қилиб келаётган Александр Иванович Гиппиус асли мустамлакачилик сиёсатини нозик қўллаш тарафдори бўлганди. У Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Н. С. Ликошинга 1916 йил 8 июлида йўллаган махсус бир мактубида Фарғона водийсида сафарбарлик ишлари «ҳозирги пайтда осойишта кетмоқда», деб ёзган бўлишига қарамай, унинг кўнглида эса нотинчлик, ҳар хил шубҳа-гумонлар ва хавотир тўла-тўқис ҳукмрон қилаётган эди.

А. И. Гиппиус 15 июлда «Фарғона вилояти хабарлари»да маҳаллий аҳолига ўзининг мурожаатини намойишкорона тарзда араб имлосида, ўзбек тилида берган эди. Мурожаатда губернатор фронт ортига юборилажак мардикорлар давлат томонидан тўла-тўқис даражада таъминланиши ҳамда одамлар ўзларининг ўрнига бошқа кишиларни ёллаб юборишлари мумкинлигини айтганди.

У Тошкентга қўйидагича илтимоснома юборган эди: 1) темир йўлни кўриқлаш мақсадида 1000та аскарни ва рус посёлкаларини ҳар эҳтимолга қарши муҳофаза қилиш учун 1 дружина юбориш; 2) уезд приставлари ихтиёрига 600 казак жўнатиш; 3) вилоятни ҳарбий ҳолатда деб эълон қилиш; 4) вилоят ҳарбий губернаторига ҳам қўшинларга бош қўмондонлик қилиш ҳукуқини бериш.

Гиппиус Туркистон генерал-губернаторига йўллаган хатида «халқ ғалаёнлари нима сабабдан келиб чиқишидан қатъи назар, у ўзининг тараққиёти давомида диний ва сиёсий заминга кўчиш хавфи бор», деган эди. У 17 июлда қутлуғ Рамазон ойи ўз поёнига етиб, 18 июлдан ҳайит 3 кун давом этишини билгани ҳолда, бу кунлар «тўполонлар чиқиши учун жудаям қулайлиги»дан қаттиқ ташвишланган. Айни шу сабабдан ҳам «йирик тартибсизликларга

йўл қўймаслик» мақсадида подшонинг амр-фармониини Фарғона водийсида сираям қўллаб бўлмаслигини англаб, маҳаллий шарт-шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолатда, фармонга унинг «ўзи билгани қадар тузатиш ва чекланишлар қилажаги ҳақида» махсус телеграммани Тошкент ва Петербург бош штабига жўнатган эди.

Шу ўринда «Туркестанский голосъ» газетасининг 1916 йил 19 июлдаги 16- сониди чоп этилган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Александр Иванович Гиппиус томонидан айнан ҳайит куни имзоланган буйруқдан бир парчани, вазият ниҳоятда мушкул бўлганлигини ўзингиз ҳам теранрок ҳис этишингиз ва тасаввур қилишингиз учун, эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз: «Маҳаллий аҳолига шуни ҳам маълум қиламанки, Фарғона вилоятига ҳозирнинг ўзидаёқ катта қўшин артиллерия билан келди. Бу қўшинга фармойиш бериш шахсан менга, ҳарбий губернаторга топширилган. Юборилган қўшин сони шу даражада кўпки, у жамоат тартиб-қоидаларини менсимасдан бузаётган ҳар қандай оломонни тинчлантириб қўйишгина эмас, шу бугунданок бошлаб Фарғона вилоятининг қўллаб шаҳар ва манзилгоҳларида ҳозиргача кузатилган тартибсизликлар содир бўлган тақдирда ҳар қандай манзилгоҳ, қишлоқни, шаҳарда эса ҳар қандай маҳаллани, ҳаттоки маҳаллий аҳоли яшайдиган бутун бир шаҳарни вайрон қилиш, ер билан бир қилиб ташлаш кучи ва кудратига эгадир...»

1916 йил 20 июлида Асакага етиб келган генерал-лейтенант Александр Гиппиус волостлар бошлиқлари ҳамда бошқа нуфузли кишилар йиғинида уларни қуйидаги башорати билан тағин бир бора чўчитиб қўймоқчи ва қаттиқ ваҳимага солмоқчи бўлган эди: «Ҳозирги чоғда сиз императоримизнинг хоҳиш-иродасига қарши туриб, турли-туман ғалаёнларни кўтармоқдасиз. Кўзғолонларни бостириш учун фронтдан солдатлар келтиришгаям тўғри келади. Агар шундай қилингудек бўлса, бизлар кучсизланиб қоламиз ва, турган гап-ки, Германия бизларнинг устимиздан ғалаба қозонади. Ундан кейин эса немислар Туркистонга етиб келиб бизларнинг ҳам таъзиримизни бериб қўяди». Ҳарбий губернатор бу сингари тарғибот-ташвиқот ишини ўзи бу ердан ишдан кетгунига қадар тиним билмай, сира ҳам тўхтамасдан давом эттираверган эди.

21 июль куни А. И. Гиппиус Бош Штаб бошлиғига шундай хушхабар жўнатган эди: «Чексиз бахтиёрлик билан шуни маълум қиламанки, гапларимнинг таъсири, плакатларнинг тарқатилиши ҳамда агентларимнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида Фарғонадаги аҳвол ўзининг жойига тушиб кетиб, 3 кундан бери вилоятимизда ҳеч қандай нохуш ҳолат, воқеа ва ҳодисалар содир бўлмади.

Кўқонда бозорлар ва кўчалар одам билан тўла, русларнинг орасидаги қўрқув, ваҳима ўтиб кетди. Ўтган тартибсизликларни дала судлари ва оммавий дорга осиб ишларини тугатилганидан кейин зудлик билан ҳарбий ҳолатни бекор қилишни ва вилоятдан ортиқча ҳарбий қисмларни тез олиб чиқиб кетилишини илтимос қиламан». Вилоятнинг ҳарбий раҳбари бўлмиш А. Гиппиуснинг фақатгина қўрқитув, яъни ҳарбий кучни аёвсиз тарзда ишлатиш орқасида кўзғолонларни бостирилганлиги ҳақидаги сўзлари ҳам асл ҳақиқатни акс эттирар эди. Унинг император фармони бўйича олиб борган тушунтиришлари ва кенг кўламадаги ташвиқотларига аслида ҳеч ким ишонмаган ҳам. Чунки, чор маъмурияти ўзининг иккиюзламачилиги ва адолатсизлиги билан аллақачонлар сал-пал уйғонган ишончли ҳам деярли йўқотиб бўлган эди. Бунисини ўзи ҳам жуда яхши англаган чор маъмурияти қандай қилиб бўлмасин, маҳаллий аҳолига ўзининг ҳарбий қудратини кўрсатиб, у орқали одамларни беҳад даражада чўчитиб, қўрқитиб қўйишга уринарди.

1916 йилнинг 21 июлида Туркистон генерал-губернатори М. Р. Ерофеев вилоят ҳарбий губернаторларга қуйидаги мазмундаги телеграмма юборганди: «Ўлка шаҳар ва қишлоқларида император фармониغا бўйсунмаётган халойиққа таъсир кўрсатиш мақсадида алоҳида ҳарбий намоиш уюштирилсин. Аҳоли шуни билсинки, уларга қарши курашишда айнан мана шундай ҳарбий ҳаракатлар амалда ҳам кўрсатиб қўйилади» (Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторининг идораси фонди (Ф.1), 31- рўйхат, 1199- иш, 10- бет).

Ўта тажрибали сиёсатчи генерал Гиппиус 23 июлда бир гуруҳ амалдорлари билан Наманган шаҳрига келиб, катта оломоннинг кўз ўнгида ҳийлакорлик билан бошига салла ўраб олиб, елкасига бўлса чопон ташлаб, Жомеъ масжидида ўзича «куръон ўқиган». Бу ерда дин пешволари, маҳаллий маъмурият вакиллари нуфузли

кишилардан иборат чамаси 800 кишига қарата шундай деган эди: «Мен сизни ва оломонни бу ерга тўпладим. Аммо, бундай оломон сира ҳам хавфли эмас, фақат ёмон ниятли оломон кўрқинчлидир. Бундай оломон тўс-тўполон билан учраган кишиларни ураверади. Қонун эса бу хилдаги оломонга қаршидир. Ёмон ниятли оломон Жиззах шаҳрида ўзини кўрсатган эди. У ерда қўзғолончилар уезд бошлиғини ўлдириб, оиласини қийнадилар, бир қанча русларни ўлдирдилар. Айнан худди шунинг учун ҳам Жиззах шаҳри таг-туби билан бузиб ташланди. Унинг атрофидаги қишлоқлар ҳам йўқ қилинди. Аҳоли турар жойларидан ҳайдалиб, улар мол-мулки ва ери эса давлат фойдасига мусодара қилинди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси императорнинг фармонини сира ҳам тушунмасликдан келиб чиққан эди...» Бу ерда ҳарбий губернаторнинг асл мақсади Жиззахдаги қўзғолончиларга қўлланган ғоятда қақшатқич жазо чораларини наманганликларга нисбатан ҳам бемалол қўлланиши мумкинлигидан ҳам огоҳлантириш бўлган. Гиппиус халқимизни кўрқитиш ва бетиним ваҳимага солиб туриш орқали, турган гап-ки, тагин бўлажак ғалаёнларнинг олдини олишни кўзлаган эди.

Ҳарбий губернатор ўз сўзини давом эттириб, юрт ўтмишини ҳам ўзича сохталаштиришга уриниб кўрган эди: «Хонлар даврида агарда кимнинг оти бўлса, ҳарбий хизматни ўтасин, деб фармон берилган. Кимки бош тортса, ниҳоятда қаттиқ жазоланган. Мен ҳам одамларни мардикорликка шу равишда олишим мумкин эди. Бирор йигитга мардикорликка боришни буюрар эдим, агарда йўқ деса унинг калласини олардим, иккинчиси ҳамда учинчисини ҳам айни шу тарзда калласини олардим. Буни кўрган тўртинчи киши ихтиёрий тарзда розилик бериб юборарди. Ёки бўлмаса маҳаллий савдогарни чақириб, ўғилларингни мардикорликка бер, деб айтар эдим. Агар, йўқ, деса уни ҳам ўлдирардим. Тагин бир гап, ҳар бир қишлоққа олдиндан белгиланган одамни беришни топширардим, агар бажарилмаса уни бутунлай ёндириб юборишга буюрардим. Эслатаман, хонлар даврида мана шундай росаям қаттиқ жазолар қўлланган. Рус ҳукумати эса беҳад қудратли бўлса-да, у раҳмдил, (хонлар каби) бундай ёмон ишларни асло қилмайди» (Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31- рўйхат, 32-иш).

Генерал Александр Гиппиуснинг сўзлари Ота маконимизнинг шонли тарихини қоралаб, сохталаштириб бўлсам, қандай қилиб бўлмасин, наманганликларни қаттиқ кўрқитишга қаратилганди. У томонидан юқорида қайд этилган жазолар хонликлар замонида сираям қўлланилмаган. Маҳаллий аҳоли эса Ватан манфаати учун курашлардан ҳеч қачон бўйин товламаган. Ҳарбий губернатор эса ўзини адолатли амалдор сифатида намоёиш этмокчи бўлган эди. Лекин, у кўтарилган кўзғолонларни шафқат билмасдан қон билан бостиришини эса халқ яхши билар эди. Унинг иккиюзламачилиги бўлса тезда юзага қалқиб чиққанлиги билан боғлиқ воқеаларни эса биз юқорида ҳам қора қаламга олиб, оқ қоғозга туширгандик.

Юқоридаям қайд этилганидек, мусулмонларни анқов ва содда хисоблаб, бир дамга бўлса-да, ўзича мусулмон бўлмокчи бўлган эди. Аввалига Гиппиус маҳаллий аҳоли орасидан ғоятда нуфузли кишилардан 18 кишини ўз хузурига чакирган эди. Кейин бўлса ўтирганларга: «Сизларнинг ораларингизда ақлли кишилар борми? Улар мени яхшилаб эшитсин, мусулмонларда «аҳмоққа калтак ва ақлли кишига насиҳат», деган нақл бор», деганди. Шундан сўнг у генераллик кийимини ечиб, ўз эгнига тўн ва бошига салла кийиб олиб, панд-насиҳатни давом эттирган эди. «Мен гарчи мусулмон бўлмасам-да, турк ва араб тилини яхши биламан, шу тиллардаги китобларни ўқий оламан. Мен Қуръони Каримни кўп ўқиганман ва Аллоҳнинг китобини беҳад севаман. Мен ҳозир уни ўқийман. Икки мударрис ёнимда туриб, тўғри ё нотўғри ўқиётганлигимни айтишсин». У Қуръоннинг бир неча сураларини ўқиганидан сўнг, унинг тўғри ўқиганини мударрислар тасдиқлаганлар. Губернатор Қуръони Каримни «ўта ҳурмат қиламан», деб уни хўжақўрсинга ўлиб қўйиб, тўплаиб турган халққа қарата, «Энди менга чиндан ҳам ишондингларми?» дея мурожаат қилган. Шовқин-сурон ила «ишонамиз!» деган овозлар эшитилган. Бундан ниҳоятда мамнун бўлган губернатор эгнида шоҳона тўни ва бошидаги салла билан турган ҳолатда, бамисоли шайхулисломдек қуйидаги сўзларини ҳайқириб айтганди: «Менинг фарзандларим! Ўзингизни аянглار, ишни яна ёмонлаштиришга олиб келманглар. Болаларим, ақлли бўлинглар! Бу жойда сизнинг ерингиз бор, бу ерингиз учун қон тўкиш тақозо этилади. Шундай қилинмаса, бошқалар ерни тортиб

олиши ҳам мумкин. Уруш сизлардан жуда узоқда кечмоқда. Худо кўрсатмасин, душман ғолиб келиб Россияни енгса, ғаним бу ерга келиб сизнинг ерларингизни эгаллаб олади. Буни бутун Россияда истиқомат қилаётган барча халқлар ниҳоятда яхши биладилар. Қўшинларида руслардан ташқари латиш, поляклар ва мусулмон татарлар хизмат қилмоқдалар. Сизнинг ерга эгалигингиз ҳукумат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Албатта, сизларни ҳам ҳарбий хизматга олишимиз мумкин эди, бироқ сизлар ўта кўрқоқсизлар, иккита кароқчи келиб, сизларнинг олтига кишингизга «ёт!» деса, ўйлаб ҳам ўтирмасдан юзларингиз билан ерга ётиб оласиз, бунақа одамлар эса солдатликка ярамайди. Сиз урушга одатланмагансиз. Сизлар савдо қилиш ва ўқитишни яхши биласиз, лекин уларнинг уруш вақтида унча керағиям йўқ. Сизлар кетмон билан ишлашни ниҳоят даражада яхши биласиз. Шунинг учун фронт орқасидаги ишларда бизга каттароқ фойдангиз тегиши мумкин» (Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идораси фонди (Ф.1), 31- рўйхат, 1132-иш, 98- бет).

Генерал Қуръони Каримда мардикорлик учун одам олишга қарши бирор кўрсатма мавжуд эмаслигини айтиб, бошлиқларига бўйсунуш мусулмонларнинг асл бурчидир, деган даъватни ўртага ташлаган эди. Шу тариқа губернатор «мусулмоннинг қиёфасига» кириб олиб, маҳаллий аҳолини ихтиёрий тарзда, «бахтли ҳаёти» учун чин дилидан чор ҳукуматига миннатдорчилигини билдириб, императорнинг фармонини сўзсиз бажаришга чақирганди. У халқ орасида одамларни мардикорлик ниқобида фронтга юборармиш, деган гап-сўзларни чиппакка чиқариб ташлаш ниятида, маҳаллий аҳолини кўрқоқликда айблаб, ўзбекларни солдатликка мутлақо ярамасликларига чиндан ҳам ишонтирмоқчи бўлган эди. Аслида, мустамлакачи босқинчилар Туркистонни босиб олиш жараёнида ўзбекларнинг ватанпарварлиги ҳамда жанговар руҳда эканлигига шахсан гувоҳ бўлгандилар. Айнан шунинг учун, юқоридаям қайд этилганидек, маҳаллий аҳолининг русларга чиндан содиқлигига ишонмай, уларни ҳарбий хизматдан озод қилиб қўя қолган эди.

Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг бу тариқа найранги эса Наманган аҳлини бир озгина ҳайратлантирган бўлса-да, лекин мутлақо ишонтира олмаган эди. Аммо, ўша генерал маъмуриятга

Ўзган ахборотларида гўёки унинг хатти-харакатлари, жонбозлиги туфайли Фарғона вилоятида тинчлик ҳамда осойишталик ҳукм сураётгани, ихтиёрий равишда мардикорликка олиш жараёни эса муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ҳақида сохта маълумот берган эди. А. И. Гиппиус айнан шу куннинг ўзидаёқ Бош Штаб бошлиғига юборган тезкор телеграммасида шундай хабар берган эди: «Фарғона вилоятидаги шахарлар аҳолисининг кайфияти ҳам ниҳоятда тезлик билан ўзгармоқда. Осойишталик ҳамда Россияга нисбатан ватанпарварлик руҳи аста кўзга ташланмоқда. Бугун 23 июль соат 11да Наманганда руҳонийлар, нуфузли кишилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг орқасида жуда кўп оддий кишилар ҳам турган эди. Менинг сўзларим нафақат мамнуният, балки тантана билан қарши олинди. Кўрқори томонидан Куръон ўқилганидан кейин баланд овоз билан император шаънига хутба ва русларнинг урушда ғалаба қозонишларига фотиҳа ҳам ўқилди. 200 кишидан иборат мардикорликка олинган кишилар ўзининг чап қўлларига қизил матоларни боғлаган ҳолда ватанпарварликка бағишланган шеърни ўзларининг она тилида ўта баланд овоз билан ўқидилар. Ушбу манзарани тарихга муҳрлаб қўйиш мақсадида суратга олиб қолиш учун эса махсус фотографни ҳам чақиртириб келтирдим.

Катта қози эса менга: «Император фармонида бўйсунмаслик халқимизнинг ҳаёлида йўқлигини императоримизга телеграмма орқали етказишингизни сўраймиз, Сиздан илтимос, деди. Биз, мана 40 йилки, Россия императорининг беҳад содиқ фуқаролари сифатида тинчгина, урушларсиз яшаб келдик. Бундан кейин ҳам унга беҳад содиқлигимиз ва вафодорлигимизча қолаверамиз.

Кўзғолонлар халққа фармонни яхши тушунтирилмаганлиги орқасидан юзага келди. Ўта фожиали тўс-тўполонлар ҳам бўлди, эндиликда халқ ўзининг ҳарбий губернаторига чиндан ишонади, кўзғолон кўтаришга даъват этувчиларга эргашмайди», деди. Мен бу сўзларга ишонаман, деб ўзган эди ҳарбий губернатор. Негаки, маҳаллий халқ менинг сўзларимни эшитаётган чоғида кўнгли ўта юмшаб, эриб кетиб, росаям йиғлади» (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторининг идораси фонди (Ф.1), 31- рўйхат, 1128- иш, 21- бет).

Генерал Гиппиус ўзининг барча уринишлари бекор кетишига кўзи етганидан кейингина энг охирги чорани қўллашга мажбур бўлиб, вақтдан ютиш мақсадида Фарғона водийсида подшонинг фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида махсус кўрсатма ҳам берворган эди. Ҳарбий губернатор томонидан амалга оширилган дадил ва ўзи учун ғоятда қалтис ишнинг изоҳи куйидагича эди: Агарда уларга нисбатан «зўравонлик ишлатилса», «исёнга доимо мойил» ҳамда «ҳамиша ғазовот руҳи бетиним уфуриб турадиган» Фарғона вилоятидаги туб аҳоли қисман бизнинг сиёсатимиздан зада бўлиб, тоғу тошларга кочиб кетиб қолади ҳамда қисман ҳар турли кўзғолончилар гуруҳларига уюшиб олади. Бундай хатти-ҳаракатлар бўлса диний ва турли-туман сиёсий шиорлар асосида бизга қарши очикдан-очик кўзғолонга айланиб кетиши мумкин.

Аммо, марказ, яъни Петербург ушбу асосларни қабул қилмай, Гиппиусни фармонни бузиш, мусулмонларга ён босишда айблаб, Фарғонанинг ҳарбий губернатори вазифасидан олиб ташлаганди. Унинг ўрнига ўтакетган шовинист, узоқни унча кўра олмайдиган полковник П. Ивановни тайинлаган эди. У эса ўзининг одати ва характериға биноан, табиий равишда, ўта зудлик билан фармонни ижро этиш ва маҳаллий аҳолиға нисбатан очикдан-очик ниҳоятда қақшатқич ҳарбий жазоларни қўллаш йўлини танлаб олганди.

Фарғона вилоятининг янги ҳарбий губернатори П. П. Иванов 31 июлда Қўқонда банк ва савдо-саноат фирмалари вакилларини ва бошқа нуфузли кишиларни алоҳида йиғиб олиб, кўзғолоннинг асосий сабабларини аниқлаш бўйича ўзига хос савол-жавобларни уюштирганди. Мажлиснинг қатнашчилари бўлса яқдиллик билан куйидаги фикрлари ҳамда мулоҳазаларини баён қилган эдилар:

1. Император ҳазрати олийларининг мардикорликка сафарбар қилиш ҳақидаги фармони маҳаллий аҳоли томонидан ўта нафрат ва ғазаб билан қарши олинди. Бу эса кўзғолонлар кўтарилишиға олиб келди. Маҳаллий аҳолининг фармонға душманлик ва нафрат кўзи билан қараши кўзғолонларнинг юзаға келишиға энг асосий сабаб бўлмасдан, унинг илдизи анча чуқурға бориб тақалади. Туб аҳоли Россия билан иктисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани орқасида бойиганлиги ва ўлкада рус ҳокимиятининг ўрнатилишиға қарамай, ҳеч қачон Россияға дўст бўлмаган. Бунға

эса урушқоқ ислом ғояси сабаб бўлмоқда. Арабистон ва Туркия билан доимий равишда алоқада бўлиб, юз минглаб кишиларнинг ҳажга бориши ҳам аҳоли орасида мусулмон фанатизмини кўллаб-қувватлаб, панисломизм ғоясининг уруғлари сепилмоқда. Бирок, булар ҳаммаси аҳолининг Россиянинг куч-қудрати ва шавқатига ишонган вақтларидаги қуруқ сўзлар бўлган эди. Лекин, биринчи жаҳон уруши муносабати билан, ва айниқса, Россия армиясининг Ғарбий фронтдаги мағлубиятлари эшитилганидан кейин Россия туб аҳолининг назарида ўз куч-қудрати ва салоҳиятини йўқотган давлат сифатида гавдаланди. Шунингдек, ўлкада уруш орқасидан заифлашган Россия империяси чекка ўлкаларни ҳарбий қисмлар билан таъминлай олмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам тарқалди.

Умуман олганда, Россиянинг жуда оғир аҳволи туб аҳолининг наздида уларнинг чет давлат ҳукмронлигидан бутунлай қутилиш ҳамда ғалаба қозонишга илинж, умид ва ишонч ҳосил қилди.

2. Ҳарбий кўшинларнинг жуда тезкорлик билан иш кўриши ва темир йўллар кўриқланиши, турли-туман кўзғолонлар, айниқса, Жиззахдаги кўзғолоннинг ниҳоят даражада шафқатсизлик билан бостирилиши кўрнамак аҳоли кўзини (мошдек) очиб қўйди, улар орасида бирмунча тинчлик-осойишталикни таъминлаб берди.

3. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А. И. Гишпиуснинг маҳаллий аҳолига мурожаатномасида эълон қилинишига биноан, туб аҳоли мардикорликка мажбурий тарздамас, аксинча ихтиёрий равишда бориши мумкин эканлиги таъкидланган, бу бўлса аҳоли орасида гўёки фармоннинг бекор қилинганлигини аниқлаган эди.

4. Генерал Гишпиуснинг сафарбарлик ишлари орқасида ёрдам фонди тузилди ва оммавий равишда пул тўплай бошланди. Ҳар бир ҳовлидан 50 рублдан, ихтиёрий равишда борувчилар учун эса 700 рублдан қилиб белгилаб қўйилган. Айнан ихтиёрий равишда мардикорликка ёлланганлар аҳоли энг паст табақаси, жумладан, бангилар, безорилар, қиморбозлар, шуларга ўхшаш жамиятнинг ниҳоятда «носоғлом» кишиларидан ташкил топди. (Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идораси фонди (Ф.1), 31- рўйхат, 1199- иш, 176-бет).

Чор маъмурлари ва уларнинг Ота маконимиздаги малайлари кўзғолонларнинг янада авж олиб кетишига куйида келтирилган шарт-шароитларни энг асосий сабаб сифатида кўрсатган эдилар:

1. Ҳарбий губернатор А. И. Гиппиуснинг кетма-кет эълон қилган 2 эълонномасидан сўнг, ўлкада вазият беҳад кескинлашди ва бутунлай чалкашиб кетди. Туб аҳолида бўлса мардикорликка фақатгина хоҳлаган одамлар боради, деган тушунча ҳосил бўлди.

2. Аҳоли мардикорликка ихтиёрий борувчилар учун каттагина маблағларни тўпламоқда, агар пулга ёлланганлар мардикорликка боришдан буткул бош тортсалар, мажбурий сафарбарлик жорий этилса, унда, албатта, қонли тўқнашувнинг келиб чиқиши аниқ.

3. Ташқаридан қаралганида аҳолининг динчигандек бўлгани аниқ эмасди. Шунинг учун ҳам мажлис иштирокчилари Фарғона вилоят ҳарбий губернатори вазифасини бажариб турган муҳтарам полковник П. П. Ивановдан бу ўлкани бошқаришда кучли, аёвсиз сиёсат юритишни илтимос қилдилар. Акс ҳолда, озгина бўлса-да, иккиланиш эса ўлкадаги рус савдоси, рус саноати ва қолаверса, бутун Россия манфаатларини ҳалокатга олиб келиши ҳам мумкин эканлигини алоҳида уқтирган эдилар (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторининг идораси фонди (Ф. 276), 1- рўйхат, 909- иш, 328- бет).

Шу тариқа чор ҳукумати мазкур вилоятдаги аҳволнинг ғоятда қалтис эканлигини, агар ўз вақтида жуда керакли чора-тадбирлар кўрилмаса бу ўлкада Россия давлатининг мавқеи тамомила янада куйроқ даражага тушиб кетишини, бунинг оқибати эса ниҳоятда мушкул вазиятга олиб келишини жуда ҳам яхши тушунар эди.

Туркистонда, шу жумладан, Фарғона водийсидаги ғалаёнлар бутун Россияда ҳам акс-садо берган эди. Бу кўзғолонлар ҳақида Россия матбуоти саҳифаларида ҳам маълумотлар ҳамда ҳар хил фактлар баён этиб борилган эди. Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткин уларни ҳам ҳисобга олмоғи даркор эди. Унинг буйруғи асосида 1916 йилда бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий этилган эди. Шунингдек, ҳарбий дала судлари ҳам тузилиб, кўзғолон иштирокчилари жуда қаттиқ тергов қилинган. Бу масала хусусида Россия ҳарбий вазири Д. С. Шуваев Туркистон генерал-губернатори лавозимини вақтинчалик

бажарувчи М. Ерофеев номига 1916 йилнинг 17 июлида юборган телеграммаси орқали шундай топшириқни берган эди: «Кўзғолон қатнашчилари ишини тезликда кўриш учун шошилиқчи равишда ҳарбий дала суди тузилсин. Бу суд аъзолари фақат ҳаракатдаги офицерлардангина ташкил этилиб, Туркистон ўлкасининг жудаям лозим деб топилган барча жойларига зудлик билан юборилсин».

Чор маъмуриятининг вакиллари ўзи шаънини ўйлаган ҳолда, кўзғолонда қатнашган аёлларни суд қилишни ўзига эп кўрмаган эди. Бунинг устига аёлларни эркакларга тенглаштириб суд қилиб, узоқ муддатли сургун ёки қамоққа ҳукм қилиш маҳаллий аҳоли ғазабини тагин ҳаддан ташқари кучайтириши ҳам турган гап эди.

Ота маконимиз Ўзбекистон тарихида зулм ҳамда ҳақсизликка қарши кўтарилган кўзғолонлар орасида 1916 йилги ғалаёнлар унда аёлларнинг иштироки жуда кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Юртимиз аёллари хурликни истаб бош кўтарганларнинг олдинги сафларида борган эдилар. Жасоратли бу аёллар минглаб эдилар, аммо архивларда сақланаётган истибдод маъмурларининг маъруза, ҳисобот ва тергов-суд ҳужжатлари орқали бизга бу мард аёллардан ниҳоятда озчилигининг номлари маълум, холос. Олтин водийнинг жуда жафоқаш оналари ва кўзғолончи хотин-қизлари – Асалбиби Мирзаулуғова, Гулчанбиби Бобожонова, Ҳамробиби Муҳаммадаминова, Учулбиби Тошматова, Нориниса Турсунова, Ҳамропошшо Камолхўжаева, Чинабиби Мадалибоева, Ибодат Мадазимова, Ҳожалбиби Носирова, Майрамбиби Тошоҳунова, Истараббиби Норматова, Учулпошшо Ҳамидхўжаева, Алимбегим Мадкомилова, Умарбегим Мирзободалиева, Туҳфаниса Юсупова, Барноҳон Бўрибоева, Тошбиби Муҳаммадсафалова, Рухсорбегим Шаҳерова, Самарбону Пирбоева, Айимбону Мадалиева, Саида Ислонсулаймонхўжаева, Норбибибону Устарозиқова, Бибисаодат Мулламатаринаова, Ниғмонбону Масаурова сингари ватанпарвар ва оилапарвар аёллар ниҳоят даражада фаоллик кўрсатган эдилар.

Улар «ҳақсизликдан дод!» деб кўчаларга чиққанлар, жонидан ҳам азиз фарзандлари, ягона суянчи ҳамда оила устунни бўлмиш эрларини ўлимга юбормаслик учун ўз қўлларига тош олгандилар. Аламзада аёллар эрксизлик ва ҳақсизликка қарши эркаклар билан бир қаторда бош кўтариб, кўксиларини истилочилар ўқиға қалқон

қилгандилар. Бу жасоратли ва шижоатли аёлларнинг кўпчилиги эркаклар билан аралаш-куралаш ҳолда авахталарда очлик, хорлик ҳамда хўрликдан азобланишди, тагин кўплари бўлса босқинчилар ўқидан ер тишлади. Буни Кўкон уезди бошлиғи К. В. Мединский Фарғона ҳарбий губернатори Гиппиус номига 13 июлда йўллаган маълумотномасида ҳам тан олишга мажбур бўлган эди: «8 июль куни соат 4ларда Найманча қишлоғининг марказида бир неча юз кишилиқ оломон тўпланди. Айни шу вақтда мен уездни айланиб келаётган эдим. Оломоннинг олдинги қаторида жуда ҳам кўплаб аёллар «дод!» деб бор овозлари билан бақириваётган экан. Мен улар нима сабабдан тўполон қилаётганларини сўрадим. Уларнинг тилларини яхши билганим учун ҳам бу аёллар тинимсиз равишда «Болаларимизни мардикорликка бермаймиз!» ва «Бизга минглаб сўмлаб пул тўлашса ҳам, бунисига сираям рози бўлмаймиз!» деб кичқиришаётганини тушундим. Фарёд қилаётган ва роса шовқин-сурон солаётган бу хотинларга сираям гап уқтириб бўлмаганидан кейингина, мен эркаклар билан гаплашишга уриндим. Тўполончи аёлларни бўлса отлик аскарлар ёрдамида марказдан четга суриб ташлашга мажбур бўлдим. Лекин, ғазабланган оломон аскарларга таҳдид қилиб, уларга қарата тош ота бошладилар. Мен эса уларни ҳарбий куч ёрдамида тинчителишимга тўғри келди ва беш кишини дарҳол қамокқа олдим» (Зилола Юсупова. «Фарғоналик эрксевар аёллар». «Сирли олам» газетасининг 1998 йилдаги февраль сони).

Чодак кўзғолонида айбланган 90 киши ҳибсга олинган эди. Улар орасида, юқорида ҳам беҳад муборак номлари қайд этилган, Гулчанбиби Бобожонова, Норбиби Розикова ҳамда Асалбиби Мирзаулуғова сингари аёллар ҳам судга берилганди. Ҳарбий суд генерал-майор Абрамовнинг раислигида олиб борилган эди. Суд аъзолари эса полковник Блинков, подполковник Доброохотовдан иборат эди. Суд Абдусамад Абдураимов, Ғиёс Занлиев, Жилибой Каримбоев, Наби Шодибоев, ва умуман, 22 кишининг барча мол-мулкларини мусодара қилиш ҳамда уларни осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарган. Кейин 12 кишига чиқарилган ўша ҳукм 10 йиллик сургун билан алмаштирилганди. Фарғона водийсида сентябрь – ноябрь ойларидаги ҳарбий судлар хулосасига кўра, 4200дан зиёд кўзғолончилар турли хил муддатли сургун ҳамда қамокқа ҳукм

этилган. 121 киши эса ўлим жазосига ҳукм қилинган. Кейинчалик улардан 9 киши осиб ўлдирилиб, колганлари эса жазонинг бошқа бир турлари билан «қилмишларига муносиб равишда сийланган» эдилар (Исмоилова Жаннат. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил кўзғолони мисолида). – Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2003, 129 – 130-, 138- бетлар).

Кўзғолон қатнашчилари қандай жазоланганлиги, қандай азоб-укубатга дучор этилганини ўз кўзлари билан кўрган Коршунова фамилияли рус аёли куйидаги беҳад дахшатли, кўрган кишигина эмас, ҳатто ўқиган кишиларнинг ҳам танасига титроқни киритиб юборишга қодир далилларни келтирган: «Тошкент қамоқхонаси ҳовлисида очликдан сулайиб ўлган фарғоналиклар мурдаларини кўплаб араваларга солиб кўйилганлигини кўрдик. Ундан кейин бўлса маҳбуслар жойлаштирилган қамоқхона ертўласига тушдик. Бу ерда одамлар шу даражада зич ва қалашиб ётар эдиларки, оёқ босишга ҳам жой йўқ эди. Бизларни эркаклар ва аёлларнинг жуда кир босган, ўта орик, заъфарон юзлари, аёлларнинг ёйилиб ётган сочлари, кўркув ва, шу билан бирга беҳад нафрат билан боқувчи кўзлари жуда ҳаяжонга солди. Ёши улғайган бир аёл эса менинг оёғимни ушлаб олиб, ғам-андуҳларга тўлиб-тошган қора кўзлари билан боқиб нималарнидир гапирди. Бироқ, мен уларнинг тилини билмаганим туфайли унинг хўнграб йиғлаган, кўзларидан бўлса шашқатор ёшлари оқиб ётган ҳолатда айтган сўзларини мутлақо тушунмадим. Мен эски чопонидан бир парчагина пахтани юлиб олиб чайнаётган новча кишини кўрдим. Баъзи одамларнинг эса ўз кўзларини кемайраётганларини ва ғажийётганларини ҳам кўрдим.

Маҳбусларнинг кўпчилигининг нафас олишлари ҳам сезилмас эди, афтидан, улар жон бераётган эдилар. Уларнинг орасида эс-ҳушидан бутунлай айрилиб қолганлариям бор эди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1991 йилининг 6 сентябри).

Биринчи жаҳон уруши жанггоҳларида Россия империясининг дўпписи роса ҳам тор келиб қолганидан кейингина 1916 йилнинг охирига келиб, суд қилиниши лозим бўлган кишиларнинг тергов ишлари тўхтатилиб, уларни ҳам мардикорликка жўнатишга қарор қилинган. Сафарбарликка оиланинг якка-ягона ўғлини олмаслик уқтирилган бўлса-да, унга асло амал қилинмаган. Мардикорликка

боришдан бош торган кишиларга 3000 сўм жарима ёхуд 3 ойлик қамок жазоси белгиланган. Ҳар бир мардикорда пишиқ тикилган этик, ёзги ва кишки кийим ёки пўстин, кўрпа, ёзлик ва кишлик пайтава бўлиши даркор эди. Уларга ўзлари билан кетмон, болта, арра ҳамда ўзларининг хонадонларида ҳозирга қадар фойдаланиб келаётган турли иш қуроллари билан келишлари буюрилган эди.

Ҳар бир мардикорга худди қамокхоналардаги маҳбусларники сингари рақам белгиланиши, уларга нисбатан муносабат қандай даражада таҳкирли, ҳақоратли бўлганлигидан ҳам яққол далолат бериб турарди. Мингбошилар ҳамда бошқа кишиларга уларнинг айна палладаги мансабини билдирувчи белги тикиб қўйилганди.

1916 йил 30 октябрида Россия ҳарбий вазири Шуваев Денгиз, Ички, Молия, Темир йўллар ва бошқа турли вазирликлар билан бевосита келишган ҳолда мардикорларни империя ичида давлат мудофаасига доир ишларда самарали тарзда фойдаланиш тартиб-қоидалари бўйича махсус буйруқни эълон қилган. Бунга биноан мардикорларни ҳарбий идоралар ҳамда ташкилотлар томонидан Россия империяси мудофааси учун ишлаётган давлат ва хусусий корхоналарга жўнатилган. Ҳарбий идораларга мардикор бўлган кишиларни белгиланган жойларга жўнатиш ҳуқуқи берилганди.

Поездларнинг етишмаслиги ёхуд бошқа турли сабаблар билан ўзбекнинг мард мардикорларни фронт ортига жўнатиб юбориш жараёни 1917 йил январи охирига қадар чўзилиб кетган эди.

Халқ хоҳиш-иродаси билан эмас, зўравонлик ила иш юритиш оқибатида император фармони аналга ошириш ниҳоятда катта тўсқинлик ва қийинчиликлар билан ўтганди. Унинг бажарилиши муддатлари ҳам анчагина чўзилиб кетиб, 1917 йилнинг февраль ойида ҳам давом этаверган эди. Чор ҳукумати режалаштирган 220 минг кишининг ўрнига 123 мингдан зиёд мардикор жўнатилган. Улардан Россиянинг Европа қисмига – 101600 киши, Сибирга – 4 минг киши, Кавказ ҳудудига эса 7405 мардикор юборилган эди. Туркистон заминида бўлса 10 мингдан ортиқ мардикорлар темир йўллар ва бошқа ҳарбий аҳамиятга молик жойларда ишлатилган.

Туркистон генерал-губернатори Куропаткин Петроградга Бош штабнинг бошлиғига йўллаган телеграммасида шундай фикрни баён этган эди: «Мен томонимдан олдин режалаштириб қўйилган

220 минг кишини мардикорликка олиншига доир барча чоралар ва тадбирлар кўрилди. Аммо, ҳозирда фронт орқасига юборилган мардикорларга ўта эътиборсизлик билан қаралаётгани тўғрисида турли-туман маълумотларниям олмоқдаман. Уларнинг аҳволидан хабар олинмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунақа беҳад нохуш ҳолат мардикорликка сафарбар этишниям қийинлаштиради. Бир эшелонни ташкил қилиш халққа 300 мингдан 1 миллион сўмга тушмоқда. 220та эшелон учун эса 100 миллион сўм сарфланиши мумкин. Шуниям тан оламанки, халқни сиқишни давом эттириш мумкин эмас. Чунки, кўзғолон тагин қайталаниши ҳам мумкин».

Куропаткиннинг ўзи кўзғолонни аёвсиз бостирилишини «Ўрта Осиёнинг қайтадан истило этилиши» сифатида баҳолаган эди.

Мардикорлар Россиянинг кўпгина шаҳарларидаги ғоятда оғир ишларга жалб қилинган. Улар Москва, Рязань, Смоленск, Пенза, Петербург, Тула, Двинск, Қозон, Екатеринбург, Самара, Брянск, Нижний Новгород, Оренбург, Запорожье, Киев, Одесса, Харьков, Керчь, Ботуми, Тбилиси ҳамда бошқа жойларда ишлаган эдилар.

Россиядаги темир йўллар, завод ва фабрикалар, конлар, бошқа корхоналар бошлиқлари мардикорларга оддий меҳнат ва турмуш шарт-шароит ва инсоний муносабатни таъминлаб беролмаганлар. Мардикорлар орасида норозилик ва нафрат туйғулари ҳам борган сари кучайиб бораверган эди. Херсон губерниясидаги Кривой-Рог шаҳри ёнгинасида жойлашган Бухинлик тош қонида ишлаётган мардикорлар Фаргона ҳарбий губернатори номига шундай ариза юборган эдилар: «Биз ҳукумат қарорига биноан... давлат мудофаа корхоналарида ишлашга юборилган эдик. Бизларни вилоятдан бу ерга юбораётганларида уч ойдан кейин уйингларга қайтасизлар, дейишган эди. Биз 25 сентябрда уйимиздан чиққан эдик. Ҳозир, мана, орадан 4 ой ўтиб кетди, кон бошлиғи бизларни уйимизга қайтишимизни мутлақо истамаётир. Биз ўз хўжалигимизни 3 ойга режалаштириб келган эдик. Бу ерда узок туриб қолишимиз бўлса хўжалигимизнинг тамомила хонавайрон бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, бизнинг орамизда 55 – 60 ва ҳатто 65 ёшдаги кекса кишилар кондаги оғир ишларни уддалай олмасдан, жудаям қийналятгилар. Мардикорларнинг кўшлари бўлса оғир турмуш шароити, об-ҳавонинг ғоятда ноқулайлиги орқасида касалликка

чалиндилар ҳамда майиб бўлиб қолдилар. Бу ерда бизлар росаям оғир шароитда ишляпмиз, совуқ ҳаводан кийналяпмиз, агар бу холат давом эта берса, ҳаммамиз қирилиб кетишимиз мумкин». Витебскдаги мардикорлар кундалик турмуш оғирлигидан шикоят қилиб, ўрмонларда ишлашдан бош тортганлар. Улардан 30 киши эса қўлини совуққа олдириб қўйганди. Бундай воқеа Киевда ҳам содир бўлиб, 100дан зиёд мардикорларни совуқ уриб кетган эди...

Россиядаги мардикорларнинг ниҳоятда ачинарли ҳаётига оид айрим бир маълумотлар эса «Ўрта Осиё ҳамда Туркистон бегона (инородческих) партияси инспектори» ҳисоботида келтирилган: Инспектор Киев атрофидаги мардикорлар ишлаётган жойларга бориб, ўзи аҳвол билан бевосита танишганди. Бу ерларда 2 ярим мингдан зиёдрок мардикорлар беҳад оғир шароитда ишлаганлар. Улар томлари шохлар ва барглари билан ёпилган ертўлаларда бир амаллаб кун кечирганлар. Борди-ю, ёмғир қаттиқ ёғса, ертўлада сув тўпланишиям аниқ эди. Ертўланинг деразаси бўлмагани учун куёш нуриям, турган гапки, асло тушмаган. Мардикорлар орасида хусусий хонадонларда ижарага турувчилар ҳам бўлган эди. Улар ҳар хил хонадонларнинг отхона ва шунга ўхшаш жойларида ҳар бир киши кунига 50 тийин тўлаш шарти билан турганлар. Агарда белгиланган вақт ўтиб кетгудек бўлса ёхуд пул ҳам ўз вақтида тўланмаса, у пайтда хонадоннинг эгалари мардикорлар ўтирган жойларга чўчкаларни киритиб юборган. Ўрта Осиёдан келганлар улардан ҳазар қилиб, дарҳол отхонадан қочиб чиқиб кетганлар...

Мардикорларга кўпинча от гўштидан тайёрланган овқатлар берилиб, картошка, ун ва донли озиқларни сотиб олишга мутлақо имконлари бўлмаган. Инспектор ертўлада жуда оғир касал ётган 150 кишини ўз кўзи билан кўрганди. Хасталардан 8 киши вафот этган. Ҳаёт ва меҳнатнинг ниҳоят даражада оғир эканлиги боис 400 кишилиқ катта бир гуруҳдан бор-йўғи 110 киши қолган эди, холос. Бошқалари бўлса аллақачон қочиб кетган, уларнинг қаерда эканлигиям мутлақо номаълум бўлган (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторининг идораси фонди (Ф.276), 31- рўйхат, 1172- иш, 84 – 85- бетлар).

Чор мустамлакачилари бепоён империя ҳар хил ҳудудларида мажбуран ишлаб, юртини, элини соғинган ҳар бир мардикорнинг

ерга қадалган кўзларида исён учкунлари йилтиллаётганлигини ҳам кўриб-билиб ҳамда сезиб турар эдилар. Тақик ва таъқибларга қарамий, мардикорлар орасида маълум бир даражадаги тарғибот ишлари ҳам йўлга қўйилган эди. Масалан, 1917 йил 14 январида Харьков шаҳридаги Гельферих-Заде корхонасида ишлаб турган наманганлик ишчиларнинг ётоғига иккита номаълум шахс келиб, ўзларини биз ҳам мусулмонмиз деб таништирганлар ҳамда улар билан мулоқот ва муносабатга киришиб, ўз ватанига бир амаллаб қайтиб ёки қочиб кетиш масаласи ҳақида суҳбатлашган эдилар.

Мардикорларнинг норозилиги кучайганини ҳисобга олган чор ҳукумати амалдорларга 1916 йилнинг 28 декабрида ишга буткул яроқсиз бўлиб қолган касалманд ишчиларни ўзларининг уйларига қайтариб юборишга рухсат берганди. Қўл-оёқларини совуқ олган, зотилжам, майиб-мажруҳ мардикорлар ўзларининг ўликлари ўзга тупроқда қолиб кетмаганлигига минг марталаб шукрлар қилиб, ота юртларига тирик қолганлари, бир амаллаб қайтиб келганлар.

Маъмурият мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, мардикорлардаги ғазабнок кайфиятни ҳисобга олиб, аста-секинлик билан бўлса-да, уларнинг талабларини қисман инобатга ола бошлаган. Масалан, ишчилар ҳақида хиёнат қилган баъзи юзбошилар мавжудлиги ва, агар улар тагин шундай ишни қилсалар, оддий ишчи даражасига туширилиши ёхуд дарҳол қамоққа олиниши тўғрисидаги буйруқ барча мардикорларга ўқиб эшиттирилган эди. Мусулмонларнинг диний байрами – Мавлуди набийни ўтказишлари учун уларнинг ишдан озод бўлиши хусусида ҳам махсус буйруқ берилган эди. 1916 йил 23 декабрда кечкурун ва 24 декабрь кун бўйи улар ибодат билан машғул бўлгандилар. Улар ибодатни ҳам юқоридан берилган кўрсатма асосида ўтказишга мажбур бўлган эдилар. Бу маросимда «Император хазрати олийлари тинчлиги ва салтанат ғанимлари тез орада кунпаяқун бўлишини роса тилаб илтижолар» қилинган, лекин, «ихтиёрий-мажбурий», яъни чин кўнгиллардан чиқмаган бу тилак, турган гапки, Яратганга ҳам бориб етмаган.

1917 йилнинг 27 февралда бутун салтанатнинг ҳудудида «Николай қонхўр» номини олган Россиянинг сўнгги императори ҳам тахтдан ағдариб ташланди. Туркистонда кўтарилган 1916 йил кўзғолони чор ҳукуматининг илдизига болта урган омиллардан

бири бўлган эди. Февраль буржуа-демократик инқилоби ғалаба қозонганидан кейин эса, пойтахт шаҳар – Петроградда Муваққат ҳукумат тузилганди. Ўз тахтидан ағдарилган императорнинг 1916 йил 25 июндаги фармони ҳам, турган гапки, ўзининг асл кучини йўқотган эди. Янги ҳукумат эса 6 мартдаёқ бутун Россия бўйича сиёсий амнистияни (яъни, умумий авфни) эълон қилган эди.

Шунга қарамай, Наманган уездининг бошлиғи, подполковник Чикоидзе Фарғона вилояти бошқармасига юборган ўз рапортида: «Мен бошқараётган уезд солдатлари етарли қурол-яроғлар билан қуролланган, бироқ, Чуст ва Янгиқўрғон участкалари учун тағин 2600 патрон, браунинглар ва револьверлар керак», деб ёзган эди. Аммо, ушбу қуроллардан озодликка роса ҳам ташна бўлиб турган Наманганнинг аҳлига қарши фойдаланишга улгурилмади...

Чунки, 1917 йил 9 майида Россиянинг Муваққат ҳукумати томонидан (унинг дастлабки Адлия вазири, сўнгра эса бошлиғи А. Ф. Керенский (1881 – 1970) бўлганди) «Бегона халқлардан... мажбурий равишда олинган кишиларни ўзининг Ватанига тезда қайтариб юбориш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинган эди.

1916 йил кўзғолонининг ўзига хос хусусиятлари айни шундан иборат эдики, унда ўзбеклар, тожик, қозок, қирғиз, туркманлар ва қорақалпоқлар биргаликда, қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб мардонавор курашганлар. Бу кураш мобайнида Марказий Осиё халқларининг қадимий биродарлиги, дўстлиги ўзини янада ҳам яққолроқ намоён қилган эди. Хуллас, истиқлол кураши ўзининг оммавийлиги ҳамда шиддати билан алоҳида ажралиб, мустақил ҳаёт ва озодлик учун кураш тарихида муҳим ўрин эгаллаган эди.

1917 йилнинг 16 майида Наманган вокзалида мардикорларни кутиб олиш маросими ҳам ўтказилган эди. Россия империясининг роса ҳам бепоён ҳудудларидан энди «бутунлай бошқа» кишилар юртларига қайтиб келган эдилар. Айнан ўша «мард йигитларнинг бир бўлаги» кейинчалик бутун Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида ҳам олиб борилган миллий озодлик, миллий истиқлол курашининг энг олдинги сафларида ўз азиз бошларини эгмасдан баланд кўтариб, дадил қадамларини ташлаб, кўкракларини бўлса чинакамига ўқ ўтмас, мустаҳкам қалқон қилиб борган эдилар.

ИСТИҚЛОЛ ИСТЕҲКОМИ: ИСТИБДОД ИНТИҲОСИДАН ИСТИҚБОЛ ИБТИДОСИГАЧА

Бугун бизлар яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини кўлга киритиш тарихи билан узвий равишда боғланган, деб айтишимиз мумкин. Ва ишончим комилки, орадан йиллар ҳамда асрлар ўтади – халқимизнинг истиқлолга эришиш тарихини ўрганадиган, бу тарихни авлодларга хужжатлар ҳамда китоблар орқали етказадиган илмий тадқиқотчилар ушбу икки буюк воқеа бир-бири билан боғлиқ эканлигининг тасдиғини ҳар бир қадамда кўради.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Олий Бош Қўмондон сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ қилиш, жанговар қобилиятини кучайтириш ва мана шу асосда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоялаш, сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун беқиёс хизмат кўрсатдилар. У кишининг ташаббуслари билан тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва юзага келаётган қарама-қаршилиқлар, зиддиятларни фақат ва фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ишлаб чиқилди ва самарали амалга оширилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Бу ёруғ оламда беҳад буюк тушунчалар, муқаддас миллий ва умуминсоний қадриятлар бағоят бисёр. Бироқ, уларнинг орасида эса учта тушунча – ХАЛҚ, ВАТАН, ДАВЛАТ алоҳида аҳамиятга молик. Уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиш ниҳоятда мушкул. ХАЛҚ бўлмаса, ВАТАН ва ДАВЛАТ тушунчаларигаям ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. ОНА ВАТАН – ОТА ЮРТ бўлмаса, бу ХАЛҚ қайси бир маконда ўзининг ДАВЛАТини барпо этади? ХАЛҚ ва ВАТАН мавжуд бўлгани ҳолда, унинг таянадиган ҳамда қаттиқ суяна оладиган ўз миллий ДАВЛАТини эса мавжуд бўлмаса, бунақа эл-юртнинг бағри ҳам яримталигича қолиб кетаверади-да.

Тарих мулкига айланиб улгурган ХХ аср сиёсий жиҳатдан миллий давлатларнинг ташкил топиш даври бўлганлигини бугун ҳеч ким ҳеч қандай далил билан сираям инкор эта олмайди. Ўтган ХХ асрнинг интиҳосида Ўзбекистон ҳам бу оламшумул жараёнга қўшила олди – ўзининг чинакам Миллий истиклолига эришди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг фикрига кўра, «Тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айни пайтда эса тарих бизларга тўғри йўлни танлашдаям маслаҳат беради. Бундан олдинги замонларда қандай воқеалар бўлганлиги, улардан қандай хулосалар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини ва қайси йўлдан олдинга бориш зарурлигини бизга ким ўргатади? Албатта, тарих ўргатади-да. Бу ёруғ дунёда бундан ҳам ўтқир ва таъсирчанроқ бошқа бирон-бир куч борми? Менимча, йўқ».

Тўғри, 1991 йил 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Қадим-қадимдан Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Ўзбекистон сифатида аталган ҳудуд мавжуд эди. Демак, ОТА ЮРТ – ВАТАН бор эди. Фақат ХАЛҚимизнинг кўлида миллий ДАВЛАТини йўқ эди. Бошида давлати йўқ халқнинг пешонаси шўр, бахти, жигарбағри ҳам яримта. Ўз-ўзидан, нони ҳам мутлақо бутун эмас-да.

Ахир, Ота юртинг бўлса-ю, унга ўзинг эга чиқолмасанг. Она ХАЛҚинг бўлса-ю, юрак ютиниб, овозингниям бемалол чиқариб «менинг халқим» дея олмасанг. Ўз Юртингнинг мадҳиясини ҳам, тонг сахарда энг аввал, ўзингдан мутлақо ўзга бир элга етти эмас, етмиш марта эгилиб-букилиб салом бериб, «Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!» дея, унга ялтоқланишдан бошлайдиган бўлсанг...

Осмону фалакдан пастга ёки чор атрофга қаралгудек бўлса **уртча тарвуздек ёхуд футбол тўпидек келадиган Замин** – Ер деб **аталмиш** Она сайёранинг 7 миллиард 700 миллиондан зиёдрок **аҳолиси** 7000га яқин тил, лаҳжа, шевада мулоқот қилмоқда. Улар **орасидан** бўлса бор-йўғи 254 этносгина ўзини ўзича ўз давлатига **эгамиз**, деб ҳисоблайди. Лекин, 2011 йилнинг 14 июлида жудаям **узок йиллар** давомида миллий истиқлол учун курашиб, урушиб, миллионлаб юртдошларини қурбон бериб, ниҳоят ўз мақсадига **эришган Жанубий Судан** давлати расмий равишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 193- аъзоси сифатида тан олинган, **холос**. Қолган ўнлаб давлатмонандлари эса (Косово, Каталония, Абхазия, Шимолий Осетия...) ҳозиргача халқаро ҳамжамиятнинг **асосий таркибига** тенг ҳуқуқли бир субъект сифатида ўзларининг «улуғ» ва манфаатдор оғаларининг «беминнат» кўмаги, мададига **таяниб олиб киришга** тинимсиз тарзда уриниб ётганларини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши кўриб-билиб, теран ҳис қилиб турибсиз.

Ана шундай ниҳоятда мўрт, ҳаддан ташқари мураккаб ҳамда таҳликали, зиддиятларга тўлиб-тошган дунёда аҳолисининг сони (нуфуси) аллақачон 34 миллиондан, нуфузи бўлса Тангритоғдан ҳам ошиб кетган Буюк Ўзбекистон халқининг ўзининг миллий давлатчилигига эга бўлишининг ўзиёқ қалбимизга алоҳида ғурур, ифтихорни бағишлайди. Чунки, бугун жаҳоннинг ўнлаб оловли нуқталарида «Агар бизнинг ҳам мустақил давлатимиз бўлса эди, ЮНЕСКОнинг Репрезентатив (танланган) рўйхатига киритилган, жумлаи жаҳон юртларига экспорти аллақачон бошлаб юборилган ўзбекнинг шоҳона таоми бўлмиш – палов тайёрланадиган гуруч ўрнига супурги уруғини ҳам ейишга рози эдик», – дея истибдодга қарши бошини кўтариб, ўзининг Ота юрти истиқлоли учун жон бериб, турган гапки, жон олаётган миллионлаб кишилар «бағри кенг», «ўчмас иймон»ли ўзбек номидаги давлатга хайрат ва ҳавас билан қараётганларини ўзингиз ҳам телеэкран орқали жуда кўп бора кўргансиз, радиода ҳам эшитгансиз ва Интернет сайтларида, газета-журналларда эса, роса, керагича ўқиган бўлсангиз керак...

1991 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон учун тамоман янги ҳаёт, бутунлай бошқача замон бошланганлигини ҳаммамиз биламиз. Миллий Истиқлолимиз тарихи ҳақида ўйлаганимизда, беихтиёр

1991 йилнинг 31 августи ёдимизга тушади. Чунки, худди шу куни жафокаш халкимизнинг ҳаётида оламшумул тарихий воқеа содир бўлди, истибдод эса ўз интиҳосига ҳам етиб келди -- Ўзбекистон Республикаси мустақил ҳамда суверен давлат сифатида жумлаи жаҳон аҳлига баралла, тантанали тарзда эълон қилинган эди...

Ота юртимизнинг тарихан ўтган чорак асрдан мўлроқ қисқа даврига назар ташлар эканмиз, миллий мустақиллигимиз тарихи бутун бир мураккабликлари, қувончи ва изтироблари билан кўз олдимизда ёрқин намоён бўлади. Ва айни пайтда, йўлимизда дуч келган қанчадан-қанча қийинчилик, тўсиқларни, машаққатларни мардона енгиб ўтган ҳолда босқичма-босқич тарзда эришяётган натижалар, бу – ҳуқуқий демократик давлатимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўладими, азиз ва муқаддас маънавий қадриятларимизни тиклаш бўладими, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор топтириш, ўз юртимизни бу дунёга, башариятга танитиш бўладими – барча-барча соҳаларда қўлга киритилаётган юксак марра ва натижалар қалбимизга алоҳида бир ғурур ва фахр-ифтихорни бағишлайди.

Шулар қаторида, минг машаққатлар эвазига қўлга киритган мустақиллик, озодликни асраш ва тинч-осойишта ҳаётни ҳимоя, ихота қилишдек беҳад даражадаги муҳим, устувор мақсадимизга хизмат қиладиган тағин бир соҳа ҳам борки, биз уни истиқлол тарихидан айри ҳолда сираям тасаввур қилолмаймиз. Зеро, осуда ҳаётнинг мустаҳкам кафолати бўлган истиқлолнинг истехкоми – миллий армияни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг миллий мустақилликни қўлга киритиш ҳамда уни мустаҳкамлашнинг ўта мураккаб тарихи билан узвий ва чамбарчас равишда боғлиқдир.

Ўтган XX асрнинг 80- йиллари интиҳоси – 90- йиллари ибтидосига келиб, бир пайтлар бутун дунёни кўрқув ва таҳликага солган, «ёвузлик салтанати» деган номни олган собиқ иттифок микёсида жуда нозик, қизиган қозондай жизиллаб турган, агарда учкун теккудек бўлса роса ловуллаб ёниб кетиши мумкин бўлган таранг ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келиб қолган эди.

Ҳаётнинг барча соҳаларда узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ниҳоятда мураккаб ҳамда кескин тусга кирган эди. Эл-юртнинг тақдири, ҳар бир одам ва унинг оиласи тинчлик-

осойишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал этилишига боғлиқ бўлиб, бундай саросимали ҳолатдан фақатгина ақл-идрок билан, иш кўрган ҳолатда, оғир-босиқлик ва мулоҳазали қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳеч оғишмай ижро этиш йўли билангина чиқиш мумкин эди. Бу хусусда Ислом Каримов 1990 йилнинг 24 февралда Тошкентда депутатлар ва жамоатчилик вакилларининг фаол иштирокида бўлиб ўтган кенгашда «Одамлар биздан амалий ишлар, аниқ натижаларни кутмоқда» деган мавзуда қилган ёрқин маърузасида шундай фикр-мулоҳазаларини баён этганди: «Барча замонларга ҳамда халқларга хос бўлган энг асосий ва энг муҳим масалани аниқлайдиган бўлсак, шуни тўла асос билан айтишимиз мумкинки, давлатлар пайдо бўлганидан буён, ҳар қандайин инсон хавфсизлигини ҳимоя қилишни, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини айнан давлатдан кутади ва ҳокимиятдан нажот излайди. Ҳокимият шундай табиий талабларга жавоб беролмаса, очигини айтганда, бунақа ҳокимият ҳеч кимга керак бўлмайди...

Одамларнинг ишончидан ва эътиборидан маҳрум бўлиш эса, ҳар қандай ҳокимиятнинг фаолияти учун ниҳоятда ҳалокатлидир. Ҳамини шундай бўлиб келган, ҳаётнинг қонуни ана шундай!..

Ҳар қандай ҳокимият қонунни ва тартибни, инсонларча нишан нормаларини ҳурмат қилиб, уларга бўйсунишга ҳар бир галамисни мажбур этиш учун етарли кучга эга бўлган тақдирдагина уни ҳокимият деса бўлади, албатта. Сиз, азиз ўртоқларни ишонтириб айтишим мумкинки, тартибсизлик ҳамда ур-йиқитларга йўл қўймаслик учун етарли даражада кучимиз бор. Аммо, соғлом фикрловчи ҳар бир кишига, айниқса, одамларнинг ишончига сазовор бўлган катта ваколатлар бериб қўйилган депутатларга шу нарса аниқ равшан бўлиши керакки, ўз халқини солдатларнинг паноҳида, автомат – қурол ўқталиб туриб бошқариш мумкин эмас. Бундай қилиш ғирт нодонликдир...»

Гарчи, ўша вақтда совет матбуоти «Йўлчи юлдузимиз» деган сарлавҳа остида собиқ «доҳий» суратини 1-саҳифаларда эълон қилиб, жуда йирик ҳарфлар билан «Ленинизмга қайтмоқдамиз!» дея бонг уриб турган бўлса-да, 1990 йилнинг Наврўзи юртимиз учун беҳад хайрли келганди – худди шу кунларда истиқлол учун курашнинг мустаҳкам пойдевори қўйилган эди. Яъни, 24 мартда

Олий Совет сессиясида иттифоқдош республикаларнинг орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этиш ҳақидаги тарихий қарор қабул қилинган ва Ислом Каримов буюк давлатимизнинг Биринчи Президенти этиб сайланган эди.

Келинг, айти шу ўринда мавриди келиб қолганлиги туфайли ҳам, худди ўша замонларда Шўролар армиясида хизмат қилган Фахриддин Содиқнинг «Садо» газетасида (2016 йил 1 сентябрь) босилган «Мутолаа ичра жонланган ҳаёт» сарлавҳали битигидан кичик бир парчани сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этсак: «Биз ҳарбий хизматни, йигитлик бурчини ўтаётган 1989 – 1991 йилларда дунё ҳайратда, тизгинсиз қизиқсиниш билан тарихнинг навбатдаги кескин эврилишига яққол гувоҳ бўлиб тургани. Зеро, дунёнинг харитаси кун сайин ўзгача ранглар ва қалин чизиқлар эвазига беҳад даражада зудлик билан ўзгариб бораётган эди...

«Бепоен мамлакат»нинг деярли ҳар бир бурчида ой сайин янгидан-янги «можаро»лар чиқиб турар эди, аҳолининг эртанги кунга нисбатан ишончсизлиги, алланечук бир саросима кайфият ҳукм сураар эди. Бу қисмга дастлаб биз – Ўзбекистонликлар келган эдик, кейин эса Москва, Новгород, Рига, Куйбишев, Доғистондан бизга ўхшаб кетадиган йигитларни ҳам етказиб келишди...

Ротамизнинг командири Тисленко бир куни эрталабки саф тортиш (развод) вақтида:

– У узбеков отныне свой Президент есть – деб қолди.

– У нас же есть великая страна и государство, и президент! – деб аскарлар орасидан кимдир, сал дадилроғи лукма ташлади.

– Значить, у них государство! – деди Тисленко ҳамда бошқа лукмаларга мутлако ўрин қолдирмасдан, взвод командирларига ротани буёғига бошқаришлари учун кескин тарзда буйруқ берди.

Бу бизлар – ротадаги ўзбеклар учун учун янги хабар эди ва дабдурустдан уни тушунмадик. Бироқ, ўша куниёқ телевизор ёки газета орқалими ёки бошқа манбадан, ишқилиб, янгиликдан – она юртимизда Президентлик бошқаруви жорий қилинганидан воқиф бўлгандик. Тўғриси айтганда – биз, айти шу пайтда Ватандан четда хизмат қилаётган йигитлар чексиз бир ғурур билан қувонч ҳиссини туйганмиз, аммо шу хурсандчилик билан бир вақтнинг ўзида яхшигина хавотирни ҳам чин дилдан ҳис қилганмиз. Зотан,

хавотиримиз бежиз эмас эди, негаки, худди шундан кейин, ҳатто офицерлар ҳам биз билан «сермаъно» муносабатга ўтишган эди.

– Вы узбеки такие отдельные и особенные, да нашли или вдруг узнавали сами себя – мана шунга ўхшаш гапларни мен ва хизматдош дўстларим кўп эшитганмиз. Бу каби кочириб ёки ўз номи билан айтганда «писмиқона» гапларга эса жавоб қайтариш керак эди. Табиийки, хизматдаги шароит тақозосига кўра, жавоб ҳам фақат гап, сўзлар билангина бўлмайди-да – кимдир яхшигина «кўкаради» ёхуд ўзимиз «кўкараемиз»... Дарвоқе, энг қизиги ёки энг муҳими фақатгина бу эмас. Ҳаммамизни роса ҳам ҳаяжонга солгани, барчамизга юксак тоғлардан-да баланд ифтихорни бахш этиб, ўзимизга бошқача – муносиб қарашларига ундовчи сабабчи бўлган, биз учун тарихий воқеа эса кейинчалик содир бўлган...

... Совук ўлкада, Верхняя Сальдада қор йилнинг ноябридан бошланиб, келаси йил июни бошига қадар тураверади. Шундай ўлканинг табиати ҳам худди ўзига яраша бўлар экан-да. Чунки, тақвимдагина келадиган баҳор табиатни ўз хукмига бўйсундира олмайди – чини билан, чин кўнгилдан баҳорни ҳис қила олмайсан киши. Агар ишонсангиз, ўшанда биз Наврўзимизни эсга олишга олдиғу, бир-икки йигитлар билан уни ўзимизча нишонлагандек бўлган эдик. Айёмни нишонлашимиз ҳам қандай бўларди дейсиз, биз имконимиз қадар тушлигимизни бирозгина бойитган эдик...

Айнан ўша куни махсус хонада «қип-қизил» русча «Красная звезда» газетаси, учинчи саҳифаси қоқ ўртасида кўзимга чўғдек кўришиб турган ўзбекча сўзларни, яъни ўша матннинг бошидаги **«БАРЧА ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ЙИГИТЛАРИМИЗГА!»** деган жумлани ўқигандим. Ич-ичимдан гупириб келаятган алланарсаларни босиб-босмай эса, матннинг остида ўзимизнинг Президентимизнинг имзосиниям кўрдим. Ўша бизга азиз матнда бўлса мана шундай эзгу тилаклар мавжуд эди:

«Азиз ва қадрдон Ўзбекистон ўғлонлари!

Барчангизни улуғ ва муқаддас Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайман. Табиатнинг уйғониш фаслида сизга Она юрт соғинчи ва меҳр-муҳаббатга тўла саломларини йўллайман...

Бугун дастурхондаги насибангиз узра олисдаги Сиз азиз йигитларимизни яна бир бор эслаб, ҳар бирингизнинг бошингизга

омонлик тилаймиз. Мунис ва меҳрибон ота-онангизнинг бағрига, кўз тикиб интизор кутаётган яқинларингиз бағрига тез кунларда эсон-омон, соғ ва саломат қайтиб келишингизни тилаймиз.

Каттадан кичик, барча дўстлару биродарларингизга бизнинг Наврўз саломимизни етказинг.

Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. КАРИМОВ».

Тезлик билан уни пахтакорлик хизматдош дўстим Олимга мақтаниб кўрсатдим. Кўриб, унинг ҳам кўзлари қаттиқ қувончдан порлаб кетганди: «Қара, ўзимизнинг ўзбекча сўзларимизни бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам қизганар экансан одам», деган эди»...

Бу даврларга келиб собиқ СССР ҳудудида халқнинг турмуш даражаси пасайиб, аҳвол ҳам кундан-кунга оғирлаша бошлаган эди, алалоқибат, аҳолининг эртанги кунларга ишончи ҳам деярли йўқолиб бўлганди. Сиёсий-ижтимоий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви натижасида эса баъзи бир минтақаларда (Кавказорти, Болтиқбўйи, Ўрта Осиё...) тўқнашувлар юз бериб, ҳаттоки қон тўкилишигача бориб етганди.

1991 йилнинг 29 январида Ислом Каримовнинг «Известия» газетасининг мухбири томонидан берилган саволларга жавоблари «**Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур**», ўша йил 12 мартда «Ди Цайт» номли немислар ҳафтаномаси саволларига жавоблари «**Мустақиллик ҳаракати муқаррар**», Республикамиз кишлок хўжалиги ходимларининг қурултойида сўзланган нутқ бўлса 27 мартда «**Мустақиллик – энг аввало халқнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир**» деган бағоят умидбахш сарлавҳалар остида ўзимизнинг матбуотимизда ҳам элимизга эълон қилинган эди.

Журналистикада материалдаги энг асосий ғоялар ва мақсад айнан сарлавҳага чиқарилишини ҳам инобатга оладиган бўлсак, мазкур суҳбатларда ўша алғов-далғов даврда гап нималар ҳақида кетаётганини англаб етиш ҳам унчалик даражада қийин эмасди.

Ислом Каримов 1991 йил 29 январда «Известия» газетаси мухбири билан ўзаро мулоқотида «Агар жамиятдаги партия ёки жамоат ташкилоти армияга мурожаат этиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун куч ишлатадиган бўлса, бундай жамиятнинг ҳолига вой. Бундай жамиятда адолатни сира ҳам қарор топтириб

бўлмайди. Бундай қилингудек бўлса, диктатурага ниҳоятда катта йўл, кенг кўчалар очилиб қолади», деган фикрини билдирганди.

«Ди Цайт» немис ҳафтаномаси муҳбири томонидан берилган «Сиз армия ва «ОМОН» отрядларидан (алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отрядлари) фойдаланиш тўғрисида нима дея оласиз?» – деган саволга, «Вазият қандай даражада мушкул бўлмасин, куч ишлатиш билан миллатлараро муносабатларда ва республикалар мустақиллигига дахлдор масалаларни ҳал этишда бирорта яхшиликка эришиш мумкин эмаслигига ишончим комил.

Боз устига, агарда армия бошқарув органларига бўйсунмаса, бирон-бир нарсага эришиб бўлмайди. **Мустақиллик самарасини ҳис этган, мустақилликка эришиш хоҳишини ўз кўнглига жо қилган кишиларни ҳеч қандай куч, ҳатто, ҳарбий куч билан тўхтатиб қолиш асло мумкин эмас.** Менинг ўзим шахсан, у хоҳ «ОМОН», хоҳ махсус вазифани бажарадиган тузилма ёхуд армия бўлинмаси шаклида бўлсин, ҳарбий кучнинг қўлланишини қабул қила олмайман. Мен ўтган йил январь ойида Литвада бўлгандим. Ўшанда уларда мустақиллик, озодликка интилиш нақадар кучли эканини ўз кўзим билан кўрдим, имоним комилки, бу одамларни буёғига мутлақо тўхтатиб бўлмайди», дея жавоб қайтарганди.

Ўша вақтда боши берк кўчага кириб қолган собиқ Марказ томонидан республикаларга нисбатан ўтказилаётган сиёсат ҳали-ҳануз мустабидчилик руҳида давом этар эди. Айнан мана шундай даврда ниҳоятда авж олиб кетган «қайта қуриш» ва «ошқобралик» сиёсатининг тағзаминида ҳам аслида маъмурий-буйруқбозлик ва коммунистик экстремизм, чинакам терроризмга асосланган совет империясини саклаб қолишга қаратилган орзу-ният яширингани ҳам сир эмасди. Охир-оқибатда бўлса юзага келган парокандалик 1991 йил августидан бир тўда амалпарастлар томонидан давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишига ҳам олиб келганди.

Ислом Қаримовнинг кўрилаётган масалага бевосита дахлдор ва алоқадор бўлган қуйидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам Сизнинг диққат-эътиборингизга нисбатан тўларок ҳавола этсак, битикдан кўзланган мақсадга тўла-тўқис мувофик бўлар эди, деб ўйлаймиз:

«Куролли Кучларимизни ташкил этиш фикри менда илк бор 1991 йил август ойида – Москвада ГКЧП бош кўтарган тахликали кунларда пайдо бўлган эди.

Эхтимол, бугунги ёшларимиз буни яхши билмас, аммо 1991 йилнинг 18 август куни Москвада марказий бошқарув ҳамда ҳарбий идораларида энг юқори лавозимларни эгаллаб ўтирган бир гуруҳ амалпараст кимсалар ва фитначи шахслар СССРнинг амалдаги президенти М. Горбачёвни вазифасидан четлатиш учун ўзига хос давлат тўнтаришини уюштирган ва мамлакатдаги бутун ҳокимиятни ГКЧП – Фавқулодда ҳолат давлат комитети тасарруфига ўтди, деб эълон қилган эди.

Ўша кунларда мен Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида расмий ташриф билан Ҳиндистонда сафарда эдим.

1991 йилнинг 19 августи куни кечқурун сафардан қайтиб келган пайтимда эса, мени Тошкент аэропортида биринчилар қаторида Туркистон ҳарбий округининг қўмондонлари ҳамда Москвадан йўлланган бир неча генераллар кутиб олган эди. Агарки, ҳаёлан ўша дамларга қайтиб, мавжуд ўша вазиятни бир сўз билан ифода қилиб айтадиган бўлсак, аэропортнинг ўзидаёқ қандайдир бир кескинлик, тахлика, хавф-хатарнинг нафаси ҳавода кезиб юргандек туюларди.

Бу генералларнинг кўриниши, вазоҳати ва гап-сўзлари ҳам биттагина ягона маънони англатар эди. Яъни, уларнинг қиёфаси ва фавқулодда шахдам қадам ташлашидан, худдики, бўлди энди, ўзини озод, эркин тутиш, эркин фикр юритиш, Марказнинг буйруқ ва қарорларини муҳокама қилиш замони ўтди, энди бизнинг айтганимизни бажарадиган вақтлар ҳам етиб келди ва мана шундай тартиб-интизомни эса бизларгина ўрнатамиз, деган очиқ таҳдидни ҳис қилиш мумкин эди...

Шундай беҳад қалтис дамларда ҳарбийларнинг майдонга чиқиши, ўз қудратини ва ҳукмронлигини намойиш этиши ва, керак бўлса, ҳеч нарсалардан тап тортмасдан куч ишлатишга тайёрлигини сезиш, бундай мушкул вазиятда армия нақадар даражада дахшатли бузғунчи кучга айланиб кетиши мумкин эканлигини ҳам тасаввур қилиш сира ҳам қийин эмасди.

Ва албатта, бундай ташвишли дақиқаларда одам хаёлига ҳар хил фикрлар келади. Хусусан, ҳарбий куч назорат остида ушлаб турилмаса, армия эл-юрт кайфияти, интилишларини ифода қилмаса, кимларнингдир ғаразли, пасткаш ҳамда ёвуз ниятларини амалга оширишда нечоғлик даражадаги хавфли қуролга айланишини сиёсатдан анчагина йироқ бўлган одам ҳам бемалол сезиши мумкин эди. Бундай пайтларда муҳими – кимнингдир таҳдиди, қўрқитиши ва таъсирн остида вужудга келган вазиятни ақлнинг тарозисига солмасдан, охирини эса мутлақо ўйламасдан ва шошма-шошарлик билан, апил-тапил муҳим қарорлар қабул қилиб қўймаслик эди» (Каримов И. А. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, халқимиз тинчлиги ва осойишталигининг мустаҳкам кафолатидир.// Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 156 – 158- бетлар).

Айни шу кунда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг СССРда Фавкулудда ҳолат давлат комитети қабул қилган турли қарорлар муносабати билан республикамизда истиқомат қилувчи барча фуқароларни ҳамда катта-кичик ҳамюртларимизни шундай ғоятда мураккаб вазиятда ақл-идроқ билан иш тутишга, тинчлик-осойишталикни сақлашга ва сабр-тоқатли бўлишга даъват этувчи мурожаати матбуотда эълон қилинганди. Унда жумладан, шундай фикр-мулоҳазалар баён қилинган эди: «Биз ўзимиз танлаб олган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг улуғ халқимиз тарихи, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, халқимизнинг асл ва чинакам манфаатларига мос йўлдир. Бу йўлни бир нарса билан солиштиришимиз мумкин. У ҳам бўлса ўткир, киррали тоғнинг устидан йўлни топиб юриш билан баробардир. Бу – йўлда қанчалик даражада оғир, мураккаб шароит бўлмасин, на чапга, на ўнгга ўйламай, ақлимизни ишлатмасдан бирор қадамни ташлаб бўлмайди. Бу ниҳоят даражада хавфлидир. Агарда шундай қадамни ташламоқчи бўлсак, биз ўзимизнинг йўлимизни, халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаб келинган мустақил йўлимизни йўқотиб қўйишимиз ҳам мумкин».

Ота юртимизда миллий истиклолга эришиш сари дадил ва қатъий, шу билан бирга беҳад мураккаб йўлни танлаб олинганди.

Ўзбекистон етакчиси ўша ғоятда таҳликали, мўрт ва одамлар юрагида кўркув, ваҳима ҳамда саросима шарпалари кезиб юрган бир вазиятда, энг аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлини муносиб тарзда ҳимоя қилиш мақсадида бутун масъулиятни ўзининг зиммасига олиб, ҳеч қандай муболағаларсиз таъкидлашимиз ҳам мумкинки, тарихий аҳамиятга молик муҳим қарорларни қабул қилганди.

Жумладан, 22 август куни Ўзбекистон ҳудудида Фавкуллда ҳолат давлат комитети фармон, қарорлари ҳақиқий эмаслиги баён этилган фармонга, 25 августда бўлса мамлакатда вужудга келиб қолган аҳволни эътиборга олиб, республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Республика ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлиги кўмитасининг Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олиниши, худди шунингдек, мудофаа ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти масаласига доир бир қатор ниҳоятда муҳим фармонларга ҳам имзо чеккан эди.

Унда «Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин.

2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта муддат ичида Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети органларининг мақоми ҳамда Низомини қайтадан кўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлиги, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутсинлар.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин...

5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси, адлия органлари, шунингдек, республиканинг ҳудудида жойлашган ички кўшинлар, Туркистон ҳарбий округининг қисмлари ва кўшилмалари партиядан холи қилинсин.

Белгилаб кўйилсинки, бундан буён юқорида кўрсатилган органлар ва муассасаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузилмаларини вужудга келтиришга (мутлақо) йўл кўйилмайди. Ушбу фармон имзоланган пайтидан бошлаб кучга киради», деб белгилаб кўйилганди.

Тагин бир марта Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазаларига диққат ва эътиборимизни қаратсак:

«Бир дақиқа ўзимизга фараз қилайлик: мана шундай ўта ноаниқ ва таҳликали дамларда мамлакатимиз ҳудудида, энг аввало, пойтахтимиз Тошкент ва унинг атрофида жойлашган совет армияси қисмларини ҳамда уларнинг командирларини кимлардир тепадан туриб кўпоровчилик мақсадида турлитуман игво-найранглар билан йўлдан ургудек бўлса, кўча ва майдонларга чиқарса, бунинг қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш ҳам унчалик қийин эмасди.

Айнан мана шундай воқеалар ва ундан кейин бизларга, Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган мустақил сиёсатга қарши билдирилган огоҳлантириш ва дўк-пўписалар, амалда намойиш этилган тазйиқлар, бир сўз билан айтилганида эса, Ўзбекистонни ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга қаратилган жиддий хатти-ҳаракатлар – миллий армиямизни шакллантириш ҳақидаги фикр ва мақсадларни уйғотишга ва бу борада амалий ишларга ўтишга сабаб бўлди, десам, энг асл ва чинакам ҳақиқатни айтган бўламан».

Зеро, айнан бу пайтда амал қилиб турган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонуни ҳам буткул эскириб, ўз умрини аллақачон ўтаб бўлган, қонунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган шиддатли ва кескин ўзгаришлар эътиборга олинмагани туфайли ҳам, у ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини етарли даражада таъминлай олмай қолган эди. Қизил Армияда миллий масалага ям мутлақо эътибор берилмасди. Оддийгина факт. Ўзбек йигитлари ўзга юртдаги хизмат чоғида ўзларининг она тилидаги матбуотдан буткул бебаҳра эдилар. Иккинчи жаҳон урушининг роса суронли даврида, янада ҳам аниқроғи, 1944 йилда фронтларнинг сиёсий бошқармалари миллий тилларда 47 газетани чиқарган эдилар, шу

жумладан, ўзбек тилида 11 газета босилган, қозоқчада эса – 10та, тожикчада бўлса 2та газета бетиним равишда чиқиб турган эди.

1989 йилнинг бошларида драматург, публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов бу беҳад мушкул масала хусусида шундай ёзган эди: «Тил билан боғлиқ тағин бир муҳим муаммо устида тўхтамай ўта олмайман. Буни ҳарбий хизматга янги чақирилган ўн саккиз яшар аскар йигитнинг отаси сифатидаги ҳам бурчим деб ҳисоблайман. Ўйлайманки, айтмоқчи бўлган гапларим ўзим сингари кўп сонли ўзбек оталарининг дардли кўнгил сўзларидан иборат бўлса керак. Чунки, Совет Армияси сафларини мунтазам тутиб туришга энг кўп оддий аскарлар етиштириб бераётган совет халқларидан бири ўзбеклардир. Лекин, жудаям кўпчилик газета-журналларда ўзбек аскар болалар русчани билмайди, жисмонан нимжон, билими ўта саёз, ҳарбий техникани эгаллашга уқувсиз ва ҳоказо ва ҳоказо айблар айтилгани-айтилган. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу жуда ташвишли ҳол учун худди ўша ўн саккиз яшар аскар айбдорми? Ахир, ўзбек болалари, масалан, эстонияликлардан ўн барабар кам гўшт истеъмол қилса, остонасига қадар пахта экилган жойларда яшаса, яқин вақтларгача йилига мактабга уч-тўрт ойгина қатнаган бўлса, хўш уларга Москва ё Ленинград шаҳарларида униб-ўсган йигитларга қўйиладиган даражада талабларни қўйишга ҳаққимиз бормикан ўзи? Аввало тенг шароит яратиб қўйилик-да, кейин бу хилдаги талабларни қўйилик, ана унда адолатли иш тутган бўлар эдик. Ўзбек аскар болалар русчани билмайдилар, дея ҳақоратомуз ё ажабсиниб, ҳайратланиб матбуотда сўз айтаётган шахсларнинг ҳарбий хизматга чақирилган ўғилларига «мактабда инглизча (ёки французча, немисча, испанча, хитойча, японча ва шу сингарилар) ҳам ўқиган экансан, сенга инглизча буйруқларни берамиз, ҳарбий техникани ҳам инглиз тилида ўқитамиз!» деган талаблар қўйилса, хўш уларнинг аҳволи не кечади? Кейин эса шу ҳақда рус болалар инглизчани билмас экан, қурилиш батальонидан бошқасига асло ярамайди, дея газета-журналларда жар солинса, у ўн саккиз яшар йигитларнинг оталари бунга қандай қарашар экан-а? Улар «Биз руслармиз, бизнинг болаларимизам руслардир, ҳарбий буйруқлар ҳамда мащғулотлар ҳам рус тилида бўлишини талаб қиламиз, она тилимиз асло камситилмасин, тил борасида зўравонлик сиёсати

юритилмасин, ўғилларимиз асло хўрланмасин», дея ҳуқуқларини таллаб қилиб чиққан ва ҳимоя қилган бўлардилар. Тўғри-да, кимки миллатлар ва тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қандай миллий зулмга ё тенг ҳуқуқсизликка қарши кураша олмаса, ундай киши ҳаттоки демократ ҳам эмас...» (Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Танланган асарлар: Бешинчи жилд. Ҳаммамиз бир кемадамиз. Бадиалар – Т.: «Sharq», 2011, 480- бет).

Фурсатдан фойдаланиб, орага Ғафуржон Йўлдошев қаламига мансуб «Ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўйдим» сарлавҳали мақоладан («Оила даврасида» газетаси, 2018 йил, 1 ноябрь) кичик бир парчани кистириб кетсак, унчаём ортиқчалик қилмаса керак:

«...Мен 1984 – 1986 йилларда Германия(ГДР)нинг Лейпциг шаҳрида ҳарбий хизматда бўлганман. Немис тилига қизиққанам сабабидан ҳам ротамиз командири муовини Николай Лапшинов тил ўрганишимга қулайроқ шарт-шароитни яратиб берган эди.

1985 йилнинг июнь ойи. Лонциг полигонида батальоннинг назарий машғулотлари ўтказилаётганди. Кутилмаганда маҳаллий аҳолидан бир киши келиб жаҳл билан гапира бошлади. Батальон командири майор Скакалин бир эстон аскарга таржима қилишни буюрди. Уни немис тилини яхши биледи, дейишар эди. Афсуски, ўша эстон тилни унчалик яхши билмас экан. Аскар танбеҳ олди. Немис эса тинмай «полицай», «панцер» сўзларини такрорларди.

Мана шу чоғда ротамиз командири Александр Пушкив мени таржима қилишм учун батальон командири майор Скакалиндан рухсат сўради. Командир эса, менинг асли кимлигимни, қаердан эканимни суриштирди. Менинг қаердан эканлигимни эшитгач, менга ишончсизлик билан таҳқирловчи гаплар айтди. Бу гаплар оғзининг бир четидан осонгина чиқди. Лекин, менинг елкамга оёк билан тепгандек бўлди. Бошқа миллатлар олдида юртимизни ва миллатимизни ерга уриш, камситиш бўлди. У даврда эътирозга ўрин йўқ... Ўн тўққиз ёшли ўзбек аскарари бўлса бошқалар сингари буйруқни бажариши даркор. Н. Лапшинов менга ишонгани учун майор Скакалинни бир амаллаб кўндирди. Чунки, мендан бошқа ҳеч ким тил билмас эди. Лекин, майор ўзбек аскарининг таржима қилишини тасаввур қила олмаганлигиданми, менга олайиб қараб, удалай олмасам, каттиқ чора кўришини айтиб огоҳлантирди.

Мулоқот қилиш учун немиснинг олдига сал яқинроқ бордим. Ҳамманинг кўзи менда. Аввало немис билан қуюқ саломлашдим ва шошилмай гапиришини сўрадим. Айтишича, бир танк унинг мевазор боғига бостириб кириб борган ва сабзавотларини пайҳон қилган, икки солдат эса олма, гилосларни шохи билан синдириб олишган. Немис у аскарларнинг кўринишини яхши эслаб қолган, уларни топиб, полицияга шикоят қилмоқчи экан. У шунинг учун ҳам аскарларни бирма-бир кўриб чиқишни истаётганини айтди.

Қизиқ томони шундаки, немис киши менинг Ўзбекистондан эканимни билгач, бирдан марҳум отаси сайёх сифатида Тошкент, Самарқандга борганини, қовун ушлаб расмга тушганини қувонч билан эслади. Муомаламиз яна анча илиқлашди. Сухбатимизга ҳамма ҳавас билан қараб турарди. Бу эса мени руҳлантирар эди.

Бу ҳолатни ғаш олибми, майор менга тез таржима қилишни кўпол оҳангда буюрди. Шунда миллий ғурурим қўймади: оддий оҳангда: таржима қила олмайман, русчани унча яхши билмайман, дедим. Ҳарқалай таржима қилолсам-да, атайин терс туриб олдим. Сабаби, мен ҳам бир гердаиб, ўзбекнинг кимлигини, ҳеч кимдан асло кам эмаслигини уларга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган эдим.

Бу жуда катта масъулиятли иш эди. Ҳеч иккиланмай таклиф билдириб, ўз хизматдошим рус тилини менга нисбатан анчагина яхши биладиган ротамиз комсорги андижонлик Ҳамид Зокиров ёрдам беришини, мен немисчадан ўзбекчага, Ҳамид бўлса менинг ўзбекча гапимдан рус тилига таржима қилиб туришини сўрадим.

Майор Скакалин жаҳли чиқса-да, менга ишона бошлади ва бажаришни буюрди. Ҳамид эса ҳаяжонда эди. Ўзбекни бир кўриб қўйишсин деб, унга далда бердим... Муаммойам ҳал бўлди. Немис бўлса мен билан худди кадрдонлардек кучоклашиб хайрлашди...

Биласизми, бунақа таржима жараёнини ўз кўзи билан кўриб «сиёсий билимли» майор тилини тишлаб қолган эди. Ҳозиргина у мутлақо назар-писанд қилмаган икки ўзбек аскарари немис ва рус тилларининг билағони сифатида ўзларини кўрсатиб қўйишганди.

Немисча гаплар ўзбекчага, ўзбекчаси бўлса русчага аниқ ва лўнда таржима қилинди. Албатта, ўзбекнинг тили – она тилимиз асосий боғловчи бўлди. Ўшанда танамга сиғмай ғурурланганман.

Майор Скакалин айтган гапидан уялди шекилли, «энди сен бизнинг таржимонимизсан» деб, рус ва немис тилини ўрганишим учун кулайроқ шароит яратиб берди. Зарурат бўлганида, хизмат охирига қадар немислар билан мулоқотда таржимонлик қилдим.

Бу воқеани доим завқ ва ҳаяжон билан эслайман, чунки ўша даврда ўзбекнинг кимлигини билмаганларга билдириб қўйгандик. У вақтларда ўзбекнинг тилига давлат тили мақоми берилишини, ота юртимиз мустақиллигини ҳеч ким тасаввур қила олмасди».

Армиядаги ниҳоятда салбий ҳолатлар, тартиб-интизомнинг бузилиши, маънавий муҳитнинг носоғлом тус олиши, ҳарбийлар ўртасидаги зиддият, низолар кучайиши ҳам куролли кучларнинг обрўсигаям катта путур етказиб, ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдири учун жиддий ташвишга тушиши, аҳоли орасида армияга қарши норозилик кайфиятлари пайдо бўлишига олиб келган эди.

XX аср 80- йиллари интихоси – 90- йилларининг ибтидосида ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган ва Марказ қандай бўлмасин Иттифоқни саклаб қолишга тинимсиз тарзда хатти-ҳаракатларини қилаётган бир вақтда бунинг энг кучли, беҳад даражада қудратли воситаларидан бири ҳам ўша Шўроларнинг ҳарбий кучлари эди.

Ўша даврда энг кўп ҳарбийга чақириладиган йигитлар айнан бизнинг Ўзбекистондан бўлганлиги кўпчилик катталарга маълум. Ҳар йили 320 мингга яқин йигитларимиз Совет армиясига ҳарбий хизматга чақирилар эди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, ўша даврда ўзбек йигитлари нафақат ҳаётнинг бошқа жабҳалари, балки куролли кучлар сафида ҳам роса камситилар эди. Яъни, йигитларимизнинг аксарият қисми ҳарбий хизматга чақирилиш баҳонасида қурилиш батальонларига жалб этилар эди. Улар икки йил давомида ҳарбий техниканиям кўрмай, куролларни бир марта бўлса ҳам қўлларида тутмай, бор-йўғи оддий мардикорлик билан шуғулланиб, уйларига эса ясан-тусан қилиб, қайтиб келар эдилар.

Бу сиёсат эса аслида биринчи жаҳон уруши давридаги, яъни юз йилдан мўлроқ аввал чор Россияси қўллаган мардикор олиш сиёсатининг давоми эди. Россия империяси фақат уруш пайтида мардикорликка сафарбар этган бўлса, Совет давлати эса тинчлик давридаям ҳарбий хизмат баҳонасида йигитларимиздан сув текин ишчи кучи сифатида фойдаланиб келганди. Бунақа сиёсатни бир

амаллаб оклаш ниятидаги марказдагилар асоссиз баҳоналарни рўкач қилар эдилар. Масалан, юридик фанлари доктори Галина Литвинованинг матбуот орқали («Наш современник» журнали, 1990 йил 6- сони) ўзбекларни ҳарбий-тарихий жихатдан мутлақо тажрибага эга бўлмаган миллат, деб баҳолашининг ўзи бизларга бўлган шовинистик муносабатнинг рўйи-рост, ошқора кўриниши эмасми?! Бу «олима» шундай ёзган эди, «Совет армияси сафида ҳарбий-тарихий тажрибага эга бўлган миллатлар йигитларининг қисқариши оқибатида, ҳарбий-стратегик топшириқларни амалга оширишда янги қийинчиликлар юзага келиши мумкин». Ўзингиз ҳам тузук-қурук тушунапсизми? Кўҳна Шарқ заминидан туғилиш кўплиги туфайли ҳам армияда «ҳарбий-тарихий тажрибага эга» бўлмаган миллатлар вакиллари «ҳарбий-стратегик топшириқ»лар ижросини хавф-хатар ҳамда таҳдидларнинг остига қўяр эмишлар.

Россия академиги А. Миддендорф мил. аввалги IV асрда Юнонистонлик Искандарнинг босқинчилик юришлари пайтидаям Буюк Турон замин ҳимоячилари тоғларда курашга мўлжалланган махсус альпинистлар куруллари қўллаганлигини ёзган эди. Унинг ёзишича, «1382 йилда Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзи билан Бадахшондан келтирилган баланд чўққига чиқувчилар отрядини олиб юрган». Россия империясининг генерал-лейтенанти Михаил Иванов билан «Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур: ҳарбий санъати, стратегия ва тактикаси» (Тошкент: «Янги аср авлоди», 2017. – 304 б.) номли машҳур асаридан ёзишига биноан, «Амир Темур лашкарларида асосий қўшин турларидан ташқари яна қуйидагилар мавжуд: 1) понтончилар (кўчма кўприк қуриш ишлари билан шуғулланувчилар) ва кемачилар; 2) нафтандозлар (ёнаётган мумни, нефтни ва оловни отувчилар); 3) қамал қилиш машиналари ва тош отувчи куруллар билан ишлашни биладиган жангчилар... Боязидга қарши бўлган жангда эса Амир Темур олов отувчи мосламаларни филлар устига ўрнатиб, жангга киритган; 4) Амир Темур қояларга чиқа оладиган ва тоғли ерларда бўладиган жангларга кўниккан, тоғ аҳолисидан ташкил топган махсус пиёда қисмга эга эди...» (180- бет). Бобур Мирзонинг қўшинларида ҳам мукамаллашган тош отувчи ва деворларни қулатувчи машина ва аслаҳалар бўлган эди. Булар орасида ниҳоятда ҳайратлиси, Темур

Маликнинг Сирдарёда 70 кемадан иборат махсус ҳарбий флоти ҳам бўлгандир. Бу кемалар сиртидан ҳўлланган кигизлар билан қопланган бўлиб, ёндирувчи снарядлар, ёйларнинг ёниб учаётган ўқларидан асраб, сақлаб турар эди... Ана сизга ҳарбий тажриба!

Аждодларимиз, Туркистоннинг не-не улуғ жангчилари Чин, Европа, Миср каби бир катор ўлкаларда аскар сифатида фаолият юритишган. Уларнинг баҳоси жуда юксак бўлиб, куч-матонати ва шерюраклиги билан бошқалардан кескин ажралиб турган. Улар Колизей аренасида, Хитой императорларининг гвардияси ҳамда самурайлар яккакурашларида ишончли жангчи сифатида шуҳрат қозонганлар. Ўз вақтида араб муаррихлари бир жиҳатга алоҳида аҳамият қаратиб, шундай битган эдилар: «Аллоҳ Таоло ҳар бир халқ, ҳар бир бўғин, ҳар бир авлод, ҳар бир қабилани маълум бир ишда ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолатда етукликка эришувчи қилиб тақсимлагандир: хитойликлар ҳунарда, юнонлар фалсафа ва адабиёт, араблар ҳуснихат ва диншуносликда, Эрон, яъни Сосонийлар давлат тузилмаларида ва туркий халқлар бўлса жангларда» («Ватанпарвар» газетаси, 2019 йилнинг 11 майи).

Қўшнимиз Афғонистондаги урушга (1979 – 1989 йиллар) сафарбар қилинган аскарлар кўпчилигини ҳам ўзбек йигитлари ташкил этганлиги ҳам ой-кундек равшан ҳақиқат эди-ку. Демак, урушлар даврида ўзбекларимиз ҳарбий хизматга лойиқ эдилар-у, тинчлик замонида фақат мардикорликка яроқли бўлибдилар-да? Бу Шўролар давлати томонидан амалга оширилган шовинистик сиёсатининг чинакам пинҳоний кўринишларидан бири эди.

Шу ўринда, биргина 1990 йилда Ўзбекистондан 180 мингга яқин йигитларимиз армия хизматига чакирилган бўлса, уларнинг кўпчилиги асосан қурилиш батальонларида, оғир ишларда хизмат ўтаганлиги, уларда қандайдир «иккинчи сорт одамлар» сифатида қаралганини ҳам аянч билан эсга олмай мутлақо иложимиз йўқ.

Қурилиш батальонларида ишлаш, тузук-қурук дам олволиш учун ҳеч қандай шарт-шароитлар яратилмаганлиги, аскарларнинг кийим-кечаги ва озик-овқати талабга жавоб бермаганлигини ўша даврларда ҳарбий хизматда бўлган кўпчилик жуда яхши билади. Бошқачасига айтганда, бу батальонлардаги хизматнинг ҳақиқий, чинакам ҳарбий хизматга деярли алоқаси йўқ эди. Бу ерда хизмат

килаётган аскарларнинг хаёти ҳамда соғлиғи учун жавобгарлик, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, солдатларга эса асосан арзон иш кучи сифатида каралар эди. Бунга эса ушбу ёзувлар муаллифининг ўзи ҳам ўша даврларда Рига (Латвия), Ленинград, Новгород, Қозон, Тюмень, Москвадаги ҳарбий қисмларда «хизматни ўтаётган» ҳамқишлоқ, дўст-биродарлар ахволидан хабар олгани борганида шахсан гувоҳ бўлганди. «Менинг ўғлим давлатни қўриқлаш учун чақирилиши керак, хандак казиш ва картошка териш учунмас. Аскарлар учун стройбатдан ҳам ҳақоратлироқ нарсаларнинг ўзи йўқ. Стройбат – погон таққан мардикорликнинг худди ўзгинасидир!» – бу талаб СССР халқ депутаты Ю. Черниченконинг сўзи («Красная звезда» газетаси, 1989 йил 14 ноябрь). Агар ўзингизнинг ёдингиздан унча ҳам кўтарилиб кетмаган бўлса, беҳад машҳур «АБДУЛЛАЖОН» бадиий фильмидаги Бозорвойнинг энг кичик ўғли Болтавой ҳам стройбатнинг «махфий қисми»да ҳарбий «хизмат» қилган эди.

1966 – 1968 йилларда «погон таққан мардикор», ҳозирда эса Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон турмуш кечинмаларидан иборат бўлган «Ажинаси бор йўллар» номли биринчи китобида (Тошкент «Ўзбекистон» 2015, 256 – 257-бетлар) шундай ёзади: «Ҳарбий хизмат» чоғида тентакона одатим ҳам бор эди. Исроил арабларнинг ерига бостириб кирса ҳам, Узоқ Шарқдаги Даманск оролчасига Хитой аскарлари ҳужум қилса ҳам, Чехословакияда кўтарилган ғалаённи тинчйтиш учун Варшава шартномасига аъзо давлатларнинг қўшени қаторида совет аскарлари киритилса ҳам, кўнгиллиларнинг сафида ўша ёқларга жўнашга ошиқаверардим. Аскар бўлволиб мен ҳам қўлимда қурол билан бир жанг қилиб кўргим келаверар, ўлиб кетишим мумкинлиги хаёлимга мутлақо келмасди. Бунақа пайтда бўлса штаб бошлиғи Михайлов тутоқиб кетиб, ўзбекка милтиқ отишни ким ҳам қўйибди, чўтингни кокиб ўтиравермайсанми сен, деб бўкириб берар эди (Анвар Обиджонов деган йигит Самарқанддаги Молия техникумини тамомлаганидан кейингина «ҳарбий хизмат»ни ўташга жўнатилган эди – Б. И.).

Германия билан уруш бўлган йилларда ўзбекларни кўпинча ҳеч бир тайёргарликсиз жангга ташлайверганлар. Энди бўлса уни милтиқ отишни ҳам эплай олмайдиган бир нўноққа чиқариб, ўз

«томорқаси»да малайлик қилдириб юришибди. Э, доғман-да! Яна ўйла эски тоғора, қадимги аҳвол!

Чор Россияси даврида уруш бўлса, мустамлака юртларнинг вакилларини олдиндан келишилганидек, фақат фронт ортидаги мардикорлик ишларига жалб этишар, уларнинг кўлига эса қурол беришдан роса чўчишар экан. Ҳозирда ҳам аҳвол шундайлигича қолган, фақат бошқачароқ, жуда ниқобланган шаклда эди. Энди улар ҳарбийга алоқаси йўқ мардикорларнинг тўдаси эмас, қизил қўшин таркибидаги қурилиш батальонлари аскарари. Номи – аскар, аслида эса, 70 – 80 фоизи Туркистон, Кавказ, Болтиқбўйи сингари минтақаларда яшовчи турли миллат вакилларидадан иборат бўлган, энг чекка ҳудудларда ҳам оғир-оғир ишларни арзимаган маош эвазига сув текинга бажариб берадиган формали мардикорлар. Аҳволлари Сталиннинг ГУЛАГи (Главное управление лагерей – Лагерлар бош бошқармаси) тутқунлариникидан салгина яхшироқ, холос. Буларнинг орасида анча-мунча руслар ҳам бор эди, аммо улардан бири жудаям уқувсиз, бири енгилроқ айб билан қамалиб, «ўтириб» чиққан, бири бўлса беҳад даражадаги безорилиги боис милициянинг назоратида бўлиб келган «чиқинди»лар эди»...

Энди эса Биринчи Президентимизнинг бу масала хусусидаги 1990 йил 24 февралда билдирган фикрларига алоҳида диққат ва эътиборимизни қаратсак: «...Бир оғиз сўз ёшларимизнинг ҳарбий хизматни ўташи ҳақида... Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан бири – қурилиш батальонларида хизмат қилаётган ёшларимиз оғирини енгилроқ қилишдан иборатдир. У ерларда интизом ва сиёсий-тарбиявий ишлар ғоятда паст даражада эканлигини яхши биламиз. Бизнинг муҳокама учун тақлифимиз мана шундай: агар қурилиш батальонларида хизмат қилиш керак бўлса, ўзимизда, жуда бўлмаса, Ўрта Осиё миқёсида ҳам қурилишлар кўп. Бизнинг болаларимиз шу ерда хизмат қилишсин. Бундай қарор кўпчилик ота-оналарнинг талабига ҳам тўла жавоб беради, деб ўйлайман»...

«Армия хизматида салбий муносабатни келтириб чиқарган турли-туман сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизом жудаям бўшашиб кетгани, Уставга хилоф муносабатлар

ҳамон мавжуд эканлиги, йигитларимизнинг майибланиб қайтиши ва ҳалок бўлишига мутлақо йўл қўймаслик ҳақида бормоқда.

Биз рўйи-рост айтишимиз ҳам керакки, бунга асло йўл қўя олмаймиз. Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан нохуш хатти-ҳаракатлар ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза, химоя қилиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

...Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Иттифоқдаги турли органларга эса йигитларимизнинг хизмат ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар ҳам киритилди. Бу масалалар ҳозир ҳал этилмоқда. Чунончи, қурилиш қисмларига чақирилган йигитларимиз Туркистон ҳарбий округи ҳудудида хизмат ўташи тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилди...» (Ўзбекистон Компартияси XXII съездида сўзланган «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан» мавзусидаги маърузадан. 1990 йил 5 июнь).

Шу ўринда кичик бир тарихий чекиниш қилиб олсак-да, ўз Ота юртимизда дунёвий фанлар ўқитиладиган замонавий ҳарбий таълим муассасалари хусусидаги бир-икки диллларни келтириб, мулоҳазаларимизни билдирсак. XX аср Туркистон халқлари учун беҳад қайғули бошланганидан ўзингизам бохабарсиз. Хонликлар деярли қўлдан кетган, ўлкада чор ҳукумати қўшинлари изғиган, Бухорони эгаллаш учун жиддий ҳаракатлар бошланиб кетган эди. Исканжа ҳалқаси тобора қисқариб бораётган ўша чоғда жафокаш жадид боболаримиз ўз бошини кундага қўйиб, аскарлик, маориф, тил, адабиёт, зироат, тижорат ва бошқа муҳим масалалар бўйича бир қатор муаммоларнинг оқилона ечимларини топишга уриниб кўрган эдилар. Мустамлакачилар эрк ва озодлик учун аста-секин кўтарилаётган исёнларни бешафқат бостириш мақсадида ҳарбий мутахассисларни айнан шу ернинг ўзида тайёрлаш учун 1900 йил Тошкент кадетлар корпуси, 1915 йил прапоршчиклар мактабини очган эдилар. Россиянинг пойтахтида давлат тўнтариши туфайли ҳукумат энди большевиклар қўлига ўтганидан кейин, 1918 йили Туркистон совет қўмондонлиги курслари ташкил этилганди.

Бу даврда ижтимоий-сиёсий аҳвол ва туркистонликларнинг ҳарбий ишларга ўзига хос муносабати XX аср бошларида нашр этилган «Хуррият», «Иштирокиюн», «Туркистон», «Зарафшон»,

«Меҳнаткашлар товуши» сингари бир қатор газеталарда, маълум бир даражада, баҳоли кудрат равишда ёритиб борилган эди.

Адлия соҳасида олий маълумотни олган Убайдулла Хўжаев 1917 йилнинг августида бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари иккинчи съездида иштирок этиб, мана шундайин мулоҳазаларини баён қилган эди: «Муҳтарам жаноблар! Туркистонда хануз эски ҳукумат замонидаги каби тазйиқ ҳукм сурмоқда. Солдат ва ишчи депутатлар Туркистон халқларини хоҳлаганларича қисадилар...

Ишчи ва солдат шўролари идея жиҳатиндан ниҳоятда яхши муассасалар бўлса ҳам уларнинг Туркистондагиларини билиб ҳам бўлмайди. Улар ўз оралариға мусулмонларни киритмайдилар, киритсалар ҳам 1 – 2дан ортиқ ўрин бермайдирлар ва ўзлари эса Туркистоннинг сиёсий ва маданий маданий манфаатлари учун саъй қилмайдилар...» Жасоратли, ўз Ота юрти фидойиси бўлмиш Убайдулла Хўжаев нутқини қуйидагича якунлаган эди: «Умуман демократлар (яъни, большевиклар) туркистонликларни кишига санамайдилар, ўз кишиларини қарамоқни ўзларига топширишни маъқул кўрмайдилар. Шу сабабдан Туркистонга ўз тақдирини ўзи хал қилишга мухторият бермоқ, онда эса мусулмондан ихтиёрий полклар ташкил қилмоқ, қирғизлар (аслида – козоқлар, қирғизлар қора қирғиз деган номи билан аталар эди – Б. И.) орасиндан рус аскарларини олиб, аларнинг ўрнига бўлса мусулмон аскарларини юбормоқ ҳам қирғизлар ила бирга тура олмайдурган муҳожирлар кўчирилмоғи керак. Фақат шу вақтлардагина Туркистон халқини жабр ва зумлардан қутқармоқ мумкин бўладир».

1858, 1869 ҳамда 1873 йилларда Бухоро амирининг элчилари мирзаси сифатида Россия империясига борган Аҳмад Дониш бу салтанатнинг давлат тузилиши ва мудофааси билан ҳам жиддий равишда қизиққан, ундаги тартиб-интизомни ҳам ўрганган эди. Нисбатан замонавий мудофаа тизими билан яқиндан танишган Аҳмад Дониш ўз она Ватанининг мудофаа тизими анча орқароқда қолиб кетганлигидан ҳам афсусланганди. У махсус «Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида»ги рисоласини 1875 йилда ёзиб бўлиб, китобни амир Музаффарга (1860 – 1885) киритганди. Амир ушбу асар билан танишгунига қадар Донишга ўз ҳукуматидаги юқори лавозимлардан бирини эгаллашни таклиф

қилган эди. Бироқ, Аҳмад Дониш мазкур таклифни агарда амир ҳукумат таркиби, тузилиш ҳамда ислохотларни ўзи махсус ёзган рисолада баён этилганидек амалга оширилишига рухсат берган тақдирдагина қабул қилишини баён этганди. Амир рисола билан танишгач, «Мен уни элчилар сафида котибликка юборган эдим. У эса менга ақл ўргатишга жазм этди», – деб ғазабланган. Бундан хабар топган Дониш, «Мен эса, бу аҳмоқ эшакмиялар хизматида бўлишни ҳам мутлақо хохламайман», – деб жавоб қайтарганди.

Аҳмад Дониш давлат бошлиғи ҳарбий ишларда нималарга жиддийроқ эътибор қаратиши даркорлигини шундай уқтирганди:

1. Ҳукмдор айна душман тарафга эмас, бошқа бир томонга юриш қилмоқчи бўлиб чор-атрофга овозалар тарқатиши керак.
2. Сафар асбоб-анжомлари бутунлай тайёр бўлмагунча асло ғаним ўрнашиб олган тарафга қараб йўлга чиқмаслиги даркор.
3. Ҳар куни аскарнинг кўнглини кўтарадиган ишлар қилсин, яъни инъом ва эҳсонни кўп қилиб, бошдан оёқ кийимлар берсин.
4. Аскарнинг аҳволидан бир нафас ҳам хабарсиз қолмасин, фитна-фасод ишлар чиқиб кетмаслиги учун уларни ўта хушёрлик билан шахсан ўзи доимий равишда текшириб турсин.
5. Кўшиннинг бошлиқ (авангард бошлиғи) мансабига анча-мунча кўпни кўрган, тажрибали, сўзи беҳад ўткир, баҳодир ҳамда ўзининг халқига ҳақиқатан ёқимли бўлган кишини қўйсин.
6. Ҳар куни, ҳар соат душман ҳолидан хабардор бўлиб, ўз ҳолидан эса унинг бохабар бўлишига асло йўл қўймасин.
7. Мумкин бўлса, душман билан келишиш йўлини тутсин.
8. Ғаним устидан тез ғалабага эришиш учун аскарни қаттиқ интизомда тутиб, улар сафини тажрибалилар билан бойитсин.
9. Аскар турадиган жойни доимо обод сақласин, куёш, қор ҳамда ёмғирнинг остида қолиб кетишидан эҳтиёт этсин.
10. Фатҳий зафар озроқ бўлса-да, қаноат қилсин, душман ортидан эҳтиётсизлик билан қувиб тузоққа тушиб қолмасин...

Абдурауф Фитратнинг ҳам армия масаласидаги фикрларини биргалашиб ўқиймиз: «...икрор этаманки: сиёсий, илмий, маиший ва аскарӣй йўлларда замон биздин кўп ишлар талаб этадур ва бу ишлар чун замонамиз мусоиддур (ёрдам берувчи, қулай). Аммо, бизда ишлайтурғон одам ниҳоятда оз ва бори ҳам ишламайдур ва

ёйинки эгри кетадур. Бу фурсатлар ҳам ўтганларидек ўтуб кетар. Сўйгра пушаймонликдин бошқа қўлда бирон-бир нарса қолмас, масалан, ҳозирда аскарий ва илмий ишлардан ҳам қочамизки, бу бўлса худди, бир бебош боланинг мактабдин қочиб кетганининг нақ ўзгинасидир» («Хуррият» газетаси, 1917 йилнинг 5 декабри).

Маҳмудхўжа Бехбудий фикрига кўра: «Ҳозирги вазиғамизга қараганда бизга, энг аввало, аскарлар керакдир. Чунки, ҳозирги дохилий шўриш ва инкилоб хорижий ғанимларнинг тажовузидан ортиқ бизга хатарли бир ҳолға айланмақдадурки, бу шўришдан ватан ва хурриятни қутқариб олмоқ учун аскарий бир қувватға молик бўлмағимиз мутлақо лозимдир... дохилий душманларнинг хужуминдан ўз ватанимизни қутқармоқ ва аларни тасаллутдин муқаддас ҳокимиятимизни муҳофаза этмақ учун биз Туркистон фақир ишчи ва деҳқонлариға лозимдурки, ўз орамиздан аскарий фирқалар ташкил этиб, жонимиз ва номусимиз каби азиз бўлган ҳуқуқ ва хурриятимиз йўлинда қурбон бўлурға ҳозир турайлук. Бу (муракқаб) дунёда золим остинда номуссиз яшамақдан ҳуқуқ ва хуррият йўлинда номус билан ўлмақ минг марта яхшироқдир» («Меҳнатқашлар товуши» газетаси, 1918 йилнинг 2 августи).

Ҳожи Муиннинг бу борадаги мулоҳазалари «Меҳнатқашлар товуши» газетасининг 1918 йил, 13 августидаги сониди мана бу шаклда ифодаланган эди: «Бошқалар тарафиндан ҳуқуқингнинг топталмови, четдаги давлатларга маҳқум ва мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўзингнинг товушингни эшитдуриб, эшитмоққа мажбур этувға шубҳа йўқким, қўлингдаги қуролингға ва аскарий кучингга қараб бўлур. «Мамлакатнинг идораси аскарсиз мумкин эмас». Идора ишлари ўз қўлимизга ўтқач, табиий, ватанимизнинг душмандан муҳофазати ўз устимизга тушажак. Бунинг учун эса ўз аскаримиз бўлурға керак. Табиийдирки, мамлакатнинг идораси бизнинг қўлимизда бўлиб, аскарликни эса бошқалар қилмаяжак. Бу аслида мумкин ҳам эмас. Шунинг учун агарда биз мустақил ва куллиқдан қутулиб, озод бўлиб яшовни хоҳлар эканмиз, энг яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувимиз ва ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозим. Лозимгина эмас алзамдир».

Ватан ҳимоясининг беҳад улкан савобли иш эканлиги ислом дини манбаларида қуйидагича келтирилади: «Кимки бир кун ёки

бир кеча чегара пойласа, унга бир ой кундузи рўза тутиб, кечаси ибодат қилганлик савоби ёзилади. Кимки ўз сарҳадини кўриқлаб турган пайтида ҳалок бўлса, унга ҳам худди шундай улкан савоб мукофоти бўлади ва унга шаҳидлик мақоми берилади».

Шайх Муҳаммад Имом Ғаззолийнинг ҳаққоний сўзлари ила ифодалайдиган бўлсак: «Башар ўз ерига, гарчи у тап-тақир саҳро бўлса ҳам беҳад қаттиқ боғланади. Ватанини севиш инсоннинг руҳиятидаги энг асл табиатдир. Бу табиат Ватанда яшашда хузур-ҳаловат, ундан узоқ бўлинганида соғинч, хужум қилинган чоғида мудофаа ҳамда камситилганида ғзаб ҳисларини пайдо қилади»...

Шунинг учун ҳам ўзини ўз Ватанига мансуб деб билгувчи инсон унга беҳад садоқатли бўлади, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлайди, шу аснода эларо юксак ҳурмат-эҳтиромига эришади.

Халиуллоҳни оловга ташлаган, Исо масиҳни хочга миҳлаган, Сарвари Оламини тошбўрон қилган жоҳилиятнинг авлоди ҳамон Замин юзида ёвузлик уруғларини сочаётган экан, уларнинг инсон жисму руҳини зоҳирий ва ботиний оташдонларда таҳқирловчи дастгоҳлари ханузгача ишлаб турган экан – АСКАР керак!

Бугун аскар бўлиш, беш-ўн кунга тоғ бағрида сайрга бориб-келишмас. Аскар ҳамма захматни бўйинга олиб, ўз ҳарбий қисми йўналишидан келиб чиқиб, командирининг буйруғига бўйсунган ҳолда, дейлик, «Жангга!» деган беҳад мудҳиш, аммо рўй бериши мумкин бўлган хабар ва хатарга-да доим тайёр туриш деганидир. Аскар ўзи ортидаги дарвозадан тўп кириб кетса, кейинги сафар хатоимни тўғрилаб оламан, деб ўз бошини эгиб турган футболчи эмас. Унинг йўл қўйган хатосида «кейинги сафар» деганлари ҳам мутлақо бўлмайди. Аскарнинг ортида ВАТАН деган манзил бор.

Аскарнинг кўзи ўтмаслашмайди. Аскарнинг билагидан куч кетмайди. Аскар асло чарчамайди. Аскар – ҳарбий либос ичидаги соғинч! Аскар-қурол тутиб турган ВАТАН! Аскарни тўққиз ой, тўққиз кун вужудида, икки-уч йил ўз қўлида, бир умрга калбида опичлаб, ардоқлаб юргувчи оналарнинг дуоси, бу дунёдан шаҳид кетган ҳарбий аждодларнинг мардона руҳи доим қўллаб туради....

XX аср ўзбек адабиётининг биринчи устуни ҳамда биринчи Абдуллеси (Қодирий) ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилишини орзу қилиб, мана шундай таклифларини билдирган

эди: «Бошқалар тарафидан ҳуқуқингнинг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга (эса) ўз товушингни эшитгдуриб эшитмоққа мажбур этувга, шубҳа йўқки, қўлингдаги куролингга, аскарий кучингга қараб бўлур...

Мусулмонлардан кўнгилли аскарларни йиғмоқ Туркистон ўзбек ишчилар ҳаракатиётини таъмин ва чет тарафдин топталган ҳуқуқни тиргизув деган сўздир. Биз аскарлик масаласини шундаг англаб, Марказ мусулмон бюроси мурожаатини тамом шодлик ила қарши оламиз.

Бизнинг ўттиз тўрт минг меҳнатқаш намояндалари Марказ мусулмон бюросига мурожаат этамизким... Эски шаҳарга таълим жойларини очиб, ҳарбий муаллимларни мусулмонлардан қўйсун. Мусулмонларнинг ўзидан аскарий муаллимларни етказмак учун курсларни очиб, ана шу кунлардан эътиборан Эски шаҳар синфий иттифоқлари шўросига бир нафар ўз ҳарбий вакилини доимий этиб тушурсин» («Иштирокиюн», 1919 йил, 4 ноябрь, 211- сон).

1920 йил 17 мартда Тошкент пиёдалар қўмондонлик курси, деб қайта номланган билим юртида маҳаллий халқ вакиллари – ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз миллатига мансуб бўлган курсантлар бўлими шакллантирилган. 1 апрелдан ўқув дастурига ўзбек тили фани ҳам киритилган эди. Шу йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган 5- битирувчилар орасида Миркомил Миршаропов, Исҳоқ Муқомбоев, Иброҳимжон Муродов, Нурмат Муҳамедов, Муҳаммад Раҳимов каби маҳаллий халқ вакиллари ҳам бор эди. Турккомиссиянинг 1923 йил декабридаги йиғилишида миллий ҳарбий қисмлари учун ўрта қўмондонлик таркибини тайёрлаш мақсадида Ўрта Осиё миллатлари бирлашган ҳарбий мактабини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Номини бир неча марта ўзгарган ҳарбий билим юртида 1933 йилга келиб, курсантларнинг 35 фоизини ўрта осиелик вакиллар ташкил қилган. Ҳарбий билим юртини битирувчилардан иборат ўзбек миллий дивизиясининг ҳарбий машқларда эришган ютуқлари, замонавий ҳарбий билим, техникани мукамал эгаллаб бораётганлиги Москвани чўчитиб юборган. Марказнинг назарида, республика раҳбарлари миллий дивизиянинг ёрдамида Ўзбекистонни совет иттифокидан ажратиб олиши мумкин эди («Ватанпарвар» газетаси, 2018 йил 27 июль).

Хар қандай миллий қиёфа, миллий маданият асли химояга мухтожлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Бунинг учун эса миллий ҳарбий кадрлар кераклигидан бўлса керагича бохабарсиз. Иккинчи жаҳон уруши чоғида ўзбек халқи 740 минг фарзандидан айрилган. Буларнинг ярим миллиондан ортиғи Ўзбекистоннинг ўзидан, қолгани қўшни давлатларда яшовчи ўзбеклар фарзанди. Халқимизнинг бу қадар ўққа учшининг энг асосий сабабларидан бири шуки, ўзбек йигитлари Бухоро ва Хоразм давлатлари йўқ қилинган XX асрнинг 20- йиллардан бошлаб қурол ўрганишдан маҳрум этилган эдилар. Уларга, юқорида ҳам қайд этилганидек, ҳарбий ўқув юртларида таълим берилмаган эди. Қолаверса, совук иқлимга жангчиларимиз ўрганмагандилар. Бунинг устига, ҳарбий буйруқлар рус тилида берилар эди. Хуллас, урушда чораккам бир миллионга яқин ўзбек фарзандларимиз беҳуда нобуд бўлдилар...

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган даврлардаги ташвишли ҳолатлардан бири шундан иборат эдики, ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган ёшлар ҳамда армия офицерларининг орасида маҳаллий кадрлар ниҳоят даражада кам бўлиб, ўзбек миллатига мансуб офицер кадрларни тайёрлаш жуда жиддий муаммолардан бири ҳисобланар эди. Худди ўша пайтда маҳаллий миллатларга мансуб офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳақидаги аниқ-тиниқ маълумотлар ҳам шундан яққол далолат бериб турибди. 1993 йилгача республикамиздаги 3тагина олий ҳарбий таълим муассасасида бор-йўғи 3та мутахассислик бўйича офицер кадрлар тайёрланарди, холос. Бугунги кунларда эса Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли бта ҳарбий таълим муассасасида 29 хил йўналиш ва мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрланиб, Қуролли Кучларимиз сафига хизматга юборилмоқда.

Ҳарбий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор туфайли 1995 йилнинг ўзидаёқ армиямизда миллий кадрлар 60 фоизга етганди.

Ўша даврда Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртида таълим олаётган ўзбек йигитлари 89 курсантни, Тошкент танкчилар билим юртида бўлса бор-йўғи 25 кишини, Самарқанд автомобиль билим юртида эса 51 талабани ташкил этган. Жами – 105 ўзбек йигити. Бу рақам бўлса собиқ марказ томонидан бошқа

миллат фарзандларига нисбатан канчалик даражада беписанд ва ишончсизлик билан қаралгани, ва эхтимол, ҳарбий соҳани уларга ишониб топширишдан ҳадиксирагани, айни пайтда эса, халқимиз вакилларининг ҳақиқий ҳарбий хизматдан ҳафсаласиям батамом пир бўлганлигидан ҳам яққол дарак бериб турарди, аслида.

Совет армияси учун афғон уруши ҳам тамом бўлса-да, тинч даврда йигитларнинг ҳалок бўлиши, биринчи навбатда, бу ерда вужудга келган ғоятда носоғлом муҳитнинг оқибати эди. Биргина 1989 йилнинг ўзида, яъни тинчлик даврида 430 навқирон йигит – ўзбекистонлик аскарнинг нобуд бўлганлигини эсласак, бугун ҳам одамнинг кўнгли афсус ва надоматларга тўлиб-тошиб кетади. Бу масала ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов КПСС XXVIII съездининг (1990 йил, июнь) минбаридан туриб, сўнги ярим йилнинг ўзида 300га яқин ўзбек хонадонларига ҳарбийдан тобутлар келганини ошқора айтганида унинг гаплари бўҳтонга чиқарилганди. Буни исботлаб бериш мақсадида тузилган махсус комиссия «муаммони росаям ўрганиб», Ўзбекистон вакилининг 40 кишига янглишганини билдира олган, холос. Майли, шундай ҳам бўлақолсин. Аммо, ўзингиз ҳам «дўппини бир бошдан олиб» ўйлаб кўринг, тинч даврда 250дан зиёд ўзбек хонадони «менинг ўғлим эр йигит бўлди» деб эндигина кучга тўлган, орзу-умидлари бисёр ўғлонларини катта орзу-ҳавас билан ҳарбийга юбориб, кўп ўтмай уларнинг жасадини олганлиги ўша даврнинг энг даҳшатли ҳақиқати эмасми?.. Ҳатто, собиқ Югославиядаги Косово урушида ҳам қурбонларнинг сони бунчалик даражада кўп бўлмаган эди.

«Ўн саккиз йил давомида кўзим қорачиғидай асраб-авайлаб катта қилган суянчиғим – фарзандим Шарофиддинимдан буткул, мангуга айрилиб қолдим.

1987 йил мактабни битиргач, Ғаллаоролдан Қаршига бориб, кишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумига ўқишга кирди. Ўқишнинг иккинчи йили эса Совет армиясига чақирилди. Қарши шаҳар вокзалидан мен билан қучоқлашиб ва ўпишиб, «Отажон, йигитчилик!» деб бағрига босиб, яхши кайфиятда жўнаб кетди.

Мана, хизмати тугашига беш ойгина қолганда темир яшиқда шишиб кетган жасади келди. Жасадни кўриб, эс-ҳушимдан кетиб қолибман. Дўхтирлар етиб келиб укол қилиб, дори-дармон билан

оёққа турғизишди. Ўзимга келган заҳоти яна болагинамни кўргим келди, бир кўрайин деб ёлвораверганимдан сўнг фақат жасадини кўрсатишди, юзини бўлса асло кўрсатишмади. Боламни лаҳадга кўйиб, кўмиб келганимдан кейин ҳам ўзимга ҳеч кела олмадим.

«Ўлди» деб телеграмма олдик. Одамнинг сираям ишонгиси келмайди. Ҳарбий хизматнинг энг қийини ўтиб кетиб бўлган, энг охириги хатларида ҳам заррача хафагарчилик асло билинмас эди.

Лекин, инсоф билан айтинглар, ҳеч бўлмаса, унинг ўлигини ҳурмат қилишса бўлмасмиди?! Телеграммани олиб жўнаб кетган укаларим – Бахтиёржон ва Рафиқжон шундай ҳикоя қилгандилар: «Бориб кўрсак, бешта ўлик бетон устига ётқизиб қўйилган экан, бири бўлса мутлақо таниб бўлмайдиган даражада шишиб кетган. Шарофиддиннинг жасадиам энди айний бошлаганакан. Жасадлар дориланмаган ва музлатилмаган, хор бўлиб ётибди. Бир-икки кун кечиксак нима бўларди?! Пул билан самолётни гаплашдик. Тобут йўқ. Пул берамиз десак сира кўнмайди. Ароқ топиб келсанг, ясаб бераман, дейди. Ароғи талонга экан. Бир лейтенантдан 70 сўмга талон сотиб олиб, унга ароқ келтириб бердик. Шарофиддиннинг ўлигини уйимизга олиб келгунимизча буткул шишиб кетди...»

Во дариғ, болагинамнинг ўзи ҳарбий хизматга қулиб чиқиб кетган уйга ўзининг ўлигини қўйдик. Исириқ ва ўт ёқиб ҳафсала билан ювдик, ўша хонага кириб хайр-хўш ҳам қилиб бўлмади.

Совхозда яшаймиз. Агар фермада бир қўй ўлса, камида тўрт гувоҳ билан акт қилиб имзолаймиз, териси ва туёқларини ашёвий далил сифатида қўшамиз, район, область раҳбарларининг олдида ҳисоб берамиз... Агарда ОДАМ ўлса-чи! Ҳеч ким сўрамайдими?! Одамнинг давлатга совхознинг бир қўйичалик ҳам қадри йўқми?! Менга келиб, Хизмат қилган ўша еридан ҳисоб бермайдими? Мен ўзимнинг боламни осонлик билан катта қилганим йўқ эди-ку...

Ўн саккиз йил болани боқиб, ҳукуматга шу учун бердикми?! Уч укаси катта бўлмоқда. Эрта-индин уларга ҳам повестка келса, тартиб шунақа бўлган армияга энди уларни қандай жўнатаман?...»

Бу ғаллаороллик Мусурмон ака Абдусаломовнинг 1990 йили газеталардан бирининг таҳририятига юборган кўз ёшлари билан битилган мактуби. Унда ўз йигитлик бурчини ўташ учун шўролар

ҳарбий хизматига оёғи билан кетиб, жасади темир тобутда келган бахтиқаро ўзбек йигити отасининг изтироблари баён этилган.

Минг афсуски, ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзи эмасдан едириб, ўзи киймасдан кийдириб, эндигина қабатига қўшилаётган ўғлининг доғига куйган биргина Мусурмон аканинг ўзимасди-да. Ундай жабрдийда инсонларнинг сони эса минглаб эди...

Ўша долғали йилларда армияга кетган йигитларимизнинг уйга қайтишига санокли кунлар қолганида жасади келиши ҳамон одамнинг ичини куйдиради. Энг ачинарлиси бўлса, ота-оғалар ўз фарзандларининг не сабабдан ҳалок бўлганлигиниям аниқ билмас эдилар. Асл ҳақиқат эса давлат сири сифатида яширилиб, жасур, мард ва ҳалол йигитларимиз ўлимига «томдан йиқилиб тушди», «сувга чўкиб кетди», «ток урди», сингари ёлғон сабаблар рўқач қилиб кўрсатилгани одамга дард устига чипқондек азоб беради.

Аскарлар ўлимига ўша пайтлардаги армиядаги муҳит тубдан издан чиқиб кетганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлганди. Масалан, «дедлик» ва «маҳаллийчилик» деган иккита бедаво дард роса ҳам авж олганди. «Дед» деганлари – хизматни қилиб қўйган «отахон» бўлиб, унинг айтгани айтган, дегани эса деган эди. Улар янги борганлар устидан назорат ўрнатиб, уларни ҳақорат қилган ва хўрлаган. «Огонёк» (1989 йил, 31- сон) журналида ёзилишича, бир қозоқ йигитни «дед»лар ўта қирчиллама совуқда ҳожатхонага эшақдай миниб бориб келганлиги учун у ўзини осиб қўйган. Ёхуд ҳарбий хизматдаги бир аскар узоқ ва ғайриинсоний хўрликлардан ғазабига миниб, саккизта «дед» аскарни шартта отиб ташлаган...

«Маҳаллийчилик»да эса қаерда бир ерлик, бир миллатнинг болалари кўп бўлса, озчиликка керагича ва керагидан ортиқроғи билан зуғум қилишган. Одам ғўрлиги ва укувсизлиги учун жабр чекиши мумкин, бунисидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз. Бироқ, одамни бир миллат вакили бўлгани учун хўрлаш ва хор қилиш адолатдан эмас. Совет армиясида бу одат тусига кириб қолганди. Айниқса, Марказий Осиёлик йигитларга жудаям паст ва чиркин назар билан қаралганлиги ўша пайтларда бу ишларга давлат ҳам хайрихоҳ бўлган бўлса керак, деган тасаввурни уйғотади кишида.

Совет армиясида тинч даврдаям аскарлар ҳалок бўлишининг тагин бир сабаби – ҳарбий хизматчилар орасида ичкиликбозлик

ва гиёҳвандлик авж олиб кетган эди. Қонун-қоидаларга бутунлай зид бўлган муносабатлар шаклланиб қолганди. Охир-оқибатда ёш йигитларга армия сўкиш ва чекишни, хўрлаш ва зўрлашни 2 йил мобайнида ўргатиб берадиган бир тузилмага айланиб қолганди.

Инсонга фарзанд доғидан ортиқроқ азоб йўқ. Илло, бу ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ота-оналар ўша беҳад оғир кунларда оқ ювиб, оқ тараган болаларини ўз хоҳиш-истаги билан ажалнинг комига қўшқўллаб топширишмаган. Жондан азиз фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун қўлидан ва тилидан келган барча ишни қилган. Ҳатто оиласининг ризқидан қийиб, орттирган уч – тўрт сўм пулларини «военком»ларга пора тариқасида олиб бориб берганлар ҳам. Барибир даврнинг қамчисидан қон томиб турган сиёсатини ва қонун-қоидаларини четлаб ўтиш қийин эди. Шунақа бўлса-да, давлат органлари, ҳарбий комиссариатлар ва оммавий ахборот воситалари ота-оналардан келаётган «бизнинг ўғлимизни армиядаги ярамасликлардан муҳофаза қилинг» деган аризалар ва шикоятларга тўлиб-тошиб кетганди. Қолаверса, ўзбек йигитлари армияга бормасликни ёки у ердан бир амаллаб қочиб кетишни номуссизлик деб ҳисоблагандилар. Бундай иснод билан яшашдан кўра ўлимни афзалроқ кўрганлар. Фақат жасур, ботир, давиорак ва матонатли йигитларгина шундай қилишлари мумкин. Аммо, шўролар давлатининг (агарда шундай атаб бўлса) бундай йигитларни асраб-авайлашга мутлақо қурби етмай қолган эди...

Мусулмон Намоз «Маънавий ҳаёт» журналида (2018 йил, 2-сон, 74 – 83- бетлар) босилган «Сабрнинг туби тешик косаси» сарлавҳали мақоласида шундай ёзган: «... қарама-қарши ҳаёллар оғушида юрган пайтим дўстлар даврасида ўзбекчилик борасида, халқимизга хос хислатлар ва хусусиятлар хусусида қизгин суҳбат бўлди. Жуманазар деган дўстимиз ҳарбий қисмда доғистонлик бир йигит билан хизмат қилган пайтларини эслади. «Биласизлар, – деб хикоя қилганди у, – ўша замонларда армияда «дед»лар бўлар эди. Улар хизматга янги келганларни ҳар ишга мажбурлар, қилмаганларни эса аямай дўппосларди. Бир куни казармага кириб борсам, «дед»лар доғистонлик ёшгина аскарга челақни омборга элтишни буюриб турган экан. Йигит бўлса бундан бўйин товлади. Беш-олти «дед» бирикиб, уни ўраб олди, айирмоқчи бўлганимда,

мен ҳам бир-икки тепки едим. Кечқурун, ўлар ҳолатда сулайиб ётган ўша йигитга ошхонадан овқат келтирдим. Кейинчалик анча дўст бўлиб қолгандик. Ундан сўрадимки, шу челақни оборсанг, бирор жойинг камайиб қолмасди-ку, ўша «дед»лардан шунчалик қалтак ейишинг шартмиди? «Отам менга армияга кетар олдидан, бировнинг ноҳақ буйруғини мутлақо бажарма, бошни эгиб, тирик келганингдан кўра, бўйсунмай, ўлсанг ҳам розиман деган», деди у. Ўйланиб қолдим. Отам менга кетар чоғим нима деган эдилар? «Болам, меҳнатдан биров ўлиб қолмаган: менга сенинг тиригинг керак!» Унга шуни айтиб бердим. Доғистонлик йигит анча пайт ўйланиб ўтирди, ва кейин эса мени аядим, ўзи ҳақида хўрсиниб гапирди: «Балким, биз шунинг учун ҳам кам сонлидирмиз...»

Қадимда бир донишманд сафарга кетаётган ўғлига шундай насиҳат қилибди: «Ўғлим, тоғ бўлмагин, ҳар қасу нокас бошингга чиқиб ўтириб олади. Дарё бўлмагин, йўлингга тўғон қуриб, қучқудратингдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Чинор ҳам бўлмагин, ёвуз шамоллар сени илдизингдан кўпориб олиб, чуқур жарликларга итқитади. Майса бўлгин, кўряпсанми, тоғ унга озик беради, дарё суғоради, бўроннинг кучиям етмайди. У фақат кўкка бўй чўзади». «Униям ўриб оладилар-ку», деб эътироз билдирибди ўғил. «Лекин, у барибир ўсаверади-да. Токи гуллаб ва уруғ сочиб, бутун ер юзини қопламагунича ўсаверади!» дебди донишманд...

Энди сўз навбатини Қутлибека Раҳимбоевага берсак, янада аниқроғи, унинг «Садо» газетаси (2016 йил 25 август)да босилган «Сени суюнтиргим келади, Ватан» сарлавҳали битигиданам бир, энг яқин ўтмишимизга доир муҳим парчани биргалашиб ўқисак:

«Амаким билан тоғам баравар ҳарбий хизматга чақирилган эди. Собик иттифокнинг жудаям совуқ ўлкаларидан бири бўлмиш Новосибирск томонларда хизмат қилишган. Уларнинг бизга ёзган хатлари икки ярим, уч ойдагина етиб келарди. Эналаримнинг оҳвоҳлари ва зорланишлари бўлса ҳанузга қадар қулогимда туради:

– Бу почта деганларининг икки оёғи чўлок, кўзиям кўрми? Пайпаслаб юрсаям ўғлимнинг хатини олиб келадиган вақти ҳам бўлди-ку! Тонглар отмай, кунлар ботмай кетяпти-ей... – Уларнинг жигарбандларидан бирор хабар кутиб, юраклари узилганларидан ташқари яна бир манзара кўз олимда қолган. Онам, тоғам ва мен

посилка жўнатгани тез-тез почтахонага борар эдик. Почтачи биз олиб борган майиз, туршак, новвотларни алохида-алохида ўровда ёғоч кутиларга жойлаб, «тўқ-тўқ» уриб маҳкамлар экан, доим:

– Болаларимиз ёз-куз неъматларидан бебахралар-да. Мана шуларни уларга жўнатмаса, онангизнинг ҳам қайнонангизниям томоғидан овқат тугул, сув ўтмайди-да, уларни яхши тушунаман. Мен ҳам Калининградда уч йил хизмат қилганман, – деб кўярди.

... Уч йиллик айриликдан сўнг тоғам билан амакимни поезд шохбекатида кутиб олганмиз. Улар поезддан тушган заҳотиёқ этикларини ечволиб отишган эди. Яланглиқда, майсалар устида роса маза қилиб ирғишлашган. Ўша пайтда ўсмир фаҳмим билан кўп нарсаларни эни-бўйида англамаганман. Кейинчалик билсам, уч йил мобайнида совуқ музликлар ва тунд булутларнинг ичида нам ҳавода яшаган ўша жигарларим бобо кўшнинг нури ва она тупроғимизнинг тафтига роса ҳам интиқ бўлиб кетишган экан.

Аскарлар билан боғлиқ тагин бир воқеа хаёлимга маҳкам ўрнашиб қолган. Қишлоғимизда Жамила исмли бир аёл бор эди. Саккиз қиздан сўнг ниҳоят ўғил кўрган, унинг исми Холмат эди. Тошкент политехника институтининг кечкисида ўқиётган чоғида ҳарбийга чақирилади ва Москва атрофидаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қила бошлайди. Хизмат бошлаганига бир йил ҳам бўлар-бўлмасидан Холматнинг жасади темир тобутда келган эди. Ўша тобутни очишга мутлақо йўл кўйишмаганди. У билан келган зобитлар эса дафн маросимининг бошида қаққайиб туришган эди.

– Ҳарбийлар ҳаётининг машаққатларига дош бера олмасдан, Холмат ўз жонига қасд қилибди, – дейишган эмиш. Аммо, орадан анча-мунча йиллар ўтиб кетгачгина, Холмат билан бир қисмда хизмат қилган ҳамкишлоғимиз: – Холмат ўзининг жонига қасд қиладиган йигит эмасди. Унинг йигит умрига бошқалар кўзини тикди. Ноиложки, нима бўлганлигини ҳозир айтолмайман, бунга сира ҳам ҳаққим йўқ, – деб зор-зор йиғлаган экан.

Шўрлик Жамила опа бўлса дард-аламлардан савдойи бўлиб қолганди. Қишлоқнинг чанг-тўзонли, эгри-бугри кўчаларида:

– Менинг ўғлим асло ўлганмас, шунинг учун ҳам тобутини очишмади. Холмат қоронғи бир уйда банди экан. Гулсум фолбин айтди, – деб кўринган кишиларга гапириб юрарди. Унинг кўнгли

учун одамлар: – Ҳа, ўғлинг тирик, эрта-индин кириб келади, – дейишарди. Онаизор ана шундай ёлгон таскинларга суяниб яшаб, ҳар хил саробларга ишониб, бу дунёдан ҳам ўтиб кетди...»

Ўтган аср 80- йиллари иккинчи ярмида давлат органлари, ҳарбий комиссариат, оммавий ахборот воситалари ота-оналардан бетўхтов оқиб келаётган «Ўғлимизни армиядаги «бедодлик»дан ҳимоя қилинг!» қабилидаги аризаларларга тўлиб-тошиб кетганди.

Бугун ўша давр воқеалари хронологик равишда эсланадиган ва баҳоланадиган бўлса, ушбу жараёнда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов характериға хос бўлган ҳар қандай ўта қийин ва мураккаб вазиятдан оқилона ва одилона сиёсат билан бемалол чиқиш мумкинлиги салоҳиятини, ибратини кузатишимиз мумкин.

Ва ниҳоят... Ҳозир боғча боласиям биладиган 1991 йилнинг 31 августи. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари VI сессиясида давлатимиз ҳаётида беҳад буюк тарихий воқеа содир бўлганди – Юртбошимиз Ислом Каримов бутун дунё аҳлиға Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганлигини эълон қилганди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлаганди.

Бу қонуннинг 6- моддасида белгилаб қўйилган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқиға эға.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларға раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалға ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади», деган асосли ҳуқуқий нормаға биноан, ўзининг Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқиға эға бўлган давлатимиз «Ҳақ олинур, берилмас!» деган аждодлар ўғитиға асосланиб, изчиллик билан ушбу ҳуқуқни амалға оширишға дарҳол киришганди.

«Мустақиллик – бу аввало ҳуқуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўзининг кучи ва қудратиға суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбға чиқариш ҳамда ўзи истаган равишда ўз ҳаётини куриш, ҳеч кимға қарам ва тобе бўлмаёй яшаш ҳуқуқидир.

Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни худди кўз қорачиғидай асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан

сақлаш, бизларга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга какшаткич зарба беришга қодир бўлган қудратли Қуролли Кучларга эга бўлишимиз керак.

Нега деганимизда, ўз истиқлоли ва озодлиги қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қила олмайдиган, бунга куч-қурби ҳам асло етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат қилишга, бўйин эгишга мажбур бўлади...

Буюк донишмандлар айтган, «Агар кимки ўз армиясини боқмаса, эртага ўзгалар армиясини боқишга мажбур бўлади» деган ҳикматни ҳеч қачон унутмаслик зарур. Ушбу сўзларда нафақат чуқур маъно, балки жуда аччиқ ҳақиқат ҳам бор».

Ёзувчи Саидвафо Бобоевнинг «Китоб дунёси» газетасида (2013 йил 13 февраль, 3 (150)- сон) босилган «Хабар» сарлавҳали ҳикоясида Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлоли ўша ўта улуғ ва табаррук кунлардаги шўро армиясида «йигитликнинг чинакам бурчини ўтаётган» «бағри кенг» ўзбек миллатига мансуб бир азамат аскарлари томонидан қандай кутиб олинганлиги масаласи ҳам ўзининг бағоят таъсирчан бадиий ифодасини топган:

«Шўролар даврида икки йиллик ҳарбий хизматни ўтаган энг сўнгги аскарлардан эдик. Бу воқеа ҳам ўша пайтлар юз берганди.

Биз аскарлар тезроқ буйруқ чиқиб уй-уйларимизга қайтишни ўта бетоқатлик билан кутиб юрардик. Полкимиз Байкал ортидаги кичикроқ бир шаҳарчада жойлашган эди. Ҳамма ёқда кечаётган нотинчлик ва инқироз қайсидир маънода бизнинг ҳарбий қисмда ҳам сезилиб турар эди. Зобитлар (офицерлар) бўлса турли миллат вакилларидан иборат бўлган аскарларга нисбатан нафрат ва алам билан муомала қилишарди. Уларнинг юз-кўзларида тушқунлик, надоматнинг шарпалари кезинаётгани ҳам шундоққина билиниб турарди. Зобитлар турли миллатлар вакиллари ўртасида ҳар хил низоларни кўзгашига, аскарларни эса бир-бирларига қарши қаттиқ қайрашга, шу йўсин кўнгилларида кечаётган алам ва изтиробнинг оловини пасайтиришга уринишарди. Шундай найрангларга учиб полкда доим жанжал, ўзаро муштлашувларга бош бўлиб юрувчи аскарлар ҳам бир талайгина эди. Уларга бўлса Тагиоров деган бир беҳад жанжалкаш сержант ҳар маҳал бош-қош бўлиб юрарди.

Талакиян ва Заракуа деган (Арман ва грузин миллатларига мансуб – Б. И.) иккита бакуват аскар бўлса уни ҳамиша қўллаб-куватлаб ва гиж-гижлаб юрарди. Марказий Осиёдан борган биз каби қуролдошларини ҳар доим камситиш, масхаралашга ҳаракат қилишарди. Тез-тез ўзаро олишувлар ҳам юз бериб турарди.

Бир куни эса взводимизнинг командири лейтенант Долганин мени астагина имлаб ёнига чақирди.

– Тайёр бўлиб тур, Турага бориб келамиз, – деди ҳеч қандай эътироз ва раддияга мутлақо ўрин қолдирмай.

Тура бу полкимиздан эллик чақиримча нарида жойлашган бир шаҳарча. Ҳарбий қисмимиз асосий таъминотни айнан ўша ёқдан олади. Демак, ўша тарафдан озиқ-овқатми, кийим-кечакми, шунга ўхшаш бирон-бир нарсаларни олиб келсак керак-да.

Чошгоҳга яқин йўлга тушдик. Ҳамроҳларимни кўриб бирдан кўнглим хира тортди. Машина кузовида Тагиров худди ўша икки ҳамтовоғи билан гердайиб, қўққайиб ўтирарди. Уларнинг шундоқ ёнида эса лейтенант Долганин. Буркситиб сигарет тутатишяпти. Баланд овозда бақириб-чақириб, алланималар ҳақида гаплашиб, хохолаб кулишяпти. Авзоларига қараганда ҳаммалари ширакайф эдилар. Лекин мен бундан кўп ҳам ажабланмадим. Чунки сўнгги пайтларда полкимизда майпарастилик ва картабозлик авж олганди. Зобиту аскарларнинг аксарияти имконият топилиб қолди дегунча ўзаро давраларни қуриб олиб маишат, айш-ишратни ҳам бошлаб юборишарди. Мана бу ҳамроҳларим ҳам эрта тонгданок шишага таъзим қилишган кўринади. Агар адашмасам, бу гал буларнинг ҳаммасини взвод командиримиз ўзи ташкил қилган. Бугун унинг туғилган куни экани кулоғимга сал-пал чалингандай бўлганди.

Ҳайдовчининг ёнида бўлса тагин бир кексарок прапоршчик газета ўқиб ўтирарди.

– Мана, олинглар! – деди у ўқиб бўлган газеталаридан бир дастасини очик ойна орқали кузовнинг устига узатиб.

Заракуа бир интилиб газеталар тахламини ўз қўлига олди-да, истар-истамас, эринчоқлик билан уни лейтенантга узатди.

Йўлимиз қуюқ ўрмонлар оралаб ўтарди. Чор-атрофда калин, баланд дарахтлардан бўлак бошқа нарса ҳам кўзга ташланмайди. Ахён-ахёнда ён-веримиздан бизникига ўхшаган юк машиналари

Ўтиб қолади. Талакиян мундирининг тагига яшириб ўтирган ароқ шишасини тагин ўз қўлига олди. Айни ўша пайтларда хийлагина урф бўлиб қолган, елимматодан тайёрланган идишчаларга қуйди. Ҳаммалари яна ичишди. Тагиоров бурдалаб узатаётган колбасадан газак қилиб олишди. Долганин бир бўлак колбасани шоша-пиша, ютоқиб оғзига соларкан, прапорщик узатган газеталардан бирини варақлашга тушиб кетди. Мен кузовнинг орқароғида ўтирардим. Талакиян менга узатган ароқ лиммо-лим «рюмка»ни олмадим. У ҳам ортиқча қистаб ўтирмай ўзи бир сипқориб идишни бўшатди-қўйди. Ёнидагиларга қараганича, алланималар деб хоҳолади.

– Ия, ҳе-ей, бунисини қаранглар! – деб қолди бир пайт газета варақлаётган Долганин, – Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилибди! Мутлақо қутилмаган янгилик-ку!

– Қани, биз ҳам бир кўрайлик-чи.

– Наҳотки шунақа бўлса?!

Ширакайф аскарлар шундай хитоблар билан газетани қўлма-қўл қила бошлашди. Мен эшитганларим хазил бўлиб чиқишидан кўрқиб, тошдай қотиб ўтирардим. Юрагим ҳаяжондан гурсиллаб урарди. Аммо газетага кўз ташлаётган аскарларнинг киёфасидаги таажжуб, ҳасадга монанд бир ифода бу беҳад сирли мужданинг ҳақиқатан ҳам рост, чин эканлигидан дарак берарди.

– Бизнинг республикамиздан дадилроқ чиқиб қолди булар, – деб ўзича пўнгиллади Талакиян.

Лейтенант Долганини эса газетани қайтиб олар экан, жазава билан чийиллаб юборди.

– Э, бунга сира аҳамият бериб ўтирманглар, ҳали аҳволлари қандай кечишиниям кўрамиз. Марказ бунақа ўзбошимчаликларга индамасдан, лаллайиб, оғзини очиб қараб турмайди.

Менинг бутун вужудимни қувонч ва ҳаяжон қамраб олганди. Юз-кўзимдаги ҳайратни ҳеч ҳам яшириб туrolмасдим. Беихтиёр ҳайқиргим, кулгим, ўйнагим келарди.

– Ўртоқ лейтенант, кўришга рухсат этинг, – дедим газета томон қўлимни узатиб.

Долганин эса мени ҳозиргина кўриб тургандай юзимга анча пайт тикилиб қолди. Сўнг афтига заҳарханда қалқиб деди:

– Айтган-ча, сен ҳам ўша ёқлардан-а... Сен ўзингча хурсанд бўлаяпсан шекилли. Лекин, шошма, ҳали йиғлаб қоласизлар.

У шундай деди-ю, қўлидаги газетани чала-чулпа ғижимлаб йўл чеккасига иргитиб юборди. Сўнгра хохолаб кулди. Бошқалар ҳам ҳиринглашиб, унга бараварига жўр бўлишди.

Мен беихтиёр ўрнимдан сакраб турдим. Ўзим ҳам кутмаган бир журъат, бир эпчиллик билан кузовнинг нарвонига осилволиб, шартта пастга иргидим. Машина тезлигининг зарбидан чайкала-чайкала қаддимни ҳам бир амаллаб ростлаб олдим.

– Қаёкка?! – деб чинқирди Долганин кузов қиррасидан менга қаттиқ кўрқув ва ҳайрат тўла кўзлари билан қараркан.

Бошқалар ҳам ҳаракатимдан ҳангу манг бўлиб қолишганди.

– Машинани тўхтаттирмайман! – деб ўшқирди лейтенант, – Турага ўзинг қандай етсанг етиб олавергин, тушундингми? Агар бизни куттириб қўядиган бўлсанг, ўзингдан кўргин! Сени шартта ҳарбий трибуналга топширвораман!

Зобитнинг энг сўнгги пўписалари бўлса элас-элас эшитилди. Чунки, шитоб билан, ғизиллаб кетаётган машина мендан анча-мунча узоклашиб улгурган эди.

Қизик, взвод командирининг ушбу таҳдидлари мени заррача бўлса-да, кўрқитмади. Ҳалиги хабарни эшитгандан бери ўзимни ёв қиролмас бир мустаҳкам кўрғоннинг ичида ҳис қилардим. Кўз ўнгимда аллақандай ранглар жилваланиб турарди. Мен астагина йўл ёқалаб юра бошладим. Теварак-атрофга аланглаб ўша ажойиб хабар битилган газетани излардим. Ва ниҳоят топиб олдим. Йўл бўйида ўсган буталарнинг орасига қисилиб қолган экан. Газетани авайлабгина олдим-да, унинг ғижим жойларини силаб-сийпалаб ростладим. Ўқидим! Ҳа, Ўзбекистон чиндан мустақил бўлибди!

Мен ўз кўзларимга ишонмагандай расмий хабарни ўз-ўзимга овоз чиқариб уч қарра ўқидим. Сўнгра кўксимни тўлдириб турган беҳад даражада қувонч билан бор овозимда ҳайқирдим.

– Ура-а-а! Менинг юртим мустақил!

Товушим қуюк ўрмон узра акс-садо бериб, жаранглаб кетди. Ҳаттоки баланд-баланд қарағайлар ҳам алланечук эгилиб, менга таъзим қилгандай туюлди.

Мен гоҳ ўйноқлаб, гоҳ хиргойи қилиб ўша йўл бўйлаб кета бошладим. Аини пайтда Туранинг бу ердан жудаям узоқлиги ҳам, йўлнинг хилват ва ваҳимали эканлигиям мени мутлақо ташвишга солмаётганди. Юрагимда бўлса ажиб бир, тушуниксиз туйғулар кечарди. Аҳён-аҳёнда ўтиб қолган машиналарга эса шунчаки қўл силкиб ҳам қўяман. Шу алфозда бир соатдан мўлроқ йўл босдим. Ҳаво аста булутлана бошлади. Ўрмон алланечук қорамтир тусга кирди. Шу пайт эса ортимдан «УАЗ» машинаси ҳаддан ташқари шитоб билан елиб келаётганини кўриб қолдим. У менга жуда ҳам танишдек туюлди. Адашмаган эканман. У қисмимизга тегишли машина эди. Машина ортидан «Тез ёрдам» улови ҳам кўринди. Мен саросималаниб, йўл чеккасида тўхтаб қолдим. «УАЗ» бўлса шундоққина ёнимга келиб тўхтади. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган баланд бўйли зобит ўқдек отилиб кабинадан тушди. У полкимиз командирининг ўринбосари, полковник Кравчук эди.

– Эй, солдат, сен кимсан, қаердан келяпсан, қаёққа кетяпсан? -- деб сўради у ниҳоятда ташвишли бир овозда.

Мен ҳарбий низом бўйича барча расм-русумларни бажаргач, зобитнинг берган ҳамма саволларига батафсил жавоб қайгардим. Унга хотиржамгина жавоб берарканман, Кравчукнинг кўзларида таажуб ҳамда аллақандай ҳайратнинг жилваланганини кўрдим.

– Сен ҳам ўша лейтенант Долганин билан бирга эдингми? – деди у ҳанузгача гапларимга мутлақо ишонмагандай назарини ташлаб, – қани, тезроқ бу ёққа кел, машинага ўтир-чи...

Орқа ўриндиққа жойлашволдим. Кравчук мен томон яна бир карра кўз ташлаб, астагина хўрсиниб қўйди.

– Бахтинг бор экан, солдат. Сени Худо бир сақлабди...

Зобитнинг узук-юлуқ гапларидан эса шуни ҳам англадимки, мени ташлаб кетворган худди ўша машина ҳалокатга йўлиқибди! Машина йўл чеккасидаги тўсинлардан бирига урилиб, сойликка кулаб тушибди! Уч киши ўша заҳоти ҳалок бўлибди, қолганлари ҳам ниҳоят даражада оғир аҳволда экан.

– Буларнинг ҳаммаси лаънати ичкиликнинг оқибати, – деб гудраниб қўйди полковник Кравчук.

Мен унинг гапларини деярли эшитмадим. Ўта илоҳий мужда битилган худди ўша гижимлаб ташланган газета – халоскоримни кўксимга босганча кўзларимни маҳкам юмиб олгандим»...

Буюк Халқимиз ва улуғ Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган худди ўша унутилмас кунларга тагин бир марта ҳаёлан назар ташлайдиган бўлсак, айнан ўша пайтларда ҳали ёш, мустақил Ўзбекистон давлати Биринчи раҳбари Ислон Каримов томонидан мамлакатимизнинг истикболдаги сиёсий-ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун ниҳоятда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда кўплаб муҳим тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилинганлигига ҳам яққол гувоҳ бўламиз.

Миллий Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, халқимизнинг асрий орзулари бир-бир рўёбга чиқа бошлади. 1991 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов фармонида асосан Тошкент шаҳридаги Ленин номидаги майдон Мустақиллик майдони дея қайтадан номлангани миллий ўзлгимизни тиклаш сари қўйилган дадил қадам бўлган бўлса, 6 сентябрда эса Президент фармонида биноан бунга қадар тузилган Мудофаа ишлари кўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши билан мана шу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларга ва қаттиқ уринишларга ниҳоятда мустаҳкам асос ва беҳад бақувват пойдевор қўйилганди.

Шундан сўнг, ёш давлатимиз ҳимояси ва унинг тараққиёти учун гўё сув ва ҳаводек зарур бўлган ниҳоятда муҳим ишлар ва чора-тадбирлар ҳам зудлик билан амалга оширила бошланганди.

Ўзбекистон давлатининг сиёсий жиҳатдан мустақиллиги ҳам эълон қилинган бўлса-да, ҳали СССР Мудофаа вазирлиги ҳамда унинг қуролли кучлари сақланиб турган бир пайтда, бундай кучга қарши тикка бориш, «ўлган илоннинг бошини кўзгаш» оғирроқ оқибатларга олиб келишини жуда яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳадаги ишларни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борганди. Юкорида ҳам қайд этилганидек, 1991 йил 6 сентябрь куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисидаги Президент Фармони эса мана шу қийин йўлдаги энг биринчи шахдам ва дадил қадам бўлган эди.

Бу янгиликни сира «ҳазм қила олмаган» Кремль Ўзбекистон Президентига тазйик ўтказишга жиддий ҳаракат қила бошлаган. СССР Мудофаа вазири Е. Шапошников Москва учун ниҳоятда гайриодатий туюлган бунақа ҳолдан хавотир ва ваҳимага тушиб, беҳад зудлик билан Ислом Каримовга телефон қилган пайтда эса Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазири сифатида тайинланган Рустам Аҳмедов Президентимиз ҳузурида бўлган экан. Унинг хотирлашига кўра, СССР Мудофаа вазири Ислом Каримовга жудаям ғазаб билан: «Ислом Абдуғаниевич, биз билан маслаҳатлашмай Мудофаа ишлари вазирлигини жорий қилибсиз, вазирни ҳам тайинлабсиз. Ўзингизни мустақил деб эълон қилган бўлсангиз-да, ҳали СССР деган қудратли давлат мавжуд. Буни ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз. Ҳатто Украина ҳам генерал Морозовни республикаси Мудофаа вазири этиб тайинлаётганида бизлардан руҳсат олганди», – деб дўқ-пўписа қилади. «Умуман, Сизларга армиянинг нима ҳожати бор, ҳарбий комиссариатлар ўзи нимага керак? Ахир СССР Мудофаа вазирлигининг қудратли Туркистон ҳарбий округи Ўзбекистонда бўлса!» – деб коса тагида нимкоса кабилида ҳарбий салоҳият билан Юртбошимизни ўзича яна бир чўчитиб, кўрқитиб ва ваҳимага солиб кўймоқчи бўлади.

Москванинг кўмагисиз Ўзбекистон миллий хавфсизлигини мутлақо таъминлай олмаслиги писанда қилинганида, куни-кеча истиклолига эришган Ота маконимиз мустақил Президентининг жавоби худди шундай бўлган эди: «Биринчидан, Республикамиз Мудофаа ишлари вазирлигининг жорий қилиниши ва вазирнинг тайинланиши – ҳуқуқий жиҳатдан ҳам амалий жиҳатдан ҳам ҳал қилиб бўлинган масала. Иккинчидан эса, бу масалада Сиз билан келишиб олишни мутлақо асоссиз фаолият деб ҳисоблайман».

Ўзбекистон раҳбаридан ўта қатъий жавобни олган Иттифок вазири анча ҳовуридан тушиб, Республикамиз Мудофаа ишлари вазири билан кейинги ҳамкорлик учун танишиб олмоқчи эканини билдирган чоғда эса Президентимиз: «Модомики, сиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятида танишиб олишни истасангиз, мен уни Москвага юбораман, сизлар ўша ерда бемалол танишиб, керакли масалалар ҳақида гаплашиб олаверасизлар», – деган жавобни берган эди.

СССРнинг Мудофаа вазири билан телефон орқали суҳбатни тўғатгач, Президент Рустам Аҳмедовга қарата: «Сен Республика Мудофаа ишларининг вазири сифатида яқинда Москвага борасан. Лекин, у ерга ҳарбий либосингдамас, фуқароча кийиниб боргин! Нимага деганда, сен бор-йўғи полковниксан, у бўлса – маршал. Сенинг ҳарбий кийимдаги погонларинг Иттифоқ Мудофаа вазири билан мустақил давлатнинг Мудофаа ишлари вазири сифатида тенгма-тенг гаплашишингга мутлақо йўл қўймайди», – дейди.

Истиқлолга эришилган йиллар ҳарбий қисмларда жанговар шайлик, жанговар навбатчилик ва чегараларимиз мустаҳкамлиги, ҳарбий техниканинг бутлигини ҳамда соз ҳолатини сақлаб қолиш масаласи асосий вазифалардан бири эди. Чунки, ўзга миллатларга мансуб айрим ҳарбий хизматчилар ўз юртларига қайтиб кетиш илинжида юрар эдилар. Улар орасида бўлса ғаламислар – керакли ҳамда махфий ҳужжатларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш, ҳарбий техникани ишдан чиқариш, баъзи бир захира моддий қисмларни ўғирлаб, шубҳали шахсларга сотиш ишлари билан шуғулланган кимсалар ҳам бор эди. Бўлинмада офицерлар ғоятда кам қолган пайтларда жанговар навбатчилик ҳамда қоровул хизматини ўташ, аскарларга таълим-тарбия бериш жараёни мард ўзбек ўғлонлари томонидан бажарилганлигини ҳам асло эсдан чиқариб бўлмайди.

Ўша пайтда бизнинг юртимиздан ўзиникига кетаётган айрим бир офицерлар эса «сенларнинг қўлларингдан ҳеч вақо келмайди, ҳарбий техникаларинг бузилгудек бўлса, созлай олмайсанлар ва жанговар вазифаларни бажариш у ёқда турсин, қуролларни ҳам тузук-қуруқ ишлата олмайсанлар, чегараларингдан ҳам душман самолётлари хоҳлаганича учиб ўтади ва ўзи билганича, истаган ишларини қилиб юради», деган беписанд сўзларни айтган эдилар.

Истеъфодаги подполковник Аскар Бўриев шу оғир кунларни шундай эслаганди: «1991 йили Коломна шаҳридаги ёпик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган уч ойлик ўқув жараёнлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Унда машғулотлар ядро қуроллари бош қисмларини йиғиш, қўллаш, таъмирлашга қаратилган эди. Ўқиш аввалидаги беписандликни унутиш жуда қийин: «Сиз ўзбекларга бунақа машғулотларнинг нима кераги бор, ўзингизнинг ақлингиз етган ишлар билан шуғуллансангиз-чи...» Биз ўзбеклар нималарга

қодирлигимизни уч ойдан кейинок уларга кўрсатиб қўйган эдик. «Донолар» мум тишлаб қолган эдилар. Қани эди, юртимизда ҳам аниқ нишонга урувчи ракета кўшинлари тузилса... Бор кучим ва билимимни сарфлаб, бу ишга ҳисса қўшардим. Ҳатто кексаликни ҳам писанд этмасдим («Ватанпарвар», 2018 йил, 15 июнь).

Шароитнинг ғоятда оғирлигига қарамасдан Республикамиз ҳукумати ўзининг тугилган юртига кетмоқчи бўлганларга тазйик ўтказиб, Ўзбекистон учун қасамёд қилдириш, бинобарин, уларни зўрлаб армияда олиб қолиш йўлини тутмаганди. Шу билан бирга, уларнинг аксарияти «Серкўёш хур ўлкам»из – Ўзбекистонни ўз асл Ватани ҳисоблаб, ҳарбий хизматни давом эттиравергандилар.

Ўша вақтларда СССР Мудофаа вазирлиги, унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай қулай вазиятда Республика Мудофаа ишлари вазирлигини асло тан олмаслигиниям кўрсатиб қўйишга ҳаракат қилганди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондонлик таркибининг фақат 2 – 3 фоизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари бўлса четдан келганлар эди. Шунинг учун ҳам янгидан ташкил топган, ҳали на қўшини, на қуролли кучлари, на ҳарбий техникаси ва на қурол-аслаҳасига эга бўлган Республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўзаро турли муносабатларини эҳтиёткорона равишда олиб бориши керак эди. Чунки, ҳар қандай низо Ота юртимиз миллий манфаатларига зиён етказиши мумкин эди-да. Буниям теран тушунган Президентимиз Мудофаа вазирини ҳузурига чақириб, Республикамизда тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаб қолган ҳолатда мудофаа қудратини оширишнинг беҳад чуқур ўйланган йўл-йўриқларини беради. Бу ишларни ортиқча ҳиссиётга берилмасдан, жуда босиқлик билан, қон тўкилишига мутлақо йўл қўймай ҳал қилиш зарурлигини ҳам уқтиради. Мамлакатимизнинг дахлсизлигини таъминлаш ниятида эса биринчи галда қуйидаги ишларни бажаришни топширган эди:

1. Бари ҳарбий комиссариатларни Республикамиз ихтиёрига ўтказиб, Иттифоқ армиясига эса аскарларни юборишни тўхтатиш.

2. Иттифоққа хизмат қилиб турган ўзбекистонлик аскар ва офицерларни ўзимизнинг Республикамизга қайтариб олиб келиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва ҳарбий қисмларни Республикамизнинг тасарруфига ўтказиш.

Ўзбекистон Министрлар Советининг қарори билан бирма-бир ҳарбий комиссариатлар, Фуқаролар мудофааси штаби ҳамда ДОСААФ (Добровольное содействие армии, авиации и флоту – Армия, авиация ва флотга кўнгилли тарзда кўмак бериш. – Б. И.) ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг ихтиёрига олинган эди (кейинроқ эса ДОСААФ Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига айлантирилганлиги, унинг самарали равишдаги фаолиятдан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз).

Бари ҳарбий комиссарликларнинг Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига ўтказилиши эса йигитларимизнинг Иттифок армиясида хизмат қилишларига тўла-тўқис чек қўйганди. Навбатдаги вазифа бўлса Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизмат қилаётган ҳарбий офицер ва аскар йигитларимизни Ота юртга қайтариб келиш эди.

Миллий Мустақиллик нафасини туйган ва собиқ Шўролар давлатининг турли-туман чеккаларида ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимиз СССР армиясида хизмат қилишдан ҳам бош торта бошлаганлар. Таъкидлашимиз жоизки, фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни эса ўз Ватани деб билган турли хил миллат ва элатлар вакиллари бўлган офицер ва прапоршчиклар ҳам Ўзбекистон Республикасига хизмат қилиш истагини билдириб Тошкентга мурожаат қила бошлаган эдилар.

Ўша чоғларда Президент Ислом Каримов Мудофаа ишлари вазири ва Ички ишлар вазири ўринбосарини ўз ҳузурига чақириб, Москва яқинидаги Ички ишларнинг қўшинларида 270га яқин ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар берлиги ҳамда улар Россияда хизмат қилишдан бош тортаётганликларини айтади: «Тезликда у ерга етиб бориб, уларни ўта зудлик билан Ўзбекистонга қайтариб келиш чораларини кўринглар. Бу жуда муҳим масала ҳал этилса, Иттифокнинг бошқа ерларида ҳарбий хизмат қилаётган ватандош йигитларимизга ҳам далда бўлади ва уларнинг оммавий равишда Ватанларига қайтиб келиши учун йўл очилади». (Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Т.: «Шарқ», 2001. – 43- бет)

Дарҳақиқат, Биринчи Президентнинг масалага беҳад чуқур ёндашганлигини кейинги воқеалар ривожини ҳам яққол тасдиқлаган эди. Москва атрофида хизмат қилаётган аскар ва офицерларимиз ўз Ватанимизга олиб келинганидан кейинроқ бундан хабар топган

бошқа Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ҳам фақат Ўзбекистон Республикасига хизмат қилажакларини қатъий тарзда билдириб, Иттифокка хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилишдан бош торта бошлаганлар. Шу сабабдан ҳам СССР Мудофаа вазирлиги ўзга чора тополмай уларни Ўзбекистонга қайтариб юборишга мажбур бўлган эди. Масаланинг энг эътиборга молик жиҳати шундаки, бу аскар ва сержантларнинг учдан бир қисми турли миллатлар ҳамда элатларнинг вакиллари бўлсалар-да, Ўзбекистон Республикасига чиндан, сидқидилдан хизмат қилиш истагини билдирган эдилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз Ота маконига қайтиб келиши, юзаки қараганда, ҳозирги даврнинг нуқтаи назаридан осон ишдек туюлиши ҳам мумкин-да. Аслида ўша пайтда уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланиши сингари бағоят мураккаб масалаларни ҳам зудлик билан ҳал қилиш зарур эди. Ортга асло суриб бўлмайдиган бундай ниҳоятда мураккаб вазифа юзасидан Биринчи Президентимизнинг аниқ кўрсатмалари асосида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилалариниям ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан таъминланган эди.

Ўтган аср тўқсонинчи йилларининг бошидаёқ, юқорида ҳам қайд этилганидек, турли-туман республикаларда мунтазам тарзда ҳарбий хизматини ўтаётган юзлаб ватанпарвар ўзбек офицерлари иссиқ жойларини совутиб, қалб амри билан Ўзбекистонга қайтиб келдилар, мустақил юртимизнинг ҳимоячилари сафидан муносиб ўринни эгалладилар. Уларни нафақат машаққатли хизмат бобида, шу билан бирга маиший ҳаётда ҳам одамнинг иродаси аранг дош берадиган яшаш шароити кутаётганлигини ўта яхши билардилар. Тураржой етишмаслиги сабабидан ўзлари алоҳида, яъни хизмат жойида, оиласи бўлса алоҳида ижарада яшаш кераклигидан ҳам хабардор эдилар. Олган ойликлари бўлса на ўзига, ва на оиласига, на ижарага, на иссиқ сувга, на совуқ сувга етарди – улар буни ҳам роса яхши билардилар. Улар ўзбекнинг мард фарзандлари эди-да! Балки ўшаларнинг мислсиз жасорати туфайли қуроли кучлар – армия соҳасидаги ўтиш даври ижтимоий ларзаларсиз кечгандир!

Улар келмасликлари, хизматларини ўша жойларда бемалол давом эттиришлари ҳам мумкин эди. 25 йиллик ҳарбий хизматни дўндириб қўйиб, юкларини иккита-учта «КамАЗ»га юклаб олиб,

Ўзлари эса, «жилт янги» «Волга»дами ёки «Мерседес Бенц»дами Ўзбекистонга бемалол кириб келишлари ҳам мумкин эди. Уларни эса ҳеч ким ковоғини солганча, хўмрайиб, кўкракларидан итариб, сен бизнинг уйимизга кирмайсан, демас эди, дея олмасди ҳам.

Биринчилардан бўлиб юксак мукофот – II даражали «Шон-шараф» орденини давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қўлидан олишга бахтига сазовор бўлган подполковник Асқар Бўриев шундай элаган эди: «Мен Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида туғилиб ўсганман... Мактабни битирганимдан кейин Қозондаги олий ҳарбий қўмондонлик муҳандислик билим юртида ракета қўшинлари учувчи аппаратлари муҳандислиги йўналишида таҳсил олдим. Бу борада ёқлаган диплом ишим эса билим юрти мутахассислари томонидан юқори баҳоланган эди. Хизматни шу ерда давом эттириш имконияти ҳам бор эди. Мен хизматни Туркменистонда бошладим. Небит-даг (ҳозирги пайтда – Балканобод)да жойлашган ҳарбий қисмни жуда ҳам осон топиб келганман. Оёқларим ўзи етаклаб келгандек эди. Мен касбимни севардим. Шу ерда ўзимнинг бахтимни ҳам топганман. Раҳматли рафиқам Зулфия билан ҳам худди мана шу ерда танишган эдик...

Бирмунча фурсат ўтиб, менга ўз юртимда хизмат қилишим мумкинлигини айтишди. Қандай қарорга келиш ўз ихтиёримда экан. Ўйлаб кўришимни билдирдим. Аслида эса, ниманиям ўйлаб кўрардим? Ҳар қандай инсон ҳам ўз юрти мудофаа салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшишни ўйлайди. Мени бир нарса қаттиқ ўйлантираётган эди: рафиқам нима деркин? Туғилган гўшасидан кетишга рози бўлармикан? Уйга келгач, бўлиб ўтган ўша суҳбат ҳақида Зулфияга гапириб бергандим. Бироқ, унга қандай қарорга келганимни айтишга эса шошилмадим. У бир лаҳза ҳам ўйлашиб ўтирмасдан, шундай деди: «Эр киши ўз Ватанида хизмат қилиши керак, биринчи галда ўз Ватанини ҳимоя қилиши керак...» Айнан ўша лаҳзаларда ундан қанчалар даражада миннатдор бўлганимни билсангиз эди» («Ватанпарвар», 2018 йилнинг 15 юни).

Мустақил давлатимиз мудофаа ишларини ташкил этишнинг аҳамияти кам бўлмаган тагин бир томони ҳам бор. Рухий кайфият нуқтаи назаридан Мудофаа ишлари вазирлигининг қайси бинода жойлашгани ҳам муҳим аҳамият касб этар эди. Дастлаб Вазирлик

учун Президент Девони биносидан бир хона ажратилганди. 1991 йил октябрида вазирлик Мустақиллик майдонидаги Фуқаролар мудофааси штаби биносига кўчирилган ва унда 13 офицер ва 3 ходим иш бошлаб юборган. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, Президент Мудофаа ишлари вазирига кўнғирок қилиб: «Сен ҳозир каерда ўтирибсан?» – деб сўрайди. Унинг жавобини эшитиб бўлгач эса: «Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Дархол ўша ерга кўчгин!» – деган топшириқ беради. Айни пайтда Туркистон ҳарбий округи кўмондони бўлмиш генерал-полковник Георгий Кондратьевга ана шу бинодан Мудофаа вазирлиги учун ҳам алоҳида бир жойни ажратиб бериш вазифасини топширади.

Орадан чамаси 2 – 3 ҳафта ўтгач, Президент тагин ўша савол билан қайта мурожаат қилади. Мудофаа вазири: «Топширигингиз бажарилди, вазирлигимиз Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди», – деб Олий Бош кўмондонга рапорт беради. Шунда Президентимиз: «Мудофаа вазирлиги ўша ерда жойлашганини ўзи ким биледи? Мен ҳар куни икки мартадан ўша ердан ўтаман, бироқ, «Туркистон ҳарбий округи кўмондонлиги» деган ёзувни кўряпман, холос. Энди бизнинг фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа вазирлиги борлигини, давлат ва фуқароларимизнинг чинакам ҳимоячиси борлигини ҳам билиши керак», – дейди.

Эртаси куни эрталаб генерал Г. Кондратьев хизматга келган пайтида, бу бино узра Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳиллаб тургани ва эски ёзув ўрнида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги» деган пештахтага кўзи тушиб қолиб, қаттиқ ғазабга келади. Мудофаа вазирининг ҳузурига ниҳоятда важоҳат билан кириб, ўз ғазабини мутлақо яшириб ўтирмай: «Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан буён ҳам қолади», – дея Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни қатъий равишда талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда бўлса нақ Москвага мурожаат этишини айтиб, дўқ-пўписа қилади ва бу масалани ҳал қилиб олиш учун зудлик билан Республика Президенти Ислон Каримов билан учрашиши зарур эканлигини айтади.

Шу кунгача Туркистон ҳарбий округи кўмондонлари учун Республика барча раҳбарларнинг эшиклари доимо очиқ эди. Ўша

куни эса тарихда биринчи марта Туркистон ҳарбий округининг қўмондони Президент ҳузурига кира олмаган эди. Ўсал бўлган бу генералга Президент Республика мудофаа си билан боғлиқ ҳамма масалаларни ўз Мудофаа вазири орқали ҳал қилажагини ҳамда барча саволлар билан Мудофаа вазири ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожаат этиши мумкинлигини билдиришади. Шу пайтга қадар айтгани-айтган ва дегани-деган бўлишига роса ўрганиб қолган генерал-полковник Георгий Кондратьевнинг Президент Давлат маслаҳатчиси олдига кириб келиб, ўзининг бунақа ишлардан норозилигини минғирлаб изҳор этишдан бошқа ҳеч қандай иложи ҳам қолмаганди.

Шу воқеадан кейиноқ Президент Мудофаа вазири ва Давлат маслаҳатчисини ҳузурига чақиртиради ва вазирдан кулимсираб: «Нима тўполонларни бошлаб юрибсан?» – деб сўраган эди. Ушбу топшириқ Президент томонидан берилганини англамаган ҳамда билмаган Давлат маслаҳатчиси вазирга унинг хатти-ҳаракатлари Конституцияга зид эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи фақат ҳукумат ва Президент қароргоҳи биноларидагина осилиши мумкинлигини айтиб, ўзича қаттиқ танбеҳ ва дакки бера бошлайди. Биринчи Президентимиз хотиржамлик билан: «Энди биз мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фуқароларимиз ўзининг Давлат байроғига ва Қуролли Кучларига ишониши ҳамда улар билан ғурурланиши ва фахрланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам шахсан менинг топширигим билан қўйилган. Давлат Байроғимиз бўлса бизнинг миллий мустақиллигимизнинг асл рамзи сифатида абадий, мангу ҳилпираб тураверсин», – деб айтади.

Шундан кейинам Тошкентда қолган Кондратьев янгиланган воқеликни асло тан олишни истамай, «ётиб қолгунча отиб қол», қабилда иш тута бошлаган эди. У Ўзбекистонда қолиб ҳарбий хизматни давом эттириш истагини билдирган ўзга миллатлар ва элатларга мансуб бўлган офицерларни ғирт сотқинликда айблаб, жамоатчиликда эса уларга нисбатан салбий фикрларни уйғотишга зўр бериб уринган эди. Шунда Президентимиз қатъият кўрсатиб, Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга эканлигини ва Иттифоққа тегишли ҳарбий округнинг бизнинг худудимизда қолаверишига эса энди бундан буёғига сира ҳам ўрин қолмаганлигини айтади.

Бундан шашти анчагина синиб қолган генерал шундан кейин Республикамизнинг ҳудудидаги ҳарбий техника, қурол-яроғларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чора-тадбирлариниям излай бошлаган эди. Бунга жавобан Президентимиз томонидан ҳарбий техникани ва қурол-яроғларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисидаги Фармон имзоланганди. Шундан кейингина Туркистон ҳарбий округи таркибида бўлган кўшинлар бирма-бир Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтказила бошлаган. Бундай дадил қадамнинг Биринчи Президентимиздан нақадар катта иродани талаб этганини шунда ҳам кўришимиз мумкинки, Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин фақат 1992 йилнинг май ойидагина Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигини жорий этган эди. Россия Мудофаа вазири сифатида Павел Грачёвни тайинларкан, шу пайтнинг ўзида СССР Мудофаа вазирлигини ҳам мутлақо бекор қилишни истамасдан, маршал Е. Шапошниковни ўз лавозимида қолдираверган эди.

Ўзингизга ҳам маълумки, МДХ давлатлари раҳбарларининг жуда кўп учрашувларида мудофаа масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берилади. Бундай учрашувларда эса МДХ кенгашининг раиси сифатида Россия Президенти ҳамда Россия мудофаа вазири П. Грачёвнинг ўрни салмоқли эди. Лекин, у ёки бу масалани ҳал қилишда улар Ўзбекистон Президентининг фикр ва мулоҳазалари билан ҳар доим ҳам келишишга мажбур бўлишарди. Чунки, МДХ давлатлари раҳбарларининг аксарият кўпчилиги истиклолнинг энг дастлабки йилларида мудофаа масаласига сира ҳам эътибор қилмасдан, П. Грачёв ва унинг қўл остидагилари тайёрлаб келган шартномаларга имзо чекаверганлар. Фақатгина бизнинг Биринчи Президентимиз ҳар бир масалани ўта чуқур ўрганиб, Ўзбекистон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз шахсий муносабатларини очик баён этарди. Россия Мудофаа вазири П. Грачёвга бу ҳолат, табиийки, унчалигам ёқмас эди. Шундай учрашувларнинг бирида танаффус пайтида Павел Грачёвдан нима сабабдан Ўзбекистон Республикасининг Президентини хуш кўрмаслигининг сабаблари сўралганида, у Президентимизни жуда ҳурмат қилишини, лекин Ислом Каримов ўзининг мустақил фикрига эгаллиги ва мудофаа масалаларида ниҳоятда қатъийлик кўрсатганлиги туфайли ундан

анча хайиқишини очикдан-очик айтганди. Грачѣвнинг айтишича, Россия Президенти Б. Ельцин ҳарбий ва мудофаа масалалари бўйича бирон-бир қарорга келишдан илгари, албатта, Ўзбекистон Президентининг ушбу муаммо бўйича фикрини билишга ҳаракат қилар ва унинг розилигини олар эди. Бирон-бир масала юзасидан эса Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – Ислон Каримовдан салбий жавоб олинган тақдирда, мазкур масала бир неча бор мазкур кенгашнинг кун тартибидан олиб ташланганлиги эса соҳа мутахассисларга жуда ҳам яхши маълум (Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Т.: 44 – 47- бетлар).

Ўзингизга ҳам яхши маълумки, 1991 йилнинг 30 декабрида Қозоғистон Республикасининг ўша пайтдаги бошкенти – Олмаота шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) тузилганлиги ва СССР тарқатилганлиги расмий равишда эълон қилинган эди.

Мазкур йиғилиш жараёнида эса Куролли Кучлар масаласини узил-кесил ҳал этишнинг муқобил уч йўли таклиф қилинганди.

биринчиси – худди олдинги замонлардаги каби ягона армия ва ягона қўмондонликни сақлаб қолавериш;

иккинчиси – стратегик ва ядро қуроллари арсеналини ўзида жамлаган бирлашган Куролли Кучларни ташкил этиш;

учинчиси – миллий армияни барпо этиш.

Марказий Осиё учун ягона бир армияни тузиш афзал, чунки керакли армияни таъминлаш учун уларнинг маҳаллий бюджети мутлақо бардош беролмайди, деган фикрларам илгари сурилган. Енг учида айтилган бунақа гаплар аслида миллий армия тузишга қаршилиқнинг, ишончсизликнинг яққол бир ифодаси эди.

Истеъфодаги полковник Ислон Иноятов бу масала хусусида шундай ёзган эди («Ватанпарвар» газетаси, 2019 йил, 23 август): «Марказий Осиёдаги республикаларга ўз миллий армияларини тузишда зимдан тўсқинлик қилиш мақсадида 1991 йилнинг 30 декабрида СССР Мудофаа вазири томонидан имзоланган 550-сонли буйруқ асосида Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг «Туркистон ҳарбий округининг Тижорат марказини ташкил этиш тўғрисида» махсус буйруғи эълон қилинди. Буйруқни чиқаришга асос сифатида эса Марказий Осиё ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги 1991 йил 22 июнида имзоланган иқтисодий, илмий-

техникавий, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни, ҳарбий-техника воситаларини sanoat чиқиндисига чиқариш дастурини бажариш, кўчириладиган ҳамда кўчмас мулклардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида қўшимча молиявий манбалар топиш орқали Совет армияси ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ишчи-хизматчиларини қўшимча ижтимоий химоя қилиш дастурини атайлаб бизга хаспўшлаб кўрсатишган эди. Тижорат марказлари Олмаота, Ашхобод, Бишкек, Душанбе ва Тошкентдаги офицерлар уйларида ташкил этилганди. Ҳарбий қисмларга бўлса ҳисобдан чиқарилиши зарур бўлган техникани Тижорат марказига юбориши қатъий равишда белгилаб қўйилди. Тижорат марказига барча мулкларни ички ва ташқи бозорларда эркин нархларда бемалол сотишга рухсат берилган эди. Тижорат операциялари туфайли олинadиган даромад эса СССР Мудофаа вазирлигининг жамғармасига ўтказилиши белгилаб қўйилганди.

Бу эса, турган гапки, аллақачон бошлаб юборилган миллий армиянинг шаклланиш жараёнига ўта салбий таъсир кўрсатарди. Шу сабабдан ҳам 1992 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири Рустам Аҳмедов томонидан «Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг 1991 йилнинг 30 декабридаги 231-сонли буйруғини ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида»ги 9-сонли махсус буйруқни (Мазкур буйруқнинг тартиб сонига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратишингизни сўраймиз) эълон қилинган эди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан эса товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси ходимларига қурол-аслаҳа, техника ҳамда ҳарбий техник буюмларни назорат қилиш ҳамда уларга бундай юкларни Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирилиги томонидан алоҳида бир кўрсатма бўлмағунига қадар ушлаб туришга рухсат берилганди».

Мамлакат раҳбарияти, мудофаа ишлари вазирининг оқилона қарори туфайли ҳарбий ашёлар талон-тарож қилинишининг олди мана шундай қилиб олиб қолинган эди. Армиямизнинг тикланиш, илк шаклланив давридаги беҳад мураккаб ва қалтис вазиятлар ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолда ҳам ёдимиздан кўтарилмаслиги даркор...

Бундай ибратли мисолларни яна ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин эди, лекин диққат-эътиборингизга ҳавола этилганларнинг

Ўзиёқ кўрилаётган масаланинг чинакам мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини теран англаб етишимиз учун етарли бўлса керак.

1992 йил 14 январда Республикамиз Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги тарихий қарори қабул қилинганлигини бўлса боғча болалари мактаб, лицей, коллежлар ўқувчилари қатори ўзингизам яхши биласиз. Мамлакатимизнинг ҳарбий қудратини таъминлаш йўлида бошланиб кетган ўта улкан ишларнинг бевосита мантиқий давоми бўлмиш бу қарор асосида «серқуёш ҳур ўлкам»изнинг ҳудудида жойлашган собиқ иттифок Қуроли Кучларининг барча қисмлари ва ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари ҳамда ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг чинакам, ҳақиқий ва қонуний тарздаги тасарруфига олинган эди.

Ушбу тарихий аҳамиятга молик кун, яъни 14 январь санаси Қуроли Кучларимизнинг давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялаш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ниҳоятда улкан аҳамиятини инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилнинг 29 декабридаги қонунига кўра, «оламни маҳлиё айлаган» юртимизда «Ватан ҳимоячилари кунини» деб эълон қилинганидан ҳам жуда яхши бохабарсиз. Ўзингиз ҳам байрам тантаналарида фаол равишда иштирок этаётганингиздан ва Ватан ҳимоясида қатнашаётганингиздан биз ҳам хабардормиз.

Бугун тўла-тўқис ишонч билан қайд этиш мумкинки, Ватан ҳимоячилари кунини эл-юртимизнинг кўнглидан чуқур жой олган умумхалқ байрамларидан бирига айланиб бўлди. Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай тантана ва байрамона сананинг замирида ҳаётий, айтиш мумкинки, тарихий бир асос бўлиши табиий. Шу маънода, мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш тобора қутлуғ анъанага айланиб бораётгани, бу байрамнинг ҳар йили шу кунда тантанали ўтказилиши ҳам, албатта, бежиз эмас.

Масалага доимий тарзда диққат-эътиборини қаратиб келган Биринчи Президентнинг фикрича, «14 январь кунини умумхалқ байрами сифатида тантанали нишонлар эканмиз, ушбу воқеанинг тарихий илдишлари ва Қуроли Кучларимиз шаклланиши қандай кечгани, бу жараёнлар билан боғлиқ қандай оғир ҳамда мураккаб

кунларни бошимиздан ўтказганимизни тагин бир марта эслашни ўринли деб биламан. Вақт ўтиши билан узоқ ва яқин тарихда рўй берган кўпгина воқеа-ҳодисалар унутилиши, инсоннинг ёдидан кўтарилиши мумкин ва бу ҳам табиий ҳол. Лекин, одамнинг ўзи бевосита иштирокчи бўлган, унинг қалбига ва хаёлига ўта чуқур ўрнашиб, муҳрланиб қолган шундай кунлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон, сиз ҳам инсоннинг хотирасидан ўчиб кетмайди.

Бугун биз энг яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан ҳам узвий боғланган, деб айтиш мумкин. Менинг ишончим комилки, орадан йиллар ва асрлар ўтади – халқимизнинг миллий истиқлолга эришиш тарихини жиддий равишда ўрганадиган, ва ушбу тарихни авлодларимизга ҳужжатлар ҳамда китоблар орқали етказадиган тадқиқотчилар бу икки буюк воқеа бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигининг тасдиғини ҳар қадамда кўради».

Келинг, шу ўринда таҳлил этилаётган мавзудан чекинмаган ҳолда, ҳарбий ислохотларда ўта муҳим омил бўлиб хизмат қилган кейинги воқеа ва жараёнларнинг изчил ривожини бирга кузатсак.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кўламини тобора кенгайтириш ва ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида 1992 йилнинг 3 июлида Президент Ислом Каримов томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида Олий Кенгашнинг 1992 йилнинг 3 июлидаги ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида» (Олий Мажлиснинг 2001 йилнинг 11 майдаги бешинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» (Олий Мажлиснинг 2002 йил 10 декабрдаги ўнинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган), «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар, Ҳарбий қасамёд матни ва Умумҳарбий низоомлар билан Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий базаси, яъни унинг қонуний (легитим) асоси ҳам яратиб олинди.

«Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг 2- моддасига биноан, «мудофаа деганда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади».

1992 йилнинг 24 мартда Миллий хавфсизлик хизматининг қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилган ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилган. Чегара қўшинлари офицерлари – чегара назорати хизмати мутахассисларини тайёрлаш зарурияти инobatга олинган ҳолда, 1993 йил Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигининг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида алоҳида курсантлар взводи ташкил этилиб, улар Чегара қўшинлари чегара назорати хизмати офицерларини тайёрлаш дастури бўйича ўқитилган эди. 1994 йил сентябрида бўлса чегара қўшинлари мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув отрядининг базасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан имзо чекилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳимоя қилиш, қўриқлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини (янада) такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга кўра, Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти 2004 йил январида Ўзбекистон Республикаси МХХ институти 2- факультетига айлантирилди ҳамда айни пайтда бу ерда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинлари чегара назорати ва тезкор таркиби мутахассислари тайёрланмоқда. МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита учун тактик бўғин офицер кадрларини янада сифатли тайёрлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати (ҳозирги пайтда эса у Давлат хавфсизлик хизмати деб қайтадан номланганидан ўзингиз ҳам яхши хабардорсиз) билан ҳамкорликда 2009 йил февралда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг негизида чегарачи офицерлар тайёрлаш бўйича ўқув гуруҳлари ташкил этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 1997 йилнинг 15 январида «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан Прага шаҳрида бўлиб ўтган бир суҳбатда «Чегара дахлсизлиги – бу жуда ҳам масъулиятли иш. Чегара дейилганида нафақат ўз фуқароларингни, балки чегарадош бўлиб яшаётган, ҳеч қандай айби йўқ одамлар ҳимоясини, уларнинг тақдирини ҳам ўйлашинг керак», – деган ниҳоятда муҳим фикрни билдирганди.

Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида 1998 йил 28 августда билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам айнан ушбу масалага дахлдор: «Биз – тинчликнинг тарафдоримиз. Лекин, ўз сарҳадларимизни мустаҳкамламасдан ҳамда жанговар қобилияти юқори, замонавий қурооллар билан жиҳозланган, ҳар қандай босқинчининг ақлини киритиб қўйишга ҳам қодир бўлган қуроолли қучларсиз тинчлик, осойишталик ва Ватанимиз хавфсизлигини сақлаб туриш мумкин эмас-да. Сизларни ишонтириб айтаманки, биз ушбу масалаларга тегишли барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Яқиндагина Термиз шаҳрига ташриф чоғида мен яна бир қарра ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг армиямиз, бизнинг чегарачиларимиз ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан сира кам эмас. Улар Ватанимиз сарҳадларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга, халқимизни ҳар қандай қуроолли ҳужумдан асрашга тўла қодир Қуроолли Қучлар ҳисобланади.

Мен Термизда, мамлакатимизнинг бошқа жойларида оддий одамлар билан учрашиб, яна бир нарсага яққол амин бўлдимки, бизнинг ҳар қандай босқинчиликка ва ҳар қандай бузғунчиликка қарши қудратли ва ишончли қуролимиз бор. Бу – халқимизнинг бирлиги, жипслигидир. Унинг эркин, мустақил ва фаровон давлат барпо этишга, агарда керак бўлиб қолса, уни фидокорона тарзда ҳимоя этишга, муҳофаза қилишга азму қарор қилганлигидир».

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, «мардона руҳи» бизга ёр буюк аждодларимизнинг сафига қўшилган Халқ шоири Абдулла Ориновнинг 2002 йил августидан битган «Буюкликнинг олтин зиналари» сарлавҳали мақоласидаги муҳим фикрларга ям диққат-этиборимизни қаратсак: «Эл тинч-хотиржам, юртда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлмаса, барча тоат-ибодатларимиздан не фойда? Ватанда тинчлик ва осойишталик бўлсагина, тўйлар ҳам

татийди, қозонлар ҳам қайнайди, ва шўх ўланлару шодон ўйин-кулчиладан дилларимиз ҳам беҳад даражада яйрайди...

Ватанни севиш, уни ҳимоя қилиш, тинчлиги посбони бўлиш – инсон фарзандининг комиллигини белгиловчи муҳим шартдир. Яқинда мамлакатимиз жанубий сарҳадларида бўлиб қайтдим. Сафар чоғида эса Термиз ёнидаги Ҳайратон кўприги посбонлари билан суҳбатлашдим. Бир навқирон йигитга: «Чегарани кўриқлаб турганингда, хаёлингдан нималар кечади?» деб савол бердим.

У бўлса: «Абдулла ака, дарё ортидаги афтодаҳол одамларни кўрганимда, мен Ўзбекистондай буюк мамлакатнинг фарзанди эканимдан, бунёдкор халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўриқлаб турганимдан бошим осмонга етади», деди. Шу сингари илоҳий хусусият барчамизда бўлса, қанийди.

Нокамтарлик бўлса ҳам, кези келганда, бир гапни айтай.

Марҳум Мутал Бурҳонов билан Ўзбекистоннинг мадҳиясини яратаётганимизда наинки қофия талаблари, балки адолат нуқтаи назариданам келиб чиқиб, матнда «Тинчлик посбони» иборасини ҳам қўлладик. Шунда Мутал ака ўзгача бир катга ҳаяжон билан: «Абдуллажон, сиз бу иборани ниҳоятда баландпарвоз бир сўзлар деб ҳисобламанг, аслида ҳам бу бор ҳақиқат-ку», деган эдилар» (Адолат кўзгуси. – Т.: Адолат, 2005, 238- бет).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятни давом эттирган давлат ва ҳукуматимиз томонидан 1992 йилнинг 18 майида ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари ва таъминот қисмлари, 12 ноябрда эса ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар, 13 ноябрда бўлса кимёвий ҳарбий қисмлар ўзимизнинг «Тинчлик посбони» бўлмиш давлатимиз тасарруфига олинганди.

1995 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринасида (кейинчалик у Мудофаа доктринаси сифатида қайта номланган) мустақил давлатимизнинг ҳарбий соҳадаги сиёсати ва стратегияси аниқ белгилаб берилди.

1997 йилнинг 10 январида бўлса Президент Ислом Каримов томонидан «Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти микдорларини ошириш тўғрисида» фармон имзоланган эди.

2017 йилнинг 11 августида бўлса Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (ёки қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, эндиликда 5 календарь йили хизмат қилган юрт ҳимоячиси ҳам имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жойга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, ўтган даврларда Қуроли Кучларимизнинг келажак истиқболи билан бевосита боғлиқ, жумладан, ҳарбий хизматчи, сержантлар, шунингдек, офицер кадрларни контракт (шартнома) бўйича касбга тайёрлашни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратилганлигидан бохабарсиз.

Бу жуда мураккаб муаммо – кадрлар масаласини ҳал қилиш мақсадида ўша пайтларда собиқ иттифокнинг турли ҳудудларига махсус делегация юборилиб, асли ўзбекистонлик бўлган, энди ўз миллий армиямизда хизмат қиламиз, деб ўз истагини билдирган 300га яқин ҳарбий хизматчилар юртимизга олиб келинганлигини кўпчилик катта ёшли юртдошларимиз яхши эслайдилар, албатта.

Энг муҳими бўлса, истиқлолга эришилган илк йилларданок миллий армиямиз сафларини ҳарбий ишга салоҳияти бўлган ўз фарзандларимиз ҳисобига тўлдириш мақсадида мамлакатимизда олий ҳарбий таълим масканлари ҳамда уларда тайёрланадиган малакали мутахассисларнинг сони ҳам тобора ортиб бораверди.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академиясини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йилнинг 15 июлида махсус қарор қилган эди. Унга биноан, республикамизда Қуроли Кучлар академияси ҳам ташкил этилган. Юртбошимиз Қуроли Кучлар академиясининг очилиш маросимида (1995 йил 2 сентябрь) «**Ҳарбий таълим замон талабларига мос келсин**», деган мавзуида сўзлаган нутқида ҳарбийларнинг олдига шундай вазифаларни қўйган эди: «Ёшлик йилларимизда машҳур бўлган бир қўшиқнинг сўзларини Сизларга тагин эслатмоқчиман: «Бизга бировларнинг бир қарич ҳам ери керак эмас, бироқ, бир қарич ҳам еримизни ҳеч кимга бермаймиз». Худди шу муносабат билан миллий хавфсизликнинг ниҳоятда кенг қамровли концепциясини

ишлаб чиқиш, унинг асосларини эса қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш ниҳоят даражада долзарб масалага айланмоқда...

Сизлар ҳарбий кишисизлар, айнан шунинг учун Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини ва мураккаблигини аниқ-тиник тасаввур қилишларингиз даркор. Бу вазият кескинликнинг сақланиб қолаётганлиги, ҳарбий хавф, қуролли можароларнинг доимий тарздаги ўчоқлари мавжудлиги билан белгиланади... Бундай шароитда яқин даврда ҳарбий куч давлатимиз миллий истиқлоли ва ҳудудий яхлитлигини, миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолаверади. Шу сабабли биз чинакам ватанпарвар, ўз ишининг юқори малакали мутахассисларидан иборат профессионал армия барпо этиш йўлидан дадил қадамларни босиб бормоқдамиз...

Бугун таъкидламоқчи бўлган асосий гапим шуки, мен буни очик айтаман: армиямиз мафқурадан буткул холи бўлиши керак. Бизга ҳеч қандай мафқурани тикиштиришмасин. Биз ҳар қандай «буюк» ғояларга қаршимиз. Биз ўзимизнинг юртимизда ўзимиз хоҳлаганча, ўз халқимиз, Ўзбекистонда яшаётган барча одамлар манфаатларига тўла мос келадиган тарзда яшаш, ишлаш ҳамда ўз истиқболимизни ўзимиз белгилаш тарафдоримиз. Зобитларимиз (офицер – Б. И.)га таълим берадиган профессорларга, ўз ишининг мутахассислари бўлган ҳарбийларга мен битта шартни қўяман: ҳеч қандай мафқурага ва ҳеч қандай ташвиқотга йўл қўйилмасин. Бу йўлда фақатгина битта иш: зобитларимизга ўз профессионал бурчини ўргатиш ва таълим бериш мумкин. Бизнинг бошқа ҳеч қандай шартимиз йўқ». Бугунги кунларда Марказий Осиёда ягона бўлган Қуролли Кучлар академиясида 7 йўналиш бўйича ҳарбий бошқарув таркибининг офицер кадрлари тайёрланмоқда.

Бугунги кунда, худди шунингдек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳарбий авиация билим юрти (Қарши шаҳри, Хонобод шаҳарчаси), Чирчиқдаги олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги махсус факультети, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ва

Тошкент Тиббиёт академиясининг хузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети каби қатор нуфузли даргоҳлар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига 29 йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ниҳоят даражада юксак малакали кадрларни тайёрлаб бермоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 17 январидан имзолаган қарорга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва ушбу соҳада ҳарбий-илмий тадқиқотларни ташкиллаштириш ниятида буюк олим Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети эса Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилган ва самарали тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, олий ҳарбий таълим муассасаларида олий курслар ва малака ошириш курслари, услубий марказлар ҳамда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округ, Тошкент ҳарбий округи, Марказий ҳарбий округидаги сержантларни тайёрлаш мактаблари ҳозирги замоннинг қатъий талаблари бўйича фаолият юритмоқда. Бугунги кунда сержантларни тайёрлаш мактабларида 26 йўналиш ҳамда ихтисослик бўйича таълим олаётган мутахассис кадрлар аскарлар таркибига нафақат энг яқин кичик командир, ва шу билан бирга уларнинг ҳар бирига ўзининг туғишган акаси сингари ғамхўрлик кўрсатиб, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим омили сифатида хизмат қиляпти.

Шу ўринда, мавриди келиб қолганлиги туфайли ҳам, Ислон Каримовнинг айнан бу масала билан бевосита боғлиқ фикрлари ва мулоҳазаларига эътиборимиз қаратсак: «Армия қачон кучли бўлади? Армия замонавий қуролланган бўлиш билан биргаликда, ўзининг кучига ишонган ва нима учун хизмат қилаётганлигини англаган аскарлари билан ҳам кучли бўлади. Ҳар битта аскар ва офицер мен нима учун хизмат қиляпман, мақсадим ва муддаоим нима ўзи деб, ўзига савол берса, ватанпарварликни сўзда эмас, амалда кўрсатса, бутун ҳаракати, бутун вужудини шунга қаратса, Ватанимни ҳимоя қилишга, Ватанимнинг озодлиги, эркинлиги, дахлсизлигини ҳимоя этишга ўз ҳаётимни бағишладим, бу йўлда

ҳамма нарсага доим тайёрман, деган қатъий ишонч билан ҳаракат қилсагина, бу ҳақиқий, чинакамига замонавий армия бўлади...

Мана, биз сержантлар мактабларига катта аҳамият бераймиз. Чунки, биз сержант деганда, энди погонининг устида учта-тўртта белгилари бўлган кичик командирни эмас, ҳамма жиҳатдан етуқ бўлган шахсни тушунамиз. Сержант деганимиз бугунги кунларда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустақкам ташкил этадиган, унинг кудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган бир вақтнинг ўзида ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак. Унинг интеллектуал даражаси ва ақлий савияси ҳамда билими шунчалик юқори бўлиши керакки, у олдимизга қўйган янги-янги мақсадларимизга эришишда асосий таянч, асосий суянч бўлиши керак. Яъни кечаги сержант билан бугунги сержантимиз бир-биридан мутлақо фарқ қилиши лозим...

...Аллоҳ таолога минг шукрки, бизнинг имкониятларимиз ва йўлимизни очиб берапти... Сержант бўлиш мақсадида олий ўқув юртларини битирувчилар ҳам ўқишга қираётган экан, демак, улар ўз келажак касбини танлаяпти, ўзини шу касбга бағишламоқчи.

Яна такрор айтаман, бизнинг армиямиз шундай шароитга эга бўлиши керакки, болаларимиз ҳавас билан хизмат қиладиган бўлсин, улар ҳордик чиқарадими, овқатланадими, кино кўрадими, китоб ўқийдими, хуллас, уларнинг бари интилишлари учун зарур шароитни яратиб беришимиз керак, шунга эришишимиз керак».

Бугунги даврда эса замонавий жиҳозланган, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминланган 5та сержантлар тайёрлаш мактабида 26 йўналиш ва мутахассисликлар бўйича йигитларга таълим-тарбия берилмоқда. Булардан ташқари бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Моделлаштириш ва симуляция бўйича информацион технологиялар махсус маркази ташкил этилиб, энг замонавий техника ва технология билан жиҳозланди. Бу ерда эса сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари махсус дастурларга мувофиқ ўз малакасини ошириши йўлга қўйилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган мазкур марказ ҳозирда ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотларни ва бўлажак жанговар операцияларни

моделлаштиришни янада ҳам жиддийроқ тарзда ўрганиб олиши, замонавий информацион технологияларни ўзлаштиришида жуда муҳим аҳамиятга молик маскан сифатида эътироф этилмоқда.

Бундай шарт-шароит, сазъ-ҳаракатларнинг барчаси ҳарбий хизматни сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш, Ота юртимизда чинакамига профессионал армияни шакллантириш ва Ватан ҳимояси билан бевосита боғлиқ шарафли касбни эгаллаган ўзимизнинг ўғлонларимизга муносиб шароитни яратиб беришга хизмат қилаётганини фахр ва ғурур билан таъкидлаш асносида, Биринчи Президентимизнинг чинакам профессионал армия ҳақида билдирган куйидаги мулоҳазаларини ҳам эътиборингизга ҳавола этиш эҳтиёжи туғилади: «Тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йиллардан буён бизнинг диққат марказимизда турганлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Профессионал Куролли Кучлар деганда ўзи нени тушунамиз? Бундан мақсад шартнома-контракт асосида ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам беҳад оғир ҳамда шарафли касбнинг чинакам эгаси бўламан, деб чин дилидан интиладиган асл фидойи фуқаролардан ташкил топадиган профессионал армиямизни барпо этишдир.

Соддароқ қилиб айтганимизда, халқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатдаги муҳандис-инженер, қурилиш соҳасидаги қурувчи бўладими, ўзининг қобилияти ҳамда салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлсин. Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуниям очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафида содиқ хизмат қилиш ўзининг конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва ўта шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб

эвазига бу ўта мураккаб ҳаётдан муносиб ўрин ҳамда эътиборни топа олсин» (Т. 11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 35 – 37- бетлар).

Шу ўринда, 2004 йилнинг февралда Биринчи Президент Фармойишига биноан Ўзбекистон Куролли Кучлари бўйича «Энг илғор мутахассис» («Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳнинг командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор қўшилма командири» номинациялари бўйича) танлови ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлашимиз даркор. Қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Куролли Кучлар турлари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни таъминлаш ва шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли равишда ўзлаштириб олишини таъминлаш мақсадида ташкилланган мазкур танлов, айти пайтда, ҳарбий хизматнинг нуфузини янада ошириш, аскарларимиздаги мардлик, матонат, фидойилик фазилатларини тагин юксалтириш сингари олижаноб вазифаларга холис равишда хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизмат ўтаётган фарзандларимизга хос фазилатлар ҳақида гап борар экан, Ислом Каримовнинг мавзуга доир яна бир ибратли фикрига эътиборни қаратсак, мақсадга ямувофик бўлур эди: «Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунларимизда замонавий армияда ҳарбий хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик, айтилик, турникка тортилиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш ёки нишонга беҳато отишнинг ўзигина камлик қилиб қолади.

Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника, технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айти вақтнинг ўзида эса юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўзининг халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам алоҳида ажралиб туриши лозим.

Бунинг учун ҳарбий соҳада маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз ва ҳарбий хизматчилар онгу тафаккурига миллий истиқлол, миллий юксалиш ғояси тамойилларини жуда ҳам чуқур сингдиришимиз керак.

Ҳарбий хизмат жараёнида бўлса ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, энг аввал, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг

муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси этиб тарбиялашимиз даркор... Бу борада эски даврдан қолган курук, сийқа ваъзхонликдан воз кечиб, бугун биз бошимиздан кечираётган беҳад мураккаб ва машаққатли ҳаёт ҳақиқатига ҳам таяниб, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг замонавий, таъсирчан усул-услугларидан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш, фаолият юритишимиз зарур» (Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 167 – 169- бетлар).

Биринчи Президентимиз ҳарбий хизматчилар нима сабабдан Жалолоддин Мангубердининг энг муносиб ворислари бўлишлари даркорлиги ҳақида шундай ибратли фикр-мулоҳазалар билдирган эди: «Жалолоддин Мангубердининг ўта машаққатли ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган ҳамда ўша тарихий воқеаларга бугунги кунлар кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат ва эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитналар билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, халқнинг тинчлиги, осойишталигини бузишга бетиним равишда уринаверадиган ёвуз кучлар ҳам ҳамиша бўлаверади.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат ва эл-юрт бор экан, ўзининг туғилиб ўсган, ота-боболарининг хоки ётган, эртага ўз фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини беҳад азиз ва муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, агарда зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга доим тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўзининг ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсалардан устун кўядиган, керак бўлса, ... ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабих кимсалардан ғоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахслар кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай даражадаги хавф-хатар эканлигини бугунги ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз...

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг энг эзгу ниятларини

Ўзига энг олий мақсад қилиб қўйган, элим, деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради...

Жалололидин Мангуберди бўлса ана шундай мардларнинг энг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалололидиннинг бизга қолдирган яна бир даъвати шундан иборатки, у барчамизни она юртимиз беғубор осмонини ҳамда осуда ҳаётини кадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, бутун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимиз келажагини ва бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга бетиним интилиб яшашга чорлайверади» (Каримов И. А. Жалололидин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 1999 йил 5 ноябрь. //Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 74 – 75- бетлар).

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш вазифаларига алоҳида диққат ва эътибор қаратилгани ҳолда, ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишлари ҳам тубдан яхшиланиб, аскарларнинг ва ҳарбий хизматчилар онгига, тафакқурига миллий ғоямизнинг энг асосий тамойиллари турли воситалар орқали чуқур сингдирилмоқда...

Айнан шу сабабдан ҳам бу масала юзасидан Ислом Каримов томонидан шундай фикр-мулоҳаза билдирилган эди: «Менинг ўз олдимга ва Куролли Кучларимиз олдига қўядиган асосий мақсад шундан иборатки, ҳарбий ва армия хизматини ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом ва интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўзининг ўрниниям аниқ-тиниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан ҳам фахрлансин, кичик фарзандларимиз бўлса улардан ўрнак олсин, Ўзбекистоннинг беҳад гўзал қизлари бўлса улар билан ўзларининг келажак тақдирини боғлашни орзу қилсин» (Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 131 – 132- бетлар).

Ҳозирги замонда Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган мард ўғлонларимиз мана шу озод юртни ва шу гўзал ҳаётни, мусаффо осмонни ўзи ва оиласи, келажак авлодлар учун

ҳам беғубор, ҳам боқий сақлашга масъул эканликларини теран ҳис этадилар. Ушбу ёзувлар муаллифининг ўзи ҳам ўнлаб ҳарбий қисмларда офицерлар, сержантлар ҳамда оддий аскарлар билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларда, дилдан суҳбатлар, учрашувлар чоғида бунга шахсан амин бўлган. Бизнинг мард ёшларимиз ўз Ота маконини нафақат севиш, шу билан бирга жон фидо айлаб ҳимоялаш кераклигини калбдан англаб етганлари боис, Она Ватан – Ота юрт ҳимояси чинакам шон-шараф ишига, энг муқаддас бурчга айланмоқда.

Биринчи Президент – Ислом Каримовнинг «Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан энг асосий фарқи ўзи нимада, деб сўралса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит ҳамда тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янадаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жуда машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ҳамда эҳтиромда, деб айтган бўлардим», деган ҳақли сўзлари ҳам юқорида алоҳида қайд этилган фикр-мулоҳазаларимизни тўла-тўқис тасдиқлайди.

Мудофаа қудратини оширишдаги муҳим омил – ҳарбийларга эҳтиром кўрсатиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий жиҳатдан қафолатли ҳимоялаш, уй-жой шароитлари ва тиббий хизматдан фойдаланиш имониятларини яхшилаш сингари бир қатор аниқ ва тиниқ мақсадлар сари йўналтирилган ишларга давлатимиз томонидан устувор даражада диққат-эътибор қаратиб келинаётганидан барчамиз жуда ҳам яхши хабардормиз.

Шу жумладан, кейинги пайтларда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш, хизматни ўташдаги ижтимоий-маиший шароитлари тубдан қайта кўриб чиқиляётгани, замонавий уй-жой фондиям яратилиб, ҳарбий шаҳарлар тобора гўзаллашиб, чирой очиб бораётганлиги, уларда эса коммунал, ижтимоий-маиший шарт-шароитлар янада яхшиланаётганлигини ҳам алоҳида қайд этишимиз зарур.

Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш чоғида ҳарбий хизматга чақиришнинг муддати масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этганди. Шундай қилиб, 2008 йилнинг 20 ноябрида Биринчи

Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинган эди. Ушбу Фармон камрови жиҳатидан ниҳоятда кенг, мазмуни-моҳияти жиҳатидан бутунлай янги ҳужжат. Хўш, бу хусусиятлар нималарда ўз аксини топган эди? Аввало, бу фармон асосида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль – март ойларида чақириш ҳамда белгиланган хизматни ўтаб бўлган фуқароларни бўлса март – апрель ойларида захирага бўшатиш тизимини йўлга қўйилиб, бу янгилик армияга чақиришнинг ўша советлар тизимдан бизга қолиб келаётган эски амалиётни буткул ўзгартириб юборган эди.

Ҳозирги даврда эса ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилаётганлиги Ота Маконимиз олдида турган улкан вазифаларни чуқур англаб етадиган, пухта билимга ва жисмоний тайёргарликка эга йигитларни саралаб олиш имконини бермоқда. Бунинг самарасида бугунги аскарлар муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида жанговар тайёргарлик бўйича дастурларни ҳамда ҳарбий ихтисосликни сифатли равишда ўзлаштирмоқда. Чақирув яқунлари бўйича ўтказиб келинаётган чуқур таҳлиллар шундан ҳам далолат бермоқдаки, 2009 – 2011 йилларда ҳар бир муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган ўринга – 7 йигит, 2012 – 2013 йилларда – 8 ўғлон, 2014 – 2016 йилларда эса – 9 кишига тўғри келган («Ўзбекистон армияси» журнали 2016 йил, декабрь, 4 (8)-сон, 44- бет). Бу рақам янада ошиб бораётганиданам хабардорсиз.

Ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган йигитларнинг сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилга келиб 86,3 фоизга етган. Ҳарбий хизматга мутлақо яроқли ўсмирларнинг бўйи 2000 – 2015 йилларда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметрни ташкил қилган эди. Муддатли ҳарбий хизматга яроқли бўлган ўсмирлар вазни 2000 – 2015 йилларда 6,2 килограммга ортиб, ўртача 67,8 килограммга етганди («Ватанпавар» газетаси 2016 йил, 15 июль).

2016 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқнинг фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровномалардан бирида ёшларимизнинг 85,2 фоизи армияда хизмат қилишни ҳақиқатан хоҳлаганлиги кўрсатилган. Респондентларнинг 57,9 фоизи ҳарбий

хизматни, қандайдир имтиёз учун эмас, қалб амри сифатида баён қилган эди («Ватанпарвар» газетаси, 2017 йилнинг 7 июли).

Муддатли ҳарбий хизматга олишда чакирув комиссиялари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармасининг вакиллари киритилгани ўтказилаётган танловлардаги ошкоралик, самарали равишдаги жамоатчилик назоратини ҳам таъминлаб келмоқда.

Ўзингизга ҳам яхши маълумки, олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи абитуриентлар учун бир неча турдаги имтиёзлар тизими бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 31 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳам шу тизимнинг жуда муҳим таркибий қисмига айланганди. Мазкур қарорга кўра муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тегишли тавсияномаларга эга бўлгани сабабли олий таълим муассасаларига киришда тест синови жараёнида тўплаган балига қўшимча равишда максимал тўплаш мумкин бўлган баллнинг 27 фоизи миқдориди имтиёзли балл қўшиб берилар, у 62 баллдан кўпроқни ташкил этар ҳамда бу кафолатланган балл ҳисобланар эди. Башарти ҳарбий имтиёз ҳақида гап кетаётган экан, юқоридаям номи қайд этилган қарорга Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан тегишли ўзгартириш киритилганлигини ҳам эътироф этишимиз даркор. Мазкур қарорнинг 11- бандига кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, тегишли тавсияномага эга бўлган фуқароларга Республикамининг барча олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга кириш жараёнида тест синови натижалари бўйича **тўплаган балининг 50 фоизи** миқдориди қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилган эди. Ўшандан буён нисбатан яхши тайёргарлик кўрган абитуриентлар тест синовлари жараёнида янада ҳам кўп балл тўплаш, умумий кўрсткичларини анча-мунча ошириш имконига ҳам эга бўлгандилар. Шунингдек, абитуриентларнинг йўналишлари бўйича аризасида кўрсатилган иккинчи олий таълим муассасасидаги танловларда ҳам бемалол

қатнашиш имтиёзи сақланиб қолган. 2018 йилдан бошлаб ҳарбий хизматчилар фарзандлари – ўғил-қизларига олий ўқув юртларига киришида янгича, ўзига хос имтиёзга эга бўлдилар, яъни айнан улар учун алоҳида 5 фоизли квота ҳам белгилаб қўйилди.

Президентимиз 2018 йил 14 майда имзолаган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарор ўз фарзандлари талабалик сафига қабул қилинган ҳарбий хизматчиларни янада ҳам руҳлантириб юборди. Улардан бири, «Жасорат» медали соҳиби, жуда кўплаб ҳарбий хизматчиларнинг устози Иброҳимжон Қаюмовни (унинг ўғли Суннатилла Назиржонов Тошкент Тиббиёт академиясига давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинган) тинглаймиз:

« – Ўғлим Суннатилланинг давлат гранти асосида талабалар сафига қабул қилинганини эшитиб, бошим осмонга етди. Ҳозир ўғлим жуда зўр иштиёқ билан билим олишга киришган. Ҳар куни хизматдан сўнг уйга етиб бориб, фарзандларим билан ўқишлари ҳақида жиддий суҳбатлашаман. Бир куни кечки овқатдан кейин дарс қилишга ўтирган Суннатиллага «Кечаси алламаҳалгача дарс қиляпсан ўғлим, қийналмаяпсанми?» деб савол бердим. У бўлса «Дада, мен кўп ўқишим керак-да. Ўйлаб қарасам, Президентимиз Ватан олдидаги хизматларингизни қадрлаб, сиз орқали менга ҳам ишонч билдирди. Энди мен бу ишончни оқлашим керак. Шунинг учун бор кучимни илм эгаллашга сарфляяпман. Мен сизни асло уялтириб қўймайман, фақат аъло баҳоларга ўқийман», деб жавоб берди. Ўғлимнинг сўзларини диққат билан эшитиб, унинг анча улғайиб қолганлигини, масъулиятни чуқур ҳис қилаётганлигини тушундим. Унинг мен орқали билдирилган ишончни эса, албатта, оқлаш учун ўзига куч-қувват топаётганидан чексиз қувондим...»

Тиббий хизмат подполковниги Акбар Эшмуродовнинг (ўғли Шоҳруҳ Асқаров Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига давлат гранти асосида қабул қилинган) фикрларини тинглаймиз:

« – Ўғлимнинг давлатимиз берган имтиёз асосида талабалар сафига қабул қилинганини эшитиб, биринчи бўлиб, Самарқанд шаҳридан 71 ёшли онам Зухрабиби телефон қилган эдилар: «Мен сенга айтган эдим, болам, ўта савобли ишда ишляяпсан. Ватанни

қўриқлаш беҳисоб савобли иш. Савоб ишнинг, албатта, мукофоти бўлади, Бугун сен мукофотланганлар каторидасан. Жуда хурсанд қилдинг мени», деб узоқ дуо қилдилар ва «Энди болангни қаттиқ назорат қил, албатта жуда яхши ўқисин. Бизнинг авлодимиздан ҳали ваъдасига вафо қилмайдиган кимсалар чиқмаган», дедилар. Нафақат мен, балки онажон ҳам ҳар куни телефон орқали талаба қандай ўқиётганини жудаям қаттиқ суриштириб, «назорат» қилиб турибдилар» («Ватанпарвар», 2018 йилнинг 19 октябри, 42- сон).

2019 – 2020- ўқув йилидан эса ҳарбий хизматни ўтаб имтиёз олган шахсларга асосий квотадан ташқари 5 фоиз қўшимча квота белгиланганидан ўзингизам бохабарсиз. Ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи, қисм кўмондонлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг тавсияномасига кўра олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида имтиҳон топширмай ўқишга қабул қилинувчилар каторига киритилди...

2012 йил 24 октябрда Давлатимизнинг раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекилган эди. Бу қарорга биноан, мазкур кенгаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини, армия сафларида хизмат қилаётган ҳамда ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган. 28 аъзодан иборат Жамоатчилик кенгаши низомининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, беш йўналиш бўйича алоҳида турли-туман комиссиялар ҳам ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул ходими, подполковник Улуғбек Қодиров келтирган маълумотлар шунданам далолат берадики, 2014 йилда Қуролли Кучлар сафига юборилган чақирилувчиларнинг ўртача интеллектуал даражаси тахминан – 12,7 баллни, жисмоний тайёргарлик бўйича даражаси бўлса – 13,8 баллни ташкил этганди. Бу ўзи нима дегани? Агарда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг имкониятдаги максимал интеллектуал даражаси 18 балл деб олинадиган бўлса, бу кўрсаткич ёмон эмас (маълумот учун айтиш ҳам жоиздирки, йигитларнинг

интеллектуал даражаси мудофаа ишлари бўлимларида 18 балли шкала асосида баҳоланади). Ушбу ҳолат бўлса давлатимизда энг замонавий академик лицей ва касб ҳунар коллежларида таълим-тарбия олган, замонавий ахборот компьютер технологияларини, хорижий тилларни ҳам пухта эгаллаган, юксак ахлоқий-маънавий фазилатларга бўлган ёшлар армиямиз сафига келмоқда, дегани. Мавжуд рақамлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Яъни, 2014 йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларнинг 88,8 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган эди. Тагин бир муҳим факт. Фақат 2014 йилнинг ўзидагина муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг 26,5 фоизи турли хилдаги ҳарбий-техник соҳалар бўйича мутахассислардир. Яъни, улар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида билим ва ҳарбий-техник касбларни эгаллаб олиб, Ватанимизнинг ҳимоясига борганлар.

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар жисмоний тайёргарлиги даражаси бўлса Республикамиз миқёсида 15 баллик шкала бўйича баҳоланишини назарда тутадиган бўлсак, юқорида келтирилган 13,8 баллнинг мазмуни-моҳиятига ўзингиз ҳам бемалол тушуна оласиз. Бунинг натижасида жисмонан бақувват, полвон, паҳлавон ўғлонларимиз муддатли ҳарбий хизматга юксак ғурур, кўтаринки руҳ билан йўл олганликларини теран тарзда англай оламиз.

2016 йил ноябрида ўтказилган сўровномада ота-оналарнинг фарзандлари ҳарбий хизмат ўтаганликларидан бағоят мамнунлик даражаси акс этган. Берилган жавобларнинг 64,5 фоизидан шунини билиш мумкин. Янаям аниқроқ қилиб айтганимизда, мамнунлик даражаси қуйидагича акс этган: энг биринчи ўринда «фуқаролик бурчини, давлатимиз олдидаги мажбуриятини бажарди», иккинчи ўринда эса «қўп нарсага – меҳнат қилишга, ватанни қадрлашга ўрганди», учинчи ўринда «армиядан ҳар томонлама ўта ижобий ўзгаришлар билан қайтди», навбатдаги тўртинчи ўринда бўлса «ҳақиқий эркакка айланди», ва ниҳоят бешинчи ўринда «армияда хизмат қилиб, яхшигина ишга жойлашди» жавоблари. Берилган жавобларни ўзингиз ҳам бир таҳлил қилиб кўринг-а. Сизнингча, уларнинг барини бирлаштириб, умумлаштириб турган тушунча ўзи нима? Назаримда, бу – бурчни англаш тушунчаси. Демак, бу – шунчаки оддий бир мамнунликдир, десак хато қилган бўламиз.

Қолаверса, ўз фарзандидан рози бўлиш ҳиссини фуқаролар шундай ифода этишган. Хўш, ота-оналар фарзандидан қачон рози бўлади? Ўз элига, юртига ҳалол хизмат қилиб, «Отанга раҳмат!» деган дуони олган чоғида. Бурчни, айниқса ҳарбий мажбуриятни ўзбекона шаклда тушуниш миллий маънавиятимизнинг нақадар юксак даражада эканлигини аجدодларнинг ўз ўғлонларидан рози бўлган оталарнинг сўзи орқали жаҳонга яққол кўрсатиб турибди.

Ислом Каримовнинг 2015 йилда «Ўзбекистон» нашриётида нашр этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номидаги стратегик аҳамиятга молик китобида ёзилишига кўра, «Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Ўғлон дейилган атама билан ўғил деган сўзнинг фарқи бор. Ўғлон деган сўзнинг маъноси ниҳоятда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сарасини, мард йигитларни ўғлон дейди..» Тагин ушбу китобда ҳақли равишда, ўтмиш воқеаларини ўкинч билан ёдга олиб, қайд этилишича, «Армиядан муддатидан олдин кетишга мажбур бўлган йигитларимизни 80- йилларнинг охирида мен ўзим Тошкентда, Марказқўмнинг биносида кутиб олар эдим. Уларнинг қаддини кўрсангиз, бир ярим метрдан ҳам баланд эмас. Қандай қилиб уларни жазодан олиб қолишни ва қандай қилиб вақтинчалик армиядан озод қилишни ўйлардим. Энди эса ҳозирги болаларимизни бир бор кўринг-а... Шундай йигитларки, уларнинг қадди-қоматини кўриб ҳавасингиз келади» (254 – 255- бетлар).

Шу ўринда мавриди келиб қолгани боис, гарчи ўзингиз ҳам ёддан билсангиз-да, академик шоир Ғафур Ғуломнинг қаламига мансуб машҳур «ЙИГИТЛАРГА» шеърини биргалашиб ўқисак:

*Йигитлар – халқларнинг мақтови, кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи;
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гурқираши, файзи, қувончи...*

*Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, кўрғон саломат;
Қизлар кулгусида авжу даромад,*

Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

*Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бутун бир замонни алиҳсанг арзир.
Арзир ўз йигитинг қадами учун
Замонлар, кўклар бўлса мунтазир.*

*Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.*

*Сиз, ахир, ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.
Сиз, ахир, улуг юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.*

*...Атомлар қуввати пок қалбингизда
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон;
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.*

Юртимиз ёшларининг бахти кулган, истиқболи ҳам порлоқ. Уларнинг замонавий билимларни эгаллашлари, ўзлари қизиққан соҳада меҳнат қилиши, истеъдодларини кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлانган. Бундан қувонмай, фахрланмай, бугунги йигит-қизларга ҳавас қилмай бўладими-а?! Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони айнан шу борадаги ишларни тубдан ўзгартиришга қаратилганлиги билан юксак аҳамият касб этади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати IV қурултойидаги нутқи нафақат эртаимиз эгалари, шу билан бирга, юртимизнинг ҳар бир фуқаросини руҳлантиргани ва тўлқинлантиргани ҳам асло бежиз

эмас-да. Бу нутқ замирида Ўзбекистон ёшларига нисбатан улкан меҳр-муҳаббат мужассамдир, десак сираям муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижаларга ҳамда ютуқларга эришаётган йигитларни муносиб тақдирлаш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти, ва шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол равишда қатнашаётган йигит-қизларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида «Келажак пойдевори» медалининг таъсис этилишиям ўзимизнинг навқирон фарзандларимиз, ўғлонларимизга бўлган беҳад катта диққат-эътиборнинг бағоят ёрқин бир намунасидир.

Айниқса, республикада фаолият кўрсатаётган барча ҳарбий академик лицейларга «Темурбеклар мактаби» номи берилганидан барча чин дилидан қувонди. Негаки, бу дунёда касб жудаям кўп, ҳунарлар беҳад бисёр. Йигит кишига энг ярашадигани, муносиби қайси? Бу саволга эса тўрт минг йил мукаддам ҳозирги Навоий вилоятидаги Сармишсой қояларига туширилган петроглифлардан бемалол жавоб топа оламиз. Бизга қадар аниқ-тиниқ етиб келган минглаб қоятош суратлари орасида улкан даранинг шундоққина кираверишидаги катта харсангга солинган, қўлида найзани тутиб, ўта шижоат, қатъият билан турган сарбоз тасвири яққол ажралиб кўринади. Ушбу суратга мактабдаги тарих дарсликларида жудаям кўп бора ўзингизнинг ҳам кўзингиз тушган. Юқоридаги саволга мозийнинг минглаб синовлардан ўтган жавоби шу: йигит кишига энг ярашқили касб-кор бу – Ватан ҳимояси, ҳарб ишидир! Қадим битиклардан келган йитмас ҳикматларда ҳам ўз туғилган ерини ғанимлардан асрай олмаган кимса ўзининг оиласини, ўз жони, ўз келажагиниям асло сақлай олмаслиги уқтирилади! Айни ҳақиқат халқимизнинг кўп асрлар оша безавол яшаб келаётган мерганлик, кураш, кўпқари каби ўйинларига ҳам тўла-тўқис сингиб кетган. Зеро, ёвқур боболаримиз келажак наслларини мард ва олижаноб, ўзининг юртини ва ор-номусини ҳимоялашга қодир бўлган авлод сифатида тарбиялашни ўзларининг бош мақсади деб билганлар.

Бир неча минг йиллик тарихий тажрибалар жам бўлган ўзбек халқ ўйинларидаги жисмоний чиниқиш машқларини ҳам янада такомиллаштириб, услубий-тактик тизимга солиб берган бекиёс

буюк саркарда сарбаланд соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қошида етти иклим ўз бошини эгиб турган. Жаҳоннинг манаман деган ҳарбий академиялари ҳам ХХI асрнинг тараққийсида туриб Темур бобомизнинг жанг санъатини дарслик сифатида жиддий равишда синчиклаб ўрганаётганлиги ҳам асло бежизмас-да...

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтилганда, юртимизда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган ана шундай салмоқли ишлар бари замонавий талабларга жавоб бера оладиган миллий армиямизни шакллантириш ҳамда бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги бир тизимига ўтиш имкониятини берди. Буларнинг барчаси эса сўнгги вақтларда Мудофаа доктринамизга мувофиқ Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмалари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳам ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларни модернизация қилиш бўйича кўлами ва аҳамияти нуқтаи назаридан беҳад улкан ишлар қилингани ва давом эттирилаётганининг яққол исботидир.

Сира шак-шубҳа йўқки, шахсий таркиби ана шундай юксак жанговар, маънавий-руҳий тайёргарликка эга бўлган, мустаҳкам ирода соҳибларидан ташкил топган, замонавий талабларга ҳамда андозаларга тўла-тўқис жавоб берадиган армия Ота маконимиз ва халқимизнинг ишончли, тош-метин қалқони, истехкоми бўлишга қодирдир. Буни ўтган вақтлар давомида мустақиллигимиздан ичи куйиб-ёнадиган, истиклолимизга ҳасад қиладиган, экстремистик, террористик кучларга қарши мардона жанглار қилиб, бу йўлда ўз жонини фидо этган қаҳрамон ўғлонларимизнинг жасорати ҳам исботлаб турибди. Хусусан, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажариш жараёнига йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг барча бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси сингари тузилмалар эҳтимол тугилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона ҳаракатига муносиб зарбани беришга қодир қудратли куч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда яққол намоён бўлганди.

Ўз ҳаётининг эллик уч йилини ёшлар тарбиясига бағишлаган матонатли инсон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси офицер Низомжон ва уруш пайтида кўнгилли сифатида чегарада хизмат қилган Тожиҳон онанинг асл кизи, Афғон уруши иштирокчиси – офицер Абдулҳамид Ғаниевнинг турмуш ўртоғи, уч офицернинг мунис онаси Мунаввархон Ғаниева террорчиларга қарши қаттиқ жангда саккиз жойидан яраланиб, мардларча ҳалок бўлган ўғли – Бобуржон Ғаниев жасорати хусусида шундай деган эдилар: «2000 йилнинг сентябри. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов сессия минбарида туриб, менинг уларга йўллаган мактубимдан бир парчасини ўқиб берган эдилар. Унда шундай ёзгандим:

– Менинг болам кўча-кўйда безорилик қилиб, муштлашиб, бировнинг молига тажовуз қилиб ўлгани йўқ! Менинг фарзандим Ватан ҳимояси учун жон фидо қилди. Мен ундан мингдан-минг розиман ва берган оқ сутимга розиман. Яна икки катта ўғлим ҳам (Бахтиёржон ва Баҳодиржон) офицер. Уларни ҳам юртимизнинг тинчлигини ҳимоя қилиш учун чегарага юборишга тайёрман..!

Ўша пайтда мен шундоққина ёнларида эдим. Президентнинг кўзлари ёшланди, чўнтагидан дастрўмол олиб, кўз ёшларини аста артар экан: «Мен бундай Она олдида таъзим қиламан», дедилар.

Ҳозирги пайтда лейтенант Бобуржон яшаган Марғилондаги бу хонадонда уй-музей ташкил этилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатиб қўйилган. Уларнинг кўчасига Бобуржон Ғаниев номи берилган.

Лейтенант Бобуржон Ғаниев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2000 йил 25 августдаги Фармонида биноан, II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган.

2000 йил. Лейтенант Бобуржон Ғаниевнинг хонадони. Одам гавжум. Бир чеккада хомуш ўтирган басавлат киши Мунаввара аянинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Ая ўғли Баҳодиржондан унинг кимлигини сўради: – Мудофаа вазиримиз она, – деди ўғил. Ая вазир томонга астагина қадам ташлади. Ҳол-аҳвол сўрашди...

...Кейин Тошкентга қайтган Мудофаа вазири Баҳодиржонга мана шундай деганакан: – Сизлардаги мардлик, тангилик кимдан ўтган десам, онангиздан экан. Шундай оғир вазиятда ҳам аянгиш

мен билан келиб сўрашдилар. Очиги, погонимни юлиб, қўлимга берсалар керак, деб ўйловдим. Чунки фарзанд доғи аччиқ. Уларга қойил колдим, – деган экан («Ватанпарвар», 2019 йил, 25 январь).

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини иккала давлат миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳам чуқур ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам айнан шу принципга амал қилади...

Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир...

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош кадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блоклар ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсатни амалга ошириши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади...

Минтақамизда ниҳоятда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган мана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг орзу-умид ва интилишларига тўла мос келади. Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айнан шу принципларга асосланган ҳолда амалга оширилишини барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 19 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган таъсирчан нутқида шу долзарб масалаларга алоҳида аҳамият қаратиб, шундай деганди: «Ўзбекистон бугунги кунларда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт, яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир...

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўлса нафақат минтақавий, балки глобал таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ҳамда мамлакат ичидаги сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир.

Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. Донишманд афғон халқи ўз тақирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир... Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши даркор. Халқаро ҳамжамятнинг саъй-ҳаракатлари, энг биринчи навбатда, Афғонистонда мавжуд барча ўтқир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали тарзда ҳал этишга қаратилмоғи керак. Бу жафокаш ўлкада тўла-тўқис тинчлик, осойишталик ўрнатишга қўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий ҳаракатларимиз сира ҳам сусаймаслиги зарур...»

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳам кўп бор ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Биз биронта ҳарбий блокка асло қўшилмаймиз. Бундай бирлашмаларнинг аксарияти қандай ном билан аталмасин, агар унинг асл негизини кўрадиган бўлсак, ҳарбий тузилма бўлиб чиқади. Бундай блоklarда қатнашмаймиз... Биз баъзи бир давлатларнинг ўзига хос «ўйин»ларига кўшилиб қолиб, балога қолиб кетишни ҳеч қачон хохламаймиз».

Дунёдаги вазият жуда шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Куролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг

жанговар тайёргарлигини, мамлакатимиз суверенитетига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзингизга ҳам жуда яхши маъумки, бугунги кунларда бу дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш сингари халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хатарларнинг ғоятда авж олаётганига етарли даражада баҳо бермай, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас-да. Минтақамизда ташқи кучлар ўртасидаги манфаатларнинг кураши кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузғунчи тўдаларнинг ва кўпоровчи-террорчи гуруҳлар фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятлар кескинлашиб бораётгани оқибатида эса мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятни ўз изидан чиқариши мумкин бўлган янги-янги таҳдидлар ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда.

Буюк Британия бошкенти – Лондон шаҳрида жойлашган Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан тайёрланган Глобал терроризм хавфи мавжудлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон 162 давлат орасида 124- ўринни эгаллаб турибди. Индексда давлат қанчалик паст ўринни эгалласа, унда терроризм хавфи шунча кам бўлади. Ушбу рейтингда Ироқ, Нигерия, Афғонистон, Покистон, Сурия каби терроризм хавф-хатари энг юқори давлатлар қаторида рўйхатга киритилганидан ўзингиз жуда яхши бохабар бўлсангиз керак, деб ўйлаймиз. («Жамият» газетаси, 2015 йил 20 ноябрь).

Америкалик сиёсатшунос олим Глеб Ховарднинг фикрича, Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Ўзбекистон ўзининг сарҳадларини турли экстремистик ва террористик хуружлардан муносиб ҳимоя қилишга қодир ягона мамлакатдир (Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Т.: «Шарқ», 2001. – 38- бет).

Энди бўлса Биринчи Президентимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига ям бир эътиборимизни қаратсак: «Ҳозир бизнинг армиямиз Марказий Осиёда энг кучли эканлиги ҳақида жуда кўп гапириляпти. Ўзимиз шунга муносиб бўлишимиз керакми-йўқми? Умуман айтганда, бизларни ким ҳимоя қилади? Фақат ва фақат ўзимиз. Шунини билиб қўйинглар, бизни биров четдан келиб ҳимоя

қилмайди. Бирон чет давлатнинг, айтайлик, Россиянинг бирорта ҳам аскарни бизнинг Она заминимизга келиб жанг қилмайди. Буни ҳамма билиб қўйсин. Биз, энг аввало, ўзимизга ва ўз кучимизга, керак бўлса, ўзимизнинг кудратимизга ишонимиз керак...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Олий Бош қўмондон сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислох қилиш, жанговар қобилиятини кучайтириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун бекиёс хизматни кўрсатдилар. У киши ташаббуслари билан тинчликпарварлик, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, юзага келаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни фақат ва фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ҳам ишлаб чиқилди... Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимиз мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига мутлақо йўл қўймаслик, худди илгаригидек давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади... Очик тан олишимиз керак, биз нотинч замонда, нотинч бир минтақада яшамоқдамиз. Шу сабабдан ҳам Ватанимиз ҳимоясини ишончли қафолатлаётган, мудофаа қобилиятимизни мустақкамлаётган ва давлат чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаётган тизимли чора-тадбирлар комплексини жорий этишни қатъият билан давом эттиришимиз зарур. Биз Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органларимизни бундан кейин ҳам ҳар томонлама мустақкамлаб борамиз. Ҳеч кимда заррача ҳам шак-шубҳа бўлмаслиги керак – мамлакатимизнинг суверенитетига ва мустақиллигига хавф-хатар туғдирадиган ички ҳамда ташқи кучларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатларига, ҳар қандай уринишларига ўта қатъий ва муносиб равишда жавоб берилади».

2019 йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг «Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-

қасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганди. Мазкур қонун билан ҳозирги пайтда мавжуд, амалда бўлиб турган 10дан зиёд қонунларга ҳам янги ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрдаги 436-11- сон) Қонунига янгидан киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга биноан:

– ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (яъни, контракт бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи олдида ўз Ватанига қасамёд (ҳозирга қадар ушбу жуда тантанали тарздаги маросим жанговар байроқнинг олдида амалга оширилар эди) қабул қиладилар;

Фурсатдан унумли фойдаланган ҳолатда «Ватанга қасамёд» матни билан ҳам танишиб кўяверсак, фойдадан холи бўлмайди:

«Мен (фамилияси, исми, отасининг исми);

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, давлатим тимсоли бўлмиш муқаддас байроқни ўпиб, буюк аждодларимнинг пок руҳи олдида,

Ватаним олдидаги бурчимни ҳалол бажаришга бел боғлаб, виждоним, ор-номус ва шаънимни ўртага қўйиб,

Ўзбекистон Республикасига, халқимга, Президентимга бир умр содиқ бўлишга,

Ватанимнинг мустақиллигини, унинг сарҳадларини,

она халқимнинг тинчлиги ва осойишталигини, миллий

манфаатларини сўнгги нафасимгача ҳимоя қилишга,

Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли ҳаракатларга қарши аёвсиз курашишга,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва умумҳарбий низомларга қатъий амал қилишга,

давлат ва ҳарбий сирларни сақлашга,

қуруқликда, сувда, ҳавода – ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимни виждонан бажаришга,

ҳар қандай машаққатли синов ва қийинчиликларда ҳам,

эл-юртимнинг юксак ишончини оқлашга

тантанали равишда қасамёд қиламан!»

Энди юқорида изоҳланаётган қонун масаласига қайтамиз:

– Ўзингиз ҳам ҳозиргина ўта диққат билан ўқиб чиққанингиз Ватанга касамёднинг янги мукамалроқ матни ишлаб чиқилди;

– муддатли ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобидан ўн икки ой қилиб белгилаб қўйилди (ҳозиргача оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимидаги хизматчилар учун – ўн икки ой, олий маълумотли шахслар ва чақирув бўйича офицерларнинг таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун тўққиз ой эди);

– ҳарбий хизматни ўташга чекловлар билан яроқли бўлган шахслар ҳам сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар (ҳозиргача фақатгина яроқли, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳамда чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Куролли кучларнинг сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахсларгина сафарбарлик чақирувининг резервига олинар эди);

– чақирилувчиларнинг ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёргарлиги Ўзбекистон Республикасининг мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасалари бошқача ном билан, яъни «Мудофаа ишлари бошқармаларининг ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказлари» деб қайтадан номланди;

– ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги махсус марказлардаги тайёргарлигини молиялаштириш Марказий Кенгаши (гап бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти назарда тутилмоқда) орқали эмас, Мудофаа вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва молиялаштиришнинг амалдаги қонун ҳужжатларимизда назарда тутилган бошқа бир манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

– фуқароларни ҳарбий хизматга чақирув участкаларида қайд этиш умумтаълим мактаби, ўрта махсус таълим муассасасидаги охирги ўқиш йилининг апрель – май ойларида амалга оширилади (ҳозиргача ўн олти ёшга тўлган йили апрель – июнь ойларида амалга ошириб келинар эди);

– фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик чақирувининг резервидаги хизматга чақирилиши эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан йилига бир марта

март – апрель ойларида ўтказилади (ҳозирга қадар эса февраль – март ойларида ўтказиб келинар эди);

– чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг маънавий ва касбий фазилатларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларининг моддий ҳамда ижтимоий аҳволини жиддий тарзда ўрганиш натижаларига кўра, туман шаҳар) чақирув комиссияси қарорига яна кўшимча тариқасида йигирма етти ёшга тўлганлиги сабабидан ҳам Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш тўғрисидаги қарорни ҳам чиқариши мумкин;

– олий таълим муассасаларига таълимнинг кундузги ҳамда кечки шаклида таҳсил олиб турган талабалар ўзининг розилиги билан сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинishi мумкин ва бунда талабалар бир ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга июль – август ойларида жалб этилади (ҳозирга қадар бўлса олий таълим муассасаларида кундузги таълимда таҳсил олаётган талабалар ўз ўқишини давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлагунига қадар кечиктириб туриларди).

– ҳарбий хизматга резервдан ё захирадан ўзининг хошиши билан, ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган офицерларга олий таълим муассасаларидаги ўқишга ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган турли-туман лавозимлардаги иш стажи эса «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги низомда белгилаб қўйилган тартибда ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади.

– резервда бўлиш ёшининг чегарасига етиб келган ёхуд ўз саломатлигига биноан, белгиланган тартибда ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган ҳарбий хизматга мажбур кишилар мудофаа ишлари органлари томонидан истеъфога чиқарилиб, ҳарбий рўйхатдан чиқариб юборилади.

Юқорида ўзингиз ўқиган ҳамда уқиб олган маълумотларни ушбу соҳада тушунмовчиликларга дуч келиб қолган фуқароларга ҳам айтиб берсангиз, нақ савобнинг тагида қолган бўлардингиз...

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 126-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга». Global Firepower ташкилотининг 2015 йилги рейтингда Ўзбекистон

Республикасининг армияси Марказий Осиёдаги энг кучли армия сифатида эътироф этилган, дунё миқёсида 54- ўринга кўтарилган Куролли Кучлари «Global Fierpower Index» рейтингда 2016 йилда 48- ўринни эгаллаган («Наманганская правда» 2016 йил 28 май сони), 2018 йилга келиб, «Military Strength Ranking – 2018» жаҳон рейтингда 39- ўринга кўтарилган («Халқ сўзи» газетаси 2018 йилнинг 18 декабрь сони). Рейтингни шакллантиришда 136 мамлакат куролли кучларига 50дан ортиқ, хусусан, курукликдаги ва денгиздаги кўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари салоҳияти, ҳарбий хизматга лаёқатли аҳоли сони, бу соҳанинг молиялаштирилиши каби қатор кўрсаткичлар бўйича эътибор қаратилди. Ўзбекистон Куролли Кучлари 420 танк, 179 самолёт, 715та пиёдалар ҳарбий машинаси, 143та ўзюорар ва 880та тўпларга эга. Ўзбекистоннинг йиллик ҳарбий бюджети эса 70 миллион долларни ташкил этади («Наманганская правда» газетаси 2018 йилнинг 21 апрель сони).

«АРМИ – 2017» учинчи халқаро армия ўйинларида ҳам ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар фаол иштирок этиб, миллий армиямиз кучи ва қудратини яна бир бор намоён қилган эдилар. Россия, Беларусь, Озарбойжон, Қозоғистон ва Хитойнинг 22та полигонда 28 мамлакат ҳарбий хизматчилари иштирокида бўлиб ўтган учинчи халқаро армия ўйинлари доирасида 29та танлов ўтказилди. Уларнинг 8тасида Ўзбекистон ҳарбийлари биринчи марта иштирок этдилар. 15тасида бўлса мамлакатимиз вакиллари кузатувчи сифатида қатнашдилар. Хусусан, Россия Федерацияси ҳудудида кечган «Кўшин разведкасининг аълочилари», «Эльбрус ҳалқаси», «Содиқ дўст», «Хавфсиз маршрут», «Йўл патрули», Қозоғистонда ўтказилган «Мерганлик марраси», Хитойда бўлиб ўтган «Куролсоз уста» ва «Мусаффо осмон» танловида ҳарбий хизматчиларимиздан иборат 8 жамоа муносиб равишда иштирок этди. Давлатимизнинг ҳарбийлари 4та совринли ўринни кўлга киритган ҳолда, маҳоратда ҳамда профессионаликда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этгандилар. Юртимиз ўғлонлари «Кўшин разведкаси аълочилари» танлови натижаларига кўра танловнинг десантлаштирилш, узок масофага югуриш каби беллашувларида иккинчи ўринга муносиб кўрилдилар. Бу натижа эса Ватанимиз ҳимоячиларининг мазкур тайёргарлик бўйича юксак малакага ва

кўникмага эга эканлигиниям яққол кўрсатади. Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари – 218,44 балл, учинчи ўриннинг соҳиби Беларусь ҳарбийлари – 127,11. Орадаги фарқни кўряпсизми? Шунингдек, танлов учинчи босқичидаги «Разведкачи сўқмоғи» беллашувида юртимиз посбонлари рақибларидан анча устунлик қилиб, учинчи ўринни эгаллаганлиги (227,6 балл, тўртинчи ўрин – 174 балл) уларнинг профессионаликда ҳеч кимдан кам эмаслигидан яққол бир далолат. Мусобақа яқунларида эса Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари фахрли 3- ўринни забт этишганди.

Танловдаги осма кечув шартида бўлса Ота маконимизнинг посбонлари иккинчи ўринни эгалладилар. «АРМИ – 2017»нинг тоғ тўсиғи йўлаги номли беллашувда эса Ўзбекистон ҳарбийлари 919 баллни тўплаб, биринчи ўринни забт этгандилар («Хуррият» газетаси, 2017 йилнинг 6 сентябри).

Буюк Британияда қирқ йилдан буён қўшин разведкачилари ўртасида «Кембрия патрули» халқаро танлови ўтказиб келинади.

2017 йилнинг октябрида Англиянинг Брэккон шаҳрида 29 мамлакатнинг 139та жамоасидан иборат қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган «Кембрия патрули» халқаро танловида бор-йўғи биринчи марта иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари вакиллари фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлган эдилар («Ватанпарвар» 2018 йил, 29 июнь). Орадан атиги бир йил ўтиб, яъни 2018 йил ўтказилган танловда бўлса ҳамюртларимиз шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олганлар. 34 давлатдан келган 123та жамоа орасида бундай муваффақиятга эришилиши, албатта, бизга жудаям катта ғурур бағишлайди («Халқ сўзи» 2018 йил 18 декабрь). Беларусь давлатининг Минск шаҳрида МДХга аъзо давлатларнинг Қуроли Кучлари ўртасидаги «Кўпкураш ҳарбий спорт комплекси» номли тури бўйича ўтказилган халқаро мусобақада бизларнинг жасур ватандошларимиз фахрли 2- ўринни эгаллаган эдилар («Ватанпарвар» 2018 йилнинг 6 июли).

Россия Федерациясида 28та йўналиш бўйича 32 давлатнинг вакиллари қатнашган IV Халқаро армия ўйинларида эса иккинчи марта иштирок этган ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларимиз бта совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. 200дан зиёдрок ўзбекнинг ҳарбий хизматчилар «Артиллерия ўт очиш усталари»,

«Қўшин разведкаси аълочилари» (3- ўрин), «Йўл патрули», «Ҳарбий ралли», «Қуролсоз уста» (3- ўрин), «Хавфсиз маршрут», «Содик дўст» ва «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Эльбрус ҳалкаси», «Мерганлик марраси», «Мусаффо осмон», «Дала ошхонаси» каби танловларда хорижий армияларнинг сара вакилларига муносиб рақиб бўлгандилар. Бундан ташқари, кинология хизмати итлари ўртасидаги «Содик дўст» номли танловнинг 300 метрли тўсиқлар йўлагидан ўтишда эса Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий хизмат итлари питомниги ҳарбий хизматчиси Шокир Жўраевнинг «Гита» лақабли хизмат ити 1 дақиқаю 15 сониялик натижа билан янги рекорд ўрнатиб қўйди («Даракчи», 2018 йил, 23 август).

2019 йилнинг 3 – 17 августида бўлиб ўтган «АРМИ – 2019» Халқаро армия ўйинларида 39та давлатнинг 200дан зиёд жамоаси қаторида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари 14 йўналишда, яъни Беларусда «Мерганлик марраси», Хитой давлатида «Қуролсоз уста», «Мусаффо осмон», Қозоғистон Республикасида «Артиллерия олови устаси», Эронда «Йўл патрули», Ҳиндистонда «Қўшин разведкаси аълочилари», Россияда «Танк биатлони», «Эльбрус ҳалкаси», «Ҳарбий ралли», «Содик дўст», «Хавфсиз маршрут», «Дала ошхонаси», «Рембат», Ўзбекистонда «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобақаларида фаол тарзда иштирок этди. Мусобақаларда 39 давлатдан 223 жамоа ва 5 мингдан кўпроқ ҳарбий иштирок қилди. 10та давлат ҳудудида умумий ҳисобда 32та танлов ўтказилди. 2018 йили умумжамоа ҳисобида 32 мамлакатнинг ҳарбийлари орасида олтинчи ўринни эгаллаган ҳарбийларимиз 2019 йил жами 11та йўналишда – 2та биринчи, 4та иккинчи, 5та учинчи ўринни эгаллаб, 5- поғонага кўтарилиб олди. Юртимизнинг ҳарбийлари ҳозирча 14 танловда иштирок этдилар. Юқорида ҳам алоҳида қайд этганимиздек, 14 танловнинг 11тасида ҳамюртларимиз ғолиблар қаторида эътироф этилди. Бу эса деярли 80 фоизлик натижа деганидир... Бу миллий юксалишнинг чинакам меваларидан бири дегани («Ватанпарвар» газетаси, 2018 йилнинг 23 августи, 34- (2837)- сон, 4- бет.). 2019 йил 6 – 21 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Брэккон шаҳрида ўтказилган «Кембрия патрули» танловида разведкачиларимиз яна «олимп»ни заб этдилар («Ватанпарвар», 2019 йил, 25 октябрь).

Биринчи Президентимиз – Ислом Каримов ҳақли ва асосли равишда жудаям кўп бора таъкидлаганидек, «Гўзал ва бетакрор диёримизда яшаётган одамлар, биринчи навбатда ёшларимиз «Бу Ватан – меники, агарки уни ҳар қандай бало-қазолардан асраб қолиш ва химоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади?» деган ўй-фикр билан яшасалар, мана шундай қараш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун энг катта даъватга, ҳаётгий эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккуридан чуқур жой олса, айтинглар, бундай халқни ўзининг танлаб олган йўлидан ортига қайтариб бўладими, бундай халқни енгиб бўладими?!..»

Юртимиз мудофаа соҳасида жадал амалга оширилаётган туб ислохотлар миллий армиямиз қудратини янада мустаҳкамлашда ниҳоят даражада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилнинг 9 январидан имзоланган қонун билан янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси тасдиқланиши жуда улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги ҳамда суверенитетини мустаҳкамлаш долзарб вазифа сифатида аниқ ва тиниқ белгилаб қўйилган мазкур ҳужжат бир қатор ўзига хос жиҳатларга эгадир. Энг аввало, ушбу Доктринанинг очиқлигини алоҳида қайд этиш даркор. Бу ташқи сиёсатимизнинг очиқлиги ва қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, бошқа давлатлар билан ҳамкорликни юксалтиришга хизмат қилади.

Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мазкур ҳужжатни қабул қилиш орқали Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро муносабатларни юртимиз миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган асосий принципларини инобатга олган ҳолда, ўзаро наф кўриш, тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, бари низоли масалаларни тинч воситалар ҳамда музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қурилишини ҳам билдиради. Ва шунингдек, Доктринани рўёбга чиқариш республикамизнинг миллий ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилишини белгилаб беради.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бир қатор чиқишларида ҳам мамлакатимиз муҳофаа тизими ташкилий тузилмаси, ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ҳамда офицерларнинг маънавий-маърифий ҳамда руҳий тайёргарлик даражаси бугунги ҳаддан ташқари тезликда ўзгариб бораётган давр талабларидан орқароқда қолаётганлигини таъкидлаганди. Шу боисданам ўтган қисқа вақт ичида миллий армиямизни ислоҳ этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳам қабул қилиниб, Қуролли Кучлар қиёфасини тубдан ўзгартириш жараёни эса кенг миқёсда бошлаб юборилди. Бундан ўзингиз ҳам яхши хабардорсиз. Жумладан, мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хос ҳолатини, ва шунингдек, ўз минтақамизда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳам аниқ ҳисобга олган ҳолатда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг энг асосий вазифалари ва тузилмалари қайтадан кўриб чиқилди. Миллий гвардиямиз барпо этилди, армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Муҳофаа саноати бўйича ҳам давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти ҳам тубдан қайта ташкил қилинди.

Муҳофаа тизимини ҳарбий-иқтисодий таъминлаш, хусусан, Ўзбекистонда ҳарбий саноат комплексини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланишига ҳам Доктринанинг яна бир муҳим фундаментал аҳамиятга эга қирраси сифатида қараш мумкин. Ҳар қандай мустақил давлат ўз муҳофаа хавфсизлигини таъминлашда миллий иқтисодиётнинг таянч соҳасига айланган миллий муҳофаа саноатига таяниши талаб қилинишини биласиз.

Албатта, қудратли Қуролли Кучлари, фидойи фарзандлари мавжуд экан, она халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ота Юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, миллий истиқлоли, сарҳадларимиз дахлсизлигининг метиндек мустаҳкам ҳимоячиси, истиқлол истехкоми бўлмиш миллий армиямизнинг ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун зарур бўлган мислсиз ишлар ўта қисқа муддатда бекаму кўст амалга оширилганлиги бизнинг бу ишончимизга ҳар томонлама асос бўла олади.

БАШАРИЯТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ БАЁНОТИ

«Инсоният тарихидаги энг ноёб ҳужжат», «Бутун инсоният учун эркинликлар Хартияси» сифатида таърифланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан 70 йил ўтди. Бу Дунёда бошқа бирорта халқаро ҳужжат бундай юксак даражадаги баҳога сазовор бўла олмаган. Бу дунёда бундан бўлак энг кўп тилга таржима қилинган, қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга асос бўлган ва бу даражада кўп давлатлар қўшилган ҳужжат мавжуд эмас. Чунки, унда сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсоннинг, у қерда туғилгани, қайси миллатга мансублиги, қай бир тилда сўзлашиши, диний эътиқодидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқлар, эркинликларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бутун Жаҳон миқёсидаги барча томонидан ялпи эътирофнинг сабабини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мукамал концепциясини ниҳоятда замонавий ҳамда мухтасар равишда баён қилиб берган Декларациянинг асл мазмун-моҳиятидан изламоғимиз даркор.

Ушбу декларация Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинок қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Истиклол йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича 80та энг асосий ҳужжатга имзо чеккан Ота маконимиз Конституцияси мукаддимаси ҳам «Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон» қилиш билан бошланганлиги Ўзбекистонда инсон ва фуқаролар манфаатлари ва ҳуқуқлари устунлиги қонуний мустаҳкамлангани ҳамда кафолатланганлигини англатади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов қаламига мансуб стратегик аҳамиятга ҳам молик «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобидаям ҳақли равишда таъкидланганидек: «...Биз давлатимиз келажакини ўзимизнинг қобилигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни бағоят чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Ўз истикболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият

бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини...
Ўз ҳаётимизга янада кенгроқ даражада жорий қилишда кўрамиз».

Харакатлар стратегияси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасини ислоҳ этишда энг янги босқични бошлаб берди. Пировардида эса БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ўзига хос «йўл харитаси»ям яратилди. Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё Форуми ташкил этилиши Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига содиқ эканлигининг ёрқин тасдиғи, юртимизда ушбу йўналишда қўйилган энг муҳим қадамларнинг халқаро ҳамжамият томонидан сўзсиз тарзда тан олинди.

Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида мутлақо янгича сиёсий ишонч муҳити юзага келди. Чегаралар бўйича баҳсли масалалар тартибга солинди ҳамда сув ресурсларидан бирга фойдаланиш бўйича муросага келинди. Шу билан бирга Афғонистонга ушбу минтақанинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон давлати раҳбарияти болалар меҳнатидан тизимли фойдаланишни буткул йўқ қилишга эришди. Республика ҳукумати қонунларни бузган ёки алоҳида бир руҳий-ижтимоий эҳтиёжга эга ва ёрдамга муҳтож болалар сақланадиган давлат муассасаларига кириш учун ЮНИСЕФга йўл очиб берди.

2018 йилда Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг 173- аъзосига айланди. ХМТнинг ташаббуси билан муҳожирлар ҳуқуқлари эса биринчи Осиё форумининг яқунлари бўйича қабул қилинган Самарқанд декларациясига ҳам киритиб қўйилди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 5 майида имзолаган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонда ҳам бугунги кунларда давлатимизнинг «БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 10та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айлангани» айtilган.

2018 йил ноябрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича илк марта Осиё форуми ўтказилган. Президентимизнинг Форум иштирокчиларига йўллаган табригида, жумладан, шундай фикр-мулоҳазалар билдирилган эди: «Тарих шундан далолат берадики,

бутун дунёдаги барча цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги энг таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган инсонпарварлик ғоялари таъсирида вужудга келган.

Масалан, бундан 2700 йил муқаддам Осиёнинг ҳудудида яратилган энг кўхна ёдгорлик – «Авесто» китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида барпо этиш ғоялари ўта муҳим ўрин тутати, зўравонлик ва адолатсизлик эса мутлақо рад этилади.

Шунингдек, Шарқнинг жуда буюк ҳуқуқшуносларидан бири Бурҳониддин Марғинович XII асрдаёқ ўзининг «Ҳидоя» асарида табақаларга ажратмай, ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини сақлаш зарурлиги тўғрисидаги беҳад муҳим ғояни илгари сурганди.

Ана шу муқаддас қадриятлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва мазкур форум кун тартибига ҳамоҳангдир»...

...Турли-туман жонзотлардан фарқли равишда Сиз билан Биз СЎЗ воситасида мулоқот қиламиз. Одатда унчалик англамаган, ва тушунилмаган, сўз бизни янглиш, нотўғри хатти-ҳаракатларга бошлаб кетиб қолади. «Дўппи», «картошка», «пахта», «байроқ», «бешиқ» сингари сўзлар қулоғимизга чалинган чоғида барчамиз деярли бир хилдаги манзарани кўз олдимизга келтирамиз. Агар «давлат», «ҳукумат», «парламент» ва «Конституция» каби сиёсий атамаларга дуч келгудек бўлсак, аксарият кишиларнинг фикри ва мулоҳазаларида парокандалик сезила бошлайди. Бунга мутлақо эътибор қилмаслигимиз, ҳатто, ҳайрон қолмаслигимиз ҳам керак. Дунёни ҳар ким ўз ақли, тафаккури даражасида англайди ва ўз муносабатини билдиради. Шу боис ҳам, келинг яхшиси, Сизнинг тасаввурингизни бироз бойитамиз. Яъни, мақола билан танишиш чоғида ўта кўп бора дуч келадиганимиз «ДАВЛАТ»ни ҳам нафас олаётган, яшаётган ва фаолият кўрсатаётган бир жонли организм сифатида кўзимиз олдига анчагина яқинроқ келтириб кўрамиз:

Олий руҳи – давлатнинг бошлиғи.

Юраги – қонунчилик ҳокимияти.

Мияси – ижро ҳокимияти.

Қон томирлари – сиёсий партиялар.

Бўғимлари – мансабдорлар.

Хотираси – маслаҳатчилар.

*Кўзи – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар.
Нервлари – мукофот ва жазо (қонуннинг 2 қаноти).
Териси – чегараси, яъни сарҳадлари.
Нафаси – легитимлик (яъни, қонунийлик).
Тафаккури – адолат.
Виждони – қонун...*

Инсон ҳуқуқларининг давлатдаги мавқеи ва обрўси жуда кўп жиҳатдан унинг манбалари қандай талқин қилишига ҳам боғлиқ. Бугунги кунларда турли дунёқарашга эга бўлган сиёсатшунослар инсон ҳуқуқларининг таянч манбаларини турлича изоҳлайдилар. Олимларнинг баъзилари инсоннинг табиий хусусиятларида, одам зотини ушлаб тура оладиган энг асосий эҳтиёжлар – ҳаётни давом эттириш, хавфсизлик, куч ишлатиш ва ижтимоий асосланмаган чекловлардан озодлик, инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, маънавий ривожланиш сингари турли-туман қирраларда ва омилларда ўзини яққол кўрсатиб туради деб ҳисоблайдилар.

Бошқалари, улардан энг юксакларини маънавиятга мурожаат қилиш ҳуқуқи, деб биладилар. Рус файласуфи Николай Бердяев фикрича: «Инсон шахси эркинлиги жамият томонидан ҳеч берила олмайди ва ўзининг манбаи ҳамда хусусиятига кўра унга боғлиқ бўла олмайди ҳам – у маънавий мавжудот сифатидагина инсонга тааллуқли... Инсон устидан жамият ҳокимиятининг чегараларини белгилайдиган ажралмас ҳуқуқлар эса табиатнинг тарафиданмас, маънавият томонидан белгиланади. Буларнинг бари табиий ҳуқуқ ва эркинликлар эмас, балки, айнан маънавий ҳуқуқлардир, табиат ҳеч қандай ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни белгилай олмайди».

Инсон ҳуқуқлари қаторига у онадан туғилиши билан мавжуд бўладиган, одамларнинг инсоният жамиятига қўшилиб кетгунига қадар ҳолатидаги турли ҳуқуқлари йиғиндиси киради. Фуқаролик ҳуқуқлари дейилганида эса, инсон сиёсий жамиятга қўшилгандан кейинок эга бўладиган ҳуқуқлари мажмуи тушунилади. Ҳозирги замонда «Инсон ҳуқуқлари» дейилганида муайян маънавий ҳуқуқ эътироф этилади. Бунда ҳамма вақт ҳам давлатда амал қилаётган объектив ҳуқуқ билан инсоннинг маънавий ҳуқуқлари, ҳуқуқий талаблари бир-бирига айнан мос келавермайди. Улар ҳали қонун

шаклида расмийлаштирилмаган бўлса, амалда конунга нисбатан илғари сурилаётган маънавий талаблар шаклида сиёсий-ҳуқуқий майдонга ҳам чикиб келади. Қонунларга, масалан, конституцияга киритилгач эса бу ҳуқуқлар энди инсон ҳуқуқлари дейилмасдан, фуқаролик ҳуқуқлари деб юритилади. Хорижда аксарият ҳолда «инсон ҳуқуқлари» дейилган чоғда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, «фуқаролик ҳуқуқлари» атама (термин, тушунча)си орқали бўлса одатда сиёсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликлар назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ҳамда ташқи сиёсати, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ундаги қоидалар ва ҳулосалар ҳамда принциплар, тамойиллар ўз моҳияти ва мазмунига кўра мукамал даражада ишлаб чиқилган халқаро ва бутун дунёдаги инсонларга доир ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинишидан аввал бу соҳада муайян ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги меъёрлар илк маротаба Миллатлар Лигаси даражасида ўтказилган халқаро Конференцияда ва БМТ Низомининг ишлаб чиқилиши пайтида бир гуруҳ давлатлар унга инсон ҳуқуқлари масаласини ифода этувчи махсус декларацияни киритишни таклиф қилган эдилар. Бироқ, бу таклиф масала яхши ўрганиб чиқилмаганлиги туфайли ҳам муҳокамага кўйилмаганди. Уша даврда БМТ Низомига фақатгина умуминсоний ҳуқуқлар ва эркинликларни янада ривожлантириш, ҳурмат қилиш ва уларни амалга оширишда ҳеч қандай ирқий, жинсий, диний, тил бўйича алоҳида чеклашлар ёхуд камситишларнинг бўлмаслиги ҳақидаги махсус бир тартиб-қоидаларни киритишга муваффақ бўлинганди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳужжат лойиҳаси 1946 йил январиди Лондонда ўтган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида тайёрланганди. Шунинг сессияда географик тамойилга асосланган ҳолатда 8та давлат вакилларида сайланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита томонидан бу ҳужжат лойиҳаси Декларация ҳамда Конвенция шаклида тайёрланган эди. Махсус Комиссия 1948 йил 24 майдан 15 июнгача ўтган сессияда турли

давлатлар вакиллари таклифлариниям инобатга олиб, Декларация лойиҳасини жиддий равишда кўриб чиққанди. Бу бебаҳо тарихий ҳужжат муқаддимасидаёқ, «мазкур инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини барча халқлар ҳамда давлатларнинг бажаришга интилиши керак бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, токи ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти Декларацияни назарда тутган ҳолда маориф ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро (турлича) тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ҳамда ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ёппасига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур»лиги қатъий белгилаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йил 10 декабрда Парижда ўтган Бош Ассамблеясининг сессиясида қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да мустаҳкамланган барча ҳуқуқлар ва эркинликларни алоҳида тўрт гуруҳга ажратиб олиб, бафуржа тавсифлашимиз ва таърифлашимиз ҳам мумкин.

Биринчи гуруҳга элементар ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Булар: яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (3- модда); қулликдан эркин бўлиш ҳуқуқи (4- модда); кийнаш ё шафқатсиз, ғайринсоний, қадр-қимматни хўрловчи муомала қилишнинг ёки жазолашнинг тақиқланиши (5- модда); қонун олдида тенглик (7- модда); одил судловнинг процессуал қафолатларига доир қатор ҳуқуқлар (8–11- моддалар); инсоннинг шахсий, оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашувдан ҳамда кишиларнинг шаъни ва обрў-эътиборига дахл қилинишидан ҳимояланиш, турар-жойнинг дахлсизлиги, ёзипмалар сир сақланиши (12- модда)дан иборат.

Иккинчи гуруҳга эса фуқаролик ҳуқуқлари: шахснинг ҳуқуқ соҳиби эканлигининг тан олинишига бўлган ҳуқуқи (6- модда); давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар жойни эркин танлаш ҳуқуқи (13- модда); сиёсий бошпана сўраш ҳуқуқи (14- модда); фуқароликни олиш ҳуқуқи (15- модда); никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқи (16- модда); мулкка эга бўлиш ҳуқуқи (17- модда) ва бошқалар киради. Фуқаролик (шахс) ҳуқуқлари – инсоннинг ўз асосига кўра табиий, таянч, ажралмас ҳуқуқларидир. Фуқаролик

хуқуқлари ҳаёт ва эркинликка бўлган табиий ҳуқуқлардан келиб чиқади ва индивидуал мустақиллик ва эркинликни кафолатлашга, инсонни ҳокимият ва бошқа одамлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли-туман қонунсиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу ҳуқуқлар инсонга ўз индивидуаллигини сақлаш, бошқа шахслар ва давлат билан муносабатларда чинакам ўзлигини сақлаб қолишнинг имкониятларини яратиб бера олади.

Учинчи гуруҳ сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар: фикрлаш, виждон, дин эркинлиги (18- модда); эътиқод ва уни эркин ифода этиш ҳуқуқи (19- модда); тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги (20- модда) ҳамда мамлакатни бошқаришда иштирок эта олиш ҳуқуқи (21- модда) ва бошқалардан иборат.

Тўртинчи гуруҳга бўлса иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, яъни, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг равишда ҳақ олиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва муайян ҳаётий даражага бўлган ҳуқуқ ва илм олиш ҳуқуқи (22 – 27- моддалар) киради.

Иқтисодий ҳуқуқлар орасида хусусий мулк ҳуқуқи алоҳида ўрин тутаети. Барча мамлакатлар тажрибаси ҳамда тарихи шундан яққол далолатни берадики, хусусий мулкни тақиқлаш инсон учун ғайритабиийдир. У ихтиёрий равишдаги ташаббускор меҳнатга интилиш хусусиятини йўқотиб қўяди, бунинг натижасида бўлса оммавий хўжалик масъулиятсизлиги ва ижтимоий боқимандалик келиб чиқади, жамиятнинг тўлалигича ғайриинсонийлашувига ва шахс маънавиятининг емирилиши жараёни бошланишига олиб келаети. Хусусий мулк ҳуқуқи йўқлиги эса кўпчилик фуқароларни камбағаллик ва қашшоқликка маҳкум этади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий беқарорликка сабаб бўлишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Айни пайтда эса, тарихнинг минглаб йиллик тажрибаси хусусий мулк ҳуқуқини ҳам бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар сингари маълум бир даражада чеклаш зарурлигидан ҳам гувоҳлик беради. Ҳозирги даврда қатор Ғарб давлатлари қонунчилигида хусусий мулкнинг йўл қўйиладиган чегаралари белгилаб қўйилган, ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш кераклиги кўрсатилган.

Маданий ҳуқуқлар инсоннинг маънавий-маданий жиҳатдан ривожланиши, тараққиётини кафолатлашга йўналтирилган. Улар

эса ўз ичига маданий қадриятлардан фойдаланиш, бадиий ҳамда техник ижод, таълим олиш, ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи ва бошқа бир қатор беҳад даражадаги ўта муҳим ҳуқуқларни қамраб олади.

Инсоннинг энг устувор ҳамда муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Жудаям мураккаб, мўрт ва таҳликали XXI асрнинг дунёсида, ўзингиз ҳам ҳар куни яккол гувоҳ бўлиб турганингиздек, жаҳондаги ўнлаб давлатлар ўзлари фуқароларига мана шу ҳуқуқни ҳам таъмин этиб беролмаяптилар. Дунёдаги ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асосий бурчларидан бири эса ана шу яшаш ҳуқуқини барча қонуний воситалар билан қафолатлаб, таъминлаб беришдан иборат. Бу дегани бўлса, фақатгина давлат ташкилотларигина бизнинг яшаш ҳуқуқимизни тўла таъминлаб бериши даркор, дегани эмас-да. Донишманд халқимизнинг минг йиллар синовидан ғолибона тарзда, қаддини баланд кўтариб ўтиб келаётган «Ўзини асрагани Аллоҳ асрайди» деган нақли сираям ёдимиздан кўтарилмаслиги шарт. Айтайлик, ёзнинг ўта жазирама кунларининг бирида яланғобш бўлиб юрган бирон-бир кишини офтоб уриб қўйгудек бўлса, Она замин бағрига одамларни яхши-ёмонга ажратмасдан заррин нурларини сочиб турган бобокалон куёшни, кимдир инсон ҳаёти учун роса керакли сузиш илмидан мутлақо беҳабарлиги туфайли сув қаърига ғарқ бўлиб кетганлиги сабабли ҳайқириб оқаётган ва инсониятга об-ҳаёт олиб келаётган жўшқин дарёни башариятга қарши жиноят қилганликда айблаб, уларнинг устидан эса шикоятни кимгадир ёздириб олиб, адвокат ҳузурига «оёқни қўлга олиб, роса ҳаллослаб, тилни осилтириб» югуриб бориб, унинг ҳуқуқий жиҳатдан кўмагига таянган ҳолда, суд ҳокимиятига мурожаат қилиб бўлмайди-да. Мана шу ўринда ҳам фақатгина «Бошингга не бало келса, бировданмас ўзингдан кўр», деган пурмаёно ҳикматни эсимиздан чиқармасак бўлгани...

Тинч яшаш ҳуқуқини амалга ошириш – давлат ва жамиятни янада демократлаштириш жараёнининг жуда муҳим шартларидан биридир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам айнан мана шу ҳуқуқни қафолатлаш ва уни чинакамига амалга ошириш билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, ҳақиқий демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқаролари ор-

номуси ва кадр-қиммати, улар ҳаёти ва эркинликларини ишончли равишда муҳофазалашга тўла-тўқис тарзда қодир бўлмоғи шарт.

Мавжуд ҳокимиятни зўравонлик йўли билан ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, Республикамиз мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, халқимизнинг демократик эркинликларига ҳамда маънавий асосларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмаларининг бузғунчиликлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари қонундан ташқаридир. Яъни, қонундан ташқари юритган палидона, бузғунчилик фаолиятлари туфайли, табиий равишда, аввалроқ уларга давлат томонидан ато этилган турли-туман ҳуқуқлар ва эркинликлардан ҳам маҳрум бўладилар.

Шу ўринда эса ҳуқуқ ва бурчнинг бирлигини назарда тутган ҳолда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 26- ва 29- моддаларини сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этишни ҳам мақсадга мувофиқдир, деб ҳисобладик. 26- моддага биноан:

«1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ҳамда умумий таълим текин бўлмоғи зарурдир. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши даркор. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда энг асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи зарур. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстлик жараёнига хизмат қилиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши даркор.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар».

Декларациянинг 29- моддасига кўра:

«1. Ҳар бир инсон жамиятнинг олдидан бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланиш жараёнида ўзгаларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини демократик

жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби ҳамда умум фаровонлигининг одилона тартибларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ва принципларига асло зид бўлмаслиги даркор».

Инсон ҳуқуқлари фақатгина улар одамларнинг бурчлари ва масъулияти, мажбуриятлари билан узвий боғланган тақдирдагина воқеликка ҳам айланади. Демократик давлатларда фуқароларнинг мажбуриятларига одатда қонунларга риоя қилиш, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш, солиқлар тўлаш, милиция (ички ишлар органлари) кўрсатмаларига амал қилиш, табиатни ва атроф-муҳитни, маданият ёдгорликлари ҳамда бошқаларни ҳимоя қилиш каби талаблар киради. Айрим бир мамлакатларда давлат органларига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳамда юрт ҳимояси ниҳоятда муҳим мажбуриятлар жумласига киритилган.

Баъзи мамлакатлар (Япония, Италия, Гватемала, Эквадор ва бошқалар) конституцияларида эса меҳнат қилиш, бола тарбиялаш (Италия), ўзининг саломатлиги тўғрисида ўзи ғамхўрлик қилиши, яъни хасталикка йўлиқиб қолган чоғларида даволаниш мақсадида ўз вақтида мурожаат қилиш (Уругвай) сингари мажбуриятлари белгилаб қўйилганлигини ҳам алоҳида қайд этишимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқларининг бутун бир мажмуасини амалда рўёбга чиқариш ўта мураккаб ва кенг қамровли вазифа бўлиб, унинг қай даражада бажарилиши алоҳида мамлакатларнинг ҳам, инсоният цивилизациясининг ўзига хос тарздаги ривожланиш даражасини ва инсонпарварлигини бевосита характерлайди. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларининг сақланиши ва янада бойроқ мазмун билан тўлдирилиши ички ва ташқи сиёсатнинг инсонийлиги ва инсоний ўлчовларнинг ўта муҳим мезонлари, ўлчовлари сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш орқали алоҳида давлатларда, ва умуман, дунёда инсоннинг олий кадрият эканлиги легитим, яъни қонуний воситалар билан тасдиқланади. Алоҳида бир мамлакат доирасида уларга риоя қилиниши соғлом иктисодий-ижтимоий тараққиётнинг, сиёсатда бўлса соғлом фикр

таътанасининг, айрим бир халқлар устида ҳалокатли тоталитар ва бошқа ёвуз ниятли тажрибаларни ўтказишни, тажовузкор ички ва ташқи сиёсатнинг олдини олишнинг ниҳоятда зарур шартидир.

Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат нималарда кўринади? Бу саволга, биринчи навбатда, мурожаатларга бўлган муносабатда, деб жавоб бериш мумкин ва жоиз. Чунки, ҳуқуқи ва манфаати ҳимоя қилинишида асосий талабгор айнан фуқаронинг ўзидир. Фуқаро бунга қандай қилиб амалга ошира олади? Албатта, тақлиф, тавсия, ариза, шикоят, мурожаатларнинг... воситасида.

1789 йилдаёқ Францияда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси муқаддимасидаёқ, «Инсон ҳуқуқларини мутлақо билмаслик, унутиш ҳамда ҳурмат қилмаслик ижтимоий бахтсизликнинг ягона сабаби» сифатида изоҳланган эди. Ҳозирги замон фани эса у даражада қатъий фикрни билдирмай, ижтимоий фалокатларнинг бошқа турли-туман сабабларини ҳам тан олиши, эътироф этишига қарамай, барибир инсон ҳуқуқ-эркинликларини ҳурмат қилиш жараёнини ҳар қандай жамиятдаги барқарорлик ва фаровонликнинг ниҳоятда муҳим шартидир, деб ҳисоблайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида амалга оширилаётган фаолиятларнинг ҳар хил йўналишлари белгиланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқлар мажбурий характерга эга бўлган барча халқаро ҳужжатлар учун ўзига хос фалсафий асос сифатида хизмат қилади. Ўзи эгаллаган мавқеи ва аҳамияти жиҳатидан эса ушбу Декларация БМТнинг фаолиятида Ташкилотнинг Низомидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Инсон ҳуқуқларига оид бўлган жаҳон андозалари (талаблар) бу Декларациядан ташқари 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда унга кўшимча Факультатив Протокол ҳамда ўзга халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мажбурий халқаро норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча ғоя ва принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятига сингдириб юборилган. Уларни таққослаб ва синчиклаб ўқиган ва уққан ҳар бир киши ўзи бунга амин бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб боришига мутаносиб равишда инсон ҳуқуқларини таъминловчи ташкилий тузилмалар ва ўзга бир махсус институтлар ҳам қарор топмоқда. Масалан, 1995 йил 23 февралда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили лавозими таъсис этилган ҳамда машҳур олима ва жамоат арбоби Сайёра Рашидова шу вазифага сайланган эди. 1996 йил 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида Қонун қабул қилинди. 1996 йил 31 октябрда Президент фармони билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташкил этилди. Ушбу Марказга таниқли ҳуқуқшунос олим, профессор ва Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Акмал Саидов раҳбарлик қилаётганини ҳам биласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 10 декабрда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғриси»ги қарорига кўра, «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминловчи давлат органи ҳисобланади»...

1996 йил 3 декабрда бўлса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги Мониторинги институти» ташкил этилган. Бу институт қонунларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги қоида ва нормалари халқаро талаблар (стандартлар) даражасида бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур институтларнинг жуда фаол ва самарали равишда ишлаши Ота юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини имкониятлар даражасида собитқадамлик билан таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкиланганидек, «Илгари Бош прокуратура, суд ва бошқа органлар вакилларининг вилоят

ва туманларга боришга вақтлари ҳам йўқ эди. Улар Тошкентда ўтирволиб иш кўрар эдилар. Шунинг учун ҳаётдан ва одамларни қийнаётган муаммолардан узоқлашиб кетган эди.

Бу борада яна бир ўта муҳим ҳужжат – «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Бу Қонунда **фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш** имконияти ҳам янада оширилди. Энди бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади.

Нима сабабдан бундай қоида жорий этилди. Одамлар сўраб борса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта ҳужжатни унга бермайди. Бунга – катталар рухсат бермайди, деб баҳона қилади. Энди бундай «ўйин»лар кетмайди. Нега дейилганида эндиликда Президентдан бошлаб энг қуйи бўғинлардаги раҳбарларгача халқ хизматида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ҳам такомиллаштириб бориш эътиборимизнинг марказида бўлди.

Конституциямизда ҳам муҳрлаб кўйилган **«Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»** ҳамда **«Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида»** деган ҳуқуқий нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди»...

2018 йилнинг 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасини навбатдаги мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот эшитилган эди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада тезроқ ислоҳ қилиш 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳам устувор йўналишларидан бири ҳисобланишидан бўлса ўзингиз жуда яхши бохабарсиз. 2017 йилдаги бу соҳага доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнини ҳам таҳлил этиш шундан далолат

берадики, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга сўзда эмас, балки амалда ҳам эътибор берилмоқда, шу жумладан, бу соҳага суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ислоҳ қилиш йўли билан алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳадаги илғор ғоялар амалда ҳам рўёбга чиқаётганини деярли барча одамлар ўзларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятида реал равишда ҳис қилиб, кўриб ва билиб улгурдилар. Масалан, фақат 2017 йилнинг ўзида судлар томонидан 228 шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ҳолбуки, ўтган беш йил мобайнида бор-йўғи 5 шахс оқланганди. Дастлабки тергов органлари томонидан эса 3,8 мингта жиноят иши тугатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) У. Н. Муҳаммадиевнинг ахборотига кўра, биргина 2017 йилнинг ўзида Омбудсман идорасига 9074та мурожаат келиб тушган, шундан 1774таси эса шахсий қабуллар ҳамда шахсий сафарлар чоғида тушган. Уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича эса ваколатли органлар томонидан 25та жиноят иши, 27та маъмурий ва 44та интизомий иш қўзғатилган эди. Ички ишлар органларининг 24 ходими, ижтимоий ҳамда ўзга бир соҳаларнинг эса 35та ходими жавобгарликка тортилган. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 24та қарор бекор қилинган, судларга 10та протест ва даъво киритилган. 34 фуқаро ишга жойлаштирилган ҳамда ўз ишига қайтадан тикланган, 53 оилага турли хил моддий ёрдам, 39 фуқарога эса тиббий ёрдам кўрсатилган. Давлат даромадига 2319 миллион сўм, айнан мурожаат қилувчиларнинг фойдасига бўлса 263 миллион сўм маблағ ундирилган эди...

2018 йил бўйича дунёдаги инсон ҳуқуқлари ҳолатига доир йиллик маърузада (2019 йил 13 март куни чоп этилган) АҚШнинг Давлат департаменти Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволи сезиларли даражада яхшиланганини эътироф этган. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ахборотига биноан, йиллик маърузада коррупцияга қарши курашнинг самарадорлиги, кийноқлардан ҳамда бошқа муомала ва жазонинг ноинсоний ёки инсон шаънини камситувчи турларидан фойдаланишга имконият бермаслик бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар қабул қилингани

ва шунингдек, бундай жиноят учун масъулият кучайтирилгани алоҳида таъкидланганди («Халқ сўзи», 2019 йилнинг 19 марти).

Инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масаласи узоқ давом этадиган ва ниҳоятда мураккаб бир жараён ҳисобланади. У соф ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий муаммоларнинг доирасига осонгина сиғиб кетавермайди-да. Бозор муносабатлари беҳад чуқур илдизини отган ва умумжаҳон цивилизацияси билан ҳар томонлама интеграциялашган, иктисодий жиҳатдан бақувват, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятигина инсон эркини, ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши, уларга муносиб турмуш шарт-шароитлариниям яратиб бериши мумкин. Миллий Истиқлолига эришганлигига эса бор-йўғи 28 йил бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳам қонунлар йўли билан, ҳам амалда, ҳуқуқшуносларнинг илмий, расмий тили билан ифодаланганида де-юре ва де-факто мана шу жуда юксак марра сари интилмоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Зайд Раад ал-Хусайн бошчилигидаги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегациясининг 2017 йил 10 – 12 майда мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтарганлиги билан беҳад улкан аҳамият касб этди. Ташриф давомида Олий комиссар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни ғоятда юқори баҳолаб, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг доирасида амалга оширилаётган ғоятда кенг кўламли ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирган. 2017 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг парламенти томонидан 90дан зиёд тadbирлардан иборат ҳаракатлар режаси қабул қилингани бўлса мамлакатимиз ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги амалий ҳамда очиқ мулоқотларни янада кенгайтиришга ҳамда мустаҳкамлашга янги суръат бахш этди...

2018 йилнинг май ойида бўлса 1961 йили Буюк Британияда ташкил этилган, «Amnesty International» халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг делегацияси Ўзбекистон Республикасига келиб, бизда амалга оширилаётган бу борадаги ишлар билан ҳам батафсил танишганди. Масаланинг қувонарли жиҳати бўлса мана

шундаки, мазкур халқаро нодавлат институтининг Ўзбекистонга қизиқишининг ортиши ҳамда давлатимиз билан ҳамкорлигининг янгиланишига туртки бўлган асосий омил юртимизда бошланган кенг қўламли, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз таркибига қамраб олган жадал ислохотлар жараёни ҳисобланади.

Хусусан, 2018 йил февралда «Amnesty International» эълон қилган 2017 йилда дунё давлатларида инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ҳақидаги маърузада Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистон Республикасида «фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида ижобий ўзгаришлар юз берганлиги» эътироф этилган эди.

Бу ташкилот Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларнинг фаолияти ва сўз эркинлигига доир чекловларни бартараф қилиш ҳамда жиноий ишлар бўйича суд тизимини эса такомиллаштириш бўйича қарорларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаган. «Amnesty International»нинг Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё бўйича директори Мари Стразерс юртимизда бўлган чоғида шундай деганди: «Биз Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамжамяти билан мулоқотларга тайёрлигини юқори баҳолаймиз ва инсон ҳуқуқларининг ҳали-ҳамон хавотирни уйғотаётган масалаларини муҳокама қилишдан ниҳоят даражада хурсандмиз» («Халқ сўзи», 2018 йил, 24 май).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2018 йил майида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузасини ҳам жиддий кўриб чиқиш яқунлари бўйича ўзининг 200дан ортиқроқ турли-туман тавсияларини берган эди.

Шуниям алоҳида қайд этишимиз даркорки, Учинчи миллий маъруза асосий натижалари Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг АҚШга биринчи бора расмий ташрифи давомида икки маротаба, даставвал, Миллий матбуот клубида, ундан кейин эса етакчи ақл маркази ҳисобланмиш – «Atlantik Council» таҳлил марказидаги учрашувда жаҳон ҳамжамяти эътиборига тақдим қилинган эди.

Ўзбекистон делегацияси халқаро ҳамжамят эътиборига эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни яхшилаш, жумладан ана шу йўналишдаги қатор халқаро мажбуриятларини, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аввал берган айрим

тавсияларини бажариш доирасида саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилганди. БМТ аъзолари Ўзбекистоннинг инсоннинг ҳуқуқлари соҳасидаги самарали саъй-ҳаракатлари ва муваффақиятлари, конституциявий, институционал ва маъмурий ислохотларнинг ҳамда мамлакатимизнинг очиклиги, конструктив мулоқотга тайёрлигини ғоятда юқори баҳолади. БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер юртимизни ўта яхши биладиган инсон сифатида шундай ижобий фикр-мулоҳазаларини билдирган: «Охириги пайтда Ўзбекистонда муҳим тарихий қарорлар қабул қилинди. Женевада Ўзбекистонга билдирилган тавсиялар инсон ҳуқуқларини, жумладан, аёллар, болалар ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг барча жабҳаларини ўзининг таркибига қамраб олган эди. Женева сессиясининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги ниҳоятда кенг нишонланаётган бир вақтда ўтганлиги эса алоҳида аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини кенгайтириш ҳамда уни янада мустаҳкамлашга қаратилган махсус Тадбирлар дастури ҳам қабул қилинган. Биз 2017 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг тавсияларини амалга ошириш «йўл харитаси»ни ҳам ишлаб чиққанмиз. Парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга жуда қатъий равишда аҳд қилганидан яққол далолат беради. Ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури бу борада ҳар томонлама кўмак кўрсатишга ҳар доим тайёрдир.

Женевадаги брифинг доирасида БМТ Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ўртасида Ўзбекистонда БМТ Низомини ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳа имзоланди («Халқ сўзи», 2018 йил, 24 май).

Қадимги дунёнинг ўта машҳур файласуфи Эпиктет фикрича, «Бирон-бир ишни тўғри ҳамда яхши бажариш учун, аввало, уни бажариш йўлларини ҳам билмоқ зарур. Буни ҳар бир киши яхши тушунади. Тўғри, яхши яшаш учун эса бор-йўғи, эркин яшашни

билиш ва уни ишаш (хоҳлаш) ҳам керак, холос». Демак, ҳеч ким ҳеч қачон жамиятда ўзини якка-ёлғиз ҳолдаман, мен бечораман, дарбадарман, ёруғ оламда танҳо, ёлғиз, таянч ва суянчсиз қолиб кетганман, менинг ҳеч қандай ҳимоячим, ғамхўрим ҳам қолмаган, деб асло ўйламаслиги, ҳаттоки бунини ўзига тасаввур қилмаслиги даркор. Акс ҳолда худди шундай кутилмаган ҳолат содир бўлади.

Ҳар қандай шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳуқуқлари поймол қилиниши, бошқалар эркинликлари бузилиши ҳисобига амалга ошириб олиши бўлса, амалда адолатсизликнинг яққол нишонасидир. Чунки, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ўзгалар, давлат ҳамда жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда амалга оширадиган бўлса, ҳар қандай жамиятда ҳақиқий бошбошдоқлик, бебошлик, тўс-тўполонлар ва анархия бошланиб кетади. Конституция эса ярамас, аблаҳ ва палид одамларнинг ҳам яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга (яъни, наркотиклар ноқонуний савдоси билан шуғулланиб, кимларнингдир Алпомиш келбатли ёлғиз ўғлини ғирт гиёҳвандга айлантирган, кимнингдир якка-ю ягона, гулдек қизининг номусига тегиб, шармисор қилган, ҳатто ўз болаларининг онасини, яъни ўз хотинини уриб ўлдирган кимсалар, агарда суднинг адолатли ҳукмига биноан жуда тезлик билан жамиятдан ажратиб қўйилмаса, жабрланган инсонларнинг қариндош-уруғлари, энг яқин кишилари томонидан жиноятчидан қасд-қасос олиш мақсадида унинг бирон-бир аъзосини синдириб ёки унинг ўлдириб ташланишига йўл қўймаслик мақсадида), ким бўлиши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда динидан қатъи назар, барча кишиларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширилишини ўз ҳолига сираям ташлаб қўймасдан, бу ниҳоятда нозик жараённи ҳам қонуний равишда тартибга солиб беради.

«Номус ҳамини ғамгиндир». Улуғ Гётенинг мана шу гапини эслаганда ҳар қандай номусли инсоннинг юраги зирқираб кетади. Номус дейилган чоғда, аввало, одамнинг кўз ўнгига онаси, қизи, синглиси, ёри келади. Мана шу тасаввурнинг ўзиёқ ушбу туйғуга илк ички шарҳни беради. Демак, ҳаётдан ҳам қимматли, жондан ҳам азизроқ юксак туйғу бу! Номус билан очликни ҳам, энг оғир машаққатларни ҳам, ҳаттоки ўлимни ҳам енгиб, унинг устидан

бемалол ғалаба козониш мумкин. Аммо, номуссизлик билан одам ҳеч бир нарсага сира ҳам чидай олмайди, ҳаттоки тўқликка ҳам.

Ҳаётни жуда кўп кузатган доно инсонлар «Ҳайвон ҳеч қачон ўз жуфтини хўрламайди, бу фақат одамларга хос иш», дейдилар. Лекин, зиддиятни қарангки, ўз умр йўлдошини ҳақорат қилган, уриб-сўкиб яшаётган уйдан катта кўчага ҳайдаб юборган, унга турли хил йўллар билан тазйиқ ўтказган кимсанинг қилмишидан қаҳрлансак, «Ҳайвондан ҳам баттар экан-ку», деймиз. Бу гапимиз жониворларга нисбатан ғирт тухмат, бўҳтон эканлиги ҳақида эса унчалик бош қотириб ҳам ўтирмаймиз. Агар ноқонуний тарзда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиб ўнлаб ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар бевақт ўлимига сабабчи бўлган кимсаларни «Итга ўхшаган», десак, ўша вафодор итимиз бизга қарата «Ўзим туни билан ухламай, хотиржамлигингни қўриқлаб чиқсам, эвазига боланг ғажиб ташлаган бир суюкни раво кўрсанг. Мени ўша палидга ўхшатяпсанми?» дея иддао қилган бўлар эди. Мабодо, кимнингдир, жамиятнинг чинакам юраги бўлмиш, гўзал гулдек оиласини пароканда қилиб, мурғак болаларни етимликка маҳкум этган бирор суюқоёқни «Мочахар, мегажин, манжалақи» дея баҳолагудек бўлсак, моллардан ортиб қолган нишхўрд билан қорнини бир амаллаб тўйғизувчи эшак ҳамда куни ювинди, озиқ-овқат чиқиндиларига қолиб кетган чўчқа, тўнғизлар ва уларнинг «қизлари» биздан роса хафа бўлсалар керак. Парадоксни қарангки, Конституциямиз ва қонунларимиз мана шундай кимсаларнинг химоясини ҳам таъминлаб ва кафолатлаб бермоқда. Айрим бир кимсалар ўзларича орзу қилаётган халифалик замони бўлганида, юқорида номлари ва хунарлари тилга, аниқроғи, қоғозга олинган палидлар аллақачонлар, аввал баланд дорга осилиб ё оломоннинг тошбўронига учраб, сўнгра эса каро ернинг қаърига кириб кетган бўлар эдилар. Яъни, ҳозирги замонда Сиз ва Бизнинг орамизда гердаиб юрмаган, энг азиз, муқаддас истиклолнинг буюк, тотли неъматларидан биздек росаям баҳраманд бўлмаган бўлардилар.

Эрк ҳамда ҳуқуқлар кафолати бўлмиш Конституциямизнинг 31- моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни

мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деган ниҳоятда муҳим қоида олий мақомда белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма ўзининг батафсил қонуний ифодасини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида топган. Қонуннинг 3- моддасида эса юқорида алоҳида қайд этилган конституциявий қоида батафсил мустақамланган бўлиб, унга биноан, «Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш... қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди», дея белгилаб қўйилган. Қоидаларнинг маъно-мазмунини айтиш шундан иборатки, бирон-бир динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳар бир одамнинг ўз виждонига ҳаволадир. Бу масалага ҳеч кимнинг аралашини ёки ташқаридан, турли-туман баҳоналар ва сабабларни рўқач қилган ҳолда, тазйиқ ўтказиши ҳамда зўравонлик қилиши мумкин эмас.

Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоизки, юқорида қайд этилган ҳуқуқий нормалардан ота-онанинг ўз фарзандлари қайси эътиқодга мойил, нималарга сиғиняпти, турли хил зарарли, улуг аждодларимиз эътиқод қилиб келган тўғри йўлга мутлақо зид бўлган экстремистик оқимларга кириб кетмаяптими, қанақа кимсалар ортидан эргашиб юрибди, деган масалаларда мутлақо жавобгарлиги ҳам, масъулияти ҳам мавжуд эмасдир, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, ота-оналар ўз фарзандларининг тўғри йўлга киришларига, диндор бўладиган бўлса, тўғри, инсонларни қўли ҳамда тили билан ўзга кишиларга озор бермаслик, эзгуликка даъват этадиган динга сиғинишларига тўла-тўқис масъулдирлар. Диний мугаассиблик, халқаро микёсда экстремизм, терроризм ва акидапарастликнинг ҳаддан ташқари ашаддийлашуви жараёни бу масалани янада кескин равишда кун тартибига қўйганини ҳар қуни телевизор кўриш, радиони тинглаш, газета-журналлар ўқиш ва интернет ичига кириш жараёнида ўзингиз ҳам англаб олгансиз.

Конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳар бир шахс ва Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун тааллуқли. Фуқаролик – бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ҳамда доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади. Бундай алоқалар инсон ва фуқаролар кадр-қиммати, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурматлашга асосланади. Асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам шундаки, улар ҳеч бир истисносиз ҳар бир киши ёки фуқаро учун тенг ва бирдир. Давлат у ёки бу асосий ҳуқуқни тан олишида уларни ҳамма томонидан амалга ошириш имкониятининг ҳуқуқий заминини яратади. Айни шу сабабдан ҳам Ислоҳ Каримовнинг қаламига мансуб «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида шундай ғоя илгари сурилган эди: «...юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталик сўраб дуо қиламиз... Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқи ҳисобланади. Давлат ва жамиятнинг асосий бурчи мана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборатдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнининг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам, энг биринчи галда, ана шу мезон билан ўлчанади».

Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлиши асосларидан бирмунча фарқ қилади. Бу жараёнда бўлса ягона асос шахс фуқаролигининг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Эркинликлар ҳуқуқнинг субъекти бўлган ҳар қандай фуқароларга тегишли бўлган ҳуқуқий лаёқатни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ эмас, балки асосий ҳуқуқ ҳамда бурчлар ҳар бир шахснинг давлат билан, унинг фуқароси сифатидаги ҳуқуқий мақоми билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари халқаро ҳуқуқ томонидан ҳам эътироф этилган умумий тамойилларга асосланади. Айни шу ўринда «эркинлик», «ҳуқуқ», «бурч» атамаларига, уларни турлича талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида, кичикроқ бир изоҳ бериш зарурияти туғилади...

Бу ёруғ оламда ҳар биримиз доим эркин бўлиши хоҳлаймиз, ўзимиз хоҳлаганча яшашни, юришни истаймиз. Эркинлик дегани бўлса бошқа кишиларга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сира ҳалақит бермайдиган ва зарар келтирмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қила олиш демакдир. Бошқачасига ифодалаганимизда, эркинлик – англаб олинган заруратдир. Англаш деганимиз бўлса бевосита «онг» (яъни, онглаш) деган тушунча билан ҳам боғлиқ. Инсоннинг ўзини ҳайвонот дунёсидан ажратиб тургувчи асосий хусусият ҳам онг, яъни англаб етиш ҳисобланади. Мавриди келиб қолганлиги сабабли аввал одам онгининг ривожидан атроф-муҳит роли билан боғлиқ айрим бир фикр-мулоҳазаларимизни баён этиб олсак-да, ундан кейин яна эркинлик масаласи таҳлилига қайтсак, унчалик қаршилик қилмасангиз, кўнсангиз керак, деб ўйлаймиз.

Одам онгининг ривожланишига у кун кечираётган, яшаётган атроф-муҳитнинг анчагина таъсири мавжуд. Швейцариялик буюк психотерапевт олим Карл Густав онгнинг ушбу ҳолатини «жамоа онгсизлиги» деб атаган эди. Бу фикрни қуйидагича изоҳлаш ҳам мумкин: тасаввур қилинг: иккита аквариумда балиқчалар сузиб юрибди. Биринчи аквариум роса тоза, суви тиник, ичида чиройли балиқлар сузиб юрибди. Ушбу аквариумда сув ости ўсимликлари гуркираб ўсяпти. Иккинчи аквариумда эса бунинг мутлақо акси. Аквариумнинг суви жуда лойқа, ўсимликларам умуман ўсмайди. Балиқлар эса кичкина, кўримсиздир. Энди биринчи аквариумдан чиройли битта балиқни олиб, иккинчи лойқа сувли аквариумга солиб қўйинг. Бу балиққа нима бўлади, деб ўйлайсиз? Унга мана шу аквариумдаги муҳит салбий таъсир қила бошлайди. Чунки, у лойқа сувга ўрганмаган. Шу сабабдан ҳам ўша гўзал балиқчанинг чиройи аста-секин кета бошлайди. У кун ўтган сайин хунуклаша боради. Орадан кўп вақт ўтмай соғлиги ҳам заифлаша бошлайди. У бунақа муҳитда нобуд бўлиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Балиқ бу аквариумдаги муҳитни ўзгартира олмайди. Аксинча, аквариум ўз муҳити билан ўзга муҳитдан келган шу балиққа таъсир қилади.

Агар иккинчи аквариумдаги хунук балиқчани биринчисига солиб қўйсак-чи? Бу балиқ учун яхши ва қулай муҳит яратилган бўлади. Бу ердаги муҳит балиққа ижобий таъсир қилади. Худди шунга ўхшаб одамларга ҳам атроф-муҳит ўз таъсирини ўтказди.

Вайроналар ичида ўсган боланинг онгига ўша вайрона муҳит ўз таъсирини ўтказди. У ўта ҳашаматли саройга келган чоғида ҳам анча вақтга қадар вайронанинг таъсиридан асло қутила олмайди. Чунки, унинг онги ўша вайрона ҳаётга ўрганиб қолган. Ҳаттоки у саройни ҳам вайронага айлантириши мумкин. Ёки бўлмаса, бутун умр бўйи етишмовчилик, камбағаллик, қашшоқликда кун кўрган одамнинг онгига фақат пулсизлик, етишмовчилик муҳити таъсир қилиб келган. Психологларнинг фикрича, агар у лотереяга катта пул ютиб олса, у шу пулни соғуришга ҳаракат қилар экан. Чунки, унинг онгига катта пуллар сиғмас экан. Натижада, унинг онги шу пулларни сиқиб чиқараркан. Агар у бойимокчи бўлса, секин-аста ўз меҳнати орқасидан поғонама-поғона қадам босиб, пул топишга ўрганиши керак экан. Аввалига озгина пул, кейин эса уни сал-пал кўпайтириб, охири катта пулларга қўли ва кўзлари ўрганганидан кейингина бойиб кетиши ҳам мумкин экан. Чунки, унинг онгига камбағаллик муҳити таъсир қилиб бўлган экан. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз тарбиясида жудаям эҳтиёткор бўлишимиз талаб этилади. Болаларимиз ким билан ўйнапти, бировларга бўйсуниб юрибдими ёхуд бошқаларни бошқаряптими, ўртоқлари ўзи ким, қандай оиладан чиққан – ҳаммасини назорат қилиб туриш зарур. Карл Юнгнинг фикрича, одам ўзи ёлғиз яшаб, бошқаларга асло қўшилмаса-да, унга яшаб турган ҳудудидаги одамларнинг фикри, ҳаракати, туриш-турмуши – ҳаммаси таъсир қилар экан. Бу худди организмда хужайралар яшашига ўхшайдиган бирор нарса. Одам организмдаги хужайра ўз қобиғи билан бошқаларидан ажралиб туради. Хужайранинг ана шу қобиғи унинг бошқа элементларга қўшилиб кетмаслигини таъминлаб беради. Лекин, хужайра мана шу организм билан яшайди. Организмнинг бирон-бир аъзосида касаллик ёхуд ўзгариш бўлса, бу хужайрага ҳам таъсир қилади. Қарангки, ўша хужайра ҳаётида ҳам мутлақ эркинлик йўқ экан.

Эркинлик одамнинг ўзидаги беҳисоб истаклар, хоҳишларни жиловлаб туриш натижасида эришиладиган бағоят олий неъмат ҳисобланади. Эркинлик – ақл-заковатли, доно инсонлар етишиши мумкин бўлган бир руҳий ҳолат. Қолганлар учун эса у номаълум ва сираям етиб бўлмас манзил ҳисобланади. Яшаш ва эркинликка ҳар бир дақиқа, ҳар бир кун яшаш ва эркинлик учун бетиним

курашувчи одамларгина лойиқдир. Эркин одамларгина ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад ўйлик қилмайди. Эркин одамларгина буюкликни ва юксакликни сидқидилдан тан олади, уларнинг мавжудлигидан ўта қувонади ва юқори даражага эришган кишилар – инсонларга ҳасад билан эмас, аксинча ҳавас билан қараб, улар фаолиятдан доимо ибратни олади. Эркинлик ва зарурият, ҳуқуқ ва бурч ҳар доим биргаликда мавжуд бўлади. Масалан, ариқдаги сув эркин оқади. Лекин, у ўзи оқаётган ўзандан чиқиб кетмаслик зарурияти, мажбуриятига бўйсунди. Шунга кўра, айтишимизам мумкинки, барча ихтиёрий, эркин деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар аслида ўта зарурий ҳамда мажбурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлади. Эркинлик деган тушунча ҳар бир шахснинг мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан турли-туман таъсир кўрсатилишидан муҳофаза этилиши (виждон, динга эътиқод қилиш, фикр юритиш эркинлиги, бадий, илмий, техник ва бошқа ижод турларининг эркинлиги кабилар) билан маълум даражада боғлиқдир. Демак, эркинлик – инсоннинг объектив заруриятни англаши, ўз асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир. Эркинлик бу – қонунлар йўл қўядиган ҳамма нарсаларни қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар томонидан тақиқланган нарсаларни ва хатти-ҳаракатларни қила олганида эди, унда унинг эркинликлари ҳам бўлмас эди, чунки, мана шу нарсаларни бошқа фуқаролар ҳам қилган бўлардилар. Фуқаро жамоада ўзига монанд нуқтаи назар, фаолиятлар оғушида эркинлик ҳис этади. Эркинлик таъминланган жойда ижодкорлик ва бунёдкорликка йўл очилади. Камида уч минг йиллик ўзбек давлатчилигининг ибтидосида энг асосий ҳуқуқий манба ва тартиб-қоидалар мажмуи вазифасини шараф ила адо этган «Авесто»да қайд этилганидек, ижодкорлик эркинликнинг чинакам гаровидир, тап-тайёр шаклларга мойиллик эса ғофиллик, мутелик, қуллик ва малайликнинг бош белгисидир.

Ҳуқуқ бу – давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган ва давлат томонида ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қоидалари йиғиндисидир. Ўзгачасига ифодаланса, «ҳуқуқ» тушунчаси кўп даражада давлат томонидан рўёбга чиқариладиган хатти-ҳаракат, кўрсатиладиган хизмат ёхуд шахснинг маълум ижтимоий-сиёсий, хўжалик тизимида иштирок

этишга тўла ҳақли эканлигини билдиради. Шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳисобига амалга ошириши бўлса амалда адолатсизликнинг яққол бир нишонасидир. Агар инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар, давлат ва жамият манфаатларига зид равишда амалга оширадиган бўлса, ушбу жамиятда ҳам ўз-ўзидан бошбошдоқлик, анархия ҳамда талотўплар бошланиб кетади-да.

Ҳар қандай дарёнинг иккита қирғоғи, қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳар биримиз муайян бурч ва ҳуқуқларга эгамиз. Дарё бемаврид тошиб кетиб, бирор фалокатга олиб келиши учун қайси қирғоқ ўпирилишининг аҳамияти йўқ. Худди шу каби бурчнинг адо этилмаслиги ёхуд ҳуқуқнинг бузилиши оқибатида жамиятда табиий равишда, янгидан-янги муаммолар туғилади. Бурч бу – масъулиятга кўпайтирилган ўзига хос бир мажбуриятдир. Бурч туйғуси ривожланмаса у кишини интизомсиз, саботли, системали ҳаракатларга яроқсиз қилиб қўяди. Одатда бурчни ҳис қилувчи кишилар фаол, серғайрат бўладилар. Ўзининг бурчини яйраб адо этувчиларгина ҳаётда ҳеч ким, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай эмин-эркин яшайдилар. Бурч туйғуси унчалик ривожланмаган кишилар эса ҳиссиётларнинг ҳузур-ҳаловатида яшайди, ё бўлмаса мавжуд вазиятга осонгина мослашволиб, оқимга қараб сузиб кетаверади.

Инсоннинг бурчлари бўлса, одатда, тўртга бўлинади. 1) Ўз олдидаги бурчи. 2) Оиласи олдидаги бурчи. 3) Давлат олдидаги бурчи. 4) Ўзга одамларнинг олдидаги бурчи. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда маънавий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда Ота Макони олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, оила, маҳалла, жамоат ҳаёти учун чинакам жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бурч, моҳиятан жамият, давлат ҳамда шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбуриятни англатади. Бурч виждон, эътиқод, масъулият сингари тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганимизда, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Унинг инсонлик бурчи ва мусулмонлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи каби кенг қамровли, барча замонлар учун энг умумий тушунчалари ҳам, шифокорлик бурчи, ҳуқуқшунослик бурчи, журналистликнинг бурчи, олимлик

бурчи, ўқитувчилик бурчи, давлат хизматчисининг бурчи сингари касбий одоблари доирасидаги қатор тушунчалари ҳам мавжуд.

Шу сабабдан ҳам ҳозирги даврда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг нимадан иборат эканлигини ўта яхши билиши, ўзининг бурчини сидқидилдан адо этиши туфайлигина кўзлаган мақсадига етиши мумкин. Демак, ҳар биримиз сарҳад қўриқчиси автомат, ўқитувчи китоб, деҳқонлар кетмон билан қурооллангани каби ҳуқуқий билимлар билан қуроолланмоғимиз даркор. Бу қурол – сўз қуролидир. Сўз қуроли эса аслида ҳар қандай қурол сўзидан кучлироқ эканлигини демократиянинг мураккаб йўлидан дадил олға бораётган 80дан ортиқ мамлакатнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб ҳам олганлар. Ҳуқуқ фалсафаси тамойиллари асосида тарбияланган Ғарб кишиси ўзининг ғурур-ифтихори, орномуси, кадр-қиммати ва шаън-шарафини, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигига бўлган муносабатларда кўради. Сиз унинг номини кўкларга кўтариб мақтамаслигингиз, қуюқ салом бермаслигингиз ёки шоҳона дастурхонни безаб, ўзингизнинг иззат-ҳурматингизни билдирмаслигингиз мумкин. Лекин, унинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини шак-шубҳасиз ҳурмат қилишингиз шарт. Чунки, бу инсон ҳуқуқий фалсафа, ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий маданият асосида тарбияланиб улғайган, вояга етган. У илк болалигидан «ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни тўла англасангизгина чинакамига одам бўласан» деган тамойилга амал қилган ва яшаб келган. Уларнинг кўзга ҳам кўринмас ҳуқуқий қуроли борлигини яхши англаган полициячи ёки бирор зўравон резина таёғини ёхуд муштини юз марта ва минг бора ўйлаб олиб ишга солади ёки бу ҳунарининг бўлажак оқибатни ўйлаб, ишга солмай қўя қолади.

Қадимги юнон файласуфи Эпикурнинг ҳақли таъбири билан айтганимизда, «Ҳатто энг бўлмағур қонунлар ҳам инсонлар учун ниҳоят даражада зарурдир. Акс ҳолатда, одамлар бир-бирларини ғажиб ташлайди». Демак, бу ёруғ оламда тўла озод, хур, эркин, мустақил бўлишнинг энг биринчи шarti мавжуд қонун-қоидалар талабларининг содиқ қули бўлишдан иборат. Бундай «қуллик»ни теранроқ равишда англаб олиш учун ишончли далил-исботларни қидириб, жуда ҳам узоқларга бориб ўтириш унчалигам шартмас. Масалан, мен ўзимни жуда ҳам эркин ва мустақил инсонман деб

ҳисоблайман. Хоҳлаган ишимни қилишим, ўзим истаган ерларда ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан бемалол юришим мумкин, деб ўзимча ўйлайман-да. Энди мен, ўзимга ўзим танлаб берганим ўша бетизгин, бебош ва нотўғри тамойилга асосланиб, серқатнов асфальт йўл ўртасида ҳам гердайиб юра бошласам ва транспорт ҳаракатига халакит бергудек бўлсам, ҳаракатни тартибга солувчи ички ишлар ходимининг хуштаги чуриллайди ёхуд ҳайдовчининг росаям болаҳонадор сўқиниши янграйди. Асаби чатоқроқ, жажли тезроқ ҳайдовчи бўлса тарсаки ёки «яқшигина» мушт тушириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Бу ҳолатда мен эркинликнинг ғоятда муҳим белгиларидан бири – масъулиятни бутунлай инкор этиб, ўзгалар эркинлигига катта хавф-хатар ва таҳдид солган бўламан...

Ўша қонунлар фақатгина Менга, Сизга ёки Унгагина эмас, аксарият кишиларнинг, умуман жамиятнинг ҳаётига ва тараққиёт тамойилларига унча мос келмасдан қолган тақдирдагина, ўзимиз томонимиздан ишонч билдириб сайлаб қўйилган халқ вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси мажлисида муҳокама ҳамда мунозаралар орқали унга ўзгартириш ва муҳим қўшимчалар киритадилар ё аввалгисини буткул бекор қиладилар. Бу энди ҳаммаси жойига тушди, муаммо бутунлай ҳал бўлди деганим эмас. Ўша қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида маъқулланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ҳамда матбуотда ҳам эълон қилиниши керак бўлади. Унга қадар эса Биз мавжуд ва амалдаги қонунларга тўла бўйсунмоғимиз даркор. Бу ёруғ оламда эркин ва ҳур бўлиб яшашнинг энг асосий шарти ҳам айнан мана шунда...

Эркинлик ва зарурият доимо биргаликда мавжуд. Масалан, дарёнинг суви эркин оқади. Лекин, сув ўзанидан чиқиб кетмаслик заруриятига бўйсунди. Шунга кўра, бемалол айтиш мумкинки, барча ихтиёрий хатти-ҳаракатларимиз аслида мажбурийдир...

XXI аср ибтидосида бутун дунё халқлари ва сиёсатчилари наздида «демократия» энг машҳур сўзга айланди. Бугунги даврда демократияни амалга оширишга даъвогарлик қилмайдиган, ушбу атамадан ўзининг, кўпинча, ҳақиқий, асл демократиядан анчагина узоқ бўлган ният ва мақсадларида фойдаланмайдиган бирортаям

таъсирли ҳаракат йўқ. Демократиянинг ўзи нимагаи англатади ва унинг ниҳоятда машҳурлигининг асосий сабаблари ўзи нимада?

Ҳозирги тилда «демократия» тушунчаси бир нечта маънода қўлланади. Унинг биринчи, асос бўлувчи маъноси этимология – атаманинг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ. «Демократия» қадимги юнон тилидан «Халқнинг ҳокимияти» сифатида таржима қилинади ёки бошқачасига ифодалаганида, «Халқ томонидан ва халқнинг ўзи учун сайланган ўша халқнинг бошқаруви»дир.

Демократиянинг этимологик тушунишдан ясалган кенгрок иккинчи талқинда **бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларининг тенг равишдаги иштирокига асосланувчи ҳар қандайин ташкилот тузилиши шакллари эътиборга олинади.** Ушбу маънода сиёсий партия, касаба уюшмаси, ишлаб чиқариш ва ҳаттоки оилавий демократия ҳақида сўз боради. Кенг маънода бўлса демократия деганлари ташкилот, ҳокимият ҳамда бошқарув мавжуд бўлган ҳамма жойларда, у ёки бу шаклда, албатта бўлади.

Учинчи маънода, **демократия – кадрниятларнинг маълум бир тизимига асосланувчи ижтимоий тузум идеали** (масалан, эркинлик, тенглик, инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, халқ суверенитети ва бошқалар) сифатида англанади.

Тўртинчи маъносида **демократия – халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ҳамда идеалларни амалга ошириш мақсадида фаолият юритаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар сифатида** тушунилади.

Ислом Каримов фикрига биноан: «...Демократия авваламбор маънавий мезонлар асосидагина бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир». Айнан шу сабабга кўра Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ишлаб чиқилган ва бу ғояни амалга ошириш масаласига биринчи даражали аҳамиятни қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг барча нутқ ва маърузалари, Олий Мажлисга Мурожаатномасида жуда кўп бора қайта-қайта таъкидланганидек, «Биз мамлакатимиз ҳаётига доир ҳар бир қарорни ўз халқимиз билан маслаҳатлашиб,

бевосита мулоқотлар асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларигамас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак» деган ғоя бу борада фаолиятимизнинг мезонига айланмоқда. Давлат ходимлари, энг аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетида ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган беҳад долзарб муаммоларнинг амалий ечимлари билан шуғулланмоқда. Шу маънода 2017 йил халқ билан жуда яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, хаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги бир тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла-тўқис ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда».

Бош қомусимизнинг 13- моддасига биноан, «...Демократик ҳуқуқ(лар) ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимояланади». Буюк бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ғоятда асосли фикрича ҳам худди шундай бўлмоғи даркор, яъни «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти, азият чеккан инсонларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини чиндан ҳимоя қилиш ҳамда бировларнинг тинчлик-омонлиги йўлида ўзининг тинчлиги ва хотиржамлигини йўқотишдан иборат».

«Давлат бошқаруви – беҳад оғир юк, ниҳоятда машаққатли меҳнатдир. Кишиларнинг барчаси ўзи билан ўзи овора, подшоҳ бўлса уларнинг барчаси билан овора. Инсон биргина душмандан хавфсираса, подшоҳ минглаб душманлардан хавфсираб яшайди. Инсон ўзининг оддийгина хўжалигини тартибга солиш, оиласини бўлса оддий озиқ-овқат билан таъминлашни ҳам баъзида эплай олмайди, подшоҳ эса давлатидаги бутун аҳолининг ташвишини қилишга мажбур. У ўз салтанатининг бирорта жойига эндигина ямоқ кўйганида, унинг бошқа жойи йиртилиб қолади. Эндигина бирор душманини бостирган чоғида, бошқалари билан курашга тайёрланишга мажбур бўлади. Шуниси эътиборлики, унинг жони биттагина, овқатни ҳам битта фуқарочалик ейди. Лекин, биргина кулча еса-да, минг-минглаб кулчалар ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ейди, минглаб товоқлар учун барчага жавоб беради, бир

турмушдан лаззатланади ва минглаб ҳаётлар хусусида қайгуради. Шундай қилиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юкларини ўзининг елкасида кўтаради, ўзининг жуда оғир меҳнати ҳисобига уларга дам беради, уларнинг душманларига қарши ўзи бениҳоя қатъият билан курашади, фуқароларнинг камчиликларини эса яширади». Ўтмиш замонлардаги жуда ҳам улуғ аллома ва донолардан бири Ат-Тартуший эл-юрт ҳукмдорларининг кўпчиликка ғамхўрлик қилиши ҳақида ана шундай ҳаққоний фикр-мулоҳазалар юритган, асосли ва ибратли фикрларини бизга мерос қилиб қолдирган эди.

Биз X асрда айtilган бу фикрларни орадан яна ўн бир аср ўтиб, эскириб қолган-ов, деб айта оламизми? Юқоридаги фикрлар бугунги воқеликка унчаям мос келмайди, дейишимиз мумкинми? Тўғри, бугунги замонда давлатларни подшоҳлар, амирлар, хонлар ва султонлар эмас, асосан Президент, Бош вазирлар бошқаради. Тўғри, бугунги кунда дунё харитасининг жуда салмоқли қисмини салтанатлар ва монархиялар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир киши иродасига бўйсунадиган мутлақ монархиялардан ҳам кўра бутун халқнинг иродасига таянадиган демократик давлатларнинг улуши каттароқ. Аммо, мана шу ҳолат давлат бошлиғининг елкасидаги масъулиятни камайтирадимиз?

Одамлар ҳали-ҳануз, фақатгина ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишиларнинг аксарияти ҳали ҳам фақат уй-рўзгор ташвишлари билан буткул банд эмасми? Ҳозирги даврда ҳам ҳамон барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўзимизнинг рўзгоримиз ғамини емаймизми? Баъзида эса фарзандларимиз таълим-тарбиясини ҳам тузукроқ эплай олмай ёки рўзгоримизни бутлай олмаганимизда бу ёруғ дунё кўзимизга жуда қоронғу кўришиб кетиб, ўзимизнинг ҳаётимиздан зорланиб ва нолиб қўймаймизми? Лекин, негадир ўз оиласидан ташқари бутун эл-юртнинг ғамини еб яшаётган ва ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг барчаси ҳам комил инсон бўлиб етишишлари хусусида қайгураётган, аксарият кишилар сингари фақат ўз шахсий манфаати ташвишида эмас, эл-юрт, миллатнинг дардида куйиб-ёнаётган, хуллас, барчамизнинг ташвишимизни қилаётган, беҳад улкан бир давлатни оқилона ва одилона бошқараётган инсоннинг бундай ғоят беҳаловат ҳаётини ўзимизча одатий деб биламиз. Баъзида яқин қариндошларимиз

гам-ташвишлари ҳам ўзимизга сал ортиқчалик қилган пайтида, давлатимиз бошлиғи миллионлаб ўзбекистонликлар ҳаёти ҳақида кайғуриб, чин кўнгилдан жон куйдириб, ўзининг ширин жонини чиндан жабборга бериб ишлаётганига ва куйиб-ёниб яшаётганига миннатдорлик билдириш, таҳсин айтишни ҳам унутиб қўямиз...

Ҳозирги пайтларда дунёда 7 мингга яқин этнослар мавжуд, уларнинг 254таси ўзини давлатга эгамиз деб ҳисоблайди, бироқ, БМТ таркибига 193 давлат қабул қилинган ҳолос. Ҳар бир этнос, давлат ўз кучи, иқтидори, салоҳияти имкониятини ҳисобга олган ҳолда олға интилади. Шу билан бирга, кейинги даврларда турли иқтисодий-сиёсий манфаатларни кўзлаб, унга эришиш мақсадида «демократия» ва «инсон ҳуқуқлари»ни ниқоб қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолганлигидан ўзингиз ҳам жуда яхши хабардорсиз. Бу борада тагин Биринчи Президентимизнинг фикр-мулоҳазаларига эътиборни қаратсак: «Демократия асли эркинлик дегани бўлса, эркинликни қандай қилиб зўравонлик билан жорий этиш мумкин? Демократияни куч билан ўрнатишга уринаётган кимсалар ҳар қайси мамлакат ва халқнинг минг йиллар давомида шаклланган ўзининг миллий қадрият ва урф-одатлари, қарашлари борлигини ҳисобга олиши ва уларнинг тавсиялари бошқаларга ҳам маъқул келадими ё йўқми – буни олдин шу юртда яшаётган одамлардан сўраб, кейин бирон-бир тавсия ёки қўмакни бериши керак эмасми? Бундай кучларга қарата эса, бизнинг юртимизда ўтмиши улуғ бўлган буюк халқ яшайди, бизнинг аجدодларимиз дунёдаги қадимий ва беҳад бой цивилизацияни яратган пайтларда сиз («устоз»)лар ўзингиз қаерларда қандай ишларни қилиб юрган эдингиз, деган саволни беришни ниҳоятда ўринли, деб биламан».

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқи ва эркинликлари фақат Конституция ва қонунлар билангина эмас, шу билан бирга, миллий қадриятлар, урф-одат ҳамда анъана, халқнинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва ҳаётий тажрибаси, одамгарчилиги, ўзаро меҳр-оқибати билан ҳам мустаҳкамланади. Миллий қадриятлар, шарқона қадриятлар, ғарбона қадриятлар, исломий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар... Қадриятларнинг абаройи кўплигидан санокда ҳам адашиб кетасан киши. Тафаккурга қатъий чегаралар ўрнатиб, «таъсир доиралари»ни тақсимлаб олган бу қадриятлар

аслида бир-бирини тўлдирадигандек, ўзаро ҳурматда ва мурсада яшайдигандек гўё. Ваҳоланки, қадриятлар ҳам табиий-ижтимоий тараккиётнинг ҳеч ўзгармайдиган қонун-қоидаларига бўйсунди: ўзаро ихтилофга киришади, бир-бирини улкан майдондан сиқиб чиқаради, сулҳ тузади, урушлар қилади ёки иттифоклашади...

Қадриятлар мафқуравий қурол сифатида миллионларни ўз ортидан эргаштиришга, уларни муайян мақсад сари етаклашга ва айрим бир ғояларнинг атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Айнан қадриятлар негизига ҳар хил мафқуралар, мафқураларнинг негизига бўлса жамиятлар қурилади. Бу жараёнга қатъиян салбий ёхуд ижобий баҳони асло бериб бўлмайди – кўзланган мақсадлар эса башариятни фароғатга ҳам, ҳалокатга ҳам элтиши ҳеч гапмас, яъни, битта тош билан миҳ қоқиш ҳам, бош ёриш ҳам мумкин...

Ўзларини дунёвий демократик тузумнинг тарафдорлари деб намоёиш этаётган халқаро ташкилот ва жамғармалар, хорижий институтларнинг айрим вакиллари ўзбек халқининг маънавияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўй-ҳислари, одоб-ахлоқи, орномусини ҳисобга олмасдан, баъзида эса бу қадриятларни Ғарб демократиясига қарши қўйиб, ўзларини гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Улар бу ҳаракатлари орқали, эҳтимол ўзлари ҳам унчалик англамаган ҳолатда, амалда диний ақидапарастларнинг мусулмонлар орасидаги мавқеини яна оширишга, бутун бошли миллатлар ва халқларнинг демократияга бўлган ишончини астагина сўндиришга ҳам хизмат қилмоқдалар.

Беҳад буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний минг йил аввал «Ҳиндистон» асарида шундай ёзганди: «Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, униси эса ёқмайди дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, негаки, ҳар бир халқ удумлари неча минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган». Шу мангикдан келиб чиқадиган бўлсак, ўз қадриятларимизни ўта улуғлаб бошқаларникини камситиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос чиройли удумлари бор. Бироқ, Шарқ билан Ғарб дунёқараши орасида анчагина жиддий тафовутлар борлигиниям инкор қилиб бўлмайди-да. Ғарбликлар эса аксарият пайтларда фақат ўз қарашларидангина келиб чиққан ҳолдагина мана шу «инсон ҳуқуқлари» масаласига ёндашадилар.

Ўзини бутун дунёда инсон ҳуқуқларининг холис ҳимоячиси сифатида таништирадиган хорижий ташкилотларнинг айримлари «Маҳалла давлатнинг тазйик кўрсатувчи идорасига айлантишти», деган даъволарниям илгари сурмоқдалар. Улар фикрича, эр-хотин ўртасида тушунмовчиликлар, жанжалли масалалар кўтарилганда, уларнинг зудлик билан, тўғридан-тўғри судларга эмас, маҳаллага мурожаат қилиши гўё «инсон ҳуқуқларининг бузилиши» эмиш.

Шу иддао муносабати билан тагин бир мулоҳазага эътибор қаратсак. Аслини олганимизда, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг мезони – маҳалладир. Чунки, маҳалла ўзбек халқи турмуш тарзи, улуғ аждодлардан мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Маҳалла – уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида доимо ниҳоятда муҳим, аҳолини унинг энг яхши-ёмон кунларида бирлаштиришдек функцияни адо этиб келаверган. Афсуски, шўро замонида бу тузилма жамият бошқарувидан мутлақо ажратилиб, уни майда-чуйда масалаларда ҳар қандай шўро идораси ҳам талаб қилиши мумкин бўлган маълумотнома – справкалар ёзиб бериш пунктига айлантирилганди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги номақбул ўзгаришлар – минглаб йиллик тарихда деярли учрамаган тирик етимларнинг анча кўпайиши, кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг кўтарилиши ҳамда «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» деган зарарли қарашнинг ҳам анча кенг ёйилишида намоён бўлган эди.

Бугун Ўзбекистонда Шўро замонида миллий турмуш тарзи, миллий маънавиятига етказилган захаларни даволаш жараёни ҳам давом этаётган даврда, бу эзгу ниятдан ҳам кир қидирган, унга ўз манфаатига мос бўлган тор қарашлардан келиб чиққан ҳолда баҳо беришга бетиним уриниб ётган «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» хатти-ҳаракатларини тушунишам анча мушкул. Ахир, ўнлаб Ғарб давлатларида бир жинсли никоҳларга йўл қўйиб берилган бўлса, «маданиятли миллат» вакиллари демократияни қипяланғоч бўлиб юриш ҳуқуқи, тубан нафси қондиришни барчага намойиш этиш эркинлиги деб ўзича англаётган бўлса, ва биз уларнинг ишларига аралашмаётганлигимиз бизнинг бу масалада умуман фикрга эга эмаслигимизни билдирмайди-ку. «Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига», бизнинг уларга атлас қўйлак кий, бошингга рўмол ўраб

юр, деган фикрларни зўрлаб тикиштириш ниятидан узоклигимиз ҳам демократияни теран тушунишимиз белгиларидан биридир.

Оилавий можароларни ҳал қилишда маҳалланинг кўмагига таянишни «инсон ҳуқуқининг бузилиши» дея талқин қилаётган ўша жаноблар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-ва 66- моддаларини ҳам бемалол «шахсга нисбатан зўравонлик» сифатида шарҳлашдан ҳам асло тоймасликлари мумкин-да.

Чунки, Ғарб конунларида худди бизлардагидек «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур»лиги ҳамда «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур»лигиям ўзига хос конституциявий норма сифатида белгилаб қўйилмаган-да.

Нью-Йорк университети профессори Парвиз Морвижнинг маҳалла масаласидаги фикри шундай: «Ўзбек маҳалласини бир неча йиллардан буён қизиқиш билан ўрганиб келаман. Шундай тадқиқотларнинг натижасида жуда муҳим хулосага келдим, яъни ҳақиқий демократия аъёнлари ўзбек маҳалласи фаолиятида ўз ифодасини топган. Шу ҳолатнинг ўзидек Ўзбекистон демократик жамиятни ривожлантириш йўлидан беҳад дадил бораётганининг яққол бир далилидир, деб ҳисоблайман. Ушбу ноёб институтни ўрганиш ва тажрибасини оммалаштириш мақсадга ҳам мувофиқ. Маҳалла мисолида ўзбек халқининг тафакқурига ва ҳаёт тарзига инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қадриятлари бениҳоя даражада сингиб бораётганлигини ўзимизнинг кўзимиз билан кўрдик.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаям ниҳоятда пухта ўйланган сиёсат юритилмоқда, инсон ҳуқуқлари, хусусан, ушбу каломнинг тўлиқ маънода амалга оширилиши қатъий таъминланмоқда. Бу ташаббусларнинг асоси ҳамда марказида фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётган ажойиб маҳалла туради».

Россия Фанлар академияси Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти бўлим мудири Юлия Зубокнинг жуда ҳақли равишда ёзишича: «Маҳалла аъёнларга ва замонавий жамиятни қуришга қатъий асосланган, ва айни пайтда ёшларга доир давлат сиёсати механизмларини жиддий равишда амалга ошириш орқали ғоятда ижобий ютуқларга эришишни таъминлаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос жуда ноёб тажрибасидир. Кўплаб мамлакатларда ёшлар

биқиқлашмоқда, ёши катталарни ҳурмат қилиш туйғуси йўқолиб кетмоқда, аждодлари миллий маданий қадриятларидан ўзларини четга олаётти, авлодлар ўртасида узилиш ҳам кузатилаёттир. Шу боисдан ҳам маънавий нуқтаи назардан буюк халқингиз ижобий ютуқларга эришмоқда, ёшларни жамиятга ижтимоийлаштириш яхши таъминланаяпти. Маҳаллаларда ота-оналар, кекса кишилар ва кўни-кўшниларнинг ҳурмати ниҳоят даражада юқори бўлиб, ушбу тажрибани бошқа давлатлар ҳам ўрганиши жуда зарур».

Шу ўринда роса мавриди келиб қолгани сабабли Аҳмадҷон Мелибоевнинг қаламига мансуб «Ризқ дарахти» номли китобда (Тошкент: «O`zbekiston» НМИУ, 2017, 288 бет) келтирилган икки мисолни сизнинг эътиборингизга ҳам ҳавола этсак: «Қашқадарёлик Олимҷон исмли йигит тақдирнинг тақозоси ила Америкада яшаб қолган ватандошимиз Гиёсиддин хожи отанинг уйида меҳмон бўлганда куйидаги воқеага гувоҳ бўлиб қолган экан: «Гиёсиддин ота билан ёнма-ён яшайдиган ёш йигитнинг уйига Германияда истиқомат қиладиган онаси меҳмон бўлиб келибди. Ўғли азиз меҳмонни яхши кутиб олибди, иззат-икром кўрсатибди, бироқ ўз уйида бир ой яшаганлиги учун онасидан... ижара ҳақи сўрабди. Олимҷон бундан қаттиқ ранжиган эка, кўшни йигит унга «ётиғи билан» тушунтирибди: «Онам бошқа жойда яшаганда, табиийки, ўзгаларга ижара ҳақини тўлар эди. Бошқа кишиларга тўлаганидан кўра менинг ўзим – ўғлига арзонроқ тўлагани маъқул эмасми?..»

Иккинчи мисол. Америкалик ёш тадқиқотчи олим бизнинг Ўзбекистонга келиб, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги маҳаллалардан бирида икки-уч ой яшайди. Ўз Ватанига қайтгач, мамлакатимиз тўғрисидаги таассуротларини эса куйидаги тарзда баён қилади: «Қизиқ экан бу ўзбек деганлари. Мен учта қиз ва иккита ўғилнинг ота-онаси билан бирга қадимий ховлида анча яшадим. Болаларнинг ҳаммаси ҳам оилали, шаҳарнинг турли жил мавзеларида яшашади. Аммо ҳар куни, бири қўйиб иккинчиси чол-кампирилардан хабар олгани келишади. Ўғиллардан бири эрта тонгдаёқ иссиқ нон ва қаймоқ кўтариб келса, катта қизи келиб хоналарни йиғиштиришга киришиб кетади, бошқаси эса овқатга унайди. Ҳар куни шу аҳвол. Кир ювишади, кийимларга дазмол босишади, ховлини ҳам супуриб-сидиришади. Кечкурун қариялар

билан бирга овқатланиб ва набиралардан бирортасини уларнинг ёнларида колдириб, шундан кейингина ўз уйларига кетишади. Ё тавба, улар бунақада ишларидан буткул қолиб кетишади-ку. Чол билан кампир бўлса ўша бечораларнинг ишлари ҳақида, ҳаттоки, ўйлашмайди ҳам. Мана сизга феодализм...» (82 – 83- бетлар).

«... Самарқандлик бир олим мана шундай хикоя қилган эди: Лос-Анжелесда физик ҳамкасбим бор. Фрэнк. У 2006 йил қишида илмий ишига маслаҳатчи бўлишимни сўраб келувди. Уйимда уч кун меҳмон бўлди. 24 февраль куни, эрталаб турсак, қор ёғибди. Қизим дарвоза атрофини супураётган эди. Буни кўрган Фрэнк:

– Ҳм-м. Суғурта жуда ҳам жиддий бир масала, – деди.

– Ниманинг суғуртаси? – дедим унинг гапига тушунмай.

– Сизда ер участкаси мавжуд. Унинг бир қисмидан бошқа одамлар юриб ўтади. Сиз эса ўша ернинг қорини доимий равишда кураб туришингиз керак. Агарда курамасангиз, бирон-бир киши сирғаниб кетиб, қўли сингудек бўлса, унга сиз суғурта пулини тўлайсиз. Мана шунинг учун ҳам эшик олдини супурасиз – деди.

Мен унга ўзбекларда ҳар куни, қуёш чикмасдан туриб эшик олди, ҳовли топ-тоза қилиб супурилишини айтдим. Бу – бизнинг беҳад қадимий, минглаб йиллик миллий анъанамиз, дедим.

У жиддий тинглади. Мени тушунишга ҳам уриқди. Охири, табассум билан бошини сарак-сарак қилганича: «Ҳамид, барибир овора бўлиб, мени кўндиришга уринма. Бу – суғурта!» – деди.

Фрэнк «ўзбеклар суғуртадан кўркиб ўз эшигининг олдини супуради», деган фикрида қолди. Менинг сўзларимга ишонмади.

Эшик олдига ёкқан қорни Бостонда ҳам, Бўстонликда ҳам, Парижда ҳам, Форишда ҳам албатта курайдилар. Иш – бир хил, бироқ, унинг сабаби – икки хил. Бўстонлик, Форишда маънавий, – супурсам савоб бўлади, деган қарашга асосланишади. Бостон ва Парижда эса молиявий сабабга, яъни супурсам зарар кўрмайман, бирортаси йиқилиб, у-бу жойини синдириб олса, суғурта пулини мен тўлашимга тўғри келади, агар супурмасам ЗАРАР БЎЛАДИ, деган тасаввурга асосланилади.

Бир саволга иккита жавобни кўринг: биринчиси – ўзбекона маданиятнинг, иккинчиси – «ғарбона маданият»нинг жавоблари.

Қайси бири маданиятлироқ? Инсонийроқ?...» (М. Қуронов. Ниқоб остида нима бор? «Китоб дунёси», 2012 йил, 31 январь, 1- сон).

Ғарбнинг айрим бир «чаққон» мухбирлари фикрига биноан: «Журналист хоҳлаган пайтида ўзи хоҳлаган ахборот воситасида хоҳлаган гапни бемалол айта олган тақдирдагина ҳақиқий сўз эркинлиги бўлади!» Ҳаммамиз бир ўйлаб кўрайлик. Бу ўзи нима дегани? Бу чекланмаган ҳуқуқни талаб қилишдан бошқа нарса эмас-ку. «Ҳақиқатни айта ва ёза олса», деганида биз ҳам уларни тушунган бўлардик. Лекин, «хоҳлаган гапни айтиш» деганлари нимаси? Унинг «хоҳлаган» пайтда «хоҳлаган» газета-журнал ёки телерадиода айтган «хоҳлаган» гапи бегуноҳ бир шахсни абгор қилиш учун ўйлаб топилган тўхмат, бўхтон ёхуд миш-миш бўлса-чи? Ёхуд бир миллатни иккинчисига қарши гиж-гижлайдиган ва терроризмни тарғиб қиладиган, хуллас, бугун бошли жамиятда ташвиш, хадик уйғотувчи ёвуз ниятли бирон-бир кутку бўлса-чи? У «хоҳлаган» гапни тўрт улфатнинг орасида ё қаҳвахонада эмас, минглаб нусхада чиқадиган газетада, миллионлаб томошабинлар кўрадиган телевизорда, бутун дунёни нақ ўргимчак тўри сингари ўраб олган беҳад «қудратли» Интернетда айтмоқчи-ку! Айтилган сўз – отилган ўқ, деганлари ҳам худди мана шу эмасми?

Қонун ҳужжатларида, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан бирга жавобгардир, деб белгилангани ҳам бежиз эмас. Баъзиларга оддийгина шуни айтсангиз ҳам малол келади. «Сўз эркинлигини бўғувчи», «ҳақиқатни айтишдан қўрқувчи» ва «инсон ҳуқуқлари» соҳасида жаҳон андозаларини тушунмовчи» бир ўта қолоқ кимсага ҳам айланиб қоласиз-да. Уларни авайлаб-асраб, ўз қаноти остига олиб, аллақачон гўшти еб бўлинган қоқ суякни – ёмишини ташлаб турувчи «ҳимоячилар» ҳам дарровда, зудлик билан топила қолади. Хориждаги турли-туман марказлар, турфа ташкилотлар, «инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари»...

Андоза нуқул «уёқдан» олинади. «Уёқда» ўғил – отадан, киз – онасидан, сингил – опасидан йиллаб хабар олмаса, ўлик-тириги билан иши бўлмаса, арзимаган пул учун ота-ўғил судлашиб юрса, бунинг номи шахснинг эркинлиги ва мустақиллиги деб аталади. «Буёқ»даги удумни – кўшнининг бошига ташвиш тушса, югуриб

чикиб ҳолидан хабар олиш ҳамда кўмакка шошилишни «ёлланма тафтишчилар» бировнинг шахсий ҳаётига аралашиш, «ибтидоий жамоанинг ҳаёт тарзи» деб баҳолайдилар. «Уёқларда» «кимнинг кўнгли кимда бўлса, кўяверинг, ўйнасин!» деган шиор эса «эркин муҳаббат» ҳисобланади. «Буёқ»да бўлса йигитдир, киздир, номус чегарасидан чиқиб, «шоҳ ташлаши» билан кўни-кўшни, маҳалла-кўй ёшларнинг ўзига ҳам, ота-онасига ҳам дашном берса, яна ўша «тафтишчилар» ўта зудлик билан «инсон ҳуқуқини бўғиш» деган хулосани чиқарадилар. Ажабки, Японияда аёл киши эркак олдида бир эмас, уч бора букилиб таъзим қилса, бунинг отини «шарқона менталитет», деб атайдилар, бизнинг аёллар эркакдан икки қадам орқада юрса, «феодал муносабат»га йўядилар. Бундай ҳолатларга айрим ғарблик мухбир, «тадқиқотчилар» билан мулоқот чоғида камина ҳам бир неча марта дуч келган. Нега «стандарт» икки хил бўлиши керак? Бир-биридан ниҳоятда яхши нарсаларни ўрганиш этносларнинг қадимий удуми. Биз бошқалардан ўрганишга қарши эмасмиз, аксинча, тарафдормиз. Бирок, бир томон нуқул «устоз – домла», иккинчи тараф «шоғирд – ўқувчи» бўлиши мумкинми? Кўйиб берсангиз, қачон қандай овқатланиш, кимни яхши кўриб, кимни ёқтирмасликни, нимани роса ёқлаб ва нимани қоралашни, қонунни қандай ёзиш-у сайловни қандай ўтказишни ва борингки, бизга қандай яшашни «ўргатадиган кимсалар» ҳам учраб туради.

«Амаллар ниятга яраша»; деганларидек, чет эллардан келган айрим «химоячиларнинг» кўзи фақат ёзилган, бировнинг бошига уриш мақсадида кўлига яхшигина дастак қилиш мумкин бўлган қонун-қоидаларни кўради холос. Ҳолбуки, элда қалб кўзи билан кўриладиган, миллатнинг руҳиятига, қон-қонига сингиб, минглаб йиллик тажрибалар асосида беҳад сайқалланган, кўнгил ва онгга битилган, қоғозга ёзиб кўйилмаган турмуш қоидалари ҳам бисёр. Уларга биноан, оилавий тушунмовчилик, англашилмовчиликлар дарров эл орасида дастурхон қилинмайди, «демократия», «инсон ҳуқуқлари»ни пеш қилиб олиб, аёл умр йўлдошининг юзига чанг солмайди, куёв қайнотанинг соқолидан, келин бўлса қайнонанинг сочидан тортмайди, эр хотинининг, хотин болаларининг отаси – эрнинг устидан пинҳона ариза ёзволди судма-суд ёки ҳокимиятга икки оёғини кўлга олиб, ўпкасини кўлтиқлаб, ҳарсиллаб югуриб

юрмайди. Модомики, орасидан «қора мушук ўтиб қолган» оила аъзоларининг ҳар иккиси маҳалла-қўй кўз ўнгида улғайган, улар феъл-атвори, характеридан айнан шу маҳалладагилар бошқаларга нисбатан яхшироқ хабардор экан, энг асосийси эса, икки ёшнинг муқаддас никоҳига ана шу катталар гувоҳ бўлган экан, эндигина бошини кўтариб келаётган жанжалнинг олдини олишга маҳалла отахон-онахонларининг бирозгина елка қўйиб юбориши, турган гап-ки, оқилона, тўғри ва самаралироқ бўлиши ҳам табиийдир.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ғарбона тушунишнинг яна бир кўринишига диққат-эътиборни қаратсак. Марказий Осиё давлатларининг аҳолиси орасидаям сўров ўтказган бир хорижий ташкилотнинг ўзича чиқарган «хулоса»сига кўра, Ўзбекистонда аёллар, қизларнинг ҳуқуқлари кўпроқ поймол қилинади. Энди эса «текширувчилар»нинг бундай фикрга келишига асос бўлган саволларга бир эътиборни жалб этсак: «Оила катталари Сизнинг калта қўйлак кийишингизга қаршилиқ қилишадими?», «Кечкурун истаган чоғингизда уйдан кўчага чиқиб кетишингиз мумкинми?», «Телевизорда ўзингиз истаётган фильмингизни, жумладан, беҳаё фильмларниям кўриш имкониятига эгамисиз?», «Ўзингиз севган йигитни уйга бошлаб келиб ота-онангизга таништира оласизми?»

... Энди, бошимиздаги дўппини қўлимизга олиб, бир ўйлаб кўрсак. Чинакам ва ҳақиқий ўзбекнинг қиз-жувонлари юқоридаги саволларга қандай жавоб қайтарадилар? Қандай жавоб берсалар, уларнинг озодлиги, эркинлиги намоён этилади-ю, қай жавоблари уларни буткул «ҳуқуқсиз» деб эълон қилинишига асос бўлади?

Дейлик, Ғарбда кеча вояга етган қизалоқ бугун ўзи ёқтириб қолган, каттакон кўчадан қоронғида топиб олган «ака»сини уйига бошлаб келиб, бамайлихотир «кўнгилхушлик»ни бошлаб юборса, ота-онаси унга монелик қила олмайди. Негаки, у мустақил шахс. Шахснинг эркинлигига даҳл қилиш эса қонун билан тақиқланади.

Бизда, Худо кўрсатмасин, қиз бола шунақа қилиқ қилса, ота-она шўрликлар қариндош-уруғ ва маҳалла-қўй олдида бош кўтара олмай қолади. Териси юпқароқ, ор-номусли ота бўлса бунақанги фарзандни, ўйлаб-нетиб ўтирмай, «оқ қилиб» қўя қолади. Арабча «оққ» сўзи луғатда «ёриш» ва «кесиш» маъноларини билдиради ҳамда озор бериш, осий бўлиш ва қарши чиқишни ифода қилади.

Ҳақиқий Ўзбек учун отаси ёхуд онасидан «ок» бўлиш ёлғизгина ўзининг эмас, бўлажак, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини буткул барбод қилиш эканлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Тасаввур қилишимиз ҳам унчалик мушкул эмаски, ўзларича хориждан келволиб, ўзбек аёллари ҳуқуқининг ҳимоячиси бўлиш даъвосини қилаётган кимсалар фақат ва фақатгина ўз ғарбона ва ғарибона қарашларидан келиб чиқиб бу масалага ёндашадилар ва кутилмаганда юқоридаги каби «кашфиёт»ларни топиб оладилар. Яна бир хорижий ташкилот вакиллари Ота юртимизда эркаклар ҳуқуқлари поймол қилингани хусусида бир неча йил муқаддам ўз юртининг матбуотида «бонг урганди». Улар бунга асос сифатида Ўзбекистонда эркаклар учун пенсия ёши 60, аёллар учун 55 ёш эканлигини дастак сифатида келтириб, халқпарвар давлатимизни аёлларга ортиқча имтиёзни берганликда айблагандилар. Ҳолбуки, ўзингизам номини кўп эшитган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ногиронлик, қарилик ҳамда боқувчисини йўқотганлигига кўра нафақалар тўғрисида»ги конвенциясида кўзда тутилган пенсияга чиқиш ёши 65 ёш эканлигини жуда яхши билардилар. Демак, бу масала бизда Ғарбга нисбатан ижобийроқ ҳал этилган. Ҳозирги замонда бир қатор Ғарб давлатларида аҳолининг 25–30 фоизини кексалар ташкил этаётганлиги, туғилиш бўлса ниҳоятда камлиги туфайли пенсия ёшини Халқаро конвенция талаблариниям бузган ҳолда энг камида 70га кўтариш хусусида муҳокама-мунозаралар юритилмоқда. Бу ўринда эса доно халқимизнинг «Аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ» деган нақлини ҳам эслашга тўғри келади.

Албатта, умуминсоний нормалар, кадриятларни биз ҳам тан оламиз. Бош Қомусимизнинг беҳад муҳим 13- моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади...» Буюк ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъаналари ва миллий кадриятларининг БМТга аъзо бўлган барча давлатлар томонидан тан олинган умуминсоний кадриятларга зид келадиган жиҳатлари йўқ. Шу нуктаи назардан биз инсон ҳуқуқларига доир ҳужжатларни, демократик қарашларни сув қилиб ичиб юборган, уларни ўзича ўзининг идеалига айлантириб олган-у, лекин қалби

ва онги миллий кадриятлардан бутунлай бебахра қолган одамга бу киши ўзбек, баркамол инсондир деган бахони бера олмаймиз.

Биз кадрият категориясини «урф-одат» ва «анъана» сингари тушунчалардан фарқлаб олмоғимиз даркор. Чунки, урф-одатлар ва анъаналар орасида жамият тинчлик-омонлиги, барқарорлигига, ва умуман, тараққиётга ҳам путур етказувчилари анчагина. Шу жумладан, мутаассиблик, боқимандалик, лоқайдлик, бефарқлик, бепарволик ва ҳоказолар. «Кадрият» деганда халқ кадрлайдиган, ҳурмат қиладиган, эъозлайдиган, руҳий юксалиш ва тараққиётга, ва эл-юрт фаровонлиги учун беминнат равишда хизмат қиладиган маънавий бойликлар (махзан) кўз олдимизга келиши даркор.

«Кадрият» деган атама инсонга ва жамиятга нисбат берилиб таърифланган чоғдагина муайян бир маъно-мазмунни касб этиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам кадриятлар башарият бари эҳтиёжларини қондирувчи предметлар, ҳодисалар ва уларнинг ниҳоятда муҳим хусусиятларидир. Айнан Инсонга нисбат бериб баҳоланмаган ҳар хил буюмлар, ҳодисалар, жараёнлар ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳеч қандай ва тузукрок кадр-қимматга эга бўла олмайди.

Кадриятлар инсонга хизмат қилувчи турлича неъматлардир. **Бу Дунёнинг энг олий неъмат ва бетакрор хилқати инсон!** Мана шу энг олий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолатда, инсонлар ижтимоий турмуши учун ўта зарур ва фойдали бўлган, уларнинг тараққиётга хизмат қиладиган ва шарт-шароит яратиб берадиган барча предметлар, воқелик ва жараёнлар кадрият ҳисобланади.

Уларнинг орасида бўлса ҳуқуқий кадриятлар алоҳида муҳим аҳамият касб этади, олий ўрин тутади. Хўш, шундай қилиб, ўша Ҳуқуқнинг ижтимоий кадрият сифатидаги асосий хусусиятлари, энг аввало, бизларнинг кўзимизга ўзи нималарда кўринади?

Биринчидан, ҳуқуқ деганимиз инсонга ўта таъсирчан восита сифатида кадр-қимматига эга. У кишиларнинг уринишлари ҳамда хатти-ҳаракатларига уюшқоқлик, ташкилийлик, барқарорлик ва ўзаро мутаносибликни бахш эта олади. Ана шу тариқа ижтимоий муносабатлар тизимига барқарорлик омилини киритиб, уларнинг муайян маърифийлик даражасида бўлишини таъминлаб беради.

Иккинчидан, турли ижтимоий муносабатлар иштирокчилари умумий иродасини ифодалаб, индивидлар ҳамда бутун жамият

манфаатдор бўлган муносабатларнинг ривожига кўмаклашади. Ҳуқуқнинг энг олий кадр-қиммати унинг кишилар хулқ-атвори ва фаолиятига кескин таъсир этиб, хусусий манфаатларни муросага келтириш, мувофиқлаштиришида ғоятда яққолроқ ифодаланади.

Учинчидан бўлса, ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлигини ифодалаб унинг мезони сифатида ўзини намоён этади. Ҳуқуқнинг мана шу беҳад муҳим роли туфайли ижтимоий муносабатларнинг батартиблигига эришилади ва кишиларнинг турмуш тарзидан эса ноқонунийлик, зўравонлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик сингари бир қатор чинакам ярамаслик, иллатлар буткул истисно этилади.

Тўртинчидан эса, ҳуқуқнинг ижтимоий адолат ғоясини тўлатўқис ифодалай олиш имконияти билан белгиланади. Аслида эса, «адолат» атамаси «ҳақ», «ҳақиқат» ва «ҳуқуқ» каби сўзлар билан жуда теран маънодош ҳисобланади. Амалиётда ҳуқуқ адолатнинг меъёрланган ўзига хос ифодаси, турли хил моддий неъматларни адолатли равишда тақсимлаб беришнинг мезони ҳам ҳисобланиб, барча фуқароларнинг келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва жамиятда тутган ижтимоий мавқеидан қатъи назар амалиётда бўлиб турган барча қонунларнинг олдида ўзаро тенг эканлигини ифодалайди.

Бешинчидан, тараққиётнинг беҳад даражада қудратли омили ва жамият ижтимоий ривожининг тарихий маромига мос тарзда янгилашнинг манбаи сифатида сиёсий майдонга чиқиб келади. Ҳуқуқнинг бундай роли мамлакатимизда кечаётган ислохотлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тозаришлар палласида алоҳида кўзга ташланаётганини ўзингиз ҳам кўряпсиз.

Миллий истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати, бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари энг муқаддас, энг олий қадрият сифатида эълон қилинди ҳамда у давлатимизнинг аниқ кафолатлаб қўйилган ҳимоясига олинди. Шўролар даврида эса ҳар бир фуқаро ниҳоятда қудратли давлат машинаси мурватининг жудаям кичик, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган, арзимас бир қисмига айлантириб қўйилган эди. Энди, миллий истиқлолимиз замонида бўлса барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Давлатнинг ўз фуқаролари олдида масъулияти мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг ўта муҳим бўлган белгиларидан

бири ҳисобланади. Давлатнинг ўзи уни ташкил этган халқнинг қонуний сайлаб қўйган вакиллари томонидан парламентда қабул қилинган, Сенат тарафидан маъқулланган, Президент томонидан имзоланган, расмий нашрларда эълон қилинган ва юридик кучга эга бўлган адолатли қонунлар доирасида инсоннинг тўлақонли фаолияти ҳамда фаровон ҳаёт кечирмоғи учун зарур бўлган барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи даркор.

Биз ушбу ўринда атайлаб «одам» деган атамани қўлламадик. Фалсафий нуқтаи назардан баҳоланганида «одам» биосоциал бир мавжудот. Ҳар қандай жонзот ҳам ўз тирикчилигининг ғамини ейди ҳамда, турган гап-ки, ўзидан кўпаяди. Ўз болаларини турлитуман хавф-хатарлар, таҳдидлар ҳамда хуружлардан ўз «жонини жабборга бериб» ҳимоя қилади. Айнан шундай фалсафий нуқтаи назардан қараганимизда, фақатгина кундалик тирикчилигининг ташвишида тинимсиз тарзда, эрта тонгдан қаро тунга қадар овора бўлиб юрадиган, бошқа инсонлар, оила, жамоа, жамият ва давлат манфаатларини сариқ чақага, бир пулга ҳам олмайдиган ўғрилар, тайёрхўр, террорчи, фоҳиша, порахўр, ҳаромхўр, қонунбузарлар, жинойтчиларни... ҳам одам қаторига киритиш мумкин. Фақатгина улардаги биологик, яъни ҳайвоний унсурлар ва иллатлар унинг онги, тафаккури ва қалбидаги ижтимоийлик, яъни инсонийликка нисбатан анчагина даражада кучлироқ. У ҳам ниҳоятда ақлли ва уддабурон, лекин унинг ақли, ўзига хос палид дунёқараши у ёки бу жамиятда қабул қилинган анъанавий ахлоқ-одоб нормаларига, инсоният дунёсининг энг эзгу ниятлари ва тараққиётга қарама-қарши тарафга қўйиб, тескарисига йўналтирилиб олинган, холос.

Унинг учун бутун дунёга, ҳатто ён қўшнисиникига ўт кетса ҳам майли. Фақатгина худди шу роса гуриллаб ёнаётган гулханда унинг қозони қайнаса ва қорни тўйса бўлди. Шу сабабга биноан, биз ҳаётда «одам савдоси» деган иборани ишлатамиз, ҳеч қачон бу ҳунар «инсон савдоси» ҳисобланади деган фикр ҳаёлимизнинг бир чеккасига ҳам келмайди. Чунки, ҳақиқий инсонлар ҳеч қачон ўзга инсонни сотмайди, ўзи ҳам сира порага сотилмайди. Лекин, айрим бир палид кимсалар чин инсонларни орқаваротдан бошқа одамларга сотиб юборишлари ҳам мумкинлигини яхши биласиз.

«Инсон» – соцбиологик мавжудот. Унда ижтимоий хусусият ҳайвонийликка нисбатан жуда ҳам кучли. У ҳам ўзгалар сингари оила куриш, яхши фарзандлар кўриб, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашни, фаровон ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Лекин, ўзининг пок ҳаётига сира ҳам ҳаром-харишларни аралаштиришни мутлақо истамайди. Шу боисдан ҳам у мудом ўз нафсига қарши курашади, ўзининг барча хатти-ҳаракатларини жамият, инсоният, ўзгалар манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилади. Ножоиз қилмишлари ўз оиласи, маҳалласи, меҳнат қилаётган жамоасига ошкор бўлиб қолишидан ўта ҳадиксирайди. Халқ ибораси билан ифодалаганимизда, қаланғи-қасанғи одамлардан фарқли равишда чин инсоннинг доимо «тормози ишлайди». Шу сабабдан ҳам биз ўтмишдаги, бугунги даврдаги буюк инсонларнинг ҳаёти, ижодий, яратувчилик фаолиятидан ибратни оламиз, бугунимиз ва келажак хусусида ўйлаган ҳолда, «комил инсон» атамасини қўллаймиз.

Бир куни жуда ҳам машҳур ҳақимдан: «Қандай одам жазога лойиқ?» деб сўраб қолибдилар. Унинг жавоби бўлса куйидагича бўлган: «Ҳеч қандай инсон жазога сира ҳам лойиқ эмас. Жазога чиндан ҳам лойиқ нарсалар жудаям ваҳший ҳайвонлар, одамларга доимо зиён-заҳмат етказиб юрадиган заҳарли илонлар ва чаёнлар сингари турли-туман газандалардир. Аммо, орамизда аҳён-аҳёнда шундай бир палид кимсалар ҳам учраб турадики, улар вужудида зараркунанда даррандалар ва газандаларнинг кўпгина хислатлари мужассам бўлади. Бундай кишилар эса бошқа инсонларга қилган зарарларига қараб асосли тарзда жазоланади ҳам. Мана шу тариқа ярамас кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам мутлақо ноўриндир!»...

Қадимги Хитой файласуфи Хай Фэй (мил. авв. 288 – 233) фикрига биноан: «Қонунлар халқнинг отаси ва онасидир. Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси мукофотдан иборатдир». Бу ҳаётдаги, инсоният оламидаги мавжуд эзгуликлар ва ёвузликларни ўлчовчи мезон фақатгина давлатда бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунлари эса ана шу мезон вазифасини ўтайди.

Одатда энг яхши ишлайдиган, ҳеч кимга мутлақо малоллик келтирмайдиган қонунлар ахлоқ-одоб ва анъаналар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда туғилади. Миллий Истиқлол йилларида ўзбек халқининг неча минг йиллар мобайнида амал қилиб келган қатор

одатлари, қадриятлари қонунлар таркибига киритилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қадим-қадимдан эл орасида мавжуд бўлиб келган Ярашув институтининг ҳам ўрин олиши жинойт қонунини эркинлаштиришнинг ниҳоятда муҳим йўналишларидан бирига ҳам айланди. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 66¹- моддасида ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган жинойтни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашиб олса ва етказилган моддий зарарни қопласа, жиний жазолардан озод этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Қонун қабул қилинган пайтларда Ярашув институти борасида қўлланиши мумкин бўлган жинойтлар туркуми 26тадан иборат эди. Кейинги давр талаби ва жамиятдаги эркинлаштириш ривожига оқибатида киритилган ўзгартиш-қўшимчалар натижасида бўлса уларнинг сони бугунги кунларда 60тадан ҳам ошиб кетди...

Инсон биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида манфаати ҳамда дунёқараши асосида ҳаракат қилади. Ўзича нималарнидир яхши, ниманидир ёмон, адолатли ёки адолатсиз, деб ҳисоблайди. У баъзан ўзича адолатни тиклаш мақсадида, гоҳида эҳтиётсизлик оқибатида ё жаҳл устида жинойт содир этиб қўйишиям мумкин. Ундан кейин эса қилмишидан уялиб, қаттиқ пушаймон бўлиши ҳам мумкинлигини яхши биласиз, бошингиздан ўтган бўлса ҳам керак. Бунисига ўзингиз ҳаётдан керагича мисол келтира оласиз.

Масалан, халқимизда минглаб йиллик ҳаётий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда «Эр-хотин уруши доқа рўмол қуриши» нақли бежиз туғилмаган-да. Баъзан арзимаган, майда-чуйда нарсадан ва гапдан эр-хотиннинг ўртасидан қора мушук югуриб ўтиб қолади. Бунақа пайтда икки – учта ўғил-қизнинг отаси асабини жиловлай олмай ёхуд ошна-оғайнилариининг «урдук» деган даъвати асосида чойхонадан ортгириб келинган ширакайфлик натижасида турмуш ўртоғига енгил тан жароҳатини етказиб қўяди. Кейин эса унинг ўзи беҳол хотинини шифохонага олиб бориб, дори-дармонга оила бюджетидан аввалроқдан белгилаб қўйилмаган маблағни сарфлаб, яхшилаб даволатади. Даставвал жаҳл отига миниб олган аёл ҳам ўзича ёки кимнингдир қутқусига учиб, эрининг устидан тегишли идорага ариза ёзиб беради. Бирок, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, улар бир-бирларидан яхшигина узрни сўраб, ярашиб оладилар.

Ёки ўзингизам жуда кўп бора гувоҳи бўлган яна бир мисол. Одатда ёш болалар ўта ҳаракатчан, адолатсевар бўладилар. Улар ўртасидаги қизгин ўйиндан эса қизикқонлик, адолатга ташналик оқибатида баъзан «ўт чиқиб» турадиям. Бундай ҳолларда гоҳида айрим ота-оналар ёш болаларнинг ўртасига тушганларини ўзлари ҳам билмай қолиб, дастлабки айтишув, даҳанаки жанг ростмана тўс-тўполон, муштлашувга айланиб ҳам кетади. Жаҳл келса, ақл қочади, деганларидек, сал салмоқлироқ муштни еб қўйган қўшни профилактика инспекторига мурожаат қилади. Бироқ, воқеанинг эртасигаёқ, болалари яна ораларидан «қил ўтмас», «апоқ-чапоқ» бўлиб ўйнаётганларини кўрган ҳар икки қўшни ҳам қизикқонлик қилганларидан, кечаги ҳолатдан мулзам бўлиб, бир-бирларидан узр сўрайдилар. Агар юқоридаги ҳолатларда эр ёки қўшнилардан бири жиноий жавобгарликка тортилганида ўртадаги меҳр-оқибат анча юқорига кўтарилиб кетган, зиддият эса янада чуқурлашган бўларди. Айни шу маънода, Ярашув институтининг қўлланилиши оилалар мустаҳкамлигини асраб қолиш ва қариндош-уруғчилик анъаналарини қайтадан тиклаб, миллий кадриятлар барқарорлиги, аҳоли орасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳаётда қоқилиб қолган шахсни фақат жазолаш эмас, шу билан бирга уни тарбиялаш, тўғри йўлни топиб олишига кўмаклашиш энг муҳим ўринни эгалламоқда.

Ўзбек халқининг табиатига хос бўлган ҳис-туйғу, маънавий кўникмаларнинг аксарияти одат ҳуқуқи, анъаналар, маросимлар шаклида минг йиллар мобайнида қон-қонимиз, онгу шууримизга сингиб кетган. Ота-она ва фарзандлар, қуда-анда, қариндош-уруғ, ёр-биродар, маҳалла-қўй ўртасидаги турли хил муносабатларнинг ҳаммасини ҳам қонунларга кўчириб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳатто оппоққина қоғозда акс эттиришимиз мумкин бўлган имон, инсоф, ор-номус, шарм-хаё, мурувват, андиша ва истиҳола, меҳр-оқибат, иффат каби миллий фазилатларнинг жуда кўп тилларда таржимаси ҳам йўқлиги бизга ўзича инсон ҳуқуқларидан сабоқ бермоқчи ва бизга дарс ўтмоқчи бўлган айрим хорижий нодавлат ташкилотлари вакилларини, биров бўлса-да, ўйлатиши лозим эди.

Ҳар бир инсон, этноснинг ўзи бир беқиёс олам, ҳатто Ҳасан ва Ҳусан, Фотима ҳамда Зухранинг тафаккури, дунёқараши бир-биридан фарқ қилади. Агар кимлар учундир фақат ўзини ўйлаб, индивидуалистик ва ғирт эгоистик дунёқарашга асосланиб яшаш яхшироқ, қулайроқ туюлса, бу – уларнинг ҳуқуқи. Биз уларнинг бу ҳуқуқига дахл қилишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Аввал эсга олганимиз «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» деган ўзбекона нақл ҳам бежиз туғилмаган. Минглаб йиллар мобайнида ўзбек халқи жамоавий турмуш тарзига амал қилиб келмоқда ва бундан кейинги ҳаётини ҳам айни шу тамойил талаблари билан боғлайди. Қадим Хитой файласуфи Сюн-Цзи (мил. авв. 313 – 235) ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Инсон бақувватлик борасида ҳўкиздан ожизлик қилиб, чопқирликда эса отдан ортда қолса-да, бу жониворларнинг ҳар иккисини ўз измига бўйсундириб, ишлата билади. Бунинг сабаби нимада? Чунки, одамлар ҳўкиз, отлардан фарқли ўлароқ ҳамжихатликда яшаш иқтидорига эгадирлар. Ҳўш, инсонлар ниманинг эвазига ҳамжихатликда яшайдилар? Бунинг сири инсонлар ўртасидаги вазифалар ўзаро тақсимланишидадир. Ҳўш, бу тақсимланиш нимани эвазига амалга оширилади? У айни масъулият, мажбурият, бурч туйғуси эвазига амалга оширилади».

Ўзбекнинг битта боласига етти маҳалла ота-оналик қилиши ҳеч кимга малол келмайди, қизи ва келини ахлоқи, юриш-туриши учун кўни-кўшнилари ҳам ўзини жавобгар, бурчли деб ҳис қилиши фақат яхшилик аломати ҳисобланади. Бирор кишининг фарзанди ножўя, қинғир қадам кўйгудек бўлса, маҳалладошлар ота-онани вақтида огоҳлантирса, унга фақат раҳмат айтилади. Ўзбекларда чинакам инсонга хос ва мос деб мана шундай ҳаёт англанади ва у ҳамма томонидан ҳар томонлама рағбатлантириб борилади.

Ривоят қилишларича, Ҳанафия мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг бир кўшниси сархуш бўлволиб, жанжал-тўполон кўтарар, шу боисдан ҳам туну кун на ўз оиласи, на кўни-кўшниларида бирор ҳаловат бор экан. Имоми Аъзам бир куни шом намозини ўқиётган чоғларида шовқин-сурон эшитилмаётганидан ажабланиб, кўшнисиникига чиқибди. Маълум бўлишича, бозорда ҳам шу қилиғини қилган экан, миршаблар уни тутиб зиндонбанд қилишибди. Эртаси тонгда Имоми Аъзам ҳачирини миниб олиб,

ҳоқим саройига астагина йўл олибди. Улуғ зотнинг келаётгани дарагини эшитган ҳоқим пойига гиламлар тўшаб кутиб олишни буюрибди. Ўзи ҳам Имомга пешвоз чиқибди. Ушбу ташрифнинг боисини сўраганида, Имоми Аъзам қўшниси зиндонда эканлиги сабабли ҳам кўнгли тинчимасдан бу ерга келганини айтган экан, ҳоқим у кишининг юртдаги юксак ҳурмати юзасидан қўшнисига қўшиб бошқа тутқунларни ҳам ўша куни зиндондан дарҳол озод этишни буюрибди. Айтишларига қараганда, шу-шу ўша қўшни ўз қилмишларидан уялиб, тавба қилган ҳамда бундан буёғига ҳалол меҳнат қилиб, тоат-ибодатни ҳам асло унутиб қўймаган экан...

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти «Миллатни, миллий кадриятларни асраш керак» деган ғояни қайта-қайта уқтиришдан сира чарчамаган. Миллатни асраш – унинг дину диёнати, имон-этиқоди, ахлоқ-одоби, урф-одат, анъаналарини ва бугунга қадар етишган маънавий даражасини асраш демакдир. Чунки, инсоният оламида маънавий қулликданам шармандалироқ мутелик мавжуд эмас. Ўтмишда юртимизга бостириб келган ҳар қандай мустабид борки, энг аввало, миллий кадриятларни ва миллатнинг руҳини синдиришга ҳаракат қилаверган. Чор Россияси генерали Михаил Скобелев (1843 – 1882) шундай ёзган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, унинг маданияти, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи ҳам таназзулга учрайди». Бундай ёвузликнинг моҳиятини теран англаган маърифатпарвар зиёлилар – жафоқаш жадидлар миллатнинг маданияти, санъати ва тилини асраб қолиш мақсадида газета, театр, мактаблар очиб элга илм-маърифат тарқатишга жадал киришиб кетганлар. Халкнинг ўзлигини англашга интилишидан ғоятда хавфсираган Туркистон генерал-губернаторининг махфий буйруғи тайёрланиб, вилоят ва волостларга юборилган. Буйруқда улар мактаб очмоқчи эканми – майли, руҳсат берилсин, дарсликлар яратмоқчиларми – бемалол ёзаверсинлар. Аммо, битта ниҳоятда муҳим шарт билан: ҳар бир вилоятнинг мактабларидаги дарслар ўша ернинг лаҳжасида олиб борилсин, яъни шеvasида ўтилсин. Дарслик ва қўлланмалар ҳам айнан ўша шевада ёзиладиган бўлсин. Ушбу махфий буйруқдан кўзланган асосий мақсад – ўзбек адабий тилининг яратилишига йўл қўймаслик эди. Ушбу ҳужжатда ўзбекларни бирлаштиришга

хизмат қилувчи адабий тил чор Россияси манфаатларига мутлақо зидлиги бўлса очикдан-очик тан олинган, қайд этилган эди...

Мана шу ўринда мавриди келиб қолгани боис, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматов қаламига мансуб, «Ватанпарвар» газетасида босилган (2019 йил, 5 июль, 27 (2830)- сон) «СИНОВЛАР ОРТДА ҚОЛГАНИ ЙЎҚ: ҳайиқишга ва ҳадикка асос борми...?» сарлавҳали чуқур таҳлилий мақоласидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

«Совет даврида (эътибор қаратинг) барча рус подшолари ва қонхўр генералларининг 1917 йилгача ўрнатилган ҳайкаллари ва ёдгорлик мажмуалари буткул бузиб ташланган эди. Кейинги 10 – 15 йилда уларнинг ҳаммаси қайта тикланди. Ҳозир собиқ марказ пойтахтида ва бошқа шаҳарларда Ўрта Осиёдаги халқларни, энг аввало, бизнинг халқимизни қатлиом қилган қонхўр генералларга янги ҳайкаллар ўрнатилмоқда. Кейинги ўн йилдан бери эса улар «буюк халқ» миллий қахрамонлари сифатида роса улуғланяпти. Айниқса, Михаил Скобелев пойтахтнинг қоқ марказида яна бизга важоҳат билан дағдаға қилиб турибди. Биз бўлсак уларга қарши курашган буюк инсонларнинг номини тилга олишга ҳайиқамиз...

Мен 2018 йил 1 октябрь куни «Россия – 13» телеканалда қонхўр генерал Скобелевнинг «буюк ғалабалари» ҳақидаги бир фильмни кўриб анча пайтга қадар ўзимга кела олмаганман. Ҳозир мен уни тасвирласам муболаға қилляпти, деб ўйлайсиз. Яхшиси, улуғ ёзувчи Лев Николаевич Толстойнинг севимли қизи, сирдоши Татьяна Сухотина-Толстаянинг эсдаликларидан бир муҳим мисол келтираман. Толстойнинг ёнига ароқ ичиб турадиган бир диндор ҳарбий юнкер келади. Буюк ёзувчи ундан ароқ ичиб туришининг сабабини сўрайди. Юнкер жавоб бериб шундай дейди: «Скобелев бутун аҳолини қириб ташлашга буйруқ берганида аскарлар бош тортадилар, шунда уларни ичириб, маст қилиш зарур бўлганди». Толстойнинг эслашича, ҳарбий юнкернинг бу ҳикоясидан кейин ёзувчи ойлар эмас, йиллар давомида қаттиқ изтироб чекади...»

Биз бугун XIX ёки XX асрда эмас, учинчи минг йилликнинг дастлабки юз йилида яшаяпмиз. Ғарбдагилар XX аср интиҳосида бизнинг миллий истиқлолга эришганлигимизни яхши биладилар. Лекин, «инсон ҳуқуқлари», «демократия»ни пеш қилиб, Скобелев

маслаҳатига асосланган ҳолда, бизни ўзлигимиздан жудо айлаб, юрт бойликларига эғалик қилиш ниятидан қайтишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Даврга мос равишда бизнинг руҳиятимизга нисбатан давом этирилаётган маънавий-мафкуравий экспанция усуллари ҳамда йўллари ҳам тобора нозиклашиб, бошқача қилиб ифодалайдиган бўлсак, «маданийлашиб» бормоқда. Турли-туман кинофильм, телекўрсатув радиоэшиттиришлар шаклида, газета-журналлар, Интернет тармоғи ва бошқа йўналишларда узлуксиз равишда пинҳона тикиштирилаётган, бизнинг миллий тушунча ва қадриятларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни бўлса заифлаштиришга, ёшларни дурагайлаштиришга қаратилган хавф-хатарлар ва тажовузлар ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Айрим куч ва марказлар томонидан «демократия тарғиботи» шаклида амалга оширилаётган ишлар, асли тўғридан-тўғри Ғарб турмуш тарзининг бизнинг онгимиз ва қалбимизга зўрма-зўраки тикиштирилишига айланиб кетаётганлиги эса бугун кўпчиликка сира сир бўлмай қолди. XX аср биринчи ярмида «жаҳон пролетар инқилоби» қандай шакллар ва усулларда экспорт қилинган бўлса, бугунги кунда «инсон ҳуқуқлари» сифатида уятсизлик, беҳаёлик, бесоқолбозлик, шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғайриинсоний тушунчалар худди шундай экспорт қилинмоқда. Бу экспортнинг айрим кучлар томонидан эса «ҳақиқий, чинакам демократия» деб номланаётгани айни қадриятнинг обрўсини тўкишдан бошқа ҳеч нарса эмаслиги ҳам заррин нуруни сочиб турган кундай равшан.

Юксак маънавий жасорат соҳиби Озод Шарафиддиновнинг таъбири билан айтганда, бугунги «ўзбек адабиётининг виждони», Ўзбекистон Республикасининг санъат арбоби, улуғ адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров беҳад чуқур дард ила шундай ёзгандилар: «Ҳеч қачон онамнинг тўпигини, унинг биз ўз болалари олдида бўйинини яланғочлаб бошини ювиб ўтирганини кўрган эмасман. Ҳозир эса бундай нарсалар кулгили, ажиб эскирган, ҳеч нарсага арзимайдиган гаплар бўлиб кўринишиям мумкин. Яланғочликка кўзлар тобора кўникаиб боряпти. Ҳолбуки, булар кўникаладиган нарсалар эмас-да. Яланғочлик ҳаёсизлик деб қаралмаяпти. Ҳатто Ғарб дунёсида яланғочликни табиийлик деб қарайдиган тоифалар ва турли гуруҳлар пайдо бўлган. Кўргансиз: баъзан мусобақалар

олдидан стадионларда тайлок бўлиб югуришади. Тайлок бўлиб соҳиллардан тюленларга ўхшаб ётишади. Саҳналар, томошалар, экранлар, газета-журналлар ва китоблар яланғочликлар, эротик тасвирларга зўр бериб интилишади. Рекламалардаги эротикадан, еб-ичишлардан кўнглингиз озади. Бундай хориж махсулотларига қарасангиз, ҳаё, ор-номус, орият, ибо, ҳамият ортиқча, эскирган, ялтироқ кир машинанинг олдидаги оддий бир жомашовдай бўлиб қолганми ўзи дейсиз. Ғайритабиий ҳирсий жинсий майлларни-ку асти қўяверинг. Бамисоли Лут қавмининг баайни ўзгинаси. Ҳатто ундан юз минг баробар ўтибам кетишди. Ғайритабиий никоҳлар! Буларнинг барини баъзан ўзларича «эркинлик», баъзан «табиий майлларни адо этиш» деб аташади. Инсон эркин ва ҳар нарсани қилишга ҳақли! Афсус! Бу асло эркинлик эмас. Табиий майллар эмас. Бунинг оти бузғунчилик, беҳаёлик! Бориб турган ўта ёмон касаллик! Улар инсонни хароб қилади. Уни инсонлик сониданам чиқаради. Сурати одам бўлиб кўринган билан асли ўзи одам эмас. Бундай ахлоқсизликларни кенг суратда тарғиб қилиш инсониятни тузатиб бўлмас таназзул сари етаклаб боради. Англия маликаси Диананинг интим ва ишқий хатларини унинг ошиғи 16 миллион долларга сотишини яқинда (мақола 2002 йилнинг 22 декабрида ёзилган – Б. И.) газеталарда маълум қилди. Биз ҳаёнинг баҳоси йўқ, деймиз. Лекин беҳаёликни қаранг. У пул билан ўлчанади ва баҳоланади. Беҳаёлик бўлса доимо сотилади. Сотиб учун ишлаб чиқарилади» (Ғафуров Иброҳим. Танланган асарлар: Мансуралар, ҳикоялар, бадиалар, бошқа асарлар. – Т.: «Sharq», 2017, 478- бет).

Кўзлари кўр, сўқир бир нотавондан энг катта орзуси нима эканлигини сўрашганида, у кўзлари очилиб ёруғ оламини кўришни эмас, аксинча, бошқа барча одамларнинг сўқир бўлиб қолишини айтгани тўғрисидаги ривоят кўпчиликнинг ёдида бўлсаям керак. Бугун бизга ўз яшаш тарзини экспорт қилиб ёшларимиз онги ва қалбига турли йўллар орқали сингдирмоқчи бўлаётган Ғарбдаги айрим кучлар уринишларини ҳам ўша сўқир ҳолатига қийслаш мумкин. Улар ўзларини маънавий ҳалокат ёқасига бошлаб келган «асл эркинлик деганлари – кишиларнинг хоҳлаган ишини истаган пайтда, хоҳлаган ерида, хоҳлаган шаклда, хоҳлаган муддатда, дуч

келган кишиси билан қилавериш ҳуқуқидир...» деган ғояларини бу дунёга ёйиш билан ўз умрини узайтириш ниятида юрибдилар.

Четдан туриб, тирноқлар орасидан кирни қидириб, камчилик топиш, бошқа минтақалардаги реал воқеликни ўз қаричи билан ўлчаб, бурун жийириш, танқид қилишдан осон ишнинг ўзи йўқ. Инсоф юзасидан бир мулоҳаза қилиб кўрсак. Бугунги кунда Ғарб давлатларида бир оилада биттадан фарзанд бор ёки у ҳам мавжуд эмас. Бошқача ифодаланса, бу оилаларнинг зурриёт билан боғлиқ биргина муаммоси бор, холос. Бизда аксарият оилалардан камида бештадан бола бор. Демак, муаммоларимиз ҳам уларникидан беш карра мўлроқ. Энди буни 34 миллионли аҳолига эга Ўзбекистон давлатининг миқёсида ҳисоблаб кўрсак-чи? Бу болаларнинг ҳар бирини бепул ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ҳаттоки уларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳам давлат ўз зиммасига олмоқда.

Янада ҳам аниқроқ далилга диққат-эътиборни қаратсак. Ғарб кинофильмларида болаларни мактабга ташийдиган сариқ рангли автобусларам кўзга ташланиб қолади. Ҳақиқий аҳволдан беҳабар содда одам «ушбу давлатлар шунчалик бойиб кетганки, боласини ҳатто тўрт қадам жойга ҳам машинада олиб боради», деган фикр-мулоҳазага келиши мумкин. Аслида-чи? Аслида гап нимада? Гап шундаки, Ғарб оламида тугилишнинг ўта кескин пасайиб кетиши туфайли бу жойларда ҳар 10 – 15 километрдагина битта мактаб қурилишига талаб мавжуд, холос. АҚШнинг 20га яқин штатида эса тугилишнинг пасайиши оқибатида мактабларнинг орасидаги масофа нақ 100 – 150 километрни ташкил этаётганлиги туфайли ўқишни ҳам ҳафтада 4 кунга қисқартиришга мажбур бўлинди. Масалан, биргина бизнинг Наманган шаҳрида 100га яқин мактаб фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда бўлса шундай ҳудудда жуда бўлса 5 – 6та мактаб бор, холос. Агар уларда учта хонадондан биттагина бола мактабга йўл олса, бизда бир ҳовлидан камида уч бола мактаб сумкасини кўтариб чиқади, яъни бизда мактабгача таълим муассасаси – болалар боғчаси, мактаб, лицей ва коллежга Ғарбдагига нисбатан камида ўн марта кўпроқ болалар катнайди.

Бу таълим-тарбия муассасалари қурилиши ва улар таъмири, жиҳозланиши, иситиб-совутилиши, ўқитувчи-мураббийлар билан

таъминланишига ва тагин бошқа ўнлаб харажатларга эл-юртнинг камида ўн баробар кўпроқ маблағи ҳам талаб этилади дегани-да.

Агар Ғарб давлатларида эр-хотин ишлаб, биргина боланинг ташвишини тортгудек бўлсалар, бизда аксарият оилаларда эрнинг топган даромадига тўрт – беш боласи, хотини кўз тикиб туради...

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида бир йилда ҳар ўнта никоҳнинг камида еттитаси бузилиб кетади. Ўнлаб (янада аниқроғи 30дан зиёд) давлатларда бир жинсли никоҳларга қонуң орқали йўл очилган ва бола ўрнига кучук-мушукларни кучоқлаб юрилади, кўчаларда эса қип-яланғоч юришдан истиҳола қилинмайди, хотин истаган пайтида жазмани таклифига кўра эрининг паттасини кўлига тутқазиб қўя олади ва ҳоказо. Ғарб дунёсида эркинликни, «инсон ҳуқуқлари»ни ниқоб қилиб кийиб олган шу кимсалар нафақат бизнинг аънаналаримиз, шу билан бирга, умуман одамзод, барча халқлар учун ўта қадрли бўлган чинакам инсонийликнинг ақидаларига тўғри келмайдиган турли-туман бузғунчиликларни ОАВ орқали жудаям кенг тарғиб-ташвиқ этмоқдалар, ўзгаларниям шунга ундамоқдалар. Масалан, Буюк Британияда Элтон Жон исмли жуда машҳур кўшиқчи ўзига ўхшаган «эркак» билан никоҳдан ўтган. Бундай «оила» эркинлик намунаси сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилинмоқда. Ғарбдаги бузғунчи кучлар минглаб йиллар давомида шаклланган, инсонни ёввойи ва маданийлаштирилган, қўлга ўргатилган ҳайвонлардан ажратиб турадиган аънаналар ва қадриятларни одамийликка зид майллар билан алмаштириш, одамзод онги ва қалбидан соғлом қарашларни сиқиб чиқаришга уринмоқдалар. Бу хусусда Ислон Каримов қаламига мансуб «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобда «кўп ва ҳўб» далил ва маълумотлар келтирилган.

Ёш авлодни катта ҳаётга йўллаш учун муайян бошланғич нуқта – старт позициясини яратиб беришга муносабат турли хил этносларда турличадир. Ғарбнинг айрим халқлари менталитетида фарзандлар вояга етгач, ўз ота-онаси, оиласини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун уйини тарк этиши оддий бир ҳол ҳисобланади. Ўзи ҳам фарзанд кўриб, уни катта қилгач – боласи ҳам авлодларнинг ворислигига чек қўйиб, оиласини тарк этади. Кексайиб, ишга ярамай қолган ота-онасини қариялар уйига

топширвориш бўлса уларда уят ҳам, номус ҳам ҳисобланмайди. «Уят – жуда қадимдан бизга қадар келаётган туркий, ўзбакий сўз ва тушунча. У ёпиш, паналаш маъноларини англатади. Уй, уя – панажой, одамнинг бошини, фақат бошинигина эмас бутун вужуд борлигини бу оламнинг хавф-хатарли хаводисларидан муҳофаза қилади. Уят – туркийча, ҳаё – арабийча, шарм – форсийча келиб чиқишга эга... Ҳаё луғатларда тушунтирилишича, одамнинг ҳар хил ноҳўя хатти-ҳаракатдан ўзини тортиш, тийиш, сақланишини билдиради» (Ғафуров Иброҳим. Танланган асарлар: Мансуралар, ҳикоялар, бадиалар, бошқа асарлар. – Т.: «Sharq», 2017, 473- бет).

Бизда ҳам фақат 16 ёшгача тарбия бериб, мўйлови эндиgina сабза урган ўспиринни катта кўчага – «мустақил ҳаётга» чиқариб юбориш тагин қўшимча муаммоларни туғдиришини ўзимиз яхши биламиз. Ўзбекларда ёшлар учун жуда юқори старт позицияси яратиб бериб, катта ҳаётга йўлланади. Уйланаётган йигитчага энг камида 1 – 2 хонали уй, турмушга чиқаётган қизга уй анжомлари тақдим этилади. Икки ёш фарзандли бўлгач, ота-онага айлангач, улар ҳам ўз навбатида, бу эстафетани қабул қилиб олиб, кейинги авлодни, яъни ўз болаларини катта ҳаётга тайёрлай бошлайдилар. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади. Юқорида ҳам эслатганимиздек, буни беҳад теран англаб етган Германия профессори Л. Левитин шундай ёзганди: «Сизлар ўз маънавиятингиз, турмуш тарзингиз, Ғарб мамлакатларидагига нисбатан устунроқ эканлигини кўпинча билмайсизлар ҳам. Бошқа юртдан келганлар буни дарҳол сезиб, чин қалбдан хурсанд бўладилар. Ғарб одами ўзини якка-ёлғиз ҳис этади... Агарда ўзбек якка-ёлғизлигини ёқтирганида ҳам тарихан таркиб топган анъаналар бунга муглако йўл қўймайди». Бундай шароитда айрим бир ғўр ва тажрибасиз ёшларнинг Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик никобидаги ахлоқсизлик фалсафасини «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилиб, алданиб қолиши эса элимиз келажагига таҳдид солади.

Ғарбнинг айрим кучлари томонидан фақат ўз дунёқарашини тўғри деб ҳисоблаб, мутаассибона бир ақидага айлантириб олиши инсониятнинг бошига янги ташвиш, фожиаларни олиб келмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, демократия ҳамда «инсон ҳуқуқлари» ниқобидаги «универсал қадриятлар»нинг ақидапарастлиги ҳам большевизм, фашизм, диний ёки бошқа ақидапарастликлар сингари башарият ҳаётига тажовуз қилмоқда. Турли хил ниқобларга бурканиб олган хавф, таҳдид, тажовузлардан қандай қилиб ҳимояланиш мумкин? Одатда, қандай нарсанинг кўрғони, тўсиғи бўлса, уни маълум бир даражада хавфсизлиги таъминланган деб ҳисоблаш мумкин. Тўрт девори мавжуд, эшик-деразаси мустаҳкам уйга ҳўкиз ёхуд эшак кира олмайди. Лекин, таҳдидлар халқ, энг аввало, ёшлар қалби ва онгини нишонга олган-ку. Ундай бўлса, қалбнинг ва онгнинг ҳам кўрғони борми? Агар бўлса, уни қандай мустаҳкамлаш мумкин?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин «инсон қалбининг ўзи нима?» деган саволга соддароқ бир жавобни аниқлаб олсак.

Бир гуруҳ талабалар донишманд устозларидан сўрадилар.

– Мухтарам Устоз! Сиздан инсон қалбини оддий сўз билан тушунтириб беришингизни истаимиз. Биз баҳс боғлашиб, ўзимиз ўзимизча излаб топган жавоб эса ўзимизни асло қониқтирмаяпти.

Донишманд эса жавоб бериш ўрнига талабаларни бир хонага етаклади. Хона нақшлар билан дидли безатилган, беҳад чиройли пардалар тутилганди. Ўртада чиройли хонтахта бўлиб, дастурхон солинган. Унда анвойи мевалар, хушбўй гуллар, мазали таомлар ҳиди уфураар эди. Хонанинг бағоят бежиримлиги, антиқа гуллари, шарқона безаклари, таровати, лаззатли таомлари хушбўйлигидан талабалар кўнгли ёришиб, мана шу ерда қолишни орзу қилдилар.

Донишманд талабалардан сўради:

– Хона қандай экан?

Талабалар бир овоздан дедилар:

– Жуда антиқа хона экан, тагин кўргимиз келди.

Донишманд талабаларни ўзга хонага олиб борди. Хонанинг деворлари нураб ётган, хунук рангга бўялган, бўёқлари ҳам ўчиб кетган, ўртада хонтахтада эса бир коса овқатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Таомнинг бадбўй ҳиди бутун чор-атрофни тутган. Бу хонага бир кирган киши қайта оёқ босишни ихтиёр қилмаслиги аниқ эди. Талабалар хонанинг беҳад бадбўйлигидан кўнгиллари озиб кетиб, жудаям тезлик билан уни тарк этишга шошилишди.

Донишманд талабалардан мулойимлик билан сўради:

– Хона сизга ёқмадимми?

Талабалар бошларини куйи солишди:

– Бу хонага киргандан кўра, кирмаганимиз ҳам маъкул эди. Ўша ифлос хонанинг бадбўй хиди димогимизга ўрнашиб қолди.

Устоз талаба шогирдларига тасалли бериб, уларнинг ўз кўзи билан кўрган ўша икки ҳолатни изоҳлади:

– Биринчи хона гўзал қалбли инсоннинг вужуди. Нақшинкор безаклар унинг қалби нақадар нафосатли эканлигини кўрсатади. Хушбўй гуллар эса қалбининг маънавий гўзаллигини англатади. Бежирим пардалар қалбининг ҳар қандай ёмонликлардан холи эканлигидан бир далолатдир. Косадаги лаззатли таом эса унинг қалби. Ҳар қандай одам дарҳол ундан тотиб кўргиси ҳам келади. Бундай эзгу қалбли инсон билан самимий суҳбат орқали сизнинг қалбингизга эзгуликнинг уруғлари қадалиб, ундан беқиёс хушбўй гуллар униб чиқади ва вужудингиз ҳам чаманзорга айланади.

Донишманд талабаларнинг кайфиятлари кўтаринкилигидан мамнун бўлди ва иккинчи хона ҳолатига батафсил изоҳ берди:

– Иккинчи хона хунук қалбли одам вужуди. Нураб тушган, бўёқлари ўчиб кетган деворлар унинг қалби ҳам нақадар қашпоқ эканидан далолат беради. Унинг қалби нақадар мискинки, унга худбинлик, кўролмаслик, ҳасад, гина, адоват уруғлари сепилган. Ундан ҳеч ким баҳра ололмайди, аксинча ушбу қалбга адашиб кириб қолган киши косадаги бадбўйлик анқиб турган овқат, яъни унинг қалби жаҳолатидан озор чекиши аниқ. Ҳар қандай Инсон ғазаб, имонсизлик, билимсизлик, эътиқодсизлик, шафқатсизлик, худбинлик, жаҳолатдан тош қотган одамнинг суҳбатидан қочади.

Ҳақиқатан ҳам, одам қалби, онги бузилса, инсон бузилади ва инсоният бузилади, дунёнинг тинчиям бузилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам, турган гапки, поймол этилади. Қалбу онгнинг ҳам кўрғони мавжуд. У кўрғоннинг номи маънавият, маърифат, илм деб аталади. Худди ана шу уч қаватли, уч «девор»ли кўрғон билан муҳофазаланган инсон онги ва қалбигина ҳар қандай хавф-хатарлар ва тажовузлардан бемалол омон қолади. Бунга жаҳон ва камида уч ярим минг йиллик ўзбек давлатчилигининг тарихидан керагича фактларни ва далилларни ўзингиз ҳам бемалол келтира олишингизга бўлса, бизнинг ўзимиз ҳам чиндан ишонамиз...

АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

Жафокаш халқимиз неча-неча асрлар давомида не-не оғир синовлар ва машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги ҳамда тинч ҳаёти йўлида курашиб беҳисоб қурбонларни берган ота-боболаримиз жасорати бизнинг тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Тарихдан соҳир сабоқ чиқариш, ўзимизнинг кимлигимизни англаш, ўтмишимизнинг ўта аянчли йилларини юракдан ўтказиб, бугун кунларни теранроқ идрок этмоқ, бетакроримиз ва яғонамиз – Ота маконимиз – Ўзбекистон истиқлолининг энг азиз, энг буюк неъмат эканлигини чуқур тушуниш, унинг аҳамияти бўлса минг асрлар силсиласидан-да кадрлироқ туйғулигини қалбда туймоқ – бугун ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам азиз фарз ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугунги умумхалқ байрамлари номини бирма-бир санаб кўрайлик. Жами тўққизта умумхалқ байрамининг нақ олтитаси – мутлақо янги замон, яъни Миллий Истиқлол маҳсули. Булар – Наврўз, Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ота маконимизнинг Қомуси, хурриятнинг ҳуқуқий ҳимоячиси ва ҳуқуқий тараққиёт пойдевори – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари.

Мавжуд байрамларимиздан фақат иккитасининг санаси эса ўша замонлардагидек қолиб кетган, холос. Моҳиятан бўлса улар ҳам мутлақо янги маъно-мазмун касб этган. Бу байрамларимиз – 8 март – Хотин-қизлар куни ҳамда Хотира ва кадрлаш кунидир.

Демак, амалда Янги йилдан бўлак бари умумхалқ айёмлари (айём арабча кун сўзининг кўплиги. Халқимизда байрам кунлари бир-бирини «айёмингиз кутлуғ бўлсин» ва «айёмингиз мубораю»

деб табриклашлари, кутлашлари одат тусига кирганлигини жуда яхши биласиз) – миллий Истиқлолимиз маҳсули ҳисобланади.

Бу фикр-мулоҳазаларимиз ўзи нимадан далолат беради?

Дунёкараш, тафаккур, демак, мафкурамининг ўзгаришидан!

«Мафкура» – арабча сўз. Янада ҳам аниқроғи, арабчадаги «фа-қа-ра» феъли негизида ясалган «тафаккур», «афкор» сингари шакллардан бири. Сўзларга асос бўлган «фа-қа-ра» феъли бўлса ўйламоқ, фикрламоқ мазмунини ифодалайди ва бизда ана шундай мазмунда ишлатилади. Демак, мафкура фикрламоқдир. Миллий мафкура эса миллатнинг фикрлаши, миллатнинг фикри демақдир. Инсон тирик экан, фикрлайди, тафаккур қилади. Зеро, у шунинг учун ҳам инсон. Унинг фикр кўлами, сифати, фойда-зарарлилиги бир хилда бўлмаслиги, ҳамма ундан бирдек қониқмаслиги ёхуд қониқиши мумкин. Бу – табиий ҳол. Нотўғри сўзни айтгани учун киши бемалол жазо топиши мумкин, аммо, нотўғри фикрлагани учун албатта завоқ топмоғи муқаррар эмас. Чунки, киши ўзининг фикрини сўзга айлантормаслиги, пайти келгунига қадар қалбида пинҳон сақламоғи ҳам мумкин. Бир сўз билан ифодаланганида, фақат юзага чиққан ҳамда чиқаётган фикрлар хусусидагина фикр юритиш мумкин. Мафкура қанча ранг-барангликка асосланса, у шунчалик қудратли ва ҳаётбахш бўлади. Зеро, ранг-баранглик – қарама-қаршилик, ҳаракат ва рақобат – тараққиёт муҳарригидир (яъни, унинг двигатели, мотори, яъни, юргизгичи ҳисобланади).

Одатда, ҳар қандай ўзбекнинг оиласида тантанали тўйлардан бир кун аввал кексайган, пир-бадавлат, нуроний отахонларни шу хонадонга чорлаб, ўзига хос бир хотирлаш маросими ўтказилади, бу дунёдан ўтиб кетган аждодларнинг руҳига бағишлаб тиловат қилинади. Она Ватан – Ота маконимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг Миллий Истиқлолимизнинг энг азиз, энг улуг каттакон тўйи арафасида ўтказилишида ҳам ана шундай ўзига хос ўта теран мазмун-моҳият ҳамда улкан ҳаётий фалсафа мавжуд.

Ўзингизга ҳам ўта яхши маълумки, арабча билмоқ, танимоқ, маърифат ҳосил қилмоқ маъносини англатувчи байрам, ҳайит ва бирор маросимдан олдинги кун арафа деб аталади. Арафа сўзи, одатда ўзидан олдинги ўта муҳим сана билан бирга ишлатилади.

Биринчи Президентимиз – Ислом Каримов Ота Ватан – Ота Макон – Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлолига эришган энг дастлабки вақтлардаёқ «асоссиз равишда қатагон қилинган кишиларнинг ор-номуси, кадр-қиммати ҳамда покиза номларини тиклашни» биринчи навбатдаги муқаддас бурч деб ҳисоблаганди.

2001 йил 1 майда қабул қилинган «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги тарихий фармонда бўлса мана шундай дейилган эди: «Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини ҳамда миллий анъаналаримизни ҳамда урф-одатларимизни чинакамига ҳимоя қилиш, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашда қурбон бўлган инсонларнинг хотираси миннатдор авлодларнинг ёдида абадий, мангу сақланиб қолади.

Мустабид шўровий тузум даврида эса миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини ва қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча оналар бева, гўдаклар эса етим қолганлигини тарих, бугунги ва келажак авлодларимиз ҳеч қачон унутмайди».

Биринчи Президент фармони билан қатагон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йилнинг 31 августи куни Мустақиллик байрами арафасида пойтахтдаги 2000 йилда очилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб кўйилди.

Шундай бир ибратли воқеа сираям ёдимдан кўтарилмайди. 2000 йилнинг 12 майида Тошкентнинг Бўзсув соҳилида Қатагон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш учун «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлаётган пайт эди. Айвонда Юртбошимиз билан йиғин ташкилотчилари, ёдгорликнинг атрофида бўлса биз – иштирокчилар тик турардик. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасини ёзган, шўро замони қатагонларидан ғоятда қаттиқ азият чеккан Мутал Бурҳоновга ҳам сўз берилди. Ўша пайтларда Мутал ака анчагина кексайиб қолган, Юртбошимиз ишорасига биноан келтирилган ўриндиқда кўзида ёш билан «ўткан кунлар»ни эслаб ўтирганди. Шунда Ислом Каримов айвондан илдам қадамлар босиб тушиб, Мутал акани қўлтиқлаганча зинадан олиб чиқиб, микрофон ёнига бошлаб келгандилар. Шунда икки ҳолатни чуқур ҳис қилгандим.

Биринчиси, Президентнинг чин инсонийлиги бўлса, иккинчиси, буюк аждодларимизга ва маънавиятимизга кўрсатилаётган беҳад даражада юксак ҳурмат-эътибор ва эҳтиром эди...

Советлар тузуми даврида жафокаш аждодларимизнинг бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «кулоқ», бири «комиссар», тагин бири «муштумзўр», яна қайси бири «йўқсил» деб ҳар хил қарама-қарши гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўроларнинг халкни «Бўлиб ташлаб, хукмронлик қилиш»и маккор ва палид усулларни ишга солиб, ягона бир миллатнинг вакиллари бир-бирига қарши тинимсиз қайраш, адоват, низоларнинг уруғларини тинимсиз сочиш воситасида амалга оширилган эди. Шу сабабдан ҳам бугун биз – Истиклол даври фуқарolari ота-боболаримизга ана турли хил шундай ранглар билан ажратиб ноҳақ баҳоларни бермаслигимиз, аксинча уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишимиз, баҳоламоғимиз даркор.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Баҳодир Абдуллаев ўша даврда бошига тушган кунлар ҳақида шундай хикоя қилади: «Отам раҳматли қатағонга учраб, Сибирга сургун азоб-укубатларини кўриб қайтгач, уйда туриш ҳуқуқидан маҳрум этилган ва Тошкентдан 120 километр нарида, Мирзачўлда яшаб, ишлашга мажбур бўлган эди. 1986 йил содир бўлган мудҳиш воқеа бутун оиламиз ва қариндош-уруғларимизни ларзага солганди. Укам фожиали ҳалок бўлди. Укамни дафн этган ўша кунимиз Марказқўмдан бир неча масъул ходим келди. Улар орасида мени жуда яхши танийдиган ҳамкасбларимизам бор эди. Укам – Абдурахим Абдуллаев эса ўша йиллари «Ленин учқуни» газетасининг бош муҳаррири вазифасида ишлаётган эди. Масъул ходимлардан бири ёнимга келиб, «Баҳодир ака, ўзингиз тушуниб турибсиз, жаноза ўқиманглар, илтимос, акс ҳолда, оилангизгаям, ўзингизга ҳам, ҳаммамизга жабр бўлади», деб қолди. Шунда мен аламимни ичимга ютиб, «Бунисини Онамдан сўранглар», дедим. Иккиланиб, отамнинг дўстлари-қариялар ёнига бордим. Уларнинг орасида масжид имоми, раҳматли Фозилқори ака ҳам бор эди, ёнларига ўтирдим, гапдан воқиф этдим. У киши тўғри айтибсиз, бу сизнинг жигарингиз, лекин фарзандингиз эмас, онангиз нима десалар, шу бўлади», деди. Шу пайт онамнинг фарёдига қўшилиб

Фозилқори аканинг тиловати эшитилиб қолди. Жанозага келган одамларнинг ярмидан кўпи титраб кетди. Шу аснода қабристонга бордик, у ерда ҳам шу ҳолат рўй берганди. Ўша масъул одамлар мурда кўмилаётган ердан 100 – 150 қадам нарида туришар, баъзи бирлари ўзларини четга олишар, қабристон бўйлаб тиловат овози эшитилиб турар эди» («Тафаккур», 2005, 1- сон, 5 – 6- бетлар).

Бу воқеа изоҳга муҳтож эмас. Одамлар бежиз кўрқишмаган. Чунки, диний қадриятлармизни чеклаш, мусулмонларни жаноза ўқиш эмас, коммунистчасига, яъни митинг уюштириб дафн этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Бундай кўрсатмаларга қарши чиққан кишилар сиёсий хатога йўл қўйган шахс сифатида шафқатсиз равишда жазоланган ва коммунистик партия сафидан чиқариб ташлаб, росаям сарсон-саргардон, сур-сур қилинган эди.

Даҳрийликнинг жазаваси шу даражага етиб борган эдики, ўз яқинлари жанозасига борганлар ҳам таъқиб қилина бошлаган эди. Биргина мисол. Ўз укасининг жанозасига боргани учун академик С. Йўлдошев Ўзбекистон компартияси XVI Пленумида муҳокама қилинган ва қораланган. «Яқинда бўлиб ўтган дафн маросимига бағишланган жанозада, – деб ёзилган эди ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси нашрларидан бирида, – ВАСХНИЛ (Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги фанлари академияси – Б. И.) академиги С. Х. Йўлдошев, уч фан доктори ва бешта фан кандидати қатнашган. Уларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир, бу масалада бошланғич партия ташкилоти, Киров район ҳамда Тошкент шаҳар партия комитетлари сукут саклаб турганлиги сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал (ижтимоий) жиҳатдан ниҳоят даражада хатарлидир».

Ўзингиз ҳам бир ўйлаб кўринг-а: ўз укасининг жанозасида қатнашиш, «сиёсий жиҳатдан зарарли» ва «ижтимоий жиҳатдан хатарли» деб баҳолангудек бўлса биз ўзимиз нима деган одамлар бўламиз-а?! Ва табиийки, бу сингари таҳдидлар жамиятимиздаги шундоқ ҳам мавжуд таҳлика ва саросимани янада кучайтирганди. Натижада, баъзи бир кишилар, асосан амалдорлар ўз ота-онаси ёки яқинлари оламдан ўтиб қолганида жанозага боришдан жуда кўрқиб, зудлик билан касалхоналарга етиб олганлар ёки ўзларини ўзлари мажбурлаб, тезда «хизмат сафари»га жўнаб кетган эдилар.

XX асрнинг саксонинчи йилларида эса ўша пайтдаги Фанлар Академияси президенти ва собиқ иттифоқ Фанлар Академиясига бутун шўролар тузуми даврида ҳақиқий аъзо сифатида сайланган ягона ўзбек олими – Обид Содиковнинг турмуш ўртоғи вафот этиб қолганида, дафн маросимидан қайтиб келинган, айнан ўша мотамзада хонадон ховлисида кимдир тўсатдан Қуръон тиловати бошлаб юборган эди. Шу аснода бу хонадонга шотирлари билан кириб келган Республиканинг ўша пайтдаги идеология раҳбари тиловатга қулоқ солиш, ўз рафикасидан жудо бўлиб, кўнгли роса ғамга ботган оламга машҳур, кекса олимга, отаси тенги нуроний инсонга таъзия билдиришнинг ўрнига тумонат одамнинг олдида унга жудаям қаттиқ даккини беришга тушиб кетган эди: «Это что такое?!.. Вей, ўртак, сиз ўзи аслида бизани академия наугимизани президентимисиз, или диний назоратни президентимисиз?!.. Чёрт побери! Хватит! Давай, прекрати!» (Зудлик билан тўхтатгин!)

Бу жуда қаттиқ дашномдан кейин эса кимё фани равнақига ўзининг 500дан ортиқ илмий асарлари, кашфиётлари, ихтиролари билан улкан ҳисса қўшган, жаҳонга танилган Обид Содиков ўша заҳотиёқ ишдан олиб ташланиб, оғир хасталикка чалиниб, орадан унчалигам кўп вақт ўтмасидан вафот этиб кетганди (Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Динлараро бағрикенглик – муваффақиятларимиз гарови. – Тошкент, «Сано-стандарт», 2013 йил, 55- бет).

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Дин насиҳатдир» китобда (Т.: «Шарқ» НМАК, 2006 йил, 144 б.) келтирилишига кўра: «Яқин ўтмишда Ўзбекистон комфирқасига мафкура бўйича котиба бўлган ўша аёл нималарни қилмади! У ўзича Исломни йўқ қилиб ташлаш ниятида катағон бошлаб, отаси ёхуд онасининг жанозасида қатнашган давлат хизматчиларини зудлик билан ишдан хайдаб юбориш амалиётини йўлга қўйди...

Вилоятлардан бирида бўлган котиба ўз одатича қабристонни бориб кўради. Алоҳида турган қабри кўриб, бу кимнинг қабри, деб сўради. Фалончи хожиники, дейилди. Шунда котиба туман комфирқаси биринчи котибига қараб: «У хожи бўлгани учун ҳам алоҳида кўмилган, қабр зудлик билан кўчирилсин! Мен яна келиб алоҳида текшираман. Агарда буйруғим бажарилмасдан, ўша қабр кўчирилмаган бўлса, сизни ишдан дарҳол хайдайман» – дейди.

Узоқ йиллардан буён тинч турган қабрни безовта қилиш бошланди. Қабрдаги кишининг кексайиб қолган фарзандлари қон йиғлаб қабристонни айланиб турдилар. Ўша қабрни кўчиришлари керак бўлган кишилар биринчи котибдан қабр устини текислаб, бошқа бир ерга сохта қабр қилиб қўяқолишни илтимос қилишди. Аммо, котиб раҳбарларидан кўркиб, ўша хожининг қабрини очиб унинг ичидаги суякларини зудлик билан олишни талаб қилди.

Эски қабрнинг ичидан озгина суяк чиқди, холос. Уни йиғи аралаш комфирқа котиб айтган жойга қайта кўмдилар» (45- бет).

Фақат бугина эмас-да. Ҳаттоки, «алла», «ялла» каби сўзлар «Аллоҳ» сўзидан келиб чиқмаганмикан, деган мутлақо беасос бир қарашлар ҳам ўртага ташланган. Бадий асарлардан Аллоҳ, Худо, охират каби дину диёнатга алоқаси бор сўзлар олиб ташланиши қатъий тарзда талаб қилинди. Бу ҳолатларнинг барчаси миллий қадриятларимиз, ота-бувалар асрлар оша эътиқод қилиб келган муқаддас ислом динини таҳқирлашдан ўзга бирор нарса эмасди.

Ақл бовар қилмас ҳаётий воқеалар ҳақида драматург Ҳайдар Муҳаммад қуйидагича ҳикоя қилганди: «Мархум академигимиз Комил Яшиннинг уйига борганимда жуда бошлари котиб ўтирган эканлар. Мен «Ҳа, Яшин ака, нима бўлди, бунча асабийсиз?» деб сўрадим. «Менга Машраб, Навоий, Бобур каби адибларимизнинг китобларидан «Худо», «Тангри», «Аллоҳ» каби динга алоқадор сўзларни олиб ташланг, деган топшириқ бўлди. Бу топшириқни қандай қилиб бажариш мумкин? Ахир, ғазалларни бузиб ташлаб бўладими? Менинг ҳеч нарсага ақлим етмай қолди», деб фиғони фалакка чиққан эди» («Ғафаккур», 2005, 1- сон, 7 – 8- бетлар).

Биз одатда «Қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир нисбатан торроқ бир маънода тушунадиган бўлиб қолганмиз. Бу ибора бўлса кўпгина ҳолларда ХХ асрнинг 30- йиллари иккинчи ярмида репрессия (қатағон) қилинган миллатимизнинг ижодкор зиёлиларига, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир, Исҳоқхон Ибрат ва Рафиқ Мўмин каби адабиёт ва санъат намояндаларига нисбатан қўлланилади. Ушбу хулосанинг замирида катта бир тарихий ҳақиқатам мавжуд, албатта. Бу улуг зотлар, ўз даврида миллати келажаги йўлидаги сазъ-ҳаракатлари сабабли, ноҳақ равишда қатағон этилган эди. Уларнинг қанчадан-

канча эзгу, улуг орзулари ушалмай қолган. Буюк сиймоларнинг ғоят фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимизнинг қалби (юраги, кўнгли, дили)да ҳамиша сақланиб қолади, улар ёди бўлса чексиз армонлар ила эсга, ёдга олинади. Лекин, «қатагон қурбонлари» деган тушунча аслида бундан анча кенг ва теравроқ мазмунга эга эканлигини ўзингиз ҳам биласиз.

Қатагон дегани мустамлакачилик, истибдод даврида, шўро замонида жуда ҳам чуқур ўйланган ҳолда бутун бир халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка мутлақо ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ҳамда бетиним кўрқитиш сиёсатининг энг асосий негизини ташкил этган эди. Буни бўлса биз ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Масалан, чор Россияси кўшинлари Ота юртимизнинг ҳозирги бошкенти бўлмиш – Тошкентни истило этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни аёвсиз қириб ташлаган эди, бева оналар, етим болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ё бўлмаса, 1916 йилги минглаб юртдошларимизни мардикорликка олишга қарши кўтарилган Жиззах ва Наманган кўзғолонлари шафқатсиз бостирилганидан кейин сургун, қатагон этилган аждодларимизни ҳам, ҳеч бўлмаганда, ўзингиз ҳам кўп бора тинглаган (раксга тушган эмас) «Қарғалар учса қарайлик...» кўшиғи орқали яна бир эсимизга олайлик. Уларнинг аксарияти чоризм тузумининг қамоқхоналари ва Сибирь сургунларида номнишонсиз равишда йўқ қилиб, уруғиям қуритиб юборилган эди.

Советлар тузуми даврида айбсиз одамларни қирғин қилиш, хўлу қурукни баравар ёндириб юборишдан мақсад ўзи нима эди? Бундай беқиёс даражада даҳшатли қатагон ва ажал тегирмони не сабабдан ишга солинган эди? Қандай мақсадда компартия ўзини ўзи қирғин қилган эди? Ўша Ленин учун ҳам, Сталинга ҳам бу одамхўрликнинг қандай нафи, фойдаси бўлган каби саволларга тарихчи, сиёсатшунослар, файласуфлар томонидан турли-туман, ва ҳатто, бир-бирига буткул зид бўлган қатор жавоблар мавжуд.

Ўртага мана шундайин ниҳоятда мураккаб саволлар тушган паллада, беихтиёр, ўзингиз ҳам жуда кўп бора ўқиган ва эшитган Эзопнинг «Бўрилар ҳийласи» номли масали ёдга тушади:

«Бўрилар қўйларга хужум қилмоқчи бўлардилар-у, подани садокатли итлар қўриқлаётгани туфайли бунга ҳеч журъат қила

олмасдилар. Бир куни бўрилар ўз орзу-мақсадларига ҳийла билан етмоқчи бўлдилар. Қўйларга махсус элчи юбориб, итларни тутиб беришни таклиф қилдилар. Бўрилар қўйларга шуни айтдиларки:

– Орамиздаги адоват фақатгина шу итлар туфайлидир. Агар уларни бизга йўлини топиб тутиб берсангиз, сизу биз тинч-тотув яшайверардик!.. Оқибатини ўйламаган қўйлар эса бу гапга лаққа тушиб, ўзларини кунни кун, тунни тун демай қўриқлаб юрувчи итларни ғанимларига тутиб бердилар. Бўрилар эса энди мутлақо ҳимоясиз қолган қўйларни ниҳоятда осонлик билан махв этдилар.

Алкисса, ўз даҳоларини ҳеч қаршиликсиз ғанимларга бериб қўядиган халқнинг душман асоратига тушишиям осон бўлади»...

Ўз ҳукмронлигининг энг дастлабки давридаёқ иқтисодиётга раҳбарлик қилишга ноқобиллиги аён бўлиб қолган большевиклар агитация ва пропаганда воситасида камбағалларни, люмпенларни ва пауперларни – қашшоқ, фақирларни мулкдор, тadbиркорлар ва бойларга қарши гиж-гижлаб, тарихда мисли сира ҳам кўрилмаган ҳасад ва нафратнинг оловини ёкиб юборишга муваффақ бўлган эдилар. Камбағаллар фақирлигига, энг аввало, уларнинг ўзи эмас, бойлар асосий сабабчидир, айнан ўша лаънати, қутирган бойлар уларнинг иш ҳақи (кўшимча қийматни) астагина, сездирмай уриб қолиб, семизликдан ўз терисига сира ҳам сизмай кетмоқда, деган марксистик дунёқараш эса миллионлаб қўли гул ишбилармонлар ёстиғи бутунлай қуришига, уларнинг болалари бўлса етим (сағир) хотинлари бева (есир) қолиши, мамлакат иқтисодиётининг жуда ҳам қаттиқ вайрон бўлиши, одамлар онги ҳамда дилидаги эркин, мириқиб қилинадиган меҳнат ташаббусиям аста-секинлик билан сўнишига, ўтда куйиб кул бўла бошлашига олиб келган эди...

Бир золим подшоҳ ўз зулму залолати учун халқидан ўлгудай кўрқар экан. Бир мусофир бу мамлакатга келибди-ю, дуч келган жойда: «Агар тузукроқ ҳақ тўласа мен подшоҳга ўзининг ҳар бир фуқаросининг ўй-хаёлида нима борлигини билиб олишни ўргатиб қўйган бўлар эдим», – деб гапириб юрибди. Бунақа гап-сўзлар эса қулоғига ҳам етиб борган подшоҳ уни ўз ҳузурига чорлабди ва:

- Қани ўша сирни ўргат, мен айтганингни бераман, – дебди.
- Подшоҳим, аслида ҳеч қандай сирнинг ўзи йўқ, сиз менга

дурустроқ ҳақ тўлаб, «Мен мусофирга мунча пул бериб одамлар кўнглида нима борлигини бехато билишни яхши ўрганиб олдим», деб овоза қилинг. Буни эшитган одамлар бўлса сиздан аввалгидан баттарроқ даражада кўрқиб, ваҳимага тушиб, оқибатда эса янада иззат-хурмат қила бошлайдилар, – деб жавоб қилибди мусофир.

Ўша подшоҳ зудлик билан унинг айтганини қилибди, унинг фуқаролари бўлса «Подшоҳ бизларнинг ҳаёлимиздаги гапларни билиб қолмасин» деб оғизларини очмайдиган бўлиб қолишибди...

Ривоят: Қадим-қадим, янада аниқроқ ифодаляйдиган бўлсак, яқин ўтган замонда шохлардан бири ақл-заковат, билимдонликда менга сира тенг келадигани йўқ, деб ҳисоблаб ўзини бир курраи замин аҳлига кўрсатиб қўйиш, қойил колдириш нияти, мақсадида вазирларига, айниқса Ички ишлари вазирига мамлакатдаги барча соҳадаги ақлли, зукко, доно кишиларни ўз суҳбатига чақирибди фармони олий бевворибди. Олиму фузало, шоиру шуаро, ҳакиму ҳукамо, ва хуллас, бепоён юртдаги ўз соҳасининг ном чиқарган, элга беҳад машҳур кишилари борки, барчасини ўзининг саройига жамлаб олибди. Ҳар бир иштирок этувчига ўзи истаган фикрини ва мулоҳазаларини бемалол, кўрқмай, ҳайикмай айтиш ҳуқуқини ҳам берибди. Голиб чиққан кишиларга Салтанат қаҳрамонлиги унвони, ҳар хил орден-медаллар ва Давлат мукофотлари, уй-жой, совға-салом, автомобиллар беришни ваъда қилиб юборибди.

Савол-жавоб ҳам бошланибди. Биринчи галда подшо гапни илмда ҳалига қадар ечилмаган, жамият ишларида эса ҳал қилиш мушкул-мураккаб, деб ўзича ўйлаган масалалардан бошлабди. Не кўз билан кўриб, ва не қулоқлари билан эшитсинки, не-не чалкаш саволларни бермасин, йиғилган олим ва фозилларнинг ҳар бири таҳсинлар, қаттиқ чапаклар ва жуда гулдурос қарсақларга сазовор бўлиб, подшоҳ саволларига аниқ-тиниқ жавобларни бераверибди.

Голибларга олий мукофотлар, совға-саломлар ваъда қилган ўша ҳукмдор ўзининг илмда ҳам, тадбиркорликда ҳам ожизлиги, ношудлиги, жуда кўп нарсаларни ҳали билмаслигини сезиб Ички ишлар вазири олдига чақирибди-да, унинг қулоғига ниманидир аста шивирлабди. Вазир бўлса қуллуқ қилиб, қабулхонадан секин ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетибди. Савол-жавоблар жараёнида

иштирок этган фозилларнинг юзларида бўлса олинажак мукофот илйижда чексиз қувонч, бекиёс тарздаги шодлик акс этган экан.

Бироздан кейин эса халиги вазир кабулхонага кайтиб келиб, подшонинг ёнида туриб, қўлидаги оқ қоғозга битилган рўйхатга қараган ҳолда голиблар номини айтиб, уларни бирма-бир зиёфат хонасига ҳурмат-эҳтиром билан таклиф қила бошлабди... Орадан эса соатлар ўтибди, кунлар ва ойлар ўтиб кетибди. Улардан бўлса мутлақо дарак бўлмабди. Ўша шоҳона зиёфатга таклиф этилган инсонларнинг биронтаси ҳам ўзи беҳад хурсандлик билан кириб кетган хонадан орқасига кайтиб чиқмабди. Чунки, айнан худди ўша ижодкор, олимлар ва доноларнинг бирма-бир ҳаммаси боши танасидан жудо қилинган (қатагон (репрессия) қилинган) экан...

Мавриди келиб колгани боис, «Оила давраси» газетасининг 2017 йил 29 июндаги 29- сонидан босилган украин ёзувчиси Павло Добрянский каламига мансуб, кўчма маънода кўрилатган масала билан бевосита боғлиқ «Ҳурмати жойига қўйиш» сарлавҳали ниҳоятда ибратли бир битик билан ҳам танишиб олсак-да, ундан сўнг суҳбатимизни келган жойидан яна давом эттираверсак:

«Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини унчалигам татимаган митти куёнча ўтлоқда момақаймоқ ўтларни чимдиганча мириқиб, ўзича шўх-шодон ўланни айтиб, маза қилиб сақраб-сақраб юрар эди:

– Уйланишни хоҳлайман, қувонишни истайман...

– Менга қара, ҳой гилай! – дебди бўривой буталар орасидан калласини чиқариб. – Сен галварс кўриқхонада тинчликни бузиш қонун билан тақиқлаб қўйилганлигини эсингдан чиқардингми?!

– Вой! – деди куёнча, бўрининг сираям кутилмаган турқидан ҳуши бошидан учиб. – Мен амакижон, аста-секин айтяпман-ку.

– Яна ўзини оқлайди-я, зумраша! – деди қари бўри яқинроқ келиб. – Жуда бебош бўлиб кетгансанлар... Эй, қалтирама! Ўлим олдидан ўзингни сал-палгина мардларча тутсанг-чи! – хириллади у ва ўша куённинг калласига оғир панжаси билан бир туширди.

Куёнча умбалок ошиб тушди ва бўривойга ялиниб-ёлворди:

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, мендай бир ақлсиз куёндан қанчайм егулик чиқарди? Ўзим кўзим билан кўрдим. Анув тоғнинг ортида бутун бошли кўйлар подаси ўтлаб юрибди. Бу ердан унчалик узок эмас. Ўша кўйларнинг ён-атрофида эса бирорта ҳам чўпон йўк...

– Овозингни ўчир! – деди бўри ва уни янада каттиқроқ урди. Берилган зарба оқибатида, куён ўша заҳотиёқ жон таслим қилди.

Бўрининг ёнига эса шериклари чолиб келишди. Биргалашиб куённи ғажиб ташладилар, аммо унинг гўшти уларнинг ниҳоятда оч қоринларига урвоқ ҳам бўлмади ва ўртага маслаҳат солдилар:

– Балки, ўша куён айтган тоғнинг ортига ўтиб кўрармиз?..

– Яхши биламиз, куёнлар ростданам ҳақиқатгўй бўлишади...

Чиндан ҳам куёнча тўппа-тўғри гапирган эди. Беҳад шоҳона базми жамшид бўлди. Чўпонсиз қолиб кетган бечора қўйларни тиркиратиб қувиб, ғажиб қорни тўйиб, дўмбирадек шишиб кетган бўрилар ўрмонга судралиб қайтиб келиб, буталар тагига чўзилди.

Қари бўри шерикларига қарата оғир хўрсиниб қўйди:

– Нима десанглар денглар-у, мен шўрлик куёнга ачиняпман. Ҳали ёшгина эди-я, раҳматли. Бунинг устига эса, тўғрисўз экан.

– Мен ҳам, – деди тагин бир бўри панжасини астагина ялаб. – Инсоф билан айтадиган бўлсак, у аслида тўғри гапирган экан...

– Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, ўрмонда беозоргина бўлиб, ўзининг Худо берган ризқини териб юрган эди-да у бечора, – дея қари бўри панжаси билан намланган кўзини астагина артди.

– Буёғига ачинишни бас қилинглар – катталарнинг гапларига аралашди энг ёш бўрилардан бири. – Энди кўз ёшларидан нима фойда. Ундан кўра, бечора ҳақиқатгўй номини абадийлаштириб, руҳини шод қилиб, ҳурматини ҳам ўз жойига қўйишимиз керак...

Еганидан қорни ўта таранглашиб кетган кекса бўри тўдаси кўз ёшлариниям оқизганча куён жон таслим қилган жойга борди. Улар авайлаб ўрмон қаҳрамонининг суяқларини йиғиб кўмдилар ва дарё тошларидан сағана тикладилар. Энг катта тошга эса мана шундай дея беҳад ўткир тирноқлари билан ўйиб ёзиб қўйишди: «Ҳақиқатгўй куёнвойга ёдгорлик. Содик дўстларидан!..»

Шу сабабдан Шўро замонида заковатли совет кишисининг беш муқаддас қондаси айнан қуйидагилардан иборат бўлган эди:

1. Ўйлама.

2. Агар ўйласанг, гапирма.

3. Агар ўйласанг ва гапирсанг, ёзма.

4. Агар ўйласанг, гапирсанг ва ёзсанг, имзоингни қўйма.

5. Ўйласанг, гапирсанг, ёзсанг ва имзо чексанг, ажабланма.

Оммавий қатағонларни эса Шўро тузумининг ибтидосидаёқ большевиклар доҳийси Владимир Лениннинг айнан ўзи бошлаб берган эди. Рус ёзувчиси Максим Горькийнинг ўша пайтларда Тошкентда чоп этилган «Туркестанские ведомости» газетасида эълон қилинган бир хатида большевиклар раҳбарлари халқни ўз ортидан эргаштириб мамлакатда қонли жанжалларни ҳам бошлаб юборгани ва ҳокимият деспотизмни ҳар жиҳатдан оқлаётганлиги кўрсатилганди. Ёзувчи улар котиб қолган ақидаларнинг қулига айланиб қолганликлари ва ленинчилар ўзларини гўёки император Наполеон сингари бежазо ҳис этиб бутун мамлакатни хонавайрон қилаётганларини сираям яшириб ўтирмасдан, ошқора айтган эди.

Совет давлати шаклан-моҳиятан тоталитаризмга асосланган эди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўлатўқис назорат қилиш, демократик ташкилотларни бетиним тарзда таъқиб этиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, оила, гуруҳ, ижтимоий қатлам ва тоифаларнинг манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими асосида шаклланадиган давлат тузуми одатда «тоталитаризм» атамаси орқали ифодаланади.

Америка адибаси Эйн Рэнд таъбири билан ифодаланганида, «Инсонни фикрсиз бир қулга айлантирган ёхуд унинг меҳнат самарасини тортиб оладиган, эркин тафаккур қилишдан маҳрум этадиган ёки ақлга зид ҳаракатларга ундайдиган жамият, мавжуд қонунлари билан инсоннинг табиий талаб-эҳтиёжлари ўртасидаги қарама-қаршилиқни келтириб чиқарадиган жамият асли жамият деб аталишга асло арзимаيدди. У – жинойатчиларнинг тўдаси ёки оломондир. Барча инсоний қадриятларни нест-нобуд қиладиган бунақа жамият фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай жамият фаровонлик манбаи эмас, балки инсонлар ҳаётига хавф солувчи улкан офатдир. Шу сабабдан ҳам, Совет иттифоқида ёки фашистлар Германиясидек мамлакатда яшагандан кўра кимсасиз оролда истикомат қилмоқ инсон учун минг қарра хавфсизроқ».

Большевиклар – советларнинг қатағон қилиш сиёсати ҳамда амалиёти совет ҳокимияти куролли тўнтариш, террор воситасида ўрнатилган кунидан бошланиб, у то СССРдек «қизил салтанат» бутунлай парчаланиб кетгунига қадар ҳам давом этаверган эди.

Қатағонлар, давлатнинг терроризм ҳамда экстремизми совет жамиятининг сира ҳам ажралмас таркибий қисми, унинг табиий йўлдоши сифатида бўлса ўзини очикдан-очик ва шаффоф намоён қилганди. XX асрнинг 30- йилларига келиб, бу мудҳиш сиёсат ўзининг юқори нуқтасига етиб келганди. Бу даврда «собиклар», «қўпоровчилар», «зараркунандалар», «қулоқлар», «жосуслар» ва «халқ душмани» сингари асоссиз тамғалар босилган миллионлаб бегуноҳ инсонлар киргинлар тегирмонига ташлаб юборилган эди.

Шўролар давлати томонидан 1930 йилнинг 6 апрелида қабул қилинган махсус йўриқномага биноан, ҳаттоки «меҳнатга яроқли эркаклари бўлмаган тул хотинлар оиласи, етим-есир, ногиронлар, ҳарбий хизматчилар оилалари хўжалигида атиги битта бўлса-да, доимий ишчидан фойдаланган»лиги учун ҳам қулоқ хўжалиги деб ҳисобланаверган эди. Бунинг устига ўша машғум замонларда ўзига тўқ, тадбиркор ўзбек деҳқонларини қулоқ қилувчиларнинг аксарияти маҳаллий халқларнинг тилини мутлақо тушунмас эди. Баъзи бир қишлоқларда тугатилган хўжалик аъзоларининг чопон, чойнак, пиёла ҳамда оддийгина рўмолчалари, Чиноз туманининг Яллама қишлоғида эса ҳатто аёлларнинг кўйлаклари ҳам тортиб олинган. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида бузилиш, ҳаддан ошишлар оқибатида юртимизнинг деярли ҳамма ҳудудида советларга қарши оммавий чиқишлар, ғалаёнлар юз берган эди.

Архив манбаларига кўра, Чуст – Поп райони Мозор қишлоғи аҳолисидан 300 киши жамоалаштиришга қарши чиқиб, «аввало савод чиқариш даркор, ундан кейин колхоз қуриш керак», деган талабни кўйгандилар. Чортоқда 1930 йил 1 мартда колхоз котиби жамоага киришни хоҳламаган деҳқонларни кўрқитмоқчи бўлгани сабабли оммавий чиқиш рўй берганди. Гўртепа қишлоғидан 500 кишилиқ оломон районнинг маркази Косонсойга бориб, асоссиз равишда қамалган кишиларни озод қилиш талабини кўйганлар. Ўша оммавий қатағонлар замонида оддийгина бир савол учун ҳам бошдан ажралиш ҳеч гап эмасди. Масалан, Ховос туманида бир деҳқон жамоалаштириш масаласига бағишланган мажлисда «колхозда хотинлар ҳам умумлаштирилади деганлари тўғрими?» деган саволни берганлиги, 1931 йил 14 майида Асакада «Қизил ботир» колхозини аъзоси «Мана, советлар ҳокимияти... аҳолининг

тинч-осойишта ҳаёт кечиришига йўл бермаяпти, тез орада катта ўзгаришлар бўлади», дегани учун ўша захотиёк камоққа олинган эди... 1953 йилда Сталин вафот этгач, радиокарнайлар «дохий» билан видолашув репортажини бериб борган. Сўнгги видолашув учун барча кишилар тик туришга мажбурланган. Наманган шаҳри 22- мактаб директори Боймирза Мирзаев оғир касал бўлишига қарамасдан, колхоз радиоузели ёнига келиб, оммага қўшилган. У беҳол бўлиб туришга ярамай, дарахтга суяниб ўтириб қолган. Бу «оғир жинояти» учун директор «улуг дохийга» ҳурматсизликда айбланиб, бор-йўғи (?) 6 йил камоқ жазосига ҳукм қилинган эди...

Қатагон, жабр-зулмлар ҳақида гап кетган чоғида, энг аввало, оёғида чорик, эғнида якак, бошидаги дўпписини белбоғ билан боғлаб, кетмонини елкасига ташлаб олган, бутун умри мобайнида қора меҳнатдан бошқа бирон-бир нарсани билмаган, оддийгина, беозор ва захматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр кўз олдимизга келади. Бу қатагоннинг қурбонлари ҳақида гапирилганда, уларни юксак ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олинган пайтларда фақатгина «Шаҳидлар хотираси» мажмуи баланд қаддини кўтарган Бўзсув канали соҳилларини эмас, балки Фарғона водийси, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхоннинг бепоён заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, бутун Ўзбекистонни ўзимизга аниқ-равшан тасаввур қилишимиз ва ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатагон этилганини, қамоқхоналар ва сургунларда уруғи қуритиб юборилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор.

1999 йил 12 майида эълон қилинган фармойишда «шўролар тузуми даврида қатагон қурбонига айланган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, улар ҳаётини ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини ўрганиш» зарурлиги масаласи алоҳида кўрсатиб ўтилган. «Ватан ва халқ озодлигининг йўлида қурбон бўлган фидойиларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» махсус қарор ҳам қабул қилинган.

Ушбу қарорда мустамлакачилик даврида қатагон қилинган ватандошларимиз номини номма-ном аниқлаш, Ватанимиз учун шаҳид бўлган юртдошларимизнинг номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдли «Қатагон

курбонлари» хотира китобини яратиш ва шунингдек, хориждаги турли архивлар, музейлар, кутубхоналар, бошқа илмий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш, ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир чет элларда мавжуд манбаларни топиш ҳамда уларни ниҳоятда синчиклаб ўрганиш мақсадида илмий экспедицияларни ташкил этишдек ўта муҳим фаолият йўналишлари ва вазифалар ҳам белгилаб қўйилган...

Ота маконимиз – Ўзбекистонда миллий истиқлол ва миллий озодлик ниятида олиб борилган курашларга раҳнамолик қилган миллатимиз фидойилари дастлабки қатагон тўлқини ва бўронига тўқнаш келган эдилар. Аждодларимизга ўша замонларда, ҳозирда умумтаълим мактаблари ўқувчиларига жуда ҳам яхши таниш бўлган «18лар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик» ва «Бадриддиновчилик», «Ботир гапчилар», «Кўр каламушчилик» деган асосиз равишдаги қора сиёсий тамғаларни босилган эди.

Ўзбек халқининг жаллодлари ўз югурдаклари – малайларига турли-туман қурилишларда текин ишлатиш учун ишчилар керак бўлиб қолган чоғларда «қамокқа олиш мақсадида ҳатто адреслар бюроси ёхуд сайловчиларнинг рўйхатини олволиб, навбат билан қамашга киришилиши керак», деган топшириқлар берган эдилар. Айбдорларни излаб топиш ва қамокқа олиш бўйича социалистик мусобақа ҳам ўтказиларди. Хоразм вилояти ички ишлар хизмати бўлим бошлиғи Ференц деган кимса бир ой мобайнида «бори-йўғи» 60 кишини қамокқа олганида, марказдан «бу иш эмас, гирт дангасалиқдир» деган қаттиқ дакки эшитган эди. Дреник Алпресян бошчилигида тузилган «учлик» учун инсон тақдирининг қиммати бирор чақага ҳам арзимасди. Ўша пайтларда «Жиноий ишлар»ни кўриш учун эса 1 дақиқадан 3 минутга қадар вақт ажратилар эди, холос. Ҳар бир мажлисда 500 – 600тагача иш кўрилиб, шунча одамларнинг тақдири қатагончиларнинг оддийгина қора қалами ё сиёҳи томиб турган ручкаси билан ҳал қилиб юборилаверар эди...

Қуйидаги фожеали воқеа ҳақида эшитсангиз ёки ўқисангиз, ҳозирги замонда кулишни ҳам, ва йиғлашни ҳам билмай қоласиз: XX аср 30- йилларида Самарқанд вилоятида тарвуз уруғининг янги сорт (нав)лари ҳақидаги муҳим маълумотларни Англиянинг агентларига бериб юборишда айбланиб, 100лаб одамлар зудлик

билан камокқа олинганди. Ваҳоланки, тарвузларнинг янги сорти (нави) сира ҳам сир сақланган эмасди, ва, бундан ташқари бўлса, ўша замонларда Англияда умуман қовун-тарвуз экилмасди.

Беҳад машғум қатағон йилларида терговчилар томонидан «Айбланувчининг иқрори – исботнинг маликасиدير» деган ўрта асрларнинг ниҳоятда ёвуз қоидаси қўлланар эди. Айбланувчилар ваҳшиёна равишда калтакланар, бирон соғ жойи қолмаган, чала ўлик ҳолатига келтирилар эди. Иш шу даражага бориб етганки, айрим одамлар камокда ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида бир-бирларига, кўни-кўшнларига ва касбдошларига тухмат қилиб айғоқчилик билан ҳам шуғуллана бошлаганлар. Баъзи ҳолларда одамлар бир-бирларидан аввалги гина ва адоватлар учун ҳам ўч олиб, тухмат қилардилар. Тухмат учун эса унчалик бош қотириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Ноилож қолган айбланувчилар ўзларига ҳам тухмат қилаверар, дастлабки терговда берган зўрма-зўраки «иқрорларини» суд жараёнида рад этган ҳолларда эса Суд ва НКВД (ички ишлар халқ комиссарлиги – Б. И.) ходимларининг буйруғи билан «ҳақиқатни» тиклаш учун яна терговга қайтарилар эди. Натижада, беайб инсонлар ўзлари мутлақо қилмаган, сира ҳам дахли бўлмаган жиноятларига ҳам иқрор қилдирилар эди.

Ҳали тергов ва суд жараёнлари кетаётган пайтнинг ўзидаёқ жамоатчиликнинг фикри тегишли равишда партиявий оммавий ахборот воситалари орқали сиёсий ишловдан ўтказилар эди. Суд жараёни бошланмасдан турибоқ Шўро замонининг марказий ва маҳаллий газеталарида: «Қутириб кетган итларга ўлим!», «Қабих ниятчилар фош қилинди!», «Хорижнинг манфур айғоқчиларига лаънат!», «Шонли НКВД ишларига тасанно!» ва шуларга ўхшаш сарлавҳали мақолалар тез-тез кўрина бошлар, ва ҳатто, «Қириб ташлансин!» деб номланган ва мана шу қабилдаги «социалистик реализм»га асосланган даъваткорона шеърлар ҳам ёзилар эди.

Жафокаш халқимиз неча асрлар давомида не-не беҳад оғир синовларни, машаққатли кунларни кўрмади. Ўзининг озодлиги, эркинлиги ва тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонларни берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан сираям ўчмайди. 1937 – 1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги «Учлик»лари томонидан 41 мингдан

зиёд кишилар камалган. Улардан 37 мингдан кўпроғи судланган, 6 минг 920 ватандошимиз эса отиб ташланган эди. Улар орасида эндигина 32 ёшга кадам қўйган, адабиёт, журналистика соҳасида дастлабки ишлари билан элнинг оғзига тушган Наманган шаҳар совети ва шаҳар ижроия кўмитаси «Ударник» газетаси масъул муҳаррири Асил Мансур, Паромоннинг асл зиёлилари – падари бузрукворим Робиддин Исҳоқовнинг она томонидан боболари, яъни Хуринисо бувимнинг оталари – Мулла Ғофур Домлажонов, амакиси Мулла Камолиддин Қозоқ ўғли, Мулла Рустам домла сингари улуг, номи эл тилидан ўчмаган инсонлар ҳам бор эди...

Ўша кезларда Ота юртимиз – Ўзбекистон тақдири шўролар салтанатининг бошкенти – Москвадан атайлаб юборилган Дреник Аapresян, Леонов-Немировский, Агабеков, Сорокин, Блинков ва Мильчаков сингари минглаб жаллодларнинг қўлида бўлган эди.

Машъум 1937 – 1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур қилишимиз учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг кишининг қатагон домига ташланиб, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланганини эслашнинг ўзигина кифоя қилади. Инсоний кадр-қиммати ўта топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилаётган деярли барча миллатлар ва элатлар вакиллари мавжуд эди. Мана шу даврда қанча-қанча одамлар оиласи, қариндош-уруғларидан буткул жудо бўлганлиги, аёллар беваликка, гўдаклар эса етимликка маҳкум этилганини инобатга олгудек бўлсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси ҳам янада кенгроқ, теранроқ ва яққолроқ намоён бўлади.

Айбсиз айбланган, қонунсиз ҳибсга олинган, терговларнинг азобини чеккан, ноҳақ ҳукм этилиб, ўз юртидан жуда ҳам олисга жўнатиб юборилган «халқ душмани» тамғаси босилган миллат фидойилари асл ҳақиқат рўёбга чиқишига ишонгандилар, юқори партия, совет ва маъмурий органларга, ва ҳаттоки ўша «халқлар доҳийси» Сталиннинг шахсан ўзигаям аризалар билан мурожаат қилганлар. Аммо, бу аризаларнинг аксарияти йўлда қолиб кетар, мансабдор шахсларга етиб бормас, архивларга топширилар, қоғоз чиқиндилари сифатида саватчаларга ташлаб юбориларди. Хатлар эгалари бўлса ойлаб, йиллаб интиқлик билан юқоридан ижобий жавобни кутардилар. Кўпгина маҳбус ва маҳкумлар ўша жавобни

ҳам кутмай, шафқатсиз қийнок азобларига дош бера олмай, руҳий тушқунлик, оғир хасталиклардан лагерларда ўлиб кетар эдилар.

Озодлик йўлида қурбон бўлганларнинг ортида қон қақшаб қолган оилалари, фарзандлари, қариндош-уруғларининг бошига тушган мусибат, хўрлик, алам, моддий ҳамда руҳий эзилишларни тасаввур қилишнинг ўзи ҳам ниҳоятда оғир. Ўзбекнинг биринчи профессори Фитрат домланинг қизи Севарага ва қатағон домига тушганларнинг ота-оналари, хотинлари, эрлари, ака-сингиллари, фарзандларига «Халқ душмани оиласи аъзоси» деган кишиларни тинимсиз таҳқирловчи ном берилган. Бунақа тамғага дуч келиб қолган одамлар ҳар қандай инсоний ва фуқаровий ҳуқуқлардан буткул маҳрум этилган, улар улкан шўролар салтанати худудида ҳар қадамда оломон тарафидан хўрланиб, оёғости қилинган эди...

Қатағонларнинг сўнгги босқичи Ота Маконимизда XX аср 80- йилларида «Пахта иши» ёки «Ўзбек иши» деган шаклда содир бўлганди. Бугунги кунда ундан ва унинг оқибатларидан бутунлай беҳабар ўзбекнинг ўзиям орамизда бўлмаса керак.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг стратегик аҳамиятга молик «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида жуда ҳақли равишда таъкидланганидек, «Қарийб 150 йиллар давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин, ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини ва ўзлигини йўқотмади. Тили ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллати ва халқи қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарварлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовида янадаям кучайиб, товланиб борган мустаҳкам иродаси ва иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, шу билан бирга, миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди».

Бугунги кун кечага таяниб яшайди, эртага бўлса, турган гап-ки, айнан бугундан бошланади-да. Бугун Миллий Истиклол шарофати ила амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлардан бири «Шаҳидлар хиёбони» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи баркамол авлод порлоқ келажаги учун холис хизмат қилмоқда. Ёшларимиз онгу шуурида эса истиқлол йўлида қурбон бўлганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам мухрланмоқда. Кечаги кунларнинг сабоқларини ва халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Агар Хотира бўлмас экан, қадрлаш ҳам, турган гап-ки, мавжуд эмас. Ушбу тушунчалар мустақиллик даврининг янги бир авлоди учун ўзига хос юксак маънавий қадриятга айланиб бўлди.

Аслида, ўлим деганимиз ҳам яшашнинг ўзига хос бир тури ҳисобланади. Агар биз мазористон оралаб юргудек бўлсак, сон-саноксиз қабрларга дуч келамиз-да. Марҳумларнинг бири тирик эканлигида эҳтимол бой бўлгандир, бири эса камбағал, қашшок бўлгандир. Лекин, уларнинг барчаси тенг бўлиб ётади. Халқ эса кимнингдир қабри ёнида туриб, яхши гаплар ва ёруғ хотиралар билан тилга олади, ҳамдам-ҳамсуҳбат бўлган пайтларини эслаб фахрланади, жуда миннатдор бўлади, шундай олижаноб инсонлар билан замондош бўлгани учун шукроналар билдиради... Марҳум учун бу ҳам яшашнинг бир тури эмас-ми? Иккинчи қабр ёнидан бўлса халқ бепарво ўтиб боради... Нега? Чунки, бу қабрда ётган одам фақатгина ўзи учун яшаган, ҳеч кимга яхшилик қилмаган, хайру савобга интилмаган, халққа сира ҳам қайишмаган, аксинча, улуғларни ўз манфаати йўлида сотиб юборган. Шунинг учун халқ унинг қабри ёнида тўхтамайди, тўхтаб эслагудай иш қилмаганда! Бу ҳам марҳумнинг кимлигини белгиловчи бир баҳо эмасми?! Гарчи қатагонга дуч бўлсалар-да, халқнинг меҳрига мойил бўлган инсонлар бўлса мангуликка дахлдордир... Ахир хар беш-ўн йилда уларнинг таваллуд саналарни нишонлашлар бекоргами? Бундай инсонларнинг шон-шарафли ва шавкатли ҳаёти ҳамда фаолияти неча-неча авлодларга ўрнак-намуна бўлиб хизмат қилажак ҳали...

Одам барҳаёт экан, ўзининг иккинчи умри қандай бўлишини билмайди, буни кўпинча тасаввур ҳам қилолмайди. Иккинчи умр

роstdан ҳам қандай бўлади? Бунга фикрловчи, ўйловчи инсонлар бефарқ қарамайдилар. Диний тушунчали кишилар буни охират деб атайдилар. Ўзларини охират ҳаётига тайёрлаб борадилар.

Лекин, мутлақ ҳақиқат шундаки, иккинчи умр деганлари мавжуд. Ва ҳеч ким ундан ҳеч четдамас. Дунёвий умр деганлари бу – амаллар, ухровий иккинчи умр бўлса бу – оқибатлардир. Охират ҳам бошдан охир – оқибатдан иборат. Одам боласи барча амалларининг оқибатини ўз иккинчи мангу умрида кўради. Бари оқибатлар руҳоният пардаларига чулганган бўлади. Одамлар бир-бирларига охират ободлигини тилайдилар. Бу ҳаёт ҳикматидан келиб чиқадиган беҳад эзгу орзу-тилаклардир. Киши тириклигида катта боғ яратган, шаҳарлар қурган, ўз элининг озодлиги ҳамда фаровон ҳаёти учун жонини қурбон қилган, халқининг ишини, яшашини ўз ақл ҳикмати билан осон қилган бўлса, одамлар доим шу йўллардан ўтиб борарлар, бу кўҳна шаҳарларда эмин-эркин истиқомат қиларлар, ўша боғларнинг турфа мевалар тотарлар ва алқаб дуо қиларлар – одамнинг иккинчи умри мана шу дуолардан файзу шукуҳ топар, дуолар етти пуштингизгача соябон ва ҳамроҳ бўлади. Айнан хотира ва дуолар билан алқанган ва ёрлақланган умр эса бу – инсоннинг иккинчи ухровий умри ҳисобланади.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид ДАВРОНнинг «Хотира» сарлавҳали шеърини, шошмасдан, биргалашиб ўқиймиз:

*Хотира бор экан, тирикдир миллат,
Тирикдир ифтихор, тирикдир зурур.
Хотира – элни халқ этувчи қудрат,
Хотира – эртани ёритувчи нур.*

*Ҳатто майсанинг ҳам хотираси бор,
Майса хотираси – нурга интилмоқ.
Кўкарса иккига бўлиб ташлайди
Йўлнинг ўртасида турса ҳатто тоғ.*

*То қуёш осмондан порлаб тураркан,
Замондай мангусан, эй, она халқим!
Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга,
Баҳо бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли!*

Ботир Эргашев эса, хотирага мана бундай таърифни берган эди:

*Хотира – ўтмишнинг қайтиши деган –
Нафис ташбеҳлардан порлагувчи шам.
Хотира – тириклар нишонлайдиган,
Ва руҳлар шод бўлар энг азиз байрам.*

Хотира – умрнинг иккинчи номидир. У ўтиб бўлган ва аста ўтаётган умрни худди маълум бир вақтда жиринглайдиган соат сингари эслатиб турувчи бебаҳо бир нарса экан. Фарқи, соатнинг қачон овоз беришини ўзимиз ҳал қилсак, хотира деганимиз бўлса мутлақо кутилмаган бир паллада, кўққисдан, туйқусдан бизнинг ўй-хаёлимизга шиддат билан бостириб кириб келар экан. Қачон, қаерда деган беҳад аламли саволлари билан қалбимизга маҳзун кайфият, юзимизга маънослик елини силаб ўтар экан. Бир пайтлар шўроларнинг террористик тузуми даврида, суронли ва таҳликали йилларнинг тубсиз гирдобида яшин янглиғ ярқ этиб порлаб, зулм ва исканжанинг қаттиқ қийноқларига дош бера олмай ёш кетган истеъдодли шоир Абдулла Алавий шундай ёзганди:

*Гул ва булбул билан баҳорлар ўтар,
Ёз ўтар, куз ўтар, қора қиш кетар.
Ҳеч нарса абадий қолмас жаҳона,
Ёлғиз хотиралар сақлар замона.*

Ҳа, қора қиш кетди. Шу қора қиш совуқларида ўтганлар ёди бугун қалбимизда. Миллий истиқлол бизларга бахтли яшашни ва маррани янада баланд олишни, эртанги кунга чиндан ишонишни, бунёдкорлик ҳамда буюкликни ўргатиб қўйди. Шу билан бирга, аждодларнинг энг эзгу орзу-умидларига айнан бизларни, ҳозирги миллий истиқлол даври, миллий юксалиш замони авлодини «зўр қанот» қилди. Бизлар бугун ўша ватанпарвар буюк аждодларимиз умр бўйи орзу қилган юксак парвозларда масрурмиз, чинакамига бахтиёрмиз. Кўрилаётган ва ўйланаётган мушкул масаланинг энг муҳим жиҳати ҳам айнан мана шунинг ўзи эмасми?

ДУНЁДА БОЛАМ, ДЕБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК...

Ота-оналар болаларни дунёга келтирганлари учун эмас, уларни одобли ва ахлоқли қилиб вояга етказганлари учунгина ўзгаларнинг олқишларига сазовор бўла оладилар.

Аристотель, буюк файласуф.

Улуғ донишмандлар дейдиларки, кимларнинг ортидан унинг яхши амалларни давом эттирадиган фарзанди бор экан-ки, у одам ҳеч қачон ўлмайди. Илло, инсон фарзанд ўстириб, уни чинакам комил инсон даражасида вояга етказиб, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ниҳоятда кўпдан-кўп, мўл-кўл яхшиликларни яратади.

Бу ҳикматга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри билан янада ҳам ойдинлик киритадиган бўлсак, «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан-ки, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу, интилишлар билан яшайди».

«Ота-она – қирғоқ, бола – кўприк» деган доно нақл мавжуд элимизда. Аслидаям шундайлигига ҳеч ким эътирозини билдира олмаса керак. Оила деганимиз икки устун – эр ва хотиндангина иборат эмас-да, ушбу икки устунни бир-бирига тош-метин янглиғ боғловчи – фарзанд ҳисобланади. Шу сабабдана янги оиланинг дунёга келиши билан бевосита боғлиқ барча маросимларда икки ёшга – келин-куёвларга фарзанд тилаш ва ушбу масалага дахлдор расм-русумлар, таомилларга қадар бу тилакни билдирувчи ирим ва урф-одатларга амал қилинади. Чимилдикда келиннинг этагига тухум солиш, келин-куёвга либосини серфарзанд ва бир никохли кишилар томонидан кийдириш, бахт тўшагининг устида иккита ҳомилали аёлни кураш тушириш ҳамда ўзга қатор таомилларнинг барида айни шундай рамзий ва тимсолий маъно-мазмун мавжуд.

Никоҳ – арабча истилоҳ бўлиб, «қўшилиш» деган маънони билдиради. Бу фақат жисмоний жиҳатдан жуфтлашишгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга маънавий тарафдан муштарақлашиш дегани ҳамдир. Никоҳ ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабидан ҳам айнан гувоҳларнинг иштирокида амалга оширилади...

Бепуштлиқ нафақат аёлга, шу билан бирга у мансуб бўлган хонадонларгаям маломат келтирган, бундай вазиятларда хонадон «мевасиз дарахт» ёхуд «нишонасиз уй» ҳисобланиб, эл унга паст назар билан қараган. Бу ҳолат бўлса, ўзингиз ҳам минглаб марта қўллаган ҳамда ҳамон айтаётган, «Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор», «Болали хотин – гул хотин, боласиз хотин – тул хотин», «Болали уй – хандон, боласиз уй – зиндон», «Болалининг бели чинор, боласизнинг бели синар», «Болали бош бўлар, боласиз ёш бўлар» сингари ўнлаб мақолларда ифодасини топган. Натижада, турмуш шароитидаги фарзандсизлик нафақат шахсий, шу билан бирга ижтимоий бахтсизликка ўсиб борган. Ана шуларнинг ўзиёқ ўзбекнинг элига хос болапарварлик табиатини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг, ўзингизам кўп бора кўзингизда ёш ила ўқиган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида фарзандсизлик ўзбек учун тенгсиз фожиа экани одатдаги маиший ҳолат тасвири асносида бутун даҳшати билан кўрсатиб берилган:

«Меҳмон кўли кўксида сўраб бошлади:

– Яхшимисиз, ака...

Отамиз кўлини кўксига қўйди:

– Шукур-шукур, – деди.

– Бола-чақалар ўсяптими?

– Шукур...

– Невара-чеваралар катта бўляптими?

– Шукур...

– Чопқиллаб-чопқиллаб юришибдимми?

Отамизнинг кўли кўксида бўлди. Эгик бошини ирғаб ўтира берди...»

Ўзбекдан бошқа ҳеч қайси миллатда ўзи танимаган одамдан бола-чақалар ҳақида бу қадар ижикилаб сўралмайди-да. Юкорида эътиборингизга ҳавола этилган диалогда беварзанд Қоплоннинг

қаңчалик даражада изтироб чекканлиги ёрқин кўрсатиб берилган. Ўзбек доимо Аллохдан фарзанд тилаб, умид билан яшаб келган.

Агар ёдингиздан унчалик кўтарилиб кетмаган бўлса, Ўткир Хошимовнинг «Икки эшик ораси» китобида ўша «умид» ҳақида шундай ибратли, кишиларни бунёдкорликка ҳамда умидворликка чорлайдиган гоё илгари сурилган: «Одам қимматбаҳо нарчасини йўқотса, ачинади. Тухматга қолса, бошини тоғу тошларга уради. Қадри ерга урилса, исён кўтаради. Яқин кишисидан ажралса, дод солади. Лекин умидингдан айрилсанг, жуда ғалати бўларкан. Ҳеч нимага, ҳеч кимга, ҳатто ўзингнинг қадрингга ҳам ачинмайсан. Дод солмайсан. Исён ҳам кўтармайсан. Гўё сен ўлгансан. Ўзинг ўлиб, қуруқ суратинг қолган»...

Тўртта шам ёниб турган эди. Атроф жим-жит бўлгани боис уларнинг айтган сўзлари ҳам чор-атрофга эшитилиб турар эди.

Биринчиси айтди: «Мен хотиржамликман!

Энди ҳеч ким менинг ёниб туришимни таъмин эта олмайди, сўнадиганга ўхшайман». Олови бирдан пасайди ва ўчиб қолди.

Иккинчиси бўлса бундай деди:

«Мен ишончман!

Деярли ҳеч бир киши мени энди ҳеч кимга керак эмас деб ўйляпти. Шундай экан, энди бундан буёғига ёниб туришимнинг ҳам ҳеч кимга кераги йўқ». Шундай дея гапини тугатгани заҳоти бир енгилгина шамол эсди, уни липиллатиб ўчириб қўйди.

Навбати келишини хафаҳол тарзда кутиб турган учинчи шам ҳам тилга кириб, астагина шивирлаб, пичирлаб: «Мен севгиман!

Ёниб туриш учун бошқа қувватим қолмади. Одамлар мени бир чеккага улоқтириб юборишди ва аҳамиятимни англашмади, ўзларининг энг яқин кишиларини севишни ҳам мутлақо унутиб қўйдилар», деди ва астагина ўчиб қолди, сўхтаси қорайди...

Шу пайт хонага бир болакай кириб келди ва учта шамнинг ўчиб қолганини кўрди. «Нега ўчиб қолдингиз, сиз дунё тугагунга қадар ёнишингиз керак эди-ку», деди ва йиғлай бошлади.

Шунда тўртинчи шам астагина тилга кириб: «Сираям кўркма болакай, хозирча мен ёниб урган эканман-ки, қолган шамларни ҳам қайтадан бемалол ёқа оламиз. Чунки, мен УМИДман!» деди.

Бизнинг бува-бувиларимиз қадим-қадим замонлардан доимо умид ила яшаб келганлар, ўзларининг фарзандлари, неvara, эvara, чевара, дувара, оввора, бегона, ва ҳатто «томдан итарворадиган» деб аталмиш авлодларини ҳам ҳаминша умид билан яшашга ундаб келганлар, бетиним бахт-саодат, фароғат сари интилаверганлар.

Бизнинг буюк аждодларимиз бутун дунё илм аҳли томондан «**БАХТ нима?**» деган ўта мураккаб саволга ХХI аср ибтидосида, миллионлаб ҳар хил сўровномалар орқали турлича технологиялар воситасида, зўрғадан-зўрға топилган жавобни ўша замонда комил ишонч билан баралла айтиб қўйган эдилар. Бундан 3 минг йиллар муқаддам умргузаронлик қилган буюк бобо-момоларимиз кашф этган **БАХТ** формуласига бир ўз назарингизни ташлаб кўринг-а, улар нақадар ўта донишманд бўлганларига имон келтиришингиз ҳам шак-шубҳасиз: **ОИЛА, ФАРЗАНД, СОҒЛИК!** Бунга заррача шак-шубҳа қиладиган кишилар бўлса, бемалол ўнг ё чап қўлини осмону фалакка кўтариши, ўзининг эътирози ва раддиясини ҳеч кимдан асло чўчимай, қўрқиб ўтирмай билдириши ҳам мумкин...

Ривоят: Одам Аллоҳга ўзига берилган умр қарға, тошбақа каби жонзотларникидан анча озлигидан шикоят қилибди. Аллоҳ унга бор умр барча мавжудотларга тарқатиб бўлинганини айтиб, «Агарда сен ўзингга берилган умрингни узайтирмоқчи бўлсанг, мендан оқил фарзандларни сўрагин, суюкли бандам. Мен сенинг умрингни ўзингнинг фарзандларинг билан узайтираман. Сен кўра олмаган, бошингдан кечирмаган умрни, ҳаётни ўз фарзандларинг кўради ва сенинг умрингни янада узайтиради. Фарзандингга ҳам фарзанд бераман, натижада бўлса умринг тагин ҳам узаяверади. Ва шу тариқа сенинг авлодинг ҳам тобора кўпайиб бораверади, ўзингнинг умринг бўлса то қиёматга қадар етади», деган экан...

Манфаат соҳиблари орасида оила ўзига хос субъектлардан бири ҳисобланади. Оила – ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, Сиз ва Биз яшаётган жамиятнинг асосий негизи, том маънодаги юраги бўлиб, ҳаётнинг асл доимийлигини далиллайдиган, авлод давомийлигини таъминлаб берадиган ва келажак ижодкорларини тарбиялайдиган ўта улуғ маскандир. Алоҳида Оила манфаатлари билан оила аъзоларининг ҳар биттасига тааллуқли бўлган шахсий манфаатлар монандлиги, мувозанати изчиллик билан босқичма-

босқич ўрнатилган ва тарбиялаб борилган шароитдагина соғлом ижтимоий муҳит ҳам майдонга чиқиб келади. Соғлом оилаларда яшаётганларнинг ўзига хос индивидуал ингилишлариям инобатга олинган ҳолда, бу ҳаётдаги хусусийликка бўлган ҳурмат ҳисси ҳам амалда ҳукм суради. Айнан ана шундай эмин-эркин ҳолат оилавий аҳилликка асос бўлиб умумий кизиқиш, умумий нуқтаи назар, умумий муносабат сингари оила манфаатларига хос хатти-ҳаракат ва хулқни ҳам вужудга келтиради. Айнан шундай муҳит оила аъзоларининг ҳар бирига хос бўлган шахсий ор-номус каби сифатлар, фазилатларни тарбиялаб бориш билан бирга оиланинг ғурури ва ифтихори, оила ор-номуси каби ижтимоий омилларни ҳам шакллантиради. Ориятли фарзанд шахсига доғ туширадиган турли-туман хатти-ҳаракатларни асло қилмасликка ўрганиб олган тақдирдагина ҳеч қачон ва ҳеч қаерда оиласининг шаънига иснод келтирадиган «хунарлар», «киликлар»ни қилмайди ҳамда унинг ор-номусини сира букмайди, шон-шарафини ҳечам булғамайди...

Ёш бола бирон-бир ўртоғи билан тортишиб қолгудек бўлса: «Сени отамга айтиб бераман», дея дўқ уради. Аёл бўлса фарзанди тўполон қилаверса: «Сеними шошмайтур, отанг келганида бир адабингни бердираман», деб нўписа қилади. Мактабда ўқитувчи ўқувчини: «Эртага отангни чақиртираман», дея кўрकिлади. Ота... Шу биргина сўз замирига олам-олам мазмун жо бўлган. Бу сўзда катта иззат-ҳурмат ва куч-қудрат мужассам. Бу сўз масъулиятини теран англаш учун ҳаёт дея аталмиш сарҳадсиз уммонни бошдан адоқ сузмок даркор. Чунки, ота бўлмок, оталик бахтини туймок, оталик масъулиятиниям ҳис этмок учун ҳаётнинг китобини фақат ўқимок эмас, шу билан бирга теран тарзда уқмок, унинг мағзини эса тишни эмас, мияни роса ишлатиб, чакмок ҳам талаб этилади.

Боғбон дарахтни об-ҳавога, мавсумга қараб парвариллайди, ноўрин тарзда чилпиб ташламайди. Ота-она ҳам боланинг феъли, мижозига муносиб тарбия усулларини топиши даркор. «Тарбия» сўзи арабча «робба» феълидан олинган бўлиб, ўстирди, риоясига олди, зиёда қилди, раҳбарлик қилди, ва ислоҳ қилди маъноларини билдиради. Мусулмон уламолар «тарбия»ни бир неча хил таъриф қилганлар. Жумладан, имом Байзовий қуйидагича таърифлайди: «Тарбия бирор нарсани аста-секин камолига етказишдир». Роғиб

Асфихоний фикрича: «Тарбия бирор нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолатга ўткази бориб, батамомлик нуқтасига етказишдир. Тарбия маъноларидан бири, инсонларнинг диний, фикрий ҳамда ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир»...

Абу Асвад Дувалий деган бир зот ўз болаларига: «Сизларга болалигингизда ҳам, ёшлигингизда ҳам, катта бўлганингизда ҳам, ҳатто туғилмасингиздан олдин бир яхшилик қилганман», – деди. Болалари «Болалигимиз, ёшлигимизда ва катта бўлганимиздагиси эсимизда турибди. Аммо, туғилмасимиздан олдин бизга қандай яхшилик қилгансиз?» деб ҳайрон бўлишса, отаси «Мен Сизларга яхши она танладим», деган экан. Улуғ халқимиз «Ётти пуштини суриштириб уйлан!» деб бекордан бекорга айтмаган-да. Яхши ва солиҳа оналарлардан одобли ва тарбияли болалар дунёга келади. Бола солиҳа она бағрида меҳр кўриб вояга етса, ибратли инсон сифатида улғаяди. Имом Термизий ривоятида пайғамбаримиз (с.а.в.) «Ҳеч бир ота ўз фарзандига гўзал одобдан ҳам афзалроқ ҳадя бера олмайди», деган. Бирон-бир егулик ё чиройли кўйлак олиб берилса, фарзанд қанчалик даражада хурсанд бўлади. Бироқ, ўз вақтида одоб ва тарбия олган фарзанд бир умр ота-онасидан миннатдор бўлади. Ота-оналар ҳам фарзандларига шундай ҳадя берганидан ҳеч қачон афсусланмайди. Бундай ҳадянинг бошқача совғалардан афзаллиги ҳам айнан мана шунда-да. Манбаларда келишича, фарзанд ота-онага берилган омонат, тенгсиз гавҳарга ўхшатишган. Агар фарзанд яхши одоб ва тарбия олса, ота-онаси бу дунёда ва охирада улкан ажр-савоб эгасига айланади. Агарда бола ёмон тарбия олса, унинг жазосига ям ота-оналар икки дунёда шерик бўлишади. Фарзандга айнан омонат ва гавҳар сифатида қаралгани туфайли ҳам у ўта эҳтиёт қилинади. Бироқ, боланинг омонатлиги ва гавҳарлиги кўпчиликини қизиқтирса ҳам, одоби ва тарбиясига етарлича эътибор берилмайди. Чунки, ҳали ақли унча тўлиб улгурмаган бола атроф-муҳитнинг таъсирига жуда ҳам тез берилади. Шу боисдан ҳам, ота-оналар боланинг юриш-туриши, овқатланиши, бошқалар билан муомаласи учун ҳам жавобгардир. Агарда фарзанд борасидаги шаръий ҳақлар ўз вақтида адо этилса, ота-она заммасидан жавобгарлигим соқит бўлади. Бундай шаръий ҳақлар мўътабар манбаларда тўлиқ ва батафсил баён қилинган.

Донишманд халқимиз бизга минг йиллардан бери «болани беш ёшигача подшоҳдек эъзозла, бешдан ўн тўрт ёшигача қулдек муносабатда бўл, ўн тўрт ёшидан кейин худди дўстингдек тут!» деб уқтириб келган. Бугун бу қараш тўппа-тўғрилигини дунёнинг минглаб руҳшунослари илмий жиҳатдан ҳам асослаб қўйганлар. Келинг, шу ўринда айнан фурсати келиб қолганлиги туфайли ҳам фольклоршунос олим Шомирза Турдимов қаламига доир «Тўқис оиланинг маънавий илдизлари» («Маърифат», 2012 йилнинг 6 июни) сарлавҳали мақоладан муҳим бир парчасини биргалашиб ўқиб чиқсак ва уқиб олсак-да, сўнгра суҳбатимизни тагин келган жойидан сира ҳам шошилмасдан, бафуржа давом эттираверсак:

«Замонамиз социологлари оила уч кишидан – ота, она ҳамда фарзанддан ташкил топади, деб айтадилар. Халқимиз бўлса тўқис оилани учта авлод бирга бўлган муҳитда деб билади. Бу – катта авлод (бува, момо, амма-хола, амаки-тоға...), ўрта авлод (ота, она) ва кичик авлод (фарзандлар). Одатда учта авлод вакиллари бирга яшаган оилада анъаналар барқарор кўриниш олади. Чунки, бобо-бувиларнинг набираларга меҳри, тарбияси, ўғитлари, оила тарихи ҳамда қадриятларини сингдириши бўлакча. «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Ҳаётий тажрибалар берган сабоқни ҳеч бир китоб уқтира олмайди... Асл миллий қадриятлардан ўрни билан фойдалана билиш ақли расолик белгиси. Халқона қилиб ифодаласак, алла айтилади, эртак сўзланади, топишмоқлар бўлса куйилади, бола ўйин ўйнайди. Моҳият эътибори билан алла бола онгига халқнинг энг туғма оҳангларини сингдиради. Эртак бўлса дунёни танитади, бола ақлига оламни англаш кодларини асталик билан жойлаштиради. Топишмоқлар ақлни чархлаб, фикрлашга ўргатади. Ўйинлар эса уни кўпчиликка, жамиятга аралаштиради. Боланинг келажакда чинакам шахс сифатида камол топишида бу ўзбекона миллий қадриятларимиз ўзига хос мустаҳкам маънавий замин, тош-метин янглиғ пойдевор сифатида хизмат қилади.

Алла нафақат овутиб, болани оҳанглар оламига ошно этади, алла – олқиш, ота-онанинг болага тилаклари, орзулари мажмуини ҳам ифодалайди. Айтилган сўз – отилган ўқ. «Тоғдай тилагин, томдай беради», дейилади. Тилакларнинг инсон тақдирида ўрни муҳим. Ҳамкасбимиз Санобар Тўлаганова ўзи гувоҳ бўлган бир

сухбатни гап орасида эслаб ўтганди: «Икки момо гурунг қиялпти. Келинлик пайти шийпондаги толга беланчакни осиб, болаларини белаб, пахта терган пайтларни эшлашди. Шунда момолардан бири айтди: «Шеригим беланчакни астагина терватиб, бор овози билан **«Болажоним бой бўлсин, тевараги юлдуз, ой бўлсин. Қўраси тўла қўй бўлсин, бахти кундай балқисин, эл овзига қарасин»**, деб алла айтса, мен тортиниб ва индамай, ухлади, деб, боламнинг бетини ёпиб келаверибман. Худо асли тилаганингни берар экан. Бунинг боласи айтганидай элда улуғ, мартабали, довруғли бўлди. Менинг болам қолди-кетди. Менам алла айтиб, тилаклар қилсам, тилим қирқилармиди?! Билмаган бўлсам, шунинг айтганларини изидан қайтарсам, ўлиб қолармидим?! Бу бир армон бўлиб қолди. Болаларим, яхши ниятли ва тиловли бўлинглар, тилингизни яхши тилак айтишдан тортманг ва ёмон тилак бўлманг. Ҳар гапингизга фаришталар омин дейди, деганлари ҳам шунчаки айтилмаган-да».

Сўз қудрати улуғ, айниқса, оҳангда оққан сўзлар чеку чегара билмайди. Алла оҳанги – оҳангларнинг онаси ҳисобланади...»

Болажонлар тили чиққан пайтидан бошлаб, ўзининг аклини танигунига қадар бизларни саволларга қўмиб ташлайди. Аслида, биз, катталар ҳам абадиётга қадар ўз-ўзимизга савол беришдан тўхтамаймиз. Қандай яшасам бўлади, не қилсам ҳаёт йўллариди сирғанмайман, дўст ва душманнинг олдида бошим эгилмайди, мухаббат нима, бахт деганлари ўзи қанақа бўлади сингари турли саволларга жавоб қидириш учун бетиним маслаҳатдош излайди. Ана шундай дақиқаларда бўлса инсоннинг зимистон йўлларини чароғон айлаб, ёритувчи шуъла бўлиб ота-она кўмакка келади.

Аслида бўлса, беҳад даражадаги мураккаб ҳаётда ота-онадан яқинроқ дўст йўқ-да. Айниқса, турли хил мушкулотлар оғушида камолга етаётган болажонлар учун. Келинг, яхшиси гапниям узоқ чўзиб ўтирмасдан, энг яхшиси ҳаётий бир воқеани мисол қилиб келтирайлик. Зора, бу барчамизни жуда сергаклик сари чорласа.

Ота ҳар доимгидек озгина кеч, ўта ҳорғин кайфиятда ишдан қайтди. Уззукун югур-югурлар ва ишхонасидаги иш ва юмушлар уни бироз чарчатган эди. Дарвоза олдида эса отасини олти ёшли Исқандарбек роса катта қувонч билан, шаталоқ отиб кутиб олди.

– Уре-е, дадажоним келдилар! Ассалому алайкум, дадажон!

– ВалеЙкум ассалом, халиям ухламадингми, тойчоғим, ахир вақтнинг ўлчови – соат деганимиз ўндан ҳам ошиб кетибди-ку.

– Йўқ, сизни кутдим. Дада, битта савол берсам майлими?

– Майли, ўғлим, берақол. Қандай савол бўлди-ки, мутлақо ухламасдан сабр-тоқат билан мени шунчалик кутиб ўтирибсан?

– Дадажон, Сиз бир соатда қанча пул топасиз? – кўзларини жуда жовдиратиб, сал-палгина ҳадиксираб сўради Искандарбек.

Болаларча соддалик билан берилган, кутилмаган ушбу савол Самандар акани лол қолдирди. У ҳайрон бўлиб ўғлига қаради ва сўнгра сал норозилик оҳангида босиқлик билан астагина сўради.

– Бемаҳалда бунақа ғирт бўлмағур савол қаёқдан каллангга келиб қолди. Қолаверса, бу сенинг ишинг эмас, шу ёшингданок қандай қилиб бўлса ҳам катта пул топишни ўйлаб юрибсанми?

– Дадажон, илтимос, айта қолинг, буни билишим жуда ҳам зарур, – дея бола илтижоли равишда мунғайиб дадасига қаради.

Боланинг кўнгли подшонинг ҳукмиданам баландроқ туради, дейишади доноларимиз. Бу ҳикматдан ўзингиз ҳам бохабарсиз. Отанинг кўнгли бирозгина юмшади ва ўғлига қараб, «Бир соатда ўртача тахминан ўн минг сўмча пул ишлайман болам», – деди.

– Дадажон, менга олти минг бериб туринг, илтимос сиздан?

Энди Самандар аканинг росманасига жаҳли чиқиб кетди.

– Бор-ей, кириб ухла, тагин қайдаги кераксиз ўйинчоқларни сотиб олишинг учунми? Яқиндагина мактабга чиқасан, йиғиштир энди ўйинчоқ ўйнашингни, – деди ниҳоятда қаттиқ жаҳл билан.

Самандар ака ухлашга ҳарчанд уринмасин уйқуси сира ҳам келмади, боласининг жовдираб турган кўзлари ҳам кўз ўнгидан кетмади. Ўғлини уришгани учун ўзининг кўнгли бузилди. Қизик, унга олти минг сўм нимага керак экан, нимага жонимданам азиз, тилаб олган боламни уришдим ўзи, бор-йўғи олти минг экан-ку, ухламайгина мени кутиб турган ўтлимни ранжитдим-а, деган ўта оғир бир хаёллар билан ўрнидан астагина турди ҳамда ўғлининг хонаси эшигини астагина чертиб, пастгина овоз берди.

– Искандарбек! Ҳали ухлаб колмадингми, болам?

– Йўқ, дадажон, ҳозирча ухламаягман, уйғоқман.

– Ўғлим, сенга сал қаттиқроқ гапирвордим, баъзан катталар

хам хато қилиб турадилар, хафа бўлмагин. Мана сўраганинг ўша олти минг сўм. Хўш, ўзи нималарни олмоқчи эдинг бу пулга?

Искандарбек дадасининг қўлидаги пулни олмай, ёстигининг тагидан бир сиқим майда пулларини чиқарди. Ота хайрон бўлиб: «Ия, сенинг ўзинг росаям бой экансан, шунча пулинг бор экан-у, тагин олти мингни кўшиб нима қиласан?» дея ўғлидан сўради.

– Дадажон пулим борликка бор-у, сал камроқ эди-да. Мана тўрт минг, олти минг етмас эди-да, энди ўн минг бўлди. Дадажон, тўғриси айтсам, сизнинг бир соат вақтингизни сотиб олмоқчи эдим шу ўн мингга. Ўшанда уйга сал эртароқ келасиз. Сиз билан сузишга бормоқчиман. Ўғил болалар ўзларининг оталари билан кўпроқ юриши керак экан, шунда унинг ақли бутун бўлар эмиш, бугун телевизорда айтишди. Кўпинча сиз кеч қайтасиз, вақтли қайтган кунингиз қайсидир бир ўртоғингизнинг гапида бўласиз. Дам олиш кунлари ошга кетасиз ёки яна бир нималар-да. Хуллас, мен сизнинг унчалигам кўп эмас, бир соатгина вақтингизни сотиб олмоқчиман. Майлими, сиз билан келишиб олдикми, дадажон?!

Самандар ака хангу манг бўлиб қолди, кўзларига ёш қалқди. Кўнглини оғриқли бир савол ўртади: «Болам, сенинг дилгинангда шу кемтиклик ҳам бормиди ҳали... Ахир уйимизда ҳамма шароит етарли бўлса, шундоққина ёнингда бўла туриб ҳам меҳримга зор қилиб кўйдимми сени, бўталоғим», дея секингина шивирлади.

– Мени кечир, тойчоғим, албатта борамиз-да. Сендан бугун бор-будимни, ҳаттоки ўз ҳаётимни ҳам аямайман, болагинам.

Ўзингиз ҳам кўп бора хориж киноларини томоша қилгансиз, янада ҳам аниқроғи, кўргансиз. Эр-хотин асосан давлат иши деб ўз болаларига вақтини ажратмаётгани учун жанжаллашганини. Хотин ўз эрига болалари тарбияси билан шуғулланмаётгани ёхуд уларнинг тўғарақлари ва қатнашаётган танловига бормагани учун ҳаттоки ажрашишга қадар боришади. Ва кино охирида ота ҳамма ишларини бир четга ташлаб фарзандлари, оила давраси учун кўп вақтини ажратишга қарор қилади. Тасаввур қиляпсизми, уларда бизлардагидек оталарнинг мусофир юртларда гастарбайтер бўлиб юрганлиги эмас, бирга яшаб туриб боласига вақт ажратмаётгани жуда катта муаммо ҳисобланади. Биздаги мавжуд маълумотларга қараганда, чет элда ишлашга кетган эркакларнинг эллик фоизи ўз

оиласи бағрига қайтмайди. Яъни ўша томонда ўзининг иккинчи оиласи билан яшаб қолиб кетади. Демакки, бу дегани юз оиладан элликтаси пароканда, уларнинг болалари бўлса сарсон-саргардон бўлиб кетади деганидир... («Оила даврасида», 2019 йил, 2 май).

Дилфуза КОМИЛ «Жамият» газетасининг «Мавзу» рукнида босилган «Дадамни фақат «ИМО»да кўраман» сарлавҳали беҳад таъсирчан мақоласида (2019 йил, 9 май) шундай мулоҳазаларини билдирган эди: «...Мардикорчилик шараф бўлган кунларни ҳам кўряпмиз. Чет элда пул топаётган эркакларнинг топганидан ҳам йўқотганлари кўпроқ: Гўдаклар отасининг меҳри тугул, ўзиниям кўрмай ўсаётган бўлса... Эрини йиллаб кўрмаётган жуда кўп ёш-ёш жувонлар одоб-ахлоқни унутиб, яширинча бузуқлик йўлига кираётган, ва ҳатто, эрининг мусофирчиликда минг захмат билан топиб юборган пулидан (мени кечирасиз-у) ўйнашига дастурхон тузаётган бўлса... Ҳар ой хориждан келадиغان долларларга роса ўрганиб, мазахўрак бўлиб қолган ота-оналар эса ойда-йилда бир келадиغان ўғлининг уйда бир неча ой ўтириб қолишини ҳам кўп кўриб, тезроқ тагин келган жойига жўнатиб юборишга шошилиб турса... Шу ерда ризқини топиб, оз топганига ҳам қаноат қилиб юрган инсонларни «ойликчи» деб, бурнини жийирса... «Россияда ишлайтурган» ўғлини олий маълумотли «ойликчи»лардан баланд кўриб менсимай, уларнинг қизини келин қилгиси келмаса... Баъзи қишлоқларда (ҳамма эркаклар ёлласига четта ишлагани кетгани учун) жанозаларда тобутни чоллар қилтиллаб кўтаришга мажбур бўлаётган бўлса... Ва бу дилхираликларнинг ҳеч адоғи бўлмаса...»

Энди бўлса отасини ўзга юртларга ишга жўнатган онасининг «ИЛИНЧАК» кизи («Ватанпарвар» 2017 йил, 13 октябрь) ҳақида ўқиймиз, уқамиз, ўйлаймиз, ўзгаларга ўтит сифатида сўзлаймиз.

«Қизалоқ уни туғилган кунга таклиф қилганларидан қувониб кетди. Синфдоши Назира йўл ёқасидаги ҳашаматли уйда яшайди. Мактаб яқин бўлсаям дадасининг машинасида келади. Тушликда унинг ейдиган нарсаларига қараб, бу қизалоқнинг шундай ҳаваси келадики... Айниқса, оппоқ ноннинг орасидаги чиройли кесилган колбасани кўрган чоғида ҳар гал оғзининг суви келиб, ихтиёрсиз равишда унга роса ҳам ҳавас билан узоқ термилиб қолади.

Аяси дан унга ҳам шунақа тушлик тайёрлаб беришни сўраган эди, у оғир хўрсинди-ю, лом-мим демасдан туриб кетди. Эртасига мактабдан келиб, кувониб кетди. Аяси ҳам колбаса олиб келибди. Кийимларини ҳам алмаштирмасдан апил-тапил дастурхондан бир парча нон билан бир бўлак кесилган колбасани олиб, сумкасига солиб қўйди. Аяси бир чеккада туриб, уни маънос табассум билан кузатиб турганига эса ҳеч парво ҳам қилмади. Бироқ, кечга бориб колбасадан урвоқ ҳам қолмади. Акаси тамшанганича яна колбаса сўраган эди, аяси эса олдига бир коса мошугра келтириб қўйди.

Қизалоқ кечкурун дарс тайёрлашга ўтирган пайтида хонани колбасанинг иштаҳани қитикловчи ҳиди тутиб кетганди. У секин сумкасидан тушлигини олиб секин бир тишлади-да, яна қайтиб ўз жойига қўйди. Бирпасдан кейин эса туриб тагин бир тишлади... кейин яна... кейин... бир парча ноннинг ўзигина қолди, холос.

Назиранинг туғилган куни ниҳоятда ғаройиб бўлди. Худди тўйлардагидек катта шаҳардан артистлар келишди. Ранг-баранг пуфаклар ва анвойи гуллар билан зеб берилган ҳовлида болалар росаям яйрашди. Қизалоқ дастурхондаги ноз-неъматларни кўриб, бир муддатгина анграйиб қолди. Ҳамма нарсалардан роса татиб кўргиси келса-да, ўзини бир амаллаб тийиб турди. Дастурхонга ҳадеб қўлини узатавериш одобсизлик ва уят бўлишини эса ойиси астойдил қулоғига қуйган эди. Ярим косагина шўрвани ичволиб, ўртоқлари даврасига ўзини урди. Қувноқ куй-қўшиқлар ва ўйин-кулгилар билан вақт шундоқ ҳам жуда тез ўтиб кетдики...

Қизалоқ уйига гўё қанот қоқиб учиб келди. Аяси эса юзлари иссиқдан беҳад бўғриқиб, тандирдан нон узаётган экан.

– Аяжон, қаранг, сизга нима олиб келдим, – деди қизалоқ қаттиқ қисилган қўлчасини онасининг нақ бурнига тутиб.

Аяси унинг ёғ сизиб чиққан бармоқчаларини аста ўз кафтига олиб очди-да, унга ниҳоятда улкан ҳайрат билан тикилиб қолди.

Қизалоқнинг кафтида бир тишламгина колбаса бор эди».

Сизга ўзгаларга ҳам айтиб беришингиз учун ибратли мисол тарикасида ҳикоя қилинган ушбу ҳаётий лавҳаларнинг тагида эса асли ғоятда улкан бир мушкул саволнинг ечимсиз ҳисоби ётади.

Фурсати келиб қолгани сабабли, эътиборингизни тагин бир муҳим масалага қаратмоқчимиз. Қадимий туркий тилларда «қиз»

сўзи бошқа жинсни англатмаган, балки ифбатли, бокира, нодир ва қимматбаҳо маъноларини билдирган. Туркий тиллар оиласига мансуб кўмик тилида (улар ҳам ОНАни наманганликлар сингари АБА деб атайдилар) бу сўз ҳозир ҳам шу маънода қўлланади...

Биз, ота-оналар ўзимизнинг фарзандларимизга етарлича вақт ажратяпмизми? Тўғри, қорни тўқ, усти бут, уйимизда барча шарт-шароит етарли. Лекин, уларнинг мурғаккина кўнглига (қалбига, дилига) теранроқ назар ташляяпмизми? Жажжигина юракларидан кечаётган беғубор саволларни шунчаки болалигидаги ўткинчи ва бошимизни оғритадиган бир саволлар-да, деб қўйяпмизми ёки...

Бир донишманд катта йўлда кетаётиб ташвиш, ғам-андуҳлар, ғуссалардан бели етти букилиб қолган, зўрға судралиб келаётган, беҳад маҳзун ва абгор қиёфадаги бир кишига дуч келиб қолибди.

– Нима учун бунчалик қуюнасан? – сўрабди донишманд.

– Фарзандларим ва невараларим бахтли бўлиши учун қаттиқ дард чекяпман, – деб жавоб қайтарибди ҳалиги бечорагина киши. – Бобомнинг бобоси бобомнинг ўзидан ҳам яхшироқ яшаши учун қуюнган, бобом бўлса отамнинг яхши яшашлари учун кўпгина қийинчиликларни керагича кўрган, отам менинг бахтли, фаровон турмушни кўришим учун азоб-уқубатлар чеккан, эндиги навбат эса, турган гап-ки, меники, бутун умрим давомида ўз болаларим ва невараларимнинг тўқин-сочинлик, роҳат-фароғатда яшашлари учун доимо чексиз изтироб ва ғам-ташвиш оғушида бўламан.

– Шундай ташвишларингизга яраша сенинг оилангда бирон-бир киши ўзи қачонлардир тузук-қурук бахтли бўлганми? – роса ҳайрон бўлиб ва ҳайратланиб ундан сўрабди ўша донишманд.

– Йўқ, лекин, энди менинг болаларим, невараларим албатта бахтли бўлишлари шарт! – жавоб берибди бахтсиз одам.

– Саводсиз кишилар ҳеч қачон бошқаларга китоб ўқишни ўргата олмайди, кўрсичқон эса қудратли бургутларга самодан йўл кўрсата олмайди! – дебди донишманд. – Шундай эканки, аввало, ўзинг бахтли бўлишни ўрганиб ол, шундан кейин фарзандларинг ва невараларингни ҳам бахтли қилиш йўллари топа оласан!..

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай ота-она ўзининг боласини доимо кўзга жудаям яқин бўлган, яққолроқ кўриниб турган бахт томонга йўллашни истайди, лекин минг афсуслар бўлсинки, бахт, чинакам

бахтнинг ўзи нималардан иборат эканлигини ҳар қандай ота-она деган беҳад юксак бир унвонни кўтариб эмас, бир амаллаб судраб юрган кимсалар ҳам яхшироқ билавермайдилар-да. Аслида бўлса, энг катта бахт-саодат, сенинг ўзинг қандай ҳолатда бўлишингдан катъи назар, бошқа кишиларни ҳам бунёдкорона ишларинг ҳамда эзгу фаолиятинг орқали чиндан ҳам бахтли қила олишингдадир...

Бир куни дунёнинг машҳур сеҳргарлари бир ерда йигилиб қолишибди. Гапдан гап чиқиб, улар одамларнинг бахтини топиш ғоятда мушкул бўлган жойга яшириб қўйишга қарор қилишибди. Фақат бахтни айни қайга яшириш борасида роса баҳслашибди.

– Уни ернинг остига яширамиз, кўмиб қўямиз, – дебди бири.

– Йўқ, бунақаси бўлмайди. Одамлар доим дуч келган жойни титкилаб, қазиб, бетиним қовлаб юришади. Улар албатта, яшириб қўйилган бахтни топиб олишади, – шовқин солишибди бошқалар.

– Ундай бўлса бу ёруғ жаҳондаги энг баланд тоғнинг юксак чўққисига олиб чиқиб, яшириб қўямиз, – дебди иккинчиси.

– Бўлмайди. Одамлар ҳозирги қилаётган ҳаракатларида биз айтган чўққи тугул бир кун келиб фазониям забт этишади, Ойга, Марсгача чиқиб боришади, – қаршилиқ қилишибди бошқалар.

Тагин қанчадан-қанча таклифлар рад этилибди. Ниҳоят улар орасидаги энг кекса, тажрибали ва мохир сеҳргар шундай дебди:

– Биродарлар, мен бахтни қаерга яширишни яхши биламан.

– Қаерга? – ҳамма бирданига унинг оғзига тикилибди.

– Одамлар юрагига. Одамлар одатда бахтни ҳамма ёқлардан излашади, лекин кўпинча ўз юракларига сира назар солишмайди.

Бу таклиф эса, турган гапки, ҳаммага маъқул бўлибди. Мана шундан буён аксар одамлар ўз бахтини тоғу тошлардан бетиним излаб бекордан-бекорга овора бўлишар экан. Ваҳоланки, таниқли шоиримиз Омон Матжон росаям топиб айтгани сингари:

Юлдузлар осмону фалакда бахтли,

Инсон ўз кўнглида, юракда бахтли.

Бир тиришқок шогирд ўз устозидан ийманибгина сўради:

– Эй устоз! Бахт ўзи нима дегани, унга қандай эришилади?

– Инсон бахти ўз соясига ўхшайди. У сояни, яъни бахтини қўлига киритмоқ учун унинг орқасидан қуваверади, қуваверади,

умр бўйи қувади. Лекин, тута олмасдан кўп маротаба қокилади, йиқилиб-суқилади, қаттиқ шикастланади, озорланади, баландлик сари роса қийналиб чиқади, ўрмалайди, тубанликларга шўнғийди, тоғлардан ошади, дарёлардан кечади ва улкан саҳроларни кезади, лекин ҳаргиз кўзга кўриниб турган бахт бўлса ҳеч тутқич бермай қочаверади. Ақлли, фаросатли, илмли инсон чиндан ҳам бахт соя каби эканини, ҳаёт бўлса унинг ортидан қувишга мажбурлигини ҳис этиб, унинг роса ўнқир-чўнқир, қинғир-кийшиқ сўқмоқларига юрмасдан, тўғри ва равонроқ йўллари орқали қувади. Ҳолбуки, у ўз соясини, яъни, ўз бахтини тутиб ололмаса-да, тўғри, эзулик йўлини босиб ўтади, ўзидан яхши изни қолдиради. Умри поёнига яқинлашгач, ортига назар ташлаб, ўз ишидан ва изидан қониқиш ҳосил қилса, «Отанга минг раҳмат! Офарин! Баракалла!» деган энг улуғ ва азиз олқишни олса ва ҳеч кимдан «Э ўша, падарингга минг лаънат!...» деган қарғишни сира ҳам эшитмаса, инсоннинг асл, чинакам бахти деганлари ҳам худди мана шу бўлиб чиқади...

Алалхусус, «Ота рози – Худо рози», «Ота ўз фарзанди учун қиблагоҳ», «Ота қарғиши – ўк» сингари роса ибратли ҳикматлар ҳам чинакамига қиблагоҳимиз бўлмиш ота мақоми ҳам нақадар юксак, сарбаланд эканлигидан яққол, аниқ-тиник бир даракдир.

Хуллас, оталарнинг ҳурматини жойига қўйиш, унинг юзига сира тик қарамаслик хусусида Куръони каримнинг оятларидан ва ҳадислардан исталганча мисол ва ривоятларни келтириш мумкин. Ҳўш, шунчалик ҳурмат ва эҳтиромга муносиб кўрилган отанинг ўзи асли ким? Ота, умуман эр кишининг оиладаги ўрни қандай? Бугунги кун оталарининг кечагилардан фарқи нимада? Очиги, бу сингари саволларга дабдурустдан, жўнгина жавоб бериш мумкин эмас. Ота, унинг бурчи ва масъулияти борасида сўз юритишнинг ўзи катта масъулият. Нега деганингизда, дунёга келган фарзандни вояга етказиш, бирорта касб-ҳунар эгаси қилиш, уйлантириш ёки турмушга бериш, хулласки, то шу фарзанд ўзидан тиниб-тинчиб кетишига қадар бўлган жараён инсоннинг бутун умрини қамраб олади, десак сира ҳам янглишмаймиз. Булардан келиб чиқадиган энг муҳим, бутун умрга татигулик хулоса ҳам шундан иборатки, оталик бурчини бекаму-кўст адо этишнинг ҳам беҳад мураккаб ва ўзига хос жиҳатлари, қирралари ниҳоят даражада кўп экан-да.

Фарзанд тарбияси борасида минг йил аввал ўтган Кайковус ибн Вушмагир шундай деган ва ёзган эди: «Бас керакдурким, ҳар турлик фазллар ва ҳунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтирмиш бўлгайсан. Кишилар ўз бошига на иш тушарин ҳеч билмагусидир, фазл, ҳунар ишга яратғусидир. Аммо, фарзандинг беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг бирла урмағил ва муаллимларнинг таъғи бирла қўрқитғил. Болаларга муаллимлар адабни берсунлар, токи сендин ўғлингнинг қўнглида бирорта ҳам гина қолмасин».

Минг йил муқаддам айтилган ушбу фикрлар, тавсиялар ҳали ҳам аҳамиятини асло йўқотмаган. Шубҳасиз, фарзанд камолоти ва тарбияси масаласини ҳамма нарсадан устун қўядиган, унинг бахти-камоли, илм-ҳунар ўрганиши учун вақти, молу давлатини аямайдиган, фидойи ва меҳрибон оталаримиз ҳам кўп. Қолаверса, бундай кишилар ўз фарзандининг одоб-ахлоқи, юриш-туришидан доим огоҳ, аниқроғи, дилбанди бирон нотўғри ишга қўл ургудек бўлса, қаттиққўллик билан уларни қайтаришнинг унутмайдилар. Бундай оилаларда униб-улғайган ўғил-қизларга эртага жамият ва ҳаётда ўзининг ўрнини топиб олиши ҳам осонроқ кечади. Бироқ, ўзингизга яхши маълумки, беш қўл, барибир, баробар эмас-да.

Фарзандлар тарбияси худди капалакни қўлда тутиб туришга ўхшаб кетади: агар маҳкам ушлаб олсангиз, қаноти шикастланиб ўзингизга катта иш орттириб қўяди, мабодо ушлаб турмасангиз, пир-р этиб, ўзи хоҳлаган томонга учиб кетиб қолишиям мумкин.

Ўзғорни моддий жиҳатдан етарли таъминлаб қўйиш, болачақасини кийдириш ва едириш, азал-азалдан эркак, яъни отанинг зиммасида. Ҳар қандай ота борки, фарзандларим бировдан сира кам бўлмасин, ўз тенгдошлари олдида ўқимасин, деб ҳаракатини қилади, боласи қувонса қувонади, қайғурса, қаттиқроқ қайғуради. Аммо, ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатаяптики, меҳнат қилиб пул топиш, рўзгор тебратиш оталик масъулиятининг атиги бир қиррасигина экан-ки, ҳамма кишилар ҳам бунинг уддасидан чиқа олмас экан. Жумладан, ўзининг оиласида соғлом муҳитни қарор топтириш, ўз фарзандини тўғри тарбиялаш, одоб-ахлоққа ўргатиш, касб-ҳунар, меҳнат қўникмалариниям аста-секин шакллантириш ҳар қандай отанинг энг бирламчи, энг асосий вазифасидир. Бундан ташқари,

Ўғил вояга етганида уни яхшигина оиладан уйлантириб қўйиш ва қизини эса касб-ҳунарли яхши йигитга турмушга узатиш ҳам ота-она зиммасидаги ҳам қарз, ҳам фарздир. Оиласиз одам қанотсиз қушга ўшайди. Уча олмайди. Қанчалик парвозга шайланмасин, баланд кўтарила олмасдан тагин ерга қўнишга мажбур бўлади.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсати, иқтисодиёти ва маънавияти бўлади. Ҳар қандай оиланинг ҳам. Ота кўпроқ оиланинг сиёсати ва иқтисодиётини бошқарса, она унинг маънавиятига раҳбарлик қилади, дегудек бўлсак, унчалик ҳам ногўғри бўлмаса керак-ов. Шу ўринда эса ўзбекнинг жонкуяр олимларидан ҳамда маънавият дарғаларидан бири бўлмиш Султонмурод Олим қаламига мансуб, Тошкентда «Nishon poshir» нашриётида чоп этилган, «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ёхуд микрожамият ва макрооила» (2017 йил, 60 бет) номли рисолада келтирилган бир ўта ибратли мисолни Сизнинг диққат-эътиборингизга ҳам эзгу ниятда ҳавола этмоқчимиз:

«Бир ота академик лицейни битираётган ўғлига: «Агар олий таълим муассасасига ўқишга кирволсанг, машина олиб бераман», – дебди. Бола грантга кирибди. Отаси эса «Матиз» олиб берибди. Лекин ўша кундан кайфияти йўқ эмиш. Қандайдир аразлагандай, тушкун бўлиб қолибди, инжиқ очибди, бўлар-бўлмасга ота-онага зарда қиладиган одат чиқарибди. Ота-она суриштира-суриштира бунинг сабабларини ҳам топишибди. Бор-йўғи шартнома асосида ўқишга кирган ўртоғига унинг отаси «Ласетти» олиб берган экан. Боласининг арази, инжиқлиги, норозилигиям айнан шундан экан.

Бу оилада сиёсат тўғри олиб борилган. Бола ўқишга росаям қизиқтирилган. Мукофот ҳам ваъда қилинган. Натижа ҳам жуда яхши бўлган. Яъни унинг меҳнати муносиб рағбатлантирилган.

Бу оилада иқтисод масаласи ҳам – ўз жойида. Эндигина олий ўқув юртига ўқишга кирган ўғилга автомобиль олиб бериш учун моддий-иқтисодий имкониятни ҳам олдиндан яратиб қўйилган.

Аммо, бу оилада маънавият тўғри изга қўйилмаган. Ҳаётда кўп йиллар мобайнида ишлаб «Матиз»га етолмаётганлар – қанча. Болада катта ношукрлик бор. У машинага, барибир, жудаям осон эришган. Шунга ҳам рози эмас. Ҳаётни бўлса тузук-курук, яхши билмайди. Бундан ташқари, қалбида ҳасад илдиzlари ниш урган.

Бу иллат вақтида йўқотилмаса, ниҳоятда ёмон оқибатларга олиб келади. Ҳасад эса, энг аввал, ҳасадчининг ўзини ғажиб ташлайди.

Камалакнинг ранги бир хил бўлмагани сингари, оилаларнинг иқтисодий имкониятлари ҳам – ҳар хил. Бирови – бой, бирови – унчалик ҳам эмас-да. Оилаларимизнинг иқтисодий аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, ота-она бир нарсага жиддийроқ қарашга мажбур: ҳеч бир фарзанд ўқиб ўсмасин! Ана ўша ўқишга кирган куни «Матиз»га эга бўлган бой оила боласида эса ўқиш мавжуд. Қайсидир фарзанд айнан унинг ёшида қаттиқ меҳнат қилиб, қўли калтароқ ота-онасининг ёнига кирган, оиланинг моддий аҳволини яхшилашга қатъий бел боғлаган. Лекин, у йигитда сираям ўқиш йўқ. Кам таъминланган оилаларда болаларни бемалол ўқитмай ўстириш мумкин. Афсуски, бадавлат оилаларда ҳам фарзандлар ўқиб вояга етиши мумкин экан-да...» (18 – 19- бетлар).

«Эркак кўчанинг одами» деган гапни ҳаммамиз эшитганмиз. Минг афсуски, орамизда рўзгор, бола-чақасини ўз ҳолига ташлаб, фарзандлари эртасини ўйламай, бекорчиликни касб қилиб олган ёки гузарга чиқиб кун бўйи картабозлик қилиб ўтирадиган оталар ҳам йўқ эмас-да. Иш ёқмас, ялқов эркакнинг ўз томорқасини чўл-биёбонга айлантириб қўйиши ҳам ҳеч биримизга янгилик эмас. Бирон-бир жонлик тугул, биттагина жўжа боқишга ҳам ҳафсала қилмайдиган, рўзгор олаҳуржунини аёлининг елкасига ортмоқлаб қўйиб, ўзини эркак санаб юргувчи ўша кимсаларга нима дейсиз? Очигини айтилганда, на оила, на жамиятга наф (фойда, манфаат) келтиришни ўйлайдиган бунақа дардисар кимсалар, одамлар ҳам ҳозирги беҳад шиддатли кунларда орамизда керагича топилади.

Айрим бир ота-оналар ўз фарзандларининг бемехр, беоқибат эканлигидан нолиб юрганларини ўзингизам эшитгансиз. Шундай пайтларда «Эй, инсон, нимани эксанг, шунинг ҳосилини ўрасан-да», деган гап хаёлдан ўтади. Демак, боламизнинг қандай инсон бўлиб етишишининг асосий сабабларини, аввало, ўзимиз берган таълим-тарбиядан деб билмоғимиз даркор. Нима сабабдан онадан беғуноҳ ва беғубор бўлиб туғилган мурғак чақалоқ (гўдак, бола) вояга етгач, хато йўллардан юриб кетади, нима сабабдан жиноят сўқмоқлари, жинкўчаларига кириб кетади? Отани фарзандининг қачон. қаерларда ва кимлар билан юриши ҳам асло қизиқтирмаса,

вакти-вакти билан боласини тузук-курук назорат қилиб турмаса, бунинг салбий оқибатлари эса ўзингизга жуда ҳам яхши маълум.

Фарзандига эзгу одоб-тарбия, таълим бериш ўрнига отанинг ўзи ёлғончилик, каззоблик қилиб турса, боласи бўлса буни билиб турса, нима бўлади? Бировларни чув тушириш, қанақа йўл билан бўлмасин пул топишдан сабоқ берувчи ёхуд маст-аласт ҳолатида хотинини ноўрин уриб-сўкадиган, болалариниям аямайдиган оғзи шалоқ, маънавий қашшоқ отанинг тарбиясини олган фарзанддан нимани кутишимиз мумкин? Тижорат деб, иш, пулни деб юртмаюрт, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган ота-оналар, ўзгалар қарамоғида қолган, ҳатто айрим бир жонзотлар сингари қаровсиз болаларни кўриб, дилингиз ниҳоятда хуфтон бўлади. Ўйга толасиз, бундай оилада ўсаётган ўғил-қизлар эртага қанақа одам бўлиб етишади? Ўзининг Ота-онаси тарбиясини олмаган, ва ҳатто ўзи бир пайтлар катталар ёки тенгдошларидан зўравонлик ва шафқатсизликка дуч келган, турли жонзотларга озор берган ва бераётган айрим ёшлар кўча боласига, ва ҳаттоки ашаддий жинойтчи кимсаларга айланиб қолмайдими, деб беҳад каттиқ хавотир, ваҳимага ҳам тушасиз.

Криминология, психология, суд психиатрияси соҳаларидаги олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ит, мушук, қуш... – умуман жонзотларга шафқатсиз муносабатда бўладиган болалар кўпинча потенциал жинойтчиға айланадилар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг жиддий эътиборига муҳтожлар. Тадқиқотларнинг кўпчилиги шуни ҳам кўрсатадики, маньяк – қотил деган кимсалар 8 – 12 ёшданок шакллана бошлайди. Агар авваллари болаларнинг турли ҳайвонларни таҳқирлаши, уларни қийнаб, ўзича кимдандир кўрган озорлари учун ўч-қасд олиши асосан оиладаги номақбул вазият туфайли тарбиядаги бир нуқсон сифатида талқин этилган бўлса, ҳозирги даврда олимларнинг сўнги маълумотларига кўра, шафқатсизлик ва тажовузкорлик алоҳида генга боғлиқ экан-да. Болалик ёшида ушбу ген маълум бир вазиятларда психопатияга ҳам олиб келиши мумкин. Сингапурда, жамият болалар тарбияси юзасидан муаммоларга дуч келганида, мамлакат бош вазири Ли Куан Ю томонидан ўтказилган ислоҳотлар натижасида мактаблар ва бошқа ўқув юртларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳрни кучайтириш борасида экология дарсларининг сони оширилганди.

Шунда ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлган ота-оналарни уларнинг ўз фарзандлари «Жонзотларни қийнаш мумкин эмас!» дея уялтирган ва бу вазиятни яхши тарафга ўзгартирган эдилар...

Тимоти Уинтер (Абдулҳаким Мурод) қаламига мансуб «XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш)». – Т.: «Шарқ», 2005. – 368 бет) номли китобда катта ташвиш билан ёзилишича «АҚШда қамалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилаларнинг фарзандлари эканлиги, ота-онаси ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёшида, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир кўрсатиб туриши аниқланган. Епископ ҳам, раввин ҳам бугунги жуда тез ўзгариб бораётган дунёда оила бошпанасига болалари қатори катталар ҳам ҳеч қачон бу қадар муҳтож бўлмаганидан бирдай ташвиш чекади, уни гуноҳларнинг энг оғири – худбинликкина барбод қилиши мумкин, дейди. Ҳеч ким ўзини қурбон қилишни сираям истамайди: барчамиз шахсий эркинлик деб аталмиш маъбудга топинар эканмиз, ҳуқуқларимиз ҳақида бутун дунёга бетиним тарзда жар соламиз, масъулиятимиз борлигидан бўлса жуда ҳам қаттиқ асабийлашамиз» (95- бет)...

Масъулият ҳисси нафақат болаларимизда, шу билан бирга, ҳар бир инсонда узлуксиз шакллантириб борилиши ҳам зарур. Ўз оиласи, касби-кори, вазифасига нисбатан ҳам масъулиятни доимо ҳис қилиши даркор. Ота-она борки, ўзининг ўғил-қизлари тартиб-интизомли ва катталарга итоатгўй бўлишини истайди. Бу борада ота-оналарнинг ўзи ўрнатган кўрсата оялтирми? Болада масъулият ҳиссини шакллантириш воситаларидан бири сифатида эҳтимол куйидаги ибратли ривоятдан тегишли хулоса чиқариш керақдир.

Қадим замонда барча моддий имкониятларга эга бўлишига қарамай, доимо ҳаётдан нолиб юрадиган, тажанг шахзода бўлган экан. Оға-инилари ва ўртоқлари мадрасага қатнар, овга боришар, уни ҳам чақиришса, бош чайқаб рад этар экан. Хонасига қамалиб олиб, ўйга боғиб ўтирган ўғлининг аҳволидан хавотирга тушган подшоҳ энг донишманд кишини ўз хузурига чорлаб, шахзоданинг ҳолатини қандай қилиб бўлса ҳам, енгиллаштиришни буюрибди. Бир ҳафталик муддат белгилангач, кекса донишманд икки кунча ўйланибди, аммо чорасини сира ҳам тополмабди. Охири, яхшиси ўзим бу юртни тарк этганим маъқулроқ деган, қарорга келибди.

Унга йўлда – тоғ этагида кўй-эчки боқиб юрган чўпон учраб қолибди. Уларнинг ўзаро гап-сўзлари дарҳол қовушиб қолибди. Йигит донишманддан илтимос қилишга ботиниб, унга мурожаат этибди: «Отахон, бирпас подага кўз-қулок бўлиб турсангиз, мен зудлик билан қишлоққа бориб, егулик олиб келаман. Биргалашиб овқатланамиз». Малолланмасдан рози бўлган донишманд подани айлангириб юрар экан, бир улоқча чуқурликка тушиб кетганини кўриб қолибди. Олиб чиқилмаса, жониворнинг ҳоли не кечади? Донишманд омонатга хиёнат бўлмасин, дея чуқурликка тушибди. Улоқчани елкасига ортиб, тирмаша-тирмаша юқорига кўтарила бошлабди. Аммо, барча ҳаракатлари зое кетибди, оёғи сирпаниб пастликка эниб кетаверибди. Донишманд сира ҳам умидсизликка тушмабди, бутун иродасини ишга солиб, охири ниятига етибди. Ахир, у чўпон йигитга сўз берган, устидан чиқиши керак эди-да! Одам бир ишга жуда жиддий билан киришса, ниятига етишади. Бироқ, ушбу ҳақиқатни подшоҳи олам англармикан? Донишманд чўпон йигитга унинг молини бус-бутун ҳолида топшириб бўлгач, ортига қайтиб, подшоҳнинг ҳузурига бориб, унга шундай дебди:

– Ҳукмдорим, агар ўғлингизнинг ботқоқликдан чиқишини истасангиз, унга масъулиятли вазифани топширинг. Унинг дарди бекорчиликдан. Ўзингизга яхши маълумки, бекорчи одам безоридан анчагина хавфлироқ бўлади. Ўғлингизга топширадиган вазифангиз жиддий ва беҳад даражада масъулиятлироқ бўлсин! Шаҳзодамиз кўзланган натижага осонгина эришиб қолмасин!..

Одатда биз рўзгор қилолмайдиган, овқат пиширолмайдиган, яъни оилага унчалик тайёр бўлмаган эпсиз ва ноқобил келинлар ҳақида кўпроқ гапирамиз, мавзуни давра суҳбатларида, электрон, босма ОАВда батафсил равишда муҳокама ҳам қиламиз. Хўш, ёш куёвларчи? Улар оиласи юқини бемалол кўтариб, хотини ва бола-чақасини боқяптими? Ваҳоланки, бир нечта фарзандли бўлса-да, ҳали ҳам ўз отасига боқиманда ва тайёрхўр бўлиб юрган, ўзининг оиласини бошқариш жараёни у ёқда турсин, хаттоки хотин, бола-чака масъулиятини тушунишга ожиз йигитлар қанчадан-қанча?

– Бир йигитга қирқ хунар оз, – дейди кўшнимиз Каримжон ака бу мавзуда гап кўтарилганида. – Авваллари рўзгорда қанақа юмуш бўлса, ўзимиздан сираям ортмасди. Унча-мунча устачилик

ҳам қўлимиздан келгани сабабли, дазмол, кир машина, чангютгич деганларини ўзимиз бемалол тузатиб кетаверар эдик. Меҳнатнинг оғир-енгили ё яхши-ёмонини ҳам танлаб ўтирмасдик. Ҳозир эса баъзи йигитларнинг қўлидан оддийгина юмушлар, масалан, кран жўмрагини ёки бузилган розеткани тузатиш, хатгоки бир парча ерни чопиб, кўчатни экиб қўйиш ҳам келмаслигини кўриб ҳайрон бўласан, киши. Наҳотки, оталар фарзандларига шундай оддий ва осон ишларни ҳам ўргатмаса. Бу иш оталарнинг қўлидан келмас экан, бошқа йўллариниям ўйлашимиз даркор. Айтайлик, коллеж ёки лицейларда болаларга бошқа фанлар билан бир қаторида уй-рўзғорда эркакларга тааллуқли ишларни бажаришниям ўргатиш. Негаки, рўзғорни эплашни, меҳнат қилишни билган йигит эртага ўзининг рўзғорига бош бўлган пайтларида ўз аравасини бемалол, қийналмай, бировларга орқасидан итартириб ёки ҳўкиз қўшилган арава сингари ўзгага судратиб юрмай, ўзи тортиб кета олади-да.

Ўзингизга ҳам ғоятда яхши маълумки, бугунги сарташвиш ва серғалва дунёда яшаётган 7,7 миллиарддан зиёдроқ аҳолининг меҳнат қилаётган ҳамда фаолият кўрсатаётган бўлаги 50 мингдан кўпроқ касб-ҳунар билан машғул бўлиб, бола-чақасини боқмоқда.

Қачондир қулоғингизга чалинган ё ўзингиз мутолаа қилган ривоятни тагин бир марта эсга олсак, асло зарар бўлмаса керак.

Бир подшоҳнинг якка-ёлғизгина арзанда ўғли бўлган экан. Ўша подшоҳ доно вазирга ўғли яхши инсон бўлиши учун нима қилиши кераклигини маслаҳат солибди. Шунда ҳаёти мобайнида кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган доно вазир:

– Олампадох, унга бирор ҳунарни ўргатиш керак, – дебди.

Подшоҳ мамлакатдаги энг кучли ҳунармандларни саройига таклиф этибди. Улар ёш шахзодага, унинг барча инжиқликларига чидаб, тишни тишга босиб, кунг билан гилам тўқиш, қулолчилик, нонвойлик, ошпазлик ва ҳаётда керакли бошқа касб-ҳунарларни ўргатишибди. Шахзода, аввалига ўзи унчалик хушламаган бўлса-да, барибир бир қатор касб-ҳунарли инсон бўлиб вояга етибди.

Бир куни шахзода ҳамроҳлари билан ов қилиш учун ўрмонга борибди. Улар ўта қуюқ ўрмонда адашиб кетиб, қароқчиларнинг қўлига тушиб қолишибди. Подшоҳ ўғли овдан қайтмаганлигидан роса ҳам ташвишланиб, вазирдан маслаҳат сўрабди. Вазир бўлса:

– Олампадох, бирозгина вақт ўтсин, бозорга биронта одам юборинг, ўглингиз аҳволидан хушхабар бўлиб қолар, – дебди.

Подшоҳ мулозимлари бозорда катта, беҳад чиройли гиламни кўриб қолишибди ва уни харид қилиб, саройга олиб келишибди. Ўша гиламга диққат билан қаралса, унда деярли сезилмайдиган усулда шахзодани қандай қилиб топиш кераклиги битилган экан. Навкарлар зудлик билан ўша қароқчиларни маҳв этиб, шахзодани олиб қайтибдилар. Подшоҳ ўзининг доно вазирига миннатдорлик билдирибди, уни тақдирлабди. Чунки, унинг ўғли хавф-хатардан айнан касб-хунари борлиги учунгина қутилиб қолган эди-да...

Ўзбек оилаларида қадим замонлардан ўсмир ва қиз болалар **жинсий этилишининг ўзига хос жиҳатлари** доимо эътиборга олиб келинган. Масалан, ўғил болага «уйнинг эгаси», «оила бошлиғи», «наслнинг давомчиси», «шу оиладаги мавжуд анъаналарнинг асл асровчиси» сифатда қаралган ва шунга яраша тарбияни берилган. Қизларга эса «бировнинг хасми», «ўзга уйга борадиган», «келин бўлиб тушган хонадон меъёрлари ва урф-одатларига мослашиши шарт бўлган» шахс сифатида муносабатда бўлиш одатга айланиб кетган. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, ўзбек халқи ўз қизларини кичкинтойлигидан рўзгор ишларига ва меҳнатга ўргатиб боради, аммо ўғил болалар эса бундан мустасно. Агар ўглингизга ростдан ҳам бирор яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, унга ҳеч бўлмаса, ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатиб қўйинг. Бу беҳад мураккаб ҳаётда инсон ҳар хил ҳолатларга тушиши ҳам мумкин, юмушларини ўзи қилишга тўғри келган пайтларида тартибсиз кийиниб ё оч қолиб, бировларга сиғинди бўлиб, жудаям ёмон кўришиб юрмасин. Агар унинг мустақил бўлишини чин дилдан истасангиз, уй юмушлари, шу жумладан, кир ювишни, дазмол босишни ҳеч бўлмаганда эса, энг оддий овқат, таомларни пиширишни ҳам ўргатиб қўяверинг-чи, бундан эса ҳеч қачон ютқизмайсиз, сира ҳам зарар кўрмайсиз.

Бир одам АҚШ президенти Линкольннинг курсида ўтириб олиб, ўз пойабзалини ниҳоятда ҳафсала билан тозалаб ўтирганига кўзи тушиб қолибди ҳамда бундан беҳад даражада ҳайратланиб ва росаям ҳайрон қолиб, тили ҳам зўрғагина калимага келиб:

– Ахир сиз кимсан, Америка давлати президенти бўлсангиз, нега энди бунақа қилиб туфли тозалаб ўтирибсиз? – деб сўрабди.

– Мен бошқанинг эмас, ўзимнинг туфлимни тозалаяпман, – дебди Президент хотиржам ва пинагини сира ҳам бузмасдан.

– Президентимизнинг туфлисини тозалаб кўядиган бирон-бир хизматчи одам топилмадими?! – дебди у тагин ҳайрон бўлиб.

Шунда у ҳамма макон ва замонларга дахлдор гапни айтибди:

– Ахир кўл-оёғи бус-бутун одамнинг пойабзалини бировга тозалатиши бировларникини тозалаганиданам баттар-ку. Бундан мен чинакамига ўзлимиздан айрилиб қолмайманми? – деган экан.

Кино тарихидаги энг машҳур комик актёр Чарли Чаплиндан ўқиймиз: «Болалик чоғимда отам билан цирк кўргани боргандик. Чипта олиш мақсадида навбатга турдик. Олдимизда эр-хотин ва уларнинг олти боласи турар эди. Болаларнинг кийимлари эскириб кетган, лекин жуда ҳам озода эди. Улар ниҳоятда хурсанд ҳолда бўлажак томошалар ҳамда цирк ҳақида гаплашишарди. Уларнинг навбатлари етиб келгач, отаси ойна ёнига бориб, чипта нархини сўради. Чипта нархини эшитгач, ортига биров астагина тисарилиб ҳамда хотинига пичирлаганича алланималарнидир деди. Отанинг юзида эса безовталиқ аломатлари ҳам яққол сезилиб турар эди.

Шу пайтда отам чўнтагидан 20 долларни олиб, ерга отди ва секин эгилиб, уни олди-да, пулни ҳалиги кишининг қўлига кўйди ва секингина пичирлаб, «Жаноб! Пулингиз тушиб кетди», деди.

Ҳалиги киши эса кўзларида ёш билан, «рахмат жаноб», деди.

Улар томоша залига кириб кетганидан кейин отам кўлимдан тортди ва биз ташқарига чиқиб кетдик. Чунки, ўшанда отамнинг ўша одамга бериб юборган 20 доллардан бошқа пули йўқ эди-да.

Ўша кундан буён эса отам билан фахрланаман. Бутун ҳаётим мобайнидаги энг гўзал манзара мана шу бўлган эди. Бу ҳолат ўша куни кўра олмай қолганим цирк томошасиданам чиройлироқ эди.

Тарбия қаттиқ назорат билан эмас, айнан ҳаётий ибрат билан таъсирчанроқ бўлишига бекиёс даражада амин бўлган эдим»...

Ўша Чаплиннинг ўзи улғайиб, бутун дунё аҳлини ҳайратга солган, кашшоклик балчиғидан қутилиб, хайру саховат вакилига айланган чоғида Парижда яшайдиган қизи – Жеральдинага ёзган мактубидаги ўғит, панд-насихат ҳам бутун жаҳон аҳлига дахлдор:

«Жеральдина, қизим!

Чарлининг оиласида извошчиларни таҳқирлайдиган ё Сена соҳилида ўтирган тиланчини масхара қиладиган одам бўлмаган. Сенга тўлдирилмаган чек юбормоқдаман. Қанча истасанг, шунча пул ёзиб олабер. Аммо, икки франк сарфлайдиган бўлсанг, унинг учинчи чақаси сеники эмаслигини ёдингдан чиқарма. У шу пулга муҳтож бўлиб қолган бирон-бир бегона одамга тегиши керак...»

Тарбия тақдиримизни белгилашини ўзингиз яхши биласиз. Электр чироғини кашф қилган буюк Томас Эдисон болалигида мактабдан келиб, онасига ўз ўқитувчиси бериб юборган мактубни тутқазади ва «Буни ўқитувчимиз сизга бериб юбордилар», дейди. Она мактубни ўқир экан, кўзларидан шашқатор ёш оқа бошлайди. Бундан ёшгина Томас қаттиқ хавотирланиб, йиғисининг сабабини сўрайди. Онаси бўлса унга шундай жавоб беради: «Сенинг кучли қобилиятинг бор экан. Мана эшит: «Ўғлингиз беҳад иқтидорли, мактаб унга ва унинг қобилиятига торлик қиляпти. Шунинг учун ўғлингиз ўз уйида таълим ола қолсин!» Шундай қилиб, Эдисон ўз уйида таълим ва тарбия ола бошлаган. Орадан кўп йиллар ўтади. Вақти-соати етиб онасиам оламдан ўтади. Онасининг вафотидан кейин бутун оламга машхур олим унинг жавонидан мактуб топиб олади. Орадан анча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, хатни дарров танийди. Бу – ўша, мактабдаги муаллими ёзиб берган мактуб эди. Эдисон хатни аста ўқий бошлайди. Унда бундай деб ёзилган эди: «Ўғлингиз ниҳоятда беақл ва қобилиятсиз бола. Эртадан бошлаб мактабга асло келмасин!» Эдисон анча вақтгача йиғисини тўхтата олмайди. Сўнгра хотиралар дафтарига қуйидаги сўзларни битиб қўяди: «Эдисон ҳақиқатан ақлсиз бола эди, бироқ онасининг гўзал тарбияси туфайлигина истеъдод соҳибига айланди».

Бундан ҳам кўриниб турибдики, бир оғизгина оғир гап билан инсон тақдирини буткул ўзгартириб юбориш мумкин. Яъни, бола таълим-тарбиясига масъул бўлган шахс – ўқитувчисининг кўпол хатоси туфайли Эдисон хатда таърифлангани каби қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин эди. Онасининг беҳад зукколиги ва фаҳму фаросати сабабли бугун уни бутун дунё жуда ҳам яхши танийди. Демак, фарзанд тарбиясига дахлдор ҳар қандай шахс ўта зийрак, ақлли ва бекиёс даражада сабр-тоқатли, бардошшли бўлмоғи шарт.

Буюк халқимизнинг «Бировга ош, бировга иштаҳа» деган

ажойиб мақоли мавжуд. Айни кунларда битта тушликнинг пулига бемалол бир ёки иккита китоб харид қилса бўлаверади. Қиммат дейишга асло асос йўқ. Лекин, бир аччиқ ҳақиқат ҳам, афсуски, бор. Имконияти борларнинг китоб ўқишга хоҳиши йўқ, хоҳиши борларнинг бўлса... Шу ўринда доно халқимизнинг «Бировга ош, бировга иштаҳа» деган ўша ажойиб мақоли беихтиёр ёдга келади.

Кўпчилик ота-оналар фарзанди ўйнаб-кулиши учун кўлидан келган барини қилади. Ўзи емай едиради, киймасдан кийдиради. Айтган нарсаларини олиб беради ва боласи тенгқурлари орасида кўнгли ўксимасин деб, унинг айтганларини ўйламай қилаверади.

Биолог олимларнинг айтишига кўра, бола 12 ёшга тўлгунга қадар онаси билан аураси (биомайдони) бир хилда бўлар экан («Ишонч» газетаси, 2019 йил, 22 январь). Онанинг таъби болани тарбиялайди. Ўз фарзандини мутолаага қизиқтириш ҳам, турган гапки, айнан унинг кўлида. Кичиклигидан ибратли эртақларнинг таъсирида ўсган болаларда мутолаага эҳтиёж катта бўлади. Айнан шунинг учун ҳам бўлгуси оналар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши даркор. Зотан, тарбиясиз тарбиянинг коэффициенти Ога тенг эканлигини ўзингиз ҳам ниҳоят даражада яхши биласиз.

Ўз фарзандларимизнинг асл ўзлигини топишига кўмаклашиб юборсак, бундан фақат баракани топамиз ва беҳад юксак «Тарбия берган Отанга ва Онанга минг раҳмат!» деган ўта ҳаётий баҳога сазовор бўламиз, ундан кейинги ҳаётимизда бўлса ўзимиз ҳам ўта хурсанд бўламиз. Керакли далда олган болаларимиз ҳам, турган гапки, ўз ота-онасига муносиб бўлишга ҳаракат қиладилар-да.

Тағин бир нарсани зинҳор унутмаслигимиз зарурки, айрим бир оилаларда ота ўрни, мавқеи сезилмайди ё умуман бўлмайди. Албатта, оилада отанинг ўрни бўлмаса, бунинг учун, энг аввало, унинг ўзи бош айбдор ҳисобланади. Агар таъбиримиз жоиз бўлса, бундай оила тартибсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сурган ўзига хос бир салтанатга ям ўхшаб кетади. Турган гап-ки, Оилада аҳиллик, ҳамжихатлик йўқолади. Оиланинг мустаҳкамлигига путур етади. Жуда омонат қурилган бундай оилаларнинг манфаати жамият ва давлат манфаатларига қарши қўл кўтаргани ва қақшатқич зарба беришни бошлаб юборганини эса ўзи ҳам билмай, сезмай қолади.

Етакчилик бўйича эксперт, 25дан ортиқ асарлар муаллифи, «Ўсаятган етакчилар» ташкилотининг асосчиси, президенти Тим Элмор кўпчилик ота-она фарзанд тарбиясида 7та кечириб бўлмас хатога йўл қўяётганларини санаб ўтган: **Ота-оналар болаларига ҳаддан ортиқ ғамхўрлик қилмоқда. Болалар ўзича таваккал қилиш имкониятидан маҳрум; уларга ёрдам беришда жуда шошамиз; фарзанд ота-онасидан жуда осонлик билан мақтов эшитмоқда; айбдорлик ҳисси яхши хулқни қоплаб кетишига ҳам замин яратиб беряпмиз; ўтмишдаги хатоларни муҳокама қилмаймиз; сўзимиз ҳаракатимиздан фарқ қилади; маънавий танловда кичиклар бизни кузатиб турганини унутиб қўямиз.** («Маърифат» газетаси, 2018 йилнинг 14 ноябри, 91 (9156)- сон).

Сабоқ. Эски замонларда бир ёш жувон эри ва кичик ёшдаги боласини ташлаб кетди. Орадан бироз вақт ўтгач эри бошқа аёлга уйланиб олди. Натижада эса, бола ўғай онанинг қарамоғига ўтди. Вақти-соати етиб келгач, бола мактабга қатнай бошлади. Лекин, ўқишда омади сира юришмади. Тенгдошлари орасида энг қолоғи эди. Шу сабабданам отаси билан ўғай онаси уни роса ҳақоратлар, пастга урар, баъзида бўлса калтакларди. Бундан эса унинг ўқиши баттарроқ ёмонлашар, ёмонлашгани сари ота-онасининг зуғуми ҳам баттар кучайиб бораверарди. Бунақа муомалада бола бунақа оғир вазиятдан сира чиқа олмаслиги ҳам аниқ-тиниқ эди-да. Энди эса бечора болакайни «тентак», «ақли паст» деб атай бошлашди.

Охир-оқибатда қутилган иш бўлди. Ота ўғлини мактабдан олди ва бир устага шогирдликка шартта бериб юборди. Бирок, бола шогирдлик масаласини тузукроқ эплай олмади. Қўли ишга сира ҳам ковушмас, ландовурлиги эса ҳамманинг ғашига тегарди. Оиласидагиларнинг қутқулашлари етмагандек, атрофидагиларам уни бетиним тарзда туркиларди. У ана шу аччиқ ҳаётини кўрар экан, бир замонлар боласи ва оиласини ташлаб кетган онасидан хат келиб қолди. Онаси хатида ўғлини ниҳоятда соғинганлигини, бир лаҳза бўлсин хаёлидан чиқара олмаганини ва қилмишларидан афсусда эканлигини ёзган, қайта-қайта узр сўраган эди. Мактуби билан бирга бир халта ҳам жўнатган эди. Унинг ичидан чиройли ғижжак чиқди. Бола келган хатдан бир суюнган бўлса, совғадан

Ўн карра, юз бора кувониб кетди. Онасининг боласини бутунлай унутиб юбормаганлиги эса уни чексиз даражада бахтиёр этганди.

Лапашанглиги билан росаям шуҳрат қозонган бола тез орада ғижжакни бир созанданинг кўмагида аста-секин чала бошладиям. Орадан кўп ўтмай бу ишнинг ҳадисини олволди, кўрганлар бўлса хайратдан ёқасини ушлади. Бошида отаси, ўғай онаси, кейин эса бошқалар ҳам ғижжак сеҳрли экан, деган хулосага келди. Бундан ўзгача бўлиши уларнинг ақлларига сиғмасди. Бола чолғучиликда тобора уста бўлиб борарди, ғижжакни гўёки сўзлатиб ва сайратиб юборар эди. Ҳамма бу ишнинг асл сирини нимадалигини билишга қизиқар эди. Бир куни болага қойил қолганлар катта бир шаҳарда яшайдиган донишманд ҳузурига бориб, ўша бола хусусида беҳад хайрат билан унга гапириб беришди. Бирон-бир нарсани уддалай олмаган бир бола қандай қилиб бундай даражага етишганлигини, ўша ғижжақда эса бирон-бир сир-асрор бор-йўқлигини сўрашди.

Кекса донишманд бўлса уларга астагина шундай деди:

– Ғижжақда сизлар гумон қилганингиздек, ҳеч қандай сеҳр йўқ. Бола ҳам сиз ўйлаганчалик қобилиятсиз эмас. Бирок, бошида онаси уни унутиб юборганига бутунлай ишонган бу бола ўқишда ҳам, устага шогирдликка тушгандаям омадсизликка юз тутганди. Унутулиш ғоятда оғир нарса. Инсондаги бутун қобилиятни йўққа чиқариб юборади. Аммо, болакай орадан анча вақтлар ўтиб онаси уни эсидан сира чиқариб юбормагани, ўзини ўта яхши кўришини англаб етди ва унинг қобилияти қайтадан жонланиб кетди. Бунда ҳеч қандай сир-синоат ҳам, бирон-бир мўъжиза ҳам мавжудмас...

Кўпинча айрим бир ота-оналар боламни тарбиялялпман, деб ўйлаб, жигарбандини урган, дўшпослаган чоғида «Мени ҳам онам (отам) урганлар, лекин асло кам бўлганим йўқ», дея ўзларини ҳам оқлайдилар. Лекин, уларнинг ўзлари бўлса бир пайтлар «таъмини тотиб кўрган» шапалоқ – тарсаки жисмларига оғир ботганлигини эсдан чиқариб кўядилар. Тўғри, жисмоний оғриқлар ўтиб кетар, лекин худди ўша калтак дастидан қалбда қолиб кетган руҳий азоб ҳаёти давомида боланинг хотирасидан кутарилмаслиги ҳам аниқ-тиник-да. Ҳаттоки катталарнинг қуюшқондан чиқиб кетган баъзи жазо усуллари оқибатида бир умр ногирон бўлиб қолган болалар

ҳақида айрим бир маълумотларни қулоғингиз билан эшитгансиз ва унакалардан айримларини эса кўзингиз билан кўргансиз ҳам.

Биз, одатда, «ногирон» деган сўзни эшитгудек бўлсак, кўз олдимизда бирдан кўзи кўрмайдиган, қулоғи қар ёхуд шол одам ёки болақай намоён бўлади. Ҳа, улар жисмоний нуксони туфайли ногиронлиги бор шахс ҳисобланади. Бирок, **руҳий ногиронлик** деган хасталигам бўлади-да. Бундай кимсаларнинг аланг-жалаңг кўзи худди бургутдек узоқ-узоқларни кўради, қулоғи тулкиники сингари динг ва бемалол эшитади, оёқ-қўллари бўлса асло тиним билмайди, бироқ, қалби кўр-сўқир, қулоғи маънан қар бўлади.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, психоневролог олим Зарифбой Ибодуллаев уларга мана шундай таърифни берганлар:

«Руҳий ногирон ота – ўзининг кўз очиб кўрган энг биринчи оиласи қолиб, бошқа хотин излаган, зино ботқоғига ботиб кетган, кўзлари мўлтираб турган фарзандларини пул, меҳрга зор ташлаб кетган, оила бағридан кўра «кўнгилхушлик»ни афзал кўрадиган кимса. Боласини театр ёки ҳайвонот боғига етаклашга маблағи ва вақтини аяйди, лекин хуштори билан ўзга юртларда сайр қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Кексайиб қолган ота-онасидан сира хабар олмайди, яқинларига «кимматбаҳо» вақтини ажратмайди, кези келганда, уларга ақл ўргатади ва жеркиб, силтаб ташлайди.

Руҳий ногирон она – эрини бир пулга олмайди, фарзандлари олдида уни тап тортмай ҳақорат қилади, зебу зийнатларга ружу қўяди, ўйин-кулгига берилиб, ўзидан бошқаларни ўйламай қўяди. Бундай аёлларда ўз фарзандларига нисбатан на оналик туйғуси, на меҳр-оқибат, на шарм-ҳаё, на андиша-ю фаросат бор. Улар она деган беҳад улуғ номга қора доғни тушириб қўйган кимсалардир.

Руҳий ногирон бола – 10 ёшли бола. Келишган, хушбичим, кўриб кўз қувонади! Аммо... Аммо, унинг руҳи ногирон. Ёш ота-она уни шу қўйга солган. Нега? Чунки, уларнинг бир-бири билан урушмаган бирор кун ийўк, ҳар иккиси куннинг бирида «отангга ўхшамай ўл, онангга ўхшамай ўлиб кет», «наслингга ўт тушсин», «боланг билан қўшмозор бўл!» каби қарғиш ва жеркишлар билан руҳиятига кетма-кет зарба беришаверади. Бу болақайнинг оппоқ коғоздай мияси кундан-кунга негатив информация – ҳақоратли сўзларга, нафрат, адоватга тўлиб боради. Чехраси синик, тушқун

ҳолатда мактабга кириб келади. Устознинг айтганлари қулоғига асло кирмайди, чунки уйдаги кечаги жанжал кун бўйи миясида қўланкадай айланаверади. Беш баҳо олиб, хурсанд бўлиб қайтса ҳам на отаси, на онасидан мактов эшитади. Эркалатиш деганлари у ёқда турсин, ҳатто «баракалла, болам» деб бошини силашга ҳам бирорта меҳрибон мавжуд эмас. Бахтли болалиги ўғирланган бу бола энди атрофдагилар, ҳатто яқинларига, ота-онасига ҳам асло меҳр бера олмайди» («Маънавий ҳаёт», 2019 йил, 2- сон, 17- бет).

Мана шундай руҳий ногирон болалардан келажакда жамият учун ўта хавфли бўлган жиноятчи, рецидивистлар, гиёҳвандлар етишиб чиқмаслигига ҳеч ким ҳеч қандай кафолат беролмайди.

Ёшлигидан кўп калтак еган болалар ўқишда ва ишда баланд чўққиларни забт этишлариям мумкин, лекин, бу зафарлар ортида боладаги психологик стресс ҳеч ёққа қочиб кетиб қолмаслигини ҳамма ота-оналар ҳам яхши билавермайди. Яъни, кўркув, ваҳима туйғуси болага ҳеч қачон чинакам бахтни ҳис этиш имкониятини беролмайди. Чунки, шу болада кўзланган мақсадга эришганидан эмас, берилажак «жазо»дан бир амаллаб қутулиб қолганлигидан хурсандлик, мамнунлик ҳисси нисбатан устун даражада бўлади.

Болаларни жазолаш усуллари ҳақида кўп эшитамиз. Ҳатто, айрим бир хотинлар эса бу борада ўзаро «тажриба» ҳам алмашиб турадилар. Болаларини билиб-билмай қилиб қўйган катта-кичик хатолари туфайли қоп-қоронғи хоналарга қамаб қўйиш ва уларни оч қолдириш, бурчакка турғизиб қўйиш, ўз жигарбандини яхши кўрган нарсаларидан маҳрум қилиш каби турли-туман усулларда «мириқиб» жазолашади ушбу «педагогика фанлари докторлари».

Болаларни жазолаш мақсадида уларни уриш жуда қадимий ва мунозарали усуллардан бири ҳисобланади. XX аср ўрталарига қадар шапалоқ туширган ёхуд қўлида қайиш ва таёқ тутиб турган ота-она ҳеч кимда ҳеч қандай эътироз уйғотмай келган. Машҳур болалар ёзувчиси Астред Линдгренинг фикрига кўра, дунёдаги турли ваҳшийликлар айнан ўзимизнинг болаларимиз хонасидан бошланади. 1979 йили Астред Линдгренинг бир нутқидан кейин Швеция давлати бу ёруғ дунёда биринчи бўлиб болаларни оилада асло уриш мумкин эмаслиги ҳақида махсус қонун чиқарган эди.

Ёзувчи ўшанда нутқида қуйидаги ҳикояни сўзлаб берганди.

Бир она ҳеч қачон ўз фарзандини урмаслик масаласида ўзига ўзи ваъда беради. Лекин, кунларнинг бирида ваъдасини унутиб, ўглини ноҳўя бир хатти-ҳаракати сабабли жазоламоқчи бўлади. Ўша пайтларда болани чивик (хипчин) билан уриш ниҳоятда кенг тарқалган жазо тури ҳисобланган. Шунда она фарзандига кўчадан бир нечта чивик топиб келишни буюради ҳамда уни шу йўсинда жазоламоқчилигини айтади. Бола орадан анча вақт ўтиб, кўзлари ёшдан шишган ҳолда чивик эмас, каттагина бир тошни кўтариб келади. Онасининг ўгли олиб келган тошга ғоятда ҳайрон бўлиб қараганлигини кўрган бола алам билан хўрсиниб йиғлаб: «Чивик топа олмадим, лекин мени бемалол жазолашингиз учун мана шу тошни олиб келдим, уни менга қарата отсангиз ҳам бўлаверади», дейди. Она боласининг ўрнига ўзини кўйиб кўради ва ҳиқиллаб йиғлаганча, «Ким ўзининг боласига тош ота оларкан?» деганида, боласи «Агар озор етказмоқчи бўлсангиз, чивик билан уришнинг тош отишдан ўзи қанақа фарқи бор?» дея жавоб қайтаради.

Ўтган асрнинг 60- йилларидан бошлаб эса болаларни бундай жазолаш усулининг самарадорлиги ва натижалари ҳам ўрганила бошлаган. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, болаларни уриш усули беҳад тарздаги ёмон тарбия воситасидир.

Аксарият руҳшуносларнинг фикрига кўра, жисмоний тарзда жазолаш 2 ёшгача мутлақо қўлланмаслиги шарт. Тўққиз ёшдан кейин эса улар тарбия тизимидан буткул истисно этилиши шарт. Бироқ, ҳар нима бўлганида ҳам болаларни жисмоний жиҳатдан жазолаш, калтаклаш бошқа тарбия усуллариغا нисбатан самарали ҳисобланмайди. Аксинча, тарбиянинг мана шундай ёввойи усули болалар ҳамда ота-оналари ўртасидаги шундоқ ҳам таранглашиб кетган муносабатларнинг янада ёмонлашуви ва руҳий ҳолатнинг тузалмайдиган бўлиб бузилиб кетишига олиб келишиям мумкин.

Профессор Мюррей Штраус қирқ йиллик ҳаёти, фаолиятини болаларнинг тарбиясида йўл кўйиладиган турли-туман хатоларни аниқлашга сарф қилган. Унинг таъкидлашига биноан, жисмоний кучнинг воситасида яхшигина «тарбияланган» болаларнинг зехни умуман калтакланмасдан ўсган болаларникига нисбатан анчагина сустроқ даражада ривожлана бошлар экан. Штраус фикрига кўра,

фақатгина маънавий савияси беҳад даражада паст ота-оналаргина фарзандларини бемалол, мириқиб дўппослай, савалай оладилар.

Америкалик илмий тадқиқотчиларнинг қатъий равишдаги огоҳлантиришига кўра, ёш болани ҳаттоки оддийгина силкитиш унинг ақлий ҳамда жисмоний ривожига анча-мунча зарар етказиб қўйиши ҳам мумкин экан. Унинг бирор аъзосидан маҳкам ушлаб олиб, жуда ҳам қаттиқ силкитиш мия фаолиятининг бузилишига олиб келади, бу эса баъзи ҳолатларда асаб тортишиши, ўқишдаги турли-туман қийинчиликлар ҳамда эътиборсизлик сингари катор салбий омилларнинг келиб чиқишига ҳам бевосита сабаб бўлади.

Болани қўрқитиш ғоятда осон. Лекин болага вақт ажратиб, у нега қаршилиқ кўрсатаётганини аниқлаб, меҳр ҳамда сабр билан тушунтириш ҳамма кишиларнинг қўлиданам келавермайди. Бола ота-онасини иззат-хурмат қилса, уларни ранжитадиган ишларни ҳечам қилмайди. Ўша хурматга эса калтаклаш билан эмас, болани тушуниш билан эришилади. Бола панд-насихатларга тузук-куруқ қулоқ солмаяптими, демак, ота-онаси унинг қалбига йўлни топа олмаяпти. Яхшиси, ҳамма ишни бир четга суриш-да, болангизни бағрингизга босиб, у билан гаплашиб кўринг. Бошида албатта у ўзини четга олиб қочади, чунки бунақа илтифотга ўрганмаган-да. Аста-секин уни нималар қаттиқ қийнаётганини ўзи айтиб беради. Кўпинча, болаларнинг ота-онасига қулоқ солмаслигига ҳам унга меҳр-муҳаббат, диққат-эътибор етмаётгани сабабчи бўлади. Агар мана шунақа мушкул паллада болалар калтакланса, саваланса ва дўппосланса, у ўз яқинларидан янада узоқлашиб бораверади-да...

Буёқ француз мутафаккири Жан Жак Руссо, «Илк тарбия ҳамма нарсадан муҳим ва у бевосита аёлларнинг зиммасидадир» деган чоғида юз марта, минг бора ҳақ бўлганлигини эса бугунги ғоятда мураккаблашиб бораётган ва мушкулотларга тўлиб-тошиб кетган ҳаётнинг ўзи ҳам «манаман», деб яққол кўрсатиб турибди.

Ҳиндистоннинг 2002 – 2007 йиллардаги собиқ президенти доктор Абдул Қалам ўз оиласи хусусида шундай ёзган эди: «Бола эдим. Онам ишдан қайтиб, ҳар кеч биз учун нон пиширарди. Бир куни вақт жуда алламаҳал бўлиб кетди. Онам шоша-пиша кечки овқат тайёрлади. Сўнгра хижолат билан отамнинг олдига овқат ва нон қўйди. Менинг икки кўзим отамнинг столи устига қўйилган

нонда эди. Кимдир унинг сал-пал куйганлигига диққат-эътиборни берармикан, деб кутиб турдим. Бироқ, отам индамай овқатланди. Сўнгра мени ўз ёнига чақириб, бугунги сабоқларим ҳақида сўраб колди. Ўша куни унга қайтарган жавобимни эса эслай олмайман, аммо, онамнинг овқатдан сўнг отамга нон бироз куйиб кетганини минг хижолат билан айтганлари бўлса худди кечагидек қулогим остида... Отам эса жилмайганича онамнинг қўлидан аста тутган эдилар: «Азизам, куйган нон менга жуда ёқади-ку, нима эсингдан ҳам бутунлай чиқиб кетиб қолдим, буни унутиб қўйдингми?!»

Ухлашдан олдинроқ отамга хайрли тун тилаш учун кирдим. Баҳонада эса куйган нонни ростданам яхши кўриш-кўрмаслигини сўраб олдим. Отам мени бағрига босди ва қаттиқ қучоқлаб олди. «Ўғлим, онанг ҳам бутун кун бўйи ишлаб, ниҳоятда чарчайди-да. Бир марта куйган нон егудек бўлсам, ҳеч нима бўлмайди. Лекин, оғзимдан чиқиб кетган биргина хунук сўздан эса онамнинг дили оғрийди. Ахир у ҳаммамиз учун керак-ку. Бу ҳаёт хатоларимизни теран равишда тушуниб етишимиз ва англаб олишимиз учун эса баъзан жуда ҳам қисқалик қилиб қолади-да», деган эдилар...»

Мавриди келиб қолгани боис яна бир ибратли маълумотни диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Ўзбекнинг китобхони буюк инсон Робиндрантх Тҳокур номини ўзининг мутафаккир боболари қаторида беҳад ардоқлашидан ўзингиз ҳам бохабарсиз. Эҳтимол, адибнинг ижодий руҳида ўзбек руҳига яқинлик борлиги уни ботиндошдай кўрсатар. Ўзбеклар Тҳокур овозида Ҳиндистон товуши, Тҳокур камолида эса Ҳиндистон камолини ҳис этганлар. Унинг: «Менинг мавжудлигим мўъжизаларнинг мўъжизасидир ва мен ҳар куни ушбу мўъжизадан ҳайратга тушаман», дея инсонни улуғлаши эса Навоийнинг: «Ганжнинг аро нақд фаровон эди, Лек боридин ғараз инсон эди» деган фикрлари давомидай янграйди.

Бугунги кунда Тҳокурнинг номи жаҳоннинг энг буюк шоир ва адиблари қаторида саналади. У ёзган асарлар қисқа вақт ичида Ҳиндистонда оммалашиб, кейинчалик Осиё, Америка, Европа ва Африкадаги ўқувчиларини ҳам ўзига маҳлиё айлаган. Шоирнинг инглиз тилига ўзи таржима қилган тўплами – «Гитанжали» ўша даврда ўзини маърифий етакчи ҳисоблайдиган Европаниям ҳангу манг қилиб, ҳайратга солиб қўйган эди. Шу тўплами учун у Осиё

ижодкорларининг орасида энг биринчи бўлиб Нобель мукофоти билан тақдирланган эди. Робиндрантх Тҳокур 1861 йил 7 майида маҳалла, қишлоқ, вилоят, Ҳиндистонга эмас, том маънода дунёга келган. Зиёли ота-она боласига қўйган бу исм «қуёшнинг ҳифзу ҳимоясидаги жон», деган маънони англатади. У ҳали жуда ёшлик чоғидаёқ отаси, акалари ва хизматкорлардан сўраб-суриштириб, алифбони ўрганиб олган эди. Қўлига тушган бенгалча ҳар қандай китобни равон ўқийдиган бўлган. Тасаввур ва тафаккур қуввати ўта улкан бўлган бу болакай олти ёшида ҳиндларнинг муқаддас китоби – ведалардаги образларга тақлид қилиб гапирар, уларнинг қаҳрамонлари сингари ниҳоят даражада теран фикр юритар эди.

Оиладаги катталарнинг эслашича, боғда чопиб, ўйнаб юрган болалардан бўйи тикроғи ўз укасига, авайлаб, танбеҳ берар эди:

– Роби, нима, сен бошқаларни мазаҳ қилиш учун атайлаб чиройли гапиряпсанми? Нега ҳамма айтган гапларинг худди жуда чиройли шеърга ўхшаб росаям оҳангдор бўлиб чиқади?

– Билмасам, акажон, мен... уйимиздаги муқаддас китобларда ёзилгани сингари гапиришга ҳаракат қиляпман, холос.

– Ростдан ҳам, Роби, сенинг гапларинг худди шеър сингари эшитилади. Кел, яхшиси бундай қиламиз: сен гапни шеър қилиб айтгин-да, шуни ўзинг дарров қоғозга ёзиб қўйгин, хўпми?

– Хўп бўлади, акажон, лекин... ўқишни анчагина биламан-у, ёзишни эса ҳали унчалик ҳам эплай олмайман-да...

– Бўлмаса мана бундай қиламиз: сен гапираверасан, мен эса сенинг гапларингни қоғозга ёзиб боравераман. Бари айтганларинг бўлса аста-секин тўпланиб-тўпланиб шеърга айланади...

Болалар мана шунга қатъий тарзда келишиб олгандилар.

Ўша пайтларда ака (Жвижендранатх) 11 ёшда, укаси (Роби – Робиндранатх) эса эндигина 6 ёшга тўлиб-тўлмаган эди.

Робиндранатх 8 ёшга тўлганида шеър, ҳикоя, драмалар ёзиб, уларни кўпчилик олдида ифодали ўқир ва қўлбола сахнада ижро этиб кўрсатар эди. 14 ёшдан Бенгалия газета-журналларида унинг шеърлари ва ҳикоялари чоп этила бошлаган. 17 ёшида адибнинг лирик шеърлардан иборат 2 тўплами маҳаллий адабий давраларда анча-мунчагина шон-шавкат қозониб ҳам улгурганди.

Ёшгина Робиндрантхнинг ўта кенг ва чуқур билим олишига Тҳокурлар оиласининг анъаналари сабаб эди. Азалдан бу сулола вакиллари Бенгалияда жуда машхур эди. Тҳокурлар хонадониди хинд ведалари, тарих ва адабиётга оид китоблар жамланган жуда катта кутубхона мавжуд бўлиб, у ерда болалар ўз ота-оналари, гоҳида хизматкорлари ёрдамида савод чиқарган. Шунингдек, бу маскан ёш авлоднинг эгаллаган билимларини чуқурлаштиришда, илм-фан сирларини ўрганишда ҳам қўл келган. Оилада фарзанд тарбиясининг жуда тўғри йўлга қўйилиши натижасида XIX – XX асрларда Тҳокурлар сулоласидан Хиндистон маънавий-маданий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутган бир қатор адабиёт ва санъат намояналари, рассомлар, театр ҳамда мусиқа арбоблари етишиб чиққан. Жумладан, Робиндранатхнинг акиси – бенгал тилидаги стенография ёзувининг асосчиси Жвижендранатх Тҳокур ҳозирги Хиндистон тарихидаги энг улуғ файласуфлар қаторида ниҳоятда эҳтиром билан тилга олинади. Икки амакиси – Гогониндранатх ва Обониндранатх Тҳокурлар – замонавий хинд тасвирий санъати асосчилари, деб тан олинган. Опаси бўлса Бенгалия аёлларидан чиққан биринчи адиба сифатида беҳад катта шуҳрат қозонган...

Ёзувчи Кашмирдаги кутубхонага ўт қўйган одамга йўллаган мактубида шундай жумлалар битилган: «Сизни суд қилишганини ва беш йиллик қамоқ жазоси тайинланганини эшитиб қанчалар ҳайратланганимни биласизми? Билмайсиз! Менимча, китобларни – маънавиятни ёққан одамни суд қилиш халқнинг ишидир. Сизга арзимаган беш йил эмас, абадий виждон азоби берилиши даркор эди. Мен сизни халқнинг ўзи суд қилиши керак эди, дедим. Хўш, бизда сизни суд қилгудай ўша халқнинг ўзи мавжудми? Ўйланиб қоласану жавобсизликдан эса тутоқиб кетасан киши...

...Менга энг алам қилаётгани, ўша халқнинг биронтаси келиб сизнинг юзингизга тулурмагани бўлди. Нега ҳам тулурсин, ахир, халқ ўзи нуқул қорнини тўқлаш билан буткул банд бўлса...

...Бу ишда, албатта, фақатгина сиз айбдор эмассиз. Сизни тўхтатмагани, эзгу йўлга бошламагани учун, аввало, халқнинг ўзи айбдор. Ахир... бизнинг одамлар китоб нималигини билмаган ва китобларни ёқаётган бир вақтда Ғарб шиддат билан ривожланиб бораётир. Бу янгилик эмаску-я, лекин унутманг, саводли раҳбар

жаҳолатга ботган оломонни доимо бошқариб келган, ҳеч курса, ўзини ўзи бошқармоқни йстаган миллатларни саводсизлаштириш ҳаракатига тушган. Китобларни ўйламай ёқиб юбораётган ўша оломонни, тўдани миллат деб бўладими? Қачон халқ бўламиз?.. Мен бу саволларга айнан ўзингиздан жавоб олмақчиман. Хўш?

Айтишларича, сиз кутубхонани ҳеч қандай мақсадсиз ёқиб юборибсиз. Эҳтимол, ақлингиз ноқисдир. Агарда шундай бўлса, Яратганнинг ўзи сизга шифосини берсин. Аммо бундай бўлмаса... Яратганнинг ўзи сизга энг оғир жазони раво кўрсин.

Мен маънавият дейилганида китоб ва миллат орасидаги ёруғ ришталарни кўз олдимга келтираман. **Одамлар китоб ўқимай қўйган кундан бошлаб ҳар қандай давлат таназулга юзлана бошлайди** (Таъкид бизники – Б. И.)...

Энди Ватан сизни кечирармикан? Агар сизни кечирса унинг Ватанлиги қолармикан энди? Ахир сиз нақ Ватаннинг юрагига – кутубхонага ўт қўйдингиз-а. Бу бўлса энг оғир гуноҳ мен учун...

Сўнгги сўзимни ҳам айтайин – сиз, аслида, энг олий жазога лойиқсиз!» («Китоб дунёси» маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий газета, 2019 йилнинг 27 феввали, 3 (292)- сон).

Робиндранатх Тҳокур «Хотиралар» китобида отаси ўзи учун қанчалар улуғ ибрат намуналари кўрсатганини ўта миннатдорлик билан эслаган. Дебендранатх ўғлини европача урф-одатларданам бохабар қилган, унинг ижод намуналарини ўқиб, таҳлил этиб ва маслаҳатлар берган, хуллас, ўз ўғлидаги истеъдод учқунларининг гуриллаб оловланиши, тўғри тарбияланиши, камол топиши, тотли мева бериши учун ўз қўлидан келган барча ишларни қилган эди...

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ғоятда чуқур мазмунга тўла мақол борлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, доим такрорлаб, ўзгаларга айтиб юрасиз. Буни зинҳор ёдимиздан чиқармаслигимиз шарт. Отаман, деб ўзимизча хўроздек кеккайиб, гердайиб юрибмизми, энг аввало, ўзимизни ҳам тартибга солиш, оила, рўзгоримиз учун ибратли ишлар қилишни ўйлайлик. Минг шукрларким, яхши феъл-атвори ва амаллари билан оталарининг дуосини олиб юрган фарзандларимиз жуда кўп. Уларнинг ширин тилларидан чиқаётган сўзларни тинглаётиб, ўзингизам беихтиёр «Баракалла! Отангга минг раҳмат!» деб юборасиз. Аммо, элчилик

деганларидек, оталарининг юзига оёқ қўяётган, улар қарғишини олаётган нобакор ҳамда нокас фарзандларниям ўз кўзимиз билан кўриб, бундай кимсалар хақида ўз қулогимиз билан ҳам эшитиб турибмиз. Уларга бериладиган ҳаққоний баҳо (аслида, қарғиш) «Ҳэ-э, ўша падарингга...» дейилишини ҳам жуда яхши биласиз.

Шахс характер хусусиятида самимийлик, меҳнатсеварлик ва интилувчанлик сингари сифатлар кўпинча ёнма-ён келади ҳамда шу орқали атрофдаги инсонларда ижобий тассуротни уйғотади. Агрессивлик, ялқовлик, масъулиятсизлик сингари иллатлар ҳамда хулқ-атвор кўринишлари ҳам болалиқдан куртак отади ва унинг келиб чиқиши ижтимоий ва биологик омилларга бориб такалади. Шу жумладан, ялқовликнинг юзага келиши, энг аввало, оиладаги ижтимоий-психологик муҳитга бевосита боғлиқ бўлиб, агар мана шу оилада меҳнатга ижобий муносабат шакллантирилган бўлса, ота-она ва ака-укалар меҳнатсевар, ҳаракатчан ва фаол бўлса, бу ўз навбатида бола тийнатида ҳам намоён бўлади. Чунки, шу бола атрофидагиларнинг барча хатти-ҳаракатларини мунтазам тарзда кузатиб бориб, уларга тақлид қилишга мойил бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда, ялқовлик сабабларини айни оила аъзоларининг меҳнатга муносабати ва ҳаракат, фаоллик даражаси билан боғлаш мумкин. Бундан ташқари, ота-она томонидан болалар тарбиясига «гипервасийлик» усулида ёндашилса, яъни унга ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилиш, унинг айтганларини сўзсиз адо этиш сингари ҳолатлар кузатилса, болада ялқовлик, боқимандалик кайфиятлари уйғониши мумкин. Чунки, ана шунақа тарбия усулида вояга етган кимсанинг ўзига ўзи берадиган баҳоси меъёридан ортиқ, манман ё ўзининг ўзига ишончи паст, хавотирланишга мойиллиги юқори бўлади. Бу эса бирор ишни қунт билан амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, ота-онанинг болаларда чинакам меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш жараёнида йўл қўядиган тарбиявий камчиликларини ҳам қайд этмоқ даркор. Жумладан, болани ҳаддан ташқари меҳнатга боғлаб қўйиш унга акс таъсир кўрсатади. Шу боисдан бу жараёнда ҳам меъёрни асло унутмаслигимиз зарур. Умуман элинганда, боладаги бекорчилик, ялқовликнинг олдини олиш учун тарбияга тўғри ёндашиш керак. Жумладан, бола билан биргаликдаги меҳнат фаолиятини ташкил

этиш, унинг ёшига қараб кичик вазифаларни бериш, меҳнатнинг инсон ҳаётидаги ўрнини эринмай, батафсил тушунтириб бориш, унинг хулқ-атворида меҳнатсеварлик ва масъулиятлилиқ сингари характер хусусиятларининг шаклланиб боришига сабаб бўлади.

Ривоятларнинг бирида айтилишича, бир кишиникига меҳмон келибди. Мезбон ҳовлисидаги ёнғоқ дарахти мевалари роса ғарқ пишиб етилган экан. Ана ўша мезбон ўзининг болаларига зудлик билан дарахтга чиқиб, ёнғоқ қоқишни буюрибди. Катта ўғил ҳам, ўртанчасиям, «Хўп, ҳозир, ота!» дейишибди-ю, аммо, буюрилган юмушни бажаришмабди. Меҳмон эса бу кишининг ўз болаларига жуда яхши тарбия берганлиги ҳақида эшитган экан, шу сабабли ғоятда ҳайрон бўлиб қолибди. Буни сезган мезбон эса ниҳоятда хижолат бўлиб, ўз ёнидаги кишига термулиб индамай, лом-мим демай, оғзига гўё толқон солгандек сукут сақлаб ўтираверибди.

Орадан бироз вақт ўтгач, аслида тут дарахтининг сояси анча салқинроқ бўлади, деган баҳонани рўкач қилиб, мезбон меҳмон билан ўтирган ўринларини ҳам ўғилларига кўчиртирибди.

Улар дарахт тагидан бошқа жойга ўтганлари заҳотиёқ, катта ва ўртанча ўғилнинг ортидан кенжаси ҳам ёнғоқ дарахтига шоша-пиша ўрмалаб чиқиб кетишибди. Улар қасир-қусур қилиб ёнғоқ қоқиб ўтирмай, шовқин-суронсиз астагина узволиб, кўйниларини тўлдириб тушишибди. Дарҳол дастурхонни ҳам ёнғоққа тўлдириб ташлашибди. Меҳмон эса бундан ҳайратланган, ажабланган экан, зукко ота: «Бунинг сабабини болаларимдан сўрай қолинг», дебди.

Катта ўғил: «Бизга ёнғоқни қоқиб тушиш юмушини буюрган чоғларида Отамиз ўзингиз билан дарахт тагида эдилар, айнан шу сабабдан ҳам дарахтнинг устига зудлик билан чиқиб кетишимиз мутлақо ахлоқ-одобдан бўлмас эди-да», деган жавобни берибди.

Шунда меҳмон мезбондан: «Унда тезроқ дарахт тагидан кета қолсангиз бўлмасмиди?» деганида, у: «Ёнимдаги меҳмон олдидан бесабаб туриб кетиш унга нисбатан ҳурматсизлик бўлар эди», деб жавоб қайтарган экан. Меҳмон эса бу оилада изчил тарзда йўлга қўйилган чинакам ОТА тарбиясига минг тасаннолар айтибди...

Бир куни ота ўз ўғлидан «Ким кучли, ўғлим, сенми, менми?» деб сўрабди. «Мен кучлиман-да, ота, сиз анчагина кексасиз, мен эса ёшман», деб жавоб берибди ўғил. Жавобдан коникмаган ота

яна сўрабди: «Нима учун кучлиман, деяпсан?» Ўғил: «Ахир мен ўкиганман, ишляяпман. Истаган ишни қилишга имкониятим ҳам, куч-қувватим ҳам бемалол етарли. Шунинг учун мен кучлиман-да», деб жавоб қилибди. Бу сўзлардан жуда қаттиқ ранжиган ота ўглининг ёнидан узоқлашибди ва эшик остонасига етганда ортига қайрилиб, яна сўрабди: «Ўғлим, сўнгги бор сўрайман: ким кучли? Сенми ёки менми?» «Энди бўлса мен кучсизман, Сиз кучлисиз, ота», дебди ўғил. Ота бўлса унинг жавобидан ажабланиб, бунинг сабабини сўрабди: «Нимага икки марталаб сўраган пайтимда, мен кучлироқман, дегандинг, учинчи бор сўрасам, сиздан кучсизман, деяпсан, ўғлим?» Шунда ўғил: «Икки марта сўраган чоғингизда, Сиз ёнимда турган эдингиз, энди мендан узоқроқдасиз, айнан шу сабабдан ҳам кучсизроқман-да, ота», деган экан. Қиссадан ҳисса ҳам шундаки, падари бузруквор ёнида турган чоғлардагина ўғил ўзини ниҳоятда кучли ҳис қиляпти. Отаси узоқлашганида эса...

Ривоятда келтирилишича, бир йигитнинг уйида асло ҳаловат қолмабди. Унинг хотини бетиним тарзда кекса отасининг устидан асоссиз равишда арз қилавериб, хунобини росаям оширворибди. Шунда йигит бошини қашлаб ва ўйлаб-ўйлаб, отасини баланд тоғ тепасидаги бир кулбага олиб бориб ташлашни, вақти-вақти билан имкон топиб, ундан хабар олиб туришни кўнглининг бир четига маҳкам тугиб қўйиб, отасини бошлаб олиб узоқ йўлга чиқибди.

Ота бутун йўл бўйи миқ этмай, ўгли ортидан кетибди. Ўғил уни кулбада қолдириб, ортига қайтаётганида ҳам оғзига гўё бир ховуч толқонни солиб олгандек, бир оғиз ҳам гапирмабди. Йигит ярим йўлга келгунига қадар фақатгина ўз отаси ҳақида ўйлабди. Ёшлигида ўз елкасига кўтариб олиб, опичлаб сершовқин бозорга олиб боргани, ҳамма нарсаларнинг энг яхшисини ўзининг оғзига тутганини ҳам эслабди. Шунда бирданига унинг кўзлари ярқ этиб очилиб, беҳад тезлик билан ортига қайтибди. Етиб борган захоти отасини маҳкам кучоқлаб олганича узоқ вақт ҳиқиллаб йиғлапти. Мушфиқ отаси эса фақатгина бир гапни бетиним такрорлар экан:

– Билгандим, болам! Ташлаб кетмаслигингни билгандим!

Йигит бирозгина ўзини босиб олгач, отасидан сўрабди:

– Отажон қаердан билгандингиз? Ташлаб кетаётгандим-ку!

– Сен барибир ташлаб кетмасдинг, ахир мен ҳам ўз пайтида ўзимнинг отамни бунака жойларга ташлаб кетмагандим-да!..

Дийдаси беқиёс даражада қаттиқ ва шафқатсиз бир савдогар бор эди. У ҳар йили бозордан бор-йўғи бир қулни сотиб олар, бир йил мобайнида унга беҳад оғир ишларни қилдириб, сўнг ўйлаб-нетиб ўтирмасдан унинг бахридан шартта кечиб юбораверарди.

Хизматларни беминнат ўтаб, иш муддати тугаган қулларни ўзининг йиртқич итларига ем қилар эди. Бир неча кун аввалроқ итларини оч-наҳор қолдириб, сўнг уларни қулга ташланиб ғажиб ташлаши учун занжирини ечиб, олакишлаб қўйиб юборарди.

Тожир қули йил давомида воқиф бўлган барча сир-асрорлар ўзга кишиларга ошкор бўлишини ҳеч истамагани учун ҳам айнан шунака беҳад даражада аблаҳона, палидона йўлни тутиб келарди.

Аввалдан ўрганиб қолган роса ярамас одатига кўра у тагин янги қул сотиб олмоқчи бўлди. Қуллар тожири (сотувчиси) бўлса унга синовдан ўтган жуда ақл-заковатли бир қулни тақдим этди.

Уни сотиб олди. Бир йил қул чиройли хизмат қилди. Лекин, азобли ўлим, аввалгилар сингари, унга ҳам яқинлашиб келар эди.

Савдогар дахшатли тус оладиган ғоятда қонли тўқнашувни кўриб лаззатланар эди. Қувончига шерик бўлиб, маза қилишлари учун ўз ҳамтовоқ улфатларини ҳам чақирришни унутиб қўймади.

Одати бўйича бир неча кун олдин итларини оч қолдирди.

Шундан сўнг қулнинг олдига итлар галасини қўйиб юборди. Лекин... кутилмаган ҳолат уни таажжубга солди. Итлар қулнинг атрофида думини ликиллатиб, эркаланиб айлана бошлашди. Бир озгина сакраб – ўйнаб унинг олдига узала тушиб ухлаб қолишди.

Бой бу манзарадан ҳайратга тушди. Чунки, унинг итлари ўта очофат, ваҳший ва йиртқич эди. Қандай қилиб бундай меҳрибон, вафодор бўлиб қолишганига ақли ҳам мутлақо етмасди. Хўжайин ўша қулдан ажабланиб бунинг асл сабабини сўради. Шунда қул:

– Мен сизга тўла бир йил давомида чиройли, холис хизмат қилдим. Сиз бунинг эвазига мени шу оч итларга ем қилдирмоқчи бўлдингиз. Атиги, охирги икки ой ичида итларингизга ҳам меҳр билан хизмат қилдим. Оч-наҳор бўлсалар ҳам, уларнинг чинакам вафоси, садокатини ўзингиз кўзингиз билан кўрдингиз-ку, – деди.

Алқисса, кимгаки заррача меҳр-муҳаббат тухфа этилса, чекчағараси йўқ уммон сингари тўлиб-тошади ва ҳар бир кўнгилга кириб боради. Ҳаттоки, биз онгсиз деб атаган мавжудотларнинг ҳам шуурига сингиб кетиб, улар қаршимизда мисли кўрилмаган даражадаги чинакам вафо, асл садокат тимсолига айланадилар.

Ривоят: Бир фозил одам шундай воқеани хикоя қилган эди:

– Бир гал Хоразмга сафар қилган пайтимда бир киши менга йўлдош бўлди, уни едириб-ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, самимий дўстлигини бетиним сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен ўша итга раҳм-шафқат қилиб нон ва суяк бериб юрдим.

Йўлда икки ўғри бизга хужум қилди. Ҳалиги ҳамроҳим эса ўғриларни узоқдан кўрган замониёқ мени ташлаб қочиб кетди. Ит эса бир ўғрини оёғидан тишлаб олиб йикитди, талади, ўғри зўр-базўр қочиб қутилди. Иккинчи ўғрини мен мағлуб қилдим, у ҳам кўрқиб қочиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, ўша итнинг кўмагида талончи – ўғрилардан бир амаллаб қутилиб қолгандим.

Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб, ёнимга қайтди ва риёкорлик билан ҳол-аҳволимни сўради. Мен жаҳл билан унга:

– Йўқол, асло ёнимга келма, сен сингари «дўст»лардан мана бу ит вафолироқ деб, уни ташлаб, ит билан бирга Хоразм томонга қараб аввалдан белгилаб олинган йўлимда давом этавердим...

Энди мазмунан шунақа бир латифа ўқишга тобингиз қалай?

– Эринг билан нега ажрашдинг, ўзи?

– У мендан итдан талаб қилинадиган нарсани сўраганди-да.

– Қизик, ер ютгур эринг сендан ўзи нимани талаб қилганди?

– Вафодорликни-да!

Қиссалардан ҳиссани эса ўзингизам бемалол чиқара оласиз.

Баъзан ҳаётда ўзининг фарзандлари қаровсиз қолдирган ёхуд меҳр-муҳаббатларини дариг тутган ва аяган қарияларга дуч келиб қолгудек бўлсак қалбимизда ўта қаттиқ ачиниш хисси ҳам пайдо бўлади. Беихтиёр ўзимиз асло танимайдиган, умримизда мутлақо кўрмаган бемеҳр болаларга нисбатан қалбимизда нафрат ҳиссини туямиз. Аммо, бир зумгина бўлса-да, «дўппимизни бошдан олиб» ўйлаб кўрсак, уларнинг шундай аҳволга тушиб қолишларида ҳам ўзларининг етарлича айблари бордек, назаримизда. Чунки, меҳр-муҳаббат ва оқибат устун бўлган оилада униб-ўсган, меҳр кўриб

катта бўлган, улғайган фарзандлар ҳеч қачон ўз ота-оналарини ёлғиз ташлаб қўймайдилар, уларни сираям хор-зор қилмайдилар.

Ривоят қилишларига кўра, бир ота хотини вафот этгач, етим бўтадек бўзлаб қолаверган уч қизини меҳр-муҳаббат билан вояга етказибди. Қизларимнинг кўнгли ўқсиб қолмасин, деган ўйда эса хаттоки уйланмабди ҳам. У ибодатга бош қўйган кезлари қизлари унга меҳрибон бўлиб етишларини Тангридан астойдил сўраarkan. Кунлардан бир куни худди ўша киши зарурат туфайли узоқ бир сафарга чиқадиган бўлиб қолибди ва ўз атрофида гирдикапалак, парвона бўлиб сафарга кузатиб қўяётган жонсарак қизларидан:

– Ғўзал қизларим, сизларга нима олиб келай? – деб сўрабди.

– Дадажон, менга ўша юртдаги дур-у марваридлардан бирор ҳовучини олиб келсангиз, – дебди биринчи бўлиб, катта қизи.

– Менга дунёдаги энг чиройли матолардан олиб келсангиз, – дея ўзининг орзусини шоша-пиша айтибди иккинчи қизи ҳам.

– Сенгачи? – дебди ота сукут сақлаб турган кенжа қизига.

– Отажон, менга сафарингиз давомида нималар есангиз ўша еган нарсангизнинг куйган жойларини олиб келинг, – дебди қиз.

Ота кенжасининг илтимосидан беҳад ҳайрон бўлиб сафарга отланибди ва бир неча ойлардан кейин ўз уйига қайтиб келибди. Икки катта қизи сўраган дуру-марваридлар ва бекиёс даражадаги ғўзал, асл матоларни дарҳол берибди. Энг кичик қизига эса унинг илтимосига биноан, бир белбоғда тўла қилиб тугилган барча еган таомлари-ю, нонларининг куйиндиларини қўшқўллаб узатибди.

Қизи эса бундан жуда хурсанд бўлибди ва дадасига сўраган нарсаларини олиб келгани учун ташаккур айтибди. Ота қизидан:

– Она қизим, энди бемалол айтсанг бўлаверади, не сабабдан мендан бошқа бирон нарсани эмас, ўша ерда еган таомларимнинг куйган бўлақларини уйимизга қайтариб олиб келишимни сўраган эдинг, бунинг асл маъноси не ўзи? – дея савол берибди.

– Отажон, куйган таом, айниқса, ноннинг куйгани кишида саратон хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Агар сизга бу ҳақда тўғридан-тўғри айтсам, бунга амал қилмаслигингиз ҳам мумкин эди. Шу нарсаларни менга қайтариб олиб келинг, десам қизим илтимос қилганди, дея эътиборсиз бўлмай, илинишингизни жудаям яхши билиб, айнан шу йўлни тутган эдим, – дебди қизи.

Ота қизининг донолиги ва меҳрибонлигидан беҳад қувониб кетибди ва уни чин қалбидан дуо қилибди. Отасининг самимий дуосини олган қиз эса келажакда бахтли-саодатли бўлиб, муроду мақсадига етган, ўз фарзандлариниям меҳр-муҳаббатли, раҳмдил ва ўзгаларга яхшиликни улашувчи инсон қилиб тарбиялаган экан.

Қиссадан чиқадиган ҳисса шулки, ота-она фарзандига канча кўп меҳрини берса, келажакда улардан янада кўпроқ меҳр олади. Чунки, ўғилдир, қиздир фарзанд ҳам бамисоли экин экиладиган ҳамда меҳр-муҳаббат билан парваришланадиган заминга ўхшаб кетади. Унга ўзимиз нимани эксак, айнан ўшанисини оламиз-да...

Улуғ аждодларимиздан мерос тагин бир ибратли ривоятга эътиборимизни қаратсак, ўзимизга зарур хулосани чиқариб олсак:

Қадим замонда уч опа-сингил япаганкан. Тўнғичи кўрслиги устига дангаса ҳам, ўртанчаси эса рўзгор ишларини номигагина бажараркан. Кенжаси бўлса одобли, ширинсухан, меҳнатсевар ва меҳр-шафқатли бўлиб, сўзлари ҳам куй сингари ёқимли экан.

Бир куни уч қиз яшаётган ўша маконга бир аёл келибди.

– Менинг исмим ТАҚДИР. Ўзингиз ниҳоятда яхши биласиз, Ёлғизлик фақатгина Аллоҳнинг ўзига ярашади. Мана шу илоҳий сабабга биноан ҳам мен бу ерга сизларни ўзингизнинг бўлажак турмуш ўртоқларингизга етказиб қўйиш учун келдим, – дебди у.

Опа-сингиллар ТАҚДИРнинг измига бўйсуниб, у етаклаган томонга кетибдилар. Йўлда учраган биринчи қишлоқда яшовчи абжир, ниҳоят даражада меҳнатқаш али йигит катта опага насиб қилибди. Иккинчи бир макондаги очикқўнгил, лафзи бутун ҳамда ширинкалом инсонга бўлса ўртанча опа турмушга узатилибди.

Кенжа қиз билан аёл эса йўлларида давом этиб, хароба кулба олдида тўхташибди. Уйнинг шундоққина ёнидаги кўлмақда ғирт маст, яғир, искирт бир кимса балчиққа беланганича, ухлаб ётган экан. Буни кўриб сулув қизнинг ранги қордек оқариб кетибди.

– Эй, бешафқат ТАҚДИР! – дея надомат чекиб йиғлапти у. – Бунчалар даражада адолатсизсан-а? Менинг опаларимга ниҳоятда яхши ёр – инсонларни насиб этдинг. Менга қолганида эса...

– Сен заковатлисан, ҳар қандай маконни бемалол гуллатиб-яшната оласан, – унга беҳад ишонч билан қарабди ТАҚДИР.

Орадан йиллар бир зумда ўтиб кетибди. Кун келиб ТАҚДИР опа-сингилларнинг ҳолидан хабар олмоқ учун отланибди. Кенжа гўзал қолдириб кетилган хароба ўрнида каср барпо этилганмиш. Боғ-роғ гўшада шоҳона кийинган бир киши ёнида суксурдек аёли билан икки фарзандини етаклаб юрган экан. ТАҚДИР эса ана шу бахтли-ю бадавлат жуфтлик бир пайтлар ўз кўзи билан кўрган ўша маст-аласт йигит ва ўз қисматидан жудаям хафа бўлиб аччиқ кўзёшини тўккан кенжа сингил эканини дарҳол англаб етибди.

Уларнинг турмушидан коникиш ҳосил қилиб, катта қизлар олдига йўл солибди. Хайҳот, сингилларнинг бадфёъллиги ҳамда ишёкмаслиги боис аввалги қасрмонанд чиройли уйлар вайронага айланиб қолибди. Алп йигитларнинг қадди бўлса икки букилиб, сочлари ҳам қордек оқариб кетган эмиш. Хонадон бекаларининг гиди-бидилари ва шанғиллашидан эса эл-юрт беҳад безор экан...

Халқ орасида «қиз бола отасига бошқача меҳрибон бўлади», деган гап юради. Хоҳлайдими ё хоҳламайдими, фарзандларнинг, шу жумладан, қизларнинг кўп вақти оналар билан ўтиши табиий ҳол. Бу жараёнда улар бир-бирига жуда ҳам яқин, ҳатто сирдош бўлиб кетадилар. Аммо яна бир муҳим жиҳат – ҳар бир улғайиб келаётган инсон ўзини топишга, мустақилликка ҳамда камолотга интиладики, балки қизлар ўз онасида ўзининг қиёфасини, отасида бўлса бошқа бир беҳад улғувор, салобатли ва саховатли оламни кўрар? Бу олам ўзининг жисму руҳига туташ эканлигидан кўнгли, руҳи ва борлиги ўсар? Ахир, қиз боланинг қалби нозик туйғулар, ширин орзулар ва меҳр-муҳаббат билан яралган ҳисларга тўлиб-тошган бўлади. Айнан шу боисданам ўзининг бахтини яратишни, энг аввало, ўз отасини, онасини бахтиёр этишдан бошлайди.

Ўзбекистон Қахрамони Суйима Ғаниева ўз отасини шундай эслаганди: «Шайхзода домла менга ҳар гал «Ғани акамнинг қизи» деб мурожаат қилганида раҳматли отам кўз ўнгимда гавдаланар эди. Отам кишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис бўлган эдилар. Бизнинг болалигимиз жуда оғир кечган. Бир бурда кора нон ҳам жондай азиз эди. Эсимда бир гал отам оқ нон билан қанд олиб келганида биз йиғлаб юборганмиз. Шароит қанча оғир бўлмасин, отам менинг ўқишим, билим олишим зарур эканлигини жуда ҳам яқини тушунган ва шунга имкон яратганлар. Шунинг учун ҳаётда

нимага эришган бўлсам, буларнинг барига илк сабабчи отам деб ўйлайман. Шайх ака ҳақиқатан топиб айтганларидай, мен ҳамон «Ғани аканинг кизи» бўлиб фаолият кўрсатяпман» («Маънавий ҳаёт» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журнали, 2016 йил, 4- сон, 54- бет).

Бир оилада уч фарзанд бор эди: иккита қиз ва бир ўғил. Она икки қизидан кейин ўғил туғилишини жудаям истайди. Ва ниҳоят Она ўз орзусига эришди, оилада учинчи фарзанд – ўғил таваллуд топди. Аммо, она ўғлини ҳаддан ташқари эркалатарди. Қизларига ҳам унга қаттиқ гапирмасликни тайинлар эди. «Укангиз оиламиз давомчиси ва таянчимиз, уни асло хафа қилманглар», дерди. Буни қарангки, мана шундай эътибор ва ғамхўрлик ўз мевасини бериб, болакай тантиқ, эркатой ва инжиқ бўлиб ўса бошлади. Бола беш ёшга тўлганида, уни мактабга тайёрлов курсига беришди. Лекин, болакай у ердаги вазифаларга ақли етмасдан, курсниям охиригача давом эттира олмади. Фарзандига раҳми келган ота-она «Болам роса кийналиб кетди», деб у ердан ҳам олишди. Энг ачинарлиси эса, уй вазифаларини қилмоқчи бўлган ўша бола онасига «Қийин экан, қила олмаяпман», деса, она дарҳол боласи ёнини олар эди.

Болакай мактабга чиққанидаям ана шу одатини ташламади: унга дарс тайёрлаш ёқмас, нукул кўчадан бери келмасди... Энди буёғини эса ўзингиз ҳам мавжуд тажрибангизга асосланган ҳолда бемалол давом эттира оласиз. Ҳозирданок бунақа хунар оқибатни тасаввур қиляпсиз, кўряпсиз... Энди ўзга бир мисолга юзланамиз.

Ривоят қилишларига биноан, бир отахон ёшгина набираси билан дарё бўйида яшар экан. Набира ҳар тонг бобосининг китоб ўқиб ўтирганини кўрар ва секин унинг ёнига бориб, қулоқ солар эди. Бора-бора ўзи ҳам ўқишни ўрганиб олган набира кунларнинг бирида бобосига мана шундай савол билан мурожаат қилибди:

– Бобожон, мен ҳам сиздек ўқийман, аммо маъно-мазмунини сира ҳам тушунмайман. Ўқиганларим бўлса тезда ёдимдан чиқиб кетиб қолади-да. Ўзи бунақа ўқишнинг қанақа фойдаси бор?

Бобо саватдаги кўмирни гуриллаб ёниб ётган печкага солиб, набирасини ўз ёнига қўли билан астагина имлаб чақирибди:

– Ўғлим, мана бу саватни қўлингга олгин-да, оёғингни ҳам қўлингга олиб, тезда дарёга бориб, бир сават сув олиб келгин!

Набира бобосининг айтганини қилибди, аммо уйига қайтиб келгунича сув саватдан оқиб кетибди. Бобоси кулиб – дебди:

– Кейинги сафар салгина тезроқ юришингга тўғри келади.

Бола бу сафар сувни олган заҳотиёк, оёғини қўлига олиб уйи томон ўпкасини қўлтиқлаб чопибди, лекин сув яна оқиб кетибди.

Бола ҳаллослаб, хансираб, тили бир қаричча осилиб келиб:

– Бобо, бунақа саватда сира ҳам сув келтириб бўлмайди-ку, – дебди, ўжарлик ва қатъийлик билан, бирозгина жаҳли чиқиб.

– Бари хатти-ҳаракатларим беҳуда кетди, деб ўйладингми, болажоним? Қўлингдаги саватга бир зехн солиб қарагин-а!

Саватга назар ташлаган бола кўмир солинадиган қоп-қора, кир ва эски саватнинг ичи ва таши тозаланиб қолганини кўрибди. Шунда китобхон бобоси беҳад кизикувчан неварасига қарата:

– Болажоним, сен китоб ўқиганингда ҳам шундай ҳол содир бўлади. Сен ҳеч нарсага тушунмаслигинг ё эслаб қололмаслигинг мумкин, лекин китоб ўқиганинг сари руҳиятингни тобора поклаб бораверасан, фикрларинг ҳам теранлашаверади – деган экан...

Жиддийроқ суҳбатни давом эттиришдан олдин бир ниҳоятда ибратли латифани ўқисак, унчалик ҳам қарши бўлмасангиз керак:

Иккита китоб бир куни эски кутубхонанинг ҳеч ким деярли қарамайдиган тоқчасида ёнма-ён жойлашиб қолишибди. Шунда биринчиси иккинчисидан «Ия, дўстим, сени ҳам шу ерга ташлаб кетишдими?» деб сўрабди. «Мени шу кутубхонага совға қилиб беришди, қарагин саҳифаларимга чизилмаган жой қолмади», деб жавоб берибди наригиси. Биринчиси тагин сўрабди: «Айтганча, нашриётдан чиққанингдан кейин нима қилдинг, ўшандан кейин қайта кўринмадинг?» Иккинчиси яна жавоб берибди: «Эҳ-хе мен роса катта нархларда сотилдим, сен ўзинг-чи?» Шунда биринчи китоб афсусланган кўйи: «Эҳ дўстим, мен муаллифнинг ўзида қолиб кетгандим, мени ёзган олим оламдан ўтиб кетгач, болалари бўлса шу кутубхонага эсдаликка бериб юборишди» деган экан...

Ушбу қиссадан ҳиссани ўзингиз ҳам бемалол чиқара оласиз.

Ўзингизнинг қулоғингизгаям чалинган бўлса керак, анъанага кўра, айрим бир мутахассислар одам кексайганида унинг мияси сустроқ ишлайди, деб ҳисоблаб келишган. Аммо, кейинги даврда ўтказилган тадқиқотлар одамлар мияси кексалиқда ёшларникига

нисбатан кўпроқ ҳажмдаги ахборотни қабул қилиб олиш ҳамда уни бемалол сақлаш имкониятига эга эканлигиниям кўрсатмоқда. Инсон мияси 60 ёшдан кейин тўлиқ ишлай бошлар экан. Бунинг энг асосий сабаби – бош миядаги нейронларга сигнал берадиган миелин моддаси миқдори ортиб боради. Бунинг натижасида эса инсондаги умумий интеллект (заковат) 3000 фоизгача юксалар экан!!! 60 ёшгача миянинг иккита ярим шари мустақил равишда ишласа, 60 ёшидан кейин бўлса ярим шарларни бирваракайига ишга солиш имконияти вужудга келар экан («Тиббиёт ва замон» илмий-оммабоп, ижтимоий-маънавий журнали, 2018 йил, 4 (71)-сон, 29- бет). Шу сабабдан ҳам инсон ёши улғайиб боргани сари, айникса, кўша-кўша фарзанд кўргани, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотганидан кейин ақллироқ бўлиб бориши бежиз эмас экан-да...

«Китоб дунёси» газетасида босилган (2018 йил 22 август) диққат-эътиборингизга ҳавола этилаётган Дониёр Курбонхўжаев қаламига мансуб «Ваъдага вафо» сарлавҳали жажжигина ҳикоя камина каби сизни ҳам бефарқ қолдирмаса керак, деб ўйлаймиз:

«Уялганича осмонга термулиб турган қизга ошиқ йигит:

– Мен сенга осмондаги ойни олиб бераман – деган ваъдани бериб юборди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, икки нафар қиз фарзанд кўришди, оиланинг катта бекаси:

– Отангиз ваъдани бериб устидан чиқмайди, бир замонлар у менга осмондан ойни олиб бераман, деганди.

Сочларига оқ тушган киши бўлса:

– Икки кизимизнинг осмондаги ўша ойдан қаери кам? – дея жавоб берди...»

Шу ўринда мавриди келиб қолгани сабабли Тура Сулаймон сохир қаламига мансуб, ўзингиз ҳам ёддан биладиган эларо жуда маълум ва машҳур бўлиб кетган шеър – «Тебратар»ни шу орага қистириб кетсак, асло ортиқчалик қилмаса керак, деб ўйлаймиз.

Шамол шамолни тебратар.

Шамол булутни тебратар.

Булут ёмғирни тебратар.

Ёмғир майсани тебратар.

Майса бияни тебратар.

Бия қимизни тебратар.
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулувни тебратар.
Сулув бешикни тебратар.
Бешик болани тебратар.
Бола дунёни тебратар.

Фарзандлар учун энг катта бахт – дунёга келтирган, тетапоя қилганингда кўлингдан тутган, қаддингни ғоз тутишинга тиргак бўлган, қувонганингда борлиққа сиғмай қувониб, хаётнинг беҳад мураккаб ва мушкул сўқмоқларида тўғри йўл кўрсатиб, ҳар вақт панд-насихатлари билан бошлари саждада, тиллари дуода бўлган ота-онанг орзу қилганидек инсон бўлишдир. Ҳа, ОТА номи – бу байроқ, уни жуда юқори кўтариб юриш керак, унга доғ тушириш асло мумкин эмас. Бу байроқни ўзинг кўтариб юрасан, унга ўз исмингни кўшиб болаларингга узатасан, улар эса ўз болаларига...

ОТА – уйнинг устунни, ОНА – уйнинг асл шамчироғи. Улар доимо бир-бирини ўзаро тўлдириб, қўллаб-қувватлаб турадилар. Устунни бўлмаган уй ва чироқсиз хонадон бефайздир. Тиргақлари бақувват оила доим эл-юртнинг катта ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган. Борди-ю, ота ўз оиласида мустаҳкам ўрнига эга бўлмаса, фарзандлари тарбиясига бепарволик қилгудек бўлса, бу, турган гап-ки, унинг мавқеига путур етказди. Чунки, бу вазиятда унинг ўрнини она бутунлай эгаллаб олади. Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути – тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри – тимсол, нимаики чидамли ва сабр-тоқатли бўлса, она иродаси – тимсол, кимда ким пок муҳаббат ва меҳридарёлик даъво этса, онанинг пок қалби – тимсол. Шунинг учун ҳам бизлар она Ватаним ва она тилим деймиз. Она болага нисбатан ортиқроқ меҳрибонлик кўрсатиши табиий, чунки у нуридийдасини тўққиз ою, тўққиз кун – қорнида, икки йил қўлида, бир умр ўз қалбида беминнат кўтариб юради. Ўзингизга ҳам аёнки, юмшоқ табиатли оналар ўз фарзандларига нисбатан раҳмдилроқ ва меҳрибонроқ бўладилар. Бу бола таълим-тарбиясига ҳам салбий таъсир қилади. Шу сабаб Фирдавсийдан бизга, «Қаерда аёл киши каттиққўлроқ бўлса, ўша жойдаги эркаклар мард бўлиб вояга етадилар» деган

пурхикмат мерос қолган. Тикка ва тўғри ўсган баҳайбат дарахтга дуч келган одам унинг устига бир амаллаб тирмашиб чиқиш учун дархол ёпишмаслигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз, кўп бора ўз кўзингиз билан кўргансиз. Кокос ёнғоғига бўлса манаман деган дарахтга тирмашиб чиқувчилар ҳам обдан ўйлаб ва жиддий чамалаб олганларидан кейингина яқинлашишлари мумкин. Агар бизнинг қаршимиздаги дарахт сал эгри ўсган бўлса, унинг устига хаттоки ёш бола ҳам бир амаллаб, тирмашиб чиқиб олиб, унинг фарқ пишган меваларини талон-тарож қилиши, шохларини бўлса аёвсиз синдириб ташлаши ҳам ниҳоятда осон кечади. Тўғри эмас, нотўғри тарбия ёки бепарволигимиз оқибатида эгри-бугри бўлиб ўсган болаларимизнинг калласигаям келажакда шундайин ширин мевали дарахтнинг ниҳоятда аянчли ва кўмирдек қоп-қора куни тушмаслигига ҳеч ким ҳеч қандай кафолатни асло бера олмайди.

Келинг, яхшиси ушбу ўринда 2017 йил 17 мартда Интернет саҳифасидан ўрин олган, Азамат исмли йигитнинг афсус-надомат билан айтиб берганини, «Онамдан қолган ғалати эсдалиқ» номли битикни биргаликда ўқиб кўрсак, янада ҳам аниқроғи, жиддийроқ ўқиб олсак, ҳеч кимга зарар қилмас, фойдадан холи бўлмас эди:

«Тағин баҳор қайтиб келди. Ҳар сафар баҳорда мени виждон азоби қийнайверади, ўзимни қўйгани бўлса бирон-бир тузукрок жойни ҳам асло тополмайман. Чунки, ўшанда ҳам баҳор эди.

– Ойи, дам олишга бормасангиз бўлмайдимиз, уйда маза қилиб ўтирсангиз-чи? Онамнинг тағин дам олиш масканига кетаётгани менга унчалик ҳам ёқмаётганди.

– Болам, йўлланманинг пулини аллақачон нафақа пулимдан тўлаб қўйганман, сен фақатгина олиб бориб, олиб келиб қўйсанг бўлди, – оймнинг овозида илтижо оҳанги мавжуд эди.

– Э, гап пулда эмас, дадамларни уйда ёлғиз ташлаб кетманг, деяпман-да, – дедим ўзимча сохта бир кулги билан.

– Даданг нега ёлғиз бўларканлар, сизлар борсизлар-ку. Бу йил ўтган йилги дугоналарим билан келишиб имтиёзли йўлланмани олволганмиз. Насиб қилса, ўртоқларим билан бирга дам оламан.

Ҳар йили, онам дам олишга борар эканлар, албатта, менинг болаларимдан бирини ўзларига ҳамроҳ қилиб олардилар. Ўзингиз маза қилиб дамнингизни олаверинг десак ҳам менга оғири йўқ деб

ёнида олиб кетадилар. Мана шу гал йўлга чиқишлари олдидан эса негадир шайтоннинг, иблиснинг гапига кирдим, йўригига юрдим. Ўзим ота-онамдан алоҳида яшайман. Онам йўлга чиқишларидан бир кун олдин эса, атайлаб уларникига бориб хабар ҳам олмадим.

– Ҳар йили онангиз кетишларига сиз харажат қилиб берасиз, бирор сафар бундоқ укангиз ҳам харажат килсин-да, у ҳам худди сизга ўхшаган ўғил-ку, – хотинимнинг жағи ланг очилиб кетди.

– Кел, қўй, жуда майдалашиб кетмагин, жуда кетса, юз минг кетар-да, – аёлимни ўзимча инсофга чақирмоқчи бўлдим.

– Келинг, яхшиси, шу сафар сиз ҳеч нарса олманг, кўрайлик, укангиз ўзининг онасига нималарни олиб бера оларкан?

Ростдан ҳам нимага ҳар сафар мен харажат қилишим, онамни мен машинада олиб бориб, тагин олиб келиб қўйишим керак? Энг катгаси индамайди, деб мени эшак қилиб миниб олди-ку булар, деб ичимда иблис – шайтон бетиним равишда ғалаён қиларди.

– Гапингда ростдан ҳам жон бор, онаси, шу сафар онамларни олиб бораман-у, пул ҳам бермайман, харажат ҳам қилмайман.

– Эртасига онамни машинада олиб кетар эканман, ишим унча юришмаётганлиги, пул топишга ҳам қийналаётганлигимни бот-бот такрорлар, ўзимча минғирлаб минг бир баҳоналар тўқирдим.

– Ойнадан онамга ўғринча қарарканман, унинг юз ифодасида ҳеч қандай ўзгариш йўқ, фақатгина аҳён-аҳёнда қара, тоғларнинг росаям чиройлилигини болам, деб кўярдилар.

– Онам билан бирга борган боламга ҳам ҳеч нарса бермадим. Онам ҳеч нарса билмагандек хайрлашди. Бизга рўпарадан келган машинадан тушаётган одамлар каттагина бозорлик қилиб олган мен бўлса бор-йўғи тўрттагина патир ҳам олмагандим. Азбаройи пулим йўқлигидан эмас, балки аёлимнинг кечаги гаплари менга таъсир қилганди. Ҳа, мен олмасам, укам ҳеч нарса ололмабдику, хотинимнинг гапи тўғри, деган аҳмоқона бир ўй ўтди хаёлимдан.

– Орадан ўн беш кун ҳам бир зумда, кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Онамни ўша ердан олиб келадиган вақт ҳам етиб келганди.

Аксига олиб ўша куни укамнинг машинаси бузилиб қолибди. Яна ўзим бориб, онамни олиб келишимга тўғри келди.

– Машинанг ҳам қачон бузилишни билади ўзи, укамга пичинг қиларканман, онамнинг хизматини қилиш менга тушгани аслида чинакам бахт эканлигини ўша вақтлари мутлақо билмас эдим-да.

Дам олиш жойида ранги тиниқлашган онам ҳамда фарзандим мени кучок очиб кутиб олишаркан, мен куннинг ўта иссиқлиги, ишим кўплигини айтиб, уларни тезроқ уйга кетишга ундар эдим. Аксига олиб, йўлда менинг машинам ҳам бузилиб қолди.

– Ҳа, болам-а, узоқ йўлга чиқардинг, бундоқ машинанинг уёқ-буёғигаям қараб қўймабсан-да, – ойим танбеҳ бераркан, қўлидаги дастрўмолчаси билан пешонамдаги терни аста артиб қўйдилар.

– Мен ўзим аслида бугун йўлга чиқмоқчи ҳам эмасдим, анави эркатойингизнинг машинаси бузилиб қолгани учун келгандим-да. Ҳали, Худо билади, уям ростдан касалми ёки ёлгон гапирганми?

– Ие, укамнинг машинасига нима бўлибди? – ойим ростмана хавотир олиб, ўша ташвиш тубига ҳам тезда туша бошладилар.

– Э, жуда кўп саволларни берасиз-да, она, ундан кўра, сенинг машинанг тезроқ тузалиб кетсин, деб яхши бир дуо қилинг.

– Бахтимга арзимаган нарчаси бузилган экан, дарров тузалди. Лекин, мен йўл бўйи шу дам олишингиз бошимга бало бўлди-да, нимага ҳам шу ерга келдим деб онамни силтаб, ғудраниб, борар эканман, бу онамнинг сўнги дам олиши, мен унинг учун бундай хизматни энди хоҳласам ҳам қилолмаслигимни ҳали билмасдим. Ойим уйга кирдилар, мен ишларим зарурлигини айтиб, ҳовлиқиб хайрлашар эканман, битта кичик халтани менга аста узатдилар.

– Болам, сениям анчагина қийнаб қўйдим, майли, хафа бўлма, ма, буни олиб қўйгин, машинангга керак бўлиб қолар, – дедилар.

– Хўп, хайр, мен кетдим, онамдан узоқлашар эканман, халта ичидаги нондан синдириб, шошиб-пишиб еб олдим.

– Онамдан қочиб юрмасам ҳам Яратганнинг ўзи бизни айро туширар экан... Бу йилги дам олишга онамни олиб боришга икки ака-ука шаймиз-у, фақат онам мангуликка юз бурди. Нега ўшанда онамни хурсанд бўлиб олиб боролмадим? Машинамда кимларни олиб юраман, ҳатто боламни боғча мактабига ҳам олиб бораман-у, биргина онамнинг юмуши тушган чоғида нимага уларни жеркиб ташладим деган саволлар мени азоблайверади. Ҳофизнинг «унда сенинг аламларинг еган ошинг, нонингдир» деб қуйлаган пайтида

томоғимда нимадир тикилиб қолаверади. Ўз хаёлларимга банди бўлиб ўтирарканман, ўғлимнинг кўлидаги рўмолча кўзимга жуда таниш кўринди. Бундоқ разм солиб қарасам, ўшанда онам менинг пешонамни аста артиб қўйган рўмолча. Хотинимдан сўрагандим, ўзингиз ўтган йили ойингизни олиб келган пайтингизда ичидаги пул билан халтадан чиққан эди, уни сизники деб ўйлабман деди.

– Пул...Қанақа пул?

– Ҳа, санаторийдан қайтганингизда олиб келган халтангизда худди мана шу рўмолчага ўралган анчагина пул ҳам бор эди, мен уни ўша вақтда дугоналарим билан «гап»имга берворгандим-ку.

– Мен бу рўмолчани юзимга босиб, баралла йиглаб юбордим. Мен ўзимни дунёга келтирган, тарбиялаган онамдан қизгансам-у, у бўлса менга – онасига хизмати малол келган ношукр боласига етмиш ёшнинг остонасида ҳам пул бериб юрса-я...»

Доимо оиласини боқаётгани, ишдан ҳориб-чарчаб келишини пеш қиладиган бир киши дам олиш куни ўз аёлининг болалари билан оворагарчилигини сарҳисоб қилмоқчи бўлибди. Уларнинг оиласида учта кичик ёшли фарзандлари бор экан. Ота кун бўйи кўлига қалам-қоғозни олволиб, уларни жиддий кузатган. Барини ёзиб олган. Натижа эса ўзингизни ҳам жуда қизиқтириши табиий:

Аёл кун давомида 106 марта болаларига эшикни очиб берган; 16 бор пойабзалининг ипини боғлаб қўйган; 32 бора кийинтириб-ечинтирган; 94 марта «ундай қилма, бунга тегма» деб болаларига танбеҳ ва дакки берган, тўғри йўлни кўрсатган; 16 маротаба ўзаро уриш-жанжалларни бартараф этган; 11 бора овқатлантирган; 19 дафъа бурунларини артиб қўйган; 16 марта тувакка ўтқазган, 175 маротаба болалари билан савол-жавоб қилган. Ва ниҳоят, ОНА бу жараёнда кун бўйи 10 километр қадам босган. Энди... бунга Сиз қолган уй юмушларини кўшиб ҳисоблаб чиқишингизам мумкин.

Ривоят қилишларига кўра, бир киши машҳур ҳакимлардан бирининг ҳузурига келиб: «Ҳазрат, ўғил ва қизим бор. Иккисини ҳам ўқитишга ҳозирча қурбим етмайди, қайси бирини ўқитайин?» деб сўрабди. Шунда ўша ҳаким зот: «Қизингни ўқитгин, чунки у келажакда ўз фарзандини тарбия қилади. Агарда ўғлингни илмли қилсанг, бор-йўғи бири киши билимли бўлади холос, ўз қизингни

Ўқитсанг, бутун бир миллатни ва жамиятни ўқитган, унинг ёрқин келажигини таъминлаган бўласан!» деган жавобни берган экан.

Индира Ганди 1974 йилнинг 23 ноябрида Дехлида бир неча минглаб кишиларнинг қаршисида «Хотин-қизлар таълими ўғил болалар ҳамда эркеклар таълимидан ҳам муҳимроқдир» мавзуида сўзлаган нутқида («Маънавий ҳаёт» 2017, 1- сон, 84 – 85- бетлар) мана шундай деган: «Кўҳна санскрит мақолида бундай дейилади: «Аёл бу – оила, оила эса жамиятнинг асосидир». Биз ўзимизга рўзғор қурибгина жамиятни барпо эта оламиз. Агар уйда ҳар бир боланинг дуркун ўсиши ҳамда камолга етиши учун зарур бўлган меҳр-муҳаббат муҳити ва жуда керакли нарсалар: шу жумладан, шарт-шароит етарли бўлмаса, юртда ҳам уйғунлик, ҳамжихатлик бўлмайди. Ҳамжихатлик бўлмаган жойда мамлакатнинг бирон-бир йўналишида тараққий этишни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Мана, нима сабабдан хотин-қизларнинг таълим олиши ўғил болалар ва эркеклар таълимига қараганда ҳам муҳимроқ экан. Биз – мен «биз» деганда нафақат Ҳиндистон аҳолисини, балки бутун дунёдаги одамларни назарда тутяпман – шу пайтга қадар хотин-қизлар таълимига анчагина эътиборсизлик билан қараб келдик...

Бизнинг қадимий анъаналаримиз, боқий қадриятларимизни ҳозирги замоннинг илм-фани ютуқлари ила уйғунлаштира олиш замонавий илмли аёлларнинг энг асосий мажбуриятларидан деб биламан. Эскидан қолган нарсаларнинг ҳаммаси бирдай яхши ёки бирдай ёмон бўлмагани каби, янги чиққан нарсаларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлавермайди-да. Бир марта ва бирданига эмас, узил-кесил эмас, мунтазамлик билан, деярли ҳар ҳафта, ҳар ой дунёда бизнинг мамлакатимиз учун фойдали ва яхшироқ нималар пайдо бўлаётганлигини аниқлаштириб боришимиз зарур, ва шунингдек, жамиятимизнинг кўҳна меросидаги нималарни кўз қорачиғидай авайлаб-асрашимиз кераклигиниям билишимиз шарт. Кўпчилик одамлар замонавий кўриниш учун янги урф бўлган кийимларни кийиш ё мода бўлган сўзларни ишлатиш ёхуд муайян нарсаларга одатланиш шарт, деб ўйлайди. Аммо буларнинг ўзи етарли эмас. Буларнинг бари замонавий инсоннинг зоҳирий белгилари, холос.

Ҳиндистон биз орзу қилгандай жамиятга айланиши учун – қадимий анъаналаримиз ва табаррук заминимиз пойдевор бўлган

замонавий ҳамда макбул жамиятга айланиши учун фикрлайдиган одамларимиз ва тафаккур қиладиган қиз-жувонларимиз бўлиши даркор. Улар хориждан келадиган ҳамма нарсаларни кўр-кўрона қабул қилмаслиги, балки уларнинг тагига етиб, нималарни олиш мумкину нималарни олиб бўлмаслигини ўзлари ҳал қилишлари зарур. Мана, илм-фан бизга нима учун керак! Илм ёшларга доимо ўзгариб турадиган бу мураккаб дунёга тезроқ мослаша билиш ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш имконини беради...»

«Намунавий муслима» номли китоб муаллифи Муҳаммад Алий ал-Ҳошимий шундай ёзганди: «Тарихда улуғ кишиларнинг вояга етишида уларнинг донишманд оталарига қараганда оқила оналарининг ҳиссаси кўпроқдир. Шу сабабдан бўлса керак, ислом уммати орасида ўз онасидан миннатдор ва унинг олдида қарздор бўлмаган бирорта ҳам фозил кишини тополмайсиз. Бундан келиб чиқадики, тарихий жараёнларнинг ривожланишига, тараққиётига ҳам айнан шу оқила оналар доимо ўзларининг буюк фарзандлари орқали билвосита бағоят улкан ҳиссаларини қўшиб туришган».

Японияда ўта кўп сонли кўнгиллилар устида олиб борилган узоқ йиллик илмий текшириш якунида кўпчиликни жуда ҳайрон қолдирган хулоса жаҳон оммавий ахборот воситаларидаям эълон қилинди. Бу ҳақда Буюк Британиянинг «The Daily Mail» газетаси шундай маълумотни ёзган эди: «...Текширишлар якунида маълум бўлишича, бир соғлом аёл нечадир фарзанд кўрса (биттами ёхуд ўнгами) уларнинг ҳар бирига шу аёл (она)нинг табиатидан, феъл-атворидан 17 фоиз турли-туман ўхшашликлар-хусусиятлар ўтади. Отадан бўлса болага 10 фоизгина хусусиятлар ва феъл-атвордаги ўхшашликлар ўтиши мумкин экан, холос. Лекин, мана шунда ҳам бунақа ўхшашликлар болаларнинг ҳаммасига бирдек ўтавермас экан, яъни 3 – 4 фарзанддан биттасигагина ўтиши мумкин. Ҳатто, ўз отасининг феъл-атворидан 1 фоиз ҳам «улуш, мерос»ни ола билмаган фарзандлар ҳам бу ҳаётда бот-бот учраб турар экан...»

Дунё энди билган у ҳақиқатни бизнинг улуғ аждодларимиз, бобо-момоларимиз минг йиллар муқаддам теран тарзда англаган ва ўзларининг ҳақли, асосли хулосасини чиқариб қўйган эдилар:

Отаси ёмон – биттаси ёмон,

Онаси ёмон – ҳаммаси ёмон!

Бундан ташқари, ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки тўрт мучаси соғлом аёлгина соғлом фарзандини ўз бағрига босади. Бу билан иш ўзининг ниҳоясига етса қанийди. Кейин болаларининг ҳам жисмоний, ҳам ақлий камолоти учун алоҳида эътибор керак бўлишини аксарият оналар яхши биладилар. Очиғини таъкидлаш даркор, болаларини жон дилидан севадиган оналар, афсуски, бола оёққа туриб кетиб, тилга кирганидан сўнг сал бепарворок бўлиб қоладилар. Оқибатда эса, мактаб ёшига етган ўғил-қизларда у ёки бу нуқсонлар юзаланиб, боланинг меъёрида ўқиши учун халақит бера бошлайди. Ота-оналар қанча уринмасин, юқори кўрсаткични таъминлашга қурби етмайди. Шу жиҳатдан қаралганда, мактаб ва оила ҳамкорлиги ҳали бола мактаб остонасига қадам босмасидан аввалроқ бошланиши зарурлигидан ўзингиз бохабарсиз. Кўп бора дуч келганингиз ҳолатга эътиборни қаратсак. Масалан, бола «Р» харфини талаффуз қилолмай, ўрнига «Й» деб одатланишига асло бефарқ қараб бўлмайди. Бундан ташқари бўлса, улар хотирасини ривожлантириш аввалдан бошланиши шарт. Бола кўргани ҳамда ва эшитганини эсида сақлашга қанчалик эрта ва кучлироқ уриниб интилса, унинг хотирасиям шунчалик даражада чархланаверади. Бунда ота-оналар боласининг олам ва одамга қизиқиши асносида туғиладиган турли хил саволларини асло бежавоб қолдирмаслиги зарур. Жумладан, қуёш, ой, юлдузлар тўғрисида, гуллар ҳақида, катталар оғзидан чиқаётган иборалар хусусида «боши қоғиб» Сиз билан Бизга мурожаат қилади-да. Уларнинг кўриниши, ҳаракати, рангини, шакли ва фойдасини англашга бетиним уринади. Шунда биз унинг беҳисоб саволларига тўғри жавобни берсак, бола олам ва одамни тўғри идрок эта бошлайди. Агар аксинча бўлса-чи?..

Дунёга машҳур файласуф Френсис Бэкон (1561 – 1626) ҳам ўз пайтида «Оилавий манфаатлар деярли ҳамма вақт ижтимоий манфаатларни ҳам хароб этади», деб ёзганида, биринчи навбатда, шахсий, оилавий, ижтимоий, давлат манфаатлари мувозанатини, муштараклигини қандай қилиб таъминлаш муаммоси ҳақида ўта жиддий фикр-мулоҳазалар юритган, фикрларини билдирган эди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти жадал суръатларда барпо этилаётган гўзал ва бетакрор, муқаддас ягона она Ватан – Ўзбекистон тараққиётини янада тезлаштириш

учун биздан мард, ўта жасур ва қўрқмас янги баркамол авлоднинг таълим-тарбияси алоҳида диққат-эътиборни ҳам талаб этмоқда.

Чинакам ўзбекча «Ота ўғил» қандай бўлишини биласизми? Келинг, энг яхшиси, «Жамият» газетасининг 2017 йил 10 март сонисида босилган, ёзувчи Эркин Малик қаламига мансуб «Хикмат излаганга...» рукнида босилган «Ота ўғил» сарлавҳали битикниям шошилмасдан биргаликда ўқисак ва тузуккина уқиб ҳам олсак:

«Йигит иш билан шаҳарга тушди. Ошхонага тушлик қилгани кириб, бир отахон билан бақамти бўлиб қолди. Ота эса анчагина қизиқувчанроқ экан-ки, унинг қаерданлигини сўраб-суриштирди. Йигит кишлоғини айтди. Отахон бу кишлоқни билишини айтиб, у кимнинг ўғли эканлигини сўради. Йигит бўлса отасининг исмини айтди. Отахон йигитга синчков тикилиб:

– Эслагандекман, отангизнинг пешонаси кенгроқ ва қошлари ўсиқ, кўзлари эса катта-катта эди, шундайми?

– Билмадим, – деди йигит кулиб.

– Нимага билмайсиз, – хайрон бўлди отахон, – одам ўзининг отасини ҳам билмайдими ҳеч жаҳонда?

– Узр, мен отамга ҳеч қачон тик қарамаганман».

Юқорида ҳам алоҳида қайд этилганидек, француз файласуф-маърифатпарвари Жан Жак Руссо (1712 – 1778) фикрича, «Ота ўз болаларни бино қилиш, уларни яхшилаб еб-ичириш билан фақат ўз зиммасидаги мажбуриятнинг учдан бирини бажарган бўлади, холос. У ўз болаларини одамзод қаторига қўшмоғи ва жамиятга фаол кишиларни ҳамда давлатга фидойи фуқароларни етиштириб берганида чинакам оталик бурчини тўла-тўқис бажарган бўлади».

Ўзбекнинг оиласида қадим-қадим замонлардан болаларнинг сони ҳеч қачон чекланмаган, аксинча, «ўнта бўлса – ўрни бошқа, киркта бўлса – қилиғи» қабалида қаралиб, серфарзандлик шараф деб ҳисобланган. Чунки, ота-оналар болалари сиймосида ўзлари кексайиб қолган палладаги тирикчиликлари таъминотчиси ва ота-боболари чироғининг ўчирмай ёқувчиси, демакки, наслларининг асл давомчиси, ўзларининг моддий ва маънавий мадақкори, ёруғ умидни кўрганлар. Айнан шу сабабдан ҳам аждодлари кўнглида болаликка нисбаган оналикнинг чинакам меҳр-муҳаббати, оталик

фахру саховати ҳар қандай таъкиб, таҳдидлардан ҳимоя қилувчи энг асосий куч-қудрат вазифасини шон-шараф билан ўтаб келган.

Неча-неча минг йиллик башарият тарихига назар солгудек бўлсак, болалик ҳуқуқларини барча томонидан тан олиш унчалик даражада ҳам осонликлик билан кечмаганлиги ой-кундек равшан бўлади-қолади. Мактаб дарслигидан қадимги Спарта давлатида ногирон тугилган бола тириклайин ўлимга маҳкум қилинганидан ўзингиз жуда яхши бохабарсиз. Бадавий арабларда эса Қуръони Карим нозил бўлганига қадар қиз болаларнинг бу дунёга келиши улкан фожиа ҳисобланар, баъзилари эса тириклай ўлдириларди.

Қуръони Каримда бўлса ушбу қабиҳ одат тақиқланганидан хабардорсиз. «Иккита ёки битта қизни тарбия қилган кишининг фазилати ҳақида» ва «Қизлари ўлишини орзу қилишнинг макруҳ эканлиги ҳақида»ги бир қатор ҳадиси шарифлар шу оятни турли жиҳатдан тўлдирган шарҳлар сифатида, қиз болаларнинг яшаш ҳуқуқи, қизларни тарбиялашнинг шаръан ҳукм қилиб, пировард-оқибатда аёл зотининг жамиятдаги мавқеини белгилаб берганди.

Натижа бўлса қизлар ҳам ўғил бола сингари «илоҳий эҳсон» эканлиги асослаб берилган. Қуръони Каримда улар тенг кўрилиб, аввало, уларнинг яшаш ҳуқуқи, яшашининг моддий асоси бўлган ейиши, ичиши, кийиши, даволаниши ва меросий улуши «Зухруф» сурасининг 17-, «Шўро» сурасининг 49-, «Бақара» сурасининг 181-, «Нисо» сурасининг 11- ва бошқа қатор оятларида шариат ҳукми даражасида амр этилган. Жумладан, «Бақара» сурасининг 233- оятида боланинг эмиш ҳуқуқи шундай равишда буюрилган: «Оналар (ўз) болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат эса) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиклантириш ва кийинтириш ота-онанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин! Меросхўрнинг зиммасида ҳам худди шундай (нафақа масъулияти бор). Агарда ота-оналар ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сутдан) ажратмоқчи бўлсалар, (улар)гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (бегона аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳаққини меъёрида тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз.

Аллоҳдан кўркингиз, билингизки, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчи зотдир».

Оятда болаларни соғлом ўстиришда ота-оналар масъуллиги мана шу тарзда таъкидланган. Масаланинг энг муҳим жиҳати эса, болаларга бериладиган ризқ ҳам молдий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳалол ва пок бўлишига алоҳида диққат-эътибор қаратилган.

Қуръони Каримда кўтарилган болаликнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоси ҳадисларда янадаям чуқурлаштирилган. Чунончи, боланинг оилада тарбияланиши ҳам унинг энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, баркамол ўсишининг моддий ва маънавий омили ҳисобланган. Бу жиҳатдан болага дунёга келгач, дастлабки ҳақи муносиб яхши исм эканлиги ҳамда шу муносабат билан ақиқа қилиш буюрилганлиги ва Иброҳим Халилуллоҳнинг замонидан давом этиб келаётган хатна (суннат) қилиниши, ва энг муҳими, ўйнаш, ўқиш ҳуқуқларигача шаръий қонун даражасида ҳукм қилинганлиги ҳам алоҳида диққат-эътиборга моликдир.

Ўзингизга ҳам ниҳоятда яхши маълумки, ислом таълимотига биноан ҳайкал (санам)ларга сиғиниш ҳаром иш саналган, лекин, ҳали ёш болакайларнинг ўйинчок ва кўғирчоқларни ўйнашларини Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) машруъ ҳисобламаган, бу билан у кўғирчоқларнинг қизлардаги оналик туйғуларини тарбиялашдаги ниҳоят даражада муҳим аҳамиятини ҳам, албатта кўзда тутган.

Ҳадисларда ҳамманинг, шу жумладан, болаларнинг ҳам илм олиш ҳуқуқи эътироф этилганлигидан яхши бохабарсиз: «Барча муслим муслималар илм ўрганишлари фарз» ҳадисида илм олиш жараёнида наинки умуман эркак ва аёлларнинг, демак, уларнинг зурриётлари бўлмиш ўғил-қизларнинг ҳам тенг ҳуқуқли эканлиги назарда тутилган. Илм-билимни бутун умр бўйи муттасид олишга чорлаб: «Бешиқдан қабрга қадар илм ўрган!» дейилса, бонжқа бир ҳадисда илм олиш учун исталган машаққатларга тайёр бўлиш, бу йўлда бўлса риёзат чекмоқдан озор тортмасликка даъват этилади: «Илмни, шарт бўлса, Чин-Мочинда ҳам ўрган!» Қолаверса, бола тарбиялашда ота-онанинг бурчи ва масъулиятлари «Болалар ота-онанинг бахил ҳамда кўрқоқ бўлишига сабабчидир», «Ёш болани елкага миндириш ҳақида», «Солиҳ кўзга шодлик ва хурсандчилик келтиришга сабабчидир», «Она меҳр-шафқатли ва раҳмдилроқ

бўлади», «Ёш болаларни ўпиш ҳақида», «Ота ўз фарзандларига одоб-ахлоқ ўргатиши, яхшилик қилиши ҳақида», «Етим болалар тарбия қилувчининг фазилатлари ҳақида», «Ёш болалар билан ҳазиллашиш ҳақида», «Бегона болани ўгилчам деса бўладими», «Ёш болани севиб кучоклаш ҳақида», «Қизалоқни ўпиш ҳақида» ва бошқа бир қатор ҳадисларда ҳукм қилинган бўлса, аксинча, фарзандларнинг ҳам ўз ота-онаси, қариндош-уруглари ва умуман, катталар ҳамда жамият олдидаги бурч-масъулиятлари ҳам юзлаб турли-туман ҳадисларда шаръий низом, қатъий ҳукм даражасида талқин қилинганлигидан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Жумладан, «Онани рози қилиш ҳақида», «Отани рози қилиш ҳақида», «Ота-она фарзандига зулм қилса ҳам, улар ота-онасига яхшилик қилавериши кераклиги ҳақида», «Ота-оналарга мулойим гапириш ҳақида», «Ота-она ҳақини адо қилиш ҳақида», «Ота-она кексайган вақтларида уларнинг хизматларини қилиб дуоларини олмасдан жаннатга кира олмаган киши ҳақида», «Ота-оналарни сўкмаслик ҳақида», «Ота-оналарнинг дуоси ҳақида», «Ота-оналар ўлганидан кейин уларга яхшилик қилиш ҳақида» ва бошқа қатор ҳадислар мазмун-моҳиятига кўра ҳанузга қадар ўзининг долзарб ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини сира ҳам йўқотмаган. Уларда ота-онани самимий севиш, хизматларини беминнат равишда қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурматларини ўрнига қўйиш, айниқса, кексайганларида кўпроқ мурувват кўрсатиш ва кўпол муомалада бўлмаслик, ҳаловатли яшашларини таъминлаш, ҳаттоки уларнинг вафотларидан кейин ҳам ота-оналар сафдошлари, ёр-биродарлари билан муносабатларни сира ҳам қанда қилмаслик, хотираларини доимо ёдлаб туришдан иборат бурчлари шаръан тавсифланган.

Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган далиллардан ҳам яққол кўриниб турибдики, жамиятда болалик ҳуқуқини англаш ва унинг қарор топиши узоқ жараёни ўз ичига олган жудаям қаттиқ курашлар ҳосиласидир. Чиндан ҳам башарият тарихида, болалар шоири, дўсти Корней Чуковский ҳақли тарзда таъкидлаганидек: «Болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқларининг катталар томониданам тан олинishi учун юз йиллар мобайнида курашишга тўғри келди. Болалар ўзларига, ўз ўйинларига, қизиқишлари ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қаралишига жуда секинлик билан эришдилар». Ҳар

қалай, қанча оғринишлар, қанча қийинчиликлар билан бўлмасин, болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқи расман тан олина борилган. Бу хусусдаги халқаро ҳужжатлар таҳлилига киришишдан аввал айти шу масаладаги жаҳон миқёсидаги аҳвол билан танишиб олсак-да, сўнгра суҳбатимизни айнан келган жойидан давом эттираверсак.

БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннанинг «Биз, халқлар: XXI асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли» (бу ҳужжат «Минг йиллик» маърузаси номи билан ҳам машхур) маърузасида келтирилган ушбу масалага тааллуқли айрим факт ва рақамлар:

– Ҳозирда қарийб бир миллиард одам саводсиз; беш ёшгача бўлган болаларнинг учдан бир қисми бўлса қорни тўймаганлиги туфайли ниҳоят даражада азоб чекадилар.

– XX аср тўксонинчи йилларда урушлар, биринчи навбатда давлатлар ичкарасида олиб борилди. Бунинг устига эса, урушлар ниҳоятда бешафқат бўлиб, беш миллиондан ортиқ одамларнинг, шу жумладан, 2 миллион боланинг қурбон бўлишига олиб келди.

– Бутун жаҳон бўйича ОИТС хасталигидан 18,8 миллион одам, шу жумладан, 3,8 миллион болалар ҳаётдан кўз юмдилар. Эпидемия бошланган даврлардан 15 ёшдан кичикроқ бўлган 13,2 миллиондан зиёд болалар ОИТС туфайли етим бўлиб қолдилар.

– Мактабга қатнамаётган 110 миллион боланинг 60 фоизини бўлса айнан қизалоқлар ташкил қилади.

– 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 миллионга яқин бола тўлиқ ёхуд тўлиқ бўлмаган иш кунида меҳнат қиладилар. Уларнинг 70 фоизи соғлиққа беҳад зарар келтирадиган ишлар билан банд.

– Ҳар йили 2 миллионга яқин бола тоза ичимлик суви ва шу сингари санитария-гигиена шарт-шароитлари бўлмаганлиги боис ҳаёт билан муддатидан аввалроқ видолашмоқда.

– Ҳар йили бемалол соғайтириб олиш мумкин бўлган турли-туман сабаблар билан 11 миллиондан ортиқ бола ўлиб кетмоқда.

– 600 миллиондан зиёдроқ, яъни Курраи Заминдаги 30 фоиз бола ниҳоят даражада қашшоқликда зўрға кунини кечирмоқда...

БМТ Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Саша Грауманн фикрича, «Дунёдаги болалар ҳар куни ўқув муассасаларида зўравонликнинг қурбони бўлаётгани ташвишли ҳолдир. Бундай хатар нафақат мактабда,

балки интернат муассасалари, озодликдан маҳрум этиш жойлари ва тенгдошлари ичида, энг кайгулиси, ўз оилаларида ҳам мавжуд. 2017 йили зўравонлик бўйича Глобал маърузада жаҳондаги ҳар тўрт боланинг уч нафари – яъни 1,4 миллиарддан 1,3 миллиарди – зўравонликнинг у ёки бу шаклини бошидан ўтказганлиги ҳамда жабрланганлиги қайд этилди. Бу ҳолат мамлакат ёхуд ҳудуднинг қай тарзда ривожланганлик даражасига унчалик ҳам боғлиқ эмас.

Ана шу жабрдийда ўғил ва қиз болаларнинг кўпчилиги эса ўзининг уйида ота-онаси ё катталардан калтак еган ёки мактабда тенгдошлари босимига дучор бўлган. Экстремал вазиятларда эса бундан қайгули ҳолатлар ҳатто болалар ўлимига ҳам олиб келган.

ЮНИСЕФнинг 2015 йилги амалга оширилган тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондги ҳар 5 (беш!) дақиқада бир нафар мурғак қалб эгаси зўравонлик оқибатида бу ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, 120 миллион бола жинсий зўравонлик қурбони бўлган. Қарийб бир миллиард бола, айниқса интернат муассасаларида жисмоний жазога дучор бўлиб келади» («Халқ сўзи» газетаси, 2018 йилнинг 19 июни).

ЮНИСЕФнинг 2017 йилги маълумотларига қараганда, бутун уруш олови роса гуриллаб ёнаётган давлатлардаги 109 миллион боладан 24 миллиони саводсиз бўлиб қолмоқда. Кейинги икки йил мобайнида ҳукумат кучлари ҳамда қўзғолончилар ўртасидаги ўзаро сиёсий курашлар сабабли зўравонликка учраётган Жанубий Судандаги 51 фоиз, бошқачароқ қилиб айтганда, 1,8 миллионни ташкил этадиган 6 – 15 ёшли болалар асло мактабга бормаяпти. Урушларнинг касофати боис норасидаларнинг қанчадан-қанчаси бевақт қурбон бўлмоқда. Биргина Сурияда 2014 – 2019 йилларда минглаб болалар ҳалок бўлганлигидан ўзингиз ҳам бохабарсиз.

Бирдан олтмишгача санаб кўринг, мухтарам ўқирман, бу – асли бир дақиқа дегани. Сиз мана шу санаб турган пайтингизнинг ўзида бутун дунёда 30га яқин бола тўйиб овқат смаслик, очлик ва бедаво касаллар туфайли бу ҳаётдан кўз юмди. Улар ҳам бизнинг жондан азиз болаларимиз ва невараларимиз сингари яшаш учун ажралмас ҳуқуқ эгаси эдилар, лекин уларнинг ҳуқуқи таъминлаб берилмаганлиги боис инсоният юқорида келтирилган рақамларда ўз аксини топган фожиа ва кулфатларга дуч келмоқда. Шундай

қилиб Инсон, унинг ҳукуки ҳамда эркинлиги масаласи бугун кўп кутбли ХХІ аср дунёсининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ота Маконимиз – Ўзбекистон халқлари тоталитар тузум ҳукмронлик қилган узоқ йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларига дахлдор халқаро миқёсда қабул қилинган ўта муҳим ҳужжатлар: Декларация, Конвенция, Шартнома ҳамда Битимлардан атайлаб беҳабар ҳолатда тутиб турилганди. Бундан ташқари эса, Советлар хавфсизлик хизмати томонидан 1947 йил июнида қабул қилинган «мутлақо махфий» сифатида белгилаб қўйилган ҳужжатнинг 14-моддасида «ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий буйруқ, қарорларда албатта ноаниқ қисмлар бўлиши учун барча ҳаракатларни қилиш керак»лиги битилганди. Бу – амалда «инсон фақат бурчларини ва мажбуриятларини билгани маъқулроқ, ҳуқуқ ва эркинликларидан буткул беҳабар қолаверсин, бу ҳужжатларни ўқиган тақдирда ҳам уни англаб олиш даражасига қадар ўсиб етмасин», дегани эди...

Инсон ҳуқуқлари – бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган ўта кенг қамровли тушунчадир.

Инсон ҳуқуқлари – бу ҳозирги тараққиётнинг асоси ва давр талабидир. Инсон ҳуқуқлари – ҳар битта давлатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи ниҳоятда муҳим мезондир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳам энг янги давр бошланганлигидан ўзингизам хабардорсиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995 – 2005 йилларни Курраи Заминда «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги» деб эълон қилганди. Ҳозирги ХХІ аср ибтидосида дунёда содир бўлаётган барча жараёнлар «Инсон ўлчовлари» орқали белгиланмоқда ва баҳоланмоқда. Айнан шу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий тамойили ва ижтимоий-сиёсий тизимни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир. Шу боисдан ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча ғоя ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаям ўз аксини топган. Ҳозирда миллий кадриятларимиз умуминсоний кадриятлар билан биргаликда Ота Маконимиз куч-қудрати манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан кейин унинг бу халқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. БМТнинг юртимизда ваколатхонаси фаолиятини бошлаган кунларданок у

Ўз таркибидаги ўнлаб ихтисослашган муассасалар қатори Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг фаолиятиниям мувофиқлаштириб, у билан ниҳоятда унумли ва самарали ҳамкорлик қилиб келяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистон Республикасида жойлашган ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн бу борадаги асл вазиятдан жудаям яхши бохабар инсон сифатида ўзининг фикр-мулоҳазасини шундай ифодалаган: «Ўзбекистон халқи фарзандлари тарбиясига олижаноблик билан муносабатда бўлиш бўйича ўта буюк маданиятга эга. Жамиятдаги кадриятлар ичида оила ниҳоятда муҳим ўринга эгадир. **Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзининг оиласига 14 етим болани қабул қилган Шоаҳмад Шомаҳмудов ҳамда унинг турмуш ўртоғи Баҳри Акрамова тарихи Ўзбекистон тимсоли ҳисобланади ва юксак ҳурматга муносибдир.** Бу оила ёдгорлиги яқинда ўрнига қайтарилиши (шоир Корней Чуковский «Тошкентга етиб келиб, Болалар уйлари олдида бола олишга навбатда турган одамларни кўриб, чексиз даражада ҳайратга тушдим», деб ёзган эди – Б. И.) Ўзбек халқи ўзининг оилавий кадриятларини нақадар эъзозлаши ва ниҳоятда ҳурмат қилишини тагин бир бора исботлаб берди.

ЮНИСЕФ эса бунга тўла қўшилади ва қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистоннинг оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ота-онасидан айрилган болалар учун оилага яқин шароитлар яратиш бериш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Ана шу борада эса Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил август ойидаги ўз боқувчисини йўқотган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги жуда муҳим қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар реал ҳаётга татбиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида бу фаолиятга ёндашувлар ва мана шу масала бўйича механизмларнинг халқаро стандартларга жавоб беришини кўриш беҳад даражада қувончлидир...

Ўзбекистон ҳукумати барча болалар оилавий шароитларда тарбия олишларини таъминлашга қаттиқ интиломда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга катта кўмак берилаётир. Ва биз бунга гувоҳмиз. Мамлакатда ўз ота-оналари билан яшаш имкониятига эга бўлмаган болаларнинг оилавий тарбияси учун муносиб шарт-шароитларни яратишда сезиларли даражада ўсишга эришилган.

Ўзбекистонда махсус тарбия муассасаларга жойлаштиришга мажбур бўлинаётган болалар, айниқса, ногиронлиги бор болалар сони йилдан-йилга тобора камайиб бормоқда.

Яқинда Урганчга бордим. У ерда эса олти фарзандни вояга етказаяётган аёл, ажойиб инсон билан танишиш бахти насиб этди. Ўз фарзандини йўқотишдек оғир қайғуни бошдан ўтказган она «SOS Болалар шаҳарчаси»га ишга кириш учун ариза топширган. Унинг тарбияланувчилари турли хил ёшда, тўрт нафари эса қонқариндошлик ришталари билан боғланмаган, икки нафари бўлса ака-сингилдир. Уларнинг меҳмондўст уйларига ташриф буюрар эканман, оила аъзоларининг ўртасидаги эзгу боғлиқлик гувоҳига айландим. Болалар ўзларини уйларидагидек ҳис этмоқдалар. Бу, энг муҳими, аслида. Болаларнинг айримлари етимлар, бошқалари бўлса ота-оналари томонидан ташлаб кетилган ё ўзининг уйида қолиши анча-мунча хавфли, деб топилган болалар. Энди уларда рисоладагидек ҳаёт кечериш имконияти ҳам пайдо бўлди...»

«Халқ сўзи» газетаси (2018 йил, 1 июнь) мухбири Омонулло Файзиёвнинг «Нима учун боланинг оилада камол топишини шу даражада муҳим деб ҳисоблайсиз?», деган саволига бўлса Саша Грауманн куйидагича батафсил жавобни қайтарган эди: «Аввало, шуни айтишни истардимки, 2013 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича кўмигада Ўзбекистонда ёш болаларни институционал тарбиялаш билан боғлиқ масалада ҳам бир қатор хавотирлар билдирилганди. Бу ерда 2000дан ортиқроқ болалар, яъни ҳар 100000дан 200таси муассасаларга жойлаштирилганди. Бу рақам Европа ва Марказий Осиёдаги кўрсаткичдан анчагина паст (666), аммо бутун дунёдаги ўртача кўрсаткичдан (120) бирмунча юқорироқ. Афсуски, улар бу каби муассасаларга оиласидаги молиявий қийинчиликлар ёхуд ўз ота-онасининг ўзаро келиша олмай ажрашиб кетиши ёки қўллаб-қувватлашнинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳам келиб қоладилар.

Аслида мактаб-интернатларида, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида тарбия топадиган болалар чинакам ғамхўрлик оғушида бўлса-да, тўлақонлик болаликдан унчалигам баҳра ололмайдилар. Бинобарин, оилани ҳеч нарса билан асло алмаштириб бўлмайди. Бу сингари муассасалардаги болалар бошқа инсонлар билан ҳис-туйғу билан боғлиқ ришталарга кам лаёқатли бўлиши, жисмоний

жиҳатдан ёмонроқ ривожланиши ва ўқиб-ўрганишда сушт кетиши исботланган. Бунинг оқибатида ахлоқ билан боғлиқ турли-туман муаммолар ҳам юзага келади. Улар муассасани тарк этганларидан кейин жамиятга қўшилиши, интеграциялашиши қийин кечади...

2017 йилда бола ҳимояси тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли бир стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон ҳамда ЮНИСЕФ баҳолаш ишларини олиб борганди. Биргаликда бу тизимни раvнақ топтириш йўлларини қидирмоқдамиз. Болалар учун қандай хизматлар тақдим этилаётганлиги ва болалар давлат муассасаларига тушмаслиги учун нималарни қилиш кераклигини ўрганишмиз. 2017 йилда эса Ўзбекистон Миллий университетиди ижтимоий ишга ихтисослашган кафедра ўз фаолиятини бошлаб юборди. ЮНИСЕФ махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ва айнан бу борада фаолият кўрсатадиган ўқитувчилар салоҳиятини ошириш воситасида ушбу ташаббусни тўла-тўкис қувватлади...»

Саша Грауманн «Халқ сўзи» газетасининг мухбирига берган интервьюсида (2018 йил, 19 июнь) юкоридаги фикрига қўшимча сифатида тагин бир ижобий мисолни келтирган эди: «2017 йилда ЮНИСЕФ болаларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича 200га яқинроқ туман ҳокими ўринбосарлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва муассаса директорларини ўқитишга ёрдам берди. Бунда уларга зўравонликнинг турли шаклларини ҳамда долзарб муаммоларни ечиш жараёнида ўз ролини тушуниш кўникмалари ўргатилди»...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Улуғбек Муҳаммадиевнинг маълумотига биноан, 2019 йилда юртимизда 23та Меҳрибонлик уйлари мавжуд бўлиб, уларда 2,5 мингдан зиёд болалар давлат қармоғида тарбияланган. («Халқ сўзи» газетаси, 2019 йил, 27 апрель). Бу рақамлар кўпми ё оз? Ҳисоботларга кўра, 5 йилча олдин Меҳрибонлик уйларидаги болалар сони 3,5 мингга яқин эди-да. Таълим олаётган ўқувчилар орасида оиласи, яқин қариндошлари бўлмаган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бор. Ҳозирги даврда давлат томонидан болаларни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкамланиши натижасида болаларнинг ўзларининг уйига қайтиши тенденцияси мавжуд...

Шу ўринда «Психолог» газетасининг 2015 йил, 18 декабрь сонида босилган, Бахтиёр Ҳайдаров қаламига мансуб «Илондан

кўрқмаган товуклар» сарлавҳали кичик бир мақолани сизларнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этсак, масалани англаш жараёнига анчагина енгиллашган бўлар эди: «Устозим Тўлқин Раҳмон меҳр туйғусининг жами жонзотлар ҳаётидаги ўрни ҳақида жуда қизик ҳикоя айтиб берган эди: «Талабалик чоғимда тоғамнинг Чингелди кўргонидаги ҳовлисида қўй, моллар қатори товук ҳам боқишарди. Тоғам инкубатордан 1 ҳафталик жўжалардан 50 – 60тасини сотиб олиб келарди, яна 30 – 40тасини бўлса ўзларининг хонадонидаги товукларига тухум бостириб, авайлаб очиртириб олардилар.

Бир куни томоркамдаги ўтлар орасидан сариқ илонни тутиб олдим. Кейин эса энди нима бўларкин дедим-у, илонни товуклар тигиз бўлиб донлаётган жойга улоқтирдим. Илон шалошлаб ерга тушиши билан, товукларнинг ярмиси коқоғлашиб, ҳар томонга тум-тарақай қочди. Қолган ярми эса шу ерда биланглаб, қочишга уринаётган илонга ҳайрон бўлгандек бирпас қараб туришди-да, тўсатдан унга ҳамла қилиб, ташланишиб, дарров чўкий кетишди. Мен анграйиб турардим. Бироздан кейин ўша илондан деярли ҳеч нарса қолмади. Ҳалига қадар товукларнинг илонга сира кўрқмай, бунақа тарзда тикка ташланганлигини ҳеч қачон кўрмагандим.

– Тоғамдан бунинг сабабини сўраган эдим, у росаям қаҳ-қаҳ отиб, бор овози билан шарақлаб кулиб юборди:

– Ана шунақа, бизнинг товуклар – кўрқмас, жасур, армияга бориб келган товуклар. Шунинг учун ҳеч нарсадан кўркишмайди, – деди тоғам, кейин бўлса жиддийроқ тортди. – Биласизми, нега товукларнинг ярми илонни кўришлари билан роса кўркиб қочиб кетди-ю, ярми кўрқмасдан, унга ташланиб еб қўйишди? Сабаби жуда оддий. Илондан кўркиб қочганларини она товуклар катта қилган. Ўша она товуклар ўз жўжаларига қанақа жониворлардан кўркиш керак-у, қайси бирлари бўлса хавфсиз эканини ўргатади. Худди оналаримиз бизга тарбия бергани сингари. Энди илондан кўрқмай, унга шиддат билан ташланиб, қолдирмасдан, бутунлай еб ташлаган товукларга келсак, биз уларни инкубатордан сотиб олганмиз. Бу жўжалар ўз онасининг тарбиясини ҳам олишмаган. Уларда кўркиш деган инстинкт (савқи табиий)нинг ўзи ҳам йўқ. Илонни кўргач, ўзларича бу ҳам салгина каттарок бир чувалчанг

бўлса керак-да, деб ўзларича ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин-да. Мисалнинг мазмун-моҳиятини энди тушуниб олдингизми?

Зўрға «Ҳа», дея олдим, холос. Дунёнинг ўта оддий, лекин шу билан бирга ниҳоятда мураккаб ҳақиқатининг олдида лол эдим.

Ҳаш-паш дегунча орадан бир неча йиллар ҳам ўтиб кетди.

Бир куни ҳамкасбим суҳбат орасида қизик гапларни айтиб қолди. Унинг бир аёл қўшниси боракан. Ўзи болалар уйида ўсган. Аёл икки фарзандли бўлган чоғида, эри оиласини ташлаб, бошқа хотинниқига кетиб қолибди. Ўзи қурилишда ишлар экан.

– Биласизми, бундай қарасанг, туппа-тузук аёл. Бадбашара ҳам эмас. Лекин, нима десам экан, сал ғалатироқми-ей... Хотиним гапириб берганди. Ишидан келибоқ, шоша-пиша овқат қиларкан. Болалари оч ўтиришибди. Аввало ўзи қорнини тўйдириб оларкан. Атрофида эса оч-наҳор болалари жавдираб туришибди. Йўқ, улар яқинлашгудек бўлса, уриб-қарғаб ҳайдайди. Ҳали айтганимдек, аввал ўз нафсини қондиради, кейин ўзидан ортсагина болаларига беради. Бўлмаса, бечора болакайлар тағин оч қолишади. Хотиним бу болаларга раҳми келганлигидан, уларни уйимизга олиб кириб, бир неча марта овқатлантириб чиқариб юборибди. Сиз мана шу нарсани кўз олдингизга келтира оласизми?! Ўз болаларингиз оч-наҳор ўтиришса, томоғингиздан овқат-повқат ўтадимиз?

Йўқ! Мен бундай ҳолатни ҳеч кўз олдимга келтира олмадим! Аёлларни-ку, қўятуринг. Ҳаттоки ишдан ҳориб-толиб келган ҳар қандай эркак (ота) олдига хотини овқатни қўйса, у: «Болаларнинг қорни тўқми, овқат ейишдимиз?» – деб, албатта, сўрайди-ку?!

Шунда бирданига «лоп» этиб ёдимга тоғамнинг «қўркмас» товуклар ҳақидаги «уларни инкубатордан сотиб олганмиз. Улар ўз онаси тарбиясини олишмаган. Уларда қўркиш инстинктининг ўзи ҳам йўқ», – деган гаплари тушди.

Демак, бу аёл болалар уйида катта бўлган, улгайган. Худди, инкубатордаги жўжалар каби. Товукларда қўркиш истинкти йўқ. Бу аёлда эса... даҳшат... оналик ҳисси, меҳри, туйғуси мавжуд эмас! Демак, болалар уйи ҳам инкубатордек гап экан-да. Онанинг чинакам ўрнини бу дунёда ҳеч бир зот асло боса олмас экан»...

Одамлар у ёқда турсин, ўзи дунёга келтирган жонзотлардан сира ҳам меҳр-шафқатни кўрмаган, юқорида ўзимиз, кўз эмас, сўз

орқали кўрган жўжаларга ўхшаш зурриётлари ҳам худди шундай қисматга гирифтор бўларканлар. Зоолог олимлар атайлабдан янги туғилган маймунчани ўз онасидан ажратиб олиб, сут бериб боқиб катта қилганлар. Сўнгра вақти-соати келиб, ўша маймунчанинг ўзи ҳам, «оилали бўлиб», боласини дунёга келтирган чоғида, ўзи онасидан олмаган меҳрини (мавжуд бўлмагани боис), ўз авлодига беролмаган. Ўзини боласига нисбатан мутлақо бегонадек тутган.

...Бошланғич синф болалари бир расм устида тортишишар эди. Бу расмда катта оила тасвирланганди. Аммо, ўша ердаги бир бола ҳеч кимга ўхшамас, умуман бошқача эди. Болалардан бири:

– Эҳтимол, бу болани боқиб олишгандир, – деди.

Болаларнинг орасида ғала-ғовур бошланиб кетди.

– Боқиб олиш ўзи нима дегани? – деб сўради бошқаси.

Бир қизча астагина кўлини кўтариб:

– Мен, мен биламан, боқиб олиш нима эканлигини, – деди ва ўз сўзида давом этди, – мени боқиб олишган...

Ойим айтган эдилар: Боқиб олиш дегани, бу болани қорнида эмас, ўзининг юрагида катта қилишдир...

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига кўра оналик ва болалик алоҳида васийлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Гарчи ўзингиз ҳам жуда яхши билсангиз-да, яна муҳим жиҳатни ёдингизга солиб қўймоқчимиз. БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили «Халқаро оила куни» сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилган эди. Шундан буён бутун дунёда, жумладан «Оламини маҳлиё айлаган диёр»имизда ҳам «Халқаро оила куни» ўта кенг нишонланмоқда.

Ўзингизам жуда яхши биласизки, Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси ташаббусига мувофиқ 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу кун бўлса ҳар йили «Гинчлик учун», «Уруш оловини ёқувчиларга қарши» ва «Болаларнинг ҳаёти соғлиги учун» деган даъваткор шиорлар остида жуда ҳам кенг нишонланади. Бу байрам биринчи марта 1950 йилнинг 1 июнида нишонланган эди.

Бизнинг Она сайёрамизда яна бир янги байрам – бутун дунё Ота-оналар куни («Global Day of Parents») 2012 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 66- сессиясида эълон қилинган эди. 2013

йилдан бошлаб бутун дунёдаги ота-оналар шарафига ҳар йили 1 июнь байрам сифатида нишонланади. Байрам мазмун-моҳияти – дунё аҳлига умуминсоний кадриятларни эслатиш, бу кадриятлар эса мустаҳкам ва ахлоқий оиланинг асоси бўлишига эришишдан иборат. Ахир оила (биринчи навбатда, ота-она) болаларни ҳимоя қилиш ва тарбиялашга жавобгар. БМТ Бош Ассамблеяси ҳамма аъзо бўлган давлатларни бу байрамни «фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик доирасида ёшлар ва болаларни жалб қилган ҳолда» кенг миқёсда нишонлашга даъват этади...

Ҳар қандай жамият, давлат келажаги, бойлиги ҳисобланмиш болаларни алоҳида ҳимоя қилиш беҳад зарур эканлиги масаласи 1924 йилги Бола ҳуқуқлари Женева Декларациясида, 1959 йилги БМТнинг бола ҳуқуқлари Декларациясида, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва қатор халқаро ҳужжатларда катъий белгилаб қўйилган. Деярли 10 йил мобайнида тайёрланган ва унга ҳозирда 193 давлат имзо чеккан Конвенция 54та моддадан иборат бўлиб, 1990 йил 2 сентябрдан кучга кирган. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 17- моддасига биноан, иштирокчи – давлатлар болаларнинг соғлом, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотдан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Болалар адабиётини нашр этиш ва уни тарқатишни рағбатлантирадилар. 14- моддага кўра, давлатлар болаларнинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлигини ҳурмат қиладилар. Ушбу моддада ўз дини ва эътиқодини тарғиб қилиш фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлигини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланганидагина чекланиши мумкинлиги масаласи ҳам халқаро миқёсда қонуний тарзда эътироф этилган.

Конвенция, гарчи болалар ҳуқуқи ва эркинликлари ҳақидаги асосий қонунларни ҳимоя қилса ҳам, ота-оналардаги ўз болалари учун нималар афзаллигини танлаш ҳуқуқини сира ҳам бузмайди.

Аксинча, унда ҳукумат, ота-оналар болаларининг улғайиши жараёнида, биринчи галдаги ўз вазифаларини бажара олишлари учун оиланинг мустаҳкамланиши, қўллаб-қувватланишига ёрдам беришга астойдил хатти-ҳаракат қилишлари даркорлиги алоҳида

таъкидланган. Бола ҳуқуқини таъминлаш – бу бола ва катталар ўртасида низо келтириб чиқаришга эмас, балки болаларнинг ҳар томонлама – маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва хавфсиз келажакларини таъминлаш мақсадида фуқароларни биргаликда ишлашга илҳомлантиради. Шу сабабдан ҳам Конвенциянинг 5-моддасига кўра «Давлат ота-оналар ҳуқуқи ва бурчларини ҳурмат қилиши ва уларнинг болаларнинг ривожланиш қобилиятларига мувофиқ ҳолда назорат қила олишларини таъминлаши даркор». 19- моддага биноан, «Иштирокчи – давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ҳамда суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ё бепарволик билан муомалада бўлиш, кўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар ёхуд бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шахвоний суиистеъмолликлар ҳамда бошқалардан жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар».

27- моддада эса куйидаги муҳим коида белгилаб қўйилган:

«1. Иштирокчи – давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиши учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёхуд болани тарбиялаётган бошқа бир шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун энг зарур бўлган турмуш шарт-шароитларини таъминлашга асосий жавобгардирлар».

Халқаро Конвенциянинг 24- моддасига биноан, давлатлар болаларнинг соғлиқни сақлаш тизимининг янада такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, хасталикларнинг камида 70 фоизи эмоционал бузилишлар, яъни стресс ҳолатлари билан боғлиқ экан. Донолардан бири эса «Агар сен вазиятни ўзгартира олмасанг, вазиятга нисбатан ўз муносабатингни ўзгартиргин!», – дея таъкидлаган эди. Демакки, биз ўзимиз ва болаларимиз сиҳат-саломатлигини асраш бобида, ўз атрофимиздаги кишилар ҳамда нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилмоғимиз ҳам

даркор бўлади. Шунда вақти келиб, улар ҳақиқатан ҳам ўзгариб қолганлигини кузатишимиз мумкин. Ҳар бир уйғонган фикр ўз-ўзидан шу фикрга доир руҳий ҳолатни ва шу ҳолатга мос бўлган хатти-ҳаракатларни юзага келтиради ҳамда аксинча, ҳар қандай ўзига мос фикр-гуйғуларни уйқусидан уйғотиб юборади. Мисол учун, ҳар қандай ҳаракат (юздаги табассум, бошни ва елкани тик тутиш) миямизда ҳам ўз-ўзидан айнан мана шу ҳаракатларга мос келувчи фикр-гуйғуларни тезлик билан ишга солиб юборади-да.

Демак, инсоннинг руҳияти ва кайфияти, фикри ва ҳаракати ўртасида ўзаро мутаносиблик мавжуд экан, одам ҳар доим ўзига комил ишонч билан қараши ёки ўзининг ишонч ва кайфиятининг ифодаси бўлган хатти-ҳаракат қилиши уни маълум бир даражада стресс ҳолатига тушиб қолишдан асраб туради. Демак, одам ўзи, оиласи аъзоларининг сихат-саломатлигини сақлаш учун камида уч асосий қоидага қатъий тарзда риоя этиши керак: ўзини англай олиш, тарбиялай олиш ва ўз билимларини амалга ошира олиш.

Ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, инсоннинг, шу жумладан болаларнинг ҳам энг катта эҳтиёжларидан бири ахборотга бўлган заруриятдир. Телефон бўлса буни беминнат бажариб бермоқда.

Айниқса, ҳозирги замонда ўсмирларнинг (болаларнинг ҳам) аксарият кўпчилигида телефонга боғланиб қолиш жуда авжига чиққан. Биз ота-оналар бунинг олдини олишга қанчалик даражада уринмайлик, уларни бошқаришга қийналамиз. Чунки, телефонга беҳад даражада қизиқиб қолиш ёш хусусиятларига ва психологик ҳолатларига бевосита боғлиқ бўлган муҳим жараён ҳисобланади.

Техника-технология ғоятда жадаллик билан тараққий этиб бораётган бугунги шиддатли даврда ахборот узатиш, уни қабул қилиш ҳамда тарқатиш инсониятга чексиз имкониятларни тухфа этмоқда. Аммо, ҳар қандай нарсанинг ижобий ва салбий томони бўлганидек, ижтимоий тармоқларнинг фойдасини инкор этмаган ҳолда, зарарли жиҳатлариниям асло инкор этмаслигимиз даркор. Энг ачинарлиси ҳали дунёқараши тўла-тўқис шаклланмаган, оқ-қоранинг фарқига унча етмаган ўсмирлар «ўргимчак тўри»нинг тузоғига илиниб, ўзлигидан, миллий кадрият, анъаналар ва урф-одатларимиздан Мосуво бўлаётирлар. Болалик даврида қизиқиш, дунёни идрок этиш, бошқа турли нарсаларга муносабатлар кенг

камровли бўлганлиги сабабидан болалар кўпроқ ахборот олишга интилади, телевизор, компьютер ёки телефон ўйинларига каттик боғланиб қолади. У ўзини ўша жараёнда жуда қулай ҳис қилади. Авваллари катта ёшлилар бола йиғлагудек бўлса, унинг қўлига тинчлантириш учун ҳар хил ўйинчоқларни тутқизиб қўйишарди. Ҳозир бўлса дарровгина телефон орқали юпатишга уринишади. Қарабсизки, ҳали мустақил фикри ва дунёқарашига эга бўлмаган дилбанди оддий буюм билан «яқин дўст» тутинади. Айрим ота-оналарнинг билимсизлиги ёхуд болалари психологиясини яхши билмагани боис дилни хира қилувчи турли-туман ҳолатлар келиб чиқяпти. Турли ўйинлар албатта, боланинг психологик ҳолати ва асаб, нерв тизимларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Худди бир муҳим нарсасини йўқотиб қўйганга ўхшайди. Мактабдан келибок (баъзан, дарс жараёнида) телефонига ёпишади. Бу эса аста-секин ёш авлоднинг ўз позицияси ва орзу-мақсадларидан четлашишига мажбур қилади, вақти ҳам беҳуда осмону фалакка созурилади.

XX асрнинг таниқли физик олими, жаҳоншумул ихтиролар муаллифи Альберт Эйнштейн шундай деган эди: «Кунлар келиб одамлар ўзлари томонидан яратилган технологияларга батамом қул бўлиб қолишидан каттик қўрқаман. Чунки, шунда башарият ниҳоятда тубан бир авлоднинг шаклланишига гувоҳ бўлиши ҳам мумкин». Ўзингиз ҳам бугунги воқеа ва ҳодисаларнинг кечишига жиддийроқ назар ташланг. Бу ҳодисаларнинг инсонларнинг онги, қалбига кўрсатаётган таъсирини кузатсангиз, ҳақиқатан одамзод ўз онгини технологияларга бериб қўяётганлигини яққол сезасиз.

Ўсмирларда мантиқий тафаккур анча ривожланган бўлса-да, айрим ҳолатларда мустақил фикр билдиришга қийналади. Бундай паллада уларда интеллектуал қизиқувчанлик сезиларли равишда юқори, шахс сифатида эса ўзини англаш жараёни давом этаётган бўлади. Бундан келиб чиқадики, улар мантиқан ўйлаб кўришни истаганларидаям баъзан қатъиятлари етишмай қолади. Мустақил фикрлашга қийналадилар, аммо, шу билан бирга, ҳар бир нарсага қизиқувчанлик ва билим олишга эҳтиёж кучли бўлгани сабабли маълумотларни тўғри ёхуд нотўғри эканига қарамай, ҳеч қандай мушоҳадасиз қабул қилиб олаверадилар. Бунда телефон буларга

энг катта кўмакчи вазифасини ўтайди. Телефондаги маълумотлар чегараланмаган, интернетни-ку асло айтмасак ҳам бўлаверади.

Мана шу боисдан ҳам БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 17- моддасига биноан, иштирокчи – давлатларнинг зиммасига «боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан муҳофаза қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш» вазифаси ҳам юклатилган.

Керак ва кераксиз маълумотларни саралашга қийналаётган бола ҳамма ахборотни хотирасида сақлашга қийналади. Шунинг учун ҳам биз болани ахборотни саралашга ўргатмоғимиз даркор. Унга кераксиз ахборот фақат онгини банд қилиб қўйишини ва керакли маълумотлар учун жой қолмаслигини тушунтиришимиз зарур. Масалан, уларнинг қобилиятлари бўйича роса қизиқаётган маълумотларни янада кўпайтиришга ёрдам беришимиз мумкин. Беҳад қизиқарли бадий электрон китобларни сақлаш ва ундан фойдаланишга нисбатан бемалол қизиқишини уйғотсак бўлади. Болаларни чегаралаб эмас, маълумотларни саралашга йўналтириб телефондан фойдаланишга ўргатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Дўст орттириш эҳтиёжи ҳам ўсмирликда кучлироқ намоён бўлади. Уларнинг дўсти ишончли бўладими ёки уни алдайдими – фарқи йўқ. Йиллар ўтган сари уларни саралай бошлайди. Лекин, айнан шу ёшда ошна-оғайни, дўстларининг кўп бўлиши ўзларига бўлган ишончнинг ортиши ва жамиятга кириб боришида керакли вазифани ўтайди. Дўстларни кўпайтиришнинг энг қулай йўли эса яна шу телефон билан боғлиқ. Улар телефон орқали янгидан-янги дўстларни орттираверадилар. Шунинг учун доим огохликни асло унутмасдан, фарзандимизнинг ишончидан чиқиб кетмаган ҳолда уларнинг дўстларини суриштириб туришимиз, улар билан қандай сабабга кўра дўст бўлаётганлигидан бохабар бўлмоғимиз даркор.

Боланинг бош миясидаги хужайраларнинг ва характерининг шаклланиши 4 – 5 ёшдан бошлаб 14 – 15 ёшгача давом этади. Бу даврда бола эзгу ғояларга асосланган фильмлар кўрса, намунали тарбияга мос китоблар ўқиса ва унга нисбатан яхши муомала ва муносабатда бўлинса, ўша боланинг бош мияси ҳам соғлом фикр билан улғаяди. Бу дунёдан иллат эмас, ҳикмат излашга ўрганади.

Инсоннинг ақлий қобилиятини бошқарувчи марказлар бош мия қобиғида жойлашган ва улар нисбатан кечроқ ривожланиб, такомиллашиб боради. Ҳиссиёт учун масъул тузилмалар эса бош миянинг чуқур тузилмаларида жойлашган. Ақлий фаолият учун масъул марказлар оқ-қора ҳамда яхши-ёмонни таҳлил қила олиш қобилиятига эга. Ҳиссиёт учун масъул тузилмалар бўлса бундай хусусиятларга эга эмас. Айни шу сабабдан ҳам, ҳиссиётга кескин эрк бериш, инсоннинг турмуш тарзини ҳиссий реакциялар орқали бошқариш беҳад оғир оқибатларга олиб келади. Бу жараёнда эса эмоционал бўёқлар билан безатилган, тўйинтирилган фильмлар ва сериаллар улкан таъсир кучига эгадир. Ўзингиз ҳам маза қилиб ўқиган, болаларингизга ўқиб бераётган ё уларга тавсия қилаётган шарқ эртақлари келажак учун дастмоя, сармоя ҳисобланади.

Болаларга қарата бирон-бир сўз айтиш, болалар учун китоб битиш ва болаларини тайёрлаш бошқаларникига қараганда анча мураккаб иш. Болага берилган ҳар бир фикр уруғи эртага унинг шуурида улкан бир дарахтга айланади ва ширин-шакар ёки заҳар-заққум мевасини беради. Унинг инсоният учун фойдали ё беҳад зарарли бўлиши болаларимизга берилган ана шу маънавий озикқа чамбарчас боғлиқ эканлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Одатда эртақлар неча асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келувчи халқ оғзаки ижодининг намунаси саналарди. Кейинчалик эса болалар учун турли-туман эртақлар ёзиш аста-секин анъана тусига кира бошлади. Аввалига эртақлар, кейин эса болалар учун ҳикоя, қисса ва романлар ҳам шиддат билан ижод этила бошлади. Болалар адабиётининг ўқувчилари кўпчиликни ташкил этиши ҳеч кимга сира ҳам сир эмас. Ҳар бир инсон болалигидан эзгуликка етакловчи эртақларни ўқиб ё аждодлардан эшитиб улғая боради.

Эртақларда ҳақиқатан ҳам ҳақиқат ёзиладими ёки ёлғонми? Улардаги ажойиб воқеаларнинг ҳаётда чинакамига юз берганига, хайратомуз қаҳрамонларнинг ҳаётга тўқнаш келишига болаларни ишонтириш керакми-йўқми, деган ўта муҳим савол ҳамиша кун тартибида туради. Агар эртақда ёлғон гаплар ҳикоя қилинадиган бўлса, у болага нима беради? Ахир, уни доим ёлғондан қайтариб келамиз-ку? Борди-ю, эртақда фақат реал ҳаётда учраши мумкин бўлган рост нарсалар ёзилса, у болаларни бу қадар ўзига жалб эта

оладими? Табиийки, болажонларимиз эртақлардан бағоят қаттиқ таъсирланишади. Эртақ қаҳрамонларини ҳаётда ўз кўзлари билан кўришга росаям интиқишади. Аслида ҳаётда бундай қаҳрамонлар йўқлигини, улар шунчаки тўқиб чиқарилган бир уйдирма гаплар эканини бир кун келиб билиб олган бола ўзини аёвсиз алданган ва хўрланган ҳисобламасмикан? Болаларга эртақлар, китобларни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад уни инсон учун беҳад зарур сифатлар-фазилатлар ила хулқлантириш ҳамда одабийликка зид бўлган зулм, ноҳақлик, зўравонлик, худбинлик, текинхўрлик каби иллатлардан иложи борича эҳтиёт қилишдир. Мана шу йўл билан боламизни бир умрга чинакам инсон бўлиб яшашга ўргатишдир. Бунинг учун болаликда шунчаки эшитган ёхуд ўқиган эртақлар қатига яширинган тимсол, рамз, ҳикматлар ва жулосалардан асл мақсад нима эканлиги ҳам аста-секин ойдинлаша боради. Бола тафаккурининг сарҳадлари эса кенгая бораверади. Бир кун келиб болалигида ўқиган эртағи реал ҳаётда унга нима бериши мумкин эканлигини ҳам секин-аста ўйлаб, мушоҳада қила бөшлайди.

Бугунги кунларда болалар учун мўлжалланган китобларнинг дизайни, ранг-баранглиги аввалгиларидан кўра анча фарқ қилади. Ҳозир нашр этилаётган аксарият китоблар болаларимизга эстетик завқ беради. Матнга мос чиройли расмларнинг танлангани бўлса китобга бўлган қизиқишни янада оширади. Аммо, бу масаланинг иккинчи тарафи мавжудлигини ўзингиз ҳам бағоят яхши кўриб-билиб турибсиз. Яъни замонавий эртақларнинг мазмун-моҳияти, уларда илгари сурилаётган ғояларгаям бугун биров дарз етгандек. Баъзи эртақларнинг савияси бугунги кун болалари учун жуда ҳам содда ва жўн фикрлардан иборат бўлиб қолаётгандек туюлади. Эртақларнинг баъзилари болаларни эзгулик, меҳнатсеварликка ва инсонийлик сингари фазилатларга эмас, балки уларни айёрликка, фирибгарлик, дангасалик сингари иллатларгаям тарғиб этмоқда.

Китоб дўконларига кирсангиз, нафақат ўзбекнинг эртақлари, шу билан бирга япон, корейс, инглиз, француз рус ва бошқа ҳар хил миллатларнинг эртақлари жамланган китобларгаям кўзингиз тушади. Китоблар ичидаги «саралаб» олинган аксарият эртақлар мазмунига боқсангиз, хайрон қоласиз. Болалар ўртасидаги севги-муҳаббат, сеҳр-жоду, турли қотилликлар ёрдамида кишиларнинг

ёмон ният, мақсадларга осонгина эришиши, ёвузликнинг тарғиб қилиниши очик-ойдин баён қилинган. Айниқса, чет тилларидан ўгирилган таржималарнинг ғализ, тушунарсиз ва мураккаб тилда ёзилгани болаларнинг тезда чарчашига сабаб бўлади. Шунингдек, шевага хос қатор сўзлар, имловий хатоларнинг ҳам учраб туриши болалар саводхонлигига жиддий таъсир қилиши, шак-шубҳасиз...

Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби Иброҳим Ғафуров китоб, муаллим ва таълим масаласида мана шундай ёзган эдилар: «Адабиёт ва она тили муаллими фақат адабиёт ва тил ўқитувчи кишигина эмас. У кенгроқ маънода маънавият муаллими ҳамдир. Маданият муаллими, маърифат муаллими. У ўқувчини илк бора нафосатга ошно қилади. Шу буюк оламга олиб қиради. Жамиятга эндигина кириб келаётган ёш авлоднинг маънавияти, нафосатни англаш даражаси, фаросатининг тарбияси адабиёт ва она тили муаллимларига, уларнинг савиясига, фидокорлигига, ўз ишини нечоғлик севиши ва билишига боғлиқ. Менимча, ўқитувчининг ватанпарварлиги қандай бўлса, ўқувчининг ватанпарварлиги ҳам мана шундай. Бунда истисно йўқ даражада. Мен қатъий равишда ишонаманки, ватанпарварлик адабиёт ва она тили муаллимидан бошланади. Мустақамланади. Шахснинг фазилатига айланади. Озодлик, эрк, мустақил одам бўлиб яшаш туйғулари, ниятлари ва аҳду паймонлари ҳам адабиёт ҳамда она тили ўқитувчиларидан бошланади. Энг яхши туйғуларни мана шу олижаноб муаллимлар тарбиялайдилар. Шунинг учун уларнинг замон адабиёти ва унда бораётган изланишлардан хабардорлиги эса ўз миссияларини адо этишда бебаҳо аҳамиятга эгадир. Чала муаллим – чала ўқувчи» (Ғафуров Иброҳим. Танланган асарлар: Мансуралар, ҳикоялар, бадиалар ва бошқа асарлар. – Т.: «Sharq», 2017, 520- бет).

Яқинда уйда умуман телевизор йўқ бўлган бир оила ҳақида лавҳа эфирга узатилди. Бунинг сабабини европалик бир оиланинг бекаси: «Фарзандларим тарбиясига салбий таъсир кўрсатишидан қўрқамиз», – дея изоҳлади. Ғарб одамики шундай хавотирда экан, биз шарқликлар янада эҳтиёткорроқ бўлишимиз даркор эмасми? Албатта, бугунги тараққий этган даврда ҳеч биримиз ҳаётимизни телевизорсиз ва турли-туман кўрсатувлару фильмларсиз тасаввур қила олмаймиз. Қолаверса, миллий телеканалларимизда болалар

онг-шуурини, қалбини беҳад эзгу хислатлар билан бойитадиган, маънавий қувват берадиган яхши кўрсатувлар ва фильмлар кўп. Бизнинг болаларимиз учун махсус ташкил қилинган «Болажон» телеканалда болаларнинг фикри ва дунёқарашини ўстирадиган кўрсатувлар намоиш этилмоқда. Ва шунингдек, ёшларимизнинг тафаккурини ҳар хил олди-қочди хорижий сериаллар таъсиридан ҳимоялайдиган баланд савияли сериаллар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳаддан ташқари мураккаб, мўрт давр ҳар қадамда ҳушёрлик ва огоҳликни қатъий талаб қилмоқда. Айниқса, болалар тарбияси масаласида эҳтиёткорлик ҳаёт-мамот масаласига айланиб кетди. Биз томошабинларга зинҳор сериал кўрманглар, демокчимасмиз. Кўринг, лекин ўз онгингиздаги танлаш ва англаш тугмачасини босаётганда ҳушёрроқ бўлинг, бирор нарсага ортиқча муккасидан кетиш оқибати фикрсизлик ва қарамлик эканлигини ёдингиздан сираям чиқармасангиз бўлди. Сериалларни томоша қилиш дегани фарзандларимизнинг тарбияси-ю эртанги куни ҳамда келажагини «зангори қути – телевизор амаки»нинг экрани ихтиёрига тўлиқ топшириб қўйиб, болани бизнинг зурриётимизмас, «телебола»га айлантириб қўйиш дегани ҳам эмас-да. Шундай йўлни тутадиган кимсаларнинг ўз ҳаёти ва қисмати ҳам ниҳоятда маҳзун, ўқинчли сериалга айланиб қолиши эса эҳтимолдан мутлақо холи эмас...

«Телевизор тафаккури заиф, мутолаа ва мулоҳазадан маҳрум одам учун ихтиро қилинган афюндир», деганди ўтган асрда яшаб ўтган турк адиби Жамил Мерич. Бу фикр ўлкаларда фақатгина битта телеканал фаолият кўрсатадиган, санокли кўрсатувлар ва фильмлар куннинг маълум бир пайтларида намоиш этиладиган, кишилар бугунгидек экраннинг қаршисига миҳланмаган кезларда айтилган. Бу иборани алам билан таъкидлаган ижодкор бугунги шиддатли замонда 24 соат бетиним ишлайдиган телеканалларга қарамлигимизни ўз кўзи билан кўрганида, нима деган бўлар эди.

Германиялик психолог шундай деганди: «Бир соат телевизор томоша қилган одамнинг танбаллигини йўқотиш учун, у билан бир ҳафта «хотира машқлари»ни олиб бориш керак бўлади»...

Истиклол йилларида жамият бир неча тарихий босқичларни ўзининг бошидан кечирди. Авлодлар ўртасидаги фаркни 10 йил деб оладиган бўлсак, аввалига ўтиш даврини бошдан кечирдик.

Кейин эса глобаллашув ва ахборот асри талабларига мослашишга мажбур бўлди. Мана, энди бўлса юксалиш босқичида яшашга киришдик. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, истиқлол йилларида маориф соҳасини ислох этиш жараёни, аввал, мактаб таълимидан бошланиб кетди. Юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим жорий қилиниб, юзлаб академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилганлигини кўпчилик яхши эсласа керак. Бирок, ушбу тажриба ўзини кўп жиҳатдан тўла оқлай олмади. Натижада, биз тагин 11 йиллик мактаб таълимига қайтишга мажбур бўлдик.

Худди шу паллада ОАВ йўл қўйилган катта хатолик эвазига бутун бир авлоднинг бой берилгани ҳақида гапира, ёза, эшиттира, кўрсата бошлади. Журналистлар яхши билиб-билмасдан қўллаган «йўқотилган авлод» истилоҳи бўлса бора-бора кенг жамоатчилик орасида кизгин баҳс-мунозараларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Аслида, турли авлодларнинг ҳаёт ва фикр тарзидаги турли тўқнашувларни фақат зиддият сифатида қабул қилмаслигимиз даркор. Уни ворисийликка йўйиш нисбатан тўғрироқ бўлар эди.

Энди «йўқотилган авлод» тушунчасига алоҳида диққатимиз ва эътиборимизни қаратсак. Ушбу атамани илк бор америкалик ёзувчи Гертруде Стайн ўзининг асарларида қўллаганди. Машхур ёзувчи Эрнест Хемингуэй бўлса «Фиеста» романида Стайннинг: «Сизлар барчангиз йўқотилган авлодсиз», – дейилган шу машхур иборасини эпиграф (яъни, бошсўз) сифатида келтирган эди.

«Йўқотилган авлод» Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари оралигида пайдо бўлган тушунчадир. Бу авлод вакиллари балоғат ёшида урушга кетиб, бегуноҳ инсонлар қонини тўкишга мажбур бўлган одамлар саналади. Қирғинбарот жангу жадаллардан кейин уларнинг ҳаётга мослашиш жараёни ғоят даражада қийин кечган. Оқибатда уларнинг кўпчилиги ўз жонига қасд қилган, бошқалари бўлса ақлдан озган. «Йўқотилган авлод» авлод тақдирини Эрих Мария Ремарк ҳам «Қайтиш» ва «Уч ўртоқ» романларида қаламга олган. Қизиғи, Биринчи жаҳон урушининг тугаганига бир асрдан мўлроқ вақт ўтган бўлса-да, бироқ, бугунги даврнинг ёшларини ўша давр аскарларига қиёслаётган кишилар мавжуд. Айрим бир таҳлилчилар XXI асрда «йўқотилган авлод»нинг пайдо бўлишига ишсизлик муаммоларини асосий сабаб сифатида кўрсатмоқдалар.

Хусусан, охирги вақтда Ғарб оламида таълим олишдан бебахра, иш топа олмаётган ёшлар хусусида кўп гапирилмоқда. Германия канцлери Ангела Меркель 2013 йилда «The Guardian» нашрига берган интервьюсида ёшлар ўртасидаги ишсизликни «Европадаги энг долзарб муаммо», деб атаган эди. Қолаверса, у «Йўқотилган авлод» пайдо бўлишига имкон бермаслик учун Евроиттифоқнинг аъзолари Германия тажрибасидан унумлироқ фойдаланиши, яъни талабаларга бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлаш имконини яратиб бериши керак эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

«Йўқотилган авлод» ҳақидаги фикр-мулоҳазалар вақт ўтган сайин қайта-қайта кўпчиб чиқаётгани авлодларнинг алмашинуви жараёнидаги тўқнашув ва зиддиятлар билан бевосита боғлиқ. Гап мана шундаки, ҳар битта авлод ўрнини иккинчи авлодга бўшатиб бераётган палласида ўзининг даврида амал қилган социомаданий меъёрлар, янадаям аниқроғи, бир неча ёндош авлодларни даврий бирлаштириб турган умумий рамзлар ҳамда рамзий ифодалар ҳам анча-мунча эскириб қолади. Бу масала хусусида немис социологи Карл Маннгейм шундай фикр-мулоҳазаларини ёзганди: «Ҳар бир авлоднинг ўзига хос вақт ўлчови ҳамда тарихий-маданий макони мавжуд бўлади. Ҳар бир жамиятда авлодлар алмашинуви инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган, ўзига хос, универсал жараёнлар ҳисобланади. Унинг оқибатида маданий маконда янги иштирокчилар пайдо бўлади, бу маконнинг эски иштирокчилари бўлса, секин-асталик билан йўқолиб бораверади. Исталган авлод аъзолари тарихий жараённинг хронологик жиҳатдан чекланган бўлагидагина ҳаракат қила олади ва шунинг учун ҳам тўпланган маданий меросни кейинги авлодларга узатиб бориши даркор».

Шу ўринда Сизда ҳам бир савол туғилиши мумкин: авлод ва ёндош авлодлар бир-биридан нимаси билан фарк қилади? Авлод маълум бир даврда ижтимоий фаолият юритган кишиларнинг бир гуруҳини ифодалайди. Ёндош авлод деганимиз эса, демографик кўрсаткичларни ўз ичига олган тушунча ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври ёшлари, дейилган пайтда 10 ёшли болалар ҳам, 25 – 35 яшар йигит-қизлар ҳам тушунилади.

Яна бир жаҳонга жуда машҳур социолог Хосе Ортега-Гассет авлодлар алмашинувининг даврий ўлчови ёхуд Карл Маннгейм

таъбири билан ифодалаганида, «Исталган авлод аъзолари ҳаракат қиладиган тарихий жараёнларнинг хронологик чекланган бўлаги» хусусида фикр юритаркан, одамда кечадиган биологик ва социал ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, мана шу кўрсаткични 15 йил деб белгилашни таклиф қилганди. Унинг талқинига биноан, 15 – 30 ёш – ёшлик даври, 30 – 45 ёш – ташаббуслар даври, 40 – 60 ёш – ҳокимиятга боғланиб қолиш даври ҳисобланади.

Агар Ўзбекистоннинг шароитидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз мустақил бўлганига 30 йил бўлиб қолди. Авлодлар орасидаги фарқни эса шартли равишда 10 йиллик «қадам» билан ўлчайдиган бўлсак, бугун истиқлол даврининг учинчи авлоди бўй кўрсатяпти. Бу – бугунги кенг, жадал ислоҳотлар даврида ўсиб-ўлгаяётган ва ривожланаётган серғайрат ёшлар ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият ҳам давлат сингари тирик организмдир. У ҳам доим ривожланишда. Демак, кейинги авлодлардан аввалги авлоднинг қарашлари ҳамда истакларини кутиб ўтириш бефойда. Чунки, ҳар қайси авлоднинг ўз социомаданий меъёрлари мавжуд. Мана шу оддий ҳақиқатни тушунмаслик ёки қабул қилишни асло хоҳламаслик оқибатида авлодлараро зиддиятлар юзага келмоқда. Катталарнинг ёш авлодга нисбатан салбий муносабати, авлодлар ўртасидаги турли хил зиддиятлар ҳамиша, ҳамма макон ва барча замонларда бўлиб келган ва бундан буёғига ҳам давом этаверади. Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулосаям шуки, мустақилликка эришганимиздан буён кузатилган ўтиш даври ҳамда ундан кейинги глобаллашув даврида шаклланган, ва шу билан бирга, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг «қурбони»га айланган биринчи ва иккинчи авлоднинг вакиллари асло «йўқотилган авлод»нинг таркибига киритмаслигимиз ва шундай деб ўйламаслигимиз ҳам даркор...

Инсоннинг руҳий саломатлигини уч туйғу асрайди: ишонч, умид ва меҳр-муҳаббат. Улар орасида энг асосийси – ишончдир. «Ихлос – халос», деганлари ҳам айнан шу бўлади-да. Инсоннинг имкониятлари аслида чексиздир. Ўз кучига қатъий ишонган киши бемалол ҳамма нарсанинг урдасидан чиқади. Фақатгина инсонда соф руҳ бўлиши, унинг мияси хайрли ниятлар ва тоза тилакларга

тўлиқ бўлмоғи, янадаям қисқарок ифодалаганимизда, инсонларда боф-йўғи маънавийят энг бирламчи бўлиши талаб этилади, холос.

Дипак Чопра «Муваффақиятнинг етти маънавий конуни» китобида ният ва истак тушунчаларини анча теран ёритиб берган ва унга ҳақиқий узоқ муддатли муваффақиятнинг калитларидан бири сифатида баҳо берган: «Ҳар қандай нарсани ният қилишда ва хоҳишда, албатта, уруғ ҳамда унга яхши ишлов бериш учун механизм бўлади... Ният ўз-ўзидан бўладиган, унчалик ҳам кўп кучни талаб қилмайдиган, бир хил қувват оқимидан холи, йўқдан бор қилишга интилувчи пойдеворни ётқизади. Ният – асл куч, у истакларнинг ортига яширинволган бўлади. Ният ўз-ўзидан улкан қувватга эга, ният, аслида, бу – боғланиб қолмаган хоҳиш. Хоҳиш ўз-ўзидан ажойиб, кўпчилик одамлардаги хоҳиш бу – натижага боғлиқ ниятдир. Ният деганимиз ўсиш билан уйғунлашиб кетиб, инсонларнинг эътиборини ҳозирга, яъни айна оқимга қаратишга ундайди, у ишга киришган пайтларда бир мўлжал керак бўлади, аммо сизнинг эътиборингиз ҳозирги вазиятга миҳланган бўлади. Эътиборингиз айнан ҳозирга қаратилган бўлса-да, ниятингиз эса келажакка ҳам мослаша бошлайди, ваҳоланки, келажакни кўриш ҳозирданок бошланади. Ҳозирни қабул қилинг ҳамда келажакни мўлжал олинг. Келажак эса ниятнинг ўсиб боришидан қурилади».

Лекин, мана шунисини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоизки, муваффақият деганимиз худди нарвонга ўхшаб кетади. Нарвонга қўлни чўнтакка солволиб, хуштак чалиб чиқа олмаслигингизни, акс ҳолда оқибати нима бўлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Ниятингиз яхши бўлса, дуч келган кишига ўзингизнинг ғам-ташвишларингиз ҳақида сўзламаслигингиз даркор. Тўғри, ана шу суҳбат давомида, одам сал-палгина енгиллашгандек бўлади, аммо орадан бироз вақт ўтгач, ўз муаммоларига янада ҳам ўралашиб қолиб, бирон-бир янги, яхши суҳбатдошга эҳтиёж сеза бошлайди. Шундай эканки, асабларимизнинг бирозгина дам олишига руҳсат беришимиз зарур. Бунинг учун эса, энг биринчи навбатда:

– асабларни эстрада куйларидан, уларнинг оғир, тез темпда ёзилган турли-туман ўта жазавали оҳангларидан асраб-авайлаш;

– кўркинчли, жангари кино ва кўрсатувларни томоша қилиш эҳтиёжини, қўлдан келгани қадар бир амаллаб тийиб туриш;

– турли-туман оилавий, жамоавий низоларга аралашмаслик, ва ҳаттоки уларни бафуржа таҳлил қилишга ҳам киришмаслик;

– мумтоз куйларни янада кўпроқ тинглаш, чунки, қанча кўп тингланса, бош миянинг ўнг шарлари қисми шунчалик даражада ўз иш фаолиятини кучайтиради. Миянинг ўнг қисми эса онгости иш фаолияти учун жавобгар эканлигидан ўзингизам бохабарсиз;

– қушлар сайрашига, дарахт барглари, ариқларда шилдираб оқаётган сувнинг аста шивирлашига диққат-этиборни қаратиш, уларнинг барчасидан эса мириқиб завқланиш ва шавқланиш;

– бугун келажакда қаторлашиб келадиган кунлардан тағин биридир, лекин бу кунлар айни дамдаги қиладиган ҳаракатларга ва хулқ-атворга бевосита боғлиқ эканлигини асло унутмаслик;

– дам олишга эмас, фаол ҳаракатга интилиш, бемаъни орзу қилиб ўтирмай, ҳақиқатни танламоғимиз даркор. Хўмрайиб ёки гезариб туришни эмас, ўзгаларга ҳамда ўзимизга кулиб қарашни, душманликни эмас, энг аввал меҳр-муҳаббатни танлаб олишимиз зарур. Ҳаётда ҳар доим фақатгина яхшиликка интилавериш. Энг асосийси бўлса, доимий равишда ишлаш имкониятини танлаш;

– меҳнат қилиш, қийинчиликларга бардош бериш, одамдаги ғайратни сўндирадиган кимсаларнинг гапларига сира ҳам қулоқ солмаслик. Барча норозилик, шубҳа-гумон, умидсизлик, нолишни бир четга суриб ташлаб, бор кучларни қийинчиликларни енгишга сарфлайвериш. Ахир, эрта баҳорда очиладиган гуллар шамол ёки совуқдан ҳеч кимга ҳеч қачон арз ва шикоят қилмайдилар-ку;

– лолақизғалдоқлар қишнинг тўсатдан қайтишидан кўрқиб ер остига яшириниб олмайдилар ёхуд яқинлашиб келаётган ёзда роса кўпаядиган ёввойи ўт ва ҳашаротлардан кўрқиб кетиб, ўсмай қолмайдилар-ку. Улар ноқулай шарт-шароитларга бемалол қарши тура олганлари учун ҳам кишилар тарафидан беҳад ардоқланади. Инсон ҳам агар гуллаб-яшнамоқчи бўлса, Она табиатдан ўрнак, ибрат олмоғи даркор. Энг асосийси эса, ниятни яхшилаши зарур.

Энг камида 3000 йиллик давлатчилик тарихида дастлабки мафкура вазифасини ўтаган бобокалон китоб «Авесто»да оила қуриш, фарзанд кўриш ҳамда бола тарбияси ҳар бир инсон учун оддий ҳолат эмас, балки эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амалдан иборат инсоний бурч сифатида қаралган. «Менга барқамол, ватанпарвар,

аҳил, эзгу андишали, зулмат, тангликдан кутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлкалар номини ва овозасини кўтарсинлар». Аҳурамазданинг бутун инсониятга қарата айтган ушбу сўзлари асрлар ва минг йиллар оша ҳар биримизни фарзанд тарбияси билан бевосита боғлиқ олий шараф, улкан масъулият ва бутун умримизга татиғулик буюк мақсадлар сари ундайверади.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси – Ўзбекистон Республикасида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашга ниҳоятда катта эътибор берилмоқда. Дунё тажрибасида биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, айнан шу номда халқаро жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда кейинги йилларда туғруқхоналар ҳамда болалар тиббий муассасаларининг сони анча кўпайди, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Тиббий ёрдам кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда 5 миллиондан зиёд бола 30дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу ракам, 2005 йилга нисбатан олинганда, 1,5 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 48,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 38,5 фоизга ўсгани, албатта, ҳаммамизни қувонтиради. Сўнгги 10 йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга қадар, қизлар ўртасида 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида 3 сантиметрга, қизлар ўртасида 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 93 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ҳамда бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мезон ва стандартларига тўла-тўқис мос келади.

«Ҳозир Ўзбекистонда энг кўп кўриладиган телеканал қайси бири?» дея сўраб қолди яқинда бир дўстим. «Ҳаммасининг ўзига яраша мухлислари бор!» десам, у хотиржамлик, ғурур, қатъият ва юз-кўзида ним табассум билан «БОЛАЖОН» телеканали деди.

– Ўзинг ўйлаб кўргин, деярли ҳар бир ўзбек хонадонида ёш болалар бор. Ёшлар фарзандлари, кексалар эса неварга, эваралари даврасида хуш-хандон. Ҳаммамиз учун болаларнинг хоҳишлари биринчи ўринда. Болаларимиз ҳам «бало» – уларни бағоят яхши

кўришимизни яхши билади. Телевизорнинг пульти ҳам уларнинг кўлида. Катталар ҳам кун бўйи «Болажон» телеканалини болалар билан бирга кўряптилар, – дея ўз фикрини изоҳлади ўша дўстим.

Биз болалигимизда бир кунда битагина мультфильм кўрсак бошимиздаги дўппимизни осмону фалакка отардик. Телевидение ҳам мультфильм росаям камлигидан 3 – 4 картинани айлантириб қўяверарди. Ҳозир эса болалар учун бутун бошли телеканал бор. Мультфильмлар шунчалик даражада кўпки, бири тугаб, бошқаси бошланавради. Болаларбоп кўрсатувлар ҳам ранг-баранг: инглиз тили, мусика, меҳнат дарслари, турли хил интеллектуал ўйинлар. Ҳаракатлар стратегияси ҳам содда тилда тушунтириб бериляпти. Ҳозир болаларга бизнинг давримиздагидек гўдак деб қаралмайди. Бугун эса улар ҳаммамизнинг диққатимиз марказидаги инсонлар. Ҳар бирининг соғлиғи, тарбияси, ўқиши ва келажаги давлатимиз эътиборида. Бугун улар мамлакатимизнинг фахрига, таъбир жоиз бўлса, замонимиз қаҳрамонларига айланган. Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» дея номлангани, мамлакатимизнинг «юраги» бўлмиш Мустақиллик майдонида Она ва Бола ҳайкали ўрнатилганлиги айнан шундан далолат беради. Фарзандларини бунчалар даражада яхши кўрадиган, кўкларга кўтарадиган бошқа биз сингари халқ ёки миллат бўлмаса ҳам керак бу ёруғ дунёда.

Бундай юксак меҳр-эътиборнинг самараси фарзандларимиз саломатлиги ва баркамоллигида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги болаларнинг соғлиғи, фикрлаши, ҳаракатлари, юқорида ҳам қайд этилганидек 25 – 30 йил олдинги болалардан бутунлай бошқача.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасининг Халқ шоири Эркин Воҳидов 2005 йилда миядан қозоғга туширилган «Топишмоқ» сарлавҳали тўртликда мана шундай ёзган эдилар:

Топишмоқ айтади менга набирам:

– «К» дан бошланади, ҳар уйда бор – дер, –

Содда ши асбоби...

Мен, кетмон, десам,

Набирам кулади: – Йўқ, бу – компьютер!

Ҳозирги болаларимиз гап-сўзлари, қобилияти ва ютуқлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда. Ҳали мактабга бормасданок

компьютерни биледи, инглиз тилида бемалол гапиради, чемпион ҳам бўлади. Болалар учун мўлжалланган китоб, ўқув қуроллари, спорт комплекслари сингари тагин кўплаб имкониятларам борки, уларнинг бари ҳақида гапириб ва ёзиб адо қилиб бўлмайди. Ҳар бир жабҳада аввалгисига қаралганда осмон билан ерча фарқ бор. Масалан, ушбу битиклар муаллифини Шўро давлати, бор-йўғи 10 ёшида синфдошлари билан бирга Паромондан икки ой муддатга бошқа бир узок қишлоққа пахта тердиргани олиб кетганди. Пахта далаларида баланд бўйли «оқ олтин» ичида кўзгаям кўринмасдан, йиғлаб-сиқгаб, касалликка чалиниб, йўталиб юрган, юз-қўллари кир-чир ва ягири чиқиб кетган ғариб болалигим ҳамон кўзимнинг олдида. Бугунги шароитни кўриб, болалик деганлари ҳам аслида шундай бўлиши ксрак экан-да, деган армон ва ўкинч кўнгилдан ўтади. Ортингга қайтиб ўша мупкул болалигининг ҳам қайтадан яшагинг келади. Чунки, бугунги болаларимиз ҳар куни бахтли...

Ёшлик инсон ҳаётининг баҳорига қиёсланади. Куч-қувватга тўлиб бораётган, келажак ҳақидаги орзуларга лиммо-лим фаслни завқ-шавқ билан ёдга олиш мумкин. Юқорида ҳам алоҳида қайд этилганидек мустабид замонда ёшлик моҳият-эътиборига биноан тажрибасизлик, ғўрлик сифатида талқин қилинади. Истиклолга эришганимиздан кейин ёшлик дейилганда келажакка интилувчи, янги имкониятлар намоён бўладиган кучни тушунадиган бўлди. Айни шу маънода юртимизда ёшлар жамиятимизнинг таянчи ва суянчи деб аталиши эса бугун ҳеч кимни асло ажаблантирмайди.

2011 йилда «Болаларни асрайлик» номли халқаро ташкилоти томонидан тузилган умумжаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ғоятда катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимиздан баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлганди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов фикрича ҳам: «Болаларни 3 – 5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, айнан шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теранроқ кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола эса бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт

боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди ҳамда характерини ҳам тоблайди».

Тошкентдаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси 1994 йил мартдан фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон шарт-шароитларига мос дастур тузилган бўлиб, фаолиятнинг салмоқли қисми таълим тизимига қаратилган. Ўша пайтлардаги ЮНИСЕФ вакили Ханно Гертнер фикрига кўра: «Агар жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларига киёслайдиган бўлсак, болаларга бўлган эътибор масаласи бўйича Ўзбекистон бир қанча афзалликларга эга. Бу афзалликлар, аввало, соғлиқни сақлаш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги, биринчи тиббий хизмат ёки тез ёрдам кўрсатиш жараёнида муаммолар ёки чекланишларнинг мутлақо йўқлиги, бошланғич ва ўрта таълим олиш имконияти эса болаларнинг 100 фоизда мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Лекин, муаммолар ҳам йўқ эмас-да, жумладан, Ўзбекистон географик жиҳатдан денгиздан анча узоқ мамлакат. Демак, бу ерда денгиз маҳсулотларига эҳтиёж бор. Йодланган ош тузи истеъмоли камайганлиги туфайли ҳам болаларда учрайдиган буқоқ хасталигининг олдини олмоқ даркор. Иқлимнинг кескин ўзгариши туфайли қишда болаларда учровчи пневмония ёзда эса ўтқир ичак инфекцияси хасталикларига қарши кураш масаласи ҳам бизларни ҳар доим сергаклантириб туради».

ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги дастлабки фаолияти болаларни эмлаш чора-тадбирларини кўриш учун вакцина келтиришдан бошланиб кетган эди. Жамғарманинг бу соҳадаги минтақавий вакили Экрем Бирердинч Юртимизнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган эди.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг «Болаларни асранг» фонди эълон қилган «Болалик қачон тугайди?» номли умумжаҳон рейтингда Ўзбекистон 887 балл билан 72- ўринни эгаллаган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 98 балл юқори. Ўзбекистонда болалар соғлигини яхшилаш, уларни эрта ўлимдан асраб қолиниши учун ижобий ишлар амалга оширилган. Дунёнинг қолган 176 давлати билан солиштирилганида бунинг ўртача кўрсаткичи дейиш мумкин. Рейтингда Сингапур, Швеция, Финляндия, Германия, Ирландия, Италия, Жанубий Корея ҳамда Бельгия энг юқори балл тўплаган. Бу рўйхатнинг энг пастиди Африка давлатлари. Унда айтилишига

кўра, бутун дунё бўйича сўнги 20 йил ичида болаларнинг ҳаёт сифати анчагина яхшиланган («Халқ сўзи», 2019 йил, 4 июнь).

Ўзбекистон умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари устуворлиги ҳамда болалар аҳволини яхшилаш учун халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда МДҲда биринчилардан бўлиб 1992 йилдаёқ «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилган эди. 2007 йил 23 ноябрда бўлса «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга **гамхўрлик** ҳамда эътибор кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 22 апрелида имзо чекилган «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоят даражада аҳамиятлидир. Бинобарин, қарорда бир қатор янги ташаббуслар олға сурилган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 30 йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир Факультатив протоколга (2000 йил 25 май, Нью-Йорк) мувофиқлаштиришни назарда тутувчи, мавжуд вазиятни яхшиловчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгилаб берилганди.

Мана шу ўринда «Президент қарорининг долзарблиги ҳамда муҳим жиҳати нимада?» деган савол туғилади. Ўзбекистонда 18 ёшга тўлмаган 12 миллион 200 мингдан ортиқ болалар мавжуд. Бироқ, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган институт мавжуд эмасди. Айни шу маънода Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимининг жорий этилиши маъқулланганлиги ҳам ниҳоят даражада муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганларидек, оилада бола манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар ҳамда шахслар болаларнинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга болаларнинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда болаларнинг энг устун ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Қарорда бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор муҳим қоидалар белгилаб қўйилган. Бунда эса БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган шу масалага тегишли ҳуқуқий нормаларга таянилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 40- моддасида қўйидаги ҳуқуқий норма белгиланган: «Иштирокчи – давлатлар жинойи қонунчилиқни бузган деб топилган, қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилётган ҳар бир боланинг унда қадр-қиммат ва аҳамиятга молик ҳис-туйғусини тарбиялайдиган, болада инсон ҳуқуқларига, бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлайдиган ва бунда болаларнинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши ва жамиятда фойдали ўрин тутишга кўмаклашиш истаги ҳисобга олинандиган ҳуқуқини эътироф этадилар»...

Болалар масаласига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик, Жиноят Кодексларида ўта катта эътибор берилган. Уларни чуқур таҳлил қилмаган ҳолда фақат икитагина ўта муҳим масалага диққатингизни тортмоқчимиз: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 188- моддасига биноан вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш – белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ташқаридан қаралганда бу боланинг «дўсти» бўлиб

кўринган аслида бўлса «кушандаси» бўлмиш ўша кимса бу ишга тақроран қўл урса, Жиноят Кодексининг 127- моддасига тўқнаш келади. Оқибатда у энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараварига қадар миқдордаги жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишларига ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қонуннинг асосий талаби худди шундай белгилаб қўйилган.

Ҳаётда шундай кимсалар ҳам борки, улар ўз болаларининг моддий манфаатини бир чеккага суриб қўйиб, уларга белгиланган тартибда таъминот бериш ўрнига, қўлга киритилган даромадини яшириб, кўзбўямачилик қилишга ўтиб оладилар. 2018 йилнинг 10 январидан амалдаги Жиноят кодексининг 122- моддасига махсус ўзгартириш киритилди. Унга биноан эса, моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жихатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат давомида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш, анан ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилган.

Агарда шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлик тўлаб қўйган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши ҳам, ўзимизнинг ҳозир амалдаги қонунимизда назарда тутилган.

Бундан ташқари бўлса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47¹- моддаси ўзгартирилиб, ҳали вояга етмаган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жазо белгиланиб, 2018 йил 10 июлидан кучга кирган. Унга кўра, моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жихатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилувчи қарорига ёхуд суднинг буйруғига биноан

ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортик муддат мобайнида тўламаслик – ўн беш суткалик муддатга маъмурий қамоққа олишга ё ушбу Кодексга мувофиқ, маъмурий қамоқ қўлланиши мумкин бўлмаган шахсларга бўлса энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланиши белгилаб қўйилди. Агарда биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади...

Ўзбекистон Президенти томонидан 2019 йил, 22 апрелида имзоланган «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ бу йўналишдаги чора-тадбирлар янада кучайтирилди. Вояга етмаган болаларнинг мурожаатлари энди давлат органларида тўлиқ кўриб чиқилиши кафолатланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаган ва ота-онадан бирортаси ҳам судга мурожаат қилмаган ҳолларда, 14 ёшга тўлган болалар ўзининг таъминоти учун ота ёки онасидан ёхуд агар ота-онаси билан яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота ва онанинг ҳар иккисидан қонунда белгиланган миқдордаги алиментни ундириш тўғрисида даъвони қўзғатишга ҳақли экани қарорда қайд этилган. Бу адолатли талаб мисолида айни йўналишдаги ислохотлар жуда шахдам эканлигини яққол кўришимиз мумкин. Нимага деганда, кейинги пайтларда Оила кодексига бола балоғат ёшига етишига қадар бўлган даврда алиментларни, ва шу жумладан, кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд ва бошқа қимматбаҳо буюм тақдим этиш йўли билан барвақт тўлаш имконияти тўғрисидаги норма киритилган. Бунда вояга етмаган боланинг ҳуқуқлариям бузилмайди. Ҳозирги пайтда ҳар битта болага тўланиши керак бўлган алимент миқдори мамлакатимизда ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 75 фоизидан оз бўлмаган миқдорда белгиланганлигидан ўзингизам бохабарсиз.

Бундан ташқари эса, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, Меҳрибонлик уйларида яшаётган болаларга 18 ёшга тўлгунигача шахарлар ва маҳаллий ҳокимият фондидан уй-жой таъминотига оид ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Бунинг асосий

сабаби шундаки, 2011 – 2017 йилларда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олган ҳамда уй-жойга муҳтож бўлган 1 минг 406 нафар битирувчи – Ўзбекистоннинг навкирон фуқароларининг 55 фоизи (773 нафари) уй-жойли бўлган, аммо уларнинг қолган 45 фоизи (633 нафар) эса ҳозирча яшаш жойи билан таъминланмаган («Халқ сўзи» газетаси, 2019 йил, 25 апрель).

Амалга оширилган тадқиқотлар шуниням кўрсатадики, одатда бевосита болалар билан боғлиқ ишлар суд муҳокамасида иккинчи даражали сифатида қаралади ва бошқалардан кўра кечроқ кўриб чиқилади. Шу билан бирга, болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган адвокатларнинг хизматлари пуллик эди. Эндиликда бўлса болаларни ҳимоя қилиш учун ариза берган даъвогар давлат божи ҳамда бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинди. Болаларнинг манфаатлари ҳимояси йўлидаги ушбу имтиёз ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мутаносибдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари томонидан яқдил қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 3- моддасида болани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, суд, маъмурий бошқарув ва қонунчилик органлари томонидан қарорларни қабул қилиш жараёнида болаларнинг энг устун манфаатлари кўзланиши тавсия қилинган. ЮНИСЕФнинг берган тавсиясига биноан, бола манфаатларида судларга киритилган даъволар бож ҳамда бошқа тўловлардан озод қилиниши мақбул ҳисобланади.

Бундан ташқари, Президентимиз қарорига биноан, болаларга ўзининг яшаш жойи ва уларнинг миллатидан қатъи назар, барча турдаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизда болаларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш тизимининг хизматидан бемалол фойдаланиш, ва умуман, ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий ҳимоядаги манфаатларини таъминлаб бериш жараёнини изчил равишда оширади.

2019 йилнинг сентябридан эътиборан мамлакатимизда эркак ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёшни ташкил этади. Бу қоида БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияси бўйича жорий этилди. Илгари, Оила кодекси 15- моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланганди. Бу борадаги хорижий тажрибага назар солгудек бўлсак, Россия,

Қозоғистон, Тожикистон сингари 154та давлатда никоҳнинг ёши барча учун баробар – 18 ёш эканлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда ювенал адлия тизимини жорий этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ушбу жараёнда қонун ҳужжатларидаги «вояга етмаган» ва «бола» каби тушунчаларни бир хиллаштириш муҳим аҳамиятга молик. Чунки, бундан кўзланган асосий мақсад 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида қатнашиши учун қулай шароитни яратишдан иборат...

Юқорида келтирилган фикр, далиллар бизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари тўла қафолатланган ва таъминланган, бу борадаги муаммолар ҳал этилган, деган хулосага олиб келмаслиги даркор.

Мисол учун, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн афсус ва надоматлар билан таъкидлагани сингари, «Болаларга зўравонлик қилиш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам бир неча марта учради. Гап Маргилондаги Мехрибонлик уйи ва Тошкент тиббиёт коллежи ҳамда бошқалар ҳақида кетяпти. Улар жамиятда ғоятда катта акс садо берди. Ҳукумат бу борада мақбул чора-тадбирларни кўргани кишини жуда қувонтиради. 2013 йилда БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонлик бўйича ҳисобот тизимини яратиш, мазкур масалада бўлса мавжуд мутахассисларнинг салоҳиятини ҳам ошириш зарурлигини қайд этган эди. ЮНИСЕФ БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини чиндан ҳам бажариш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ҳукуматини тўла қўллаб-қувватлади.

Кези келганида муаммолардан бири болаларга нисбатан, шу жумладан, оилада, мактабда ва одил судлов тизимида зўравонлик ҳолатлари бўйича тегишли маълумотларни олиш имконияти ҳам йўқлиги эканлигини айтишимиз даркор. Зўравонликларга дучор бўлаётган болаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг тизимли механизми ҳам Ўзбекистонда ҳозирча мавжуд эмас...

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар етарлича ривожланмаган ҳамда асосан, интернат типигаги муассасаларда кўрсатилади. Айнан шу боисдан ЮНИСЕФ ижтимоий ишчилар профессионал кўникмаларини мустаҳкамлаш, ва шунингдек, ўқув

курсларини яратишда Ўзбекистон ҳукуматига ўзининг имконияти доирасида ёрдам бераётир... » («Халқ сўзи» 2018 йил, 19 июнь).

Ўтган XX асрнинг ибтидосида маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий бобомиз бу ҳақда шундай деб ёзгандилар: «Ҳамшаҳри яхуд, армон ва рус болалари оппоқ кийиниб, қўлтуқ-қўлтуқ китоб ила мактабларга кетар экан, бизнинг болаларимиз на учун кирчир ва йиртиқ кийим, оёқ яланг бир ҳолда эшик-ба эшик меҳнат ахтарур... Энди бизларга икки ишдан бири қолур. Яъни, алардек замонани илмлари ҳамда ҳунарларига ёпишмоқ ва ёйинки борлиқ набираларимизниям қўлимиздан бериб қўймарга ва беҳудаликка сарф этиб аларга хизматкор бўлмоқ».

Энди XX аср интихосида Ғайбуллоҳ ас-Салом айтган фикр: «Дунёда бизларнинг одамларчалик болажон халқни топиш жуда қийин. Фидойи, захматқаш ва меҳрибон... халқ бизнинг халқимиз. Айни вақтнинг ўзида бўлса ёш авлодга энг... бепарво халқ ҳам айнан ўзимиз бўлаемиз». Шу боисдан ҳам ул маърифатпарвар зот бизларга қарата «Миллатинг нима?» деб сўрасалар, «Ўзбек» деб айтишдан сира ҳам уялманг. Аммо... яхудий бўлинг!» дея ғоятда шиддат билан хитоб, даъват қилган эдилар...

Балки эшитган чиқарсиз, япон тадқиқотчиси Масару Эмото маҳсус илмий тажриба ўтказиб, сувнинг ҳам хотираси борлигини исботлаган. Унинг далиллари аниқлашича, сув «кўради, эшигади ва таъсирланади». Демакки, бизлар ичадиган сув тирик биологик мавжудот экан! Япон олими икки стаканга тоза сув қуяди, ундан кейин идишларнинг бирига қараб жаҳли чиққанида, орага шайтон тушиб қолганида тилга олинадиган кабиҳ сўзларни айтади, яъни болаҳонадор қилиб сўкинади, тагин бирига бўлса меҳр-муҳаббат билан тикилиб, яхши гапларни пичирлайди, олқишлайди. Кейин электрон микроскоп ёрдамида сув кристалларини суратга олади. Яхши сўзни «эшитган» идишдаги сув худди нилуфар гули каби бағоят чиройли шаклда кристаллашган, ёмон ва ярамас сўзлардан «таъсирланган, асабийлашган, беадад хафа бўлган» идишдаги сув кристаллари бўлса аксинча, гўё булутдек қўнғир тусли, ва кўпроқ лой парчаларига ўхшаш. Сувнинг тириклигини исботлаш ниятида олимлар унинг ёнида сокин мусиқа қўйганида, сув шунга монанд ҳаракат билан оқа бошлаган. Қулоқ ва асабни қоматга келтирувчи

музыка қўйилганида сув ҳам шундай жазавага тушиб кетган. Сув (айниқса оқар сув) ёнида ўтирган бирор инсоннинг барча салбий энергияси у билан бирга оқиб кетаркан. Қаранг-а, оддий сувимиз унга айтилган яхши-ёмон сўзларни ўзининг хотирасигаям жойлаб оларкан! Энди қарғиш урган ва лаънатланган сувни ичиб қўйган кимсанинг ҳол-аҳволини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а. Ҳар қандай Инсон танасининг камида етмиш фоизи ўша сувдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, унинг қалбидаги бу жараён қай ҳолда кечиши эса бизларга порлок кундай равшан бўлади-қолади.

Япониялик табиатшунос олимнинг лимон ўсимлиги устида ўтказган тажрибасиям диққатга сазовор. У икки хонада бир навга мансуб бўлган икки туп лимон кўчатини алоҳида парваришлаган. Лимонлардан биринчисига ҳар куни покиза сувни қўйиб, унинг баргларини ювиб, силаб-сийпаб эркалаган. Гуё арзанда фарзанди сингари ўстираверган. Иккинчи ўсимлик турган хонага кириб эса лимонни ҳар куни жуда ҳам аччиқ сўзларни айтиб, ҳақоратлаган. Лимоннинг барглари, танасига ўзича ёмон сифат-белгилар бериб, ўсимликка «барибир сен тез кунларда куриб қоласан, қовжираб, ўлиб кетасан-ку», деяверган. Бирок, уни ҳам озуқа билан биринчи турдошига қандай бўлса, худди ўшандай равишда таъминлаган. Сувни ҳам, минерал ўғитларни ҳам иккала ўсимликка бир хилда тақсимлаб бераверган. Аммо, орадан бир ойча вақт ўтиб кетгач ҳақоратланган лимон, чиндан ҳам нобуд бўлган. Бирданига эмас, аста-секин, сўлиб ва қовжираб... биринчи тувакдаги лимон бўлса яшнагандан яшнаб гуллаган ҳамда шиғил ҳосилга кирган.

Табиатшунос ушбу тажрибани шоли, нок каби ўсимликларда ҳам синаб, жудаям ғаройиб ҳулосаларга келган. Унингча, ҳар бир ўсимликнинг хотираси ҳамда қалби мавжуд. Аксинча, лола ёмғир олдидан ўз тожбаргларини ёпиб олмас эди-да, ўрмондан кўчириб келтирилган олма, ҳовлида тана ва барги рангини ўзгартирмасди.

Яна бир машҳур воқеа-тажриба бор. Бу воқеани рус ботаник олими Астафьевга словениялик ёлғиз яшовчи нуроний бир киши сўзлаб берган. Отахон бир йили чорбоғида, телевизор турадиган айвоннинг рўпарасида ўсган олма дарахтининг гуллаган пайтида ойнаи жаҳон орқали доим уруш саҳнаси кўп фильмларни кўрган. Қарийб ҳар куни худди шундай киноларни томоша қилаверган.

Натижада эса, оппок бўлиб очилган олма бир ҳафтада гулларини тўкиб юборган. Худди совуқ ургани сингари. Чоққина ҳовлининг этагидаги бошқа олмаларни бўлса «жин ҳам урмаган». Ўша йили роса мириқиб телевизор «томоша қилган» олма, табиийки, мева тугмаган. Бунинг сабабини билолмаган чол, ёз бўйи ўйлаб-ўйлаб, дарахтнинг ёмон ахборотдан салбий таъсирланганини тушунган. Ва келгуси баҳорда астойдил тажриба қилиб кўрган. Ўша пайтлар энди пайдо бўлган видеоманитофонидан фойдаланиб, бу сафар ҳовлининг четидаги икки туп олмага айнан «энг гуллаган ёшлик чоғида» ваҳшийлик, қон тўкиш ҳамда азоб-укубатлар акс этган фильмларни ҳар куни бетўхтов кўйиб бераверган. Ва худди ўтган йили уйи ёнида ўсган дарахтда содир бўлган ҳодисанинг тагин такрорланганини ўз кўзи билан кўрган. Бу бечора дарахтлар ҳам ўзининг гулларини бутунлай тўкиб юборган ва шу йили мутлақо мева бермаган. («Маънавий ҳаёт» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журнал, 2019 йил, 5- сон, 8- бет).

Асл мўъжиза эмасми ўзи, бу? Ўзимизда ҳам улуғ кишилар болаларга дарахт тагига ёзилма, дея танбеҳ беришади. Буларнинг бари бежизмас экан-да. Демак, болаларимизни энг аввал, салбий ахборотлардан бетиним тарзда муҳофаза қилмоғимиз, уларга эзгу ва ибратли, керакли маълумотларнигина улашмоғимиз даркор.

Ва ниҳоят, XXI аср ибтидосида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан қилинган огоҳликка даъватдан ўзингизам бохабар бўлсангиз-да, яна қайтарамиз: «Биз болалар 6 – 7 ёшга киргунича унинг тарбияси билан мутлақо қизиқмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради ва қай аҳволда овқатланади, нималарга интилади ва нималарга қизиқади, қандай ривожланади – афсуски бу билан ишимиз бўлмайди... Айрим ота-оналар ўта дабдабали уй-жойлар қуради, тўкиб-сочиб тўй қилади, қатор-қатор машинали бўлади. Ваҳоланки, яхшилаб суриштириб кўрсангиз, боласининг ким билан қаерда юриши, вақтини қандай ўтказиши ва қандай билимларга эга эканлиги на отани, на онани қизиқтиради. Болаларни энг катта бойлигимиз, келажагимиз деб эъозлаймиз-у, амалда уларнинг тақдирига бефарқ қараймиз. Бу фарзандлар тақдирига, ўз келажагига лоқайдликдан бошқа нарса

эмас, одамларимиз табиатидаги бутунлай воз кечиш керак бўлган иллат... Болаларимизнинг келажаги, тақдирини ўз холига ташлаб кўйгудек бўлсак уларга нисбатан хиёнат қилган бўламиз...»

Бугунги кунларда бекиёс трансмиллий кўлам касб этиб, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги жиноят болаларнинг бахтига ҳам чанг солмоқда. Бу хатар одам савдоси қурбонлари фарзандларининг ота ёки оналарнинг меҳридан Мосуво қилиш билангина чекланиб қолмаяпти. БМТ маълумотига кўра, ҳозирги вақтда дунё бўйича одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этмоқда. Янада ачинарли томони, ҳар йили дунё бўйича 600 мингдан 800 минггача аёллар ва вояга етмаган болалар турлича жинойий йўллар билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Ушбу нопок кимсалар болалардан мажбурий меҳнат ва жинсий эксплуатацияда фойдаланмоқдалар. Бу мудҳиш жиноят бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги боис, ўтган йиллар мобайнида Жиноят кодексидаги одам савдоси, шу жумладан, болалар савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят ҳуқуқий нормалари шакллантирилган ва бу жиноятнинг вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилиши бу жиноятнинг оғирлаштирувчи таркибларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги юксалиш босқичидаям болаларни асраш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш эса асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» номли маърузасида ҳам қатъий равишда таъкидлангани ва белгилаб қўйилганидек, «Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, бутун дунё миқёсида ўзларининг тенгдошларига ҳеч қайси соҳада асло бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топишлари, бахтли бўлишлари учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор кучи ва имкониятларини сафарбар этамиз».

«Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг жуда чуқур таҳлили, бугунги кунларда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароити туфайли рақобат жиддий кучайиб

бораётгани давлатимизни янада барқарор ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашувлар ҳамда тамойиллар асосида ишлаб чиқилган» ва бугун ҳаётга кенг жорий этилаётган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу беҳад даражадаги муҳим вазифа ўзининг яққол аксини топганлигидан бўлса ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Хусусан, ўзингиз яхши биладиган «Ҳаракатлар стратегияси» «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» йўналишида жудаям муҳим куйидаги вазифалар белгилаб қўйилган:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш ва меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ҳамда ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чоратадбирлар қўриш;
- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда бу муассасаларда болаларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик, жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш ва болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини эса жиддий ошириш ҳамда фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог, мутахассислар малака даражасини юксалтириш;
- умумий ўрта таълимнинг сифатини тубдан ошириш, чет тиллар ҳамда информатика ва математика, физика, кимё, биология сингари бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;
- Болаларни спорт билан оммавий равишда шуғулланишга, уларни мусиқа ва санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини (эса қайта қуриш) реконструкция қилиш.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, Ота юртимиз – Ўзбекистонда саводхонлик даражаси 99,6 фоизни ташкил этади ва бу натижа бутун дунёдаги мамлакатлар орасида юксак кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти собиқ бош директори Маргарет Чен хоним «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ўзига хос миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум очилиши чоғидаги нутқида куйидаги ҳақли фикрларни билдирганди: «Ўзбекистонда самарали равишда амалга оширилаётган «Соғлом она – соғлом бола» миллий сиёсати номланишида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур оналар ҳамда болалар ҳақида ғамхўрликнинг барча беҳад зарур жиҳатларини – бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, стационар даволаш; мунтазам профилактика кўригидан ўтказиш ҳамда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш; эмлашлар орқали касалликлар олдини олиш; скрининг воситасида эртароқ ташҳис қўйиш, шунингдек, болаларда тез-тез учраб турадиган бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланиш ҳолларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган»...

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, энг аввало, албатта унинг маънавиятини миллийлигимизга, маданиятимизга, азалий қадриятларимизга буткул бегона турли-туман бузгунчи ғоялардан ҳимоя қилишни тушунмоғимиз даркор. Тобора жадаллашаётган глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» деган чиройли бир ниқоб остида бузуқлик, зўравонлик, ахборот хуружлари сингари хавф-хатарлар фарзандларимизнинг келажагига бетиним таҳдид солаётганидан ташвишланмай сира илож йўқ. Ёш авлод маънавий олами дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрамоқ, болаларимизни маънавий тажовуз ва ахборот фашизмидан ҳимоя қилиш нафакат ота-она ёки таълим-тарбия мураббийлари, шу билан бирга кенг жамоатчиликнинг ўта долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолиши шарт. Фарзандлар тарбиясига озгина эътиборсизлик ё лоқайдлик уларнинг ёвуз кучлар таъсирига тушиб қолишига ва кичкина хато эса фожиага олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз зарур.

Юксак даражадаги ҳуқуқий тафаккур ҳамда маданият инсон маънавиятининг узвий бўлагидир. Ўсиб келаётган болалар онгида

илк хуқуқий тушунчани шакллантириш орқали қонунга ҳурмат, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, собитқадамлик каби туйғулар камол топади. Хуқуқий тафаккури юксак, маънавияти теран, бой инсон бўлса миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид мафкуравий хуружларга холисона баҳо бера олади. Ўз фикрига, дунёкарашига эга ёшларни ҳеч қандай ёвуз куч асло енга, бўйсундира олмайди.

Шу ўринда мавриди келиб қолгани боис Нозим Ҳикматнинг гўзал ва ўта ибратли, даъваткор бир шеърини биргалашиб ўқисак:

Дунёни тотширайлик болаларга

ҳеч бўлмаса бир кунга,

Ол алвон бир шар каби

берайлик ўйнасинлар.

Ўйнасинлар қўшиқлар куйлаб

юлдузлар орасида.

Дунёни болаларга тотширайлик.

Улкан бир олма каби, тотширайлик

иссиқ бир нон каби,

Ҳеч бўлмаса бир кун тўйсинлар.

Дунёни болаларга тотширайлик.

Бир кун бўлса ҳам ўргансин

дунё йўлдошликни.

Болалар дунёни олажак

қўллармиздан,

Ўлимсиз дарахтлар экажаклар.

Бугун жаҳонда бола олдида тинчлик бурчидан-да муқаддас бошқа бурч бўлмаса ҳам керак. Улар хуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётини турли ҳаётий мушкулотлар ва кўрқувдан халос этишни таъминлашдан ҳам муҳимроқ мажбуриятлар мавжуд эмас. Чунки, эртага бутун дунёни албатта, оламни бошига кўтариб, ниманидир катталардан ижикилаб сўраб, билиб юрган, айрим соҳаларда эса аллақачон ўзимиздан олдинга ўтиб кетган БОЛАЛАР тебратади.

Эртага бутун дунёни бошқарадиганлар орасида эса, албатта, буюк ўзбек халқи, миллатининг яратиб берилган имкониятлардан беҳад бахтли, жуда масъулиятли, буюк «аждодлар мардона руҳи ёр» ҳамда барчамизга «зўр қанот» БОЛАЛАРИ ҳам бўлади...

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

«Дин инсон руhini поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутати. Айниқса, инсоният ўта мураккаб тараққиёт жараёнини ўз бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий, руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир».

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Банибашар Ватани – қурраи Заминда ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ҳамда фаровон яшашига эришиш йўлида турли-туман динлар, миллат, элатлар вакиллари, маданиятлар ва цивилизациялар ўзаро мулоқотга киришаётган ҳозирги ниҳоятда мураккаб ва беҳад мўрт дунёда дин ҳамда дунёвий давлатчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик-ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим шarti бўлиб қолмоқда. Чунки, бугунги кунда миллион-миллион одамлар руҳиятига, онги ва қалбига бевосита таъсир ўтказадиган диннинг жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамиятини тўғри англамаслик, диний қадриятларни тараққиёт ва дунёвийлик каби тушунчаларга ўзаро қарши қўйиш қандай фожиали оқибатларга олиб келишига барчамиз ҳам жаҳон аҳли қаторида яққол гувоҳ бўлиб турибмиз.

Буюк донишмандлардан бирининг фикрича, «инсоният минг йиллар мобайнида жуда ҳам даҳшатли хасталикдан – бир-бирини тушунмаслик касалидан азоб чекиб келмоқда». Беморликнинг асл сабабларидан бири бўлса бугунги дунёдаги мавжуд 10 мингдан ортиқроқ турли-туман динлар, мазҳаблар, оқимлар, йўналишлар ва секталарнинг ўзгалари устидан ғолиблик учун. инсон, айниқса

ёшларнинг онги ва калбига тўла-тўқис эгалик қилиш мақсадида олиб бораётган бетўхтов, азалий ва абадий кураши ҳисобланади. Улар орасида ҳанузга қадар номувофиқлик ва тушунмовчиликлар асосида ихтилоф, жанжаллар, қонли тўқнашувлар давом этаётир.

Буларнинг қай бири тўғрироқ? Ким ҳақ? Қайси миллатнинг дини маъқулроқ? Масалани мана шундай равишда қўйилишининг ўзиёқ муқаррар равишдаги фитнага олиб келади. Ҳар кимники – ўзига фарз. Ҳиндуизм динига эътиқод килувчи ҳиндистонликлар сизгир гўштини ейишмайди, Мусулмонлар бўлса бунинг мутлақо акси. Тўнғизнинг гўшти бўлса насронийлар (христианлар) учун ҳалол, мусулмонлар учун эса ҳаром ҳисобланади...

Бу масалага Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг вафоти олдидан шахзода Ҳумоюн Мирзога қолдирган 1529 йил 11 январиди Дҳолпур яқинидаги «Боғи Ниулфар»да турганида битилган «Махфий васиятнома»сида ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратилганди ва тахтнинг вориси – ўғил огоҳликка чорланганди:

«933 ҳижрий йил. Подшоҳи Баҳодир ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алҳамдиллиллаҳ.

Султонатнинг янада мустаҳкам бўлиши учун ушбу махфий васиятнома тузилди. Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган. Аллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар бир мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адолат қилинг. Хусусан, агарда Ҳиндистоннинг калбини қўлга киритаман десангиз, сизгир сўймоқдан ўзингизни тийинг. Бу яхшилигингизнинг эвазига шу вилоят халқининг қалби Сизга яқин бўлади. Қўлингиз остидаги ҳар бир қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подишоҳ раъиятдан ва раъият подишоҳдан доим осуда бўлсин. Ислоннинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўргасидаги жанжаллардан кўзингизни юминг. Агар бундан кўз юммасангиз, ислон заифлашиши мумкин...»

БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан 2001 йилнинг 10 декабрида Осло шаҳрида Нобель мукофотини олиш маросимида билдирган фикрлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган: «Ҳар бир буюк дин ва урф-одатда бағрикенглик ҳамда ҳамфикрлик сингари

кадриятларни бемалол топиш мумкин. Масалан, Куръонда: «Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халклар ва қабила (элатлар) қилиб қўйдик» («Хужурот» сураси, 13- оят) – деган мазмундаги ғоя бор. Конфуций издошларига шундай насиҳат қилганди: «Давлат эсон-омон бўлса, дадил гапир ва дадил ҳаракат қилгин, давлат йўлдан озганда эса дадил ҳаркат қилу секин гапир». Яҳудийларнинг урф-одатларига кўра, «яқин кишингни ўзингни яхши кўргандай кўр!» деган қоида муқаддас Тавротнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Мана шу фикр Инжилда ҳам акс этган, унда шундай насиҳат қилинади: «Душманларингизни ҳам яхши кўраверинг, сизга озор берганларнинг ҳам, сизларни ҳайдаган кишиларнинг ҳам ҳаққига дуо қилинг!» Ҳиндлар «Ҳақиқат битта, аммо унга донишмандлар турли хил исм беришади», деб ўргатади. Буддизм ҳам одамларни доимо бир-бирларига раҳм-шафқатли бўлишга даъват этади.

Ҳар биримиз ўз динимиз ёхуд ўз миллий меросимиз билан ҳаққоний тарзда фахрланиш ҳуқуқига эгамиз. Бироқ, «бизники» албатта «уларники»га зиддир, деган тушунча ниҳоятда хатодир ва айни пайтда беҳад даражада хавфли тушунча ҳисобланади. У узоқ тарих давомида кўп бора чексиз адоватни ва ҳад-ҳисобсиз ихтилофларни келтириб чиқарди, шунинг оқибатида одамлар гўё олий ироданинг номи билан жуда оғир жиноятларни содир этди.

Буни аслида шундай бўлиши муқаррар, деб ҳисоблаш асло ярамайди. Дунёдаги деярли барча мамлакатларда ҳар хил дин ва маданиятга мансуб одамлар ёнма-ён яшашади ва кўпчилигимизда бизларни бутунлай бегона гуруҳларга яқинлаштирувчи бир қатор умумий хусусиятлар мавжуд, бизларда йўқ нарсалардан ҳамда биздан фарқ қилувчи кишилардан нафратланмасданам яхши кўра оламиз. Биз ўз урф-одатларимизга риоя қилган ҳолатда тараққий этишимиз ҳамда айни пайтнинг ўзида бошқалардан ўрганишимиз ҳамда уларнинг таълимотини ҳам ҳурмат қилишимиз мумкин.

Аммо эътиқод эркинлиги, ўзлигини намоён қилиш, уюшиш эркинлиги, ва шунингдек, қонуний тенгҳуқуқлилиқ бўлмаса, бу масала хусусида бирорта ҳам гап-сўз бўлиши мумкин эмас...»

Америка Қўшма Штатларининг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбек диний эркинлик борасидаги фикрларини қуйидагича изоҳлаган эди: «Диний эркинлик ҳамда иқтисодий юксалиш бир-бири билан узвий равишда боғлиқдир. Бошқаларга нисбатан очикроқ бўлган жамиятлар капитал, шу жумладан инсон капиталини жалб этиш бўйича устунликка эга. Ўзбекистон Республикасида бундан икки йилча олдин ҳаётга татбиқ этилган ўзгаришлар диний эркинлик ҳимояси масалаларига янги туртки бериши мумкин. Бу вазият эса Ўзбекистонда нафақат инсон ресурслари салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради, шу билан бирга уни минтакадаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини ўзига жалб этиш учун энг жозибадор жойлардан бирига айлантириб юборади.

Бинобарин, диний эркинлик кафолатлари АҚШда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшаётган динамик диний муҳитнинг яратилишига катта қўмак берган. Хусусан, 2016 йилги илмий тадқиқотларга биноан, турли-туман диний гуруҳлар 1,5 миллиондан ортиқ ижтимоий хизматларни, шу жумладан ўқув дастурларини тақдим этганлиги маълум бўлди. **Диний эркинлик АҚШнинг иқтисодиётига ҳар йилига 1,2 триллион доллар фойда келтирмоқда.** Бу эса «Apple», «Amazon», «Google» каби жаҳоннинг энг қудратли ўнлаб технологик компаниялари йиллик даромадидан зиёддир ёки Америкадаги энг йирик бта нефть-газ компаниясининг бир йиллик даромадидан 50 фоиз ортиқдир.

Биз Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича маъсус маърузачисининг тавсияларини бажариш юзасидан «йўл харитаси» қабул қилинганлигини олқишлаймиз. Бу Ўзбекистонда қонунчилик базасини инсон ҳуқуқлари ва диний эркинликни таъминлаш соҳасидаги халқаро мажбуриятлар ҳамда содиқлик тамойилига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзига хос умумдавлат ёндашувдир. Биз эса бу борадаги «йўл харитаси»ни амалга ошириш учун эксперт қўмагини беришга ям тайёрмиз... Бу заминда жуда кўплаб миллату элатлар, тарли дин ҳамда эътиқод вакиллари ўзаро тинч-тотув ва ҳамжихат яшаётгани эътирофга лойиқ...» АҚШдаги Глобал ҳамкорлик институтининг фахрий

президенти Крис Сайпл фикрига биноан: «Виждон эркинлиги – барчага дахлдор кадрият. У инсон хукуки ва эркинликларининг асосларидан бири саналади. Радикаллашув ва зўравонликлар эса ана шу хукуклар бузилган жойларда чиқади. Ўзбекистонда диний эркинликлар, конфессиялараро ҳамжиҳатлик, тотувлик таъминлашнинг янгича, оқилона ва одилона ёндашувлар қўлланаётир...

Ўзбекистон Республикасида шакллантирилган миллатлараро муносабатлар моделини келгусида бошқа давлатларда ҳам татбиқ этиш мумкин...» («Халқ сўзи», 2018 йилнинг 19 сентябри).

«АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасидаги жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилганлиги мамлакатимиз жамоатчилигида, беозор айтганда, таажжуб уйғотди», дейилганди Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2006 йил 25 ноябрда эълон қилинган Баёнотида. Бу ҳолат Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги сингари долзарб масалаларга фақат бир томонлама ёндашишини ва «икки ёқлама стандартлар» бўйича иш тутишини яна бир бор намоён этган эди.

Ўзбекистон Республикаси айрим бир сиёсатчилар ва давлат арбоблари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг очикдан-очик ифвогарликдан иборат, динлараро ҳамжиҳатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асоссиз уйдирмаларига нисбатан ҳар доим принципиал ва изчил позицияда бўлиб келган. Бу ҳолат эса, энг аввало, халқаро террорчиликни муқаддас ислом дини билан боғлашга турли-туман уринишлар, айрим бир Ғарб нашрлари «сўз эркинлиги» шиори остида юз миллионлаб мўмин-мусулмонларнинг ғурури ва шаънини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир. Ўзбекистон ҳаммиша бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайдям. Ўзбекистон томонидан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га карикатуралар нашр қилинганлиги ҳамда Рим папаси Бенедикт XVI томонидан ислом дини ҳақида масъулиятсизларча айтган гапларнинг қораланиши бунинг яққол тасдиғидир. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги эса АҚШ Давлат департаментининг юқоридаги

қарорини асоссиз деб ҳисоблаган, бу мустақил Ўзбекистон ички ишларига аралаштирдан бошқа нарса эмас, деб Баёнот берган эди.

Дунёни озми-кўпми англаб етган, ундан бохабар шахс АҚШ департаментининг ўша пайтда қабул қилган қарори ҳақиқатанам «икки ёқлама стандартлар»га асосланганлигини дарҳол пайкаб олади. Чунки, фақатгина ўз манфаатларини марказга қўйиб олиб иш юритишга ўрганиб қолган давлатлар эса одатда, бир ҳодисага турлича баҳо беришдан уялиб ўтирмайдилар. Яъни, агар халқаро терроризм ва экстремистлар ҳужуми ўзларига қарши қаратилган бўлса, уни ер билан яксон қилиш учун барча чоралар кўрилади. Бу ишга бўлса, турган гапки, бутун дунёдаги катта-кичик бошқа давлатларнинг қуроли ва қуролисиз кучи ҳам сафарбар этилади.

Худди ўша террорчи, экстремистик гуруҳлар ўзга юртларга, мисол учун, Ўзбекистон суверенитетига таҳдид солса – бу юртда «чинакам халифалик давлати қурамиз», «барча кофирлар тигдан ўтказилади», деган ғоялар билан очиқдан-очиқ ҳужумга ўтса ва ҳукумат бундай хуружга қарши ҳимоя чораларини кўрса, бунинг номи «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотиш» деб аталади! Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири диний бағрикенглик (толерантлик) ҳисобланади. Биз диний бағрикенгликни тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг, уни тараққий эттиришнинг беҳад даражадаги муҳим шарти эканлигини жуда ҳам яхши англаймиз.

Қадим-қадимдан юртимизда буддавийлик ва зардуштийлик, насронийлик ва яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда эса турли миллат, элат ва динга мансуб кишилар, ҳозирги даврдагидек, ўз диний амалларини ҳам эмин-эркин адо этганлар. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам давлатимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда сираям можаролар бўлмаган. Бу – юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида, бутун дунё бўйича энг улкан тажрибага эга бўлгани, ҳозир ўзгалар уни ўрганаётганидан далолат беради.

Америкалик шоир ва мусаввир Роланд Кулланинг фикрича, «Бугун бу жаннатмонанд юртдан кетар эканман, мени икки нарса безовта қилаётир. Биринчиси, шундай ажойиб ўлкани тарк этиш

қайғуси бўлса, иккинчиси, ушбу гўзал юртни яқинларимга қандай таърифлаб берар эканман, сўзларим етәрмикин, деган хавотир. Чинданам бу ўлкани таърифлашга тил ожиз. Танти, содда, доимо кулиб турадиган бундай халқ фақат Ўзбекистонда яшайдигандай.

...Қуёш мевали дарахтга ҳам, захарли алафга ҳам бир хилда нур сочади, ҳаёт бағишлайди. Ўзбеклар ҳам худди шундай – одам танламайди! Энди тушундим, юртимга қайтгач, ўзбеклар қандай экан, деб сўраган яқинларимга ўзбек – қуёшга қариндош халқ экан, деб жавоб бераман» («Китоб дунёси», 2019 йил, 23 январь).

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси маълумотига кўра, 2018 йилнинг 11 декабрь куни АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео ўз қарори билан Ўзбекистонда дин эркинлигини таъмин этиш бўйича салмоқли натижаларга эришилганини эътироф этган ҳолатда, давлатимизни «алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар» (СРС) рўйхатидан чиқарди. Мазкур қарор қутилган ва ундан асло ажабланмаса ҳам бўлаверади. Чунки Ўзбекистонда ҳаётнинг бари соҳасига дахлдор туб ислоҳотлар ҳамда ўзгаришлар билан боғлиқ янги бир тарихий босқич юз бермоқда. Америкаликлар ва бошқа шериклар Ҳаракатлар стратегиясининг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш, жудаям чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли, амалий руҳдаги устувор йўналишни рўёбга чиқариш бўйича қўлга киритилаётган натижаларгаям бир неча бор ўзлари қатъий ишонч ҳосил қилишди. Ўтган икки йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бир пайтларда диний экстремистик гуруҳларга алоқаси мавжуд, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёдроқ фуқаролар «махсус ҳисоблар»дан чиқарилди. Глобал ҳамкорлик институти раҳбири Крис Сайплнинг фикрича, «Ўзбекистоннинг алоҳида хавотирни уйғотадиган давлатларнинг рўйхатидан чиқарилиши ўз вақтида қилинган ва тўғри қарордир. Бу Ўзбекистондаги салмоқли юксалишнинг чинакам натижаси ҳисобланади. АҚШ Давлат департаментининг Диний эркинлик бўйича офисининг 20 йиллик фаолияти тарихида бор-йўғи иккита мамлакатгина мана шундай рўйхатдан чиқарилган: Вьетнам ва Ўзбекистон» («Халқ сўзи» газетаси, 2018 йилнинг 13 декабри).

Мана шу ўринда мавриди келиб қолгани боис, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматов

қаламига мансуб, «Ватанпарвар» газетасида босилган (2019 йил, 19 июль, 29 (2832)- сон) «СИНОВЛАР ОРТДА ҚОЛГАНИ ЙЎҚ; хотиржамлик – озодлик душмани» сарлавхали чуқур таҳлилий мақоласидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

«Гап хавфсизлик ва хушёрлик ҳақида борар экан, ўрни келиб қолганда йўл қўйилган бир хатони айтиб ўтмоқчиман. Яҳудийлар ва насронийлар душманини ҳеч қачон ўз динидагилар орасидан излашмайди. Биз бўлсак шу пайтгача кўп ҳолларда душманни ўз диндорларимизнинг орасидан изладик ҳамда «топиб ҳам олдик». Мен Ғарб дунёси ва Россиянинг оммавий ахборот воситаларини мунтазам тарзда кузатиб бораман ва ҳали бирон мартаям яҳудий ёки насронийга террорист ва экстремист, фалон секта ёхуд гуруҳ аъзоси деган тамга босилганини эшитганим йўқ. Бизда эса, минг афсуски, қайсидир бир домланинг маърузаларини эшитгани учун ҳам қанчадан-қанча ёш йигитлар 10 – 15 йилга қамалиб кетди...»

Интернет-сиёсат фуқаролик ташаббуси Европа Иттифоқи радикализм балосига энг ружу қўйган мамлакатларни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказган. Натижалар шуни кўрсатдики, Бельгия давлатида ҳар миллион нафар аҳолидан 689тасида экстремистлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кучли экан. Бундай кўрсаткич Буюк Британияда 204 нафарни ташкил этса, Ўзбекистонда эса ҳар миллиондан фақат 18 кишигина радикалларнинг «тўри»га илиниб қолиниши мумкин экан («Жамият», 2019 йил 19 июль). Бундай ахборотдан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шундан иборатки, ўрта ҳисобда диний таълимот масаласида Антверпен ё Брюггеда яшовчи одамга нисбатан ўзбекистонлик 25 марта кўпроқ билимга эга экан. Ёхуд қайси таълимот тўғри-ю, қаерларда экстремистик қарашлар мавжудлигини ажрата олиш қобилияти Ўзбекистонда Британиянинг фуқароларидан кўра 8 баравар ортиқроқ экан...

2018 йилнинг 12 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилинганлигидан ўзингизам бохабарсиз. Аксарият экспертлар томонидан башарият ҳаётида муҳим роль ўйнаши баралла айтилаётган мазкур тарихий ҳужжат ҳақида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТнинг 72- сессиясида сўз юритган эди.

Асл моҳияти барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ҳамда жаҳолатга барҳам бериш, барча жамиятларда бағрикенгликни ва ўзаро иззат-ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш ва эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига асло йўл қўймасликдан иборат бу Махсус резолюцияда кўзда тутилган ишлар Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 16 апрелида эълон қилинган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармонида ўзининг ифодасини топиб, мамлакатимизда йил давомида бирин-кетин содир бўлган муҳим воқеалар ривожини бошлаб берганди. Фармон ижроси юзасидан дастлабки амалга оширилган муҳим ишлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш бўйича ахборот-таҳлил марказининг тузилиши бўлди. Масала моҳиятига эътибор берсак, бундай марказлар жамиятда кечаётган диний-ижтимоий жараёнларни чуқур ўрганиш, турли оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилаётган маълумотларни янада ҳам чуқурроқ таҳлил қилиш, диний-ижтимоий муҳит барқарорлигига салбий таъсирини кўрсатувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш борасида муҳим роль ўйнашини англаб етамиз.

Жамият тараққиётида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга бўлган эътибор ўта муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз. Агар бирон-бир соҳа вакили ўз ишидан, унга тўланадиган ҳақдан, берилаётган имтиёزلардан қоникмаслик ҳиссини туя бошласа ва ўз ижтимоий ҳимояси кафолатига шубҳа билан қарагудек бўлса, унда тушқунлик кайфиятининг пайдо бўлиши ҳам муқаррар. Энг ёмони, бундай ҳолатнинг маълум бир шахсда эмас, бутун бошли соҳада кузатилганидир. Тан олишимиз даркор, ҳозирги давргача диний соҳа ходимлари, масжидлар имомларига ҳамда уларнинг ноибларига ойлик маош тайинлаш, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, заруратга кўра уй-жой билан таъминлаш, уларни эл-юртнинг наздида юқори эътиборга эга бўлган мукофотлар билан тақдирлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари тизимли тарзда ташкил этилмаган эди.

Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фондининг ташкил этилиши ва фонд маблағлари ҳисобидан диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларининг фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ҳамда ўқувчи-талабаларини, масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан, имом-хатиб, имом ноиблари, мутававали ва муаззинларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ойлик иш ҳақи тўлаш, кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга мухтож имом-хатибларга уй-жой бериш борасидаги чоратадбирлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

Айни вақтда бўлса, «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини оширишга қаратилган турли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний кадриятларимизни асраб-авайлаш, масжидлар, диний муассасаларнинг биноларини қуриш ва уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш (қайтадан қуриш ва таъмирлаш), тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни ободонлаштириш, ислом илм-фани ва маданияти ривожига беҳад улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни тезда чоп этиш, юртимиздаги муқаддас қадамжоларга хорижий фуқароларнинг зиёратлариниям уюштириш йўлида муайян ишлар амалга оширила бошлади...

Эзгу ишлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳузуридаги Тошкент ислом университетини ва Ўзбекистон ислом академиясининг негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилганидир.

Бугунги кунларда бизнинг Ота маконимиз – Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини жудаям яхши биласиз. Ўзингиз ҳам кўриб-билиб турганингиздек, халқ вакиллари томонидан Парламентда қабул қилинаётган қонунлар халқаро меъёрларга мослаштирилмоқда. Биз тараққиётимиз учун маъқул бўлган нарсалар, жиҳатларни қабул қилиш, номаъқулини бўлса инкор этиш йўлини танлаб олганимиздан ҳам бохабарсиз.

Дунёвий ва диний кадриятлар ўзининг аниқ сарҳади, меъёри, фаолият майдонига эга. Уларни бир-бирларига сира қориштириб юбориб бўлмайди. Ўзаро зид қўйиш ҳам мутлақо мумкин эмас.

Уламоларнинг қатъий фикрича, дин – Аллоҳ томонидан ўз пайгамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Дин деганимиз бўлса азал-азалдан инсоннинг Аллоҳ билан ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжидан иборат.

Дунёвий нуқтаи назар бўйича эса дин – ижтимоий-тарихий ҳодиса ҳисобланади. Диний эътиқод кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлган ижтимоий онгнинг ниҳоят даражада муҳим шаклларида биридир.

Диннинг мазмун-моҳияти турлича даражаларда изоҳланса-да, умумий нуқтаи назар бўлса шундан иборатки, у ишонмоқлик туйғусидир. Бу ўзига хос туйғу бўлса инсоннинг беҳад даражада теран ва гўзал руҳий-маънавий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади.

Дин, энг аввало, насиҳатдир. «Насиҳат» деган сўз луғатларда «холис», «содик», «покиза» каби қатор маъноларни билдиради. Элнинг урфида бўлса, бир яхши инсоннинг бошқа кишига холис ният, содиклик билан яхши, тўғри йўл-йўриқларни айтиб, ўшанга даъват этишидир. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан «Дин насиҳатдир» дейилгани эса, диннинг энг асосий мадори айнан панд-насиҳатдан иборатдир, дейилганидир.

Тимоти Уинтер (Абдулҳаким Мурод)нинг «XXI асрда ислом (Постмодернизм дунёда қиблани топиш)» («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Тошкент, 2005, 368 бет) номли китобида ёзилишича «динимиз изчил амал қилинганда, жаннатга йўлланма берадиган қондалар қўлланмаси эмас. Аксинча, у инсон қалбини тозалашни мақсад қилиб олган ижтимоий, интеллектуал ва маънавий технологияларнинг мажмуидир» (278- бет).

Дин кишиларни ёвузлик муҳолифи ҳамда эзгулик тарафдори бўлишга доим чорлайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъбири билан айтганда, «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлларга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслагиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради».

Бу ёруғ жаҳонда ўзининг дини, ишончи, эътиқоди бўлмаган халқнинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Чунки, бирорта ҳам халқ динсиз, эътиқод ва бирон-бир нарсага ишончсиз мутлақо яшай олмайди.

Инсониятнинг узоқ тарихида динлар турли-туман шаклларда намоён бўлган. Диннинг дастлабки кўринишлари эса фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, шомонийлик ва бошқалар бўлган эди. Худди шунингдек, аввало, уруғ-қабилалар динлари, сўнгра миллий динлар (иудаизм, ҳиндуизм, синтоизм, зардуштийлик, даосизм, конфуцийчилик), ундан кейин жаҳон динлари (буддизм, христианлик ва ислом) вужудга келган. Дин аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра дастлабки давлатлар шаклланиб бўлгач эса яккахудолик (яъни, монотеистик) кўринишида бўлган. Ҳар бир дин ўз таркибига диний дунёқараш, диний маросимларни, диний туйғу ва сиғиниш (эътиқод қилиш) объектларини қамраб олади.

Ҳар қандай дин ҳар қандай жамиятда маълум бир ижтимоий-маънавий ва руҳий вазифаларни адо этади ёки шунга уринади.

Хусусан, диннинг жамиятда бажарадиган биринчи вазифаси – компенсаторликдир. Яъни, ҳар бир дин ўзининг қавмлари учун тўлдирувчи, ўзига хос овутувчилик вазифаларини бажаради.

Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олиб кўрайлик. Одамлар ўзининг ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида орзу-ният ҳамда мақсадларига етишиши иложсиз бўлиб қолган чоғида унга кўмак берворувчи, ёрдамлашувчи қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурат сезганлар. Бу эҳтиёж – диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда одамларнинг маънавий-руҳий эҳтиёжини қондирувчи ва тасалли берувчилик вазифасини уддалаган ва ҳозирда ҳам бажармоқда.

Иккинчидан, ҳар бир дин, энг аввало, ўзига эътиқод қилувчи кишиларни ўз таълимотига қатъий амал қилишга бетиним тарзда ундаб туради. Одамларни ўз таълимотининг доирасида сақлашга ҳам, турган гапки, тинимсиз ҳаракат қилади. Бу ҳодиса диннинг одамларни бирлаштирувчилик вазифаси сифатида баҳоланади.

Ҳар қайси дин ҳамиша муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётни ўз таъсири доирасида тутиб туришга ҳаракат қилади. Бу таъсирнинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида халқларнинг

ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, худди шунингдек, ҳатто, адабиёти ва санъатига ҳам ўзига хос таъсирини ўтказади.

Диннинг ўз қавмлари турмушини тартиб-қоидаларга солиши ва назорат қилиши, унинг учинчи муҳим вазифаси ҳисобланади.

Барча динлар ўз маросимлари ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий равишда амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўядилар.

Тўртинчидан, ҳар бир дин алоқа боғлашлик вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, жамият ҳамда шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади. Бунда у ёки бу динга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динидаги бошқа кишилар – диндошлари билан ўзаро боғлиқлик, алоқада бўлиши, урф-одатлар, турли-туман маросим ҳамда байрамларни, ибодатларни жамоа бўлиб бажаришлари назарда тутилган.

Бешинчидан, диннинг фалсафий вазифаси ҳам мавжуд. Бу вазифа – инсонга яшашдан асосий мақсад, ҳаёт мазмуни, бу ва у дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туришни ўз ичига олади. Бундан ташқари бўлса, жамият, гуруҳ ва шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ-одоб меъёрларини ҳам ўзига сингдириб олган. Уларни жонлантирган ва ҳамма кишилар учун мажбурий тарздаги хулқ-атвор қоида­сига айлан­тирган. Маданият ривожига жудаям катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолишга ва уларни аجدодлардан авлодларга етказиб бериш ишига ёрдам беради. У одамларнинг ўзаро ҳамкорликда яшашига қўмаклашган ва ҳамон қўмаклашиб келмоқда. У минг йиллардан буён одамларда ишонч ҳиссини, эртанги кунга умид ҳиссини мустаҳкамлаб келмоқда.

Истиқлол йилларида инсон маънавия­тининг ниҳоятда муҳим бир бўлаги бўлмиш эътиқод ва виждон эркинлигига муносабат тобора ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Биринчи Президент Ислам Каримов мустақил Ўзбекистоннинг сиёсатини белгилашда динга муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтириб, «дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди», деган ғояни илгари сурган эди. Республика Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 14

июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинганди. Кўп конфессияли мамлакатимизда истиқомат қилаётган ўзга миллат ва элатлар диний эътиқодларига ҳам кенг йўл очиб берилган ва ҳуқуқий жихатдан ҳимояланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31- моддасига биноан, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Виждон (арабча – эҳтирос, туйғу, инсоф, диёнат) эркинлиги ҳуқуқи инсонларнинг маънавий эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ, инсон айнан инсон бўлганлиги сабабиданам таъминланиши жуда зарур ҳуқуқдир. Виждон эркинлиги дейилган чоғда, муайян бир динга чиндан эътиқод қилиш, бошқа динга ўтиш, унинг ҳар хил кўрсатмаларига риоя этишдаги ихтиёрийлик ёки умуман ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳам назарда тутилишини тушунадиган бўлсак, сўз эркинлиги ва виждон эркинлиги ўртасида ҳеч қандай зиддият мавжуд эмаслигиниям кўрамиз. Аксинча, сўз эркинлиги виждон эркинлигини таъминлашда жудаям муҳим воситадирки, у барча кишиларга диний туйғуси ҳамда фикрларини ўртоқлашиш имкониятини яратиб беради. Диний йўналишлардаги турли хил матбуот нашрлари, китоблар, адабиётларнинг чоп этилиши бўлса фақат виждон эркинлигинигина эмас, ва шу билан бирга, айнан худди ўша сўз эркинлигининг ҳам чинакам маҳсули ҳисобланади.

Виждон эркинлиги ҳуқуқи шахснинг ўз диний эътиқодига эга бўлиши ва унга эркин амал қилишини таъминлайди, фикрни ўзгаларга етказиш бўлса сўз эркинлигига дахлдор. Шундай экан, диний гуруҳлар нафақат виждон эркинлиги, балки сўз эркинлиги учун ҳам курашмоғи даркор. Бироқ амалиётда, афсуски, мутлақо бундай эмас-да. Ҳозирда бутун дунёдаги сўз эркинлигини чеклаш учун курашда турли хил диний ташкилот, гуруҳлар ва уларнинг раҳнамолари етакчилик қилмоқда. Баъзи экстремистик гуруҳлар, бир томондан, Ғарб оламидаги сўз эркинлигидан фойдаланиб, ўз таълимотини ёйишга, ўз тарафдорларини кўпайтиришга уринса, бошқа тарафдан эса, айни шу гуруҳлар, ўзларини қаттиқ танкид қилган, масхаралаганларни кўркитади ва таъкиб этади, ўлдиради

ё ўзи фойдаланиб келган сўз эркинлигини чеклаш учун курашади. Бу бўлса, кудукдаги сувни ичиб, чанқоғи қонгач, душманларим ичмасин дея уни кўмиб ташлаш ёхуд кудук казиганларга раҳмат айтиш ўрнига лаънат ўқишдак бир гап ҳисобланади. Ёки бирорта дин вакили бошқа динни беаёв танқид қилгани ва масҳаралагани ҳолда, дўшиси анча тор келиб қолган чоғида эса бунга имконият яратиб берган қонунларни адолатсиз деб дунёга жар солади...

Мутафаккир Лев Толстойнинг ҳақли фикрига кўра, «ҳар бир одамда виждон мавжуд ва уни худди компасга қиёслаш мумкин. Сайёҳ агар тўғри йўлдан кетаётган бўлса, компаснинг миллариям қилт этмайди. Бироқ, у тўғри йўлидан оғса, миллар тебранишга тушади. Худди шу сингари, одам ҳам гуноҳ ишга қўлини урган пайтида, айнан ўша виждон тилга киради. Бундай вақтда киши оғир руҳий азоб-уқубатга учраб, кўнгил ҳаловатини ҳам йўқотиб қўядики, шунинг ўзиям гуноҳкорга кифоя қилади. Демак, бундай (бечора) кишига жазо бериш эмас, аслида ҳамдардлик жоиздир. Илло, гуриллаб ёнаётган ўтни сув билангина ўчирилгани сингари, мавжуд ёвузликни ҳам эзгулик билангина даф этиш мумкин».

Кишини ўзининг виждони билан ёлғиз қолдириш жазоданам кучлироқ, қудратлироқ ўзига хос «жазо» ҳисобланади. Бироқ, ҳар ким ҳам уни ўзича сўроқлайвермайди. Қачонки, ўзининг виждони билан бошни бошга қўйволиб, ёстикқа ёнбошлаб, гаплаша, янада ҳам аниқроғи, чин дилидан ҳасратлаша бошлаган одамни у энди одатдагидек кунини кечирмай, яшай бошлабди, десагам бемалол арзийди. Бу худди бош, янада ҳам аниқроқ ифодалагудек бўлсак, калла тош-метиндек бир деворга қарсиллаб теккан пайтида, ялт этиб, қўққисдан, тўсатдан мошдек очилиб кетган кўзга ўхшайди.

Виждоннинг шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳит, оила ва жамиятдаги таълим-тарбия ва атрофдаги кишилар маданияти, ахлоқ-одоби ва дунёқараши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу беҳад юксак маънавий-ахлоқий фазилат шахсни эзгу мақсад ва амалларга ундаб, ўз фаолиятига холисона ва тўғри баҳо беришига хизмат қилади. Тажрибада ўзи аслида виждонсиз кимсаларнинг вояга етиб, ўқимишли катта олим бўлиб етишганидан кейин ҳам виждонли бўлиб қолганлигини учратиш ниҳоятда қийин. Виждон инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи ва ижтимоий мавқеи

билан белгиланмайди ҳамда у юксак маънавийлик, комиллик ва тарбиянинг асл маҳсулидир. Агарда уят ҳисси инсоннинг ташки муҳитга ҳамда жамиятга боғлиқлигини ифодаласа, виждон унинг ботиний оламини, қалб тугёни ва ички рухий изтиробини ифода этади. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълум, баъзи ҳолларда жамият талаблари билан виждоннинг ўртасида айрим бир ихтилофлар ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эса жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода, эскириб қолганлиги яққол намоён бўлади. Зеро, виждон кўзга кўринмас, бироқ, таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан маънавий-ахлоқий ҳодисадир. Баъзи ҳолларда, виждон тушунчасининг ўрнида имон ибораси ҳам қўлланади. Имон аслида диний тушунча бўлса-да, бу реал ҳаётда виждон атамасининг синоними сифатида қўлланади. Мисол учун, «имонли инсон» дейилганида, унинг нафақат диний эътиқоди ва шу билан бирга, виждонли, ҳалол ва ростгўй инсон эканлигиниям назарда тутилади. Шу маънода, виждон ва имонни бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган эгизак тушунчалардир дейишимиз ҳам мумкин. Диний эътиқодга муносабат «виждон эркинлиги» деб юритилишиям ушбу иккала бебаҳо тушунчанинг аслида ўзаро муштарақ эканлигидан яққол далолат беради.

Диний эркинликни авом тўғри тушунмаслиги мумкин. Икки калима илми ўргандим, дея ақидапарастларга ва террористларга қўшилганларни, ўз Ватанига ва жигаргўшаларига қурол ўқталиб, қон тўкишгача борганларни ҳам кўрдик. Улар ўзи кимлар? Шу, оддий, бизнинг орамизда юрган одамлар эди. Бошқалар етакласа, йўқ, ундок эмас, бундок, деб фикр билдира олмайдиган иродасиз бир кимсалар. Демак, ёппасига эркинлик элнинг зарарига ишлай бошлаши мумкин экан. Бу – виждон эркинлигини тушунмаслик оқибати. Жудаям авом ўзбек ҳам икки кафтини очиб, Аллоҳдан икки дунё саодатини сўрайверади. Чунки, у ўзининг бор идроки, вужуди билан Яратганнинг каломида таъкидланган ваъдасига ҳам батамом ишонади. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам иқбол борлигига имон келтиради. Ёмонлар, ёвузлар, зўравонлар учун дўзах азоби борлигига ҳам қалбан ҳис этиб инонади. Ахир, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам адолатсизлик бўлса... уни шуурда англаб бўлмайди.

«Маънавий ҳаёт» журнали «Олдимиздаги саволлар» рукнида босилган (2018 йил, 3- сон, 24 – 33- бетлар) Шодмонкул САЛОМ томонидан битилган «ХАЛҚНИ ЭҲТИЁТЛАШ» сарлавҳали жуда таъсирчан мақолада мана бундай ибратли мисол келтирилган эди:

«Ўтган XX аср етмишинчи йиллари ўртасида Кетмончопти тоғларида жудаям қизиқ воқеа бўлиб ўтган. Бир шамоли қайтган – омадсиз чўпоннинг сурувидаги серка – йўлбошчи банги бўлиб қолган. Тоғ бағридаги табиий ҳолдами ёхуд яширинча экилганми кўкнорига серка хумор бўлиб қолади. Бу гиёҳ ўсиб ётган жой эса овлоқ даранинг ниҳоят даражада қалтис жойи бўлиб, унга унча-мунча жонивор етиб бора олмайди. Аммо, чаққонликда кийикдан кам бўлмаган серка эса у ерга етиб боришни эплай олади. Чўпон сурувни ўша томонга ҳайдаса бас, серка юксак, юриш ўта хавфли чағатга талпинаверади. Оқибатда эса чўпон серкасининг ҳаракати натижасида беш-олтита кўйдан айрилиб қолади. Кўй деганлари оғиркарвон, ўзини эплаши қийин бўлган жонивор, серка сингари чапдаст эмас. Шунинг учун улар ноқулай, ниҳоятда тор сўқмоқда мувозанатини сақлолмай пастга қулаб кетган. Чўпон то серканинг аҳволини билиб, ўша бадбахт ўсимликни ёқиб юбормагунича бу ҳол давом этаверган. Қатдан учган кўйларини ҳалоллаб, эшакка ортиб қишлоққа қайтган чўпон серкани ҳам ўзи билан етаклаб келади. Ва беихтиёр чўпонларга хос хулосасини айтади: «Келган бало ана шуларга урган бўлсин, ёмон серканинг тенги – пичок!»

Бу ҳодисани ўзи нима учун эслаяпмиз. Агар ўша чўпон оқил ва одил бўлмаганида бутун бошли сурувдан ҳам ажраб қолар эди.

Шукур Холмирзаевнинг «Табассум» ҳикоясида бир умр юрт озодлиги, эътиқод софлиги учун курашган Қуюн кўрбоши образи бор. Кўрбошини қизиллар тутиб келтирганида, ундан «Нима учун курашдинг?» деб икки марта сўрайди. Кўрбоши «Озодлик учун!», «Дин учун!» деган жавобларни беради. Кўрбошига қандай жазо деган саволга бўлса юртнинг шу ерда қатнашаётган «қуламо»лари «Ўлим!» деган беҳад мудҳиш жавобни беради. Уламо ниқобидаги бундай кимсалар сизга худди ўша банги серкани эслатмаяптими? Бу ердаги кўрбоши – бир инсоннинг ўлими жуда катта йўқотиш эмас, халқнинг қалбидаги маънавий ўлим чинакам аянчлидир».

Шарқ эли, хусусан, мусулмон халки диний ақидага ишонади. Калимаи муфассалда дарж этилган яхши ишлар учун мислидан кўп ажр-мукофотлар, ёмон амаллар учун мислидан кўп азоблар борлиги уқтирилган. Узро кабиласига мансуб Хурофа исмли бир арабни жинлар ўғирлаб кетган экан. Маълум вақт ўтгандан кейин у қайтиб келибди, лекин на сўзида туз, на ишида маъни бор, эси ҳам кирди-чиқди бўлиб қолган эмиш. Биз ҳозирги даврда қўллаб келаётган **хурофот** атамасининг аввали ҳам ўша одамнинг телба-тентаклигига боғлиқ бўлиб, бу сўз оқибатда ақлсизлик ифодасига айланиб қолган, дейдилар. Чинакам мусулмон инсон турли-туман бидъат ва хурофотга эмас, илоҳий қудрат, ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ишонади, мададни Ўзидан, улуғлар пок руҳи ва дуодан тилайди.

Исломнинг энг биринчи фарзи – имон. Имон эса даставвал Аллоҳга, унинг якка-ягоналигига, фаришталари, пайғамбарлари, китоби, охиратга, ўлгандан сўнг (Қиёмат куни) қайта тирилишга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ёлғиз Ундан эканлигига ва тақдирга ишонишдир. Аввал ишонч. Сўнгра эса шу ишончнинг амаллари бажарилаверади. Исломда Шариат – Расулуллоҳнинг айтганлари, Тариқат – Расули акрамнинг сийрати, қилган ишлари, Ҳақиқат – Расулуллоҳ кўрганини кўришдан иборатдир. Шу асосда куйидаги таъриф ҳам машҳур: «Шариат – омманинг дини, иймони, Тариқат – хосларнинг йўли. Ҳақиқат – авлиёларнинг иймони». Демакки, шариат, тариқат ва ҳақиқат ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Бинобарин, шариат – равшан билинган нарсалардир, нишон, хурматдир. Тариқат – қидирилган нарсалар, баёндр ва хизматдир. Ҳақиқат кўриш учун курашиш, аёндр, хикматдир. Тариқат шариатни ҳам ўз ичига олади, аммо у шариатдан анчагина ўзиб кетади. Аҳмад Яссавий ҳам шариат ва тариқатнинг ўзаро боғлиқлигини мана шундай таъкидлаган эди:

*Шариатдан мурод – йўлга кирмоқ,
Тариқатдан мурод – нафсдан кечмоқ,
Ҳақиқатдан мурод – жондан кечмоқ,
Жондан кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.*

Кўп миллатни мамлакатда динга муносабатнинг ўзига хос томонлари мавжуд. У аҳолининг турли табақалари дунёқарашини

ягона умумий мақсад йўлида сафарбар этиш, диний маҳдудлик ва куруқ ақидапарастликни авж олдирмаслик, аммо айни бир пайтда уни асло камситмаслик билан боғлиқ ягона замин, ягона макон тақдирига жавобгарлик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ ғоятда нозик бир сийёсатдир. Жумладан, миллатлараро муносабатларни барқарор сақлашда дин омили жуда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православ, баптист, адвентист, католиклар, лютеранлар, Иегова худоси шоҳидлари, янги хаворийлар, христиан-пресвитерианлар сингари йигирмага яқин динлар ва мазҳаблар Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафқураси, тартиб-қоидалари, диндорларнинг ҳаёт тарзи ҳамда дунёқараши, талаб-эҳтиёжларига дахлдор бўлган ақидалари мавжуд... Бугунги кунда мамлакатимизда 16та диний конфессияга тегишли 2252та диний ташкилотлар, шу жумладан, 2065та масжид, 11та мадраса, Тошкент Ислом университети ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Имом Бухорий халқаро маркази ўз фаолиятини юритмоқда («Хуқуқ оламида» газетаси, 2017 йил, 14 февраль).

АҚШ Давлат котиби Майк Помпео Вашингтон шаҳрида дин эркинлиги масаласига бағишлаб ўтказилган ниҳоятда нуфузли 80 мамлакатдан келган 600дан ортиқроқ ташқи ишлари вазирлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда дин арбоблари қатнашган халқаро конференцияда эътиқод эркинлиги янада тараққий этган мамлакатларда ривожланиш бўлишини алоҳида таъкидлаб, бунга эса айнан Ўзбекистон Республикасини мисол қилиб кўрсатгани: «Эътиқод эркинлиги илгарига қараганда анчагина кенгайгани бу мамлакат ва жамият, худди шунингдек, бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатишига яшаш ишончимиз комил. Ўзбекистон томонидан янада эркинроқ жамият барпо этиш борасида кўрилаётган барча чоралар ва тадбирларни самимий равишда қутлаймиз», деган эди («Ўзбекистон овози» газетаси, 2018 йилнинг 7 августи).

«Оламни маҳлиё айлаган диёр!» ва «Серкуёш хур ўлка»миз, «Ҳақсевар она юрт» – Ўзбекистон Республикасида давлатнинг динга бўлган муносабатида толерантлик, динлараро бағрикенглик тамойили ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Лотинча «tolerare», яъни «чидамоқ», «сабр қилмоқ» маъносини англатган ушбу сўз, асосан

бирор нарсани, ўзгача фикр ёхуд қарашларни, ўзининг шахсий қарафшларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хилдаги ёхуд бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, «чидамлилиқ», «бардошлиқ», «хамдardлик», «ўзгача қарашларга ва ҳаракатларга ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлиш», «тоқатлилиқ», «ўзга инсонга нисбатан кечиримлилиқ», «мурувватлилиқ», «меҳрибонлик» «ҳимматлилиқ» каби маъно ва мазмунга эга. Буларнинг бари эса ўзбекда мавжудлиги қозокнинг буюк шоири Собит Муқоновнинг ўзбекнинг улуғ адиби Ғафур Ғулом билан ўлан айтишув чоғида мана шундай ифодаланган эди («Жаҳон адабиёти» журнали, 2018 йил, 5- сон, 98- бет):

*Айтайин тўқсон бовли тўр ўзбекни,
Замонинда бойиган зўр ўзбекни!
Пайғамбарнинг дуоси теккан дейди,
Шунинг учун мол битган мўл ўзбекни!
Ўзбексиз эл бормикан тамом элда?
Ўзбекнинг униб-ўсган ери – гул-да!
Ўзбекдан ўтадиган эл бормикан
Дўстлик, меҳр, садоқат, ширин тилда!..*

Башарият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлмиш бағрикенглик борасида эса 1995 йил 16 октябрида БМТ тизимида Фан, таълим ҳамда маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 28- сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинганди. Бу Декларацияда бўлса ирқи, жинси, келиб чиқиши, тилидан, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқларига, эркинликларига ҳурмат билан қараш сингари мажбуриятлар белгилаб кўйилган.

Диний бағрикенглик турли динлар вакиллари эътиқодидаги мавжуд турли ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англади. Ҳар ким ўзининг эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эга эканини эътироф этмоғи даркор. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»да ҳам таъкидланганидек, «Бағрикенглик бўлмаса

тинчлик бўлмайди, тинчликсиз тараққиёт ҳам, демократия ҳам бўлмайди». Шуниси эътиборга молиқки, жаҳон динлари орасида, фақат Исломда эътиқод эркинлиги очик-ойдин эълон қилинганди. Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 256- оятида «Динда зўрлаш йўқ», дейилган. Шунинг учун бошқа дин вакиллари ни мажбуран ислом динига киритиш Қуръони каримнинг оятларига бутунлай зид. Ва қолаверса, муқаддас ислом динига мажбурлаб киритилган инсон имони Аллоҳнинг наздида заррача ҳам қадрли бўлмайди...

Барчамиз шуни охиригача англаб етмоғимиз даркорки, дин инсоният қадриятлари ҳамда ҳар қандай миллий қадриятларнинг фақат ва фақат бир қисми, бир бўлагидир. Уни қадриятларнинг бари ёки жуда бўлмаганда унинг асосидир деб изоҳлаш ҳар доим эътиқодларда турли-туман чалкашликларни келтириб чиқаради. Чалкашликлар, сиёсат, маданият, маънавиятдаги бўшлиқлар эса уни ўз сиёсий мақсадига мослаб тўлдиришга уринувчи бузғунчи ғояларга ҳар доим қўл келади. Вайронкор ғояларга асосланган гуруҳлар бўшлиқларни тўхтовсиз ва изчил тарзда қидирадилар ва улардан ўз билганларича ўта устамонлик билан фойдаланадилар. Натижада эса «бир-бирини тушунмаслик касали» тузалиш ўрнига газак олаверади-да. Бу ҳолат Она сайёранинг қайси бурчагида юз бермасин, уни бизларнинг Ота Маконимиз – Ўзбекистонга дахли бор, деб ҳисобламоғимиз зарур, чунки юртимиз жаҳон аталмиш улкан организмнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бизда юз берадиган ҳар қандайин хасталик жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмай қўймайди. Бугун ғоялар ўртасида инсон онги ҳамда қалбини эгаллаш мақсадида кескин кураш давом этмоқда. Борди-ю, бузғунчилик ҳамда ёвузлик ғояси устун келгудек бўлса, бизнинг инсонпарварликка ва ватанпарварликка асосланган барча ғояларимизам гўё қумдан қурилган қаср сингари тўкилиб кетади.

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти» китобида (Т.: «Ўзбекистон» – «Ёзувчи», 1999, 432 бет) ёзишича, «Оломон, тўданинг устидан тартиб-интизом ва қаттиққўлик ўрнатилмас экан, улар турфа хил томонларга оғиб кетишлари, ўз одатларига биноан ёмонлик йўллари ни тутишлари шубҳасиздир. Айнан шунинг учун Аллоҳ Қуръони каримда, «Эй, мўъминлар, аниқки сизлар мунофиқларнинг дилларида Аллоҳдан

хам кўра кўркинчлироқдирсизлар. Бунга сабаб, улар Аллоҳнинг қудратини англамайдиган қавм эканликларидир», деганида ҳақ. Бу айтилган гапларга Умар ибн ал-Ҳаттобнинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) сўзларини ҳам кўшишимиз мумкин. «Аллоҳ ўзининг куч-қудратини Қуръондан ҳам кўра ҳукмдор, давлат орқали кўпроқ намоён қилади», дейди у» (393- бет).

1998 йилда қайта қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ўз вақтида амалга оширилган жуда муҳим тадбирлардан биридир. Аввалги Қонун қабул қилингандан буён Курраи заминда кўп кутбли дунё пайдо бўлди. Жаҳондаги куч марказлари ҳам бошқа юртларни ўз таъсир доирасига олиш истагида бўшлиқ қидиришга киришдилар. Мамлакатимиз маънавий, тарихий, маърифий, диний ҳаётида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари маънавият соҳасида ҳам Қонун устуворлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш эҳтиёжи туғилди. Хусусан, Эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам замонамизнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир даражада, такомилга етказилди.

Қонун номланишдан келиб чиққан ҳолда иккита йўналишни, яъни, **БИРИНЧИДАН**, инсоннинг диний, виждоний эътиқодини эркин ҳамда ихтиёрий танлай билиш ҳуқуқини, истаса ҳеч қандай динга эътиқод этмасликка мутлақо ҳақли эканлигини, диндор ёки эътиқоди бўлмаса-да, барча инсонлар қаторида тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилишини, **ИККИНЧИДАН**, мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган диний ташкилотларнинг барча муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиб туришни мақсад қилиб қўяди (1- модда).

Мазкур Қонун баъзи бир кишилар ўйлагани сингари шўро замонида қайтиш ёхуд динга қарши янги ҳужум эмас, у туфайли республикамизда яшаётган 130дан зиёд миллатлар ва элатларга ўзининг диний эътиқодлари, расм-русумлари ва урф-одатларини эркин равишда, бемалол бажариш ҳуқуқи таъминлаб берилади.

3- модда хусусида шуниям алоҳида таъкидлашимиз жоизки, виждон эркинлиги деганимиз – ҳар қандай жамиятнинг чинакам маданийлиги кўрсаткичларидан бири ҳисобланади ва кишиларни эътиқодига қараб «ўзининг одами» ва «бегона»га, «диндор» ёки «ғайридин»га ажратишни тамомила инкор этади. Бу модданинг

мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий стандартларга, шу жумладан, 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ҳамда эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир...», деб белгилаб қўйилган 18- моддасигаям мувофиқ келади. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 18- моддасида ҳам «Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки эркини мажбур қиладиган ҳолатга дучор этилмаслиги даркор», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга, ушбу моддада «Дин ёки эътиқодга сизгиниш эркига фақат(гина) қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлиги, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, ва шунингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун ўта зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин» эканлиги ҳам алоҳида кўрсатиб берилган.

Айнан мана шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 145- моддаси ушбу Қонуннинг янги таҳрири билан тўла-тўқис мослаштирилган:

«Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш энг кам иш ҳақининг элдик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишлари ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ солиш билан ёхуд шахснинг шахсини ва обрўсини камситувчи чоратадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки динга эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек, диний маросимларни ташкил этиш шахс

• баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Инсонга берилган эътиқод эркинлигини, аслида имтиёз деб ўйлагани ҳолда, ўзгаларнинг ҳуқуқларига дахл этиш қандай оғир оқибатларга олиб келишини ўзингиз ҳам тасаввур қиляпсизми?

Маълумки дин, шу жумладан ислом, инсонларни яхшиликка, имон бутунлигига, тўғри таълим-тарбия топиб эзгуликка хизмат қилишига етаклашни мақсад қилади. У ҳар қандай зўравонликни қоралайди. Кўр-кўрона, билиб-билмасдан ва мазмун-моҳиятини англаб-англамай, «динга мутаассибларча муккасидан тушиш»ни ҳам маъқулламайди. Ҳадиси шарифдан: «Дин ишларида ҳаддан ошишлиқдан сақланинглар! Сиздан аввалги умматлар ўлимига дин ишларида ҳаддан ошганликлари сабаб бўлди». Динга эътиқод бўлса, турган гапки, чин дилдан, вужуддан ва қалбдан бўлмоғи даркор. Кўрқув, алдов, зўрлаш, тазйиқ, бирор нарсаларга эришиш таъсирида сиғиниш сохта бир эътиқоддан бошқа бирор нарса ҳам эмас. Бу билан фақатгина «бандасини алдаш» мумкин, холос.

Келинг, шу ўринда мавриди келиб қолгани боис Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қаламига мансуб ҳазил аралаш «Танги ва ямоқчи» сарлавҳали шеърни жиддийроқ бир ўйлаган ҳолда, тафаккур қилишингиз учун эътиборингизга ҳавола этсак:

Ямоқчи тангрига деркан тинмайин:

– Эй худо!

Менга ҳам қайрилиб боқ!

Чоринг сўжилса, тикиб берайин,

Кавушинг тешилса,

Солайин ямоқ.

Тангри дебди бир кун:

– Ол боқий умр,

Фаришта бўлурсан!

– Эй, қўй, керакмас!

*Умр берма менга, бер озроқ кўмир,
Устига бир четан
Янтоқ бўлса, бас.*

Тангри дебди:

*– Тун-кун саждалар қилиб
Шунгамиди чеккан нолаю оҳинг?
Нима қилар эдинг менга сизиниб,
Асли
Аравакаш экан
Илоҳинг.* (1976 йил)

Агар ўзингиз ҳам эътибор берган бўлсангиз кейинги пайтда ахборт ва коммуникация технологияларининг тараққиётидан ёвуз мақсадда фойдаланадиган манфур кимсалар ҳам учрамоқда. Дин мавзусида ёзилаётган SMSлар инсонни жиддий ўйга тўлдиради. Уларнинг айрим бирларида муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, мўминларнинг эътиқодига салбий таъсир кўрсатувчи фикрларни ҳам ўқиш мумкин. Араб тилида ёзилган икки-уч қаторли матнни телефонга юбориб, турли хил тарғиб-ташвиқ ишларига ундайди. Шу жумладан, бир SMSда таъкидланишича, унда ёзилган матнни одамларга таркатмаган кишини омад тарк этиб, у катта гуноҳкор бўлармиш. Гўё, бу SMSни Мадинаи мунавварада Пайғамбаримиз (с.а.в.) равзаи мутаххаролари – қоровули шайх Аҳмад жўнатган. Агар кимдир мазкур SMSни ўнта кишига юборса, Аллоҳ ризқини кўпайтирармиш. Мумбай шаҳрида яшайдиган Камол исмли киши ўша SMSни ўн кишига юборганида Яратган унга 25 минг доллар мукофот берган эмиш. Кимлардир мана шу SMSга ўз эътиборини қаратмаса, унинг фарзанди ўлиб қолармиш, ўзи мусибатга дучор бўлар эмиш («Маънавий ҳаёт» журнали, 2015, 4- сон, 80- бет).

Ол-а! Одамзод вакили ҳам шу даражада тубанликка бориши мумкинми? Бунақа ғирт бемаъни хатти-ҳаракатлар динни хатарга қўймайдими? Одамда инсоф ва диёнатнинг йўқолиши унинг асл фалокатидир. Тўғри йўлдан оғиб кетган кимса ўзлиги – миллати, тарихи ҳамда динини эсидан чиқариб чинакам манкуртга айланиб қолади. Миллат, тарих, динсиз эса келажак йўқ. Наҳотки, SMSни

ёзаётган кимсани бу фикрлар жиндай бўлса-да, ўйлангирмаган? Ўз фарзандларининг эртанги ҳаёти эса юрагига гулгула солмаган бўлса? Манкурт – ўтмиши йўқотилган бир одам. Афсонага кўра, жуанжуанлар асир тушганларнинг сочини қириб ташлаб, бошига туянинг терисини тескари қилиб қоплаган, кейин маълум муддат жазирамада сақлаб турганлар, оловни пуркаб турган куёш остида тери қалпоқ шафқатсиз равишда аста торайиб, қулнинг қирилган калласини темир чамбарак қаттиқ сингари қисади. Орадан бирор кун ўтиши билан жабрдийдаларнинг тақир бошида соч ниш ура бошлайди. Сочлар баъзида хом терини тешиб чиқади, жуда кўп ҳолларда эса, чиқишга йўл топа олмасдан яна қайтадан қайрилиб, бош терисига қараб ўсади ва аввалгидан ҳам баттар азоб беради. Оқибатда асир ё ўлади ё худ хотирасидан буткул маҳрум этилиб, ўз хўжайинининг ниҳоятда содиқ итидек қулига, ҳозирги замон атамашунослиги бўйича бўлса зомбига, роботга айланиб қолади. Манкурт учун худо – унинг хўжайинидир! У ўзининг асл исмини ҳам, наслини ҳам, кимлигини ҳам билмайди: худди ит сингари соҳибининг ҳар битта имо-ишорасини, буйругини кутиб туради ва имо бўлиши биланоқ уни сўзсиз бажаришга киришиб кетади...

Уламоларнинг фикрича, ислом динида дўқ-пўписалар билан «Мана шу сўзларни бировга етказмасанг, ундай бўласан, бундай бўласан», деган гап-сўзлар йўқ. Бунақа ишларнинг орқасида SMS орқали пул топадиган, динга нисбатан қинғир ниятли кимсалар мавжуд. Улар динни ўзларига ниқоб қилиб олиб, аввалига оддий, ҳамма учун маъқул шеър ва ҳикматларни тарқатади. Ундан кейин эса асосий мақсад сари кўчиб палид иш кўра бошлайди. SMS араб тилида ёзилган бўлса, Куръони каримдан ё худ ҳадиси шарифдан олинган жумла, деганиям эмас-да. Араб тилида ҳам беҳад ёмон, фақш сўзларни бемалол ёзиш ва фикр-мулоҳазаларни ифодалаш мумкин эканлигидан ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши бохабарсиз.

Бизнинг жамиятда Ислom кўкракка уриб даъво қилинмайди! Бизда мусулмонлик бегуноҳ инсонларни кириш орқали «исбот» қилинмайди ва динимизга нисбатан асло нафрат уйғотилмайди.

Гоҳида айрим чаласавод кимсаларнинг «фалончи масжидга қатнамайди, имонсиз-да» ёки «пистончи намоз ўқимайди, кофир» қабилидаги гап-сўзларига ўзингиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

Бугун Ўзбек тилида фаолият юритувчи мингдан зиёд диний телеграм каналлари мавжуд. Ана шулардан 38 фоизи бизларнинг мазҳабимиз ва диний қарашларимизга мос, қисқа қилиб айтганда радикал бўлмаган каналлар, 44 фоизи радикал ва экстремистик каналлар, 18 фоизи коммерциялашган, яъни диний маълумотлар тақдим этиш эвазига катта аудитория йиғиб, шу орқали реклама фаолияти билан шуғулланувчи каналлардир. Яъни, Ўзбекчасига айтилганда, диндан фойдаланиб пул топувчи каналлар. Кўпчилик мутахассислар ушбу каналларни на фойдали, ва на зарарли, деб ҳисобласалар-да, уларнинг зарари кўпроқ тегиши ҳам мумкин.

Биз ҳозир ижтимоий тармоқнинг кўриниши бўлган телеграм ҳақида гапиряпмиз. Халқаро таҳлил институтлари маълумотига кўра, Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган ИШИД экстремистик ташкилоти сафига ёлланган кимсаларнинг 81 фоизи онлайн, яъни айнан Интернет орқали байъат келтиргани ижтимоий тармоқлар кучини жиддийроқ қабул қилиш кераклигини кўрсатади. Мана бизнинг ҳозирги реал ҳолатимиз: 38 фоизга қарши 62 фоиз. Яъни, радикал гуруҳлар Телеграм каналлари сони жиҳатидан бизлардан шундоқ ҳам устунликка эгалар. Энди тасаввур қилиб кўринг: бир кунларда ана шу 38 фоиз ҳам блокраниб қолса, нималар бўлади? («ЖАМИЯТ» газетаси (2019 йил, 1 февраль, 4 (640)- сон, 5- бет).

Шайх Абдулазиз Мансур «ЖАМИЯТ» газетасида (2019 йил, 18 январь, 2 (638)- сон, 3- бет) босилган «Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди» сарлавҳали мақоласида шундай ёзгандилар: «Исломо моҳиятан тинчлик динидир. Унда бировларга озор бериш, зулм кўрсатиш қатъий тарзда қораланади. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олганлар ўзларидан диний пешво ясаб олиб, турли фатволар, йўл-йўриқларни «амалиётга» киритадиган кимсалар билиши керакки, динимизда, Қуръони каримда ҳамма масала муфассал равишда ёритилган. Ана шундай экан, эътиқоди энди-эндигина шаклланиб келаётганларга, исломий амаллардан беҳабар кишиларга билиб-билмай ақл ўргатаётганлар аввал ўзини йиғиштириб олиши керак. Афсуски, баъзан соқол қўймаган ёхуд рўмол ўрамаганларнинг ибодати қабул бўлмайди қабилдаги гап-сўзларни эшитиб қоляпмиз. Айримлар аёллар ёппасига ҳижоб ўрашларини, эркаклар бўлса соқол қўйиб юришлари кераклигини

айтишади. Нега, деб сўрасангиз тайинли жавоби ҳам йўқ, аммо важоҳати оламни бузаман, дейди. Ваҳоланки, асл ибодат ва итоат қалбда бўлади. Ўзгалар учун намоз ўқилмайди ёхуд бировлардан мақтов эшитиш учун саждага борилмайди. Кимнинг қалбида ўзи нима мавжуд ва у қалб соҳиби қандай амаллар пайида бўлмоқда, унинг ибодати қабул бўлгани ёки бўлмаслиги фақат Аллоҳгагина маълум. Расулulloҳ соллалаҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Албатта Аллоҳ жисмларингиз ва суратларингизга қарамайди. Лекин У зот қалбларингиз ва амалларингизга қарайди».

Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз айтганларидек, «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни Аллоҳ дилда, қўл (даст) эса ҳалол ризқ топиш учун меҳнатда бўлади. Исломда илм уни билган олимнинг эмас, балки ўша олим яшаётган жамиятнинг мулки ҳисобланади. Олим бўлса, ўзида омонат сақлаб турган ишончли одам ҳисобланади. Жамият қачон муҳтож бўлиб қолса, олим ўша омонатдаги илмдан бериши даркор. Бўлмаса, мазкур олим ўзининг жамиятига хиёнат қилган бўлади. Бу дунёда кутилиб кетса ҳам, охиратда, албатта, жазосини олади. Айнан шу боисдан ҳам, ислом дини соҳасидаги буюк олим Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Дин насихатдир» («Шарк» НМАК, Тошкент, 2006, 144 бет) номли жуда муҳим аҳамиятга молик китобдан кўрилаётган масалага дахлдор айрим бир ибратли фикр ва мулоҳазаларни сиз азизларнинг ҳам диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

«Ҳар бир соҳада бўлганидек, диний соҳада ҳам қандай бир масала пайдо бўлса, уни биладиган уламолардан сўраб тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаб олиш зарур. Ундан кейин эса ўша асосда иш юритиш керак.

Диний илми бўлмаган ёхуд чаламулла одамларнинг ишга аралашини катта фалокатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам махсус илмларни пухта эгаллаган, катта уламоларнинг ижозатини олган етук шахсларгина Ислом ҳукмлари ва таълимотлари ҳақида кишиларга сўз айтиши даркор. Бошқалар бу ишга аралашмагани маъкул...

Киши билмаган нарсасини гапиришнинг ўзи залолат, адашув ва улкан гуноҳ. Шариатнинг ҳукмини билмасдан туриб, бошқа бир кишига нотўғри нарсани «шу шариат ҳукми» деб айтиш эса,

умуман тенги йўқ залолатдир...» Мавриди келиб қолгани сабабли яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. 2018 йилнинг Рамазон кунларида телеканалларимиздан бири Шайх Муҳаммад Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг 2014 йилда ёзиб олинган маърузаларини эфирга узатди. Унинг бир маърузаси ҳаётда содир бўладиган фожиалар – мудхиш воқеалар, ҳодисаларга муносабат масаласига бағишланди. Автоҳалокат содир бўлиши ва ёнгинлар чиқишидан мол-мулк ҳамда одамлар ёниб кетиши, жанжал чиқиб, бировни биров ўлдириб қўйиши, оилада эр-хотин, ота-ўғил, ака-ука, қўни-қўшни ва бошқа инсонлар ўртасида турли фожиалар юз бериши мумкин. Ана шундай ҳолатларда уларни тасвирга олиб ва суратга тушириб, интернет сайтлари, бошқа жойларда тарқатиш **катта гуноҳдир**, дедилар ҳазрат. Ҳатто тасвирга олинган бундай жудаям нохуш ҳолатларни томоша қилиш ҳам мумкин эмаслиги таъкидланди. Бу ҳам аслида ёвузликни тарғиб қилишга киради.

Ўзингиз ҳам уда яхши биласизки, ҳар қандай киши ҳам олим бўлиб кетавермайди. Олимликка ниҳоятда кўп куч, ақл-заковат ва вақт талаб қилинади. Одамлар нормал яшаши учун ҳисобчилик, шифокорлик, аскарлик, қурувчилик ва шу сингари минглаб касб-ҳунарларни эгаллаши ҳам талаб этилади. Ҳатто уларнинг барчаси етарли даражада ақл-заковатга эга деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам ҳаммаси ўз-ўзидан буюк уламоларга айланиб кетавермайди. Муқаддас Қуръони Каримда алоҳида таъкидлангани сингари, камроқ билимга эга бўлган диндорлар малакали мутахассисларга мурожаат қилишлари даркор: «(Эй, Муҳаммад!) Сиздан олдин ҳам фақат (Сиз каби) кишиларнигина (пайғамбар қилиб) юбориб, уларга ваҳий нозил этиб турганмиз. Агар (бу ҳақда) билмайдиган бўлсангиз, аҳли зикрлардан (яъни Таврот ва Инжилни биладиган инсонлардан) сўрангиз!» («Наҳл» сураси, 13- оят).

Олимларнинг фикрига биноан, «аҳли илмлар» уламолардир. Ўзга бир оятда мусулмонларга мутахассис бўлмаган инсонларга тўғри йўл-йўриқларни кўрсатиб турадиган махсус мутахассислар гуруҳини тузиш ҳамда уни доимо қўллаб-қувватлаш буюрилган: «Мўминлар ёппасига (жанга) чиқишлари шарт эмас. Уларнинг ҳар бири гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими? (Қолганлари бўлса Пайғамбардан) динни ўрганиб, қавмлари уларга қайтиб келгач,

(гуноҳдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?!» («Тавба» сураси, 122- оят).

Тимоти Уинтер (Абдулҳаким Мурод)нинг «XXI асрда ислом (Постмодернизм дунёда қиблани топиш)» («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Тошкент, 2005, 368 бет) номли китобида келтирилган мулоҳазалар ҳам юқорида билдирилган фикрларга ҳамоҳангдир: «Хукм чиқариш илмини тиббиёт илмига таққослаш мумкин. Мабодо, бировнинг фарзанди оғир касалга чалиниб қолса, у тегишли ташхис қўйиш ва фарзандини даволаш учун тиббиётга оид бўлган китобларни титадими ёхуд малакали шифокорнинг олдига борадими? Тўғриси айтганда, агар унинг эси ўз жойида бўлса, кейинги йўлни танлайди. Динда ҳам худди шундай. Аслида бўлса бу тиббиётдан ҳам муҳимроқ ва потенциал нуктаи назардан хавфлироқдир: манбаларни ахтаришга ҳаракат қилишимиз учун беҳад аҳмоқ, ғоятда масъулиятсиз ва ўзимизча муфтий бўлмоғимиз лозим. Бунинг ўрнига бўлса ўзининг бутун умрини айнан суннатни ўрганишга бағишлаган уламоларни ва нисбатан камроқ хато қилишимизга маълум бир имконият яратиб берадиган қонун принципларини тан олишимиз даркор.

Айни пайтда астрономиядан олинган яна бир ташбеҳни ҳам келтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Биз Қуръон суралари ва ҳадисларни юлдузга менгашимиз мумкин. Оддийгина кўз билан, телескопнинг ёрдамисиз уларнинг аксариятини яхшироқ кўриб бўлмайди. Башарти, биз аҳмоқ ёки манман бўлсак, уни яшашга умрини кўришимиз мумкин. Мабодо, анча-мунча нарсага ақлимиз етадиган ҳамда камтар бўлсак, Имом Молик ёки Ибн Ханбал ясаб кетган ва кейинги авлодларга мансуб бўлган буюк мунажжимлар тозалаган, ярқиратган ва янада такомиллаштирган телескопдан фойдаланишдан жуда хурсанд бўламиз. Қолаверса, *мазҳаб* бизга исломни максимал даражада тиник кўриш имконини берадиган роса аниқлик асбобидан бошқа нарса эмас. Агар ўз асбобимизни ишлатадиган бўлсак, бизнинг ҳаваскорона саъй-ҳаракатимизни бузиши ҳам шак-шубҳасиздир» (357 – 358- бетлар).

Шу ўринда фурсати келиб қолгани боис, улуғ аллома Маҳмуд Замахшарийнинг тақлид хусусидаги бебаҳо фикрлариданам баҳра олиб, сўнгра юқорида бошланган мулоҳазаларни давом эттирсак:

«Эй инсон ўгли! Эътиқод соҳасида илм ҳамда ишончни қўлга кирит. Илму-л-яқин ҳосил қилишга ҳаракат қил. «Фалончи ундай деган», деб нақл ва ривоят айтувчиларга асло эргашма.

Тақлидий имонда қолмай, ҳақиқий имонни қўлга кирит. Ётган арслондан тулки эпчилроқдир деб ўйлама. Ҳақиқат аҳли назарида тақлидий имон эгаси ёмғирда қолган эчкидан ҳам заволлироқдир.

Эътиқод масалаларида тақлидчи – калитини йўқотиб қўйиб, ўз уйи эшигини оча олмаётган одамга ўхшайди, у бировларнинг айтганини билади, холос, ҳақиқий илмдан бўлса асло хабари йўқ. Тақлидчи – ўзининг ховлисида ўтин тўплаб, чакмоқтош (гугурт) топа олмай (бошини қашиб, анграйиб) ўтирган одамга ўхшайди.

Инсон юзаки эътиқодни ўз онасининг айтганларидан ўрганган бўлса, бу ҳам тақлиддир. Тақлидий гапларни ўзига раҳбар қилган, илмсиз одамларга жаноби Ҳақ назарини солмайди... Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан»...

Исломнинг Сунний эътиқодидаги икки йирик таълимотлардан бири бўлмиш Мотурудия таълимотининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий соф диний ақиданинг доирасидан чиқмаган ҳолда ақл-идрокни беҳад улуғлаган ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаганди. Буюк олим X асрда адашган фирқалар қарашларининг ҳақиқатдан ниҳоятда йироқ эканлигига асосланган ҳолда «Дин йўлидаги барча адашувларнинг сабаби – риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашшидир» деб таъкидлаганди.

«Риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашшиш»нинг оқибатлари хусусида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров «Бродскийга ўхшатма» сарлавҳали беҳад тарзда ибратли мўжазгина бир битикда мана шундай ёзгандилар:

«Бир пашша уйга кириб, одам исига етишганидан хурсанд бўлиб маза қилиб уй ичини айланиб учиб юрди. Бир оз ўтгач, чанқадими, зерикдими ё очикдими, ўзини дераза ойнасига урди. Бир урди. Икки урди. Уч. Тўрт. Сўнг у тинимсиз визиллаб ойнага ёпишди. Лекин, ҳеч ташқарига чиқиб кета олмади.

Шу пайтда бир сарик ковоқари келиб қолди. Салобат билан хонани бир айланди. Деразага пешонасини дам сайин визиллаб ураётган пашшани кўриб унга роса жони ачиди.

– Ҳой, оғайни, бунча бизз-бизз дейсан. Озодликка чиқадиган йўл мана бу ёқда-ку. Юр, ўзим сени бошлаб бораман, – деди-да, пешонасини ойнага уравериб ҳолидан тойган пашшани кўтариб, нарироқдаги ойнанинг очик жойидан ташқарига қараб учди.

... Пашшани ишгаҳаси хўп очилган ғумбакларига олиб бориб едирди. Ғумбаклар ўта семириб ўсишяпти...» (Ғафуров Иброҳим. Танланган асарлар: Мансуралар, ҳикоялар, бадиалар ва бошқа асарлар. – Т.: «Sharq», 2017, 27- бет).

Бобур Нусратов қаламига мансуб «Эски масал» сарлавҳали қатра («Муштум» ҳажвий, танқидий, кўнгилочар журнал, 2018 йил, 9- сон, 13- бет) ҳам юқоридаги битикларга ҳамоҳанг.

«Манзилга етишинг учун кўлингдаги чирок ўн қадам нарини ёритса бас, сен олға қадам ташлайверганинг сайин равшанлашиб бораверади деб тошбақаларга далда бераётган қузгунлар эллик қадам нарида тубсиз жарлик борлигини аниқ кўриб туришарди».

«Намуна» сарлавҳали қатра ҳам худди шу масалага дахлдор:

«У ҳеч кимнинг кўзига тик қарамаган. Бировга ҳеч қачон кўл узатмаган. Танишлар, бегоналар билан бирор марта кўришмаган. Кўчада рўмолсиз юрганини ҳам эслолмайди киши.

Унинг томирида доимо паранжининг ичида ишини битирган катта момосининг қони гупириб оқади.

Интернетдан чиқмайди» (ўша жойда).

Экстремистик дунёқарашга эга бўлган турли кимсалар ўзга қарашлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун энг охирги чораларниям – мавжуд тузумни кескин равишда ўзгартириш, ўз қарашларини кучни ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни то йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди. Экстремизм мафкуравий жиҳатдан олиб қаралганида, бошқа барча қарашларни инкор этади. Бу оқим фақат ўзининг, тўғри деб ҳисоблаган, сиёсий ва диний қарашлар тизимини тан олиб, бошқа қарашларни эса бутунлай рад қилади.

Кўпгина экстремистик ақидалар, ҳаракатларнинг тарқалиш ҳудудлари кўпроқ ҳали унчаям шаклланиб улгурмаган ва жамият эътиборидан четда қолиб кетган ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, люмпенлашган кишиларни таркибига киритмоқдаки, улар ўзига хос экстремистик ақида ва куч ишлатиш воситасида жамиятда ўз

Ўрнини топиш ва ўзларини эътироф эттиришга интилаверадилар. Шунингдек, баъзан экстремистик қарашлар таъсирига зиёлилар, диндорлар ва ҳарбийларнинг вакиллари ҳам тушиб қолмоқдалар.

Тилимизда «муллои боамал» ва «муллои беамал» деган иборалар мавжуд. Бу бежиз эмас, албатта. Беш қўлимиз баробар бўлмаганидек, диний арбоблар ва ходимлар ўртасида ҳам турли қиёфадаги кишилар борлиги сира сир эмас. Мавжуд илмига амал қилган кишини «муллои боамал» дейилади. Ва, аксинча бўлса «муллои беамал» деб аталади. Шунисиниям алоҳида таъкидлаш зарурки, республикамизга ёт диний оқимларнинг кириб келиши жараёнига, биринчи галда айрим ёшларимиз уларнинг таъсирига берилиб кетишига айрим имом-хатибларнинг «муллои беамал» бўлишлари ҳам имконият яратиб берганди. Улар диндорларни ўз ортларидан эргаштира олмай, уларга етакчилик қилолмай қолган эдилар. Ваҳоланки, имом дегани олдинги сафда турувчи, етакчи деганидир. Ўзингизга яхши маълумки, бундан анчагина йиллар муқаддам ёт диний оқим воизлари жамиятимизга суқилиб кириб, муайян бир гуруҳларга ўз таъсирларини ўтказгандилар. Афсуски, сўзи ила иши бир бўлмаган, «муллои беамал» диний ходимлар ҳозирги пайтларда ҳам, аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб туради.

Ислонда билмаганларини «билмайман» дея олиш учун ҳам билим керак, дейилади. Одатда, башарият ҳаётидаги ҳамма иллатлар сохта билимдонликдан келиб чиқади. Республикамизда мутаассибликнинг пайдо бўлиши билимсизликдан келиб чиққан, десак, иллатга энг тўғри ташҳис қўйган бўламиз. Қуръон қироати билан риё қилувчи, Қуръон қироати билан тирикчилик қилувчи ва Қуръон қироати билан мақтанувчи шахслар ҳақидаям Ҳадиси шарифлар бор. Жумладан, Абу Саид ал-Ҳудрий (Аллоҳ у зотдан рози бўлсин) дейдиларки: «Мен жаноб Расулуллоҳдан эшитган эрдим, бундай деган эрдилар: «Сизларнинг ичингиздан бир қавм чиқурки, улар ўзларининг намозлари билан намозларингизни таҳқир қилурлар, рўзалари билан (сизнинг) рўзаларингизни (ҳам) таҳқир қилурлар. Қуръон ўқисалар, қироатлари томоқларидан нарига ўтмагай, диндан ўқ камондан отилгандек тезроқ чиқурлар, ўқнинг тиғига қарасалар, овдан нишон йўқ, камонга қарасалар,

унда ҳам ҳеч вақо йўқ, ипига қарасалар ҳам, ҳеч нарса йўқ, кейин ўша ўқ отилдими ёки йўқми, шак қила бошлайдилар».

«Диндан қайтганлар ҳамма вақтлар бўлган, – деб ёзган эди Низомулмулк «Сиёсатнома»сида. – Ва улар Одам алайҳиссалом замонидан буён Тангрининг элчиларига ва ҳукмдорларга қарши исён ва қўзғолон қилиб келади. Ҳеч бир ўлкада бу қавмдан ёмони ҳамда макқори бўлмайди. Улар ҳар бир овозага кулоқ осиб, икир-чикиргаям тумшукларини тиқиб, зимдан давлатга ёмонлик қилиб юради. Қодир Эгам асрасин-у, фалокат босиб, давлатга бирон-бир зарар етгудек бўлса, бу итлар хуфя жойларидан отилиб чиқиб, унга қарши юриш қила бошлайди, шиаликка даъват этади....

Улар ўз кўлидан келган фасод ва бидъат ишларни қилади. Яна улар сўзда мусулмон, амалда кофир, феъли ҳам, қилган иши ҳам шунга ярашади. Уларнинг ботини зоҳирига, айтган сўзлари эса қилаётган амалига буткул зиддир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг динида улардан ёмонроқ душманнинг ўзи ҳам йўқ».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 15 июнида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» деган мавзуда ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқида шундай фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирганди: «Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа бир кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга ва яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотилликка ҳамда зўравонликка чақирмайди. Мана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб қолиб, зарарли оқимларга кириш ва террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди...

...Муҳтарам имом-хатибларимиз Худо йўлида холис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни бизлар, энг аввало, кимдан сўраймиз? Сиз, азизлардан сўраймиз. Шу борада барчамиз кимдан ўрнак оламиз? Сиз, азизлардан.

Мана шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатга олиб, сизларга, барча дин аҳлларига

мурожаат килмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг.

Агар маҳаллангиздаги бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни бу нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболарнинг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким ҳеч қачон асло кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл-маърифат ва намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий ва беҳад таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак...

Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билмоғимиз даркор. Унга бутун қалбимиз билан ачинаётганимизни мана шу болаям билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса...

Бир боланинг адашиши – бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бермоқ даркор. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга ва маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни эса ашаддий душман қиламиз.

Натижада нима бўлади? Кулфат камайишнинг ўрнига янада кўпаяди. Бошқа оилаларнинг ҳаётига ҳам астагина кириб боради.

Бугун шу масалани кўндаланг қўядиган вақт келди.

Бизнинг буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «**Олижаноб кишилар узрни қабул қилур**», деб таъкидлаганлар. Халқимиз – мард ва олижаноб халқ. Ким чин дилдан узр сўраса, тавба қилса, албатта гуноҳидан кечади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда қанча-қанча адашганларни кечириб, тўғри йўлга соляпмиз. Бирини ўқишга, бирини ишга, бирини бўлса касбга қайтаряпмиз.

Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болаларни «Бу – кўшнининг боласи, бошқа бир қишлоқ ёки туманнинг боласи», деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонаданмас, Андижондан, Қашқадарёданмас, Самарқанддан,

деб, бепарво бўлмоқда. Аммо у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси-ку!»

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72- сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ҳам ҳақли равишда қайд этилганидек, «Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад даражада кадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкишлар билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизларни эзгуликка ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади». Бундай адолатли ёндашув халқаро доираларда ҳам ғоятда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396- сонли резолюциясида: «Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги даркор», дея қайд этилган, нотўғри баҳоловчилар эса огоҳлика чорланган...

Дунёнинг етакчи эксперт ва илмий доиралари вакиллари ҳам таъкидлаётганларидек, хавфсизликка таҳдидларни куч ишлатиш йўли билангина ҳал этиш усули бугунги беҳад мураккаб кунда кутилган натижани бермаяпти. Дунё бўйлаб турли экстремистик ташкилотларнинг 38 йиллик фаолияти таҳлиллари эса шуни ҳам кўрсатмоқдаки, радикал гуруҳлар фаолиятининг 7 фоизи қуроли аралашув натижасида тўхтатилган бўлса, уларнинг 40 фоизи эса тинч йўл билан – яъни, сиёсий музокаралар ўтказиш воситасида барҳам топган («Халқ сўзи» газетаси, 2018 йилнинг 19 декабри).

«Тарихдаги ҳар қандай янги нарса бу аслида унутилган эски нарсадир», деган гап мавжуд. Одатда мазҳаблар ўртасида нифоқ динлар ўртасидаги адоватдан анчагина кучлироқ бўлади. Кейинги пайтларда «ҳақиқий» ва «бузилган» ислом ўртасидаги зиддиятлар жаҳон ҳамжамиятини анча ташвишга, хатто қўрқув ва ваҳимага солишга улгурди. Аслида «бузилган» ислом «ҳақиқий»си илгари сураётган айрим бир бир «илғор» ғоялар хусусида аллақачон ўз муносабатини билдирган. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан мархумларнинг руҳларига атаб қилинадиган турли-туман маросимлар, улардаги бидъатлар ва исрофгарчилик хусусида; хатна тўйи, бешик тўйи, биби сешанба, мушкулкушод

каби маросимларнинг келиб чиқиши ва уларнинг шариатга хилоф бўлган қатор хусусиятлари тўғрисида; мазорларга, авлиёларнинг мақбараларига атаб назр-ниёз қилиш, сиғиниш каби одатларнинг ислом динига зид эканлиги борасида; сохта табиблар ва фолчи-ромчиларнинг халққа келтирадиган зарари тўғрисида; Ўз жонига касд қилишнинг ва ўз-ўзига ўт қўйишнинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида; етимларга ғамхўрлик тўғрисида махсус фатволар қабул қилинган. Маърифий, ота-бувалардан бизга мерос қолган диний кадрятлардан беҳабар кишилар бўлса қайтадан илгари сурилган ва сиёсийлаштирилган фикрларни ўзларича «янгилик» сифатида қабул қилмоқдалар. Шу сабабдан ҳам Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан қуйидаги мулоҳаза билдирилганди: «Ислом оламнинг турли ўлкаларида ислом, иймон, жиҳод, хайр ва бошқа диний маъноларни ўз ичига олган номлардаги ҳар хил жамоат, ташкилот, бирлашмалар, ҳизб ва ҳаракатлар кўпайгандан кўпайиб кетди. Уларнинг номлари, даъволари ҳамда низомлари турлича бўлса ҳам мақсадлари битта – Исломнинг номини пеш қилган ҳолда, ўзига обрў топишдир.

Обрўли уламолар эса бу сингари салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишига мусулмонлар оммасининг ишончига сазовор муассаса, олимларнинг мавқеи анча пасайиб кетиб, ўз даражасини билмай илм даъвосини қилган жохилларнинг кўпайгани сабабидир, деб таъкидламоқдалар» («Дин насиҳатдир». – Т.: 2006 йил, 40- бет).

Кўпчилик кишилар кўпинча миллий урф-одатларимиз билан диний маросимларнинг ўртасидаги фарқни яхши идрок этишга қийналади. Ислом дини қабул этилганидан бошлаб Ота юртимиз халқларининг ҳаётида тубдан ўзгаришлар рўй бера бошлаган. Шу жумладан, маҳаллий миллий урф-одатларни ҳам ислом динининг кўрсатмаларига мослаштириш жараёни бошланиб кетганди, яъни шариатга зид бўлмаган урф-одатлар қолдирилган ва улар билан бир қаторда диний маросимлар ҳам ижро этила бошлаганди. Шу билан бирга эски замондан қолган кўплаб бидъат сифатида юзага келган маросимларни ҳам динийлаштириш бошланган. Чунончи, дафн маросими, етиси, йигирмаси, қирқи, йили, ҳайит, қор ёғди каби марҳумларга атаб ўтказиладиган тадбирларда қуръон ўқиш, дуо қилиш орқали уларгаям диний тус берила бошлаган. Шундан

кейин уларни диний маросим сифатида қабул қилиб, гўё фарз ёки суннат амаллари каби бажарадиган бўлиб кетишган. Кейинчалик эса бундай маросимларни тўйлардагидек катта зиёфатлар билан ўтказиш урфга айланиб қолган эди. Жоҳилликнинг меваси бўлган бундай бидъат маросимларни ислом дини сира ҳам буюрмаган, уларни қилиш мутлақо шарт эмас, деб минг бора айтилгани, неча марталаб муҳим фатволар чиқарилгани билан уларни кечираётган ҳаётимиздан четлатиш ҳам ниҳоят даражада қийин кечмоқда.

«Бидъат» сўзи айнан таржима қилинса: «Янги пайдо бўлган одат» деган маънони беради. Ҳазрат Алишер Навоий ушбу сўзни «ёқимсиз» деган маънода ҳам қўллаган. Яна «бидъати саййа» ҳам дерларким, бу «Янги пайдо бўлган ёмон одат» демакдир. Тўғри, «бидъати ҳасана» – «яхши одат» деган тушунча ҳам бор. Бирок, тилимизда кўпроқ ёмон одат маъносини ифодалаб келгани учун «бидъати саййа» деб ўтирмай, қисқагина қилиб «бидъат» деймиз. «Хурофот» бўлса «асоссиз» демак. Яъни динда асоси йўқ, беҳуда ишлар ва одатлар. Абу Усмон Жаририй ҳазратлари деганларким: «ҳар кишики, Пайғамбаримз алайҳиссаломнинг суннатини ўзига ҳакам қилса, унинг сўзлари ҳикматдир. Ҳар кишиким, нафсининг хоҳишига тобе бўлса, унинг сўзлари бидъатдир».

Ўзбекча «Исломий қомус»да «бидъат» деган сўз «номаъқул янгилик» ва «дин ақидаларига хилоф янгилик», деб изоҳланган. Ўрни келиб қолганлиги сабабли ҳам шу «Қомус»да баён этилган масалага доир айрим бир фикрлар билан танишиб қўяверсак:

«Баъзи уламолар фикрича, бидъат асосан учта турли бўлади. 1. Кофирликка олиб борадиган бидъат. Масалан, ўликлардан ва ғойиб кимсалардан ёрдам сўраш. 2. Ҳаром бўлган бидъат. Мисол учун, дуода ўликларни восита қилиш. 3. Макруҳ бўлган бидъат. Мисол учун, жума намозини ўқигандан кейин, эҳтиёт юзасидан, ҳар эҳтимолга қарши пешин намозини ҳам ўқиб қўявериш.

Муайян амал бир фикҳий мазҳабнинг вакиллари томонидан «ножоиз янгилик», деб баҳоланса, бошқа мазҳаб тарафдорлари эса уни Қуръонга ва суннатга мувофиқ келадиган «ҳақ йўл» деб билган. Айтайлик, Имом Абзам мазҳабига биноан, ота-болалар мазорларини зиёрат қилиш, оламдан ўтиб кетган аجدодлар руҳи покларига дуои фотиҳа қилиш савоб иш саналади ва шунга риоя

килиб келинади. Бироқ, ханбалийлик мазхабининг ваҳхобийлик оқими вакиллари буни бидъат деб ҳисоблайди. Шундан унумли равишда фойдаланиб одамларни йўлдан урмоқчи, жамиятда эса турли-туман бекарорлик вужудга келтирмоқчи бўлади. «Бидъат» бемаъни гап, сафсата маъноларини ҳам англаган. Адабиётда эса «бидъат» – хурофот, уйдирма маъноларида ўта кенг ишлатилади.

Халқимизда неча асрлар давомида шаклланган урф-одатлар жудаям кўп. Баъзи манбаларда улардан 376тасининг номи қайд этилган. Бироқ, фурсатдан фойдаланиб шуни ҳам таъкидламоқ зарурки, урф-одат, миллий анъана ёки қадриятларини ўрганар ва қайтадан тиклар эканмиз, бу ишда ғоятда эҳтиёткор бўлишимиз керак. Тарихини, миллий анъаналарини қайтадан тиклаймиз, уни янада ривожлантирамиз, деганда ўтмишда амалда бўлган барча урф-одатларни ҳеч қандай истисносиз тағин қайта тиклашимиз шарт деб тушунмаслигимиз даркор. Балки, ўша урф-одатларимиз миллатимиз обрў-эътиборини тушириб қўймайдими ёки ҳозирги маданиятимизга, дину-диёнатимизга мос тушадими, ўзимиз ўзга бир миллатларга кулги бўлиб қолишимизга сабабчи бўлмайдими деб ҳар томонлама фикр-мулоҳаза қилингандан кейингина унинг қадриятга айланган қисмини қайтадан тиклашга ўтиш мумкин.

Ушбу Қонуннинг 4- моддаси инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 2- моддасига мос келади. Ушбу моддада фуқаролар динга муносабатларидан қатъи назар Қонун олдида тенгликлари, ҳеч ким ўзининг диний эътиқодини рўқач қилган ҳолда қонунда белгилаб қўйилган конституциявий мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга асло ҳақли эмаслиги кўрсатиб қўйилган.

Фуқароларнинг мавжуд қонунлар олдида тенг ҳуқуқлилиги дегани демократик фуқаролик жамияти асосларининг асосидир.

Диний эътиқодига биноан, бир мажбуриятни бошқаси билан алмаштиришга эса фақат Ўзбекистон Республикаси Қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Башарти айрим бир фуқароларнинг эътиқоди юксак ҳарбий мажбуриятни тўла-тўқис ҳажмда бажаришга тўсқинлик қилса, бунда қурол тутмайдиган муқобил – ноҳарбий хизматни бажариши керак бўлади.

Бу қоида Хельсинки жараёни доирасидаги инсоний мезонлар Конференциясининг 1989 йил Париж кенгашида қабул қилинган

«Диний ёки бошқа мулохазаларга кўра ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш тўғрисида»ги ҳужжатнинг руҳига тўла мос келади.

Қонуннинг 5- моддасида дин давлатдан ажратилганлигини акс эттирилган ҳолда, турли дин вакилларининг ўзаро, жумладан даҳрийларнинг ҳам бир-бирига инсоний ҳурмат ва муросада ҳаёт кечиришлари давлатнинг ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Айни пайтда бўлса даҳрий ёхуд бошқа диндагиларни номақбул «даъватлар» билан ўзининг йўналишига ағдаришга уринишлар, бу борадаги бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолиятларига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Бу модда «давлат диний ташкилотлар зиммасига ҳеч қандай вазифасини бажаришни юклаганлиги»ни белгилаб, бу билан давлатнинг ишларига диний ташкилотлар ҳам аралашмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонундаги ниҳоятда муҳим талаблардан бири: «Ўзбекистон Республикасида диний моҳияттаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди», деган нормадири.

Бу қонуннинг мазмуни-моҳиятини шундай изоҳлаш мумкин. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида айнан диний руҳдаги «Христиан халқ партияси», «Христиан демократик иттифоқи», «Христиан демократик партияси», «Ислом республика партияси» сингари сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг баъзилари эса очикдан-очик мақсадга эришиш йўлида куч ишлатишни тарғиб-ташвиқ этади ҳамда халқаро терроризмга кўмаклашади. Улар аксариятининг мақсад-муддаоси ягона, нима қилиб бўлса-да, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишдан иборат.

Яқин-яқин даврларга қадар исломда ҳеч қандай партия ҳам мавжуд бўлмаган. Четдан бундай партиялар, бузғунчи ғояларини Ўзбекистонга олиб кириш, халқимизга нима бериши мумкин? Шу боисдан ҳам энг маъқул йўл танлаб олинган, яъни бундай диний партияларнинг тузилиши ва улар фаолияти мутлақо рад этилган.

Энди янги таҳрирда баён этилган Жиноят кодексигадаги 216-моддага бир назар солсак. У «Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш» деб номланган.

«Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар(нинг) фаолиятида фаол қатнашиш

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси эса қуйидаги мазмундаги 216¹- ва 216²- моддалар билан ҳам тўлдирилган...

216¹- модда. «Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш.

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, (мана) шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш», деб номланган 216²- моддага кўра, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, ва шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионер-

лик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

– энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ҳозирда дунёнинг 33та давлатида прозелитизм ҳаракати ман этилган, 81 давлатда эса хорижий миссионерлик фаолияти чеклаб қўйилган. Давлатлар Қонунларининг қатъий огоҳлантиришини асло назар-писанд қилмасдан, ўз мақсадига эришишни кўзлаган миссионерлик ҳам замонавий технологиялардан усталик билан фойдаланиб, ўз услублари ва воситаларини бетиним равишда такомиллантириб бормоқда. Бу бўлса, ўз навбатида катта сиёсат саҳнасига информацион миссионерликни етаклаб олиб чиқди. У миссионерликнинг бошқа йўналишларидан ниҳоятда тезкорлиги, чекланмаган аудиторияга эгаллиги, арзон ва самарадорлиги билан фаркланиб туради. Информацион миссионерлик ҳаракатларининг ахборот кўмагида одамлар онгига таъсир қилиш стратегияси эса асосан ўрта ва қуйи қатламларга қарши йўналтирилган. Нимага айнан ўша тоифаларга, деяпсизми? Чунки, ўзингизам худди беш бармоғингиздек жуда ҳам яхши биласизки, интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айна 18 ва 30 ёш орасидаги истеъмолчилардир. Ўзингизга ой ва кундек аёнки, бу ёшдагилар турфа хил ахборотга беҳад даражада қизиқувчан бўладилар. Бизнинг Ота маконимизда ҳам интернетдан бетиним равишда фойдаланувчи кишилар сони кун эмас, соат сайин беҳад шиддат билан кўпайиб бормоқда.

Бундан кўринадики, бизнинг юртимизда ҳам информацион миссионерлик учун яхши имконият мавжуд. Улар бу шароитдан имкон қадар ўзлари учун самарали фойдаланишга тиришмоқда. Ва турган гапки, мафкуравий иммунитет, ахборот билан ишлаш маданияти тўлиқ шаклланиб улгурмаган айрим бир ёшлар бундай тузоқларга илиниб қолмоқда. Бугунги ёшларнинг аксари асосий ахборот манбаи сифатида айнан интернетга мурожаат қилишини эътиборга оладиган бўлсак, электрон тузоқларнинг хавф-хатари қай даражада эканлиги ҳам кўзга яққол ташланиб қолади.

Миссионерлик ва прозелитизм жуда пухта ўйланган режалар асосида ўз фаолиятини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида унумли фойдаланади. У мазкур ҳаракатлар стратегиясида муайян мамлакатларда «очарчилик, қашшоқликка қарши кураш», «инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўймаслик», «миллий низо ҳамда тўқнашувларни бартараф этиш», «гуманитар ҳалокатнинг олдини олиш», «демократик эркинликларни жорий этиш», «илғор маданий одатларга ўргатиш» каби шиорларни ўзига дастак қилиб олади. Миссионер юзлаб одамларни ўзининг динига жалб этса, прозелит қисқа давр мобайнида кўплаб кишиларнинг ўз динидан воз кечиб, бошқа динни қабул қилишига эришади. Улар ўзининг мақсадига эришиш учун ҳар хил усул ва воситалардан, айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали жамоат жойларида, концерт заллари ва стадионларда тадбир уюштириб, диний адабиётларни пинҳона тарқатиб тарғибот ва ташвиқотни амалга оширадилар.

«Миссия» сўзи лотинча «missio»дан олинган. Ундан ясалган «миссион» ўзбек тилида «вазифа», «ҳуқуқ», «юбориш», «вазифа топшириш», «жўнатмоқ» деган маъноларни англатади. Хорижлик олимлар изоҳларида бўлса «миссия» сўзи, «вазифа», «топширик», «аниқ мақсадга йўналтирилганлик» ва «кимгадир ёхуд нимагадир жавобгарлик бурчини адо этиш», «доимий дипломатик вакил» ва «бир давлат томонидан махсус мақсад ҳамда вазифалар юзасидан ўзга давлатларга юборилган вакил» деган маънолари билан бирга «черков ва бирор диний уюшмага тегишли бўлган миссионерлик ташкилоти» каби тушунчаларни ҳам билдиради. Прозелитизм эса миссионерликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У юнон тилидаги «prozelitism» сўзидан олинган бўлиб, «келгинди», «бир жойдан бошқа бир жойга кўчувчи», «ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи», худди шунингдек, «тўғридан-тўғри бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечиб, бошқа бир динни қабул қилишга мажбур этиш» деган бир қатор маъноларни англатади.

Бугун миссионерлик ва прозелитизм айрим бир геосиёсий кучларнинг хавфли куралига айланиб кетган. У сиёсий ва иқтисодий таъсир кўрсатиш, янги мустамлакачилик ёки вассалликни юзага келтириш воситасидир. Миссионерлик ташкилотлари иқтисодий кўмак бериш баҳонасида йирик капитал ҳамда ер мулкларини ўз

тасарруфига олишга, ана шу тарика ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишда эса бевосита иштирок этишга уринади. Миссионерлар найрангига учиб, ўз эътиқодидан воз кечган кишиларнинг пайдо бўлиши диндорлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бирдамликка раҳна солади. Миссионерлар, айниқса, «Тарихни бошқариш – бугунни бошқариш, бугунни бошқариш – келажакни бошқаришдир» деган «шиор»дан жуда ҳам кўп фойдаланадилар.

Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Уинстон Черчилль: «Миссионерлик фаолияти учун сарфланадиган ҳар бир пенс яхши бошқарув ва омонат маблағларини келтириши муқаррар», деган ҳақли ва асосли фикр-мулоҳазалариниям бежиз айтмаган эди-да.

«Бутун дунёни Инжил хабарлари руҳида тарбиялаш» шиори билан йўлга чиққан Америка ва инглиз миссионерлари, айниқса, XX аср сўнгги чорагидан бошлаб дунёга таъсир қилувчи энг янги дунё тартиботи ва минтақалашувини амалга ошириш мақсадида мавжуд ижтимоий ва сиёсий шароитлардан ҳам фойдаланмоқда. Ҳаракатлар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни бошдан кечираётган ёки АҚШ ҳамда Ғарбий Европанинг таъсири остидаги ўлкаларда кўпроқ амалга оширилмоқда. Ва шу тарика Ўрта Шарқ ўлкалари билан бир қаторда Болқон, Кавказ, Марказий Осиё давлатларида ҳам миссионерлик хатти-ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда. Украинанинг «Инновиста: умид, миссия, ёш етакчилар» дейилган бир миссионерлик ҳаракати ўзининг www.innovista.org сайтида Марказий Осиё ёшлари билан ишлаш бағоят муҳим эканлигини қайд этган. Ёшларнинг онгини ўзгартириш жудаям кўп нарсалар ўзгаришига олиб келишини ҳамда ўз навбатида Марказий Осиё келажакини белгилаши таъкидланган (<http://www.innovista.org/ru/что-мы-реально-меняем>). Демак, миссионерлар Марказий Осиёда шакллланган демографик вазиятни жудаям пухта ўрганиб чиққан. Уларнинг фикрича, «хушхабар»ни меҳмондўст минтақамизга ёш миссионерлар воситасида олиб кириш нисбатан осон иш. Бунда асосан ёш етакчилар дўстлари, курсдошлари, яқин танишларига катта эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайди улар. Бу йўлда эса «Инновиста» миссионерларни доимо қўллаб-қувватлаб туришини ҳамда уларга бевосита ёрдамчи бўлишини очиқ эълон қилган эди.

Тернополь миссионерлик институтининг директори Михаил Резник мусулмонларнинг эътиқодини ўзгартириш учун Марказий Осиёга кўчиб келди ва шу ерларда фаолият юритмоқда. Кейинги 4 йилга яқин вақт давомида 700дан кўпроқ мусулмон эътиқодини ўзгартириб, Тернополь миссионерлик институти тузоғига тушган. Миссионерлар эса шу билангина чекланмоқчи эмас, улар яна 8та лойиха бўйича иш олиб бормоқда. «Бу фақат ҳали бошланиши, – деб суюнади Михаил Резник. – Миллионлаб одамлар Исо Масих ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Бизнинг мақсадимиз бутун дунё юзидаги мусулмонларни Исо Масихга иймон келтиришга бетиним равишда ундашдан иборатдир» (Куронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Т.: «Маънавият», 2015, 67- бет).

Ўртаосиёлик миссионерларнинг ёш етакчиларидан бири эса: «Биз 200 нафар ёшлар учун ўрмонда лагерь ташкил қилдик. У ерда «Яхши савол» деб номланган семинар ўтказилди, натижада бўлса элликка яқин ёшлар иймонга келди (насронийликка ўтди. Б. И.) – уларнинг кўпчилиги бўлса аҳолисининг каттагина қисми мусулмонлар бўлган мамлакатлардандир» (<http://www.innovista.org/ru/> что-мы-реально-меняем), – дея нихоятда ғурурланади.

Миссионерлик мазмунидаги сайтларнинг жиддий равишдаги таҳлили ундаги маълумотлар, тезкор ахборот ва янгиликлар бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва йўналишда олиб борилишини кўрсатади. Мана бундай сайтларда эътиқодий тарғиботни ташвиқ қиладиган клипларнинг бериб борилиши эса уларнинг эмоционал таъсир қувватини оширади. Ана шундай сайтлардан бири бўлган www.innovista.org сайти: «Бизнинг асосий мақсадимиз нафақат яқин келажақда, балки узоқ истиқболда ҳам жамиятни стратегик тайёргарликдан ўтган ёш етакчилар билан таъминлашдан иборат. Ёш етакчилар тезроқ ўрганади, инновацион фикрлайди ва улар жамиятга кучли таъсир кўрсатиш учун ғоятда зарур бўлган барча хусусиятларга эга. Бизнинг пировард мақсадимиз ўз худудларида Исо томонига юз буришга кўмаклашувчи иқтидорли етакчиларни тарбиялаш орқали имкон қадар кўп сонли одамларнинг Масихга умид боғлашига эришишдан иборат» (<http://www.innovista.org/ru/> что-мы-реально-меняем), деб ўз мақсадини очик баён қилганди.

Эс-хуши жойида ўз бўлган ҳар қандай инсон унга узатилган ҳар қандай ахборотни эшитаркан, «Бу ахборотни ким узатяпти?», «Нима учун узатяпти?», «Уни қандай мақсадда узатяпти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб беришга ҳаракат қилиши керак. Шундагина инфорацион миссионерлар таъсирига тушиб қолиш ҳамда таркатилаётган турли-туман маълумотларга кўр-кўрона тарзда эргашишиб юришнинг олди олинади, бошқача қилиб, илмий ифодалайдиган бўлсак, профилактика қилинади.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўринадики, миссионерлар ва уларнинг орқасида турган айрим кучлар у ёки бу мамлакатдаги эътиқодий мувозанатни бутунлай издан чиқариш борасида диний бағрикенглиги, виждон эркинлиги ғояларини никоб қилиб олган ва ўз таъсир доирасини кенгайтириш йўлида ҳеч нарсадан сираям қайтмайди. Бироқ, уларнинг ноқонуний интилишини жиловлаб турувчи қонунлар, кодекслар мавжуд. Унга амал қилмаганлар эса қонуний равишда юқорида кўрсатилган жазога тортиладилар-да.

Таҳлил қилинаётган жуда муҳим Қонунда «диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда... ҳамда давлатга, жамиятга ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги» ҳам қатъий тарзда белгилаб қўйилган.

Бундай талаб барча динларнинг моҳияти ва мазмунига тўла мос келади. Уларнинг ҳеч бирида бузгунчилик маъқулланмайди. Ислонда ҳам айнан мана шундай иш, ҳаракат, фаолият гуноҳ деб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, Қонун билан ўзича ўйнашишга ҳаракат қилган шахс дастлаб Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 184¹ – 184³- моддалари билан учрашишига тўғри келиб қолади. 184¹- моддага биноан, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотлар хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

184²- моддага биноан, «Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Респуб-

ликаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш – материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади». 184³- моддага кўра эса, «Миллий, ирқий, этник ёхуд диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, – материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий камокқа олишга сабаб бўлади».

Бунақа жазодан ўзига тегишли сабоқ чиқармасдан аввалги «хунарини» давом эттираверган шахс энди Жиноят кодексининг 244¹- моддасига тўкнаш келиб қолади ва «энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Янги таҳрирдаги Қонун юртимизда таълим тизимини диндан ажратилганлигиниям белгилаб берган (7- модда). Таълим тизими дастурларига диний фанларнинг киритилмаслигини акс эттириш билан бирга фуқароларнинг ўз эътиқодидан қатъи назар дунёвий билим олиш ҳуқуқи таъминланиши кафолатланган.

Қонуннинг 9- моддаси талабига кўра, барча диний таълим муассасалари албатта Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтишлари ва лицензияни олишлари даркор. Диний ўқув муассасаларида дарс бериш ҳуқуқи бўлса махсус диний таълим (тайёргарлик) олган шахсларгагина берилади. Хусусий тартибда диний таълим бериш эса ман этилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241- моддасига кўра «Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима

солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий камоққа олиш «сабаб бўлади».

«Домла» ёки «Отинойи» ўн беш суткалик «таътил»дан кейин ҳам тагин шу тарзда фаолиятни давом эттиргудек бўлсалар; энди Жиноят Кодексининг 229²- моддасига тўқнаш келиб қоладилар. Бунинг оқибатида эса «энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»лар.

Шу ўринда машхур немис файласуфи Фридрих Ницшенинг «чаламулла» ҳақидаги фикриям ёдга тушади. У бундай деган эди: «Агар чаламулла одам бирорта донишманднинг гапини илиб олса борми, у гўёки ўзини онадан қайта туғилгандай хис қилиб, тўрт кўчани ўз бошига кўтариб, шовқин солиб юради. Чунки, бошқа одамлар унинг кўзига донишманднинг оқилона гапидан беҳабар гофил банда бўлиб туюлаверади. Демак, у барчани янгиликдан воқиф этмоғи керак; у гўё чигал муаммонинг ечимини топгандай бўлади. Мабодо, ўша чаламулла кимса қонунлар борлигини ҳам билиб қолса борми, ўзини худди ҳакамдек хис эта бошлайди».

Қонуннинг диққат-эътиборга молик талабларидан бири, 14-моддадаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар (эса) бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосида юришларига йўл қўйилмайди», деган талабидир. Буни аллақачон буюк халқимизнинг миллий кийимига айланиб қолган салла, чопон-чакмон ҳамда ўзга либослар билан алмаштириб қўймаслик керак. Бу ерда мутлақо бошқа, халқимиз кийиниш маданиятига мутлақо ёт ва «намойишкорона» либослар назарда тутилганлигини англамоғимиз зарур. Масалан, мактаб ва жамоат жойларида дунёга машхур ўзбек дўппиларининг ўрнига бошига оқ матони кўндириб юриш, бошдан оёқ чодрага ўралган ёки япон нинзяларини эслатиб юборувчи қора либослар, ёшига мос келмайдиган «тўрва соқол» билан ўз художўйлигини, барчага намойиш этишга уриниб юрувчи кишилар назарда тутилаётгани эсдан чиқмаслиги керак. Қонуннинг ушбу талаби барча динларга эътиқод қилувчи фуқароларга баб-баравар тааллуқли. Уни бузиш

бўлса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексимизнинг 184¹-моддасига биноан, «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади».

«Хуррият» газетаси мухбири Гўзал Маликова (2018 йил, 13 июнь, 25 (187)-сон) Тошкент шаҳар бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, шаҳар бош отинойиси Дилбар Отабоевага мана бундай савол билан мурожаат қилганди:

« – Ибодатнинг либоси бўлмайди, деган гап ҳам бор. Аммо кўпчилик кишилар ҳижобга айна диний либос сифатида қарайди. Бу борада сиз нима дейсиз? Фикрингизни билмоқчимиз.

– Аҳолимизнинг 94 фоиздан ортиғи ислом динига эътиқод қилади. Исломда «буниси – ислом кийими, буниси эса исломга зид», деган тушунчаларнинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Ҳолбуки ўзга динларда ибодат маросимлари учун алоҳида кийимлар кийилади. Бизда ҳижоб диний либос, деб нотўғри талқин қилинади. Ислом таълимотига биноан, ҳар қандай кийимда бўлса ҳам, у ибодатга мос ҳолатда ва тоза-покиза бўлиши керак».

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19- моддасида диний адабиётлар ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш шартлари белгилаб берилган.

Миллий Истиқлолнинг дастлабки даврида диний адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш маълум даражада назоратдан ташқарида қолдирилган эди. Бунинг натижасида эса, хориждаги турли-туман ташкилотлар томонидан тайёрланган бизлардаги диний вазиятни беқарорлаштиришга йўналтирилган турли динларга доир матбаа нашрлари аҳолининг қўлига келиб тушди. Уларнинг аксарияти республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорликка, миллий ғоямизга ёт ҳамда зарарли таълимотларни тарғиб этишга дахлдор эди. Энди бўлса, «чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан кейин амалга оширилади... Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-фото-аудио-видео маҳсулотларини ҳамда шу каби маҳсулотларни тайёрлаш,

сақлаш, тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади».

Жиноят Кодексининг 246- моддасига биноан, «Контрабанда, яъни божхона(нинг) назоратини чеклаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациялардан фойдаланиб... диний экстремизмни, сепаратизм ҳамда ақидапарастликни тарғиб (ташвиқ) қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш

– беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Табиатан одамнинг боласи дунёни ўз қаричи билан ўлчайди, ўзича талқин қилади. Бундай ёндашув эътиқод масаласига ҳам дахлдор. Жаҳонда мавжуд 10 мингдан ортиқ динлар, оқимлар ва мазҳаблар, йўналишларининг ҳаммаси ҳам замон ўзгаришларига ўз вақтида зудлик билан мослаша олавермайди. Шу боисдан ҳам баъзиларнинг назарида дин бузилаётгандай туюлади. Натижада, маълум бир гуруҳлар уни асл ҳолида сақлаб қолиш учун ҳаракат бошлайдилар. Гўё яхши ниятда ҳаракат қилиб, одамларни бир-бирига қарши қўйиб, террорчилик орқали қон тўкишни ташкил қилаётган, аслида ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлган кишилар Европада фундаменталистлар, Марказий Осиёда ақидаларастлар ёки экстремистлар деб аталади. Ҳозирги даврда ниҳоятда кўплаб экстремистик уюшма ва мутаассиблар турли динлар, жумладан, христианлик, ислом ҳамда яҳудийлик динларининг таълимотидан самарали фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, диний риторика у кимсаларга кўзда тутилаётган жамиятнинг аниқ шаклу шамойили ҳамда кўринишини тақдим этмаган ҳолда (бу бўлса улар учун анархистлардаги сингари унчалик ҳам аҳамиятга эга эмас) хаёлий жамият ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш имконини беради. Бунда энг муҳими тартибсизлик, тўс-тўполонлар ва беқарорликни келтириб чиқаришдан иборатдир. Айнан унга эришиш эса, ўзига хос умумий мақсадни ташкил этади, дейишимиз ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига биноан, «экстремизм – ижтимоий-сиёсий

вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимият-ни зўрлик ишлатиб эгаллаб олишга ҳамда унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий ва ирқий, этник ва диний адоватни қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакли ифодаси» ҳисобланади. Қонун экстремизмни ана шундай деб баҳолайди.

Ақидапарастлик – кишиларнинг онгига ва қалбига маълум бир мафкуравий тазйиқларнинг асосида аста-секин сингдирилиб, эътиқод даражасига кўтарилган дунёқараш турларидан биридир. Ақидапарастлик ўз хусусиятини иккита шаклда намоён қилади: Ақидаларнинг дунёвий шакллари (шовинизм, атеизм, коммунизм, фашизм...) ва унинг диний шакли (Инквизиция, Ҳизб ут-таҳрир, Ҳизбуллоҳ, «Ал-Қоида» ва бошқалар) мавжуд. Ақидаларни замон ва макондан ажратган ҳолда англаб, уларни мутлақо ўзгартириб бўлмас тушунчалар деб биладиган кишилар ақидапарастлар, деб юритилади. Ақидапарастликнинг шаклланиши ва қарор топиши барча диний ташкилотлар ҳамда уларнинг руҳонийлари фаолияти билан тарихан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, у фақат диний таълимотларга хос ҳодиса сифатида талқин этиб келинади.

Ҳар бир диний жамоа ўзи ҳақиқатнинг энг охирги нуқтаси сифатида қабул қилволган илоҳий тушунчаларга қатъий равишда ишонч руҳини диндорлар онги ва қалбига сингдириш учун жуда кўп воситалар ва услубларидан самарали фойдаланадилар. Мана шу жараёнда қавмларда муайян андоза (модел)га тушган яхлит дунёқараш ва дунёни ҳис этиш шаклланади. Инсон феъл-атвори, фаолияти муайян изга туширилади. Шундан келиб чиқиб, табиий ва ижтимоий ҳодисаларга муносабат белгиланади. Эътиқодларига хилоф бўлган ўзгача қарашлар ва муносабатлар қарор топишига иложи борича қаршилик кўрсатиб келадилар. Ақидапарастликни фундаментализм ва экстремизм сингари тушунчалар билан ҳам айнанлаштириш бу тушунчаларга ноилмий ёндашувларга сабаб бўлади. Бу тушунчаларда умумий ўхшаш жиҳатлардан ташқари жиддий тафовутларам мавжудлигини назардан қочирмаслигимиз керак. Диний билимларни тарихий даврлардан ва реал ижтимоий воқелиқдан ажратиб ўзлаштириб олган, бинобарин, динларнинг асл инсонпарварлик моҳиятини англамаган ва тушунишни сира

истамаган шахсларни ақидапарастлар, дейиш тўғрироқ бўлар эди. Аммо, ушбу тушунчалар соф диний мазмундан кўра анча кенгрок моҳиятга эга эканлигини ҳам эътиборда тутишимиз зарур. Зеро, ақидапарастлик нафақат динда, балки илм-фанда, шу жумладан, фалсафада ҳам ўзини намоён этиб, ижтимоий тараққиёт, миллий истиқлол ва инсоннинг камолоти йўлига ғоявий тўсиқ бўлишиям мумкин. Ҳар қандай соҳада чуқурроқ билимга эга бўлмаган ёки дастлабки билимлари билан чекланиб, ўз устида ишламай қўйган кишилар одатда, ақидапарастликни рағбатлантирувчи ижтимоий куч сифатида катта майдонга чиқадилар. Ақидапарастлик муайян дунёқараш билан боғлиқ бўлган ҳамда маълум бир ғояга эътиқод қилишга имкон яратадиган тушунчаларни ёдлаб олиб, ўзгаларни ёлгончиликда айблаб, ўз ақидаларини замон ва макондан ажратиб олган ҳолда ҳақиқатнинг охириги нуқтаси сифатида тарғиб этади.

Умуман олинганда, жумлаи жаҳоннинг ахборот майдонида етакчилик қилаётган оммавий ахборот воситалари ўта бўрттириб кўрсатаётгани сингари, ақидапарастлик фақатгина ислом динини никоб қилган тушунча, ходиса ҳам эмас-да. Буни бошқа динларда ҳам керагича кўришимиз, керагидан ортиқ мисол келтиришимиз мумкин. Дунёдаги глобаллашув жараёни маълум маънода ҳар бир динга дахл қилаётгани, ҳар бир жамиятда ёхуд ҳудудда ҳукмрон бўлиб келган динларнинг ёнига бошқа бир дин кириб келаётгани манзарани бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Бугунги беҳад мўрт ва ниҳоятда мураккаб дунёда динлар ўртасидаги чегара (сарҳад) муайян давлат ёки жамият чегарасидан эмас, ҳар бир шахснинг юрагидан ўтадиган бўлиб бормоқда. Минг афсусларки, айрим бир ҳолларда бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик қилиш қийин кечяпти. Бундан ташқари, у ёки бу диннинг илгари бошқа динлар узоқ вақт ҳукмронлик қилиб келган ҳудудларгаёки ёйилиб кетиши ўша ерлардаги ижтимоий норозлик белгиси сифатида ҳам кўзга ташланмоқда. Ҳаёт беҳад жадал равишда ўзгариб бораётган бугунги дунёда юзага келаётган мисли кўрилмаган роса мураккаб ижтимоий муаммоларга жўялироқ жавобни кидириб топиш учун муқаддас диний манбаларни ҳар ким ўзича талқин қилиши, у ёки бу масалани шаръий қилиб олишга уриниши уммат ўртасидаги кескин парчаланишга, ҳозирда мавжуд тўртта мазҳабнинг ўрнига

бўлса миллионлаб ўзга секталар вужудга келишига сабаб бўлади. Башариятнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бунақа фожиасига эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Оқибатини эса ўзингиз ҳам биласиз...

Келинг, шу ўринда мавзудан бутунлай четлашмаган ҳолда, мавриди келиб қолгани туфайли 1923 – 2003 йилларда яшаб ўтган Доғистон халқ шоири, давлат арбоби Расул Ҳамзатовнинг юзлаб тилларга таржима қилинган беҳад даражада машҳур, манзур ва макбул «Менинг Доғистоним» номли китобидан бир парчасини синчиклаб ўқиб ва уқиб олсак-да, сўнгра тагин ақидапарастлик масаласига қайтсак, унчалик ҳам қарши бўлмасангиз керак:

«Неча асрлар бўйи Ҳақиқат ва Ёлғон ёнма-ён яшайди. Улар ўзаро қайси бирлари кучли эканликлари ҳақида доимо бахслашиб келадилар. Бу баҳснинг охири, поёни, интихоси мавжуд эмас...

Кунлардан бир куни улар бу ҳақида одамлардан сўрамокчи бўлишибди. Ёлғон олдинда чопиб бориб ҳар бир эгри сўкмокқа, жинкўчага кириб чиқиб, йўлда учраган туйнукка бошини суқиб мўралабди. Ҳақиқат эса, кенг ва тўғри йўлдан бошини тик тутиб, мағрур ҳолда қадам ташлабди. Ёлғон ён-верига қараб, бетиним тарзда хи-хилар, Ҳақиқат бўлса ўйчан ва ғамгин кетиб борар эди.

Улар узоқ йўл босишди, турли шаҳарлар, қишлоқлар ҳамда овулларга кириб, одамлар орасида бўлишди. Қаерда Ёлғон пайдо бўлса, одамлар енгил нафас олиб, ўзларини ҳам эркин тутишарди. Улар ўзаро ёлғон мулозамат кўрсатишаётганини билиб туришса ҳам, бир-бирларининг кўзларига тик қарашар эди, бир-бирларига жилмайиб ҳам қўйишарди. Улар бир-бирларини алдаётганларини туппа-тузуккина билиб туришарди, лекин барибир бир-бирларига кучоқларини очишар, сира ҳам уялмасдан ёлғон гапиришарди.

Ҳақиқат пайдо бўлиши билан одамлар маъюс тортишар ва бир-бирларининг кўзларига тик қарай олмай, ерни чизиб қолишар эди. У бор жойда одамлар ўз ҳақларини талаб қилишар, ранжиган ранжитган кимсага, харидор сотувчига қарши бош кўтарар, эрлар хотинларини жазмани билан гуноҳ иш устида ушлаб олар, қизгин жанжал-тўполонлар кўтарилар, ва ҳатто қон тўкилар эди. Айнан шу сабабдан ҳам одамлар ўша Ёлғонга ялиниб-ёлворишарди:

– Бизнинг орамиздан кетма! Сен жудаям яхши дўстимизсан!
Сен орамизда бор бўлсанг, биз тинчгина, хотиржам яшайвераимиз.

• Кейин эса Ҳақиқатга юзланишар эди:

– Сен фақат бизнинг ҳаловатимизни бузасан. Сен бор жойда ўйлаб иш қилишга мажбур бўламиз. Виждонимиз ҳам қийналади, ўзгалар учун бетиним қуюнамиз. Сени деб курашишимиз керак... Айнан Ҳақиқат учун қанчадан-қанча мард йигитлар, жангчилар ва шоирларнинг навқирон ёшида ҳалок бўлишгани каммиди ўзи?!

– Бунга энди нима дейсан? – деди Ёлғон Ҳақиқатга. – Ўзинг кўзинг билан кўрдинг, одамларга менинг катта фойдам тегяпти, уларга мен сендан кўра кераклироқман-ку. Қанча-қанча жойларга бориб кўрдик ва ҳамма ерда сени эмас, мени роса олқишлашди!

– Ҳа, биз одамлар оёғи етган ҳамма жойларда бўлдик, – деди Ҳақиқат. – Юр, энди чўққиларга чиқамиз! Топ-тоза булоқлардан, гуллардан, ҳамиша оппоқ қорлардан ҳам сўраб кўрамиз. Тоғлар неча минг йиллардан буён сарбаланд турибди. Уларда ботирлар, қахрамонларнинг, асл шоирларнинг, донишмандларнинг, пирлар ва авлиёларнинг барҳаёт ишлари, фикр-сўзлари ҳамда васиятлари мужассам. Осмонўпар, пурвиқор қорли, музли чўққиларда эса ер ташвишларини мутлақо писанд қилмайдиган абадиёт яшайди.

– Мен у ёққа бормайман, – қатъий бошини чайқади Ёлғон.

– Сен баландликлардан кўрқяпсанми? Қарғаларгина пастда учишади, бургутлар эса чўққилар бўйлаб парвоз қилишади. Сен қарғаликни афзал кўраркансан-да! Ҳа, билиб турибман, сен роса кўрқяпсан. Тўғри, сен жудаям кўрқоқсан! Сен базмлар авж олган, винолар қуйиладиган жойларни ўта яхши кўрасан, қадахларнинг жаранги эшитилмаса, ҳатто кўчага чиқишга ҳам чўчийсан...

– Мен баландликлардан кўрқмайман, – гердайди ўша Ёлғон.
– Шунчаки... сен айтган чўққиларда менинг қиладиган ишим йўқ. Чунки, чўққида одамзод яшамайди-да. Билиб қўй, менинг ҳукмим пастда – одамлар яшайдиган жойлардагина ўтади. Уларнинг бари менга тобеъ. Фақат бир-иккита доворакман деганларигина менга қарши бошини кўтариб, ўшандагина сенинг йўлингни танлашади. Яхшиямки, улар бир-иккита холос, унчалик ҳам кўп эмас.

– Ҳа, улар сони жуда ҳам оз. Айнан шунинг учун ҳам уларни қахрамонлар дея кўкка кўтаришади, беҳад шарафлашади!..»

Энди юкорида бошлаган гапимизни поёнига етказиб қўйсақ.

Ақидапарастлик... қандай қиёфада бўлишидан, қайси шаклга кириб олишидан қатъи назар – бу аслида диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими – ўзининг мафқурасига, ҳаёт қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши» деган тамойил асосида ҳаракат қилади. Ақидапарастлик саёз билимга эга бўлгани сабабли баҳс-мунозарага тиш-тирноғи билан қарши чиқади. Ақидапарастлик ижтимоий ва миллий онғи жиловлаб қўйиб, ижтимоий тараққиётни турғунлик, ҳатто, орқага кетишга сабаб бўлиши билан беҳад хатарлидир. Уламоларнинг аксарияти XVIII асрга қадар матбаа – китоб босишнинг ҳаром иш сифатида баҳолаган. Динга тегишли ҳар бир матни муқаддас ҳисобланган, ана шунинг учун ҳам у хаттот томонидан аста-секин меҳр билан кўчирилиши ҳамда муқоваланиши керак бўлган. Уламолар айна китобларни нисбатан осонроқ йўл билан кўпайтирилиши ислом таълимотининг аҳамиятини пасайтирворади, шунингдек, диний матнларни ёдлаш жарёнида талабаларнинг дангаса қилиб қўяди, деб билган. Боз устига, саҳифаларни териш ва босиш жараёни бўлса бутун олам яратувчиси номи битилиши эҳтимоли бўлган матнларга нисбатан ҳурматсизлик сифатида баҳоланган эди...

XIX асрнинг ўрталаридан Ҳиндистон орқали савдогарлар ва зиёратчилар воситасида, кейинроқ бўлса у ерда чиқадиган газета-журналлар билан Туркистонга ёйила бошлаган ақидапарастлик ғоялари XX аср ибтидосига келиб маҳаллий уламолар орасида етакчи ўринни эгаллай бошлаган эди. Шу туфайли ўша даврларда ўзимизнинг айрим бир уламоларимиз томонидан ҳам чиқарилган қатор фатволар илм-фан, маданият ҳамда маърифат тараққиётига мутлақо қарши эди. XX асрнинг бошларида Тошкент, кейинчалик Самарқанд, Қўқон, Бухоро муфтийлари махсус фатвони чиқариб, болаларини яхши ниятда янги усулдаги жаҳидлар мактабларига ўқишга берган кишиларни ҳам «кофир» деб эълон қилган эдилар.

Бухоро қозиси фатвосига кўра: «Кимда-ким ёқали кўйлагига тугма қадалган бўлса – жаҳид, костюм кийволган кишилар ҳам – жаҳид; кимда-кимнинг соқоли қисқа бўлиб, мўйлови узун бўлса ҳам – жаҳид; кимда-ким газета ўқиса ёки газета ўқийдиганлар билан ёрди-келди қилса, у ҳам – жаҳид, рус тилини оз-мозгина

биладиганлар ҳам жадидлардир». Худди мана шу санаб ўтилган белгилар асосида одамларни тутиб олиб калтаклаш ва ўлдириш бошланиб кетган эди. Ана шу олатасирдан фойдаланиб кўпчилик ақидапарастлар ўз мухолифларини, яъни янгиликларга интилган, аммо ханафий мазҳаби доирасидан асло четга чикмаган жуда кўп муслмонларни йўқ қилиб юборганлар. Бухородаги хунрезликка ўхшаш ҳодисалар эса бу кўламда бўлмас эди, бошқа хонликларда ҳам содир этилган. Иш шу даражага бориб етган эдики, яқтакка тугма қадаган кишилар, «Зингер» машинасида тикилган кийимни кийганлар ҳам «кофир» деб эълон қилинганди. Ҳатто, картошка, помидор сингари Фарб дунёси мамлакатлари орқали келтирилган маҳсулотларни истеъмол қилганлар ҳам кофирга чиқарилган эди. Бунақа бемаза, бемаъни ҳолат бўлса мустамлакачиларга жуда қўл келган. Улар Туркистонга ҳақиқий маърифат, янгича, замонавий ўқиш усулларини ёймоқчи бўлганлардан ўта хавфсираганлар, ота юртимизнинг жаҳолат ботқоғида қолишини маъқул кўрганлар. Бу масала хусусида бўлса Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман шундай ёзган эди: «Ҳар қандай ҳолда ҳам татарларнинг қирғизлар (қозоқлар – Б. И.) билан мулоқотга киришлари зарарли бўлиши мумкин. Мен уларнинг ўрнига «исломнинг онаси» деб аталган Бухоронинг ашаддий ақидапарастларини кўришни жуда маъқулроқ билар эдим, жадид татарлар бўлса биз учун бухоролик ақидапарастлардан ҳам кўра анчагина хавфлироқ душмандир».

Шўроларнинг коммунистик-большевистик идеологияси ҳам амалда ақидапарастликка асосланган бўлиб, ўз табиатига биноан роса тоталитар руҳдаги мафкура бўлиб, у асосан ҳаётнинг барча жабҳаларини эгаллашга, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини ҳам бутунлай назорат қилишга ўзича даъвогар ҳамда «устаси фаранг» эканлигини ҳаётнинг ўзиям минглаб далиллар билан исбот қилиб берган эди. Тоталитар мафкура ўз табиати ва характеридан келиб чиқиб, гўёки XX аср 80- йилларидаёқ қўлга киритилажак «буюк келажак» учун ўтмишни ҳам, ўзининг давриниям инкор этганди.

Ўзбек халқи азал-азалдан саводини мадрасаларда чиқарган. Бир вақтнинг ўзида ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаб борган. 1918 йилга келиб Шўро ҳукумати томонида «Черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш ҳақида»ги декрет қабул

қилиниши не-не асрлар мобайнида шаклланиб келган анъаналар илдиизига болта урган. Бунинг натижасида масжид ва мадрасалар эски усулдаги, яъни шу пайтга қадар амалда бўлиб келган таълим тизимидан мажбурий тарзда воз кечтирилган. Мазкур ҳужжатда белгилаб қўйилган талабга бўйсунмаганлар аёвсиз жазоланганди. Бунга исбот тариқасида эса собиқ давлат илк олий раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатган Лев Троцкийнинг Бутунроссия фавқулодда комиссияси (ВЧК)нинг раиси Феликс Дзержинскийга 1919 йил 1 майда йўллаган кўрсатмасини келтиришимиз мумкин. Унда Бутунроссия ижроия комитети ва Халқ комисарлари Совети қарорига мувофиқ имкон борича кўпроқ поплар ва диндорлар йўқ қилинсин, ҳамма жойларда шафқатсизлик билан отиб юборилсин, имкони борича кўпроқ черковлар ва масжидлар ёпиб ташлансин, ибодатхоналар муҳрлаб қўйилсин, бинолари эса омборхоналарга айлантирилсин, деган беҳад бемаъни вазифа юклатилган эди.

Шу қарорга кўра бизнинг ўлкамизда ҳам минглаб уламолар, шу жумладан бу битиклар муаллифининг бобокалонлари – Мулла Ғофур ва Мулла Камол домлалар, Паромоннинг чинакам зиёлиси бўлмиш Мулла Рустам кабилар қатағонлар домига ташланганди. Минглаб масжид ва мадрасалар бузиб ташланган. Ҳатто пештоқи, девори, эшик ва устунларида араб имлосида ёзув бўлган бинолар ҳам буткул вайрон қилинган эди. Уларнинг кўпи минерал ўғитлар сақланадиган омборхона, керосин сотадиган дўкон, темирчилик устахонаси кабиларга айлантирилган. Энг даҳшатлиси, кейинги пайтда айрим масжидлар ўрнида худосизлар музейлари очилган.

Коммунизм ғояси нафақат ўтмиш кадриятларини буткул йўқ қилишга, нафақат ўзига хос янгица кадриятларни жорий қилишга даъват этган, шу билан бир вақтнинг ўзида, тоталитар жамиятни ҳаддан ташқари зўравонлик ила, жисмоний, рухий куч ишлатиш воситасида, мажбурлаш йўли билан қуришга муваффақ бўлганди.

Агар қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот чинакам тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари, ички тартиб-интизом, ички уюшқоқлик ва маъсулият устувор аҳамият касб этмаса, қонунлар ҳамда кадриятли анъаналар кенг халқ оммаси томонидан ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди.

• Ёдингиздан унчалик ҳам кўтарилиб кетмаган бўлса, миллий истиқлолнинг дастлабки йилларида деярли ҳар бир корхонада ва муассасада, шифохона ва санаторияда, вокзал ва аэропортларда намозхоналар очиб қўйилганди. Аммо, ўз динимизнинг ашаддий ғанимлари – ғайридин каслар эмас, айнан динда ғулув кетувчи ёки динни никоб қилиб олиб, ҳокимият ва бойликнинг илинжида сўлагини оқизиб юрган беҳад баттол кимсалар эканки, уларнинг куткуси билан бир талай хунрезликлар (ўзингиз керагича, ҳатто керагидан ортқча мисолларни келтира оласиз) амалга оширилди. Махфий ҳужраларни очиб, уларда хориждаги ғаддор «устоз»лари кўрсатмалари билан ота-боболаримиз амал қилган шариат ҳамда тариқат аҳкомларига бутунлай қарама-қарши қарашларни тарғиб қилдиларки, унинг оқибатида эса давлат томонидан, бало-қазодан ҳазар дегандай, эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлинганди.

Аммо, бу вақтинчалик эди. Дин йўли – тақиқмас, тарғибдир. Қайси даъватчи, қайси томоша кўрсатувчининг этағидан тутишни билмасдан иккиланаётган одамларни тўғри йўлга солволиш учун диний маърифатни кенг тарғиб этиш этиш, тўғри йўлни кўрсатиш ва шу орқали, одамларни чалғитувчи, фитна қўзғовчи касларнинг қабих орзу-ниятлариниям пучга чиқариш шарт бўлар эди, бу ёруғ кунларга эса қандай қилиб, қай муаммолар ҳамда машаққатларни енгиб етиб келганимиздан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Ривоят: Шоҳнинг ҳузурига ўта ноёб қобилиятли бир кишини бошлаб келишибди. Бу одамнинг кўзлари фавқулудда ўткир, ўзи жуда ҳам чапдаст бўлиб қирқ қадам наридаги баланд ипда осилиб турган узук тешигидан игнани отиб ўтказа олар экан. У шоҳнинг ҳузурда шу ҳунарини бир неча бор намойиш этибди ва йиғилган кишилар олқишигаям сазовор бўлибди. Аммо, тождор жим эмиш. Шоҳнинг вазмин феълида ўзгаришни кўрмаган аъёнлар ҳам аста-секин жим бўлишибди, ниҳоят саройга сукунат тушибди. Шунда шоҳ чуқур тин олибди-да, қўлларини аввал бир-бирига астагина уриб чапак, сўнгра шиддат билан уриб, қарсақ чалиб юборибди. Буни кўрган одамлар бўлса енгил тин олиб, ноёб иқтидор эгасини беҳад даражада олқишлай бошлабдилар. Шоҳ эса шундай дебди:

– Бу даражадаги соҳирқўл кишига шоҳона тўн берилсин!
Подшоҳликнинг хазинасидан унга фалон тилло ҳадя этилсин!

Ҳалиги одамнинг обрў-эътибори баттар ошиб, шоҳга қуллук қилибди. Табиийки, шоҳона инъомларни ҳам бажонидил қабул қилибди. Шоҳ саройига уни бошлаб келган хос кишилар ҳам энди қаддини баланд кўтариб, ўзларича ғоздек керилиб турибдилар.

Орадан бироз вақт ўтгач, шу чокқача жим ўтирган доно шоҳ кутилмаган шашт билан ўрнидан турибди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини жиддий кузатиб турган сарой аҳли шоҳнинг юзидан энди қувноқликни эмас, сабаби номаълум бир қаҳрни кўрибди. Бу ҳолат изоҳини сўрашга эса ҳеч кимнинг журъати етмабди.

Шунда шоҳ ҳамма кишиларни ҳайрон ва ҳайратда қолдириб «Жаллод!» дея наъра тортибди. Чақирилган заҳотиёқ хос хонага аста кириб келган жаллодга шоҳ қаҳр-ғазаб ила амр этибди:

– Мана бу одамга ҳозирнинг ўзидаёқ қирқ дарра ургин!

Жаллод зудлик билан ишига киришиб кетибди ҳамда сарой аҳлининг кўз ўнгида ҳозиргина қувониб, шон-шухратга кўмилиб ўтирган чапдаст одам қадди дол бўлиб, ночор ва нотавон ҳолатга кирибди. У «вой-вой»лаб камалак қаби икки букилиб қолибди.

Шундан кейин шоҳ ҳаммага жавоб, деган маънода бошини эгиб, ниҳоятда ўйчан ҳолда ўзининг хобгоҳи сари йўл олибди.

...Эртасига бўлса шоҳнинг энг яқин дўсти бўлган доно вазир подшоҳдан кечаги аввал шодон, сўнгра кайфияти бузилган ҳолда қабул қилган қарорлари сабабини изоҳлаб беришини мулойимлик билан сўрабди. Шоҳ бўлса ўз вазирига шундай жавоб берибди:

– У одамнинг кўрсатган ҳунарини ҳеч ким адо эта олмайди. Унинг бу қадар чаққон ва мерганлигига эса қойил қолмасдан асло илож йўқ. У бажарган ишни ҳеч ким бажара олмайди. Тўну тилло ҳадя қилишимнинг сабабиям шу! Бироқ, унинг бу ҳунаридан эл-юртга ҳеч қанақа фойда йўқ. Фақатгина оми, бекорчи ва содда одамларнинг оғзи ланг очилиб, унинг бу ҳунарини томоша қилиш илинжида ўзларининг юмуши ва ибодатидан чалғиб қоладилар...

Ўзбекистон Санъат арбоби Иброҳим Ғафуров шундай ёзган эдилар: «Одам бўлганидан кейин ақлиям расо бўлса дейсиз. Одам ақли расоларни соғинади. Ақли расолик эса табиий ва тарбиявий бўлади. Қонунларга, ахлоқий меъёрларга риоя қилиб яшаш ақли расоликнинг бир белгисидир. Яшаш ва ўз фаолияти учун беҳад зарур қонунларнинг меъёрларини билиш тўғри ва соғлом турмуш

кечиришда заруратга айланиб қолди. Қонунлардан беҳабар яшаш кўзни маҳкам бойлаб ҳозирги замоннинг серҳаракат кўчаларида юриш билан баробар. Бунда одам кўп туртинади, суринади, балки ҳалокатга учрайди, ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам катта зиён-заҳмат етказди, заволга ҳам сабаб бўлади. «Хукукий маданият» менга бироз баландпарвоз тушунча бўлиб кўринади. Унинг беҳад теранлигини бўлса биз ҳали тўлароқ ўзлаштириб, тасаввуримизга сиғдирганимизча йўқ. Хукукий маданият – қонунларни билиш ва уларга ўз амалиётида риоя қилишнинг ўзигина эмас. Бу аввало ўз ҳақ-хуқукларини таниб олиш ва ҳақ-хуқукларнинг амалда намоён бўлиши ва самара бериши учун ҳаракат қилишдир. Ҳақ-хуқуқини танимаган, билмаган одамдан нимани кутиб бўлади. Фақат беҳад содда одамларгина: «Э, қонунларнинг ҳаммасини ўрганиб, унинг охирига етиб бўлармиди, ўттиз тўрт миллион аҳолининг ҳаммаси қонунларни билиши шартми? Худонинг етказганига қараб, шукр қилиб яшайвергин-да», деб ўғит қиладилар. Ҳолбуки, эндиликда оми, содда одамнинг араваси лойга ботиб ётаверади. Соддалиқда ижобийлик ҳам қолмади. Соддалиқ ҳамма ҳаётий кадриятларни буткул бой бериш, ютқазिश ва орқага сурилиб кетавериш билан баробар бир нарсага айланди. Хукукий маданиятнинг йўқлиги ё унинг заифлиги эса тушқунлик, бўшанглик, қўрқоқлик, оғзидаги нонини олдириб қўйишга олиб келади. Бўшанг одамнинг ризқини ваҳшийлар талаб ейдилар. Ваҳшийларнинг талончилигига сираям йўл қўймаслик – мана шу хукукий маданият. Акс ҳолда у йўқ».

Ҳаётимизда учрайдиган турли-туман кўриниш ва шаклдаги адолатсизликлар, экстремизм, ўғрилиқ, порахўрлик, тамагирлик сингари қатор салбий иллатлар, жиноятларни барча эзгу ниятли кишилар бетиним тарзда қоралайди ҳамда уларга қарши самарали кураш бўйича ўзининг ўзига хос муносабатини ҳам билдиради. Бу фикр-мулоҳазаларнинг энг кўп тарқалгани эса қўйидагилар:

- ахлоқий тарбия ўзининг изидан сал четроққа чиқиб кетган;
- мактабда таълим-тарбия унчалик яхши йўлга қўйилмаган;
- оилада ота-оналарнинг ўзлари бола тарбиясини бузадилар;
- ота-оналарнинг ўзлари, тирикчилик юмушлари билан банд бўлиб, тарбия иши билан жиддий равишда шуғулланмайдилар;
- маҳалла, жамоатчилик ҳам иллатларга лоқайд ва бепарво;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам ҳозирча, улардан талаб қилингани даражасида, самарали равишда ишлай олмаяпти;
– раҳбарлар фаолиятида эса жиддий камчиликлар мавжуд...

Майли, бу фикрларнинг ҳаммасини ҳам тўппа-тўғри дейлик. Бирок, бу ўринда табиий савол ҳам туғилади-да: ахир, буларнинг барчаси кўпроқ, йўл қўйилган хатоликлар туфайли келиб чиққан оқибатлар бўлиб, мавжуд муаммоларнинг асл сабаблари хусусида бўлса тайинли ва асослироқ бирон-бир нарса дейилмаётир-ку?!

Юқорида келтирилган барча фикр-мулоҳазаларнинг тубида ётган асосий сабабни битта атама билан ифодалаш мумкин. У ҳам бўлса – манфаат, аниқроғи эса «манфаат жаноби олийларидир».

Айнан манфаат орқали бутун одамзоднинг ва ҳар бир инсон хатти-ҳаракатларини тушуниш, англашга бемалол қалитни топса бўлади. Аммо, бу ишнинг ўзи ҳам унчалик осон эмас-да. Негаки, манфаатнинг ўзи ҳам турли хил бўлади. Нафақат шу кун нуқтаи назаридан, шу билан бирга, тарихан ҳам. Бирок, манфаат барча шаклларининг моҳияти, мазмуни бита, ягона – ҳар бир инсон ва ижтимоий гуруҳ учун ҳаётий фаолиятнинг туб негизи, чинакам ҳаракатлантирувчи кучи (мотори, двигатели) бўлишдан иборат.

Хўш, манфаатнинг ўзи ҳамда унинг хилма-хиллиги асосида нима ётади? Ҳар қандай жамиятдаги ҳукмрон иктисодий, аввало, мулкӣ муносабатлар, уларнинг тарихий вужудга келган турли хилдаги шакллари ва инсон эҳтиёжлари кўламининг кенглиги...

Қонун эҳтирослар устидан ҳукмронлик қилган давлатдагина эркинлик бўлади. Давлатнинг ўзи ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўндан-кўп одамларнинг йиғиндисидир. Зеро, қонун ижтимоий адолат учун асосий заминдир. Ижтимоий адолат эса ўз навбатида ижтимоий барқарорлик учун асос бўлади. Одамлар томонидан амалга ошириладиган бари буюк ишлар адолатли деб тушунилса, жамиятдаги ижтимоий бирдамлик ҳамда муроса ҳам шунчалик даражада мустақкамроқ бўлади. Ва аксинча, одамлар ўзларини янгиланишлардан реал наф кўрмаётган деб ҳис этгудек бўлсалар, жамиятдан ҳам шунчалик бегоналашиб бораверадилар. Бунга йўл қўймасликнинг энг асосий йўли бўлса – қонун устуворлигидадир.

• ФАРҒОНА ЭТНИК ТАРИХИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек халқ этногенези ва этник тарихини ўрганиш тарих фанининг ниҳоятда мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳозирги замоннинг муҳим муаммоларидан бири ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ўзбек халқининг этномаданий жиҳатдан тикланиши шароитида унинг миллий ўзлигини англашни кучайтириш учун теранроқ тарихий билим ва тарихий жараённинг этник ранг-баранглигида халқнинг ўз муносиб ўрнини аниқ-равшан идрок этилиши катта аҳамиятга эга. Ана шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти фикрича, «ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг ҳолисона тарихини қайтадан яратиш, анъаналари, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда». Ҳар бир инсон ўзининг этник тарихини теран тарзда билишни истайди. Халқ мустақилликка эришган ва ўз давлатини мустаҳкамроқ қуришга киришган даврда ўзининг илдизлари, этник аجدодларини билишга интилиши кучайди. Шу боисдан ҳам этник тарихга бағишланган сифат жиҳатидан юқори илмий хулосаларга асосланган тадқиқотларни яратиш зарурлиги ҳам кун тартибидоғи долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Халқ этногенезини, яъни унинг келиб чиқишини ёритиш, ҳолисона хулосалар чиқариш жараёни жамоавий меҳнатни талаб қилади. Бу мураккаб жараёни аниқлашда археология, этнология, тарихий антропология ва тарих фанларининг маълумотларидан фойдаланиш зарур бўлади. Этник тарихни яхши ўрганмай туриб, халқ тарихни яхши билиш қийин, чунки бундай вазиятда даврлар, ижтимоий босқичларини белгилашда беихтиёр тахминларга йўл бериб қўйилиши ҳам мумкин. Халқнинг келиб чиқишини, унинг ким эканлигини, қайси ирмоқлардан пайдо бўлган дарёлигини, у жилғалар қайси бир тоғлардан оқиб келганлигини яхши билмай

туриб, дарёнинг қай манзил сари оқиб боришини аниқлаш, унинг келажагига умид боғлаш ҳам анча мушкул масала ҳисобланади.

1962 йил Москвада «Жаҳон халқлари» туркумида босилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари» номли илмий, методологик асарнинг 1- жилдида («Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи» бўлимида) концептуал қараш илгари сурилган эди. Унда ҳозирга қадар ўзига хос асос сифатида хизмат қилаётган хулоса берилган: «тарихнинг илк босқичлариданоқ суғорма деҳқончилик билан қадимдан шуғулланиб келган эроний тилли маҳаллий аҳолининг маълум қисми Зарафшон, Фарғона, Чоч ҳамда Мовароуннахрнинг воҳаларига ва дашт-сахроларига ҳамда қадимги Хоразмга кириб келган туркий қабилалар билан неча асрлар давомида аралашиб яшашлари натижасида тил жиҳатидан туркийлашган янги этнос шаклланди. Ўз навбатида бўлса, туркий қабилалар эроний тилли халқларнинг маданий таъсиридан ҳам баҳраманд бўлиб, улардан хўжалик юритиш усулларини ва деҳқончилик сирларини ўрганиб олдилар. X – XII асрлар этник аралашув ва турклашиш жараёни энг жадаллашган вақт бўлиб, айнан шу асрларда икки азим дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ҳамда унинг теварак-атрофларида туркийзабон ўзбек халқининг асосий ўтроқ ўзағи шаклланди. Кейинчалик бу халқ (этнос) ўзбек этник номини қабул қилган». Бу концептуал қараш Ўрта Осиё халқлари этногенезининг асосий илмий тезисига айланиб, минтақа халқларининг ўтмиш тарихига бағишлаб ёзилган қатор фундаментал асарларда ўз аксини топган.

Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон халқларининг келиб чиқиши муаммолари ечимига назарий ва илмий методологик асос берган илмий ишланма этнология фанида «миллий автохтонизм» деган номни олган. Бу янги назариянинг концептуал асосини эса Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи «ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир» (А. Ю. Якубовский), «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам энг қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли туб халқлар ва теварак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар турли нисбатда ўз аксини топган» (С. П. Толстов), деган ғоялар ташкил этади. Ушбу концептуал назария Шўролар даврида қизил империя таркибида миллий республикаларнинг ташкил этилиши

ва миллий тилларнинг таркиб топишига хизмат қилди. Шу билан бирга, концепция «пантуркизм», «панэронизм», «панисломизм»га қарши Совет тузуми идеологиясининг кучли химоясида бўлган.

Ана шу концепция илмий ва методологик жиҳатдан асосли бўлишига қарамадан, туркий халқлар туркий илдизини эса Ўрта Осиёдан ташқаридан излашга қаратилган ва туркий халқларни фақат кўчманчи этнос сифатида таърифлашга хизмат қилган эди. Концепцияда «халқ» атамаси билан «миллат» истилоҳига бўлган талаблар масаласи ва миллатга хос менталитетнинг шаклланиш даври муаммоси, қадимги халқларнинг табиий-географик шароит ва экологик вазиятга мослашиб хўжалик юритиш анъаналари ҳам ҳисобга олинмаган эди. Бунинг натижасида эса, илм-фанда баъзи бир англашилмовчиликлар ҳам туғилдики, буларга биноан, Ўрта Осиёнинг туркий қабилалари «кўчманчи» ва «келгинди», «Ўзбек халқи ҳамда миллатининг шаклланишида минтақанинг қадимий эроний тилли қабила ва қавмлари қатнашмаган», деган нотўғри тасаввурлар туғилиб қолишига ҳам кенг йўл очиб берилган эди.

Этнология фанидаги миллий автохтонизм концепциясига кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиши тарихи 3 босқичдан иборат. Биринчи босқичда этномаданий яқинлашиш, аралашуш ва этник қоришув, яъни этногенетик жараёнлар кечади. Ўзбек ва тожик халқларининг этногенези, академик А. Асқаров фикрига биноан, сўнгги бронза давридан бошланиб, токи ривожланган ўрта асрлар жамиятининг X – XII асрларигача давом этган. Иккинчи босқич, элат-халқ тарихи, яъни халқ этногенези якунланиб бўлгач, унинг шаклланган халқ тарихи бошланади. Ўзбекларнинг этник тарихи этногенез сингари узоқ давом этган жараён бўлиб, бу жараён XIX асрнинг охири – XX аср бошларига қадар давом этиб келган эди.

Учинчи, ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири – XX аср ибтидосидан бошланган, ҳозирга қадар давом этмоқда, у ўзининг поёнига ҳали етиб келмади, десагам, унча хато бўлмас...

Этногенез, этник тарих ва миллат тарихининг ҳар бирини алоҳида олганда, уларнинг бошланғич ва якуний нукталари бор. Шунинг учун этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда, ўрганилаётган халқнинг этногенезини аниқлаб олмоғи шарт бўлади. Чунки этнос фақат кишилиқ тараққиётининг

маълум бир боскичида пайдо бўлади. Этногенезнинг бошланғич нуктаси эса ҳар бир этноснинг қадим замонларда «яшаган эмас» асли, бор-йўғи кунини кечирган «аждодларига» бориб тақалади...

Фанда ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини қайси бир даврдан бошлаш кераклиги ҳақида ҳозирча умумий фикр мавжуд эмас. Бир қатор олимлар этногенезни ёзма манбаларда халқ номи (этноними) дастлаб тилга олинган даврдан бошланганини маъқул деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ вакиллари эса бу жараёни мумкин қадар қадимий даврлардан бошлашни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Марказий Осиё халқларининг этник тарихи ва этногенези муаммоси кўп йиллар мобайнида тарихчи, археолог, шарқшунос ва ижтимоий фанлар соҳасидаги бошқа мутахассис олимларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган ва ханузга қадар беҳад долзарблигича қолмоқда. Бу борада талай ишлар амалга оширилган, аммо яқин даврга қадар бу катта минтақада яшаётган биронта халқ этник тарихини ва этногенезини мукаммал ёритган йирикроқ илмий асар ёзилмаган эди. Ўзбекнинг биринчи элшунос академиги Карим Шониёзов ўз умрининг поёнида яратган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» монографияси Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон минтақасида мазкур мавзудаги илк жиддий тадқиқот ҳисобланади. Унда Фарғона водийси этник тарихига доир ғоятда муҳим маълумотлар келтирилган, шу пайтга қадар баҳсли бўлган баъзи бир муаммоларга анча-мунча ойдинлик ҳам киритилганди.

Ана шу ажойиб асар билан бир қаторда ЎзР ФА академиги Аҳмадали Асқаров қаламига мансуб «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» (Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2015 – 672 б.) номли беҳад муҳим китобни ҳам алоҳида қайд этмоғимиз даркор...

Фарғона водийси ўзининг табиий-географик ҳолатига кўра бошқа минтақаларда содир бўлган айрим бир сиёсий воқеалардан маълум даражада четда қолган бўлса-да, умуман олганда, унинг этник тарихини Марказий Осиёда кечган жараёнлардан ажратиб бўлмайди. Яхши биласизки Фарғона водийси Марказий Осиёнинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудуди ўзаро кесишган, учта давлат геополитик манфаатлари майдонида муҳим аҳамият касб этадиган ўзига хос бир макон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Андижон, Фарғона ва Наманган, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Боткен ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятларини ўз ичига олган, 220 минг кв.км. майдонни эгаллаган ушбу водийда 60дан зиёд этнослар истиқомат қилади. Мазкур ҳудуд этник муносабатлардаги кескинлик эса анча юкори эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисданам халқаро экстремистик ва ақидапарастлик кучлари узоқ йиллар мобайнида водийга суқилиб киришга ҳамда ёвуз мақсадлари йўлида ҳар хил этносларни бир-бирига қарши қўйишга уриниб келмоқдалар. Ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи ҳамда стратегик, энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фарғона водийси Марказий Осиёнинг энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти ривож топган ўлкалардан биридир. XX аср 80- йиллардан бу ерда жойлашган Селунгур ғоридан қадимги тош асри даврига доир нодир археологик материаллар, жумладан одам суяги қолдиқлари топилиши нафақат Ўзбекистон, шу билан бирга, Марказий Осиё халқлари учун ҳам жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлганди. Зеро, бу тарихий кашфиётга қадар тарих фанида «Ўрта Осиёнинг энг қадимги аҳолиси Олд Осиёдан кўчиб келган, бу ерда инсоният тарихи 80 – 100 минг йилдан қадимий эмас», каби ғайриилмий қарашларам мавжуд эди. Ўткир Исломов раҳбарлигидаги бир гуруҳ археологлар томонидан 1980 – 1988 йиллар мобайнида эса Жанубий Фарғонада жойлашган Селунгур ғоридан излаб топилган археологик материалларнинг синчиклаб ўрганилиши натижасида бу ерда илк аجدодларимиз бундан 1,2 миллион йил муқаддам истиқомат қилганликлари ва улар ушбу ўлканинг туб жой аҳолиси эканлиги тўла-тўқис исботини топди.

Фарғона водийсидан топиб ўрганилган ушбу археологик материалалар шак-шубҳасиз қимматли илмий аҳамиятга эга, улар бизга қадимги аجدодларимизнинг турмуш тарзи ҳамда маданияти ҳақида яққол гувоҳлик беради. Бироқ, ўша қадимги даврларда бу ўлкада қандай халқлар яшаган, улар қандай тилда сўзлашганлар ва шу каби бошқа саволларга археологик материаллардан жавоб топиш анчагина мушкул эканлигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши

биласиз. Бунақа ҳолда эса, ўша материалларга қўшимча равишда, ёзма манбаларга ҳам муурожаат этиш мақсадга мувофиқ, бўлади.

Ўзингизга ҳам маълумки, Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақидаги маълумотлар асосан «Авесто», Юнон – Рим, Эрон ва Хитой ёзма манбаларида ханузга қадар сақланиб қолган. Бироқ, бу ёзма манбаларда Фарғона ўлкаси, унинг қадимги даврлардаги аҳолиси ҳақидаги маълумотлар жуда кам учрайди. Бунга Фарғона водийси ерлари Эрон Аҳмонийлари ва македониялик Искандар қўшинлари томонидан истило этила олмаганлиги сабаб бўлган.

Н. Горбунова фикрича, Фарғона водийсининг энг қадимги аҳолиси ҳозирги ўзбек ва тожик халқларининг кўхна аجدодлари бўлмиш туркий ҳамда эроний қабилалар бўлиб мил. авв. VII – II асрларда уларнинг асосий қисми туркий-сақларга тўғри келарди. Помирнинг тоғли туманларида ва Фарғонада сака-хаумаварка деб аталган сақлар яшаб келишган. Антик муаллифлар фақат Ғарбий Фарғона худудлари, то Хўжа Боқиргон дарёсигача бўлган худуд ҳақидагина айрим бир маълумотларга эга бўлиб, бу худудларни ҳам «Сўғдиёна ерлари», бошқа барча «Яксарт орти»даги Фарғона водийси эса «Сақлар мамлакати», бўлиб у ерда «қандайдир ўтрок, ёввойи варварлар яшайди», деб ўзларича ҳисоблаган эдилар.

Тўғриси, қадимги юнон тарихчиси, «тарих отаси» Геродот Аҳмонийлар салтанатининг сатрапликлари ҳақида ёзган пайтида «париканлар» деб номланган халқни эсга олган эди. Бироқ, илмий адабиётларда Геродот элаган «париканлар» Фарғона аҳолисига (жумладан, Фарғона номи келиб чиқишига) қанчалик алоқаси бор ёки йўқлиги ҳақида ҳозирча ягона бир илмий фикрга келинмаган.

Геродотнинг «Тарих» асарида тилга олинган «париканлар» айнан ҳозирги Фарғона водийсида яшаганлар, деган фикрни илк бора 1910 йилда немис олими Э. Херцфельд илгари сурган эди. Кейинчалик эса ушбу ғояни К. В. Тревер, А. Н. Бернштам, Ю. А. Заднепровский каби тадқиқотчилар қўллаб-қувватлаган эдилар.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар, жумладан И. М. Дьяконов ҳамда В. М. Массон ушбу фикрга қарши чиқиб, «париканлар» Фарғонада эмас, аслида Мидия ва Эқбатанияда яшаганлар, деган ғояни илгари сурганлар. И. М. Дьяконов «париканлар» дейилган чоғда ҳозирги Эроннинг орийларга қадар бўлган аҳолиси назарда

тутилган ва шу сабабдан ҳам бу номни фақат Фарғонага боғлаб қўйиш унчалик даражада ҳам тўғри эмас, деб таъкидлаган эди.

Айни вақтда этнологлар Н. Г. Маллицкий ва М. С. Андреев «Фарғона» сўзининг этимологияси, яъни келиб чиқишини тадқиқ этиб, бу сўз маҳаллий аҳоли томонидан «Парғона» деб талаффуз қилинишига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Тожикистоннинг Рушон аҳолиси лаҳжасида «Фарғона» – «текислик жой ёки фақат бир томони очик, қолган томони тоғ билан ўралган водий» деган маънони англатади. Язғулом лаҳжасидаги «барғона» атамаси ҳам худди шундай, «атрофи ўралган водий»ни билдиради. Бу хусусда китобнинг дастлабки саҳифаларидаёқ маълумотга эга бўлгансиз.

Гарчи ҳозиргача «Фарғона» атамасининг келиб чиқиши ва маъно-мазмуни тўла ҳал этилмаган бўлсада, илмий адабиётларда мутахассислар тарафидан «қадим Фарғона» аҳолисига нисбатан «париканлар» деган этноним ҳанузга қадар қўлланиб келмоқда.

Юқоридаям қайд этилганидек, қадимги Фарғона худудида турли сак қабилалари яшаганлар. Бирок, айрим тадқиқотчилар бу фикргаям эътироз билдирадилар. Хусусан, Ю. А. Заднепровский ёзма манбаларда юқорида келтирилган фикрни тўла тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги боис, «Сак қабилаларининг Фарғона худудида яшаганликлари ҳақидаги масала ҳозирча очик қолади», деб ёзган эди. Б. А. Литвинский эса аксинча, ўша даврда Фарғона худудида яшаб келган сак қабилалари сака-хаумаварка қабила бирлигига кирган, милоддан аввалги VI – IV асрларга оид Қайроққум манзилгоҳлари уларга тегишлилигини таъкидлаганди.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Сирдарёнинг чап томонида «эгли» деб номланувчи халқ яшаган. Улар сўғдий қабилаларидан бири бўлиб, асосий қисми ҳозирги Тожикистоннинг Сўғд вилоятида жойлашганди. Бундан ташқари, маълумотларга кўра, қадим замонларда Сирдарё бўйлаб Фарғона Ғарбий ерларига яқинроқ жойларида ҳамда Тошкент воҳасида обий скифлари ёхуд аласиаклар («сув скифлари») яшаган эдилар.

Милоддан аввалги II асрнинг 2- ярмида Жунғория, Тянь-Шань тоғлари ғарбий қисми ва Шарқий Туркистонни эгаллаган, тарихга «усун» этноними билан кирган қабилаларнинг баъзи бир қисми аста-секин Фарғонанинг тоғлик худудларига кириб келиб

жойлашган эдилар. Усунлар этногенези хусусида ҳозирча яқдил илмий фикр мавжудмас. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар уларни туркий тилда сўзлашувчи халқ бўлган эди, деб ҳисоблайдилар.

Академик К. Шониёзов ушбу фикрга қўшилиб, «бу хулоса ҳақиқатга яқинроқ, албатта, чунки, усунларнинг илк аجدодлари туркий тилда сўзлашувчи хунларнинг ичида шаклланган бўлиб, улар эрон тилидаги халқлар туркумига кирмаган», деб ёзган эди.

Юқорида номлари алоҳида қайд этилган этник бирикмалар (париканлар, саклар, эгиллар, обийлар, усунлар...) Фарғонанинг қадимги этник таркиби асосини ташкил этгандилар. Улар орасида Фарғонанинг текислик қисмида яшаган париканлар энг кўп сонли эдилар. Айнан, кўчманчиликдан аста ўтроқ ҳолда яшашга ўтган париканлар қадимги Даван (Фарғона) давлатига асос солганлар.

Биз қадимги Даван давлати ва унинг аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни асосан Хитой ёзма манбалари асосида ўрганамиз ва сиз ҳам у хусусда ўзингизга етарли тарзда маълумотга эгасиз.

Фарғона – Хитой муносабатлари қачондан бошланганлиги ҳақида барчамизни баробар қониктирадиган аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бу муносабатлар жуда ҳам қадимдан бошланган бўлиши керак. Сабаби, тадқиқотларда милоддан аввалги IV – III минг йилликларда чўл ҳамда дашт атрофида вужудга келган маданият Ўрта Осиё, Қозоғистон, Мўғулистонда ҳамда Шимолий Хитойда умумий бирликка эга бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Худди шунингдек, Туркменистон ва Ўзбекистон жанубидан топилган турли рангли сопол буюмларнинг «Янгшов маданияти» даврида Хитойда пайдо бўлганлиги кўрсатилади. Хитой тадқиқотчилари «Янгшов маданияти» ўчоқларининг ШУМУ (Шинжонг Уйғур Мухтор Ўлкаси), Гансу, Чингхай, Шанши, Шимолий Ўрта Хитой текислигига тарқалганлигини таъкидлайдилар. Демак, 5 – 6 минг йиллар муқаддам умумий маданиятга эга бўлган ҳар хил халқлар ўзаро муносабатларида эса фарғоналикларнинг ҳам фаол равишда иштирок этганлиги муқаррардир. Чунки, хитой манбаларида Ўрта осийликлар, жумладан, фарғоналикларнинг милоддан аввалги II асрда жудаям моҳир савдогар, молнинг нархи устида бир-бирига гап бермай, тортишадиган кишилар экани алоҳида таъкидланган. Шунинг учун ҳам фарғоналиклар қадимдан савдогарчилик билан

шуғулланганлиги сабабли Хитойга бориб савдо-сотик ишларини олиб борганлар. Бу далил Фарғона – Хитой муносабатларининг қадимдан бошланганлигига асосдир. Фарғоналиклар Хитойга, ва хусусан, Хитойнинг шимолий ўлкаларига бориб келганликлари учун милoddан аввалги II асрда мазкур жойга оид маълумотга эга бўлганлар. Лекин, афсуски, ушбу маълумотлар бизга қадар етиб келмагани туфайли биз фақат хитойликлар берган маълумотлар асосидагина ўша даврни маълум даражада тасаввур эта оламиз.

Хитойликлар бўлса Фарғона ҳақида милoddан аввалги II асрда Хитой элчиси Жанг Чян саёхатидан кейин тўла маълумотга эга бўлган эдилар Хитой манбаларида Фарғона давлати хусусида дастлабки маълумот «24 тарих» асарининг биринчи жилди, Сима Чяннинг «Тарихий хотиралар» («Ши жи»)идан ва Жанг Чяннинг Хитой салтанатининг ҳоконига берган ахборотидан олинган.

Жанг Чян «Фарғона Хан (сулоласи)дан ўн минг ли (Ли – қадимда тахминан 0,5 км. бўлиб, ҳозирги даврда 576 метр деб қабул этилган) олисда бўлиб, хунларнинг ғарбий жанубига, Хан (сулоласи)нинг ғарбига тўғри келади. Фарғоналиклар авлоддан-авлодга ўтроқ ҳаёт кечириб келган экан. Улар дехқончилик билан машғул бўлиб, шоли, бугдой экар эканлар. Узум шароби чикарар экан. Фарғонада асл отлар кўп бўлиб, мазкур отларнинг ҳаммаси тулпор отлардан экан. Баданидан қизил тер томчилари (ялтираб) чиқиб турар экан. (Фарғонага) шаҳар, қалъа, уй-иморатлари бор, қатта-ю кичик 70дан кўпроқ шаҳар қарар экан. Бир неча юз минг аҳолиси ҳам мавжуд экан. Ушбу давлатнинг аскарлари бўлса ўқ-ёйдан фойдаланишга жуда ҳам моҳир бўлар экан.

Шимолда Қангқа (Канга, Қонқа, Канжут, Канг жой Kangju – Кан Цюй) – Марказий Осиёдаги қадимий хонликлардан бири. Хитой манбаларида «Канг жюй» қадимда «Қангқия» деб ўқилган. Бу «Араваликлар» маъносини билдирган), ғарбда Улуғюэчжилар, жануби ғарбида Бактрия шимолий шарқида Усун, шарқда Дандан ўйлик (Кемо хонлиги Марказий Осиёдаги қадимий хонликлардан бири), Удун (Удун (Хўтан) хонлиги Марказий Осиёдаги қадимий хонликларнинг (шаҳар хонликлари, яъни бекликларининг) бири) бор экан...» деб дастлабки хабарларидан бирини берган эди.

Хитой манбаларидан бўлмиш «Ханнома»да эса: «Фарғона давлати маркази Гуйшан. Шимоли томони Қангка, жанубий-ғарб тарафи Улуғюэжилар хонликлари билан туташиб кетган. Фарғона давлатининг ери, иклими, бойлиги ва урф-одатлари Улуғюэжилар ва Аршак (Аршак – Арсак, Парфия – хитойча Анши милод. авв. 250 йили саклар дахъюпатиси (хукмдори) сифатида Эронга босиб кирган. Аршак асос солган давлат (милод. авв. 250 милодий – 224 йиллари) унинг номи билан аталган) билан ўхшаш. Фарғонадан узум шароби чиқади. Бойлари 10 минг кубдан кўпроқ миқдорда шароб сақлайди. Шароб бир неча ўн йил турса-да, бузилмайди. Фарғоналик шаробхумор бўлади. Отлари беда ейди», – дейилган.

Мазкур маълумотлар Фарғона воҳасида деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланганлигини, савдо алоқалари узок ўтмишдан раванк топганлигинини ва кўхна замонлардаёқ мазкур макон «Ипак йўли»нинг жон томири бўлганлигини кўрсатади.

Фарғона водийси ўша даврда моддий маънавий маданияти тараққий этган минтақалардан бири эди. Аҳолисининг энг асосий машғулоти ўтроқ деҳқончилик бўлган. Хўжалигида чорвачилик, айниқса, йилқичилик ҳам ниҳоят даражада муҳим ўрин тутганди. Суғорма деҳқончилик Фарғона водийсида ривожланиб кетганди.

Қадимий Хитой муаррихларининг Фарғона зироатчилигига доир маълумотлари ва ҳисоботларини археологик далиллар ҳам исботлаб турибди. Қадим Фарғонада ўтроқ деҳқончилик тарихи илдизи бронза даврига бориб тақалади (Чует маданияти). Сўнги бронза ва илк темир даврида (мил. авв. VI – IV асрлар) бу жаннат монанд худудда 15та қадимги деҳқончилик воҳалари мавжуд эди.

Шу ўринда, битикларни ўқиғувчиларида қадимги Фарғона (Даван) аҳолиси ташқи кўриниши, яъни уларнинг антропологик қиёфаси қандай бўлган деган савол туғилиши ҳам табиий. Бундан 3 – 4 минг йил мукаддам Ўрта Осиё худудида яшаган қабилалар антропологик жиҳатдан европоид ирқига хос қиёфали бўлганлар. Тадқиқотчилар бир қатор муҳим антропологик белгилар асосида бу Ўрта Осиё европоид ирқини 2та катта – шимолий ва жанубий европоид гуруҳларига ажратиб ўрганганлар. Илмий адабиётларда шимолий европоид типи – «протоевропоид типи» ёки «андронов типи», жанубий европоид типи «ўрта денгиз», «хинд – афгон» ва

«ҳинд – ўрта денгиз типи» номлари билан ҳам маълум. Марказий Осиёда улар вакиллари бўлса бронза даврида кўшни жойлашган эдилар. Дунёга машхур антрополог Т. Хўжайовнинг аниқлашига кўра, бу икки йирик гуруҳнинг чегараси Устюрт, Жанубий Орол, Зарафшон ва Фарғона водийси орқали ўтган. Антик замонларда (мил. авв. VII – мил. V асрлар) ҳозирги ўзбеклар ва тожикларнинг қадим аجدодлари ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий-маданий ҳамда ҳатто, этногенетик алоқада бўлганлар. Натижада, улар жисмоний тузилишида ҳам ўхшашлик пайдо бўлганди. Антрополог олимлар фикрига кўра, ўзбек ва воҳа тожикларига хос «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланган эди. Бу антропологик тип фанда «Помир – Фарғона типи» деган ном билан ҳам юритилади. Ушбу қиёфадаги аҳоли мил. авв. I минг йиллик охирларида Сирдарё ўрта ҳамда қуйи оқимларига, Фарғона ҳамда Хоразм воҳаларига, Зарафшон водийсига ўз кўч-кўрони ҳамда оиласи кўчиб ўтган.

Илмий материаллар таҳлили шуни ҳам кўрсатадики, икки эра оралиғида Фарғона аҳолиси антропологик жиҳатдан Волга дарёсининг қуйи оқимларидан бошлаб, токи Шарқий Туркистон, Шарқий Қозоғистондан Амударёгача бўлган бепоён ҳудудларда яшовчи сарматлар, аланлар, тохарлар, кангарлар, усунлар, саклар, сўғдиёналиклар ва бактрияликлар билан ўзаро яқин бўлгандилар. Айниқса Тянь-Шань ва Етгисув аҳолиси бу жиҳатдан бир-бирига анча ўхшаш бўлган. Мана шу даврдаёқ Фарғона водийси аҳолиси қиёфасида мўғулий ирқнинг аломатлариям мавжуд эди. Тарихий манбаларда қайд этилишига биноан, «Даваннинг аҳолиси умуман кўзлари ичига ботган, қалин соқолли кишилар бўлганлар».

Энди қадим Фарғона аҳолисининг тили ва ёзуви ҳақидаги баъзи бир муҳим маълумотлар билан танишсак. Бу борада илмий изланишлар олиб борган Ю. А. Заднепровский «Бевосита қадим фарғоналикларнинг тили ҳақида бизнинг ихтиёримизда ҳозирча аниқ маълумот йўқ», деган фикр билдирган эди. Лекин, манбалар далолат беришича Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг аҳолиси бу даврда бир-бирига яқин тилда сўзлашганлар. Бу хусусда қадимги Хитой ёзма манбалари ҳам мавжуд. Бу манбаларга кўра Фарғона (Даван)дан токи ғарбга Аньси (Парфия) давлатига қадар бўлган ҳудудларда аҳоли бир-бирларининг сўзларини тушуна олганлар.

Милодий I асрга доир Бан Гунинг «Биринчи Хан сулоласининг тарихи» номли асарида ҳам худди шундай маълумотлар мавжуд.

Шу ўринда «бу тил ўзи қандай эди?» деган савол туғилиши табиий. Узоқ вақт мобайнида С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер сингари тадқиқотчилар антик даврда Марказий Осиё худудида яшаган халқларни эрон тилига мансуб этнослардир, деб таъкидлаб келгандилар. Бирок, шу билан бирга, биринчи ўзбек элшунос академиги Карим Шониёзовнинг фикрларига асосланиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, «Антик даврларда, унинг биринчи ярмида, Марказий Осиё минтақаларида туркийзабон этносларам яшаганлиги эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Қадимги Юнон ва Эрон муаллифлари эса уларни ҳам эрон тилли қабилаларга қўшиб сак, массагетлар деб қайд қилган бўлиши мумкин». Ушбу фикр тўла-тўқис маънода Фарғона водийсининг қадимги аҳолисига ҳам тааллуқли. Чунки, милоддан аввалги асрлардаёқ водийда усун ва айрим туркий қабилалар жойлашган эдилар. Ушбу туркий тилли турли-туман этнослар билан эроний (сўғдий тилида сўзлашувчи) қабилаларнинг ўртасидаги мавжуд алоқалар натижасида қадимий Фарғона халқининг ўзига хос лаҳжаси ҳамда ёзуви шаклланган. Кейинчалик бу худудга бошқа қатор туркий этносларнинг кўчиб келиши ва этнолингвистик ўзгаришларнинг оқибатида қадимдан яшаб келган аҳоли тил жиҳатидан ҳам тобора туркийлаша борган.

Тарихий маълумотларга биноан, мил. авв. 150 йили усун қабилалари Тянь-Шань – Тангритоғнинг этакларида ўрнашволган юечжи қабилаларига қаттиқ зарба берганлар. Бунинг оқибатида, юечжи қабилаларининг катта бир қисми ғарбга томон кўчишга мажбур бўлганлар. Қадимги Хитой манбаларига кўра, уларнинг ғарбга кўчиши Фарғона орқали юз берган. Шу боисдан ҳам водий маълум муддат мобайнида уларнинг қўл остида бўлганди. Лекин, юечжи қабилалари Фарғона водийсида узоқ қолиб кетмай, ғарбга томон силжишда давом этгандилар. Мил. авв. 140 – 129 йилларда Фарғона давлати орқали ўтиб кетган Да-юечжи (катта юечжи)лар Даха (Тоҳаристон)га бостириб кириб, бу худудни эгаллаганлар. Тоҳаристон ҳозирги Сурхондарё вилояти, Тожикистон, Шимолий Афғонистонни ўз ичига олганди. Юечжиларининг бу юришларида, хусусан, Юнон – Бактрия давлати емирилишида фарғоналиклар

хам фаол иштирок этгандилар. Милодий I асрга келиб юечжилар етакчиси Кужула Кадфиз Кушон давлатига асос солганди. Ушбу давлат кейинчалик кенгайиб, шимолда Шош, шарқда – Шарқий Туркистон, ғарбда – Эрон, жанубда – Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларни ҳам ўз ичига олган улкан қудратли салтанатга айланган. Фаргона ҳам беҳад қудратли Кушонлар ҳокимиятини тан олган, у билан доимий иқтисодий-маданий алоқада бўлса-да, амалда нисбатан мустақил худудлигича қолиб кетаверган эди.

Шуниям алоҳида таъкидлаш зарурки, ғарбга томон силжиб борган юечжиларнинг умумий сони тахминан 400 минг кишини ташкил этган. Бундай кўп сонли этноснинг айнан Фаргона орқали ўтиши бўлса, албатта, водий аҳолиси этник тарқибда ўз изини қолдирган. Маълум муддат мобайнида водийда жойлашиб олган юечжи қабилаларининг кичикроқ бир қисми Фарғонада қолиб, қисман ўтроқлашиб, шу ернинг халқларига аралашиб кетган.

Милодий II – IV асрлар мобайнида Марказий Осиё, хусусан Мовароуннаҳр худудларига Жанубий Сибир, Жунғория, Шарқий Туркистондан қатор қабилалар, жумладан хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар бола-чақалари ҳамда чорваси билан кўчиб келиб жойлаша бошлаган. IV – VI асрларда улар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этган эдилар.

Академик К. Шониёзовнинг фикрича, Фаргона водийсида турклашиш жараёни мил. авв. I асрда бошланган бўлиши керак. Айни шу даврда Фаргона водийсига усун ва хун қабилаларининг айрим гуруҳлари ҳам табиий ёки сиёсий сабабларга биноан келиб ўрнашган эдилар. Бу этник гуруҳлар ҳам милодий I – IV асрлар давомида (Фаргона худудида) сон жиҳатидан бирмунча кўпайган.

V – VI асрлар Марказий Осиё тарихида эфталийлар муҳим ўрин тутган, уларнинг келиб чиқиши ва тили хусусидаги илмий баҳслар ханузга қадар ҳам давом этиб келмоқда. Кейинги даврлар адабиётларида ҳам масала маълум даражада очик қолдирилган.

Мовароуннаҳрга келмасларидан олдин эфталийлар Олтой тоғларидан жанубда, Хўтондан ғарбда ва Бадахшоннинг тоғлик туманларида, шу билан бирга, Фарғонанинг айрим туманларида яшаган эдилар. Эфталийларга расмий жиҳатдангина тобе бўлган

Фарғона амалда конфедерациянинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзига хос алоҳида сиёсий мавқега эга бўлиб қолаверган эди.

Айрим тадқиқотчилар эса эфталийларни эрон – форс тилли халқлар бўлган (Б. Гофуров, Е. Неразик, Н. Пигулевская...) деган фикрни таъкидласалар, бошқалари уларнинг туркий эканлигини исботлашга уринадилар. Эфталийларни ғарбий хунлар, хионлар, кидарийлар, ва ҳатто, кушонлар деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд. Агарда эфталийлар хунларнинг таркибий қисми деб ҳисобланса, у ҳолатда улар ҳам туркий қавм ҳисобланади. Академик Карим Шониезов ҳам ишонч билан, «тарихий маълумотларни чуқурроқ таҳлил қилиб, эфталийларнинг этник тарихини хунлар билан ва уларнинг таркибида бўлган туркийзабон халқлар билан бевосита боғлиқ бўлган, деган хулосага келдик», деган фикрини ёзганди.

Қадимги Хитой манбаларида ҳам эфталийларнинг туркий тилли халқлар эканлиги, улар келиб чиқиши жиҳатдан эса юечжи ёхуд уйғур қабилаларига бориб тақалиши хусусида маълумотлар мавжуд. Византиялик тарихчи Прокопий (VI аср) ҳам эфталийлар Хун қабилаларининг авлодлари эканлиги, уларнинг таналари оқ эканлиги хусусида ёзганди. Тадқиқотчилар турли хил манбаларга таяниб, эфталийларни иккита гуруҳга – «оқ хионлар» ва «қизил хионлар»га ажратган эдилар. Фарғона водийсида эфталийларнинг «қизил хионлар» деб номланган катта гуруҳи жойлашиб қолган эди. Шуниям алоҳида таъкидлаш жоизки, эфталийларнинг асосий қисми кўчманчиликни ташлаб, турғун (ўтроқ) ҳолда яшаганлар.

VI аср ўрталарига келиб Олтой, Жанубий Сибир, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшовчи бир неча қабилаларнинг бирлашуви оқибатида туркий давлат уюшмаси – Турк хоқонлиги ташкил топганидан ўзингиз ҳам яхши бохабар бўлсангиз керак.

VI асрда Марказий Осиё Турк хоқонлиги таркибига кирган ва оқибатда, ушбу ҳудудда туркий қавмлар бошқаларга нисбатан кўпчиликни ташкил эта бошлаганди. Фарғонага асосан қарлуқлар кўчиб келганлар. Айни пайтда уларга қардош бўлган чигил, яғмо ва бошқа туркий тилли қабилалар ҳам шу жаннатмонанд ҳудудга келиб ўрнашган эдилар. VII – VIII асрлар мобайнида қарлуқлар Фарғона водийсида катта сиёсий нуфузга эга бўлганлар. Бу ҳудуд араблар томонидан қурол кучи билан истило этилганидан кейин

ҳам карлуқлар Норин ва Қорадарёнинг оралиғидаги ерларини ўз қўлларида сақлаб қолгандилар. 721 – 722 йилларда эса араблар таҳдиди, таъйиқидан қочишга мажбур бўлган сўғдчилар Фарғона водийсига кириб келган эдилар. Кейинроқ улар водийга бостириб кирган арабларнинг қирғинига дучор бўлиб қолгандилар. Қолган қисми бўлса маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетганди. Сўғдлар Турк хоқонлиги ташкил топишида ва унинг маъмурий жиҳатдан шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшганлар, сўғд тили Турк хоқонлигидаги расмий тиллардан бири сифатида узок вақтгача амалда бўлганлигини биз ёзмасак ҳам, ўзингиз биласиз.

Араблар истилоси даврига келиб Мовароуннаҳр худудига туркий элатларнинг катта-катта гуруҳларга бўлиниб кўчиб келиш жараёни анчагина секинлашган. Бироқ, араблар босқинига қадар кўчиб келиб ва ўрнашиб қолган туркий қабилаларнинг маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашуви ҳамда қоришиб кетуви жараёни давом этаверган. Бунинг натижасида эса маҳаллий аҳоли орасида туркий катлам тобора ўз мавқеини мустаҳкамлаб боравеганди.

Шу ўринда айнан сўғд ва туркийлар ўртасидаги муносабат масалага дахлдор бир далилга эътибор қаратсак. Турк хоқонлиги мағлубияти Чоч худудининг маълум даражада кенгайишига олиб келган. 748 йилда Ғарбий Еттисув тургашлари Талас хоқимияти доирасига киритилган. Таласнинг ўзи эса Чоч ҳукмдорига сиёсий жиҳатдан қарам бўлиб қолган эди. Шундан кейин Чоч ва Фарғона ўртасида зиддият ҳам кучая бошлаган. Фарғона шу пайтда Хитой кўшинларини кўмакка чорлаган бўлса, Чоч эса араблардан ёрдам сўраган. Бунинг натижасида, хитой лашкарлари 751 йил Таласда араб – чоч коалицияси томонидан буткул тор-мор қилинган эди.

Ҳозирга қадар водийда бир қанча кишлоқ, маҳалла ва этник гуруҳлар «араб» номи билан сақланиб қолган. Улар кейинроқ бу худудга келган арабларнинг авлодлари эдилар. Шу боисдан ҳам Фарғона водийси аҳолиси шаклланишида араблар ролини инкор қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Араб ва форсий тилли манбаларда қайд этилишича, туркий халқлар қайси худудларда яшамасинлар сўғдийлар ва уларнинг кейинги авлодларидан бири тожиклар ҳам ўша ерда яшаб келганлар. Шу боисдан ҳам Маҳмуд Қошғарий (XI аср) «Девону луғати-т-турк» асарида ўз замонида ниҳоятда кенг

тарқалиб кетган халқнинг мақолини мисол қилиб келтирган эди: «Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас», яъни, бош қалпоқсиз бўлмаганидек, туркий эл ҳам сўғдий халқисиз сира ҳам бўлмас.

IX – X асрларга доир манбалардаги маълумотларга биноан, Мовароуннахр вилоятларининг орасида энг кўп нуфус (аҳоли)ли худуд Фарғона водийси бўлган. Фарғонанинг пойтахти бу даврда Ахсикент (Фарғона) эди. Ўша пайтларда водийда турғун яшовчи аҳоли сонини 1,5 млн. деб тахмин қилишимиз мумкин. Кўчманчи ва ярим кўчманчиларни ҳам қўшилса, аҳоли сони тахминан 2 млн киши бўлиб чиқади. Мана шу даврда Фарғона водийси шарқида тоғли худудлар қарлуқлар хукмронлиги остида бўлганди. Қарлуқ (Қорахонлар) хукмронлиги Мовароуннахр худудида қарийб 200 йил давом этган. 1041 йилда иккига бўлинган давлатнинг шарқий қисмига Еттисув, Қашқар, Тароз, Шош ҳамда Фарғона кирганди.

Бу давр ўзбек элатининг шаклланишида навбатдаги муҳим тарихий босқич (IX – XII асрлар) бўлган. Қорахонийлар сулоласи даврида қарлуқ шеvasи асосида Қарлуқ давлати тили шаклланган. IX – X асрлардаёқ бу тил ўзининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари билан қадимги турк (Ўрхун – Энасой битиклари) тилидан бир мунча фарқ қилган эди ва кейинчалик ўзбек номини олган туркий элатнинг тили бўлиб қолган. Ушбу тилда IX – XIII асрларда Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси»), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асарлари ва Яссавий ҳикматлари битилган.

Туркий тилнинг шундай етакчи, юқори мавқега эришуви IX – X асрларда ўзбек аждодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этган эди. Ўзбек элати Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида (XI – XII асрлар) узил-кесил шаклланиб, ўзбек халқининг этник тарихи бошланган.

Тахминан 1137 йилда Фарғона водийсининг худудларига Қорахитойлар бостириб кирганлар. Натижада эса, XII асрнинг 30-йиллари охирларида Қорахонийлар давлатининг шарқий қисми, шу жумладан, Фарғона водийси ҳам Қорахитойлар қўлига ўтган. Қорахитойлар давлати емирилган пайтларда XIII аср ўрталарига қадар Фарғонада деярли мустақил давлат мавжуд эди. Ўзгандаям кичик давлат ўз фаолиятини давом эттирган. Мўғулларнинг улуғ

хони Мункэ шу пайтгача Или қарлуқларига итоат этмай келган Ўзган давлати ва Фарғонани мўғулларга қилган хизмати эвазига Арслонхон қарлуқ ўғлига инъом қилган. Фарғона қарлуқлари ўз этник хусусиятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар, улар кейинчалик ўзбек этносининг таркибига ҳам кириб кетгандилар. Фарғона водийсида мўғол, қорахитой ва хитой шаклидаги номлар ўзбек уруғи номида ва жой номларида, яъни топонимияда ханузга қадар сақланиб келаётганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

IX – X асрларга келиб элат сифатида шаклланиб бўлган ўзбек аجدодларининг этноними (этник номи) бўлмасаям, уларда ўзлигини англаш ҳиссиёти анча кучли бўлган. Шаклланган ўзбек этносининг асосини ўтроқ яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил этган. «Ўзбек», деган этноним бўлса XIV аср бошларида пайдо бўлган.

Ўзбек халқининг этник тарихида мўғул босқини тарихи ўта муҳим масалалардан биридир. Мўғуллар истилоси натижасида ташкил топган Чингизхон давлати жаҳонгир ҳаётлигидаёқ унинг ўз ворисларига ўзаро тақсимлаб берилганидан эса хабардорсиз.

Шарқий Туркистон, Етгисув, Мовароуннаҳр, Қобул, Балх, Бадахшон, Ғазна ҳамда Синд дарёсигача бўлган ҳудудлар унинг иккинчи ўғли Чигатой тасарруфига берилган. Натижада, бу улкан ҳудудда Чигатой улуси ташкил топганди. Чингизхон кўшинлари таркибида мўғуллар билан бирга турклар ва турклашган мўғуллар кўпчиликни ташкил этар эди. Мўғулларнинг айримлари эса ҳатто туркий тилини ўз она тили деб ҳисоблардилар. Бу туркийзабон қабилаларнинг юртимиз сарҳадига кириб келиши Мовароуннаҳр ҳамда унинг атрофидаги қатор ҳудудлар аҳолиси туркийлашиши жараёнида янги бир босқични бошлаб берган. Бу жараён кейинги асрларда ҳам давом этаверган. Ёзма тарихий манбаларга биноан, Дашти қипчоқ ўзбеклари кўчиб келгунларига қадар ҳам Фарғона водийси ҳудудида қарлуқ, яғмо, чигил, қовчин, жалоир, барлос, найман, хитой, минг, қангли, баҳрин, норин, тоғой, дуғлот, аргун, балиқчи сингари бир қатор туркий қабилалар яшаб келардилар.

Улкан ҳудудни забт этган мўғуллар XIV асрда қипчоқлар таъсирида тил жиҳатидан батамом турклашиб кетганлар. Шундай қилиб, XIII – XIV асрларда рўй берган ўзига хос этник жараён туфайли турк тилида сўзловчи турк-мўғул қоришмасидан ташкил

топган янги бир этнос вужудга келганди. Бу жуда қадимий этнос XIV – XV асрларда умумий бир ном билан «ўзбек» деб аталган.

Мовароуннаҳр худудларида истиқомат қилувчи турклашиб кетган мўғуллар ўзларини «чиғатой» деб номлаган эдилар. Улар XIV асрнинг ўрталарига келиб, ўзларининг она тилини батамом унутиб қўйиб, туркий тилда сўзлашар эдилар. Фарғона водийси аҳолисининг каттагина қисми ўзларини ўша пайтларда сарт деб атагандилар. Бу атама муқим яшовчи аҳолининг йигинди номи бўлган. Мовароуннаҳрда XIV – XV асрларда яшаган туркийзабон этносининг кўпчилиги шубҳасиз, муқим, ўтроқ яшовчи маҳаллий аҳоли ташкил этганди. Қайси ном билан аталишидан қатъи назар, булар аллақачон этник бирлик бўлиб шаклланган ва кейинчалик ўзбек номини олган халқ эди. Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбеклар XV асрнинг ўрталарига келиб, Сирдарё ўрта оқимида жойлашган Сифноқ, Саврон, Арқуқ, Ўзганд, Сузоқ сингари шаҳарларни ҳам жуда каттиқ жангу жадалларнинг оқибатида эгаллаб олгандилар.

Шу ўринда мўғул истилоси маҳаллий аҳоли антропологик қиёфасигаям қандай даражада таъсир этганлиги масаласига доир баъзи бир фикр-мулоҳазаларни билдирмоқ зарур. Яқин даврларга қадар илм-фанда мўғул истилоси Ўрта Осиё аҳолисининг ташқи қиёфасини, яъни антропологик қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган, деган фикр кенг тарқалган эди. Бироқ кейинги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ушбу фикрнинг ҳақиқатга унчалигам тўғри келмаслигини кўрсатмоқда. Таниқли антрополог олим Т. Хўжайов узоқ йиллик илмий изланишлари натижасида «...мўғуллар истилоси Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли даражадаги ўзгартириш кирита олмади. Ушбу худудларда яшаган маҳаллий аҳолининг антропологик қиёфаси ўзгармади ва ундаги мўғулий хусусиятлар кўлами аввалги даражада қолди», деган хулосага келганди. Ушбу илмий хулоса Фарғона водийси аҳолисига ҳам тегишли. Чунки, Фарғона водийси, ва айниқса, унинг шимолий худудларига XI аср охири ва XII аср мобайнида ўзида сезиларли даражада мўғулий хусусиятларни мужассамлаштирган қабилалар кела бошлаганди. Хуллас, мўғулларнинг истилоси, ундан кейинги даврларда водий

ахолисининг ташки қиёфасида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган, лекин, этник таркиб кўчиб келувчилар ҳисобига янада бойиган.

XV – XVI асрларда Шайбонийлар билан бирга ўнлаб турли этнослар Фарғона водийси ҳудудларига кириб келгандилар. Улар қадимдан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида, хусусан, ғарбий Қозоғистон, Тобольск, Тура ҳамда Тюмен ҳудудларида турмуш ташвишлари туфайли кўчиб юрган турк – мўғул қабилалари эди. XV асрнинг 20- йилларидан бошлаб эса Дашти Қипчоқни эгаллаб олган Абулхайрхон «Кўчманчи ўзбеклар давлати»га асос солган.

Шайбонийхон Абулхайрхоннинг набираси эди. Бу ҳудудга даштиқипчоқ ўзбекларининг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида кўчиб келмаган. Уларнинг айримлари XVI аср давомида ва ундан ҳам кейинроқ келгандилар. Водийга қўнғирот, кенагас, манғит, сарой, юз, қипчоқ каби қабилалар келиб жойлашганлар. Улар ўзларидан аввалроқ водийга кўчиб келиб жойлашиб қолган қабиладошлари билан тез алоқага киришиб, жадал ўтроқлаша бошлаган эдилар.

Дашти Қипчоқдан келган ўзбекларнинг Фарғона водийси бўйлаб ўтроқлашиши ҳам бир хил кечмаган. Бу жараён, айниқса, водийнинг ўрта ва шарқий қисмларида – Марғилон, Андижон, Аравон, Ўш оралиғида жадалроқ равишда кечган. Бунинг сабаби ҳам мана шунда эдики, водийнинг ғарбий қисмида аҳоли зичроқ жойлашган бўлиб, бу ҳудуд Дашти Қипчоқ ўзбеклари келгунига қадар аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинганди. Бундан ташқари водийнинг шарқий қисми ўзбек уруғларининг доимий яшашлари учун етарли даражада табиий қулайликларга эга бўлганди. Дашти Қипчоқ ўзбекларининг кўчманчиликдан муқим ва ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёни Наманган, Чортоқ, Навкент, Пешқўрғон, Паромон оралиғидаги ҳудудларда ҳам муваффақиятли бўлганди.

XVI асрда Тянь-Шань ҳудудидан қирғизларнинг Фарғонага кириш учун дастлабки хатти-ҳаракатлари бошланган. Уларнинг водийга кейинги икки марта кўчиши қалмоқ (уйрот)лар сиқуви оқибатида XVII ва XVIII асрларда рўй берганди. Қирғизларнинг Фарғона водийсига кириб келиши XX асрга қадар жадал кечган. Бу давр мобайнида Еттисув, Авлиё Ота, Талас, Қашқар, Олой ва Қоратегиндан кўплаб қирғиз уруғлари Фарғона водийсига келиб жойлашганлар. Кўчиб келган уруғларнинг аксарияти қисми эса ўз

чорвалари учун янги яйловлар излаб, бутун водий бўйлаб асосан тоғолди ва адир якинларига айнан уруғчилик тамойили асосида жойлашганлар. Кўчиб келган қирғизларнинг бир қисми кейинроқ ўзлари аввалдан яшаб келган жойларга қайтиб кетганлар. Қолган қисмининг авлодлари бўлса ҳозирга қадар водийда яшамокдалар.

XV – XVI асрлардаёқ Фарғона водийси ҳудудига Шимолий Тожикистоннинг тоғлик ҳудудларидан, хусусан Матчоҳ, Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб ва Ҳисордан тожикларнинг ҳам кўчиб келиши кузатилган. Тоғлик тожикларнинг водийга кўчиб келиш жараёни XIX – XX аср бошларида янада жадаллашган эди. Улар Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларига асосан тирикчилик важдан иш қидириб келган эдилар. Уларнинг аксарияти кейинчалик водийда турғун бўлиб қолганлар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, жуда кўплаб тоғлик тожиклар Қўқон хонлиги кўшинида хизмат қилгандилар. Ниёз Муҳаммаднинг «Тарих-и-Шохрухий» асарида ёзилишича XIX аср бошларида Қўқон ҳукмдори Олимхон ташкил этган янги кўшин таркибида 6 мингдан зиёдроқ тоғлик тожиклар жангларда иштироқ қилган. Кўчиб келган Қоратегин тожиклари асосан водийнинг жанубий ҳудудларига, Матчоҳ тожиклари эса ҳозирги замон Сўғд вилояти ҳудудига ўрнашиб қолган эдилар.

XVII аср биринчи ярмига келиб Фарғона ўзбеклари сони қипчоқлар ҳисобига янада ўсган, шунга қадар келган қисми бўлса бу ерда мустаҳкам ўрнашиб қолган. Бошқирдларнинг кичик бир гуруҳи «бачқир» номида қипчоқлар билан келиб Қўқон атрофида жойлашган. Қипчоқларнинг ўлмас ва элатон уруғлари ҳам XVII – XVIII асрларда водийга кўчиб келганлар. Ўзбеклар, қозоқлар ва ўзга туркий этнослар таркибида бу уруғларнинг номи учрамайди. Шуниям алоҳида таъкидлаш керакки, кўчиб келган аҳоли асосан шаҳарларга қирмай, фақат қишлоқ жойларига келиб ўрнашганди.

1917 йилда Фарғона водийси ҳудудида фақат қипчоқлар яшайдиган 84 қишлоқ мавжуд бўлиб, бевосита Наманган вилояти ҳудудида улар Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшоота, Норин, Ғова ҳавзаларида жойлашган 27 қишлоқда истикомат қилган эдилар.

XVIII асрдаги харобгарчилик, бошбошдоқлик ҳамда сиёсий заифлашув оқибатида Бухоро, Самарканд аҳолисининг бир қисми тинчроқ жойларга, шу жумладан Фарғона водийсига кўчганлар.

Бевосита жунғорлар (қалмоқлар) боскинидан кейин Сирдарёнинг кўйи ва ўрта оқими ҳудудларидан қорақалпоқларнинг дастлабки гуруҳи келганди. Уларнинг Фарғона водийсига миграцияси XVIII асрда ҳам давом этиб, XIX асрнинг бошларида ўз якунига етган. Қорақалпоқлар Марказий Фарғонанинг чўл қисмини эгаллаган эдилар. Бу ерлар кейинчалик Қорақалпоқ чўли деб номланганди. Қорақалпоқ деган ном, бундан ташқари, топоним сифатида ҳам мустаҳкам ўрнашиб қолганлигидан ўзингизам яхши хабардорсиз.

XIX аср охири – XX аср бошларида водийнинг аҳолиси ўзга ҳудудлар ва хориждан кўчиб келган этнослар ҳисобига ўсиб борган. Қашқарликлар миллий-озодлик ҳаракати бостирилиши ва Шарқий Туркистон (Қашқар) ҳудуди Цин империяси томонидан истило этилиши натижасида Фарғонага уйғур ва дунганларнинг катта бир гуруҳи кўчиб келганди. 1913 йилга келиб водийсидаги уйғурлар сони 52094 нафарни ташкил этганди. Ч. Валихонов XIX асрнинг ўрталаридаёқ Фарғонада 300 минг уйғурлар яшаганлиги хусусида ёзганди. С. Губаева аҳолининг таркибида уйғурларнинг сони камайиб кетишини уларнинг аста-секин ўзбеклашиб бориши жараёни билан бевосита боғлаган ҳолда тадқиқ қилган эди.

Марказий Осиёнинг ҳудуди Россия кўшинлари томонидан истило этилганидан кейин бизнинг ўлкамизга руслар, украинлар, Волга бўйи татарлари, арман, озарбайжонлар ва бошқа этнослар вакиллари кўплаб кўчиб келиши жараёни яққол кузатилган эди.

Ҳозирги даврда эса Фарғона водийси аҳолиси асосан ўзбек, тожиклар, қирғизлардан иборатдир, қолган турли-туман этнослар вакиллари салмоғи эса унчалик ҳам катта эмаслигини биласиз.

Шундай қилиб, кейинги даврдаги тарихий, археологик ва антропологик тадқиқотлар Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийси бир неча минг йиллар мобайнида жуда мураккаб этник жараёнлар – турли-туман этносларнинг ўзаро аралашуви макони бўлиб келганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, тагин алоҳида таъкидлашимиз зарурки, барча тарихий даврларда маҳаллий халқ нуфус жиҳатидан мигрантлардан, яъни ҳудудга ҳар хил сабаблар туфайли кўчиб келиб ўрнашган этнослардан устунрок бўлган.

Ўзбек халқининг шаклланишида муҳим ўрин тутган, Карим Шониёзов талқини бўйича уч тарихий давр Фарғона водийсига

хам тааллуқли: I. Мил. авв. III – I асрлар (Академик Ахмадали Аскаронинг талкини бўйича эса биринчи давр бронза давридан бошланган); II. IX – X асрлар; III. XV аср охири – XVI аср бошлари. Сўнги даврда ушбу ҳудудга келган ўзбеклар маҳаллий аҳолига ўзининг номини, этнонимини берганди. Бирок, маҳаллий аҳолининг генетикаси, яъни насли айтарли даражада ўзгармаган. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти таъбири билан айтилганда: «Бизнинг аجدодимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги бўлса ўтроқ маданият шароитида қотган».

Мураккаб этник жараёнлар туфайли турли муносабатларга киришган этник гуруҳларга таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири этносларнинг ўзига хос менталитети, маданий ва маънавий савияси ҳисобланишини ўзингиз ҳам ўта яхши биласиз. Фарғона водийси аҳолисининг, халқининг келиб чиқиш асосиниям қадим даврлардан айнан мана шу ҳудудда яшаб келган этнослар ташкил этади. Курраи Заминда фақатгина ягона этнодан ташкил топган давлатни топиш анча мушкул вазифа, аслида мумкин ҳам эмас.

Ҳар бир мамлакатда турли-туман этнослар вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир этноснинг умумий манфаатлари билан бирга ўзининг муқаддас қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирларига зид келиб қолиши ёхуд уйғун бўлиши ҳам мумкин. Бу жараёнда эса муайян мамлакатда амалга ошириладиган миллий сиёсат беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Этногенез ҳамда этник тарих муаммоси ечилишида ҳозирги даврда Марказий Осиёдаги давлатлар томонидан муваффақиятли тарзда амалга ошириладиган миллий сиёсат ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай фаолият юритаётган давлат полиэтниклиги, яъни, унинг кўп миллатли эканлиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасидаги ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган ва босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён мавжуд бўлишини назарда тутди. Айни вақтда «Туркистон – умумий уйимиз» ғояси асосида барча давлатлар томонидан ягона – муштарак умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилиши миллатлараро тотувликка эришиш борасида янгидан-янги ёрқин ва ибратли саҳифаларни очиб бермоқда...

МУНДАРИЖА

<i>Ахсикент – «Фаргона шаҳарларининг онаси».....</i>	<i>4</i>
<i>«Авесто»да тиббиёт ва замон муаммолари.....</i>	<i>109</i>
<i>Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг шонли саҳифаси.....</i>	<i>132</i>
<i>Истиқлол истеҳкоми: истибдод интиҳосидан истиқбол ибтидосигача.....</i>	<i>203</i>
<i>Башариятнинг барқарорлиги баёноти.....</i>	<i>291</i>
<i>Абадиятга муҳрланган эҳтиром.....</i>	<i>347</i>
<i>Дунёда болам, деб яшайди ўзбек.....</i>	<i>369</i>
<i>Эътиқод эркинлиги ва қонун устуворлиги.....</i>	<i>468</i>
<i>Фаргона этник тарихи хусусида айрим мулоҳазалар.....</i>	<i>529</i>

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ «ИБРАТ» АХБОРОТ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ДАМ ОЛИШ ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахтиёр ИСОҚОВ

ТАРИХ – ТАРБИЯ ТАЯНЧИ

*Ташиқлот, корхона, ўқув муассасаларида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар, таълим-
тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун
услубий қўлланма*

Мухаррир: НамДУ доценти – Анваржон Эрқўзиёв.
Бадий муҳаррирлар: Фарход Исоқов, Бехзод Исоқов.
Дизайнер-рассом: Миркомил Усмонов
Мусахҳихлар: Феруза Исакова, Дилдора Исоқова.
Саҳифаловчилар: Наргиза Исоқова, Комила Қаямова.

Теришга берилди 10. 09. 2019. Босишга руҳсат этилди 23. 10. 2019.
Бичими 84x108. Ҳажми 34,5 босма табоқ.
Адади 350 нусха. Буюртма №77
Китоб бепул тарқатилади.

«Vodiy Media» нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36- уй.
Тел.: (+99893) 408-59-00 e-mail: vodiymedia@inbox.ru

Нашриёт лицензия рақами А1-285
2016 йил 4 ноябрда берилган

«Яшин sanoat» хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Наманган шаҳри, Ҳамроҳ кўчаси 71а-уй.

ерга қадалган кўзларида исён учкунлари йилтиллаётганлигини ҳам кўриб-билиб ҳамда сезиб турар эдилар. Тақик ва таъқибларга карамай, мардикорлар орасида маълум бир даражадаги тарғибот ишлари ҳам йўлга қўйилган эди. Масалан, 1917 йил 14 январида Харьков шаҳридаги Гельферих-Заде корхонасида ишлаб турган наманганлик ишчиларнинг ётоғига иккита номаълум шахс келиб, ўзларини биз ҳам мусулмонмиз деб таништирганлар ҳамда улар билан мулоқот ва муносабатга киришиб, ўз ватанига бир амаллаб қайтиб ёки қочиб кетиш масаласи ҳақида суҳбатлашган эдилар.

Мардикорларнинг норозилиги кучайганини ҳисобга олган чор ҳукумати амалдорларга 1916 йилнинг 28 декабрида ишга буткул яроқсиз бўлиб қолган касалманд ишчиларни ўзларининг уйларига қайтариб юборишга рухсат берганди. Қўл-оёқларини совуқ олган, зотилжам, майиб-мажруҳ мардикорлар ўзларининг ўликлари ўзга тупроқда қолиб кетмаганлигига минг марталаб шукрлар қилиб, ота юртларига тирик қолганлари, бир амаллаб қайтиб келганлар.

Маъмурият мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, мардикорлардаги ғазабнок кайфиятни ҳисобга олиб, аста-секинлик билан бўлса-да, уларнинг талабларини қисман инobatга ола бошлаган. Масалан, ишчилар ҳақида хиёнат қилган баъзи юзбошилар мавжудлиги ва, агар улар тагин шундай ишни қилсалар, оддий ишчи даражасига туширилиши ёхуд дарҳол қамоққа олиниши тўғрисидаги буйруқ барча мардикорларга ўқиб эшиттирилган эди. Мусулмонларнинг диний байрами – Мавлуди набийни ўтказишлари учун уларнинг ишдан озод бўлиши хусусида ҳам махсус буйруқ берилган эди. 1916 йил 23 декабрда кечкурун ва 24 декабрь кун бўйи улар ибодат билан машғул бўлгандилар. Улар ибодатни ҳам юқоридан берилган кўрсатма асосида ўтказишга мажбур бўлган эдилар. Бу маросимда «Император ҳазрати олийлари тинчлиги ва салтанат ғанимлари тез орада кунпаякун бўлишини роса тилаб илтижолар» қилинган, лекин, «ихтиёрий-мажбурий», яъни чин кўнгиллардан чиқмаган бу тилак, турган гапки, Яратганга ҳам бориб етмаган.

1917 йилнинг 27 февралда бутун салтанатнинг худудида «Николай қонхўр» номини олган Россиянинг сўнгги императори ҳам тахтдан ағдариб ташланди. Туркистонда кўтарилган 1916 йил кўзғолони чор ҳукуматининг илдизига болта урган омиллардан



Бахтиёр Робиiddинович ИСОҚОВ

1958 йилда Янгиқўрғон тумани Паромон қишлоғида таваллуд топган. 1980 йилда ТошДУ (ЎЗМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган. 1986 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 330дан зиёд илмий, илмий-услубий ҳамда 730дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган.

Унинг «Этнография амалиёти», «Бунёдкор ғоялар», «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра!», «Жамият тараққиётининг асоси», «Зиёлилик масъулияти», «Тараққиётнинг қудратли қаноти», «Анъаналарни абадиятга айлантирган айём», «Бош қомусимиз – ор-номусимиз», «Навруз – мустақиллик берган неъмат», «Сарбаланд сиймоларнинг соҳир сабоқлари», «Башариятнинг боқий байрами», «Маънавият – тараққиёт мезони», «Мустақиллик – муазам масъулият», «Тараққиётнинг табаррук тимсоллари», «Хурриятнинг ҳуқуқий ҳимоячиси», «Оила – жамиятнинг юраги», «Ўқинг: ибратли ривоятлар» сингари 20дан зиёд китоблари, уқув ва услубий қўлланмалари, рисоалари чоп этилган.

2001 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони ва 2003 йилда «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган.

ISBN 978-9943-5917-8-3



9 789943 591783